

ГДБ 2
89
4-93


Жумтоз
адабиёт
манбалари
лугати

Ўзбек филологияси
fakulteti
OQUV ZAL

1982
89
M-93

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус
таълим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

МУМТОЗ АДАБИЁТ МАНБАЛАРИ ЛУГАТИ



83.3(5)У

М86

Мумтоз адабиёт манбалари лугати / ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти; тузувчи В.Раҳмонов; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. - Т.: "MUMTOZ SO'Z", 2009. - 432 б.

I. Раҳмонов В., тузувчи.

ББК 83.3(5)я2

Ушбу лугат ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
ОТ-Ф8-152 рақамли гранти асосида тайёрланган.


Лойиҳа раҳбари:

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов

Тузувчи: В.Раҳмонов

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Ҳ.Болтабоев

Тақризчилар: ЎзРФА академиги А.Рустамов,
ф.ф.д., проф. Ҳ.Ҳомидий



ISBN 978-9943-363-63-2

© «MUMTOZ SO'Z», 2009

Сұзбоши

Үқув луғатлари үқувчи ва талабаларнинг тил ва адабиёт соҳасидаги зарурий билим манбаларидан бўлиб ҳисобланади. Луғат ҳозирги замон мумтоз адабий матннинг олтин очқичидир. Устага асбоб-ускуналар қай даражада зарур бўлса, үқувчи учун луғат шу даражада кераклидир.

Идрок ва тафаккурни ўстириш манбай ҳамиша адабий таълим экан, бунда луғатсиз йироққа бориб бўлмайди. Бизда луғатчилик қадимий тарихга эгадир. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари, Навоий асарлари учун тузилган маҳсус луғатлар “Абушқа”, “Бадоеъ ул-луғот”, “Луғоти Навоий”, Муҳаммад Ҳоккорнинг “Мунтаҳаб ул-луғот” асарлари, Порсо Шамсиевнинг 1952 йилда нашр этилган “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат”, 1972 йилдаги Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимов тузган “Алишер Навоий асарлари учун қисқача луғат”, 1983 йилда босилган Ваҳоб Раҳмоновнинг “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат” қўлланмаси луғатшунослар жамоаси томонидан тузилиб 1983-1985 йилларда босилган. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” номли тўрт жилдли луғат, Хосият Назарова тузган “Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат” (1972), профессор Фатҳиддин Исҳоқов тузган “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат” (Андижон 2007), Ботирбек Ҳасановнинг “Навоий асарлари учун қисқача луғат” (1993), Жавқон Лапасовнинг “Мумтоз адабий асарлар үқув лугати” (1994) қўлланмалари шулар жумласидандир.

Мақсад бадиий матнни идрок этиш, таъсирланиш ва нафосат туғуси ҳамда ақлий заковаг чашмасидан баҳраманд бўлиш экан үқувчи шундай учун луғат баббаравар зарур таълимий куролдир. Луғатсиз умуман адабиётдан, хусусан мумтоз адабиётдан баҳра олиш мумкин масдидир. Абдулмаоний Мирзо Абдулқодир Бедил бежиз уқтиргмаганлар:

Лайни юз донони бузган битта нодон шум эрур,
Англашилмас мисра гар бир сўз унда мавхум эрур.

Китобхон руҳияти шундайки, бир байтдан бир сўзни, бир газидан ўнта сўзни тушунолмаса, “бу китобни тушуниб бўлмас экан” деган хуносага келади. Луғат ана шу хато тасаввурни бартараф этишга кўмаклашиди.

Китобхонлик баҳти – луғатни ипидан игнасигача, ҳар бир сўзни түтири, теран идрок қила билишдадир. Бу жиҳатдан луғат бебаҳо ташкидидир. Ўрта асрларда донишмандларни бежиз фарҳангдон (луғат билиши) дейишмаган.

Луғат щундай бир сеҳрли қурратки, у ҳар қандай мураккаб матнни соддалаштиради, эски матнларни янгилайди – ташинавийлаштиради. Луғат ўзига хос беминнат таржимондир.

Ушбу лугатга сўзлик тузишида ўрта умумтаълим мактаб, коллеж, академик лицей ва гимназияларнинг адабиёт дарслерлари ва мажмуаларидан фойдаланилди. Лугатда муаллиф ва асарлар миқдорининг чекланганлиги ана шу ҳолат билан изоҳланади. Биз бу лугатдан нафақат ўкувчи, талаба ва ўқитувчилар, балки кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланаар деган маънода айрим сўзларнинг икки, уч, турт, ҳатто беш, олти маъноларигача изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Сўзлар тарихан ўзгарувчандирлар. Айрим сўзлар асрлар оша гоҳ эскиради, гоҳ тескари маъно касб этади; бизга шундокқина таниш сўз мутлақо бошқа маънони ифодалаган ҳолатлар оз эмас.

Чунончи, ўкувчи “яқин” сўзини “сал бўлмаса” ёки масофа қисқалиги маъносида тасаввур этади. Ҳолбуки бу сўз мумтоз адабиётда кўпроқ “аниқ, муқаррар” маъносида қўлланилади. “Аҳли яқин” бирикмаси “сўфийлар, авлиёлар” маъноларига молиқдир. Агар “тақсир” сўзи XIII-XIV асрларда “гуноҳкор” маъносида қўлланса, бугун биз “муҳтарам, азиз” маъноларида тушунамиз.

Лугат китобидан икки усулда фойдаланиш мумкин: биринчидан, бирор эскирган сўзни излаб, унинг лугати билиб олинади; иккинчидан, қунтли китобхон лугатни бошдан-оёқ, ўқиб чиқиб минглаб сўзлар маъносини бир ўқишидаёқ идрок этиб олади. Чунки лугат ёдлашдан кўра бу усуllар осондир. Сизга қийин кўринган, лугатталаб сўз матнда учраса бир ўқишидаёқ хотирага муҳрланади. Шунинг учун ҳам оддий лугатдан кўра ушбу мисолли, изоҳли лугатлар тил билишда муҳим аҳамият касб этадилар.

Лугат ўрганишнинг аҳамиятига келсак:

1. Умуман адабиёт, хусусан, мумтоз адабиётни тушуниш баҳти сизга насиб этади.

2. Сўз бойлигингиз кўпайиб, ақл-идрокингизни пешлаб оласиз.

3. Бадиий мисра ёки гап мазмунини бошқаларига қараганда аниқ ва теран идрок этасиз.

4. Сўзга нисбатан синчковлик кишида одамларга нисбатан синчиллик фазилатини ўстиради. Сўз таниган – эл танийди.

5. Иккинчи тилни ўзлаштиришингизни осонлаштиради.

6. Матн маъносидан завқ-шавқ туйишга ўрганасиз. Бу эса ҳақиқий китобхонлик баҳтиёрлигидир.

Лугат – сўз хазинаси, сўз хазинаси билим хазинасидир. Лугатдан фойдаланиш учун жорий алифбодаги сўзлар тартиби ва маълум ҳарфга тегишли сўзларнинг ички алифбо тартибини билиш керак бўлади.

Ваҳоб Раҳмонов

A

А – 1.Араб алифбосида “алиф” бўлиб, адабиётда қиз ёки йигит бўйи алифга ўхшатилади. Абжад ҳисобида алиф 1(бир) қийматига эга.

Нигоро, бори ғам бирла фақиру нотавон айлаб,

Алифдек қоматимни лом-алиф янглиф дуто қилдинг

(Хувайдо)

2.Суроқ кўмакчиси.

Ушишоқ эли қошларининг ёсиладир **а?**

Эҳёлиги ҳам лаълини анфосидадир **а?** (Аваз Ўтар)

Аб – ота, падар.

Отанг ою онанг хуршид эди эркинки, сен туғдунг,

Вале ҳусну латофатда не **аб** ўхшар санга, не ум

(“Бадое ул-васат”)

Абадан – абадий.

Абан ан жад – отадан-бобогача.

Абан ан **жадди** Андижон шаҳридин,

Эрур Янгиқўргон макону макин (Махмур)

Абас – бехуда, бефойда, бекор, нафсиз.

Айладим зоеъ йигитлик, қўси риҳлат етти, ҳайф,

Пур хатар водийда саргардон **абас** умр ўтти, ҳайф

(Муқимиј)

Абвоб – (бирлиги – **боб**) 1.Эшиклар; 2.Бўлаклар, боблар, кисмлар; 3.Мажозан: лаблар:

То жамолингдин кўзум маъюс ўлуб,

Кўрмак **абвоби** анга мадрус ўлуб (Мунис)

Араб тилининг сарфий истилоҳининг абвобида бир **бобдурки**, шина – муфоала от кўюбтурлар. (“Муҳокамат ул-лугатайн”)

Кўнгул кунжин қилиб ганжи маоний,

Оғиз **абвоби** савтидин ниҳони (“Фарҳод ва Ширин”)

Лабоби маоний – маъно боблари, маънолар эшиклари:

Манга чун етти бу давлат нишони,

Очилиди ҳар ён **абвоби маоний** (“Фарҳод ва Ширин”)

Абдол – дарвиш, қаландар, элдан чиққан авлиё.

Абжад – алифбе. “Абжад” сўзи эски ўзбек ёзувининг алифбесидаги а/алиф/, б/бе, ж/жим/ ва д/дол/ ҳарфларининг бирикувидан ҳосил бўлган. Абжад сирасида алифбо ҳарфларининг сон ифодалари: алиф – 1, бе – 2, жим – 3, дол – 4, ҳе (ҳойе ҳавваз) – 5, вов – 6, зе – 7, ҳе (ҳойе хутте) – 8, итқи – 9, ё – 10, коф – 20, лом – 30, мим – 40, нун – 50, син – 60, айн – 70, фе – 80, сод – 90, қоф – 100, ре – 200, шин – 300, те – 400, се – 500, ҳе – 600, зол – 700, зод – 800, изғи – 900, гайн – 1000.

Ҳам аввал кунда берди сарви гулхад,
Атоға ҳадяи таълими **абжад** (“Фарҳод ва Ширин”)

Абжад ўқур эл – алифбе ўқийдиган болалар:

Ўзин **абжад ўқур** элдин тутиб кам,
Дема донишки, зўри даст ила ҳам (“Фарҳод ва Ширин”)

Абёт – (бирлиги – **байтлар**) 1.Байтлар. 2.Шеърлар, шеърий асарлар.
...абёти адади йигирми беш мингга яқинлашибдур.

(“Мезон ул-авzon”)

Абид – (бирлиги – **абд** – қул) қуллар, бандалар.

Абир – ипор, анбар; тутатиладиган хушбуй моддалар қоришимаси:
...насойиҳнинг **абири** жон комига туркоз этди
(“Зарбулмасал”)

Абиросо – ипордек, абир каби, анбарсимон:

Сунбулин Лайли очибдур, ел **абиросо** эмас,
Дофини Мажнун қонатмиш, лолаи хумро эмас.

(“Фаройиб ус-сифар”)

Абкам – лол, гунг, соқов, тилсиз; товуш эшиитмайдиган ва сўзлай олмайдиган киши.

Навоий айтсун ўз дардиники, дард мени,
Қилибдур ул сифат **абкамки**, айта олмасмси (Навоий)

Абкор – (бирлиги – **бэкр**) тоза, оҳорли, янги, нозик нарсалар ёки қизлар.

...хилъати оройиш тикиб бу **абкор** қадларига солиб жилва бермак
(“Фарҳод ва Ширин”)

Абно – (бирлиги – ибн) фарзандлар, ўғиллар, болалар;
Гинди **абнойи замоннинг** ихтилофи табъидин,
Кимки ўз табъини бекасликка мұтод айлади. (Навоий)

Абнойи жинс – жинсдошлар, тенгдошлар, қариндош-уруғлар;
Аннинг **абнойи жинси** бүлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд (“Фарҳод ва Ширин”)

Абнойи замон – замон кишилари, замондошлар:
Гинди **абнойи замоннинг** ихтилофи табъидин,
Кимки ўз табъини бекасликка мұтод айлади. (Навоий)

Або – (бирлиги – аб – ота) оталар, ота-боболар. **Оли або** –
найғамбарларимиз хонадони вакиллари: Мұхаммад алайҳиссалом,
Биби Фотима, Али ибн Абу Толиб, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн.

Абр – булут. **Абри баҳорий** – баҳорги булут, ёғинли булут;
абри пайсон – ёмғирли булут.

Саводи назм анга **абри баҳори**,
Бўлуб эл бошиға гавҳарнисори (“Фарҳод ва Ширин”)

Истабон васлинг гулистонин ҳавоий бўлмасам,
Абри найсондек кўзум дурбор бўлгайму эди? (Навоий)

Абраш – 1.Ола-була от. 2.Қызил ола ёки қора ола тус.
Минса **абраш** ул қуёш куймай нетайким, Бобуро,
Мени куйдурмакка елдур маркаб, ўтдур рокиби (Бобур)

Абрешим – ипак. **Абрешимлик иш** – ипаклик мато. Ипак қурти
нилласидан олинадиган тола.

Яна Урганч элидин беадад мол,
Келибдур **абрешимлик иш** била шол (“Виставка хусусида”)

Абушқа – чол, эр, қари эр, мўйсафид.
Эй **абушқа**, қуёш жилвасидин маҳрум ва эй туюрлар
сипифидин маржум... (“Зарбулмасал”)

Аброр – яхши кишилар, покдомон одамлар:
Хайрати **аброр** кўруб зотини,
“Хайрат ул-аброр” дедим отини (“Хайрат ул-аброр”)

Абрў – қош. Киши юзидағи күзлар узра узалған қавссимон икки сертуқ йўл. **Камон абрў** – қоши камон, ёйсимон қошли:

Ишқ аро юз минг маломат ўқифа бўлдим нишон,

Бир камон абрўда тузлукдин нишоне топмадим (Навоий)

Абтар – абгор, ҳароб, юлуқ, хонавайрон.

Хонга арз айладиларким, лашкар

Қилдию бу мулк элини **абтар** (“Шайбонийнома”)

Авбош – бебош, саёқ, бадкор, безори, йўлтўсар, дайди.

2.Ҳазилкаш, қаттиқ ҳазиллар қилувчи.

Бир неча **авбош** бунда ҳукмронлиғ айласа,

Қолмағай, оре, на янглиғ меҳнату озора халқ (Аваз Ўтар)

Ўш **авбошининг** зарофати будурким, ҳар ким анда уйкуласа, ул шаҳжўйдин сув қўярлар (“Бобурнома”)

Авд – қайтиш, орқага йўл олиш; қайтмоқ:

Кўтардилар ани айлаб юз икром,

Қилиб **авд** урдилар Хисрав сари гом (“Фарҳод ва Ширин”)

Авж – 1.Осмон, кўк, фалак. 2.Махмур сатирасидаги қози Мұхаммад Ражабнинг лақаби. 3.Ҳар бир нарсанинг энг юқори қисми, усти. Тўқуз авж – тўққиз қават осмон.

Маоний баҳрига анфосидин мавж,

Ки ул мавж остига қолиб тўқуз **авж** (“Фарҳод ва Ширин”)

Гарчи мен қилдим тахаллус **Авж** ёлғондир ҳама,

Халқнинг остида қолган баҳти идборимни кўр (Махмур)

Ул зулфмудур икки кўзунг **авжида** ёхуд,

Гулзор ичида мушк сочар икки физола (Навоий)

Авзон – (бирлиги – **вазн**) 1.Вазнлар, шеърий ўлчов. 2.Оҳанг.

Шеър **авзонидин** ушбу вазндорким, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар... (“Мезону-л-авзон”)

Авалиё – (бирлиги – **валий**) каромат, башорат қила оладиган азизлар.

Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,
Кўлларида субҳаю бўйнида зуннор авлиё (Муқимий)

Авло — яхшироқ, афзалроқ, устунроқ; икки нарсани
қиёслаганда бирининг устунлиги.

Ўлмоқ **авло** санга каманд ичра,
Тирик ўлмоқ, валек банд ичра (“Сабъаи сайёр”)

Авлог — 1.Ов қилинадиган жой. 2.Хилват, бошқалар назари
тушмайдиган гўша.

Эрур Навишод ёз фасли басе ҳуш,
Ҳавоси хурраму **авлоги** дилкаш (“Гул ва Наврӯз”)

Авом — 1.Халойик, оддий кишилар. 2.Саводсиз, билимсиз одамлар.
Бири **авомдур**, бири хосдур, бири хосул хосдур
(“Маҳбубу-л-қулуб”)

Авомуннос — оддий халқ, омма.
Авомуннос ичра машҳурдур... (“Зарбулмасал”)

Авон — (бирлиги — **он**) 1.Вақтлар, пайтлар, замонлар:
Баҳор айёмидур доги йигитликнинг **авонидур**,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур (Бобур)

2.Девон бошлиқлари, давлат маҳкамаси бошлиғи, амалдор:
Ҳам эрур омили маҳсуси **авон** бирла авом,
Ческиб эл моли учун зулм била тифи ситам (Мунис)

3.Уй бекаси, эрли хотин. 4.Зўравон, ҳукмфармо:
Киши фарзан **авону** золим ўлса,
Ва лекин нуктадону олим ўлса (“Фарҳод ва Ширин”)

5.Миршаб, қаттиқ қўлли назоратчи.
Нақди жон истаб мени қўйнаса кофир кўзунг,
Неткамен бермайким ул турк мастедур **авон** (Навоий)

Авосат — (бирлиги — **авсат**) бирор замоннинг ўрталари.
Учинчи девонким, умр **авоситига** вазеъ бўлғон бадеъ нукотдур
“Баъдое ул-васат”қа мавсум бўлди (Навоий)

Анчаки — таҳт; шоҳ, хон, амир ёки сulton маҳкамасидаги маҳсус ўриндиқ.

Күёш лаъли чекиб тоғ узра авранг,
Фалакни субҳ қилди мармарий ранг (“Фарҳод ва Ширин”)

Авроқ – (бирлиги – варак) вараклар, саҳифалар.
Неча сабр **авроқи** ёзғай кўнглуму бир оҳ ила,
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай (Навоий)

“Панж ганж” **авроқиға** гавҳарпош рақами тортилиб эрди
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Авсоф – (бирлиги – **васф**) сифатлар, таърифлар, мақтovлар, васфлар.
Гул андоқ қолди бу **авсофдин** лол,
Ки бир дам ўзга бўлди ҳолдин ҳол (“Гул ва Наврӯз”)

Автон – (бирлиги – **ватан**) ватанлар, юртлар, мамлакатлар.
Лутфу эҳсон **автонида** фориғулбол бўлғайлар (“Вақфия”)

Авқот – (бирлиги – **вақт**) вақтлар, пайтлар, кунлар, айёмлар.
Авқоти кечмай – куни ўтмай, яъни тирикчиликни эплаёлмай
қийналиб...
...сафар қилмоқ икки ҳолатдин ташқари эмас: бири ватанда
авқоти кечмасдин сафар қилурлар... (“Зарбулмасал”)

Авқоф – (бирлиги – **вақф**) вақфлар. Масжид, мадраса ва шу
каби умум хайрли муассасалар учун маҳсус ажратилган
даромадли ер, мол-мулк ва бошқалар.

Егани ҳаққи етим, мадрасалар **авқофи**,
Буларнинг олдида бордур бўрининг инсофи (Турди)

Авҳом – (бирлиги – **ваҳм**) 1.Хаёллар, гумонлар, тасаввурлар.
2.Ваҳималар, қўрқувлар, ҳадиксирашлар.

Кимки ул **ваҳму** хаёли аро зотингни киурди,
Қилмади гайри хаёлот ила авҳом таманно (Навоий)

Адавот – (бирлиги – **адот**) асбоблар, қуроллар, воситалар.
...бори такаллуф ва танаъум ашё ва **адовоти** омода ва пайдо
 (“Бобурнома”)

Адад – сон, ҳисоб.

Тўрт юз эрди барчасига **адад**,
Ҳар бири ожизи ҳакими хирад (“Сабъи сайёр”)

Адаңсиз — сон-саноқсиз, ҳисобсиз, жуда күп.

Адаңсиз дарду ранжим саъб эконинму қилойин шарх,
Сифатқа рост келмас шавқум ошуби балосинму? (Навоий)

Адам — 1. Йүқ, йүқлик, номавжудлик. 2. Нобуд, мамот, ўлим.

3. Вайронлик, ҳалокат.

Кўзию зулғу оғзи фурқатида,
Фаляқ охир мени адам қилди (Бобур)

Булардан шаҳри Қубод рашқ айлаб, **адам** сари юзланди
("Зарбулмасал")

...бу муҳлиқ сўздин хоқоннинг руҳи фарҳоди бадан
Чинидин **адам** Юнониға юзлангани... ("Фарҳод ва Ширин")

Адамдир алиф — айнан: алиф йўқдир. Мажозан: илмдан ҳеч
парса йўқ.

Адаңдир алиф анда кўп излама,
Бу нархарни қози дебон сизлама (Махмур)

Адаш — номдош, ҳамном; икки кишининг бир номда бўлиши.

Адвор — (бирлиги — давр) 1. Айланишлар, даврлар; 2. Мусиқа илми.

Эй Навоий, дахл қилма, гар тилар эрсанг наво,
Ҳар неча хориж наво кўрсанг сипеҳр **адворини** (Навоий)

Илми **адвору** фанни мусиқи
Мендин ул илм аҳли таҳқиқи ("Сабъаи сайёр")

Аддую, вассалому нома тамом — дуо ва саломлар билан хат тугади.

Мухтасар бўлди топти сўз анжом,

Аддую, вассалому нома тамом ("Тўй")

Адён — (бирлиги — дин) динлар.

Мухбири содиқ шаҳиким қилди дину шаръни,
Бори **адён** носиқи андоқки мумкин эрди туз
("Маҳбубу-л-қулуб")

Адаб — адаб берувчи, тарбия қилувчи, мураббий; устоз, ёзувчи.

Не айб, телба кўнгулни қочурса носиҳлар,
Бўлурму тифлға рағбат **адиблар** сори (Навоий)

Адіб Аҳмад отим, адаб, панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум (Аҳмад Югнакий)

Адил – тенг, баравар, ўхшаш.

Подшоҳеким, анга йўқтур назир,
Не шарику, не **адилу**, не вазир (“Лисону-т-тайр”)

Адимул мисл – тенги йўқ, ўхшаши йўқ, ягона. **Адим** – йўқ;
мисл – ўхшаш, тенг.

Адим ул-мисл эрур икки жаҳонда,

Тенги йўқтур замину ҳам замонда (“Гул ва Наврӯз”)

Адл – инсоф, муруват, тўғрилик, адолат, одиллик, ҳаққонийлик.

Адл қулогила эшиш ҳолими,

Зулм қилур баски менга золими (“Танобчилар”)

Адлу дод – адолат ва инсоф; **дод** – арз тинглаб, чорасини кўрмоқ.

Эрур Жамшид уруғидин наждоди,

Фаридундин ҳам ортуқ **адлу доди** (“Гул ва Наврӯз”)

Адн – жаннат боғи.

Бўлуб Фархор жаннатдин намудор,

Биҳишли **аднтек** саҳроу гулзор (“Гул ва Наврӯз”)

Адно – тубан, паст, қуий. Бу сўз табақалар, узунлик ва шахсий сифатларга нисбатан кўпроқ қўлланилган.

Рутбада андоқ анга аъло мақом,

Ким бўлубон чарх анга **адно** мақом (“Ҳайрату-л-аброр”)

Адо – 1. Сўз, нутқ, сўзлашув тарзи.

Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,

Бирининг қайди, яна бирининг **адосинму** дейин? (Навоий)

2. Сўз олмоқ, гапирмоқ, фикр изҳор қилмоқ.

Чу ҳадсиз гарм бўлди сухбати хос,

Адо қилди вазири соҳиб ихлос (“Гул ва Наврӯз”)

3. Зориқмоқ.

Оч ўтина куйди анодин жудо,

Модарининг меҳрида эрди **адо** (“Зарбулмасал”)

4. Бажармоқ, ниҳоясига етказмоқ, тугалламоқ.
Шоҳ хизматини тузлук ила айлағил **адо**,
То икки жаҳонда бўлғасен комраво (“Муншаот”)

5. Шу сўзни ўзига тахаллус қилиб олган XIX аср шоири
Гурхўжа Султонхон.

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайнин Бойқаро? (Адо)

Адоқ – 1. Оёқ.

Қаро менг ол янгоқингқа ярошур,
Бошим дойим **адоқингқа** ярошур (Хоразмий)

2. Хоразмдаги бир шаҳарнинг номи.

Юз икки юзча киши бирла қазоқ,
Гаҳ ери Хоразм эди, гаҳ Адоқ (“Ҳайрату-л-аброр”)

3. Охир, ниҳоя, тугалиш.

Аду/адув – (кўплиги – **аъдо**) душман, ёв, ганим, хасм, рақиб.
Ғоғил ўлма, назардин итса **аду**,
Шамъ ўчурганда ел кўрунурму? (Навоий)

Кўргузуб ихлос ишига ихтисос,
Сени **адув** домидин айлай халос (“Ҳайрату-л-аброр”)

Адувбанд – ёвни банд этадиган, ёвтугар, душманни асир оладиган.
Кўн этти чу лутфу карам ошкор,
Леҳди: “К-эй **адувбанд**, ваҳщий шикор!..” (“Садди Искандарий”)

Адуваш – ёвсимон, душмансифат.
Ниҳони игна санчар ёрлардин,
Агувваш новакафганлар кўп ортуқ (Навоий)

Адҳам – қора тўриқ от.

Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,
Не **адҳам**, жардаи Шабдез рафтор (“Фарҳод ва Ширин”)

Аё – 1. Айтмоқ. **Аё билмай** – айттолмай.

Дами чиқмай маломатдин паришон,
Аё билмай ҳаётиндин пушаймон (“Гул ва Наврӯз”)

2. Эй, ҳой.

Аё, эй қун менгизлик, Муштари хол,
Кўз учи бирла боққинким, недур ҳол (“Гул ва Наврӯз”)

3. Аёри йўқ — аямайди.

Тошдин неш аёри йўқ ақраб,
Гарчи мундок демак ажаб сендин (“Зарбулмасал”)

Аёз — пойтахти Фазна бўлган йирик марказлашган давлат (XI аср) бошлиғи Султон Маҳмуд Фазнавийнинг суюкли қули, сўнгра энг яқин надими (сухбатдоши)нинг исми. Маҳмуд ва Аёз ҳақида кўплаб ҳикоя ва достонлар ёзилган.

Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзингни бил (“Зарбулмасал”)

Тут муғтанам ул ёрни, Бобурки, жаҳонда
Маҳмуд ким эди, не киши эрди Аёзи? (Бобур)

Аёл — 1. Хотин. 2. Оила, хонадон, фарзандлар, оила аъзолари.

Аҳлу аёли анинг бас эрди чўк,
Озуқидин кулбасида нарса йўқ (“Зарбулмасал”)

Аёлат — (кўплиги — аёлот) ҳукмронлик, идора қилиш, бошқармоқ.
Тобеи ҳукмим агар бўлса нетонг аҳли ишқ,
Мулки муҳаббат аро етти аёлат манга (Мунис)

Аён — маълум, равшан, кўриниб турган, очик, ошкор.

Афёр кўз олидау ул ёр аён йўқ
Фам хори кўнгул ичраю фамхор топилмас (Бобур)

Аёқ — 1. Оёқ.

Хиромин асру севармен, вале қўнгул ичра,
Аёқ чу кўйди, тилармен, кўтармагай қадамин (“Бадое ул-васат”)

2. Қадаҳ, пиёла, коса...

Бу ҳолатда хиромон бўлди соқий,
Маликзодаға етти давр аёқи (“Гул ва Наврӯз”)

3. Ниҳоя, охири, сўнги, интиҳо, тугалиш.

Бу хаёлинг келди беҳосил хаёл,
Балки боштин то аёқ ботил хаёл (Навоий)

- Ҳ**урмат-эътибор, муносабат, бориш-келиш.
Ҳазрат Хожанинг ҳам аёқлари арода эди (“Бобурнома”)
- Аёқдан тушмоқ** – ҳушдан кетмоқ.
Ёвуқ еткач аёқланди йироқтин,
Бўйин кўрган киши тушди аёқтин (“Гул ва Наврӯз”)
- Аёқтин бош билмай** – бош ва оёқни фарқ этолмайдиган (даражада масти).
Кечага тегру андоқ ичтилар май,
Ки ёттилар аёқдин бош билмай (“Гул ва Наврӯз”)
- Аёқланмоқ** – яёв бўлмоқ, (отдан тушиб) пиёда юрмоқ.
Ёвуқ еткач аёқланди йироқтин,
Бўйин кўрган киши тушди аёқтин (“Гул ва Наврӯз”)
- Аёқчи** – соқий, май қуйиб узатадиган киши.
Нажоте истасанг Мунисса ғамдин,
Лёқчи, тут анга ҳардам чоғирни (Мунис)
- Аёқчилик** – соқийлик, май қуйиб узатишлик.
Лёқчилик этиб ҳар сори ойин,
Личи май тутқали бир сабзи ширин (“Фарҳод ва Ширин”)
- Аёғ** – 1.Оёқ. 2.Қадаҳ, пиёла, коса сингари идишлар. 3.Нихоя, охир. 4.Ҳурмат-эътибор, муносабат, борди-келди.
Тоғ киби торт қаноат этаги ичра аёғ,
Даври фалакдин сенга бир курс агар шом етар (Навоий)
- Аёғин турдилар** – оёққа турдилар.
Лёғин турдилар барча саросар,
“Ким, эй шоҳи жаҳондори довар”... (“Гул ва Наврӯз”)
- Ажам** – Араблар тасаввурларича, Арабистондан бошқа ўлкалар.
Лининг замонида Ажам мулки иши заиф ва мутазалзил бўлди
(“Тарихи мулуки Ажам”)
- Аждар** – улкан калтакесак тарзида тасаввур қилинадиган ифсонавий махлук, аждаҳо.
Дрор кафчау афъиу жаъфарий,
Бўлуб ҳар бир ул ганжнинг аждари (“Садди Искандарий”)

Аждарваш — улкан ажда尔斯имон.

Танида ҳар сари мү бир синондек,

Синон йүқ, балки **аждарваш** йилондек (“Фарҳод ва Ширин”)

Мажозан: от:

Фано горига чун они киурди,

Анинг горига **аждарвашни** сурди (“Фарҳод ва Ширин”)

Аждаҳо/аждарҳо — шакли эчкиэмарсимон, оғзидан ўт уфурадиган баҳайбат афсонавий маҳлук.

...**аждаҳо** форға юзлангандек аждаҳо горига юзланиб, Афридун ганжини топмоғи.... (“Фарҳод ва Ширин”)

Хабар деб ранги ҳижрон оламидин,

Қарориб дашт **аждарҳо** дамидин (“Фарҳод ва Ширин”)

Аждаҳоваш — аждаҳосимон, аждаҳо каби.

Машаққат ғори ичра **аждаҳоваш**,

Маломат жомидин заҳри балокаш (“Фарҳод ва Ширин”)

Мажозан: от, ҳайвон.

Фарҳоднинг **аждаҳоваш** кўҳ пайкарига миниб...

(“Фарҳод ва Ширин”)

Аждаҳокуши — аждаҳо ўлдирадиган. **Аждаҳокушлик** — аждаҳо ўлдиришлик.

Фарҳоднинг аждаҳоваш кўҳпайкарига миниб **аждаҳокушлик** тифин чекиб... (“Фарҳод ва Ширин”)

Аждаҳопайкар — айнан: аждаҳо танли. Мажозан: от, ҳайвон.

Бўлуб ул ўйлаким шоҳи кавокиб,

Фалакваш **аждаҳопайкарға** рокиб (“Фарҳод ва Ширин”)

Ажз — ожизлик, кучсизлик, хорлик, нотавонлик.

Бу ишдин мезбонға **ажз** голиб,

Анинг кўнгли тилар ашёға толиб (“Фарҳод ва Ширин”)

Ажзо — (бирлиги — **жузъ**) 1.Парчалар, бўлаклар.

Тоғ пайкарин аёғ остига олмоқ ойиниари ва даشت **ажзосин** ҳавоға совурмоқ тамкинлари (“Маҳбубу-л-қулуб”)

2. Қоғоз, асар.

Фояташ хотирга кечтиким, бу муҳаққар **ажзода** таяммун ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шаммае сифатлари мастур бўлгай (“Бобурнома”)

3. Шоир, муаллиф.

Бу паришон **ажзорнингки**... ўтлуқ фарёдга солди... (“Фарҳод ва Ширин”)

Ажниҳа – (бирлиги – **жаноҳ**) қанотлар.

Ҳар бири бир **ажниҳа** товус бўлуб,
Донаи тасбиҳ анга маънус ўлуб (“Ҳайрату-л-аброр”)

Ажнос – (бирлиги – **жинс**) жинслар, турлар, хиллар, навлар.
Газмол.

Яна қирқ уй аро **ажноси** зебо,

Ҳар уйда қирқ тунг иксуну дебо (“Фарҳод ва Ширин”)

Ажуз – 1. Қари хотин, кампир. 2. Қишиш ва баҳор фасли туташган ўн кун – гоҳ серқор, гоҳ серёмғир кучли шамол эсадиган бир фасл. 3. Мажозан: кўхна дунё.

Кезиб тоғтилар бир йиғоч бўйла туз,

Ва лекин аниңг молики бир **ажуз** (“Садди Искандарий”)

...ижуз айёмининг қор ва ёмғири аниңг чорасига ҳайрон
ди. (“Зарбулмасал”)

Даҳр золига қўнгул бермаки, Рустамларни

Макр ила айлади ожиз бу ситамкора **ажуз** (Навоий)

Аз – *-дан* (чиқиши келишигининг қўшимчаси). **Аз ёд** – ёддан, хотирадан, эсдан.

Ҳаминким, Гул қилур таҳрир бунёд,

Кетар барчасининг билгани **аз ёд** (“Гул ва Наврӯз”)


Азал – энг қадим. **Азал деҳқони** – Аллоҳ.

Азод – зиддиятлар, муҳолифлар.

Ерсиз сайри чамандин менга зиндан яхшироқ,

Олами азодд әмас, бир-бирга халқи иттифоқ (Муқимий)

35026 17



Азим — йирик, катта, улкан, улуғ, буюк.

Үшал аснода ногоҳ бир нахри **азимға** дучор бўлдила...

(“Зарбулмасал”)

АЗМ — ният, қарор, бел боғламоқ.

Чунки фараҳ базмиға **АЗМ** айладинг,

Айшу тараб **азмиға** жазм айладинг (“Ҳайрату-л-аброр”)

Азимат — ният, қарор, киришмоқ, бошламоқ, юрмоқ.

Мен сувдин айласам **азимат** жазм,

Ул қуруғлик саридин айлаб азм... (“Сабъаи сайёр”)

Азо — аза, таъзия, ўлим маъракаси.

Тўй-тамошо **азога** айланди,

Билохир турди, куйдию ёнди (“Тўй”)

Азоби алим — дўзах азоби, даҳшатли азоб.

Ташқари эрди бори нозу наим,

Шаҳр ичиди эрди **азоби алим** (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Азокирдор — таъзия русуми, мотамга мос кийиниш.

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,

Оразин силли била аҳли **азокирдор** этар (Навоий)

Аз рӯи лутғ — марҳамат юзасидан, яхшилик юзидан, лутфан.

Зулм ҳарфидин бўлакни битмаган **аз рӯи лутғ**,

Хат чиқориб яхши, хуш имолигингдин доғмен (Муқимий)

Азҳор — (бирлиги — **захрат**) 1.Гуллар, чечаклар. 2.Дунёнинг гўзалликлари, безаклари, нағисликлари.

...Анинг эҳтишоми ҳадиқаси насаб гули ва фарзанд мевасидин ўзга жамиъ **азҳор** ва фавоқиҳ била музайян эрконин айтмоқ... (“Фарҳод ва Ширин”)

Айди — айтди, деди.

Анда Япалоқ **айди** (“Зарбулмасал”)

Айбгў— бироннинг айбини бошқаларга айтиб юрувчи киши. Айнан: айб айтувчи. Яъни чақимчи, биронларнинг нуқсонини ёювчи.

Улки санга элдин эрур **айбгў**,

Элга доғи сендин ўлур айбжў (Навоий)

Айн жү – бошқаларнинг камчиликларини қидирувчи, қора ниятли.
Лайбжү душманларим комига қылғунча асир,
Манга, эй тақдир, мақсудим будурким, йиғ ҳаёт! (Алмаий)

Айниши – айтиш, билдириш.
Наврӯз ўз сиррини Булбулға **айниши**.... (“Гул ва Наврӯз”)

Айном – кунлар. **Айёми хазон** – куз пайти, куз фасли.
Хашхаволиқ мунча бўлса онда **айёми хазон**,
Е! Раб, эркантур нечук фасли баҳори Тошканд?!
(Комил Хоразмий)

Айн – 1. Эски ўзбек ёзувидағи “а” ҳарфининг номи.
Е битибдур ийд **айни** ҳалқасини мунфаил,
Сабг этар чоғда Аторид ийднинг таҳниятин (Мунис)

2. Кўз, қурратул **айн** – кўз қорачифи. Мажозан: фарзанд.
Бирраъси вал **айн** (бош ва кўз устига) (“Зарбулмасал”)

Бизнинг қурратул **айнимиз** эр етибдур (“Зарбулмасал”)

3. Ҳикқиқий, ўзиники, ўзига мансуб.
Менинг иним Мирзохоннинг ва онаси Султон Нигорхоним-
нинг **айн** ва маъмур вилоятлари бор эди... (“Бобурнома”)

4. Булоқ, чашма. **Хизр айни** – обиҳаёт булоғи.
Хизринг **айни** ёшунмиш, қўқдин инмас Масих,
Нетсун ул мўъжиз бу дам ёқути серобиндадур (Навоий)

5. Манибай, асос.
Аниқал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Барчаға холиқ, барига **айн** ўзунг (Навоий)
Айн сўзининг моҳият, ўхшашлик, олтин, нуқул, соз,
муглиқо маънолари ҳам бордир.

Айни иноят – иноят кўзи.
Лайни иноятингдин ҳолимга қил назора,
Улмакдамен ғамингдин дардима айла чора (Мунис)

Анаш мафар – Қаёққа қочамиз? Паноҳ манзили қани?

Фавқи тароват келиб қилди сафоройлиқ,
Хайли бурудат бўлиб, қойими “айнул мафар” (Мунис)

Айру – айрим жудолик, бошқа-бошқа, алоҳида.
Кўрмон фараҳни бир дам агар андин **айрумен**,
Билмон аламни бормен анинг бирла то била (Бобур)

Айтот – (бирлиги – етим) етимлар.
Гар тиласан жоҳу иқболингни, эй шаҳ, мустадом,
Беваларни шод тут, **айтом** бошин сийпалаб (Мунис)

Айш – яхши, дориламон яшаш, тўқ ва шод бўлиш.
Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,
Хуш ул кишиким, **айш** ила ўтгай қишу ёзи (Бобур)

Акмал – 1. Камол эгаси, энг етуқ, билимдон, юксак маънавий камолот эгаси.

Улуми фанда Афлотундин афзал,
Камоли ақлу дониш бирла **акмал** (“Илм хосияти”)

2.XIX – аср Кўқон шоири Мулла Шермуҳаммаднинг адабий тахаллуси (шоир Маҳмуд Махмурнинг отаси).

Акнун – энди.
Мани бадбаҳт то зарбулмасал бўлдим табиблиқда,
Жаҳон борича **акнун** кўп ҳақоратларга лойиқман (Махмур)

Акобир – (бирлиги – акбар) улуғлар, буюклар, зодагонлар, мартабали шахслар.

Ҳафтада икки кунким, эшиқда **акобир** жамъ бўлурлар
("Муншаот")

Ал – қўл. Бу сўзнинг “эл, ил, илиг, илик” сингари шакллари ҳам бор.

Шарҳи ҳолим сўр, муродим вер, **алим** дут, фикрим эт,
Раҳм қил, давлатли сultonим, мурувват чоғидир (Фузулий)

Алайҳилаъна – айнан: унга лаънат, лаънатга созовор; **Намруд алайҳилаъна** – лаънати Намруд.

Ўн беш ёшимида ҳазрат Иброҳимни Намруд **алайҳилаъна**

манжиниққа солиб ўтға отарда бир поясини тутушқон мен
әрдим (“Зарбулмасал”)

Алак – бир нав мато, газмол.

Чит бирла бир ерда **алак**,
Бозори тору танг экан (“Саёхатнома”)

Аlam – 1.Фам, фусса, күргулик, азоб, изтироб, оғриқ, фам-андух.
Емонларга лутфу карам, яхшиларға мүжибу зарап ва **алам**
 (“Махбубу-л-кулуб”)

2. Байроқ, туғ, ялов.

Е тушуб қолди **алам** устидаги рахшанда наъл,
Чун нитунсор айлади хуршиди рахшон раъятин
 (“Қасидаи Ҳилолия”)

3. Белги, ном.

Яна бир сурудедурким, они турки дебтурлар ва бу лафз
шыға **алам** бўлубтур (“Мезону-л-авзон”)

Аламкаш – 1.Байроқдор, байроқбардор. 2.Фам-фусса тортувчи, жа-
фокаш. 3.XIX-асрда Жиззахда яшаб ижод этган шоир Убайдулла-
нинг адабий таҳаллуси. **Фалак сори аламкаш** – кўкка кўтарилиса.

Гард ўлса фалак сори **аламкаш**,
Бор эрди кўзига тўтиёваш (“Лайли ва Мажнун”)

Алам урмоқ – байроқ ўрнатмоқ, байроқ қадамоқ.

Водийи ғайратга қадам урмағон,
Кунгури ҳимматга **алам урмағон** (“Ҳайрату-л-аброр”)

Алар – 1.Улар.

Ким саволеким қилиб, топмай жавоб,
Шайхдин кўпроқ **аларда** изтироб (“Лисону-т-тайр”)

2. V (хурмат маъносида):

Чун **алар** кичик ёшдин фазойил ва камолот иктисобига авқот-
тириш сарф қилур эрмишлар... (“Холоти Сайид Ҳасан Ардашер”)

Алаф – ўт, кўкат, ўт-ўлан.

Бирисидин **алаф** баҳо кўтариб,
Сабзай умри айшдин кўкариб (“Сабъаи сайёр”)

Албиса – (бирлиги – либос) либослар, кийимлар.

Маъхудий албисадин мисли: дастор ва қалпоқ...

(“Муҳокамату-л-лугатайн”)

Албурз – Эльбрус тоғи.

Қилиб гар ҳамла Албурз узра бир гурз,

Бўлиб гарду чиқиб гардунга Албурз (“Фарҳод ва Ширин”)

Албурзкӯҳ – Эльбрус тоғи.

Қайқубод Албурзкӯҳда эрди... (“Тарихи мулуки Ажам”)

Алвон – (бирлиги - лавн) 1.Ранглар. 2.Хилма-хил, турли-туман, ҳар хил. 3.Кип-қизил.

Сориг, қизил алвон била хильятларинг, эй гул,
Раънолиғ эрур, улки либосингда аёндур (Навоий)

Бор эди қўп неъмати алвонлари,

Хурраму маъмур эди ҳайвонлари (“Зарбулмасал”)

Али – 1.Шахс исми. 2.Али ибн Абу Толиб – Муҳаммад с.а.в.нинг күёвлари Ҳазрати Алининг “Шоҳи мардон, Ҳайдар, Шери худо, Асадуллоҳ” сингари лақаблари бор:

Амирал мўъминин Али разияллоҳу анху (“Лисону-т-тайр”)

Алил – хаста, касал, бемор, нотавон, дардманд.

Кўнгул алил эса фориф эмас хавотирдин,

Жароҳат узра йифилмоқ эрур чибинга хос

(“Хамсату-л-мутаҳайирин”)

Алим – 1.Дардли, кучли, оғриқли, азобли, мاشаққатли:

Тан хок эса ҳасмдин, салим англа ани,

Зарбеки урап ҳабиб, алим англа ани (“Назму-л-жавоҳир”)

2.Дўзах, энг даҳшатли қийноқ:

Ташқари эрди бори нозу наим,

Шаҳр ичиди эрди азоби алим (“Юсуф ва Зулайҳо”)

3.Олим, доно, билимли.

Алиф – эски ўзбек (араб) алифбосининг биринчи ҳарфи.
Алиф абжад ҳисобига кўра “бир” қийматини ифодалайди.

Жонда құйдим чирмағон мактубини ҳижрон аро,
Билмон ул мактуб әрүр ёхуд **алифдүр** жон аро (“Муншаот”)

Мажозан: тиклик, хүшбичимлик маңноларини ифодалайди.
Еттігач, **алиф** қадин қилиб дол,
Мажнунни аёғын ўпти филқол (“Лайли ва Мажнун”)

Алиф бўйлуқ – қадди-қомати келишган.
Ул алиф бўйлуқ ойнинг ишқи,
Мени олам аlam қилди (Бобур)

Алкан – гунг, соқов, дудук; мажозан: лол.
Дўст зикрини гар этсам таътил,
Ўзга сўздин тилим алкан бўлсун (Мунис)

Аллом/аллома – жуда билағон, билимдон, катта олим, атоқли
жота; Алиюҳ Таоллоҳ.
Фотиҳадин хотимасиға дегинча оёти каломи малики **аллом**
била музайян (“Назму-л-жавоҳир”)

Амома бошида, сағид жомалар,
Хаёл айлагайсизки, **алломалар** (“Масковчи бой таърифида”)

Аллоф – ун ва фалла билан савдо құлувчи савдогар:
Утмакчи танури андин қызық, **аллоф** бозори андин иссиқ
(“Маҳбубу-л-кулуб”)

Не умид ул шаҳдин ұлғайким, әрүр навкарлари,
Сарбасар **аллофлар**, саллоҳлар, халложлар (Мунис)

Ал-мутахаллис – тахаллусли, тахаллус әгаси.
Алишер ал-**мутахаллис** бин Навоий мундоқ арз қилур...
(“Мұхқамату-л-лугатайн”)

Ало – 1.Тингла! Огох бўл! Ҳой! 2.Устига, -да... 3.Юксак, олий,
балаңд. 4.Ола, ола-була. 5. Ҳурмат, эътибор.

Ало, эй хусн ичинда моҳи Фарҳор,
Латтоғат ўрдусинда шоҳи Фарҳор! (“Гул ва Наврӯз”)

Сочиб лақаби жаҳон аро нур,
Зоти била нуран **ало-нур** (“Лайли ва Мажнун”)

Навоий ўлди, басе хору паст хас янглиғ,
Сенинг йўлингда эса бас анга бу иззу ало (“Фавойиду-л-кибар”)

Ботини халқ ичида эрди ало,
Зоҳири даҳр аро чифор ўлгай (Махмур)

Алов – “алаф” сўзининг бузилган шакли. 1.Ўт, кўкат, ўсимлик.
2.Ўт, олов.

Ишқи йўқ одам мисоли модагов,
Фикри-ёди еб-ичар обу алов (Самар Бону)

Алоиқ – алоқалар, муносабатлар, боғланишлар, бордикелдилар, мол-дунёга кўнгил боғлиқлиги.

Эй Навоий, файздин анфосим ўлмиш руҳбахш,
То Масиҳодек **алоиқ** зулматидин покмен. (Навоий)

Алоло – фавро, шовқин-сурон, қий-чув, тўполон.

Дайр аро тинди қулогим, роҳибо, зикринг бахайр,
Ким саҳар зикр айтудида кўп **алоло** қилди шайх (Навоий)

Аломат – 1.Бирор нарсадан дарак берувчи белги. 2.Қизиқ нарсалар, ғалати ҳодисалар.

Чу пайдо бўлди минг турлук **аломат**,
Этиб лоҳавл ўзин қилди маломат (“Гул ва Наврӯз”)

...аломати булуғ зоҳир бўлуб... (“Зарбулмасал”)

Аломот – (бирлиги – **аломат**) белгилар, ҳодисалар.

Туфулиятлари айёмидағи бу навъ осор ва **аломот** кўп манқулдор
 (“Хамсату-л-мутаҳайирин”)

Алохону аломун – хонавайрон, уй-жойидан жудо бўлган, хонумонсиз.

Фам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону **аломун** мендек (“Хамсату-л-мутаҳайирин”)

Алочук/алочуғ – чайла, қамиш ёки хас-хашакдан тикланган капа.

Бору йўқ уйларини банда баён гар қиласам,
Бир катақ, икки капа, уч **олачук**, тўрт каталак (Махмур)

Алоқа – 1.Белбоғ, рўмол. 2.Муносабат, боғланиш. 3.Салланинг юзга тушиб турадиган қисми (печ, фаш).

Алюқа барыға саросар ипак,
Цуру лаълу фируза мунчоғидак (“Садди Искандарий”)

Үл замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин боғлаб,
Алоқа құяр әдилар (“Бобурнома”)

Алсина – (бирлиги – **лисон**) тиіллар.

Сапову маджим этар әлга **алсина** тутулуб,
Изву қубхим этар әлга очилиб афвоқ (Мунис)

Аттоғ – (бирлиги – **лутф**) лутфлар, марҳаматлар,
Ихтиликлар, әзгуликлар.

Бұ дамким, гул қилур булбулга **аттоғ**,
Атойига ҳам әхсон вақти бўлди (Атойи)

Аттіф – минг.

“Алф лайла ва лайла” (“Минг бир кеча”)

Алфоз – (бирлиги – **лафз**) 1. Сүзлар, гаплар, жумлалар.
2. Гиперфуз. 3. Тил.

Үл нари таркида ақлим деди ёлғон **алфоз**,
Не ажаб, айтса девона паришон **алфоз** (Навоий)

Фисоҳат ичра **алфози** гүҳарrez,
Латифат ичра алқоби диловез (“Гул ва Наврӯз”)

Хүнарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонлиққа
Форсий **алфоз** била назм айттурға машғул бўлубдурлар
(“Муҳокамату-л-лугатайн”)

Нұқ ажаб, чунким араб **алфозида**
Нетилоҳ ичра муаннасдур қуёш (Навоий)

Альямон – нажот, қутулиш. Нажот сұраб ундаш: “Қутқаринг!”,
Нашохингда асра!”.

Таги булар яхшию, бизлар ёмон,
Он тамизидин ҳазар эт **альямон** (“Танобчилар”)

Алқизо – иттифоқо, тасодиған, кутилмаганда.
Алқизо, мирзо... ҳавлидин ташқари чиқар экандур...
("Бобурнома")

Алқисса — хуллас, охири, шундай қилиб, хулласи калом, қиссадан ҳисса.

Алқисса, Күркүш Кулонкир султон даргоҳига равона бўлуб...
("Зарбулмасал")

Солди **алқисса** эски дастурхон,
Кўйди сойил каби неча хил нон ("Тўй")

Алқоб — (бирлиги — лақаб) лақаблар, атамалар, тахаллуслар, номлар. **Лақаб** — кишини улуғлайдиган ёки камситадиган иккинчи ном.

Нозим ўлуб сўз дури серобиға,
Чарх Низомий ёзиб **алқобига** ("Хайрату-л-аброр")

Фасоҳат ичра алфози гуҳаррез,
Латофат ичра **алқоби** диловез ("Гул ва Наврӯз").

Алғараз — хулласи калом, мақсад шуки, натижаси, ниҳоят.
Алғараз, Кордон айди... ("Зарбулмасал")

Алҳон — (бирлиги — лаҳн) ёқимли овозлар, хонишлар, қуш сайрашлари, қушлар хониши.

Муғанийларга булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъ **алҳон** вақти бўлди (Атоий)

Муғаний дардмандона ғазалхон,
Тузуб булбул навою қумри — **алҳон** ("Гул ва Наврӯз")

Амал — 1.Фаолият, иш кўрмоқ, қилғилик.

...биз сенинг-ўқ қавлунг била **амал** қилиб, руҳингни азобдин қутқарурбиз... ("Тарихи мулуки Ажам")

2.Жанг, ҳарб.

...муборизони шужоъ ва олоти **амал** этиб, Айниядин сұрабди...
("Зарбулмасал")

3.Амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ этмоқ.

Эмдики илм ўлди **амал** айлагил (Навоий)

4.Умид, орзу, тилак, истак.

Дебонким, чун жаҳоннинг йўқ вафоси,
Омас маҳкам амал қасри асоси (“Фарҳод ва Ширин”)

5. Күй, оҳанг.

Майлоно Соҳиб Балхий... ўз ғазалларини ўз **амалларига**
боғлабдур (“Мажолису-н-нафоис”)

6. Визифа, маъмурий хизмат, мансаб.

Амалга боқмаки бебаҳри фазл эрур яксон,
Фузайл Бармакий ўлсун, вагар Фузайл Аёз
(“Фаройибу-с-сигар”)

Амали – енгил-елпи, омонат, қўл учида қилинган.

Ҳукмидур жумла либосию ишидур **амали**,
Сузидур бетагу фармуну нишони жаали (Турди)

Амалий – тажрибавий, тажрибага оид, амалиёт.

Шеър ва муаммо бобида илмий ва **амалийсида** Паҳлавон соҳиб
иуқуф... эди (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”)

Амвож – (бирлиги – **мавж**) мавжлар, тўлқинлар.

Қатраям ночиз, аммо зоти қулзум Турдиман,
Келтуран **амвожга** баҳри талотум Турдиман (Турди)

Амвол – (бирлиги – **мол**) бойлик, мол-дунё, орттирилган
мол-мулк.

Кемаларни қироқға боғлаб руст,
Халқу **амволини** чиқорди дуруст (“Сабъаи сайёр”)

Амвот – (бирлиги – **маййит**) ўликлар, марҳумлар, мурдалар.

Ўлукка жонфизо нутқинг била то нафҳи руҳ этдинг,
Сифотинг зубдаи **амвот** аро Исо мақол эрмиш (Мунис)

Амин – 1. Вакил, мутасадди.

Мен вазирни ўз тарафимдин мамлакат ва раиятга **амин**
ниб қўймишмен (“Ҳафт пайкар”)

? Омонатни сақловчи киши; омонат ишонилган шахс.

Оре, амонат сўзга **амин** бўлмоқ яхшилар шеваси турур
(“Зарбулмасал”)

3. Тинч, хавф-хатарсиз, дориламон (жой).

Мундоқ совуқ қор чопқунда ажаб иссиқ ва **амин** ва фарогатлиқ ерга келдук (“Бобурнома”)

4. Күйи маъмурий мансаб.

Олур гоҳ мулло ўзин, гоҳ **амин**,

Вале билмагай сұхбати хонабин (“Зарбулмасал”)

Амини маҳзани роз — күнгил сирлари мутасаддиси, маҳрам, юрак сирлари ишонилған киши.

Күз очти чун **амини маҳзани роз**,

Аларни қилди сұрмоқ бирла эъзоз (“Фарҳод ва Ширин”)

Амир — 1. Шоҳ, хон, давлат бошлиғи. 2. Вазир, бек. 3. Қўқон хони (1809-1822) Умархоннинг адабий тахаллуси.

Мовароуннаҳрда **Амир** Умархон турган Ургут, Работ, Пўшоғур, Хайробод (“Зарбулмасал”)

Сен амиру ҳар қулунгдур бир жаҳонгири замон,

Хасм торожига қўзғолсунму ё қўзғолмасун? (Муқимий)

Амиқ — чуқур, теран.

Бу баҳри **амиқ** жавоҳирларин тамошо қилмоқ керак

(“Зарбулмасал”)

Амлок — (бирлиги — **мулк**) ер-мулклар.

Ҳам авқофи садр **амлок** этиб,

Вале кўпрагин май учун ток этиб (Навоий)

Амома — салла, эрлар бошга чирмаб ўрайдиган мато.

Амома бошида, сафид жомалар,

Хаёл айлагайсизки алломалар (“Максовчи бой таърифида”)

Аморий, иморий — кажава. Туяда киши ўтиришига мосланитирилған маҳсус ўриндиқ.

Борғил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас,

Жўнгким, Лайли **аморийсин** чекар ҳомун аро (Навоий)

Амр — (кўплиги — **умур**) 1. Иш, юмуш, ҳаракат. **Амри хайр** — яхши иш, хайрли иш.

Амри хайр сұзларини подшоқ бирла қызниң отаси сұзлаштылар
("Зарбулмасал")

Күроб ҳар дам **амре** бағоят ажиб,
Ани тортибон әлтур әрди насиб ("Садди Искандарий")

2. Буйруқ, қонун, кодекс.

Ва яна тұрт **амри** шаръий бирла: бири булким, бейжозати шаръи чүкүб кетмагайсиз... ("Зарбулмасал").

3. Буйруқ.

Қачонким бұлди ҳоким **амри** бирлан ибтидо сайлов,
Амалдор аҳли бошиға бўлиб келди бало сайлов (Муқимиј).

4. Шахс исми.

Риштаи тазвир ўлуб ўзига қайд,
Тек ародә мужрим ўлуб **Амру** Зайд ("Ҳайрату-л-аброр").

Амтор – (бирлиги – матар) ёғинлар, ёмғирлар.

Ҳар неча **амторким** тушти қуруғлиғ аро,
Дона кўкарди, ёғоч сабз бўлур сарбасар (Мунис)

Анбар – хушбўй моддалар аралашмасидан тайёрланган тимқора модда.

Анбардан тутатқи сифатида фойдаланилади. Унинг тутуни уйга хушбўй ҳид таратади.

Ҳусни ортар юзда зулфин **анбар** афшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач (Навоий)

Анбарин – анбар ҳидли, тим қора тусли.

Агар жонингга қасд этса узун кун,
Сочим еткурса эрди **анбарин** тун ("Фарҳод ва Ширин")

Анбарбор – анбар ёғдирувчи, хушбўй ҳид таратувчи.

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдига ханжар,
Белига зулфи **анбарборидин** мушкин таноб айлаб (Навоий)

Анбарбор зулф – анбар ҳиди анқийдиган гажак.

Қосидо, кўнглум қуши банд әрди, айғил зинҳор,
Ишқилибким зулфи **анбарборидин** айрилмасун (Муқимиј)

Анбоз – 1.Шерик, жуфт.

Гар хасм жафосидин сарандоз ўлғунг,
Доим таабу аламға **анбоз** ўлғунг (“Назму-л-жавоҳир”)

2.Тенг, мисол.

Жонни юз минг пора қилди, дилбарим, нозинг сенинг,
Ўлдуродур, куйдуродур, йўқдур **анбозинг** сенинг (Машраб)

3.Ҳамдам, биргалиқда юрувчи, йўлдош.

Гаҳи қаър ичра болиқ бирла дамсоз,
Гаҳи мавж устида кун бирла **анбоз** (“Гул ва Наврӯз”)

Анбӯҳ – 1.Кўп, чексиз, ҳисобсиз. 2.Йигин, гуруҳ, тўп. 3.Тўла,
лиммо-лим.

Икав ул меҳнати **анбӯҳ** бирла,
Басе йиғлаштилар андуҳ бирла (“Фарҳод ва Ширин”)

Анвар – энг нурли, энг порлоқ, сернур, жуда ёруғ.

Агарчи паст иқболи била Вайсий дегай шаб-рӯз,
Фалак тоқида меҳри **анварни** мақсадға еткурғил
(Уайсий)

Анвор – (бирлиги – нур) нурлар, шуълалар, равшанликлар.

Ки меҳр этгач аён тоғ узра **анвор**,
Чиқай тоғ узра мен ҳам Кўҳканвор (“Фарҳод ва Ширин”)

Анвоз - (бирлиги-навъ) навлар, хиллар, турлар, ҳар турли,
ҳар хил.

Етилур бас латиф **анвойи** неъмат,
Келиб қиласа бўлур турлук майшат (“Гул ва Наврӯз”)

Сабза, раёҳин, **анвои** гуллар, чечаклар касратидин...
мунаққаш кўрунур эрди (“Зарбулмасал”)

Ангабин/ангубин – бол, асал, асалари тайёрлайдиган ширинлик.

Қошида чин, кўзида кину **ангабин** лабида,
Сўзида заҳр ва лекин тилида дармондур (Бобур)

Ангиз – 1.Қасд, кин, хусумат:

Тиги адоварни бори тез этиб,
Борча хусуматларин **ангиз** этиб (“Юсуф ва Зулайхо”)

2. Бонламоқ, күрсатмоқ.

Шипитинг бұлғай охирким, замона

Не ўйин ангез қылди тоибона (“Гул ва Наврўз”)

3. Құзғатувчи, уйғотувчи, гиж-гижлатувчи.

...бу навъ шүр ва фитна **ангиз** ва бунёдига әхтимом айлади

(“Бобурнома”)

4. Фитна, бош-бошдоқлик.

Аймоқни ўзига күшса баъзи шарир ва муфаттинлар яна

не **ангизлар** қылур эканлар (“Бобурнома”)

5. Каби, симон тушунчаларни ҳам ифодалайди

Анда – 1. Үша ерда.

Узун сочингдин узмасмен күнгүлни,

Ләғинг қанда бўлса, бошим **анда** (Атойи)

2. У чоқ, шу вакт, үшандада.

Анда Чәён: “Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур” деб
сөнгтүштнинг орқасига минди (“Зарбулмасал”)

3. Унда маъносида ҳам қўлланилади.

Андак – оз-оз.

Андак –андак йигилгуси бисёр,

Дона-дона ўқулгуси анбор (Саъдий Шерозий)

Андалиб – 1. Булбул.

Ҳажр осеби хазонида бўлиб шўридаҳол,

Андалибе мен каби гулзоридин айрилмасун (Муқимиий)

2. Қорамозилик туркман шоири Нурмуҳаммаднинг таҳаллуси.

Исмим эрур Нурмуҳаммад Фариб,

Сўзда таҳаллусим эди **Андалиб** (Андалиб)

Андарз – 1. Васият. 2. Панд-насиҳат.

Ясат кўйингда қабримни, гар ўлсам,

Сенга, эй ёр, мендин будур **андарз** (Мунис)

Андиша – 1. Фам, ғамгинлик, хафалик.

Рубобу уду мусиқору танбур,
Күнгүллардин қилиб **андышани** дур (“Гул ва Наврӯз”)

2. Мажозан: фалокат, кўргулик.
Сочин бир-бир титиб, тўнин қилиб чок,
Бошина сочди бу **андешадин** хок (“Гул ва Наврӯз”)
 3. Ҳадиксираш, хавф, қўрқув, эҳтиёт.
Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх, не **андешаси** (“Ҳайрат ул-аброр”)
- Андом** — 1.Юз, важоҳат, башара. 2.Жасад, жусса, гавда, тан.
Узолғон тоғдек **андоми онинг**,
Вале йўқ селдек ороми онинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Андуҳ — ғам, қайфу, алам, ҳасрат, мунг.
Кеттилар бошларин олиб бу гуруҳ,
Кўз аро ашку жон аро **андуҳ** (“Сабъаи сайёр”)

Анжом — ниҳоя, тугалланиш, охирига етмоқ.
Китобат бошладим, **анжома** етгай,
“Мұхаббатнома” Мисру Шома етгай (“Мұхаббатнома”)

Анжум — (бирлиги — **нужум**) юлдузлар, сайёralар.
Анжумсипоҳ — лашкари юлдуздек кўп.
Кўрди тикилган эрди бир боргоҳ,
Боргаҳи хисрави **анжумсипоҳ** (“Зарбулмасал”)

Анжуман — йифин, мажлис, тўй, зиёфат, кўп кишилар
йигилган жой.
Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул ўёттин **анжуманда** (Атойи)

Анис — дўст, улфат, ҳамдам.
Комил не тонг огаҳ эса сўз камолидин,
Доим **аниси** Рожий ила Огаҳий эрур. (Комил Хоразмий)

Анкабут — ўргимчак.
Бўлуб горига ҳар дун **анкабути**,
Бир устурлоби гардун **анкабути** (“Фарҳод ва Ширин”)

Ано — 1.Она, волида. 2.Азоб-уқубат, мاشаққат, қийинчилик, мадорсизлик.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа **ано** бошиға (“Хайрату-л-аброр”)

Мараз — сиҳат била бўлгай мубаддал,
Ано — қувват ила бўлгай мубаддал (“Фарҳод ва Ширин”)

Аносир — унсурлар, моддалар.

Бу қудрат рўзгоринг тебратишга,
Аносир илкидин файрат эрур фарз (Дилшод Барно)

Ансаб — муносиброк, ўринлироқ.

Келтурунг дафъи жунунумга парихон, йўқ табиб,
Ким ул **ансабдур** пари ҳар кимни шайдо айласа (Навоий)

Анфос — (бирлиги — **нафас**) нафаслар, дамлар, ўпкага олинадиган ва ўпқадан чиқариладиган ҳаво.

Маоний баҳрига **анфосидин** мавж,
Ки ул мавж остиға қолиб тўкуз авж (“Фарҳод ва Ширин”)

Анқариб — жуда яқин.

Гар менинг ишқимга ҳуснунгдин вафое етмади,
Йўқ сенинг ҳуснунг менинг ишқим нишони **анқариб** (Навоий)

Анқо — Афсонавий қуш. Гўё у қушларнинг шоҳи бўлиб, Қоф тоғида яшармиш.

Эй карамдин даргаҳингда айлаган ҳар хасни кас,
Фаҳр этар **анқоя** лутфингдин назар топган магас (Муқимиј)

Аоди — (бирлиги — **аду**) душманлар, ёвлар, фанимлар.

Аоди хайлини кўрқутмоқ эрди,
Алардин ўзни солим тутмоқ эрди (“Фарҳод ва Ширин”)

Ардавоний — Эрон шоҳларидан бўлган Ардавонга хос, ирдавонлар тутадиган.

Қиличлар барча ўткур исфиҳоний,
Ики дамлик пичоқлар **ардавоний** (Фурқат)

Арж —эътибор, қадр-қиммат.

Аржман — азиз, иззатли, шарафли, мұғытабар, ақлли.

Санга мулкунгда бұлмоқ үлса майл,
Лек фарзанди **аржман** Сұхайл... (“Сабъаи сайёр”)

Оlam ичра гар бұлай десанг азизу **аржман**,

Айлама Комил киби жуз зилли Субхондин тамаъ

(Комил Хоразмий)

Арз — 1.Истак, мақсад, роз.

Арзимни айдим боди сабоға,

Шояд гапургай ул гул қабоға (Муқимий)

2.Айтмоқ, демоқ, билдиримоқ. 3.Масофа, кенглик, йўл:

Жаҳду суръат аро тай алаб арз,

Ҳолатим айласанг Сұхайлга арз (“Сабъаи сайёр”)

3.Қадр, баҳо. 4.Мол, мато.

Баҳо жонимғадур гарди самандинг,

Бу жавҳарға йўқ ўзга қиймату арз (Мунис)

5.Ер, ер шари.

Айлаганда розининг ганжини арз,

Не само алаб қабул они, не арз (Навоий)

Ари — 1.Тоза, покиза. 2.Чақадиган ҳашарот.

Агар сен гулсен, ул ойдин аридур,

Вагар ҳурсен, ул худ паридур (“Гул ва Наврӯз”)

Арк — хон, амир маҳкамаси, турар жойи, саройи; Давлат бошқарув маҳкамалари ўрнашган макон.

Олами сел агар тутса, баландтур жойим,

Арк ичин маҳкам этиб айладим ўзумга ётоқ (Турди)

Аркон — (бирлиги — **рунн**) 1.Сутунлар, таянчлар. 2.Мажозан: зодагонлар, амалдорлар, беклар, аркони давлат. 3.Аruz вазнидаги туроқлар.

...бизни **аркони** давлат аросида кичкина қўрдингизму?

(“Зарбулмасал”)

Бу **аркон** сувратта секкиздур (“Бобурнома”)

Аррос — ариллаш, эшакнинг ҳанграши.

Бир эшакдурки, тағофул юзидин,
Қилғай изҳор паёпай **аррос** (Навоий)

Арса — майдон, сатҳ, ер юзи, шахмат тахтаси.

Агарчи **арса** холи қолса мутлақ,
Тутарму анда шаҳ ўрнини байдақ (“Фарҳод ва Ширин”)

Арус — Келин, қаллиғ. **Оши арус** — келин тушириш тўйининг они.

Бу не навмидлиқдур, мактаб очсак оқибат бизни
Аруси ком ила мақсадга домод этгуси мактаб (Аваз Ўтар)

Арчи — “гарчи” сўзининг қисқарған шакли.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен **арчи** даҳр боғидин хазон япрогидек бордим (Бобур)

Артубон — 1.Қизил, алвон. 2.Япроғи қизғиш бир хил дараҳт.

Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чехрасидин **артубонидур** (Бобур)

Асад — 1.Арслон, ўулбарс. 2.Ўн икки буржлардан бирининг номи.

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк **асадидек** далер (“Ҳайрат ул-аброр”)

Асар — осор, белги, нишона, из. Диққат асар — зеҳнли, моҳир зийрак.

Нечукким мунда мустаҳсан хунар кўп,
Хунар ойинида диққат **асар** кўп (Фурқат)

Асно — пайт, замон, вақт, замон ораси, муддат, лаҳза.

...шул **аснода** бир Ҳудхуд йўлуқти... (“Зарбулмасал”)

Асноф — (бирлиги — синф) синфлар, турлар, хиллар, тўдалар, гуруҳлар, табақалар.

...давлатмандлар **аснофида** мумсик беор (“Зарбулмасал”)

Асо — ҳасса, таёқ, эшқак ўрнида ишлатиладиган таёқ.

Риё баҳри ичра тамаъ заврақин,
Солибтур **асодин** тутуб хода шайх (Навоий)

**Жисми уйин айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асодин сутун (“Ҳайрату-л-аброр”)**

Асом – (бирлиги – исм) исмлар, номлар, атамалар.
Яна анга ўхшаш кўп дарсхона,
Фаромуш ўлди кўнглумдин **асоми** (Фурқат)

Асоси боло қиёс – нисбатан юксак поя, юқори марғабали киши қасри.
Кўрқуш бу **асоси боло қиёсни** кўруб ... киролмай ўлтурууб қолди. (“Зарбулмасал”)

Асп – от. Миниладиган улов. **Ду аспа** – икки от билан.
Кўйиб ҳар қофила ўз мулкина юз,
Ду **аспа** илгари тушти қуловуз (“Гул ва Наврӯз”)

Аср – кундуз соат тўрт-бешлар. 2. Замон, вақт.
Ғўдайиб турмай беринглар бир бақар, хоҳ бир мири,
Аср қичқирғон хурусадек бемаҳал девонаман (Муқимий)

Аспа – 1. Ягона, сара, якка, нодир. 2. Асрагин. 3. Асло, ҳеч.
Буқун йўқтур сен ойтек кўкта **аспа**,
Кулунг бечора Хоразмийни **аспа**.

Асрор – 1. Сирлар. 2. Асрайди.
Банда алар бирла гирифтор эдим,
Борчасидин воқифи **асрор** эдим (“Юсуф ва Зулайхо”)

Асрү, усрү – жуда, роса, беҳад.
Даъват этиб **асрү** фаровон бу кун,
Қилди ямон-яхшини меҳмон бу кун (“Ҳайрату-л-аброр”)

Астагфируллоҳ – Аллоҳ гуноҳимни кечирсин.
Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим,
Вафо, **астагфируллоҳ**, қилғон эрмишмен хато асеру (Навоий)

Асфал – энг паст, энг тубан, қуйи, пастки.
...олами боло ва **асфалинг** орасида кўб фарқ содир бўлур
("Зарбулмасал")

Асфаласофил – энг қуйи даража, энг пастки ўрин. Мажозан:
дўзахнинг энг чукур еттинчи табақаси – еттинчи дўзах.

Қозиликда жамъ қилған пулни савдо айласам,
Асфаласофил деган даврида бозоримни күр (Махмур)

Асҳоб – (бирлиги – соҳиб) сұхбатдошлар, дұстлар, улфатлар.
Асҳоби кибор – улуғ сұхбатдошлар.

Сайр қылсақ, ҳар баҳор айёми сахрою жабал,
Чун зиёрат этмак **асҳоби** кибор истар күнгүл (Фурқат)

Ато – ота. 1.Ота, падар. 2.Совға, тортиқ.

Бошни фидо айла **ато** қошиға,
Жисмни қыл садқа ано бошиға (“Хайрат ул-аброр”)

Атбо – тобеълар, қарамлар, мулозимлар.

Не шаҳдинки **атбои** хушнуд әмас,
Пушаймонлиғи иш чоги суд әмас (“Садди Искандарий”)

Аттор – 1.Атир-упа, турли хүшбүй нарсалар билан савдо қыладиган савдогар. 2.“Мантиқ ут-тайр” достонининг муаллифи Фариуддин Атторнинг адабий таҳаллуси.

Қишлоқ бетамизи бир игна олса құшиб,
Тант растасига киргай **аттор**, ароба курсин (Муқимиј)

Атфол – (бирлиги – тифл) болалар, ёшлар, ўсмиirlар.

Тош ураг **атфол** мени, уйида фориғ үл пари,
Телбалардек қичкуурмен ҳар замон тошдин яна (Бобур)

Афганда – тубан, паст, назардан қолған, йиқик, бечорақол.

Бил муниким, сен дөғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу **афгандасен** (“Хайрат ул-аброр”)

Афгор – (бирлиги – фигор) мажрух, жароҳатли, эзилған, қийналған.

Афлок кажрафттор учун,
Ҳар дам күнгүл **афгор** учун... (“Саёҳатнома”)

Афзор – 1.Асбоб-ускуна, восита, қурол. 2.Мурч, қалампир сингари дориворлар. 3.Иш жойи.

Чу холи айлади **афзордин** эл,
Равон хоро кесарга боғлади бел (“Фарҳод ва Ширин”)

Афзун – ортиқ, күп, зиёда.

Улки бу янглиф сұзи мавзун эди,
Мендан анинг ҳиммати **афзун** эди (“Хайрату-л-аброр”)

Афлок – (бирлиги – фалак) фалаклар, коинот, осмон, борлик.
Афлок қажраftор учун,
Хар дам күнгүл афгор учун (“Саёхатнома”)

Афрұз – 1.Күйдирувчи. 2.Ёритувчи, равшан қылуvчи, яшнатувчи.
Мажлис афрұз – йиғинни қызитувчи.

Рафель айттурким: “Мен Наврұзнингмен,
Бу зебо моҳи меҳр **афрұзнингмен**” (“Гул ва Наврұз”)

Агар сұз жона пайдо қилмаса сұз,
Ани сұз демагил, эй мажлис **афрұз** (“Зарбулмасал”)

Афсан – 1.Тож, шоҳона кулоҳ. 2.Мажозан: бошлиқ, раҳбар.
Бошда гар йўқтур жалолат гавҳаридин **афсане**,
Ёнима басдур мазаллат туфрогидин бистаре (Бобур)

Афсунга тул бермоқ – афсунни чўзмоқ, фирибомуз гапларни
кўплаб сотмоқ, афсона айтишини узайтиш.
Ул шайхки, минбар уза **афсунга берур тул**,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук фул (Навоий)

Афсурда – эзилган, қийналган, сўлғин, руҳсизланган.
Эй булбули шўрида,
Токай дили **афсурда** (Муқимиy)

Афтода – ийқилган, тушган, мубтало бўлган, муккасидан кетган.
Ёруелиқ эмас мумкин андинки, бор,
Залолат тариқида **афтода** шайх (Навоий)

Афтону хезон – ийқила-қўпа, ийқилиб туриб.
Аёқдин бош қилиб **афтону хезон**,
Борур эрди ўз-ўзидин турезон (“Гул ва Наврұз”)

Афцион – 1.Сочмоқ, садқа қилмоқ. 2.Китобларга зарҳал ёки
анбар сочмоқ.
Ба ҳар мажлиски қилса нақш пардоз,
Қилур Наврұз жон **афционлиқ оғоз** (“Гул ва Наврұз”)

Афъи – заҳарли илон.

Гаждуму **афъио** бий, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мўру малаҳ, бўрию даррандалари (Муқимий)

Афъол – (бирлиги – феъл) феъл-авторлар, қилиқлар, ишлар,
қилмишлар.

...мумсиклар **афъоли** анга мақбул ва марғуб тушубдур.
(“Зарбулмасал”)

Афғон – 1.Фифон, нола қилмоқ, фарёд этиш; товуш чиқариб
йиғлаш. 2.Куш сайраши.

Тортиб **афғон**, оҳ уриб ҳижронда Бобур, йигласанг,
Навҳа тузгай базми фам аҳли бу зеру бам била (Бобур)

Қилай нола боқиб гулдек юзунгга,
Чу булбулларга **афғон** вақти бўлди (Атойи)

Ахгар – лахча, чўғ. Ёнган ўтин ёки кўмирнинг ўз шакли ва
рангини йўқотиб алвон тусга киргани, ловуллаган пайти.

Солиб **аҳгар** аро борин қизитти,
Неча афзор қилди чун эритти (“Фарҳод ва Ширин”)

Ахз – 1.Тортиб олмоқ, ўзлаштирмоқ. 2.Олмоқ. Эвазига олмоқ.

Ахзи моли ҳаром коми ўлуб,
Бўйла ком истабон ҳароми ўлуб (“Сабъай сайёр”)

Тожир олиб ул сифат нақди азиз,
Ахз этиб гаввос бир-икки пашиз (“Лисону-т-тайр”)

Ахзар – яшил.

Бўйига назм солғон ҳулла **аҳзар**,
Дема тўти, дегил Хизри паямбар (“Фарҳод ва Ширин”)

Ахтар – юлдуз. Осмон жисми, сайёра. **Саъди ахтар** – баҳт
юлдузи. Ахтари наҳс – баҳтсизликлар ёғдирувчи юлдуз.

Тутуб гавҳарлари яксар жаҳонни,
Нечукким хайли **ахтар** осмонни (“Фарҳод ва Ширин”)

Ашжор – (бирлити – шажар) дараҳтлар, дараҳт шоҳлари,
ниҳоллар.

...уш шажар раёхин фавокихи нужуму **аҳтар** (“Маҳбубу-л-қулуб”)

Ашк — күз ёш. **Лательгун ашк** — қонли күз ёши. **Ашки ол** — қизил күз ёш, яъни қонли күз ёши.

Эй муҳаббат, шуълаи ур дилғаким, тинмай куяй,
Қонлик **ашкимдин** либосимни қизил гулдек бўяй (Муқимиј)

Бу сўз кофирнишиндин шарафдур,
Анинг доғи мавзуни ал-атафдур (Навоий)

Ашраф — 1.Олтин пул. 2.Азиз, зодагон.

Бу сўзки оғаринишидин шарафдур,
Анинг доғи мавзуни ал-атафдур (Навоий)

Ашрафий — олтин пуллар.

Осиё новасидек рост этиб бўғзини,
Тўлдурууб **ашрафий**-ла деворини дарзини (Турди Фарогий)

Ашъор — (бирлиги — **шеър**) шеърлар, шеърий асарлар.

Ҳамдаму аҳбоблар машғули базму ижтимоъ,
Гаҳ ўқуб **ашъори** рангин, фаҳ қилиб рақсу самоъ (Муқимиј)

Аъзам — буюк, улуғ, катта, улкан.

Яна хоқони Чин элчилари ҳам,
Умоқдин ҳар бири хоқони **аъзам** (“Гул ва Наврӯз”)

Аъмо — кўр, ожиз, сўқир. Кўзи кўрмайдиган киши. Ботин аъмо-ички дунёси кўр, маънавий дунёси қашшоқ, нодон.

Кеттилар ҳасрат билан мардум йиғиб дунё, дариф,
Ҳирси ғафлат пардаси босиб, бўлиб **аъмо**, дариф (Муқимиј)

Аъроф — диний тушунча: дўзах билан жанинат орадигидаги макон, мутьадил иқлим.

Яман мулки қачонким бўлса ёбиз,
Бўлур **аърофтек** дунйида тенгсиз (“Гул ва Наврӯз”)

Аюр — айтади, дейди.

Китоб назм қилмоққа сабаб баён **аюр**. (“Муҳаббатнома”)

Ақал ҳукми адам — “Ниҳояпинг ҳукми йўқликдир”.

**Аларда ҳам уруш асбоби камдур,
Масалдурким: “Ақал ҳұмми адамдур” (Фурқат)**

Ақд – 1. Никоҳ, жуфтлашиш. 2. Бөглаш, туғищ, банд қилиш.
Эй болам, Мұтамир подшоҳ Айниә исмлик үғлиға ақд
қылғоли келибдур, не жавоб берурсан? (“Зарбулмасал”)

Ақиқ – алвон рангли құмматбаҳо тош.
Моңу бүгдею гуруч берким, шулар менга керак,
Хеч айтмасман **ақиқу** лаълу маржон бер менга (Гулханий)

Ақолим – (бирлиги – **иқлим**) иқлиmlар, минтақалар, зоналар. Эс-
ки географик түшүнчага күра: қытъалар. **Ақолими сабъа** – етти қытъа.
...Фарҳод жоми жаҳоннамода **ақолими сабъа** мамоликин
таксим қилиб, Сүкрот форин топқонидин йўл кўргузмак
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Ақраб – 1. Чаён. 2. Бурж (зодиақ)лардан бирининг номи.
...**ақрабнинг** муддаоси ниш урмоқдур... (“Зарбулмасал”)

Ақрабо – (бирлиги – **қарн**) яқынлар, қариндош-уруелар, яқин кишилар.
Оҳким, ҳолимни сўрмас ошнолардин бири,
Ошнолар, балки хешу **ақраболардин** бири (Муқимий)

Ақрон – (бирлиги – **қарин**) яқынлар, дўстлар, замондошлар,
тенгдошлар.
Ўтуб бир қарн, **акроним**, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини золим ҳаддидин озод кўргайсиз (Завқий)

Ақсо – энг узоқ қирғоқ, бирор ўлка ёки шаҳарнинг йироқ гўшаси.
Мақсади ақсо – энг юксак мақсад, олий ният.
Жаҳон йўқ, олами кубро, де они,
Жаҳонда мақсади **ақсо**, де они (“Фарҳод ва Ширин”)

Ақча – пул, маблағ.
Ақча қўлида икки-уч мўйсафид,
Дерки: – Бу назрингизу – бизлар мурид. (“Танобчилар”)

Арёп – (бирлиги – **ғайр**) 1. Файрлар, бошқалар, ўзгалар.
2. Ётлар, бегоналар. 3. Рақиб. 4. Душман, фаним.

Учраса **ағәр** агар құлмай назар бисмил қилиб,
Қонларидин күчаларни лолазор айлаб келинг (Муқимий)

Хар кимки чучук сүз әлга изҳор айлар,
Хар нечаки **ағәр** дуур, ёр айлар (Навоий)

Ахбоб – (бирлиги – ҳабиб) дүстлар, ёрлар, севимлилар.
Хүш бу маҳфилда тириклик улфату **аҳбоб** ила,
Үйнашиб, гоҳи табиатни қиласылар (Муқимий)

Аҳд – 1. Замон, давр. 2. Шарт, келишув. **Ҳакими аҳд** – давр олимі. **Хисрави аҳд** – замона шоҳи.

Етишгач тоғнинг домонасиға,
Ҳакими аҳд хилватхонасиға (“Фарҳод ва Ширин”)

Аҳzon – (бирлити – ҳузн) қайғулар, ғамлар, ҳасратлар, мунглар.
Майхона сори гузар, эй жон, құлма,
Ишрат уйини кулбаи **аҳzon** қиласы (Бобур)

Аҳли таҳаккum – 1. Ҳукм юритувчилар, зўравонлар.
Фуқаро бошиға етти бу қалин шум қуллар,
Ҳамдами шоҳ бўлиб **аҳли таҳаккum** бумлар (Турди)

Аҳсан – Яхши! Қойил! Қандингни ур!
Кўруб русиялар: “**Аҳсан!**” дедилар,
Мусулмондин ажаб бир фан, дедилар (Фурқат)

Б

Бадар айла – чиқариб ташла, улоқтири.
Эйки дилбар висолин истарсан,
Ўздин ўзлук юкин **бадар айла** (Мунис)

Бадбахт – баҳтсиз, баҳтиқора.
Некбаҳт кимдур ва **бадбахт** кимдур? (Саъдий Шерозий)

Бадбурут – хунук мўйловли, мўйлови тарвақайлаган.
Бордим шаҳардин Яккатут,
Баққоли дузди **бадбурут** (Муқимий)

Бадиҳа – махсус ўтириб узок ўйлаб ёзмасдан, бирданига оғзаки шеър түқиши санъати.

Букун тонгқа текин май нўш қилғил,

Бадиҳа бу ғазални гўш қилғил (“Муҳаббатнома”)

Бадомӯз – 1.Ёмон ўрганган. 2.Жудаям ўрганиб қолган.

Барчаси пораву ришватга ўлуб **бадомӯз**,

Халқ қўлиға тамаъ бирла тикиб доим кўз (Турди)

Бадраг – айнан: ёмон томир; асли паст, таги паст, зоти ёмон.

Кўрингизким, юрг иши топти на ерларга қарор,

Хон жилови ики **бадрагта** тегиб, бўлди иноқ (Турди)

Бадруд – қ. *Падруд* (тўғриси “падруд” – хайрлашув).

Бадсиришт – ёмон хулқи, хунук табиатли, асли ёмон.

На хорлик сенга зиштликдантур ва зиштлик **бадсириштликдантур** (“Зарбулмасал”)

Бадхў/бадхўй – феъли ёмон, ёмон феъл-атворли, хулқи хунук, тўнг, дағал, қўпол, баджаҳл.

Ўзгаларга хулқи хуш, аммо менга **бадхўйлар**,

Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар (Муқимий)

Мандин чу оху рам қилди **бадхў**,

Булким фаразгў тушди арога (Муқимий)

Бадҳол – аҳволи ёмонлашган, беҳол бўлган, ҳайратда лол қотган.

Вазир ул қадни кўргач лол бўлди,

Аёқдин туштию **бадҳол** бўлди (“Гул ва Наврўз”)

Баёз – 1.Оқ.

Яна бир равза ранги сарбасар нур,

Баёз ичра кириб, андоқки кофур. (“Фарҳод ва Ширин”)

2. Оққа кўчиришган китоб. 3.Турли лирик жанрдаги шеърлар тўплами.

Мавлононинг “Зафарнома” таржимасида ўн минг байтдин ортуқроқ маснавийси бор, **баёзга** ёзмоғони учун шуҳрат тутгиди (“Мажолису-н-нафоис”)

Бажсон – 1.Жоним билан, силқидилдан.

...ҳар муддао бўлса буюрсунлар, **бажон** қилурман
("Мунтакабу-т-таворих")

2.Жонидан тўйган, яшашдан безор бўлган (маънодоши. "жонга етмоқ").

Эл фифонимдин **бажону** мен бу жондин, эй ажал,
Қыл халос элнию мени жону афрон илгидин (Бобур)

Бажуз – ўзга, бошқа, бўлак. **Бажуз Наврӯз** – Наврӯздан бошқа...

Неча бир йўли ғофил қилмоқ ўзни,
Бажуз Наврӯз ким сўзлар бу сўзни? ("Гул ва Наврӯз")

Баззоз – газмол сотадиган киши, матофуруш.

Рахтки, **баззоз** териб ранг-ранг,
Атласи афлок киби танг-танг ("Ҳайрату-л-аброр")

Базиндон – айнан: зиндонга; зиндонга солинган, асир, қамалда қолган.

Халқ бу шаҳр ичра **базиндон** эди,
Меҳнат ўтидин бори бирён эди ("Юсуф ва Зулайхо")

Базл – баҳшиш, совға, тортиқ, ҳадия, инъом, туҳфа, армуғон.

Ҳам эҳсони лутфингдин обод ўлуб,
Ҳам инъоми **базлинг** била шод ўлуб (Огаҳий)

Шеър ул неъмат эрурким, ҳар неча **базл** этсалар,
Лаззати ортар, доги қадриға топмас нуқс роҳ (Мунис)

Базла – латифа, асқия, ўтқир сўз.

Фойдасиз қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир **базлаға** юз дирам ("Ҳайрату-л-аброр")

Базлаи ҳарзагўй – беҳуда вайсайдиган асқиячи.

Гаҳи толиби **базлаи ҳарзагўй**,
Гаҳи нозими назми берангү бўй (Махмур)

Базми каёний – Каёнийлар сулоласидаги подиоҳларга хос базм, шоҳона базм.

Анингдек кўрмайин **базми каёний**,
Юзидин бирча ҳам бермай нишони ("Фарҳод ва Ширин")

Базми хос — зодагонлар базми, антиқа базм.

Оху вовайло — сурудум, дарду ғам — ҳамсұхбатим,
Бода — ашким қони, ким күрди мунингдек **базми хос?**
(Бобур)

Базморо — базмни безайдиган, йифин күрки.

Базм аро, эй дүстлар, не майки, қон ичмак дуурп,
Соқие гар бўлмаса ул шўхи базморо киби (Бобур)

Базўр — қўп кучаниб, зўрлаб, зўрга.

Чиқиб ичларида ниҳон қотишиб,
Базўр қўйдилар ҳамсоялар босишиб (“Тўй”)

Байдак — шахматнинг пиёда донаси, пиёда.

Агарчи арса холи қолса мутлак,
Тутарму анда шоҳ ўрнини **байдак?** (“Фарҳод ва Ширин”)

Байт — 1.Уй, хона, қаср.

...Уйни араб “байт” дер (“Мезону-л-авзон”)

Тугангач равзадек ҳар **байти** маъмур,

Кераклик бўлса филмон анда ё хур (Фарҳод ва Ширин”)

2.Шеърнинг икки мисраси (кўплиги — **абёт**).

Бу икки **байт** бул руқъадиндор. (“Хамсату-л-мутаҳайирин”)

Байтул эҳzon, байтул ҳазан , байтул аҳzan — ғамхона, ғам-алам уйи.

Ўз диёридин адашган, Фурқатий девонаман,

Чуззи ҳар вайронадурман, **байтул эҳzonдин гапур** (Фурқат)

Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,

Букун Яъқубтек **байтул ҳазанда** (Атойи)

Байтулҳарам — Маккадаги Каъба зиёратгоҳи; Байтулҳарамни
Байтуллоҳ, Байтул муҳаррам, Каъбатуллоҳ ҳам дейдилар.

Туганди зеб аро Боги Эрамдек,

Қаю Боги Эрам, **Байтулҳарамдек** (“Фарҳод ва Ширин”)

Баковул — 1.Дастурхончи, бош ошпаз; шоҳ овқатини унинг
олдида татиб берувчи киши.

...Хиндустан эли **бакавулии** чошнигир дейдурлар
("Бобурнома")

2. Касб ёки вазифасига кўра лақаб.

Ташқаридин Ҳожа Пир **баковул** ва улуғ оғалар... келиб...
("Бобурнома")

Бакуллий — бутунлай, буткул, тамомила.

Бу кез бўлди ўлумга орзуманд,
Ҳаётиндин **бакуллий** узди пайванд ("Гул ва Наврӯз")

Бал — 1. "Балки" сўзининг қисқарган шакли.

Жунундин ақлкуш, **бал** дурдкаш ҳам,
Пари рухсора, **бал** девонаваш ҳам ("Фарҳод ва Ширин")

2. Ҳатто.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг —
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, **бал** олам била (Бобур)

3. Учун, -чун.

Бал кейнидин бўлди тутулмоқлифи,
Мумкин эмас ўлди кутулмоқлиги ("Зарбулмасал")

Баланда — тепалиқ, баландлик.

Боги Майдондин қўйироқ, **баландининг** устида Қулба
ўлангига мушриф бир чорбоғ солибтур... ("Бобурнома")

Балда — (кўплиги — билод) 1. Шаҳар.

Ақл чашми бирла боқсун зи басорат ўлса ким,
Балдаи маҳруси Хўқанд ичра обод Андижон (Фурқат)

2. Мамлакат.

Бир қамар сиймони кўрдум **балдаи** Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда (Фурқат)

Бале — ҳа, албаттга, шундай.

Ўшал рўзе: "Билурмусан мени?" деб айдинг, эй ёрим,
"**Бале**", — дедим, сени суйдим, балоға мубтало қилдинг
(Ҳувайдо)

Балиёт — (бирлиги — **балия**) балолар, озорлар, ранжлар,
маشاқатлар, фалокатлар, кўргуликлар, баҳтсизликлар.

Ки мұхлил үйл муроидин нечуксиз,
Балиёти зарурийдин нечуксиз? (“Фарҳод ва Ширин”)

Балия/балият – (күплиги – балиёт) бало, мاشаққат, қайғу, мусибат, ранж.

...ушбу **балия** била-үқ оламдин нақл қилди (“Бобурнома”)

Фамгусоримдур **балият** даштида оворалар,
Махрами розим ўлуб мотамсаролардин бири (Фурқат)

Балокаш – балолар мубталоси, эзилған, зулм құрган.
Аё дилбар, Ҳувайдодек **балокашни** әшикларда
Солиб құздин асиру бенаво, зору гадо қылдинг (Ҳувайдо)

Балошүр – балолар түгёни, фалокагларга бошлайдиган.
Яна боис буқим, ишқи **балошүр**,
Бир ўтдин айлаб әрди жонима зўр (“Фарҳод ва Ширин”)

Балогат – сўзамоллик камолоти, чуқур фикрларни гўзал ифодалаш санъати. Бу сўз тушунча сифатида камолга етиш, бўй етиш маъноларини англатади. Ўрта асрларда адабиётшунослик, стилистика ва риторика балоғат илми деб қаралган.

Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
Балоғатда бири айтиб дақойиқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Бам – тўлиқ ва йўғон овоз; тўлиқ ва йўғон соз, баланд оҳанг.
Тортиб афғон, оҳ уриб ҳижронда, Бобур, йиғлассанг,
Навҳа тузгай базми **фам** аҳли бу зеру **бам** била (Бобур)

Банд – 1.Бўғов, қўл – оёқни боғлайдиган арқон.
К-эй солибон ҳирс аёғингга **банд**,
Озу тамаъ бўйнунга боғлаб каманд (“Ҳайрату-л-аброр”)

2.Зиндон, қамоқ.
Ўлмоқ авло санга каманд ичра,
Тирик ўлмоқ валек **банд** ичра (“Сабъаи сайёр”)

3.Бўғин, аъзо, узв.
Ул пари куйида мен девонани **банд** айлангиз,
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз
(“Фаройибу-с-сифар”)

4. Түғон.

Султон (Маҳмуд) замонида уч-тўрт банд бор экандур, бир банд ушбу Фазни суйида... (“Бобурнома”)

Банда – 1.Қул.

Бил муниким, сен доти бир **бандасен**,
Кўпрагидин ожизу афгандасен (“Ҳайрату-л-аброр”)

2.Тан бермоқ, қойил қолмоқ, маънавий қулиқ

Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,
Банда бўлур Ҳотами Тойи санга (“Ҳайрату-л-аброр”)

3.Оддий деҳқон, қарол (“Зарбулмасал”)

Бориб деҳқончиликни қилди анда,
Тириклиқ айлади монанди **банда** (Фурқат)

4.Камина, мен.

Банда алар бирла гирифтор эдим,
Борчасидин воқифи асрор эдим (“Юсуф ва Зулайхо”)

5.Маҳлиё, мафтун.

...Бойўғлининг бир қизи бор эдики, меҳри ховарий юзига
банда эрди. (“Зарбулмасал”)

Бандазода – қулвачча, қул боласи, хизматкор фарзанди.

Сенга бўйдош беш-олти **бандазода**,
Тобуқчилар соғинишдин зиёда (“Гул ва Наврӯз”)

Банди – 1.Асир. 2.Қамоқдаги киши.

Улуста мустаҳқарни қилиб шод,
Ҳамул дам **бандиларни** қилди озод (“Гул ва Наврӯз”)

Бани – 1.Фарзанд, авлод, бола; бани одам – одам фарзанди.

Эй кўнгил, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Ихтилот этмак манга ёқмас **бани** одам била (Бобур)

2.Қабила, қавм, уруг: чунончи: Бани Омир, Бани Салим,
Бани Шайбон, Бани Истроил.

...улар **Бани** Салим уругига етушдилар (“Зарбулмасал”)

Банно – бинокор, қурувчи, иморат устаси.

Бийик тоқ устида устоди **банно**,

Күйида қылса хишт олмоқ таманно (“Фарҳод ва Ширин”)

Баногоҳ – тўсатдан, кутилмагандан, қўққисдан, беихтиёр.

Тушти **баногоҳ** анга Маймун қўзи,

Оқилу доно санаб ул дам ўзи (“Зарбулмасал”)

Баногўш – қулоқнинг остки юмшоқ эти, буни қулоқнинг қомати ҳам дейишиди.

Икки гавҳарким **баногўшунгдадур** анжум киби,

Хусн аро ойдек юзунг оллида тутмишлар чароф (Навоий)

Бар – 1.Ҳосил, мева.

Висол тухмини эктим, фироқ **бар** топтим,

Вафо ниҳолини тиктим, жафо самар топтим (Бобур)

2.-га жўналиш келишиги қўшимчаси маъносида.

Анинг фикринда кечгантек замона,

Кената отти ўқин **бар** нишона (“Гул ва Наврӯз”)

3.Тан, қомат, бадан.

Сабру ҳушу ақлу динимни олибдур, найлайнин,

Сарв қадде, гул руҳе, райҳон хате, насрин **баре** (Бобур)

4.Ер юзининг қуруқчилик қисми.

Наким оғоқ ародур баҳр ила **бар**,

Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар (Фурқат)

Бар азми хунрез – 1.Қон тўкиш пайида. 2.Қон тўкувчига қарши.

Ўзини яхши чирчимлаб юруб тез,

Каминалар боғлади **бар азми хунрез** (“Гул ва Наврӯз”)

Барафтод – қуламоқ, йиқилмоқ.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод бўлмас,

То нафсу ҳаво қасри **барафтод** бўлмас... (Навоий)

Барбат – ўрдаксимон шакли қадимги чолғу асбоби.

...руд, уд, даф, най., **барбат**, қонун, навозанда, созанда жамъ айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутди

(“Зарбулмасал”)

Барбатзан — барбат чолувчи созанда.

Бовужуди жамоли фитнафикан,
Бор эмиш хуш навою **барбатзан** (“Сабъаи сайёр”)

Барг — 1. Япроқ, гулбарг.

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроғни ипак құлур, чечак **баргини** бол (“Маҳбубу-л-қулуб”)

2. Кема, сафар яроғи.

Заруратки, ясаб сафар **баргини**,
Тушуб йұлға қылғай ватан таркини (Навойй)

3. Ҳосил, мева, самара.

Ёраб, ул барг насиб этки, Навойй топқай,
Боги тавхид гулу булбулдек **баргу** наво (“Бадоеву-л-васат”)

4. Мурод, мақсад. 5. Асбоб-ускуна. 6. Қувват, тоқат. 7. Қасд, ният.

Барга — баргли, япроқли. **Себарга** — уч япроқли, панж **барга** — беш гул баргли.

Шафтому гули ваязлиқ панж **барга** бўладур (“Бобурнома”)

Ҳаво ҳам мұтадил, ҳавзи мусаффо, суффаи дилкаш,
Оқар сув фалт уриб, **себарга** узра мавжзан бўлса (Фурқат)

Баргашта — орқага қайтган, тескари.

Бу офтоби толеи **баргашта** заррани,
Дарду бало ўқига сипаргашта заррани... (Муқимий)

Баргуствон /баргустувон — уруш уловига ёпиладиган ўқ, қилич, найза ўтмас ёпинчиқ.

Ало, то абри найсон зинда пили.
Кияр **баргуствон** чархи нилий (“Фарҳод ва Ширин”)

Барз — экин.

Эрур күнглумда ишқинг шавқи-ю оҳ,
Алардин ўзга йўқ бу кишт аро **барз** (Мунис)

Барзагар — дехқон. Экин экувчи.

Бари — 1. Ҳаммаси, барчаси. 2. Фориг, тоза, халос.

Жоху жалол аҳли сенингдек бари,
Ичкарию бору йўқи ташқари (“Ҳайрату-л-аброр”)

Барин – 1.Аъло, хулди барин – аъло жаннат.
Сенинг бирла тамуғ хулди **бариндур**,
Биҳиштим сенсизин таҳтус-сариудур (“Гул ва Наврӯз”)

2.Юксак, олий.
...чархи **барин** ажзосидин жаҳон дашти Мажнуналарини
минг балоға дастон қилиб сўзнома фифонга учратти... (“Фарҳод
ва Ширин”)

3.Сингари, каби, симон: мўри хаста барин-бетоб чумоли каби.
Тоат айларда мўри хаста **барин**,
Лек исён маҳалли шери нарин (“Сабъаи сайёр”)

4.Ишонмоқ, амин бўлмоқ.
Баъзи кўтаҳандишлар худ **барин** эдиларким... (“Бобурнома”)

Баркарон – бир чеккада, четда, холи.
“Ки эй фарзанд, ғамдин **баркарон** бўл,
Бу ишким коминг ўлмиш, комрон ўл (“Фарҳод ва Ширин”)

Барлос – 1.Ўзбек уруғларидан бири. 2.Лашқарбоши.
“**Барлос**”нинг маъноси сипоҳсолор темак бўлур, туркийси
черик бошлаб юрийтирған киши. (Абулғози)

Бармоқларина тиш бостиilar – бармоқларини тишлаб
қолдилар, яъни ҳайратда қолдилар.
Ажаб келди Адан мулкина бу иш,
Бари **бармоқларина бостиilar** тиш (“Гул ва Наврӯз”)

Баромади сўз – сўзнинг чиқиши, сўзнинг келиши, гапнинг
келиши, шунчаки.

Баромади сўз ўтганларнинг сўзини қилиб ўтдим (“Зарбулмасал”)

Барот – 1.Ёрлиқ, шоҳ маъмуриятига ёки аҳолига тегишли
хужжат.

Юртни бузди ҳавола била таклифоти,
Олди бу расми **барот** ила тасдиқоти (Турди)

2. Арз қилувчи киши арзи қондирилган қоғоз ёки озод қилинганилиги ҳақидаги хұжжат.

Матлабларим **баротига** бир нома ёзмадинг,
Жонсиз таним ҳаётига бир нома ёзмадинг (Муқими)

3. Ҳижрий календарга күра саккизинчи шаъбон ойининг ўртасидаги бир кун ҳам барот саналади ва у байрам қилинади.

Шаъбон ойининг ўртасидаким, **барот** бўлгай, ҳар куни...
("Вақфия")

Бароҳ – йўлга, йўлкирага, йўлда, йўл ҳаражатига.

Магар йўлда ул жиннийи рўсиёҳ,
Сотиб ҳажни харж айлаган ул **бароҳ** (Махмур)

Баруманд – 1. Баҳраманд, фойдаланувчи.

Бошиким тарк тожидин **баруманд**,
Бўлуб тожига гардун тутма монанд ("Фарҳод ва Ширин")

2. Ҳосилдор, мевали.

Нахлни деҳқонки, **баруманд** этиб,
Шохига юз мевани пайванд этиб ("Ҳайрату-л-аброр")

Бархурдор – баҳраманд.

Адаб кичик ёшлигларни улуғлар дуосига сазовор этар ва
дуо баракати била умрдин **бархурдор** ("Маҳбубу-л-кулуб")

Баръакс – аксинча, тескари, нотўғри.

Шоҳ ҳамбазми ўлуб хожасаролар била ёр,
Ҳукми **баръакс** суруб, бўлди ёмонлар сардор (Турди)

Барқ – чақин, яшин, чақмоқ.

Баҳор элга айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима **барқу** йиглаб саҳоб (Навоий)

Барқ осор – яшиндай.

Чу тегди ул хадангি **барқ осор**,
Йиқилди бу хаданг афкан нигунсор ("Фарҳод ва Ширин")

Барқпарвоз – яшиндай учадиган.

Ки егти ул бариди ҳомилий роз
Қўлинда бир буроқи барқпарвоз ("Фарҳод ва Ширин")

Барҳаман – бараҳман. Мусулмонлар тасаввурича бутга сифинувчи киши, оташпастлар ибодатхонасининг руҳонийси.

Ошиқ эрмасман юзингта якка бу Фарғонада,
Зоҳид истар қаъбаларда, **барҳаман** бутхонада (Муқимий)

Барҳамзан – барҳам берувчи, йўқ қилувчи.

Зинҳор аларни қилмагил озурда,
Оташдаму **барҳамзани** оламдурлар (Мунис)

Бас – 1. Жуда.”**Басе**” сўзининг қисқарган шакли:

Аҳлу аёли анинг **бас** эрди чўқ,
Озуқадин кулбасида нарса йўқ (“Зарбулмасал”)

2. Фақат, холос, кифоя.

Ётур ери, тӯшаги ер эрди **бас**,
Кунингча балиғ эти ер эди **бас** (“Гул ва Наврӯз”)

3. Демак, хўш.

Хайру шар бўлмаса тақдирдин айру, эй шайх,
Бас Навоийга гуноҳ айлагонидин не гуноҳ? (Навоий)

4. Бўлди қилмоқ, тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ.

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтуур, маънида сўз,
Дурри маъни истар эрсанг, айлағил гуфтор **бас**
(“Бадоев-л-васат”)

Басалла – саллали, салладор, яъни мулла.

Етти одамни ўз маҳалласидан,
Қорни тўқ, янги тўн, **басалласидан...** (“Туй”)

Басар – кўз. Нури басар – кўз нури.

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз,
Нури **басарим**, хоҳ инон, хоҳ инонма (Лутфий)

Басе/баси – 1. Жуда, роса, фоят, кўп.

Тонг отқинча мунингдек бош тутти,
Басе кам еди-ю, хуноба ютти (“Гул ва Наврӯз”)

2. Сира, ҳеч ҳам, ҳаргиз, мутлақо.

Эй Навоий, гар десанг кўп инжимай давр аҳлидин,

Ҳар не дерлар ё қылурлар, қылмагил парво басе (“Бадое ул-васат”)
Басир – 1.Күрүвчи, кузатувчи.

Қылурни айла риоят, демақда асра адаб,
Ки дұст феълинг қавлунгатадур **басири** самель (“Фавойиду-л-кибар”)

2.Күр, күзи ожиз, сүқир.

Түштилар бир навъ ўйла жамиъ **басир**,
Ё мусофириг ила ёхуд асир (“Лисону-т-тайр”)

Басорат – 1.Күз очиқлик, ўткир күзлилик. 2.Билағонлик, зийраклик, хүшёрлик, узокни күра билишилик, донолик:

Яман султони чун күрди жамолин,
Басорат бирла билди барча ҳолин (“Гул ва Наврӯз”)

Баста – ёпик, берк, қулфлоглик, боғлик.

Сабр билан **баста** эшикдур күшод,
Сабр билан топди эранлар мурод (“Зарбулмасал”)

Басту күшод – айнан: ёпилиш ва очилиш, ёпиш ва очиш. Бу ерда гап олам сирларини билиш ва ундан фойдаланиш устида боради.

Жаҳон **басту күшоди** илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла (“Илм хосияти”)

Басуръат – суръат билан, суръатли, тез, учқур.

Бу хусн ғаниматтур,
Чун бод **басуръаттур** (Муқимий)

Батанг – танг қолган, сиқилган, сикувда қолган.
Кажкулоҳлиғидин мирзо **батанг** келди... (“Бобурнома”)

Батахсис – айниқса, хусусан.

...аҳди фазл ва беназир элдин Хурсон, **батахсис** Ҳирий шаҳри мамлу эди (“Бобурнома”)

Бати – ички, қорин, ичи; ҳомила турадиган жой.

Қаноатда садаф **батнида** дурдан бехабардурлар,
Чўмуб ғаввос сочгай сантдиллардин ғуҳар, токай? (Увайсий)

Баттар – айнан: бадтар, ёмонроқ.

Ҳар неча құлсам тавалло, зарра құлмас илтифот,
Рўйгардон, тескари, тобора **баттар** толеим (Муқимий)

Бахайр — хайрли, яхши.

Дайр аро тинди қулогим, роҳибо, зикринг **бахайр**,
Ким саҳар зикр айтуда күп алоло қылди шайх (Навоий)

Бахшиш — 1.Авф, омон-омон, амнистия. 2.Садақа, ҳадя, тухфа.

Ики ёру қотилда ул можаро,

Ки ом ўлди **бахшиш** сўзи халқ аро (“Садди Искандарий”)

Ба чоҳ — қудуққа, қудуқ билан.

Ушбу эрур бизга бу дам расму роҳ,

Боғлоли Юсуф ҳалокин **ба чоҳ** (“Юсуф ва Зулайхо”)

Баччагар — бузуқи.

Аммо Работи **баччагар**,

Йўқ ҳеч одамдин асар... (“Саёҳатнома”)

Башар — инсон, одам.

Улки топилмас **башар** жинсида, вах, гафлат кўрунг,

Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим (Навоий)

Башоқ, башоғ — Камон ўқи учидаги метал — пайкон. Пайкон бошоққа ўхшайди.

Ўқи ногаҳ агар сандонга текса,

Башоғи итланур сандон ичинда (“Муҳаббатнома”)

Баяқбор — бир йўла, бирданига, мутлақо, тамоман.

Фалак даврина лаънат қылди бисёр,

Жаҳондин кесди уммидин **баяқбор** (“Гул ва Наврӯз”)

Баяқбора — бирварақайига.

Топмайин гайри қайтмоқ чора,

Бузулуб ёндилар **баяқбора** (“Сабъаи сайёр”)

Баъд — сўнг, кейин, сўнгра.

Келгил, эй аҳбоб, аввал тарзи рафторимни кўр,

Баъд даври гумбази дастор давворимни кўр (Махмур)

Бақо — боқийлик, мангулик, агадийлик, мавжудлик, борлик.

Бақо базми – у дунё.

Чун бақо базминдадур дилдор, мен ҳам турмазам,
Бу фано оламда, базми васли дилдор истарам (Фузулий)

Бақо туфроғидин силкар замон енг – ўлимга навбат етганда,
жон чиқаётган пайтда.

Бақо туфроғидин силкар замон енг,
Бу дөғи ул икиси тенг дурур, тенг (“Фарҳод ва Ширин”)

Багайри – Бошқа, бўлак, ўзга, маънодоши: бажуз.

Ғамимга йиғлагудек йўқ кишим **багайри** сиришк,
Куярга дардим учун ғамгусор жуз оҳ (Мунис)

Багоят – гоятда, жуда, ниҳоятда.

...сангпушт **багоят** фаросатлик эди (“Зарбулмасал”)

Баҳадде – ...-гача, ...пайтгача; айнан: чегарасигача.

То баҳаддеки, аломати булуғ зоҳир бўлуб... онасининг тўғри
сўзлаганига эгри сўзлай бошлади... (“Зарбулмасал”)

Баҳар ранги - ҳарқалай, ҳар ҳолда.

Ҳазондек қон ёшим, сориф юзимдин эл танаффурда,
Баҳар ранги, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни кутқордим (Бобур)

Баҳим – (кўплиги – баҳойим) ҳайвон, чорва.

Ғазабда сабуъ, шаҳват ичра – **баҳим**,
Агарчи эрур одамизода шайх (Навоий)

Баҳман – 1.Шахс номи, “Гул ва Наврӯз” достони мазмунига
кўра, Навшод шоҳининг бекларидан бири.

Пушаймон бўлди **Баҳман** ўз сўзидин,
Қатиқ ваҳм ичра қолди ўз-ўзидин (“Гул ва Наврӯз”)

2.Эски календарга кўра қиши ойларидан бирининг номи (22
январдан 20 февралгача); матнда шу ойнинг совуқлигига
ишора қилинмоқда.

Бор эрди бекларинда Баҳман отлиқ,
Чиройи соп-совуқ **баҳман** сифатлиқ (“Гул ва Наврӯз”)

3.Эрон шоҳларидан бирининг исми. **Баҳман ибн Исфандиёр**.

Баҳманлиғ – совуқлик, хунуклик.

Кўрар душман қилиб душманлигини,
Совуқ Баҳман этиб **баҳманлигини** (Ҳайдар Хоразмий)

Баҳр – 1.Денгиз, дарё. **Баҳри талотум** – тўлқинли, довулли денгиз. **Баҳри жӯшон** – қайнаётган денгиз, яъни тўлқин ураётган денгиз. **Баҳри алтоф** – лутф, марҳаматлар дентизи, яъни яхшиликлар кони.

Қатраям ночиз, аммо зоти Қулзум Турдиман,
Келтуран амвожга **баҳри талотум** Турдиман (Турди)

Бўлуб ҳар навокаш бир **баҳри жӯшон**,
Рубоий баҳри соз айлаб хурӯшон (“Фарҳод ва Ширин”)

Кўзумдин ёшиниб, эй **баҳри алтоф**,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен (Бобур)

2.Шеърдаги вазн, ўлчов.

Тавил ва мадид ва басит **баҳри араб** шуаросининг маҳсусидур
 (“Мезону-л-авзон”)

3.Баҳра.

Деди: нўши лабидин топқай эл **баҳр**?
Деди: ул нўшдин эл қисмидур заҳр (“Фарҳод ва Ширин”)

Баҳром – 1.Марс (Миррих) юлдузи.

Етиб вақти тушти ажал домифа,
Борур баҳс афлок **Баҳромига** (“Тарихи мулуки Ажам”)

2.Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги тимсол, Фарҳод кўқалдошининг исми.

Яна **Баҳромға** еткур саломим,
Чу еткурдинг саломим, де паёмим (“Фарҳод ва Ширин”)

3.Эрон шоҳларидан бирининг номи.

Баҳром осонлиғ била Хурмузни дафъ қилиб, подшоҳлигини олғай. (“Тарихи мулуки Ажам”)

4.Алишер Навоийнинг “Сабъай сайёр” достони бош қаҳрамони; уни **Баҳром Гўр** дейишади.

Шоҳ Баҳром Гўри беозарм,
Ўзни гўр ўлтуурга айлаб гарм... (“Сабъаи сайёр”)

5.Эрон тарихида Хусрав Парвездан вақтинча тахтини тортиб олган паҳлавон **Баҳроми Чўбин** ҳам бўлган.

Фалак баҳромиға гар кўргузуб кин,
Кўруниб оллида **Баҳроми Чўбин** (“Фарҳод ва Ширин”)

Баҳромваши – Баҳромсимон, Баҳром каби.
Чу тортиб Зуҳра лаҳни Борбадни,
Олиб **Баҳромвашлардин** хирадни (“Фарҳод ва Ширин”)

Баҳрун-нажот – нажот денгизи, халослик денгизи.
Ариққа қўйдилар “Наҳрул-ҳаёт” исм,
Фалакваш ҳавзга **“Баҳрун-нажот”** исм (“Фарҳод ва Ширин”)

Беадад – ҳисобсиз, сон-саноқсиз, мўл.
Бехунар жоҳилга бердинг **беадад** дунёйи дун,
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зору забун (Махмур)

Беандоза – ўлчовсиз, беҳисоб, чексиз, беҳад, ўлчови йўқ.
Вале мунча дарди тоза бирла,
Фаму андуҳи **беандоза** бирла (“Фарҳод ва Ширин”)

Бебар – ҳосилсиз, мевасиз, самараасиз.
Чаман сарви қолиб **бебар**, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон мустар, бу елдин секретиб адҳам (Навоий)

Бебок – қайтмас, раҳмсиз, ҳайиқмовчи, шафқатсиз.
Талабон молу айлаб элни ҳалок,
Ёнибон коми дил била **бебок** (“Сабъаи сайёр”)

Бевиқор – ҳурматсиз, енгилтак.
Адоват қилур золими нобакор,
Адоват қилур жоҳили **бевиқор** (Сидқий Хондайликий)

Бевужуд – 1.Нарсасиз, мол-дунёсиз, қашшоқ. 2.Кимсасиз.
Қари ҳам **бевужуд** эрди-ю муҳтоҷ,
Тўя ош кўрмаган очу яланғоч (“Гул ва Наврӯз”)

Бегарон, бекарон — чексиз, қирғоқсиз, чегарасиз, ҳадсиз.

Ҳама ашъорини бериб анга

Олди дунёи **бекарон** амаким (Махмур)

Ўзин худ бир жаҳони **бекарон** бил,

Камолотин ўзилик бир жаҳон бил (“Фарҳод ва Ширин”)

Бегона ҳол — бегонароқ, ётрок, нотанишроқ.

Отабой амин... бозордан хотунига кафш олибдур, бир **бегона** ҳол қассобга кўрсатибдур... (“Зарбулмасал”)

Бедаранг — ҳаялламай, дарҳол, тез, сустлик қилмай, тўхтовсиз.

Чекиб қавси қузаҳни **бедарангি**,

Анга боғлаб синон янглиғ ҳаданги (“Фарҳод ва Ширин”)

Бедасту по — қўл-оёқсиз. Матндаги маъносига кўра “қўл-оёғини

қимирлатмасдан қўйиш”, яъни лол, ҳайратда қотириб қўйиш.

Тонг эмас қиласа юзи машшотани **бедасту по**,

Айлади ойинани сув, чехра пардоз айлагач (Нодира)

Бедил — 1. Ошиқ, мафтун, маҳлиё.

Юқори дилбару қуий **бедил**,

Бир-биридин vale иков ғофил (“Сабъаи сайёр”)

2. Кўрқоқ, юраксиз.

...Танбал ва тавобеи **бедил** бўлиб... (“Бобурнома”)

3 Ҳиндистонда форс-тоҷик тилида ижод қилган машҳур шоир
Мирзо Абдулқодирнинг адабий таҳаллуси.

Бедиллиғ — қўрқоқлик, ваҳимага тушмоқ.

Абулмуҳсин мирзодин **бедиллиқ** зоҳир бўлур (“Бобурнома”)

Бедод — зулм, жабр, зўрлик.

То зулму ситам жонига **бедод** ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас (Навоий)

Бедона дар дом — айнан: донсиз тузоқда, яъни дон емай тузоққа тушган; ҳеч бир гуноҳсиз ҳибста олинган.

Кўз очти эрса ул икки дилором,

Кўруб ўзларини **бедона дар дом** (“Гул ва Наврӯз”)

Бедониши – билимсиз, илмсиз, саводсиз, жоҳил, нодон.

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди **бедониши** (“Саёҳатнома”)

Бедор – уйгоқ, сергак, уйқуси қочган, уйқусиз.

Қиласа чиқим гар бир дирам,
Уйқу қочиб, **бедор** экан (“Саёҳатнома”)

Бедордил – қалби сергак, ҳушёр, юраги уйгоқ.

Шоҳо, фуқароки муниси ғамдурлар,
Бедордилу кўзлари пурнамдурлар (Мунис)

Бедорроқ – уйгоқроқ, ҳушёрроқ, сергакроқ.

Гафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсадга ҳар ким бўлса ул **бедорроқ** (Бобур)

Бедор қилмоқ – уйғотмоқ.

Не осиг нолау фарёд хоб олуд баҳтимдин,
Бу унлар бирла чун **қилмоқ** ани **бедор** мушкилдур (Бобур)

Беёди Ҳақ – Оллоҳни эсда тутмай.

Увайсий, олма бошинг зикру фикри ёр ёдидин,
Сулуки ишқ аро **беёди Ҳақ** йўлдин адошибдур (Увайсий)

Беёр – ёрсиз.

Манга осондуур бўлса агар юз минг туман душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, **беёр** мушкилдур (Бобур)

Бежиҳат – 1.Бекор, бехуда, бекорга. 2.Сабабсиз, ўринсиз:

Ҳаросон бўлуб халқ майдонидин,
Кеча олмайин **бежиҳат** жонидин (Навоий)

То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар,

Ташвиш **бежиҳат**дурур охир санга, манга (Бобур)

Бежо – 1.Ўринсиз, бехуда:

...маъно бежо кетса фами йўқ... **Бежо** ҳаракат қилма!
("Зарбулмасал")

2.Қаттиқ, қалтис, фавқулодда.

Куймоқ ўлди, ох, корим айрилиб,
Тушган эркан дилга **бежо** меҳрингиз (Муқимий)

Безабон — тилсиз, гапиролмайдиган. Матнда ит назарда тутилади.
Чу кўрдим қолиб элдин у **безабон**,
Қилур эрди ул ерда оҳу фифон (Хиромий)

Безавол — ўлмайдиган, ҳалокатга учрамайдиган, мангумайшадиган, барқарор, ўлмас.

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,
Онинг заволи бордуру бу **безаволдур** (Бобур)

Безиё — нурсиз.

Бир шакарлаб, зулмпарвар ҳасратидан, дўстлар,
Умрлар умри чароги **безиё** деб ахтаринг (Муқимий)

Беибо — ибосиз, тортинмайдиган, уятсизларча.

Доимо бепарда сўз ҳалқ ичра айтур **беибо**,
Бўлмагай деб қўрқаман ногаҳ сангкор авлиё (Муқимий)

Беиноят — марҳаматсиз, раҳмсиз.

Ҳар неча **беиноят** эса ёр, Бобуро,
Сен кўйма хизматингниу они уёлдур (Бобур)

Беиродат — иродадан ташқари, беихтиёр, ихтиёрсиз равища.

Ҳар кимки, одати замима бўлур,
Беиродат зухур этар андин (“Зарбулмасал”)

Беиштибоҳ — шубҳасиз, бешак, аниқ, бегумон.

Кимгаким қилдим вафо, ваҳким, жафо подош эди,
Олам аҳлида вафо мавжуд эмас **беиштибоҳ** (Навоий)

Бекарона — қ. **бекарон**, **бекарон**. Чексиз, қирғоқсиз, ҳадсиз.

Риёу зарқ тариқида ташнаком ўлур,
Сароби баҳри хаёлоти **бекаронаи** шайх (Нодира)

Бекас — кимсасиз.

Мени **бекас**, Увайсий, йиғлағайман рўзу шаб тинмай,
Үйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғинидим
(Увайсий)

Бекаслик – кимсасизлик, ёлғизлик.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу фуссадин,
Ўзни **бекаслик** балосиға гирифтор истардим (Навоий)

Бек-бекат – бек ва бошқа зодагонлар.

Кенгашти **бек-бекат** бирла фаровон,
Ҳеч иш била тилаб топмади дармон (“Гул ва Наврӯз”)

Бек атка – бек ота, ота бек; шоҳ хонадонидаги ёшларни тарбиялайдиган эр киши; у баъзан регентлик вазифасини бажариши ҳам мумкин.

Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни **бек атка** қилиб йиборди (“Бобурнома”)

Бел – курак.

Бўлуб ҳар дойгар гардунға пойваст,
Қолиб бел урғучи балчиқ аро паст (“Фарҳод ва Ширин”)

Белажом – сўлиқсиз, бошвоқсиз, тизгинсиз.

Фақр майдонида собиқдур риёзат тортғон,
Айла нафси **белажоминг** тавсанин ройиш анга (Мунис)

Белингламоқ – хавотир олмоқ, хавф-хатар сезмоқ.

Неким сўзлар, сўзи: “Наврӯз, Наврӯз!”
Белингласа, сўзи: “Наврӯз, Наврӯз!” (“Гул ва Наврӯз”)

Бемадоро – муросасиз, келишувсиз, риоясиз.

Бу қалқонни ёпилғон **бемадоро**,
Ки исм ўлғай аларға ошкоро (“Фарҳод ва Ширин”)

Бемажол – кучсиз, bemador, дармонсиз, мўрт.

Сенинг бу хор сифат найзаи **бемажолинг** менинг бу якжирма қалқонимға нима кор қилсин? (“Зарбулмасал”)

Бемар – беҳисоб, кўп.

Етти заму мөҳнати **бемар** анга,
Токи висол ўлди мұяссар анга. (“Ҳайрату-л-аброр”)

Бемашварат – кенгашсиз, маслаҳатсиз:

Дар ҳама кор машварат бояд,

Кори бемашварат накӯ нояд (“Зарбулмасал”)
Мазмуну: ҳамма ишда кенгаш лозим. Маслаҳатсиз иш яхши
чиқмайди.

...жамиль Хуресонотта Хожа Атонинг **бемашварати** ҳеч
муҳим файсал топмас эди (“Бобурнома”)

Бемагз — миясиз, ақлсиз.

Шишайи пурмай уза, овоз бермас, тегса тош,
Мағзи йўқ **бемагз** учун берди садоҳойи жарас (Хувайдо)

Ки, эй пургўйи **бемагзи** паришон,
Яна қайдин кетурдинг ушбу достон (“Гул ва Наврўз”)

Бемаҳобат — тортинмай, ҳайиқмай, шартта.

Етишгач фор ичига **бемаҳобат**,
Кўзига учради мундоқ китобат (“Фарҳод ва Ширин”)

Бемаҳосил — унумсиз, фойдасиз, беҳосил.

Беклар ўлди ҳаромзодалари нософи,
Бемаҳосил, гала номард, қалин наддофи (Турди)

Бемул — айнан: майсиз, чанқоқ, хумор.

Кената пардадин юз кўргузуб Гул,
Эсурди кўргач ул Наврўзи **бемул** (“Гул ва Наврўз”)

Бемурод ётмоқ — мақсадига етолмай қайтмоқ, ноумид бўлиб
орқага қайтиш.

Баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал **бемурод ёиди**
 (“Бобурнома”)

Бенаво — 1.Бечора, йўқсил. 2.Бахтсиз, баҳрасиз, ноумил,
шўрлик.

Севар ул Гул бу Булбулнинг навоси,
Ки бор бу **бенаво** бирла ҳавоси (“Гул ва Наврўз”)

Бенавоёна — шўрликларча, йўқсулларча, ноумидларча.

Гаҳ айтур **бенавоёна** суруде,
Гаҳ оқизур сиришки била руде (“Гул ва Наврўз”)

Беназир — тенгсиз, ўхшапи йўқ, мислсиз.

Муайян айлагил равшан замире,
Рисолат шевасида **беназире** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бенам — намсиз, қуруқ.
Кечакундуз оқар ёшим кўзумдин жолалар янглиғ,
Яқомни кўксум узра бир замон **бенам** тополмасман (Ҳувайдо)

Бенамуна — намунасиз, шаклсиз, кўринмайдиган.
Билгинки, худони бечугуна,
Бешибҳау сонию **бенамуна** (Сайёдий)

Бераҳ/бероҳ — йўлсиз, адашиш. **Бераҳлиғ** — йўлсизлик,
адашганлик.

Қайси бир **бераҳлигини** толеи гумроҳнинг,
Қайси бир кажравлигини чархи кажрафторнинг (Бобур)

Бераҳнамо — йўл қўрсатувчисиз, йўл бошловчисиз.
Муқимиини паноҳи исматингда асрағил, ё Раб,
Хатарлик дашт аро гумгаштай **бераҳнамо** ёлғуз (Муқимий)

Бергач-ӯқ — берган заҳоти.
Жавобин **бергач-ӯқ** шаҳзода Наврӯз,
Равон бошлади тақрири дилафрӯз (“Тул ва Наврӯз”)

Берибон кемалар аро ором — қайиқларга жойланиб.
Берибон **кемалар аро ором**,
Ел киби айласак сув узра хиром (“Сабъаи сайёр”)

Берк — қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ.
Чиқориб қуйруғин гардунға ҳардам,
Анингдек **берк** уруб ҳомунға ҳардам (“Фарҳод ва Ширин”)

Бесамар — ҳосилсиз, мевасиз.
Чаманда сарв бас раъно шажардур,
Йўқ андин нафъ, чунким **бесамардур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бесармоя — сармоясиз, қўли бўш, ҳеч нимасиз, йўқсил.
Ки чун мен зори **бесармоя** еттим,
Териб бу дилрабоға зевар эттим (“Фарҳод ва Ширин”)

Бесару пой – айнан: құл-оёқсиз, құл-оёғи ишламай қолган, яғни лол қотган, ҳайратда қолган.

Фалак ишқинг йўлинда **бесару пой**,

Исирганг донаси – Зухра, юзунг – ой (Хоразмий)

Бесуқун – нотинч.

Нигоро, нолишимдин **бесуқундур** гунбази мийно,

Ҳаводисдин етар бошимға юз бинг кулфати савдо. (Муқимий)

Бетааммул – ўйламасдан, ўйлаб ўтирмасдан, мулоҳаза қилиб ўтирмай.

Ул айлаб Ҳақ таолоға тавакқул,

Бу беша ичра сурди **бетааммул** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бетаг – 1.Тубсиз. 2.Беҳуда, асоссиз.

Ҳукмидур жумла либосию ишидур амали,

Сўзидур **бетагу** фармони нишони жаали (Турди)

Бетакаллуф – такаллусиз, ортиқча мақтамай, тўғриси.

Такаллуф ҳар неча суратда бўлса ондин ортуқсен,

Сени жон дерлар, аммо **бетакаллуф** жондин ортуқсен (Бобур)

Бетолеъ – баҳтсиз.

Қаю ишга қадам қўйсам, манга андин зиён бўлди,

Мани **бетолеъим**, эй дўстлар, кўп имтиҳон бўлди (Ҳувайдо)

Бехирад – ақлсиз, бефаҳм, нодон, ҳушсиз:

Япалоқнинг **бехирадлигини** энди билдим... (“Зарбулмасал”)

Бехор – тикансиз.

Гули **бехор** эдим Фархор ичинда,

Жаҳонда хор бўлдум хор ичинда (“Гул ва Наврӯз”)

Бехудлуқ – ҳушсизлик, девоналик, телбалик.

Етиб мазҳарға **бехудлуқ** қиёси,

Келиб мазҳарға ишқинг интиҳоси (“Фарҳод ва Ширин”)

Бечугуна – шаклсиз.

Билғилки Худони **бечугуна**,

Бешибху сониу бенамуна (Сайёдий)

Беша – ўрмон, түқай.

Бор эди бир **бешада** бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк асадидек далер (“Ҳайрату-л-аброр”)

Шерсиз эмасдур бешалар,
Бордур саховатпешалар (“Саёҳатнома”)

Бешибҳ – тенгсиз, ўхшали йўқ, мислсиз.

Билгинки, Худони бечугуна,
Бешибҳу сонию бенамуна (Сайёдий)

Бешикам – қоринсиз, қорни йўқ.

Мағрур хасиси **бешикам**!
Ҳар гапда юз ичгай қасам (“Саёҳатнома”)

Беқайд – 1.Бошвоқсиз, қайсар. 2.Дунё ташвишларидан озод
киши.

3. Қоида ва одатта бўйин сунмайдиган: рафтори хунук.

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен (Бобур)

Беқасаб – беқасам (мато).

Ипаклик иш ҳама нафтию атлас,
Чунончи **беқасаб**, шоҳиу адрес. (“Виставка хусусида”)

Беҳаво – ёмон, ночор, муштипар, аянчли.

Фалак зулми, улус бедоди ё бир сарви раънёнинг
Менинг ҳолимни айлаб **беҳаво** ҳарён ҳавосинму? (Навоий)

Беҳбуд – 1.Яхшилик, соғломлик.

Киши ҳар муддаодаким кўрар суд,
Яқин эрмас ани топмоғда **беҳбуд** (Навоий)

2.Фойда.

Юбориб ё бориб **беҳбуд** топса,
Бу савдосида яни суд топса (“Илм хосияти”)

Биайнинҳ – айнан, худди, нақ.

Жаҳондин нотамом ўтмак **биайнинҳ**:
Этур ҳаммомдин нопок чиқмоқ (Навоий)

Бигзида — сараланган, танланган; синалган.

Поктийнат, софдил, хулқи ҳасан **бигзида** қил,
Мунда хұб илму амални чирмаву санжида қил (Турди)

Бидоят — бошланиш, ибтидо, аввал.

Манга ҳам чун бу пок иншо күрунди,
Бидоятдин демак авто күрунди (“Фарҳод ва Ширин”)

Бидъат — диндаги янги қараашлар ва янги расм-русумлар; давлат ишларида үзбошимчалик билан киритилған янги тартиблар.

Бидъату зулм анинг хилқату асли зоти,
Юртни бузди ҳавола била таклифоти (Турди)

Бий — 1.Бек.

Бий бобомга бул хабарни беринглар,
Катта-кичик, ҳамма дуо қилинглар (“Алпомиш”)

2.Қоракүрт.

Гаждуму оғио **бий**, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мұру маңаҳ, бўрию даррандалари (Муқимий)

Бийик — 1.Юқори, юксак, баланд.

Ким чиқиб бир **бийик** шажар узра,
Кўз солиб баҳри мавжвар узра (“Сабъаи сайёр”)

2.Катта, улкан.

Бийикрак ҳайкали аҳли замондин,
Фузуроқ шавкати пили дамондин (“Фарҳод ва Ширин”)

Бийм/бим — хавф-хатар, қўрқув, даҳшат, ҳадик.

Бу хушлуқтин бирикти икки иқдим,
Ародин қўпти хавфу қолмади **бийм** (“Гул ва Наврӯз”)

Бас ўзни яхшилар орасида яшурғон...хавфу **бимдин** йироқдур
 (“Маҳбубу-л - қулуб”)

Бийно/бино — кўзи очиқ, кўзи кўрадиган, кўзи соғлом.

...мен ҳам бийно ва нобийно ҳикоятин билурманки,
нобино **бино** сўзини қулоқقا олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақтуриб ҳалок бўлди (“Зарбулмасал”)

Бикин – каби, сингари.

Гулу булбул бикин гулбунлар ичра,
Нишшоту айши пинҳон вақти бўлди (Атойи)

Яъкуб бикин кўп йигидин қолмади сенсиз
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма (Лутфий)

Била – 1.Бирга, ҳамдам.

Кўрмон фараҳни бир дам агар андин айрумен,
Билмон аламни бормен аниңг бирла то **била** (Бобур)

2.Билан.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг –
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам **била** (Бобур)

3.Биладиган, қила оладиган.

Ҳамдард ёре қониким, бир ғамгусоре қониким,
Абри баҳоре қониким, Бобур киби йиглай **била**? (Бобур)

Билик – билим.

Кетурдилар ҳакими нуктадоне,
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоне (“Фарҳод ва Ширин”)

Билкул – буткул, тамомила, мутлақо.

Анга ҳар ким қилиб фикру тааммул,
Муни кўргач унутиб они **билкул** (“Фарҳод ва Ширин”)

Биллоҳ – қасам: Худо ҳақи.

Эгнима ёниқ бериб, қорнимни тўйғаз нон билан,
Сенга **биллоҳи**, демасман дину имон бер манга (Гулханий)

Билмон – билмайман:

Кўрмон фараҳни бир дам агар андин айрумен,
Билмон аламни бормен аниңг бирла то **била** (Бобур)

Билод – (бирлиги – **балда**) шаҳарлар, мамлакатлар.

Олиб рухсатни биздан хоҳ-ноҳоҳ
Бориб тавғ эттилар кўрган **билодин** (Роқим)

Бинг - минг.

Нигоро, нолишимдин бесуқундир гунбази мийно,
Хаводисдин етар бошимға юз бинг кулфати савдо (Мүқимий)

Бинойи хайр – айнан: яхши бинолар; эл-халқ тасарруфи учун
мұлжаланған хизматлар, қурилған бино ва иншоотлар.

Мунча **бинойи хайр** ким, ул қылди, кам киши мундоққа
муваффақ бўлмиш бўлғай (“Бобурнома”)

Бир аёқ ош – бир кося овқат.

Насиби аниг **бир аёқ ош** эрур бас,
Агар гаңжи Қорун эрур муддаоси (Навоий)

Бир неча йилни кечти тутқин – бир неча йил ўтди деб бил.

Яна бир неча йилни кечти тутқин,
Тиконликни қўюб Гулни овутқин (“Гул ва Наврӯз”)

Бирён – айнан: қовурма; қовурилған, кабоб бўлган, қуйган,
ўртанган.

Халқ чу шаҳр ичра базиндан эди,
Меҳнат ўтидин бори **бирён** эди (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Бир йигоч... жазираға давр – оролнинг айланаси ўн километрга
яқин эди.

Бир **йигочқа яқин жазираға давр**,
Даврида сувға топмайин киши давр (“Сабъаи сайёр”)

Бир нима – бироз, салгина.

Масту бехудлуқ била умрингни ўткардинг, дариф,
Эй кўнгул, мундин бери бўл **бир нима** ҳушёрроқ (Бобур)

Бирранглик – бир тусли, сидирға.

Фақр аро **бирранглик** душвор эрур беҳад, валек,
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил (Навоий)

Бир-ўқ – биргина, биттагина, ёлғиз.

Кўруб Фарҳод мундоқ ибтилони,
Бир-ўқ жонига юз тийри балони (“Фарҳод ва Ширин”)

Бисёр – 1. Кўп.

Филҳақиқат бўлма ғафлатдин бадандеша, Муқим,
Баски, шуҳрат топти расволиқда **бисёр** авлиё (Муқимий)

2.Жуда. Яна “Мезону-л-авзон” отлиқ аруз битибтур, **бисёр** мадхулдур (“Бобурнома”)

3.Күпинча.

Түнни **бисёр** тор кияр эди... **бисёр** бўлур эрдиким, боғлари узулур эрди (“Бобурнома”)

Бисмил – сўйилган. **Муродинг бисмилим** – мақсадинг мени сўйинш.

Муродинг **бисмилим**, бас бир қаросанг,
Нигоҳинг тийри мужгондин қолишмас (Муқимиш)

Бист – йигирма. **Бисту ҳафтум** – йигирма еттинчи. Рамазон ойининг энг қутлуғ кечаси.

Бисту ҳафтум кечаси ушбу юртта бўлди (“Бобурнома”)

Бистар – тўшак, кўрпа.

Аёқ қўйгай фирошу **бистаримга**,
Илик сунғай сипоҳу кишваримга (“Фарҳод ва Ширин”)

Битик – 1.Хат, мактуб. 2.Китоб.

Юбордилар **битик** хоҳон қотинда,
Висол уммидини хоҳон қотинда (“Гул ва Наврӯз”)

Битмак – 1.Ёзмоқ. 2.Кўчирмоқ. 3.Чизмоқ, таргиб бермоқ, тузмоқ.

Хоҳ форсий, хоҳ арабий ҳар китобки **битса**, саҳв ва галатдин холи эмас эрди... (“Зарбулмасал”)

...расаддурким, зиж **битмакининг** олатидур (“Бобурнома”)

Бих/бех – 1.Туп. 2.Томир. 3.Ниҳол, дарахт. 4.Мажозан: асл, асос. 5.Шудринг, шабнам. 6.Ёмғир.

Аж аҳли дуосини камолингга сабаб бил,
Қайдин кўкарур сабза агар бўлмас эса **бих** (Мунис)

Биши – чақа, танга. Баҳосиз биши – сийқа танға.

Баҳолиг динар ул **биликлик** киши,
Бу жоҳил **биликсиз** – баҳосиз **биши** (“Ҳибату-л- ҳақойиқ”)

Бир – қасд, ният, фикр, жазм.

Эмас гар тоғ, бас шиддат қилиб **бир**,
Нетиб гардунга ҳардам еткуруб тиф (“Хамса”)

Биҳамдиллаҳ – Оллоҳга шукур:

Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин эл танаффурда,
Баҳар ранги, **биҳамдиллаҳ**, улусдин ўзни кутқардим (Бобур)

Биҳил – маъзур, кечирмоқ, авф этмоқ.

Дуосига ҳамиша муштағилбиз,
Не қилмиш, ҳарие қилмиш ҳам **биҳилмиз** (“Фарҳод Ширин”)

Биҳиллик – кечириш, авф этиш, багишлиш; розилик.

Биҳиллик истабон озода шаҳдин,
Дема шаҳқим, бори хайлу сипаҳдин (“Фарҳод ва Ширин”)

Биҳиштсаро – 1.Жаннатдай макон. 2.Жой номи.

Гүиё андағи жазоир аро,
Шаҳре эрмиш оти **Биҳиштсаро** (“Сабъаи сайёр”)

Бо – билан, бирга.

Тек ўлтурғач ҳавое қилди Наврӯз,
Эярлатти отин **бо** дарди пурсўз (“Гул ва Наврӯз”)

Боамал – амал қиласидиган. **Олими боамал** – илмиға амал қиласидиган олим; илм олиб уни ишлаб чиқаришга жорий этадиган олим.

...олими **боамалки**, подшоҳнинг охиратлиқ асбобини анга күргазса (“Зарбулмасал”)

Боб – 1.Эшик.

Ангаки масжид аро етмади күшод, не ғам,
Етишса майқадаға фатҳи **бобдур** асру (“Хазойину-л-маоний”)

2.Тұғрисида, ҳақида, масаласида.

Шоҳлиғнинг дахли йүқ ишқу муҳаббат **бобида**,
Ким керак анда сариф юз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ (Навоий)

3.Бұлым, қисм, парча.

Учунчи **боб** – тавакқул зикрида (“Маҳбубу-л-кулуб”)

5.Томон, гүша.

Назар айладим уйни ҳар **бобиға**,
Зиёфат ила айш асбобиға (Хиромий)

6.Нарса, товар, мол.

Ниҳоний харид этди ҳар **бобдин**,
Керак бўлғудек жамъи асбобдин (Хиромий)

7. Ўтадиган, сотиб олинадиган.
Яна мол жамъ айладим дарзамон,
Харид айладим **боби** Ҳиндустон (Хиромий)

Бовар – ишонч, ишонмоқ.
Қайси бир туҳматки бизга қилмади нисбат рақиб,
Қайси бирни ким эшитгач қилмади **бовар** ҳабиб? (Навоий)

Бовужуди – шундай бўлса-да, шундай бўлатуриб, шундай
бўлишига қарамасдан.
...**бовужуди** бу ҳама ноқислиги бирла ўзини ҳамадин мулло
ва донишманди рўзгор кўрар эрди (“Зарбулмасал”)

...Доим эрдим дуогўйи қадиминг,
Бовужуди сўрмай ўтting Муқиминг... (Муқимий)

Бод – шамол, ел. **Мисли бод** – шамолдай.
Юсуф оғолари бўлиб барча шод,
Тебрадилар Юсуф олиб мисли **бод** (“Юсуф ва Зулайхо”)

Бодбон – елкан: кемани ёки қайиқни шамол кучи билан
юргизадиган маҳсус мато.
Кириб кема ичра неча дардманд,
Қилиб дарзамон **бодбонин** баланд (Хиромий)

Боди ҳазоний – кеч кузги ел, аёз.
Чу яфроғни тўқар **боди ҳазоний**,
Бурун рангини айлар заъфароний (“Фарҳод ва Ширин”)

Бода – май, ароқ. **Бодаи ноб** – тоза май, тиниқ май.
Кирап одами сонифа қилса нўш,
Фано дайрида бир қадаҳ **бода** шайх (Навоий)

Бода дар сар – май бошга чиққан, яъни маст.
Димоғи хусн авсофи била тар,
Йигитлик жўши бирла **бода дар сар** (“Гул ва Наврӯз”)

Бодаи сабуҳий – тонгти май, тонгда ичилган май.

**Кўрқушнинг сўзи Кулонкир султонга бодаи сабуҳий
нашъасидек таъсир этди (“Зарбулмасал”)**

Бода ошом – май ичмоқ.

Лаболаб Аҳраман боши каби жом,
Тутиб айларлар эрди **бода ошом** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бода поло/бода полойиш – май сузгич.

Масжид ичра шайхдин Мунис ридо олмиш эди,
Кўрки бу кун дайр ародур **бода полойиш** анга (Мунис)

Бодафуруш – майфуруш; шароб сотувчи.

Жонимға наво солдию кўнглумга хурӯш,
Бир журъа била мугбачаи **бодафуруш** (Навоий)

Бодия – сахро, чўл, биёбон, дашт.

...**бодиялар** қатъ этуб, манзил ва мароҳил тай қилиб юрур
эрди (“Зарбулмасал”)

Бодиянишин – сахрода яшовчи, биёбонда турадиганлар, чўл
одамлари.

...подшоҳ ул **бодиянишин** араблар юрган йўлга Айнияни
олиб тушти (“Зарбулмасал”)

Бодовар – айнан: шамол келтирган.

Гаҳи Шабдези оламгардидин деб,
Замоне ганжи **бодовардидин** деб (“Фарҳод ва Ширин”)

Бодом Кони – Конибодом шаҳри.

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом Конига қараб... (“Саёҳатнома”)

Бодпрак – айнан: шамолда учадиган; варрак.

Қосим Шамол андаки енгилроқ,
Ўхшаб учар худди **бодпракка** (“Аҳли раста”)

Бодпо – айнан: оёғи ел, елкур; от.

Чу боғлаб **бодпо** жавлонига бел,
Фалак авроқин элтиб ҳар тараф ел (“Фарҳод ва Ширин”)

Бодрафтор – “Айёр Самак” номли халқ романи тимсолларидан бири. Машхур изқувар.

“Хожи касал” ўғли **Бодрафтор**,
Доғулики, панд берур Камакка (“Аҳли раста”)

Бод этмоқ – совурмоқ, елга бермоқ.

Қани бир хисрави одилки, анга дод этсам,
Сұрса ахволими гам хирманини **бод этсам** (Турди)

Боз – 1. Яна, тағин.

Газетлар ичра бұлғач номи марқум,
Улуғлар ичра бұлғай **боз** маълум (Фурқат)

2. Қийғир.

Кинаварлар зулмидин бечоралар ҳар ён қочиб,
Үйлаким, бұлғай гурезон **боздин** дуррожлар (Мунис)

3. Иш, машғулот.

Үлдүрөдур, күйдүрөдур, йўқтур анбозинг сани,
Бир тараҳхум қилмадинг йўқ ман била **бозинг** сани (Мунис)

4. Эшик очиқлиги; 5. Сўз бирикмасида ўйновчи, ўйнатувчи маъносида келади.

Бозанда – 1. Ўйнайдиган, ўйинчи.

Сагпадар икки курратул-айни
Икки бозандаи қимор ұлгай (Махмур)

2. Исл: “Калила ва Димна” номли ҳинд эпоси ва “Зарбулмасал”даги тимсоллардан бирининг номи.

Бир куни Навозанда **Бозанданинг** юзига боқди... (“Зарбулмасал”)

Бозгуна – тўнтарилган, чаппа, тескари, остин-устун.

Кўруб ўз бутларини **бозгуна**,
Аларнинг кўркидин олди намуна (“Гул ва Наврўз”)

Бози – 1. Ўйинқароқлик, жўрттага, ёлғондакам.

Илтифот этмаслигин **бози** хаёл айлар эдим,
Эмди билдим, анга мендин бу янглиф ор эмиш (Бобур)

2. Мушт.

Зоти душман ва мухолифни дўст дема, ўзингга **бози** берма
ва бози ема (“Маҳбубу-л-қулуб”)

3.Фириб.

Чу айлаб лаъб ҳар найрангсози
Фалак ҳар лаҳза еб ўн қатла **бози** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бозигар – ўйинчи, лўттибоз.

Бир лўлийи **бозигар** эрур чамбар ичинда,
Холингки, ўшул ҳалқаи гесу била ўйнар (Навоий)

Бозича – 1.Ўйинчоқ. 2.Ўйин, ҳазил. 3.Найранг, мақр.

Кената қилди бир **бозича** ангез,
Янги бошдин яна бошлади хунрез (“Гул ва Наврӯз”)

Ақл пириким малак хайлиға эрди муқтадо,
Ул пари ишқи аро **бозичаи** атфолдур (“Бадоев-л-васат”)

Бок – хавф, зарар, қўркув. **Бок йўқ** – ҳечқиси йўқ, зарарсиз.
Агарчи елдин эрмас баҳрға **бок**,
Вале минг чок ўлур чун бўлди кўлок (“Фарҳод ва Ширин”)

Бол – 1.Қанот.

Ер ўпти Булбули шўрида дарҳол
Қилибон зарқу кўшишдин пару **бол** (“Гул ва Наврӯз”)

2.Асал.

ЛАъидин ком олмагунча билмадим шириклигин;
Барги гул замбур коми ичра киргач **бол** эрур (“Навоий”)

Болу пар – қанот ва патлар.

Топиб эрди бир шоҳ қайдида банд,
Етиб эрди **болу парига** газанд (“Садди Искандарий”)

Болафшон – қанот қоқувчи, учадиган.

Эрур бир гул ҳавоси бирла Мунис кўнгли **балафшон**,
Нечук сақларлар айлаб они маҳбуси қафас аҳбоб (Мунис)

Болиғ – 1.Балиқ,

Ётур ери, тўшаги ер эрди бас,
Кунинча **болиғ** эти ер эди бас (“Гул ва Наврӯз”)

2.Бўй етган, камолга етган (ўғил ёки қиз).

Эй подшоҳ, ... болам ҳам **билиғдур**, ўзидин сўраб жавоб берсам керак (“Зарбулмасал”)

Болига – бўй етган қиз.

Бу **болига** анинг қўнгли борига ўхшар (“Зарбулмасал”)

Боло – 1.Юқори, юксаклик, афзаллик.

Низомий эрди андоқ пили воло,

Ки чекти ганжу гавҳар пили **боло** (“Фарҳод ва Ширин”)

2.Аъло.

Бу икки олами **боло** ва асфалнинг орасида кўб фарқ содир бўлур (“Зарбулмасал”)

3.Тик, адили.

Чун дарахти босамарни шохи эрмиш сарнигун,

Бил сафидори адлдек гардани **боло** керак (Мунис)

4.Баланд, юқори. Мажозан: ҳаво, осмон. 5.Қадду қомат.

Бом – том, уйнинг тепаси, томи. Гўшаи **бом** – томнинг бир бурчаги.

Тилар бўлсанг тафарруж, эй дилором,

Тафарружнинг еридур гўшаи **бом** (“Гул ва Наврӯз”)

Бор – 1.Юқ.

Менда агар зарра каби ихтиёр –

Бўлса эди, бўлмас эдим зери **бор** (“Зарбулмасал”)

2.Мавжуд, бор.

Кўрдиким, ажаб шан-шавкатлик боргоҳи **бор** экан...

(“Зарбулмасал”)

3.Қабул.

Боре борай эшигига бу навбат, эй қўнгил,

Нечаки бориб эшигига **бор** топмадим (Бобур)

4.Такрор, қайта-қайта, бир неча марта.

Ул узуб якбора мендин риштаи меҳру вафо,

Мен жафову жавридин жонлар берурмен **борлар** (Мунис)

5. Борича, ҳаммасини.

Эй Навоий, ишқ дардидин шикоят қилмаким,
Жонингга жавру жафосин ҳар нечаким **бор** этар (Навоий)

6. Боргин, жұна, кет.

Иссиқлигига гар санга йүқтүр тоқат,
Совуқ юзини күрай десанг Фазни **бор** (Бобур)

7. Мақсад, муддао, тилак.

Хақиқат таҳти узра шоҳи Фархор,
Тұра бирла қамуқ әлға беріб бор... (“Гул ва Наврұз”)

8. Мева, самара, ҳосил.

Дүстлар, меҳру муҳаббатни ниҳолин экмангиз,
Ким бұлур әрмиш анга андуху ҳижрон баргу **бор** (Навоий)

9. Марта. **Боре** – бир марта, яна бир марта.

Боре борай эшигига бу навбат, эй күнгүл,
Нечаким бориб эшигига бор топмадим (Бобур)

10. Совға, тұяна. 11. Ҳомила сингари маңнолари ҳам бор.

Борбад – Кутб Хоразмий таржима қылган “Хисрав ва Шириң”
(Низомий Ганжавий асари) достонидаги ашулачи.

Олиб барбат әлинга **Борбад** ҳам,
Хуш ун бирла димоглар қылды хуррам (Кутб Хоразмий)

Борбад лаҳни – Хисрав Парвез саройидаги хушшовоз ашулачи
Борбад товуши, Борбад ашуласи.

Ичиб гаҳ **Борбад лаҳни** било май,
Гоҳи Шопур дастон деб паёпай (“Фарҳод ва Шириң”)

Борвар – ҳосилдор, мевали, самарали; **борвар бўлди** – юкланди.

Чу экти ком таманноси нахлини күнгүл,
Маҳоллиқ самари бирла **борвар бўлди** (Мунис)

Борғаҳ/боргоҳ – подшоҳ ёки зодагон саройи, қаср, қабулхона,
маҳкамама. Борғаҳ чодир, шоҳона чодир ҳам бўлиши мумкин.

Кўрдики, ажаб шаън-шавкатлик **боргоҳи** бор экан...
("Зарбулмасал")

Тикилди икки ёндин **боргахълар**,
Мувофиқ бўлди икки подشاҳлар (“Гул ва Наврӯз”)

Бори – 1.Агар, борди-ю.

Эй жоним ота, **бори** бермас бўлмасангиз ҳам, зинҳор ёмон сўзлаб озурда қилманг (“Зарбулмасал”)

2.Барча, ҳамма.

Бу китоблар **бори** сизнинг назарингизда бўлғай (“Муншаот”)

3.Худо, Аллоҳ.

Бажо келтурди чунким шукри **Бори**,
Чиқиб азм этти қолғон хайли сори (“Фарҳод ва Ширин”)

4.Аввал, олдин.

Жавоб берай, сиз **бори** саволингизни айтинг. (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”)

Бори дигар – иккинчи маротаба.

Тушмагай Хизру Масиҳога ишим **бори дигар**,
Бир табассум қилса ул шўхи сухандоним мани (Муқимиј)

Боркаш – юқ ташувчи, юқ кўтарувчи.

Бормогин – 1.Бормагин.

Неча дедим ул санамга: “**Бормогин!**”

2.Бормогини, қатновини, бориб-келишини:

Қилмади ул тарк охир **бормогин**.

3.Бармоции:

Мунчаким худройлик кўргузди ул,
Ақл ҳайрат қилди тишлиб **бормогин** (Навоий)

Бороли – борамиз.

Ярамасоқ сенга, кимга яроли?

Сени мундоқ солиб, қайдা **бороли**? (“Гул ва Наврӯз”)

Борон – ёмғир; булутдан ёғиладиган сув томчилари.

Чу тортиб келса лашкар қору **борон**,

Ўзи танҳо қочурғай қаҳрамон печ (Муқимиј)

Борс — қоплон.

Йүқ эрса жамъ бўлса **борсдек** юз,
Алардин ҳосилий йўқ, ғайри пух юз (“Фарҳод ва Ширин”)

Бору — қалъа девори. Девор устида юриб ўқ отадиган жойлар.

Ииқилғай ерга ул пайкар ҳамул дам,
Не ёлғуз улки, **бору** узра юз ҳам (“Фарҳод ва Ширин”)

Борҳо — неча марта, такрор-такрор, бир неча марта.

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,
Эй Аваз, бўлмас бунингдек **борҳо** овора халқ (Аваз Ўтар)

Босира — кўриш сезгиси, кўз; кўриш қуввати.

Сўнгра андин англабон бир-бир тўқуз гардун уза,
Сайри ҳисси **босира** тортиб ливоий нузҳатин (Мунис)

Бот — дарҳол, шу заҳоти, дарров.

Уй эшигин фалонга топшурунгиз,
Хабарин манга **бот** келтурунгиз! (“Сабъаи сайёр”)

Бот-бот — лаҳза-лаҳза, тез-тез; баъзан-баъзан, баъзи-баъзи.

Ўтар эрди ўқуб ҳар бирни **бот-бот**,
Кўрунди бир эшик, ҳайҳот-ҳайҳот (“Фарҳод ва Ширин”)

Ботил — беҳуда, хато, бекор қилинган, ярамас, бузук.
Ҳақнинг зидди.

Моҳ тальят бўлди фойиб, нури имон қайдадур?
Ҳақни **ботилдин** айирмоққа сухандон қайдадур? (Машраб)

Ботин — ички, сийрат, маънавий дунё.

Ботин қўзи керак (“Зарбулмасал”)

Ботини чўян қозон, қайнар ичида реву ранг,
Зоҳири бир сўфи сурат, қўлда асо баччагар (Муқимиј)

Ботмон — 1. Оғирлик ўлчови. Турли даврлар ва ҳар хил жойларда ботмон вазни турлича бўлган. Чунончи: XIX асрда ботмон Хоразмда 20 кгдан 41 кггача, Самарқандда 131 кг бўлган.

Чумчуқ семурса, **ботмон** бўлурму? (“Зарбулмасал”)

Ботроқ — тезроқ, жадалроқ, илдамроқ.

Гар бу янглиғ әмас дуур һанга ком,
Они ҳам ботроқ айлағил әтлом (“Сабъаи сайёр”)

Бохабар – хабардор, воқиғ.

Бойғли буларнинг келганидин **бохабар** бўлуб, олдилариға чиқиб ўчоққа ўтун қалай бошлади (“Зарбулмасал”)

Бохтар – гарб.

Ки Искандарки олиб етти кишвар,
Худуди **бохтардин** то ба ховар (“Фарҳод ва Ширин”)

Бош индурмак – бош эгмоқ, таъзим қилмоқ.

Кириб чун тарид этти ҳар сори фош,
Яқинроқ суруб шаҳға **индурди бош** (“Садди Искандарий”)

Бошу оёқ – остин-устун, тартибсизлик.

Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама **бошу оёқ**,
Мулқдин адлу карам кетти, келиб кину нифоқ (Турди)

Бош чолмоқ – бош урмоқ.

Чангда ҳар кўк чолур ёринг чу йўқтур, Бобуро,
Ерга **бош чолмоқ** била ўзунги мұтод айлаги (Бобур)

Бош чолмон – бош урмайман, сажда қилмайман.

Ибодат вақти бўлса ҳар неча меҳроб ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қилмағунча ерга **бош чолмон** (Бобур)

Бошқа – 1.Бошга. 2.Ўзга.

Сочию қўзию қошидин бошта ҳаводур,
Не бошда ҳаво, ҳар бириси **бошқа** балодур (Бобур)

Боқи – қолдиқ, ортиб қолган нарса, ортиқ, яна.

Кудурат ўтгада қолмади **боқи**,
Бу кез соқий юрутти давр аёқи (“Гул ва Наврӯз”)

Богараз – ғаразли, нияти ёмон.

“Ошнойи **богараз**” деб икки кунлик чоғламанг,
Ман дуогӯ, бўлғонимча букчайиб чол, айланай (Муқимий)

Боги Эрам – афсонавий Қоғ тогидаги жаннатмисол боғ. Гүё
у ерда фақат парилар яшар әмиш.

**Бор эди Кашмир навоҳида тоғ,
Боги Эрам рашикидин кўксида дод (“Зарбулмасал”)**

Боҳуш – хушли, тамизли, зийрак, ҳушёр, доно.

Улуғнинг боргоҳида аҳли дониш ва хирадманди **боҳуш** ҳар қанча кўп бўлса ҳам, оз бўлур... (“Зарбулмасал”)

Буд – 1.Бор, мавжуд; борлик, мавжудлик.

Фано ул навъ этиб нафий вужуди,
Ки ер топиб набуд ўрнида **буди** (“Фарҳод ва Ширин”)

2.Униб ўсган жойи.

Мунунг ҳам билмагунча аслу **будин**,
Муайян қилмагунча тору пудин (“Фарҳод ва Ширин”)

Буду набуд – бор-йўқ, молу мулк, ҳаммаси.

Оғзию белига **буду набудим** сарф,
Кўзию лабига жисму жоним садқа (Бобур)

Зоду буд - туғилиб ўсган.

... Зоду буд Андикон вилоятини бағишилаб, хон қилиб йибордим... («Бобурнома»)

Бузругвор/бузруквор – улуг, атсқли, ҳурматли, муқаддас, мухтарам. Бу сўз одам, жой ва тияга нисбатан ишлатилади. Чунончи: падари бузруквор...

Тулки саломлашиб, Тевадин ҳол сўраб айди: “Эй биродари бузругвор, ҳормасунлар, қайдин келурлар?” (“Зарбулмасал”)

Тикка Работни кўрмадим,
Пурфайз **бузруквор** экан (“Саёҳатнома”)

Бир кун бир **бузруквор** жомии дуоға машғул эрдилар
 (“Зарбулмасал”)

Бузург – 1.Улуг. 2.Катта. 3.“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хисравнинг вазирининг исми.

Қадимги бузург машойихлардин бизга бир масал қолибдур
 (“Зарбулмасал”)

Гули парданишинни зор этма,
Бузургу күчак ичра хор этма (“Гул ва Наврӯз”)

Бузург Уммид ани айлаб тарабнок,
Деди: “Қайтумгағылым, йўқтурур бок”... (“Фарҳод ва Ширин”)

Букм — гунг, соқов.

Қилмас эди куфр элига итоб,
Сум ила букм умийни вақти хитоб (Нишотий)

Булажаб — ажойиб, таажжубли, ҳайратли.

Кўп ўқудум Вомику Фарҳоду Мажнун қиссанинг,
Ўз ишимдин **булажаброқ** достоне топмадим (Навоий)

Булжор — 1.Азоб - уқубат, дод-вой, шовқин-сурон. 2.Кўшин тўпланадиган жой, лашкар йигиши келишилган жой.

Тошда ўшал суҳбати гулзор эди,
Шаҳр ичида меҳнату **булжор** эди (“Юсуф ва Зулайхо”)

Черикка айлабон миоду **булжор**,
Тавочи ҳар тараф еткурди ул жор (“Фарҳод ва Ширин”)

Булур — биллур.

Булуру яшм юз минг булажаб зарф,
Ки ҳар бирга хирожи мулк ўлуб сарф (“Фарҳод ва Ширин”)

Бултурғи — 1.Ўтган йилдан бир йил олдинги. 2.Эски, аввалги.

Етар, бу ишваларни оз қилғил,
Ҳамул **бултурғи** нақшинг соз қилғил (“Гул ва Наврӯз”)

Булуғ — балофат, етуклик. Бўй етганлик.

...аломати **булуғ** зоҳир бўлуб тиши чиқиб, кўзи сузулиб,
овози бузулиб, онасининг тўғри сўзлаганига эгри сўзлай бошлади (“Зарбулмасал”)

Булғоқ/булғоғ — тўполон, фавро, фитна, босқин, талон.

Чу Юнус чиқти болиқ курсоғиндин,
Хўтган тинди Ҳабашнинг **булғоғиндин** (“Гул ва Наврӯз”)

Булҳавас — ҳавойи, садоқатсиз, ишқни ҳавас ва аксинча — ҳавасни ишқ деб тушунадиган ҳислари ғур киши; ёлғондакам ошиқ.

Йўқ асар ноламда, манзиллар йироқдур чун жарас,
Ишқ ўлида Муқимий ким, дема, эй булҳавас (Муқимий)

Бум – 1.Бойёғли, бойқуш, укки. 2.Замин, ер, қўриқ ер, мамлакат.

Фуқаро бошига етти бу қалин шум қуллар,
Ҳамдами шоҳ бўлиб, аҳли таҳаккум **бумлар** (Турди)

Мақомим кўҳи ишқинг бўлса басдур,
Менга марғуб эмас не буму, не марз (Мунис)

Буми манхус – хосиятсиз бойўғли, фалокат келтирадиган бойқуш.

Нетай, минг зебу зийнат бирла товус
Ки бўлғай ҳамнишини **буми манхус** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бу навъ – бу хил, бу равиш, бундай.

Менда чу фаҳм этти **бу навъ** изтироб,
Бош кўтариб кулдию берди жавоб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Бунёд – 1.Яратмоқ, тикламоқ, қурмоқ. 2.Бошламоқ, айтмоқ.
3.Асос, негиз, пойдевор, манба.

Бурунроқ солиб турфа **бунёд** анга,
Бериб зикр обоу аждод анга (“Тарихи мулуки Ажам”)

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, аввалидин ёна **бунёд** айлагай (Навоий)

Эйки, дерсиз ишқ аро сабринг уйин обод қил,
Мундоқ этгунча ҳаётим қасри **бунёдин** бузунг (“Бадое ул-васат”)

Бурж – (қўплиги – буруж) 1.Зодиак. Қадимги астрономияга мувофиқ: қуёшнинг йиллик ҳаракатидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири. 2.Қалъя деворининг ўркачсимон қисми.

...сизнинг толеи гардунингиз **буржида** саодат партавлик мастуралиқ садафидин пайдо бўлган ... Гунашбону исмлик... қизингиз бор эмиш (“Зарбулмасал”)

...қўргоннинг **бурж** ва борусининг забт ва рабтига машғул бўлдилар (“Бобурнома”)

Бурна/бурно — илгариги, аввалги, олдинги.

Май ич бирдам, тузуб ишрат асоси,

Чекардин **бурна** дам умр аждаҳоси (“Фарҳод ва Ширин”)

Бурногилар масали — илгаригилар (қадимги) мәқоли.

Бурногилар масалидурким, “Битар ишнинг бошиға – яхши келур қошиға” (“Зарбулмасал”)

Буротиб — бўралатиб.

Булут кўкраб, ёшин ёшоб, эсиб ел,

Буротиб қор ёғиб, ёмгур этиб сел (“Гул ва Наврӯз”)

Буроқ — 1. Мұхаммад (с.а.в) пайғамбаримиз меъроҳ кечаси кўкка миниб чиққан от. 2.Умуман от.

Ки етти ул бариди ҳомили роз,

Қўлинда бир **буроқи** барқпарвоз (“Фарҳод ва Ширин”)

Не йўлдинким гузар қилса **буроқи**,

Терар эрди изи тўзин қароқи (“Гул ва Наврӯз”)

Буррон — кескир, ўткир.

Үлумни хуш қилиб ҳижрон элиндин,

Сувурди ханжари **буррон** белиндин (“Гул ва Наврӯз”)

Бурудат — совуқлик.

Булутдинким томиб ҳар қатраи сув,

Бурудатдин ёғиб оламға инжу (“Фарҳод ва Ширин”)

Бурун — 1.Биринчи, аввалги.

Бурун қирқ уй бўлуб олтун макони,

Ҳар эвда қирқ хуми хисравоний (“Фарҳод ва Ширин”)

2.Ортиқ, кўп.

Қайси бир зулминг этай теъдод, эй гардуни дун,

Ким сенинг бедоду жавринг ҳадду **бурун** (Махмур)

3.Илгари, олдин аввал.

Икки ёки уч кун **бурунроқ**, Мавлоно Шайх Абдуллоҳ ушбу рисолани бизнинг қошимизга келтуруб эрди (“Хамсату-л-мутаҳайирин”)

Бурундуқ — түянинг бурнидан ўтказилган жилов, тизгин.

Кўрки, **бурундуқ** кишининг қўлида,

Бу кишининг кўзлари ўз йўлида (“Зарбулмасал”)

Бурунламоқ — бурилмоқ, ўгирилмоқ.

Жавҳар Аданға **бурунлаб**, уруқни Гулга бошлатқани (“Гул ва Наврӯз”)

Бурут — мўйлов.

Лоф рахшин катталик майдонига ҳарён суриб,

Қўл билан ҳар дам **бурутларни** юқорироқ буриб... (Муқимий)

Бурч — бурчак; оғизнинг бир чети, оғиз мийифи.

Бойўғлининг оғзини бир **бурчидан** чиқар... (“Зарбулмасал”)

Бурҳон — далил, ҳужжат, важ.

Ушбу сўзлар, Муқим, эмас ёлғон,

Кўни - қўшниси шоҳиду **бурҳон** (“Тўй”)

Бут — 1. Крест, санам, хоч. Насронийларда Исо алайҳиссаломнинг таҳтакачга тортилган расми солинган чорчўп. Буддавийларда: Будда ҳайкали.

2. Гўзал, маъшуқа (мажозан). 3. Оёқнинг сон қисми; оёқ.

Ишқ зиннорини боғлаб белига,

Мунис ул **бутга** бараҳман бўлсун (Мунис)

Анда не раҳбон эди, не барҳаман,

Лек бори **бутлар** эди сиймтан (“Ҳайрату-л-аброр”)

Фалак пайкар тани кўхи балое,

Кўлу **бут** ҳар бири бир аждаҳое (“Фарҳод ва Ширин”)

Ушбу ҳолатта ўнг **бутумга** шеба била ўткара оттилар
("Бобурнома")

Бути Чин — Хитой гўзали, хитойлик санам.

Чу қилди мени ул **бути Чин** зору мубтало,

Ишим менинг қолибтуур эмди Худо била (Бобур)

Бути сийминбар — кумуш танли санам, оқ танли гўзал.

Дебон гоҳи бути сийминбар они,
Замоне лӯбати маҳ пайкар они (“Фарҳод ва Ширин”)

Бутгар – бут ясовчи уста, крестчи, хоч устаси.

Анда бутхонанинг қалиди дағи,
Бутгару бутпараст умиди дағи (“Сабъаи сайёр”)

Буткарди фармон – айнан: буйруқни бажарди; мажозан: вафот этди.

Ўкутурғач ўшал битикни хоқон,
Битикдек тўлғаниб **буткарди фармон** (“Гул ва Наврӯз”)

Бутмагон – 1. Битмаган, тузалмаган; ёраси **бутмагон** – жароҳати битмаган.

Тифи ишқинг ёрасидур **бутмагон**.

2. Тугатмаган, айтиб бўлмаган, ниҳоясига етказмаган.
Дардини ҳар кимга айтиб **бутмагон**.

3. Унмаган, ўсмаган, қўкармаган.

Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин
Анда гул ёҳуд гиёҳе **бутмагон** (Навоий)

Бутпараст – бутга топинувчи, крестга сифинувчи, бутга чўқинувчи.

Келдию ўзни **бутпараст** этти,
Дайр даргоҳида нишаст этти (“Сабъаи сайёр”)

Бутратмоқ – тўзитмоқ, тарқатмоқ, тўзғитмоқ:

Жаҳонда **бутратиб** сайёҳларни,
Тенгизларга солибmallоҳларни (“Гул ва Наврӯз”)

Бутхона – черков, христианлар ибодатхонаси.

Тўрида бир васеъ кошона,
Дема кошона, балки **бутхона** (“Сабъаи сайёр”)

Бутшикан – бут синдирувчи, крестларни чилларчин қилувчи.

Ишни чунким бу ерга еткурди,
Бутшиканликка рахшини сурди (“Сабъаи сайёр”)

Бухоро – 1. Шаҳар номи. 2. Илм маскани, илм аҳли йиғиладиган жой.

“Бухоро” темакнинг маъноси муз тилинда илм ва аҳли илмнинг жамъ бўлатурғон темак бўлур (Абулғози)

Бу янглиғ – бундай, бунчалик, шунчалик.

Ҳамул илми баланд овоза бирла,

Бу янглиғ зўри беандоза бирла

Ўзин абжад ўқур элдин тутуб кам... (“Фарҳод ва Ширин”)

Бу-ӯқ – шугина, шунинг ўзи, шу холос.

Тилоким дунйидин **бу-ӯқтүр** охир,

Муродим мундин ўзга йўқтүр охир (“Гул ва Наврӯз”)

Буқаламун – 1. Тусини ўзгартириб турадиган калтакесак, хамелеон.

2. Ранг-баранг. Мажозан: тутуруқсиз, ўзгариб турадиган, бетайин.

Топмадим **буқаламун** кайдилари тарзини,

Аждаҳодек порага турмиш очиб оғзини (Турди)

Буқрот – қадимги юони ҳакими, врач Гиппократ.

Биҳамдиллаҳ табиби шаҳру **Буқроти** ҳалойиқман,

Ажалдин ҳам бани одамни ўлдирмоққа фойиқман (Махмур)

Бугз – кек, душманлик, қасд.

Дониш ила мен топиб мулки маонийга даст,

Бугз қилурлар аён аҳли жаҳолат манга (Мунис)

Бўза – жўхори, тариқ, арпа, гуруч унидан ачитиб тайёрланадиган пивосимон ичимлик.

Бўзахўр – бўза ичувчи, май ичувчи, ичувчилар.

Кириб охир дамида хуззога,

Бўзахўрларга косадор ўлғай (Махмур)

Бўзламоқ – қақшаб йиғламоқ.

Бўзланиб айди: – Ҳало, бераҳм онам,

Куйди-ю ёнди-ю тутошти танам (“Зарбулмасал”)

Бўй – 1. Ҳид, ис. 2. Қад, қомат.

Ўғлингизни, дедики, қилманг тўй,

Балки от тезагини қилманг **бўй** (“Тўй”)

Бўлумсиз – (зидди – бўлумли) яроқсиз, ишга ярамайдиган, қўлидан иш келмайдиган.

Бисёр суст ва бежуръят ва бўлумсиздур... (“Бобурнома”)

Бўлус/бўлис – Волость бошлиғи, волостной.

Унда бўлус Фози деди,

Ҳам муфти, ҳам қози деди (“Саёҳатнома”)

Бўрланган – оқланган, оҳак билан бўялган.

Сувлар сепилган сўрилар,

Бўрланган ўчоқ-мўрилар (“Саёҳатнома”)

Бўс – бўса, ўпич. Матнга кўра, нофора таёғи нофора юзига теккан.

Хуруш этти кавурга, кўкради кўс,

Уруб чавгон дуҳулнинг юзина бўс (“Гул ва Наврӯз”)

Бўси адаб – айнан: одоб бўсаси. Мажозан: таъзим, ер ўпмоқ.

Ким бузулғон дили вайронани обод этсан,

Айласам бўси адаб, шоҳ қўюб қайда оёқ (Турди)

Бўстонафрўз – гултожихўроз.

Дегайким: бўстонафрўз ичинда тухме сочилимиш,

Бироким холлар кўрса, узоринг лолазоринда (Навоий)

Бўта – бўталоқ, туяниң боласи.

Сен теванинг бўтаси онаси бирла мунозара қилғонидин бехабар ўхшарсан (“Зарбулмасал”)

Бўшурғонмоқ – ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, хафа бўлмоқ, ранжимоқ.

Бўшурғонмай солиб борғонларина,

Ижозат берди ҳам қолғонларина (“Гул ва Наврӯз”)

B

Важд – 1.Шавқ-завқ ҳолати, кучли ҳаяжон. 2.Сўфийларнинг ишқ түғёнида ўзидан кетиш ҳолатига келиши.

Алишербек қошида мундоқ мугасавифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар экандур (“Бобурнома”)

Важҳ – 1.Юз, чеҳра, бет. 2.Сабаб боис. 3.Ойлик, бойлик.

Хубрұлар күпдур, аммо **важқида** бадгиналиф,
Мисли кам Фарғонада танҳолиғингдин доғмен (Муқимий)

Оташин гул чунки булбул қайдурур юз **важқ** ила,
Не осиф фарёду афғон бирла минг дастон анго (Навоий)

4. Овқат, неъматлар.

Құлым етқуруб йилба-йил тұшае,
Тутибон үзим халқдин гұшае.
Бу **важқ** ила гунбазға айлаб нишаст,
Гумон этмагайсен мени бутпараст (Хиромий)

Вазифа – 1. Ойлик, маош. 2. Топшириқ, бажариш зарур бүлган иш.
Ишлар бори құнглунгдагидек бүлғусидур,
Иньому **вазифа** бори буйрұлғусидур (Бобур)

Вазиғ, вазеъ – 1. Паст, тубан. 2. Оддий киши, фуқаро, авом.
Вазеъ ва шариф, фақир ва мискин нафрин ва дуойи бадига
офиз очиб, құл күттардилар (“Бобурнома”)

Вазойиф – (бирлиги – вазифа) ойликлар, маошлар, иш
хақлари.

Вазъ – тарз, жусса, важоқат, ҳолат, ташқи күриниш.
Жисмдин сұрсамки, бу **вазъингға** не эрди сабаб?
Дер: анға бұлды сабаб ўтлуқ бағирнинг ҳирқати (Навоий)

Равон Савсан қилиб **вазъини** тағиір,
Кийиб эски чапон бошдан-аёқ кир (“Гул ва Наврӯз”)

Вайл – дұзах, жақаннам.

Жақон улусға беҳишти нишот ўлуб менга **вайл**,
Бу ибтилога сабаб билмадим эрур не гуноҳ (Мунис)

Вайло – дод-вой, фифон, йиғи-сиғи.

Чекиб Фарҳод ҳижронида **вайло**,
Узун йўл тутти андоқким Суҳайло (“Фарҳод ва Ширин”)

Валад – (күплиги – **авлад**) бола, фарзанд, ўғил.

Валаддур ул дуру волид садафдур,
Садаф яъни отоу дур халафдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Вале – лекин, бироқ, аммо.

Вале Наврӯз анингдек эрди бадҳол,
Кўз очмади тонг отқинча қолиб лол (“Гул ва Наврӯз”)

Валек – “ва лекин” сўзларининг қисқарган шакли.

Ўлмоқ авто санга каманд ичра,
Тирик ўлмоқ, **валек** банд ичра (“Сабъаи сайёп”)

Валлоҳ – Худо ҳақи.

Кўра билмон сенинг дардингни, эй моҳ,
Чин айтурман муни **Валлоҳу** биллоҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Валлоҳу аълам биссавоб – Аллоҳ тўғрисини ҳаммадан кўпроқ билади.

Чу доно мунда тортиб сўз хитобин,
Чекиб **валлоҳу аълам биссавобин** (“Фарҳод ва Ширин”)

Валодат – туғилиш, дунёга келиш.

Валодат ва насаби: секкиз юз олтмишда Самарқандда эди
 (“Бобурнома”)

Валоҳавл – кўркувни босиш учун ўқиладиган дуонинг бир қисми.

Бир оқшом ётиб кемани буржига.

Ўқуб “**Валоҳавл**” сув мавжиға (Хиромий)

Вар – “Ва агар” сўзларининг вазни тақозосига кўра қисқаргани.

Вар мунга ҳам қилмаса парво, дегил афлок элин,
Кеча-кундуз жонга еткуррган фифонимдин хабар (Навоий)

Вард – атиргул.

Очилди боғида бир оташин **вард**,
Демайким вард, балки шуълаи дард (“Фарҳод ва Ширин”)

Варзиш – одат, кўникма, машқ.

Токи сахо бўлди кафинг **варзиши**,

Кўрдунг экинму бир ўзунгдек киши? (“Ҳайрату-л-аброр”)

В-арна – ва агарда, акс ҳолда.

Эрур оқилға бу мужмал кифоя,

Сухан тафсили **в-арна** бениҳоя (“Виставка хусусида”)

Варта – ҳалокатли жой, даҳшатли макон, гирдоб, тубсиз чуқурлик, қаър, ҳалокатли ҳолат.

Бу қаттиғ **вартада** илгимни тутқай,
Күзүмни бир халаф бирла ёрутқай (“Фарҳод ва Шириң”)

Васат – ўрта, ўртача.

Жануби тарафидаги қасабалар бири Андижондурким; **vasatта** воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур (“Бобурнома”)

Васила – (кўплиги – **vasoийл**) восита, сабаб, баҳона, усул, йўл.

Тешиб эл кемасини ҳийла била,
Фарқ этиб сувға бу **vasila** била (“Сабъаи сайёр”)

Васла, вусла – ямоқ, қийқим, мато парчаси.

Васеъ – кенг.

Бу кун майдонингни **vasеъ** топдим (“Зарбулмасал”)

Васл – висол, учрашиш, қўришиш, юзланиш, юзма-юз бўлиш.

Ёнди жоним ҳажр ила **vasli** рухи ёр истарам,
Дардманди фурқатам, дармони дийдор истарам (Фузулий)

Васф – мақтов, сифатлаш, таърифлаш.

Жамолинг **vasfini** қилдим чаманда,
Қизорди гул ўёттин анжуманд (Атойи)

Ватан тутмоқ – яшамоқ, турғун бўлиб қолмоқ, макон қилмоқ, тураг жой қилмоқ.

Анда бир Бойўели деган **ватан тутмуш** эрди (“Зарбулмасал”)

Вақф – масжид, хонақо ва мадрасалар учун давлат томонидан бериб қўйиладиган даромад келтирувчи ер-сув, тегирмон ва ҳоказолар.

Юз шукрки, буқъалар мукаммал бўлди,
Вақфи бу худудким, муфассал бўлди (“Вақфия”)

Вақфия – вақфдан фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмалар қофози. Алишер Навоий “Вақфия”си ана шундай вақфга доир қўлланмадир. Унда қайси даромад манбалари вақф қилингани; унда истеъмол этувчиларнинг бурчлари ва вақф қилинган нарсаларни сақлаш ва замхўрлик қилиш тартиблари баён қилинган.

“Вақфия”ки тортилди басе заҳмат анга,
То бўлди шароит хатидин зийнат анга... (“Вақфия”)

Вахл — лой, ботқоқ.

Дунё сори ким майл ўқин отти, ахи,
Анинг **вахлиға** белича ботти, ахи (“Назму-л-жавоҳир”)

Вахҳоб — кўп бахшиш қилувчи, саховатли.

Тамуғ, учмоғ яратмиш Ҳаййи Жаббор,
Агар **Вахҳоб** эрур, Қаҳҳор ҳам бор (“Фарҳод ва Ширин”)

Вер — бер.

Шарҳи ҳолим сўр, муродим **вер**, алим дут, фикрим эт,
Раҳм қил давлатлу султоним, мурувват чоғидир (Фузулий)

Вермаз — бермас, бермайди; **бар вермаз** — ҳосил бермас.

Манга боди сабо ул сарви гулрӯҳдин хабар **вермаз**,
Очијмас ғунчай баҳтим, умидим нахли бар вермаз (Фузулий)

Визр — гуноҳ.

Лек дунёда бўлдилар бадном,
Қолди гарданлариға **визру** вубол (Сидқий Хондайликий)

Вирд — 1.Машқ. 2.Махсус тақрорланадиган, сўз, дуо.

Анингдек қилиди хора йўнмоғин **вирд**,
Ки юз Қоран қошида бўлди шогирд (“Фарҳод ва Ширин”)

...вирди анинг ҳарза сафиҳ (“Зарбулмасал”)

Вирди забон — тилга олмоқ, тақрорламоқ.

Таҳсили симу зар учун аблаҳлар оллида,
Тангри отини **вирди забон** қилмагил абас (Мунис)

Викор — вазминлик, улуғворлик. **Аҳли викор** — камтар оқиллар, улуғлар.

Хор ўлди уламову фузало, аҳли **викор**,
Кўрингизким, юрги топти на ерларга қарор (Турди)

Вобаста — боғлиқ, тегишли, даҳлли, даҳлдор. Мажозан:
мағтунлик, асирилик.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға **вобаста**,
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас (Бобур)

Вовайло — фифон қилмоқ, дод-вой солмоқ.

Оху вовайло — сурудим, дарду ғам — ҳамсуҳбатим,
Бода — ашким қони, ким күрди мунингдек базми хос? (Бобур)

Вожгун — тескари, чаппа, терс.

Оҳқим, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,
Вожгундур, имтиҳон қилдимки, аксар толеим (Муқими)

Вожиб — зарур, лозим, шарт, бажарилиши мажбурий.

Бас эрур **вожиб** сенга айлаб ҳамиша тарбият,
Менки Мунисман мени қилмоқ Навоий дастгоҳ (Мунис)

Возех, возиҳ — очиқ-ошкор, равшан, маълум аниқ.

Сизларга **возиҳ** ва лойиҳ эрур... (“Зарбулмасал”)

Воиз — ваъзхон, нотиқ.

Кеча ичмак маю кундуз демак ичманг ани,
Ҳикмат ичра бу эрур яхши сифат, эй **воиз** (Навоий)

Боқсамки, беш юзча хотун,

Воиз сўзин тинглар экан (“Саёҳатнома”)

Вола — мафтун, ҳайратда қолган, маҳлиё, донг қотган.

Қумри сарви қадду, булбул гул юзингнинг **воласи**,
Мен Муқимиға ҳамиша муддаодур кўзларинг (Муқими)

Волид — ота.

Валаддур ул дуру **волид** садафдур,
Садаф яъни отоу дур халафдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Волида — она.

Эшиқдин қалтираб келсанг иситтай,
Ки мушфиқ **волидангдин** меҳрибон печ (Муқими)

Волидайн — ота-она, ота ва она.

Бири эрур макрумати **волидайн**,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн (“Ҳайрату-л-аброр”)

Воло — 1.Баланд, юқори мартабали, улуғ, катта. 2.Ипакдан тўқилган мовий рангли майин мато.

Низомий эрди андоқ пили **воло**,
Ки чекти ганжу гавҳар пили боло (“Фарҳод ва Ширин”)

Вом – қарз, бурч.

Ҳам айлаб субҳ сафҳамдин сафо **вом**,

Ҳам олиб ранг хомам нўғидин шом (“Фарҳод ва Ширин”)

Вор – бор, мавжуд.

Кўнгулда минг ғамим **вордирки**, пинҳон айламак ўлмаз,
Бу ҳам бир ғамки, эл таънидин афғон айламак ўлмаз (Фузулий)

Ворид – келадиган, келган, етган, насиб этган.

Бўлуб ҳикмат элига айш **ворид**,

Шараф буржиға етгандек Аторид (“Фарҳод ва Ширин”)

Восил – эришган, етишган, қовушган, висолига муюссар бўлган.

Аларким қилдилар мақсуд ҳосил,

Бериб жон, бўлдилар жононға **восил** (“Гул ва Наврӯз”)

Вофи – 1.Кифоя қиласиган, етарли даражада, етарлича,
муносиб. 2.Вафо қилувчи, садоқатли.

Жавоб ўлғоч саволотиға **вофи**,

Анга бўлмай муважжаҳ нукта кофи (“Фарҳод ва Ширин”)

Воғир – фаровон, мўл-кўл.

Ошлиғи **воғир**, меваси фаровон... (“Бобурнома”)

Воя – 1.Хожат, зарурат, орзу, истак. 2.Насиб, баҳра, ҳисса, улуш.

Топилди чун бу янглиғ турфа **воя**,

Кўрунди тошдин бир зинапоя (“Фарҳод ва Ширин”)

Воқиф – огоҳ, хабардор.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,

Элни йиглаб **воқиф** этар зотидин (“Саёҳатнома”)

Вубол – гуноҳ, айб.

Шукрки, мунча ҳол илан, хотири пурмалол илан,

Нафси саги **вубол** илан, тозийи шайху шоб ўзим (Махмур)

Вузу – намоз олдидан юз-қўл ва оёқ ювиш, таҳорат.

Очилур оғзи десангизда **вузу** гусл қилиш,

Чўл, йўқ қатраи сув, катта-кичик, ёзу қиши... (Муқимиј)

Вусла – қийқимлар, ямоқлар, парчалар.

Хирқа уза баҳяки ҳар ён чекиб,
Зуҳду риё **вуслаларидин** тикиб (“Ҳайрату-л-аброр”)

Вусма – ўсма, қопга сиқиб суви қўйиладиган кўкат.
Кўк **вусмада** ул ой қоши гўё хаёлдур,
Ё ой бошида кўкта кўрунган ҳилолдур (Бобур)

Вуқуф топмоқ – воқиф бўлмоқ, хабардор бўлмоқ, хабар топмоқ.
Мўр аёф остида ўлғондин қаҷон **тоғай вуқуф**,
Арслонким, кўкка чирмашғай фириви шавкати? (Навоий)

Вуҳ – ҳамдардлик ундови: уҳ! Оҳ!
Шаголи тортибон афгони андуҳ,
Чекиб киргон кишининг ҳолига **вуҳ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Г

Гавда ҳар – эшак гавда, гавдаси эшакникидай.
Бирлари мўлтонинамо ҳийлагар,
Бирларидур кунда пиҳу **гавда ҳар** (“Танобчилар”)

Гавҳарнигор – гавҳар билан безалган.
Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била **гавҳарнигор** (“Ҳайрату-л-аброр”)

Гаждум, Каждум – 1.Чаён. 2.Юлдузлар туркумининг бири,
буржлардан бирининг номи.

Гаждуму афъилю бий, ўтласа ҷаррандалари,
Бир гала мўру малаҳ, бўрию даррандалари (Муқимиј)

Жамолингдур намоён зулфинг ичра,
Маҳи анварға манзил бўлди **гаждум** (Мунис)

Гажимпӯш от – урунда ўқ ўтмас маҳсус ёнинчиқ ёпилган от.
Муқаммал жибалик **отлар гажимпӯш**,
Жаҳон тубсиз тенгизтек бошлиди жўш (“Гул ва Наврӯз”)

Газанд – зиён, зарап.
Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Еткуур ифроти ва лекин **газанд** (“Ҳайрату-л-аброр”)

Гала — пода, сурув.

Бўлди раият **галаву**, сен — шубон,
Ул шажари мусмиру, сен — боғбон (“Ҳайрату-л-аброр”)

Ганда — ёмон, ярамас. **Ганда бўлур** — бузилади.

Оlamda nimirsa йўқ сувдин totliq,
Bir erda maқom etsa agar ганда бўлур (“Зарбулмасал”)

Гандум — бугдой.

Эй кўнгул, алданма зоҳид донаи ашкигаким,
Муштариға жав сотар, зоҳирда гандум кўргузуб (Мунис)

Ганж — 1.Хазина, олтин хазинаси. 2.Мажозан: достон.

Bir diram олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, бирор берса ганж (“Ҳайрату-л-аброр”)

... “Панж ганж” авроқига гавҳарпош рақами тортилиб эрди
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Ганжа — Ozарбайжондаги Низомий тугилган шаҳарнинг номи.
Ўз тугилган жойига нисбатан шоир Илёс Юсуф ўғли Низомий
тахаллусига қўшимча тарзда Ганжавий сўзини ҳам қўллагандир.

Анинг бу ганжидин топмай киши ком,
Нечукким ганжпоши Ганжа ором (“Фарҳод ва Ширин”)

Ганжпош — ғазнасочар, олтинсочар, энг саховатманд киши.

Анинг бу ганжидин топмай киши ком,
Нечукким ганжпоши Ганжа ором (“Фарҳод ва Ширин”)

Ганжур — хазиначи.

Анинг ошуфта ҳолидин бу ранжур,
Нечукким ганж яфмо топса ганжур (“Фарҳод ва Ширин”)

Гарди кудурат — гам-алам фубори.

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат, занги заман,
Айлагай оинаи табъим мукаддэр толеим (Муқимијий)

Гарди роҳ — ўйл чанғ-фубори.

Бойўғли... “Хуш келибсизлар!” деб гарди роҳларини қоқиб,
ўчоққа ўтун қалай бошлади... (“Зарбулмасал”)

Гардинамай – чамбарак қилиб учиш, күкда айланана ҳосил қилиш.

Бошиға парвоз ила **гардинамай**,

Үйлаки султон боши узра ҳумой (“Хайрату-л-аброр”)

Гардис қылмок – айланмок, доира бўйлаб айланмок.

Карашма бирла мажлис тузди соқий,

Ародати **қылди гардис** давр аёқи (“Гул ва Наврӯз”)

Гардун – фалак, осмон, кўк, олам. **Гардун дун** – пасткаш дунё.

...тутуни **гардунга** хиром боелади (“Зарбулмасал”)

Фарёдким, **гардуни дун**

Айлар юрак бағримни хун (“Саёҳатнома”)

Гардунсой – осмонупар, қўкка етадиган даражада юксак.

Музахҳаб тоқи базм оройи онинг,

Муталло фарши **гардунсойи** онинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Гардунсой хоро – қўк ўпар қоя.

Гари – ярарли, арзийдиган. **Қилмас гари** – арзимайди.

Ҳар нечукдур умрни, Бобур, хуш ўткармак керак,

Ким бу беш кун умр ғамгин бўлғали **қилмас гари** (Бобур)

Гарм – 1.Иссиқ. 2.Қизғин.

Эшитган сою Гулнинг дарди ортар,

Сиришки **гарму** оҳи сарди ортар (“Гул ва Наврӯз”)

Юруб Наврӯз аларни **гарм** сўрди,

Тушуб бир дам алар бирла ўтурди (“Гул ва Наврӯз”)

Гармоба – ҳаммом.

... **гармоба** сувини бошинг ва оёғингга ишлатибсан...

(“Зарбулмасал”)

Гарон – оғир, юқ.

Деди: “Пут беш юз олтмиш бирдур они,

Зиёд ўн беш қадоқ вазни **гарони**” (“Виставка хусусида”)

Гаштгоҳ – сайргоҳ, сайр қилинадиган жой.

Тошта эди неъмат ила **гаштгоҳ**,

Шаҳр ичиди шарбат эди оби чоҳ (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Гесү — соч, соч ўрими.

Аёйнгга тушар ҳар лаҳза **гесү**,
Масалдурким: “Чироғ туви қоронғу” (Лутфий)

Гети, **гети** — олам, дунё, жаҳон.

Бўлуб **гети** аро меҳри само ул,
Ҳамул оинаи **гетинамо** ул (“Фарҳод ва Ширин”)

Гетинамо — жаҳонни кўрсатадиган, олам кўринадиган (ойна).

Бўлуб **гети** аро меҳри само ул,
Ҳамул оинаи **гетинамо** ул (“Фарҳод ва Ширин”)

Гетинамо миръот — олам кўринадиган қўзгу.

Ки бу **миръотким**, **гетинамодур**,
Анга хуршедча нуру сафодур (“Фарҳод ва Ширин”)

Гил — 1.Лой, балчиқ. 2.Чанг-тупроқ, тўзон.

Узатти ўғлини бир неча манзил,
Қолибон кўз ёшидин пой дар **гил** (“Гул ва Наврӯз”)

Дедим бинафшай холин чу хато кўрдим,
Магарки қолди бинафша **гилу** губор ичра (Мунис)

Гила — гина, ўпкалаш.

Эй телба кўнглимизга сочинг тори силсила,
Солсанг ҳам они ҷоҳи зақан ичра йўқ **гила** (Мунис)

Гирд — атроф, теварак, айланана.

Қилиб Гул ҳужраси **гирдида** жавлон,
Навое бошлиди гирёну нолон (“Гул ва Наврӯз”)

Гирдбод — қуюн, қаттиқ айланма шамол, уюрма.

Ўлсам фироқ даштида етмай висолиға,
Эй **гирдбод**, кўрсанг ўшал ғамгусора де (Муқимий)

Гирдо-гирди — теварак атрофи, бутқул айланаси.

Қальъанинг **гирдо-гирди** тамом маҳаллоттур (“Бобурнома”)

Гирён — йиғлоқи, йиғлаб турган.

Келибман даргоҳингга, шоҳи хўбоним, қабул эткил,
Бағир қоним била бул чашми **гирёним** қабул эткил (Увайсий)

Гирибон – ёқа. **Чоки гирибон** – ёқа йиртиқлиги.

Туруб маҳбуб оллида мұхібқа,
Чу гул чоки гирибон вақти бұлди (Атойи)

Гирифтор – мұбтало, банд, асир құлмок, мафтун құлмок.

Сүз қаттиғи эл күнглини озор айлар,
Юмшоғи күнгилларни гирифтор айлар (Навоий)

Гирих – чигал, тугун.

Новак очмас гар тушар жон риштаси ичра **гирих**,
Демак они бұлмағайким нұғы мужгонингча бор (Навоий)

Гирихлик – чигаллик, тугунлик.

Таважжұх чун анинг руҳиға құлғай,
Гирихлик риштай банди очилғай (“Фарҳод ва Шириң”)

Гису, гесу – соч.

Гову хар – сигир ва әшак.

Бир пода жойи **гову хар**,
Чун оғули тайёр экан (“Саёхатнома”)

Гом – қадам, одим, оёқ.

Агарчи Ганжада ороми онинг,
Вале ғанж узра дойим **гоми** онинг (“Фарҳод ва Шириң”)

Гоҳу бегоҳ – вақт-бевақт.

Алар бу фикр ичинде **гоҳу бегоҳ**,
Ки Кайвон бир ўюн күргузди ногоҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Гузар – 1.Кечик жой. 2.Кечмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ.

3.Ўтмоқ, йўли тушмоқ. 4.Маҳалланинг гавжум жойи.

Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин
Ҳаққоки, менинг йўқ гузарим, нетти не бўлди? (Атойи)

Дашт аро гүёки хабар билмадинг,

Хотам уйи сори **гузар** қилмадинг? (“Ҳайрату-л-аброр”)

Гузир – Чора, илож, тадбир. **Гузир йўқ** – илож йўқ.

Хусусан, подшоҳи одилга уч тоифадин **гузир ва чора** йўқдур...
 (“Зарбулмасал”)

Гузор – 1. Ўтказувчи, ўтувчи, ўтайдиган. 2. Йўл.
Бўлуб раҳбар менга ўз ихтиёrim,
Баногаҳ бир тараф тушди гузорим (“Виставка хусусида”)

Гузориш – 1. Ўтказиш. 2. Ҳикоя қилиш, нақл этиш.
Агарчи килк нақш айлаб нигориш,
Топибдур достон мундоқ гузориш (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулафшонлик – гулсочарлик, гул сочишлиқ.
Чаман фарроши, яъни тонг насими
Гулафшонлик қилур бўстон ичинда (“Муҳаббатнома”)

Гулбарги тар – 1. Гул япрғи. 2. Мажозан: гўзal. 3. Мажозан: Ширин.
Дедимким, сизга дей аввал хабарни,
Қилай хандон бурун гулбарги тарни (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулбонг – сайраш, қаттиқ сайраш, сайраб нола қилмоқ; қуш
кичқириғи.
Кеча-кундуз қилма гулбонгингни бас, эй андалиб,
Ким санга беш кун бу гулшан ичра меҳмон бўлди гул (Навоий)

Гулбор – гул ёғдирувчи, гул ёғиладиган.
Насими субҳ ўлур боғ ичра гулбор,
Бўлур боғ оташин гул бирла гулнор (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулбун – гул тупи, гул дарахти, гул бутаси.
Уйдин улуғроқ эди бир гулбуне,
Анда ватан тутмиш эди маймуне (“Зарбулмасал”)

Гулгун – гулдай, алвон, гулранг.
Ўтға солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса (Навоий)

Гулгуна – юзни қизартирадиган элик.
Ганжи ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасиин,
Гўйиё ўт солди ҳар ён ганж узра аждаре (Бобур)

Гулгун ашк – қонли кўз ёши.
Гулгун ашким ҳиносидин ёзиб рози дилим,
Хома мужгон кўз қаросидин ёзиб рози дилим... (Муқимий)

Гули Мушкин – 1.Шоҳ Мушкиннинг қизи – Гул. 2.Мушк ҳидли гул.

Гули Мушкин бу дард ичра гирифтор,
Кунинча сабр этар нокому ночор (“Гул ва Наврӯз”)

Гулоб – атиргул суви қўшилган тотли ичимлик, гул ҳидли мева суви, хушбўй компот, гул ҳидли лимонад.

Кўруб қизлар бу ишдин бўлдилар мот,
Гулобу ройиха келтурдилар бот (“Гул ва Наврӯз”)

Гулоб афшон – гулоб сепмоқ; гул барги, шакар ва сувдан тайёрланган ичимлик сепилган.

Гулоб афшон чу бўлди юзларина,
Парилар келди ногоҳ ўзларина (“Гул ва Наврӯз”)

Гулноргун – гулнор рангли, анор гули рангли.

Алар гулноргун қаср ичра гулпош,
Кўтармай лаългун майдин даме бош (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулогин – гулдор, кўп гулли, гул билан безалган.

Туруб базм ичра юз гулчехраи Чин,
Борига хулла гулрангу гулогин (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулпеч – чирмовиқ гул, рўмол нақшининг номи.

Эврулур бошинггау гоҳи юзунга юз қўяр,
Бу жиҳатдин от эмиш гулпечу гаҳ гулзор анга (Бобур)

Гулпош – гул сочадиган.

Алар гулноргун қаср ичра гулпош,
Кўтармай лаългун майдин даме бош (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулрез – айнан: гул тўкиш. Гул сочиш.

Гул айлаб барг, ҳар бир сарви навхез
Қилиб ҳар раҳбадин қаср ичра гулрез (“Фарҳод ва Ширин”)

Гулситон – гули斯顿.

Кўнглим ичра сарв ўқдур, фунча – пайкон, гул – тикон,
Даҳр бори ичра мундоқ гулситоне толмадим (Навоий)

Гулхад – гул ёноқ, ёноғи гулдай қиз. Ҳад – ёноқ.

Қошиға қўйди бир-ики гулхад,
Сарви гулрухга ҳамдаму ҳамқад (“Сабъаи сайёр”)

Гулханий – 1.Ўтга ўрганган. 2.Оташнафаслик, қизгинлик.
3.Муҳаммад Шарифнинг адабий тахаллуси.

Гулчин – айнан: гул тер; гул терувчилар, гул узувчилар.
Мажозан: талабалар, ўкувчилар (билим гулинни терувчилар).

Дема гимназияким, бир гулистон,
Эрур ҳар ёна **гулчинлар** хироми (Фурқат)

Гулузор – гул юзли, гул чехра.

Булбул айлар нолалар ёлғиз дема, эй **гулузор**,
Чуғзек қылғай Муқимий ҳам наво вайронада (Муқимий)

Гулӯ – томоқ, бўғиз. **Дарди гулӯ** – томоқ оғрифи.

...Ногаҳ бўлиб **дарди гулӯ**
Санчиқ тутуб бемор экан (“Саёҳатнома”)

Гум – 1.Йўқолган, йўқотилган, йўқол. 2.Тўлқин, мавж.

Тузолди онча асбоби танаъум,
Ки гулишан бўлди онинг остида гум (“Фарҳод ва Ширин”)

Гунгронмак – минғиллаб, фўнғиллаб.

Гунгрониб ҳар ён урар эрди қадам,
Фойибин истарга мажнуни дижам (“Лисону-т-тайр”)

Гумроҳ – йўлни йўқотган, йўлидан озган. Гумроҳ этмоқ –
йўлдан чалғитмоқ, йўлдан оздирмоқ.

Илмни ким воситай жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар (“Ҳайрату-л-аббор”)

Гумгашта – йўқолган, йўлдан озган.

Муқимийни паноҳи исматингда асрарил, ё Раб,
Хатарлик дашт аро **гумгаштаи** беражнамо ёлғуз (Муқимий)

Гунашбону – “Зарбулмасал” асаридаги персонажлардан
бирининг исми. Ушбу исмнинг лугавий маъноси: **гунаш** –
қуёш; **бону** – бека. Яъни қуёш бекаси маъносига моликдир.

Анда **Гунашбону** ойим... сукут аломати ризо, дегандек,
бошини қути солиб ўлтурди (“Зарбулмасал”)

Гунбад – гумбаз. **Гунбади мийно** – ҳаворанг гумбаз; осмон.

Жалоли боғида хашиш хуққаси янглиғ,

Нужум дурлари бирла бу **гунбади мийно** (Ҳусайн Бойқаро)

Гурезон, гуризон – қочаётган, қочувчи, қочган ҳолда.

Аёқдин бош қилиб афтону хезон

Боруп эрди ўз – ўзиндин **гурезон** (“Гул ва Наврӯз”)

Густохлик – ибосизлик, адабсизлик, андишасиз, тортингмайдиган, қайтмаслик.

Бу сўзни айлади барпо ажаб **густохлик** бирла,

Малоли хотир ўлғайму, кўнгул дод ўлди, доғ ўлди (Увайсий)

Қилиб **густохлик** Гул ҳазратинда

Қатиқ сўз сўзладим билмай қатинда (“Гул ва Наврӯз”)

Гуфтор – сўз, сўзлаш, гапириш, гап, нутқ.

Ул бир неча дилсизлара туҳматдир бу,

Даъвоя керак лаҳжау **гуфтор** ила баҳс (Фузулий)

Гуфтугўй – 1.Сўзлашув, сұхбат, гурунг. 2.Гап-сўз. 3.Овоза, довруқ.

Муқимий оғриди бошлар халойиқ **гуфтугўйидин**,

Шаҳар тинчиб қолурди бўлсачи эмди адо сайлов (Муқимий)

Етиб тўққуз фалак тоқиға ҳўюнг,

Ети кишварни тутқай **гуфтугўнг** (“Фарҳод ва Ширина”)

Гуфту шунид – айнан: айтиб эшитмоқ; яъни сўзлашув, сұхбат, савол-жавоб.

Бу эрди муттасил **гуфту шуниди**,

Худойидин ўғул эрди умиди (“Фарҳод ва Ширина”)

Гуфту (шунуд) – сўзлашув, савол-жавоб.

Бўлди басе пардада **гуфту шунуд**,

Парда чу қўпмади ародин не суд (“Ҳайрату-л-аброр”)

Гиёҳи ошнорўй – таниш ўт, кўкат, қадрдон гиёҳ.

Кўруниб қайда боқса ул баложўй,

Гулу хору **гиёҳи ошнорўй** (“Фарҳод ва Ширина”)

Гуҳар — гавҳар, инжу.

Эй орази шамсу қамарим, нетти не бўлди?

В-эй, тишлари дурру **гуҳарим**, нетти не бўлди? (Атойи)

Гуҳарбор — гавҳар ёғдирувчи, жавоҳир тўқилувчи. Мажозан: ширин сўз, чиройли ва маъноли сўзловчи. **Лаъли гуҳарбор** — маъноли сўзловчи лаблар.

Дерларки, эдар ғунча лаби ёр ила баҳс,

Гул барги тар ул **лаъли гуҳарбор** ила баҳс (Фузулий)

Гуҳаррез — гавҳар тўқувчи, гавҳар сочувчи; мажозан: ширин сўзлайдиган, қимматли фикрлар билдирадиган.

Киши мундоқ бўла олмай **гуҳаррез**.

Магар ул ҳиндуйизоди шакаррез (“Фарҳод ва Ширин”)

Гүё — 1. Гапиравучи, сўзловчи. 2. Аниқ. 3. Каби, сингари. **Булбули гүё** — гапиравучи булбул, хушхон булбул; мори гүё — сўзловчи илон.

Нолаю оҳингни гулрухлар эшитмас гарчиким,

Эй Муқимий, **булбули гүёлигингдин доғмен** (Муқимий)

Гӯз — кўз.

Гӯзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,

Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр (Фузулий)

Гўйи — гўёё, қаби, худди.

Етишгач ул насими аждаҳоға,

Ажал **гўйи** синон урди балога (“Фарҳод ва Ширин”)

Гўл — лапашанг, содда, довдир.

Шўранўл кушлар кўзига **гўл**, ўз ишига пишиқ...

(“Зарбулмасал”)

Гўнглим — кўнглим, юрагим.

Гўнглиминг мулкин жафо селоби вайрон айлади,

Бахтиминг ҳолин ҳужуми ғам паришон айлади (Фузулий)

Гўр — 1. Кўргин. 2. Қабр. 3. Қулон. 4. Шоҳ Бахром ибни Яздижурднинг лақаби.

Дода келдим адл девонига, фарёдим эшиг,

Сенки одилсан, **гўр** афғоним, надандир ғавра эт (Фузулий)

Овдаким шер қилди гүрга зўр,
Зўр ила шер уйини айлади гўр (“Сабъаи сайёр”)

Шоҳ Баҳром Гўри беозарм,
Ўзни гўр ўлтуурға айлаб гарм (“Сабъаи сайёр”)

Гўрга — майли, қўявер, ҳеч қиси йўқ.
Гўрга, қариндошларингиз бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси
бўлмас.. (“Зарбулмасал”)

Гўсола — бузок.
Гўсолалиф — бузоқлик, бетамизлик, думбуллик.

Расволигингдин ўзга не бергай натижәе,
Гўсолалифларингни аён қилмағил абас (Мунис)

Гўш — қулоқ. **Гўш қил** — тингла, эшит, қулоқ сол.
Эй жаҳондори зафар кавкабай даври фалак,
Гўш қил қиссан қишлоғи хароби Ҳапалак (Махмур)

Гўша — 1.Бурчак, макон, жой. 2.Чекка, узлат. **Гўшаи домон** —
этакнинг бир чети. **Гўшаи бом** — томнинг бир чети.
Ишқ сарпанжасидин жомаи ақл,
Чок то гўшаи домон бўлсин (Мунис)

Гўшмол — айнан: қулоқ бураш. 1.Адаб бериш, танбеҳ бериш,
жазо. 2.Торли мусиқий асбобни созлаш.
Най туз учун истар ани аҳли ҳол,
Чун туз эмас, чанг кўрар гўшмол (“Ҳайрату-л-аброр”)

Д

Дабир — котиб, мирза, мунший.
Жавоҳир ончаким ҳикмат **дабири**
Ҳисоб айлаб топилмай мингда бири (“Фарҳод ва Ширин”)

Дабистон, дабиристон — мактаб.
Дабистонда саъй айлаб туну кун,
Ёзилгон неча толибнинг саводи (Сўфи Оллоёр)

Даввор — айланувчи, доира бўйлаб ҳаракат қилувчи.

Маҳобат бирла чиқти гор ичидин,
Балодек гунбази даввор ичидин (“Фарҳод ва Ширин”)

Давот — сиёҳдон.

Кичик офтобани давот деб олиб,
Ажаб яхши деб киссасига солиб (Махмур)

Давр — айлана, теварак-атрофи масофаси.

Бир йиғочқа яқин жазираға давр,
Даврида сувга топмайин киши favr (“Сабъаи сайёр”)

Дагил, дегул, дигил — эмас. Дагил бехуда — бехуда эмас.

Булбули зорам, дагил бехуда афғон этдигим,
Қолмишам нолон қафас қайдинда гулзор истарам (Фузулий)

Дажамвор — 1.Фамгин, хафа. 2.Аччиқланган, дарғазаб.
3.Сүлғин. 4.Паришон ҳол бўлмоқ.

Атосининг аёғига дажамвор,
Тушуб, айлаб ўзин туфроққа ҳамвор (“Фарҳод ва Ширин”)

Дай — эски календарга мувофиқ қишининг энг совуқ ойи: 23 декабрдан 21 январгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Куёш иили (шамсия)га мувофиқ ўнинчи ой.

Соқи, эрур ишрат чоги, афсурда бўлма дай била,
Үттек чоғир келтур доғи, суҳбат тунотур май била (Бобур)

Дайёр — уй эгаси, хонадон аҳли.

Анингдек тўлғашиб, йиғлаштилар зор,
Ки қон йиғламоғон қолмади дайёр (“Гул ва Наврӯз”)

Дайжур — энг қоронғилик (кеча), зулмат.

Топиб ул тийралиқ Суқротдин нур,
Нечукким Муштаридин шоми дайжур (“Фарҳод ва Ширин”)

Дайр — 1.Бутхона. 2.Мажозан: майхона.

Кирап одами сонига қилса нўш,
Фано дайрида бир қадаҳ бода шайх (Навоий)

Далер — ботир, қўрқмас, юракли.

Иzzatfa ул фарбең бўлиб, исён сари бўлгай далер,
Айлаб оёғ остида хор, чўғ найзасини сой анго (Хувайдо)

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро қўқ асадидек далер (“Ҳайрату-л-аброр”)

Дам – нафас. **Дами сард** – совуқ нафас.
Тийрадуур зуҳд **дамидин** кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак (Бобур)

Дамон – ҳайқиравчи, бўкиравчи, маст. **Пили дамон** – маст фил.
Ки бўлсун бу ики пили замондек,
Қаю пили замон, **пили дамондек** (“Фарҳод ва Ширин”)

Дамсоз – дўст, ҳамдам, йўлдош, ҳамсуҳбат, ҳамдард.
Бўлуб бир неча соат анда **дамсоз**,
Муҳаббат қилдилар бир-бирга оғоз (Фурқат)

Дам урмоқ – 1.Лоф урмоқ, 2.Гапирмоқ.
Сен минг чордевордин **дам урарсен** (“Зарбулмасал”)

Отадин дам урма, панд ерсан (“Зарбулмасал”)

Дам қилмоқ – пуфламоқ, пудамоқ.
Кўнглум ўрганди ҳар дам оҳимдин,
Магар ул ел бу ўтни **дам қилди** (Бобур)

Дандон – тиш; оғиздаги тиш.
Енг ичиди қўюлди тўққиз жон,
Кулчалар тошки, синдуур дандон (“Тўй”)

Дап, даф – дойра, чилдирма.
Келинг, қизлар, чолайлик **дап** ила соз
Бир осойиш замонни чорлайин боз (Дилшоди Барно)

Дар – 1.Эшик. 2. “-да” – ўрин-пайт келишиги қўшимчаси
маъносини ифодалайдиган кўмакчи.
Узатти ўғлини бир неча манзил,
Қолибон кўз ёшидин пой **дар** гил (“Гул ва Наврӯз”)

Даранг – пайсал, секин, аста, тұхталиш, кечикиш.

Чу тортиб новакин айлаб **дарангі**,

Анингдек урди құзгуга хаданги (“Фарҳод ва Шириң”)

Даранда, дарранда – йиртқич.

Дарафтод бўлмоқ – ташланмок; сўзга дарафтод бўлмоқ – сўзга киришиб кетмоқ.

Анда Кўркуш сўзга дарафтод бўлди (“Зарбулмасал”)

Дарбанд – 1.Тўсиқ, ғов. 2.Дарвоза, эшик олди. 3.Қалъя. 4.Тоғ оралиғи, дара. 5.Тамба, эшик очилмаслиги учун тираб кўйиладиган тирговуч. 6. Кулф.

Бўлур йўлда аён бир хора **дарбанд**.

Темур занжир ила бир шери нар банд (“Фарҳод ва Шириң”)

Анга чиққоч кишиким тепса маҳкам,

Очилур қалъанинг **дарбанди** ул дам (“Фарҳод ва Шириң”)

Дарбойист – керак, зарур, лозим, даркор, мақбул.

Неким шаҳлиғ аро шойист бўлғай,

Ким ул шаҳларға **дарбойист** бўлғай (“Фарҳод ва Шириң”)

Даргоҳ – манзил, тураг жой, яшаш жойи.

Кўрқуш Кулонкир султон **даргоҳига** равона бўлуб, сарманзилига етди. (“Зарбулмасал”)

Дард паймо – дард тортувчи, дардни бошдан кечирувчи.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму,

Сенингдек дард паймоу, менингдек дард паймуда? (Бобур)

Дард паймуда – дард тортган, дардни бошдан кечирган.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму,

Сенингдек дард паймоу, менингдек **дард паймуда?** (Бобур)

Даржанг – айнан: жантада; қаҳрланган, дарғазаб, жантада шай.

Холбоқи мисгар...нафсини маломат қилиб, даржанг бўлуб, айтур эрдиким.... (“Зарбулмасал”)

Даржӯш – қайнаб турган.

Ҳамият ҳимматини **даржӯш** келтуруб... (“Зарбулмасал”)

Дарз – 1.Кийим. 2.Кийимнинг чоки. 3.Девор ёриги, тешиги.
4.Икки нарсанинг уланган (пайвандланган) жойи.

Жунун даштида мен мажнуни урён,
На бошда бўрк бор, на жисмда дарз (Мунис)

Осиё новасидек рост этиб бўғзини,
Тўлдурууб ашрафила деворини дарзини.... (Турди)

Дарзамон – дарҳол, ўз вақтида.

Кириб кема ичра неча дардманд,
Қилиб дарзамон бодбонин баланд (Хиромий)

Дари –тоғлик; **кабки дари** – тоғ каклиги.

Дари баста – ёпиқ эшиқ, кулфлоғлик эшиқ. Матнда
бутунлай, бор-будини деган маънодадир:

Шаҳаншоҳ ҳар не ул мажлисда эрди,
Дари баста борини Гулга берди (“Гул ва Наврӯз”)

Дарий – айнан: тоғ тили. Қадимий форс-тожик тили.

Кечирсинлар форси тилда дур тергланлар,
Дарий тилда назм инжусин келтирганлар (Абдураҳмон Жомий)

Дарин – яқин, аниқ.

Яқо йиртиб, қачонким урса бир оҳ,
Дариндорким, жаҳон ўртанса ногоҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Дариг – афсус, аттанг.

Кеттилар ҳасрат билан мардум йифиб дунё, дариг,
Ҳирси гафлат пардаси босиб, бўлиб аъмо, дариг (Муқимий)

Дарк – идрок, фаҳм.

Ки даркидин эрур андеша ҳайрон,
Хавосу ақли ҳикматпеша ҳайрон (“Фарҳод ва Ширин”)

Даркафан – кафанда. **Даркафан қилғил** – кафанга ўрагин.

Тариқи ишқ аро қўйсанг қадам, жондин гузар айлаб,
Ўлумдин илгари ўлғил, танингни даркафан қилғил (Ҳувайдо)

Дармонда – лол, қийин аҳволда қолган, ёрдамга муҳтож.

Тилаб, истаб нишон топмас кипидин,
Тақи дармондароқ бўлди ишидан (“Гул ва Наврӯз”)

Дароз – узун.

Савдоси дарозу баҳри күтоҳ,
Мазмуни фифону нолау оҳ (Фузулий)

Дарранда – айнан: йиртувчи; йиртқич, ваҳший.

Бу янглиф кўб экан даррандалардин,
Ўлук, баъзи тирик паррандалардин (“Виставка хусусида”)

Даррон – йиртувчи, йиртқич, дарғазаб ваҳший.

Агарчи аждаҳо бор эрди **даррон**,
Валек ул ўқ йилони ўтти паррон. (“Фарҳод ва Ширин”)

Дарун – ич, ичи, ичкариси. **Даруни коҳдон** – сомонхонада.

Яқин бир ойгача пулдорлар аҳволи ҳар оқшом
Киши билмас ётар жойи **даруни коҳдон** бўлди (Муқимиј)

Дарҳост – айнан: сўради; гуноҳини сўраб олиш, орага тушиб авф сўраш; 2. Йўқлов, истамоқ.

Келиб Гулдин мени **дарҳост** қилғил,
Менинг бирла мизожин рост қилғил (“Гул ва Наврӯз”)

Яна Булбулга бир **дарҳост** қилди,

Ким ул сўзнинг жавобин рост қилди (“Гул ва Наврӯз”)

Дарҳурд – лойик, яраша, арзийдиган, муносиб, мувофиқ, ўзига мос.

Сени Ҳақ хўблардин қилди чун фард,
Эрур бори ишинг ўзунгга **дарҳурд** (“Фарҳод ва Ширин”)

Дарқаҳр – ғазабланган, қаҳрли, дарғазаб.

Анда Бойўғли **дарқаҳр** бўлуб аиди... (“Зарбулмасал”)

Дарҳам – 1. Чатишган, чирмашган, бир текис. 2. Тарқоқ, наришон, ёйилган.

Ишқ элининг оҳидин ул сарвқад хам бўлмасун,
Фам елидин ул муанбар зулғ **дарҳам** бўлмасун (Бобур)

Даст – 1. Кўл. 2. Карра, марта. 3. Қайта, бошқатдан, яна. 4. Илож, имкон. 5. Асорат, тазийиқ. 6. Усул (мусиқа усули). **Тиҳи даст** – қўли бўш, қашшоқ. **АЗ САРИ ДАСТ** – қайта бошдан. **Даст андоғлилик**

— 1. Құл ҳаракати билан үйин тушиш. 2. Үйирлик қилиш. **Дасты тақдир** — тақдир құли.

Ки ногаң Булбули шүрида масть,
Суруде соз қилди аз сари даст (“Гул ва Наврұз”)

Гаҳе қилди фалак жаврини тақрир,
Гаҳе этти баҳона дасты тақдир (“Гул ва Наврұз”)

Әрүр отим ул әлда Булбули масть,
Билурмен юз туман достон ила даст (“Гул ва Наврұз”)

Чу хоқон толти мундоғ чораға даст,
Ичига шодлиғ юзланды пайваст (“Фарҳод ва Шириң”)

Даст андоғы — 1.Рақсда құлни силкиб үйнаш; 2.Үйирлик, ўмариш.

Арода ғамзалар ғаммозлиқда,
Карашма, шева даст андоғы (“Гул ва Наврұз”)

Дастбұс — құл үпиш; мулозамат.

Чу айлаб дастбұсидин сарафroz,
Алар айлаб дуоу мидҳат оғоз (“Фарҳод ва Шириң”)

Дастғир — 1.Дастак, восита. 2.Құлловчи.

Хамма ишга ёлғон сүзи дастғир,
Сүзин сарф этиб, қорнин айларди сер (“Зарбулмасал”)

Дастгоҳ — 1.Асбоб-ускуна, яроғ. 2.Бойлик, қудрат. 3.Құллаш, ҳомийлик. 4. Амал.

Бас әрүр вожиб сенға айлаб ҳамиша тарбият,
Менки Мунисман мени құлмоқ Навоий дастгоҳ (Мунис)

Манзилимни сүрма, эй магрури мулқу дастгоҳ,
Даҳр сахрои жунун уй бўлмагай девонада (Муқимиј)

Дастмоя — 1.Савдода муомаладаги пул, капитал. 2.Воситалар.

Түйнугингдин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун (“Тўй”)

Дастмузд — құл ҳақи, иш ҳақи.

Анинг чун риштаи умрини уздуңг,
Эрүр бу ганжи маҳфий дастмуздунг (“Фарҳод ва Шириң”)

Дастон – 1.Достон, қисса, ҳикоя. 2.Куйлаш, сайраш. 3.Макр, ҳийла, алдов, фириб. 4.Гирифттор қилиб.

...жахон дашти мажнунларини минг балоға **дастон** қилиб, сүзенок фифонға учратти (“Фарҳод ва Ширин”)

Оташин гул чунки булбул күйдуур յоз важх ила,
Не осиғ фарёду ағфон бирла минг **дастон** анго (Навоий)

Дастор – салла.

...**дасторни** дасторпек чирмар әди (“Бобурнома”)

Дастранж – құл азоби, құл меңнати, құл қийноғи. **Дастранж чекиб** – құл оғритиб.

Бир дирам олмоқ, **чекибон дастранж**,
Яхшироқ андинки, бирор берса ганж (“Хайрату-л-аброр”)

Дастрас – құли етадиган, уддасидан чиқадиган, құлидан келадиган; имкон, илож, имконият.

Сангаким борча ишда **дастрасдур**,
Аннинг фикри дөғи душвор әмасдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Дастур – 1.Расм, йўсин. 2.Вазир. 3.Тартиб, одат.

Паҳлавон илтифот юзидин маъхуд **дастури** била этнимни тутар эрди (“Ҳолоти Паҳлавон Мұҳаммад”)

Гұхар ағшон қилиб **дастури** ҳүштәр,
Тобуклар ерга еткурди сазовор (“Гул ва Наврӯз”)

Тонгла ҳамул **дастур** била яна келди
 (“Ҳолоти Паҳлавон Мұҳаммад”)

Дастури аъзам – улуғ вазир, бош вазир.

Мунис, ғамимни кимга дейин, құлмаса қарам,
Дастури аъзаму шаҳи воло табор ҳам (Мунис)

Даф – доира, чилдирма.

...үтға **даф** орқасини, ўғрининг орқасини тоблагандек,
тоблай бердилар. (“Зарбулмасал”)

Дафина – (құплиги – **дафойин**) яширилған бойлик, ерга күмилған хазина.

**Нече йилдин бери йиққан хазина,
Неким фагфурдин қолған дафина** (“Гул ва Наврӯз”)

Дафъ – қайтартмок, йүқ қылмок, маҳв этмоқ.
Совуқ душман бўлиб урса шабохун,
Қилурга дафъ ул соҳибқирон печ (Муқимиј)

Дафъа – гал, марта, карра.
Бу дафъа боринг, дахи бир жавоб олурсиз (“Зарбулмасал”)

Дахи – 1.Ҳам. 2.Яна, тағин. 3.Мабодо, таги.
Мен дахи нажжорликни ўрганай,
Болаларим барчасига ўргатай (“Зарбулмасал”)

Бу дафъа боринг, дахи бир жавоб олурсиз (“Зарбулмасал”)

Дахи тўқол эчки мунгуз тилаб – қулоғидин... айрилғондек
бўлма! (“Зарбулмасал”)

Дахма – 1.Мақбара, сагана. 2.Мажозан: дунё, жаҳон.
Чун дахмаси гўё жинон,
Ўқишилари қуръон экан (“Саёҳатнома”)

Дашна – ханжар.
Назар Фарҳодга чун солди Парвез,
Дегил кўксига тегди дашнаи тез (“Фарҳод ва Ширин”)

Даштпаймой – дашт кезувчи.
Миниб от, ўлди ул ён даштпаймой,
Нечукким тавсани гардун миниб ой (“Фарҳод ва Ширин”)

Даъб – одат, қилиқ, хислат.
Даъби шулким, мудом еткурса
Халқ аро захмату зиён, амаким (Махмур)

Дақиқа – 1.Нозик усул. 2.Минут, лаҳза.
Ул меним уза қувват билан ғолиб бўлмади, балки кураш,
таълимидан бир дақиқани кизламиш, ани била ғолиб бўлди
(Сайфи Саройи)

Дақоқиқ – (бирлиги – дақиқ) нозик маънолар, ажойиб нукталар.

Дақойиқ арсасида барқпаймо,
Борисин тавсани фикри хироми (Фурқат)

Дағдага – 1.Орзу, тилак, истак, хой-хавас. 2.Құрқұв, ваҳима.
Сафар құлмоқ дағдагаси бошимға түшбұдур (“Зарбулмасал”)

Мундоқ маъкул ва муважжақ сұзларни хотирнишон қилиб,
хоҳи ва ноҳоҳи элни бу дағдагалардин ўткардук (“Бобурнома”)

Даги – ҳам, яна.

Қатлинга гарчи табъ роғиб әмас.
Лек қўймоқ даги муносиб әмас (“Сабъаи сайёй”)

Даго – макр, алдов, ҳийла, айёрлик, ҳийлагарлик.

Мен бунда хароб ўлдиму сен анда саломат,
Дунёи даго ичра менга йўқтур ҳаловат (Машраб)

Даҳон, даҳан – оғиз.

Каломингдин ҳаловат топмоғи жонларни ондинким,
Даҳон нозик, забон нозик ки лаб нозик, сухан нозик (Фурқат)

Хату холинг эмастур Хизрдин кам,
Даҳонинг оби ҳайвондин қолишишмас (Муқимиј)

Даҳр – дунё, олам; **даҳри дунпарвар** – ёмон, ярамас одамларни ёқладидиган дунё.

Мени хор эттию қилди муддайға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму? (Бобур)

Даҳсар – оғирлик ўлчови бўлиб, турли жойларда турлича вазнда ҳисобланган. Хоразмда даҳсар XIX асрда 5 кг.га баробар бўлган.

Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор (“Зарбулмасал”)

Дебо – ҳарир ипак мато.

Бу дебойи чиний юзин хитойи соз нақшлар била мунаққаш құлмоқ... (“Фарҳод ва Шириң”)

Дебож – ҳарир ипак мато, дебо сұзининг қофия талаби билан бузилган шакли.

Аҳли донишлар түшарга бүрёе топмайин,
Хайли нодонлар солиб маснад уза **дебожлар** (Мунис)

Девбод – қуондай тез, қуон.

Фарҳоднинг **девбод** хиромлиқ девзоди устига секриб
Аҳраман бешаси азмиға секратиб... Аҳраман манзилиға суруб
етгони (“Фарҳод ва Ширин”)

Девкушлук – дев ўлдиришлик.

Кўрунуб ҳайъатидин тез ҳушлук,
Билиниб пайкаридин **девкушлук** (“Фарҳод ва Ширин”)

Девлох – девлар макони, девлар манзили, девистон.

Хирад бошин эвуруб **девлохи**,
Куруқ шоҳ анда ҳар бир дев шоҳи (“Фарҳод ва Ширин”)

Девон – 1.Идора, маҳкама, шоҳ ёки вазир маҳкамаси. 2.Амалга
кўра лақаб. 3.Бирор шоирнинг алифбо сирасига (қофия ва
радифига кўра) риоя қилинган шеърлар тўплами. 4.Вазир
ёки молия ишлари мутсададиси бўлган амалдор.

Дода келдим адд **девонига**, фарёдим эшиит,
Санки одилсан, гўр афғоним, надандир гавра эт (Фузулий)

Девонима не рабту на тартибедур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибедур (Бобур)

...Хожа Афзални Ироқтин келтуруб **девон** қилдилар
(“Бобурнома”)

Девонавор – телбаларча, девоналарча, телбасимон.

Ул париваш ҳажридинким йигладим **девонавор**,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади? (Навоий)

Дегин – -гача, довур, қадар. Ярим тунга **дегин** – ярим кечагача.

Рост **ярим тунга дегин** ҳол бу,
Ҳам сенга, ҳам хайлинга аҳвол бу (“Ҳайрату-л-аброр”)

Дегу табоқ – қозон ва товоқ.

Қўшилilar ҳам солурлар эрди қулоқ,
Асарин топмас эрди **дегу табоқ** (“Тўй”)

Демон – демайман.

Демон мендин сенинг дардинг эрур кам,
Сенинг ҳам күп турур дардинг, менинг ҳам
(“Фарҳод ва Ширин”)

Деҳа – қишлоқ. **Мардуми деҳа** – қишлоқ одамлари, деҳқонлар.

Бир-бирига мардуми деҳа қараб,
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён тентираб (“Танобчилар”)

Дигар – бошқа, ўзга.

Рўзгорим тийра, иқболим забун, баҳтим қаро,
Бўлса равшан, бормукин тадбири **дигар** толеим (Муқимий)

Дигаргун – ўзгача, бошқача.

Фанимат баҳту фурсат, эй муғаний, чал **дигаргун**,
Керак “Ушишоқ”қа “Гулёр” айласанг ўтлуғ чекибон ун
(Муқимий)

Дийда – кўз. **Хирад дийдаси** – ақл кўзи.

Сен бор экан ўзга кишига назар этсан,
Чиқсун бу менинг дийдаларим, нетти не бўлди? (Атойи)

Дидбон – қоровул, ҳарбий қоровул, кузатувчи.

Қайдаким завраче топиб таскин,
Анда бир **дидбон** қилиб таяйин (“Сабъаи сайёр”)

Дийдор – 1.Юз. 2.Юз кўришиш, учрашув.

Дийдорингнинг ҳақини, эй юзи қўёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен (Бобур)

Дилафгор – қалби мажруҳ, бағри эзилган.

Жонимдек ўзга жони **дилафгор** кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор топмадим (Бобур)

Дилафрӯз – дилни ёритувчи, кўнгилни қувонтирувчи, маҳлиё
қилувчи.

Неча ул шамъ бор эрди **дилафрӯз**,
Вале күп шуъла тортар эрди жонсўз (“Фарҳод ва Ширин”)

Дилгир – юраги сиқилган, ранжиган, хафа, диққат, хафақон.

Бу Ҳинд ери ҳосилидин күп күнгил олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур (Бобур)

Дилдұз – айнан: юракни тикувчи; Йоракка қадалувчи, дилга озор берувчи, юракни қийновчи.

Агар қақнус чекиб юз нола жонсұз.

Анга минг нола үқи борча дилдұз (“Фарҳод ва Ширина”)

Дилжамълик – хотиржамлик.

Шоири шүридаға дилжамълик қайдин етар,
Дахли бежодин авом оллидадур юз пора сұз (Мунис)

Дилжү – дилкаш, күнгил тортадиган, күнгил овловчи, күнгилга тасалли берувчи, эркаловчи, күнгил сүрайдиган.

Зулфунг очилиб орази дилжү била үйнар,

Хинду бачае шүхдурур, сув била үйнар (Навоий)

Дилжүлиқ, дилжүйлүк – күнгилга тасалли беришлиқ, алқашлиқ.

...Мұттамир подшоҳ араб Айнияга дилжүлиқ қилиб Райёни олиб бергандек иш қылсанг эди (“Зарбулмасал”)

Күзин очиб жамолин яхши күрди,

Басе дилжүйлүкілар бирла сүрди (“Фарҳод ва Ширина”)

Дилкушо – 1.Күнгилочар, дилни яйратадиган, табни очадиган.
2.Боғнинг номи.

Водил мақоми дилфизо,

Күчалари дилкушо (Муқимий)

Боғи Булдуудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир (Бобурнома)

Диловар – баҳодир, паҳлавон, ботир, қаҳрамон.

Зафарпайкар үшал Руся аскар,

Ҳама размозмо ҳарби диловар (Фурқат)

Диловарлық силоҳи – баҳодирлик аслаҳаси.

Улум авроқи чун бир-бир ёпилди,

Диловарлық силоҳи майл қилди (“Фарҳод ва Ширина”)

Диловез – күнгилни банд этувчи, дилни мафтун қилувчи, күнгилни үз забтига олувчи.

Күзи, қоши қилиб минг фитна ангез,
Лаби пуршевау зулфи **диловез** (“Гул ва Наврӯз”)

Дилпазир – ёқимли, дилкаш, күнгилга ёқадиган.
Суруд айтиб қотинда чанг бирла,
Маволим **дилпазир** оҳанг бирла (“Гул ва Наврӯз”)

Дилписанд – күнгилга ёқадиган, ёқимли, маъқул бўладиган.
Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларингким **дилписанд** эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд эрмас (Бобур)

Дилреш – айнан: юраги яра, бағри жароҳатли.
Қилди бу фалак шуъбадаси хастау **дилреш**,
Ошиқ кишилар билса они, душман эрур хеш (Машраб)

Дилсиз – тилсиз, гапиролмайдиган, соқов.
Ул бир неча **дилсизлара** тухматdir бу,
Даъвоя керак лаҳжау туфтор ила баҳс (Фузулий)

Дилситон – кўнгилни олувчи, кўнгил овловчи, мафтун
этувчи, ўзига маҳлиё қилувчи (киши ёки нарса).
Гар жафо қил, гар вафоким, **дилситоним** сен менинг,
Хоҳ мени ўлтур, хоҳи тиргузки, жоним сен менинг! (Навоий)

Динор – пул бирлиги, тилла танга.
...яrim хазина **динор**, юз тева... жамлаб... (“Зарбулмасал”)

Дирам – чақа, танга пул, кумуш танга.
Қилса чиқим гар бир **дирам**,
Үйку қочиб бедор экан (“Саёҳатнома”)

Дирамдур мояи ишрат улусга,
Вале мен бўлмишам бемоя наврӯз (Оғаҳий)

Довар – 1.Ҳакам. 2.Шоҳ, султон.
Аёғин турдилар барча саросар:
“Ким, эй шоҳи жаҳондорои **довар**” (“Гул ва Наврӯз”)

Дод – 1.Йифини ифодаловчи товуш. 2.Инсоф, адолат. 3.Арз.
Дода келдим адл девонига, фарёдим эшит,
Санки одилсан, гўр афғоним, надандур favra эт (Фузулий)

Додар – ини, биродар, ука, ака.

Хизр отамларга биродар эрур,

Чимлиғ азизлар менга **додар** эрур (“Танобчилар”)

Додрас – додига етадиган, арзини тинглайдиган.

Поймоли дахрман йўқ сандин ўзга **додрас**,

Ашклик туфроғим узра Руҳдек ургил нафас (Муқимиј)

Додхоҳ – 1. Даъвогар, арз қилувчи, шикоят билан келган киши.

2. Аҳоли шикоятларини текширадиган амалдор (додхоҳ, мингбоши ва қози сингарилар).

Ишиқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,

Чун де олмас дардини бир йил юргурса **додхоҳ** (Навоий)

Додхоҳим, **додхоҳлик** сенга хос,

Порасиз ўтмас сенга юз илтимос (Муқимиј)

Доия – истак, орзу, тилак, умид, мақсад.

Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлик ва улуғ **доиялик** подшоҳ эрди... “Бобурнома”

Дойгар – пахсачи, пахса урувчи (лойдан фишт ёки гувала ясамай, тайёр лой билан девор ясайдиган киши). Унда бирор девор ёнида турари, иккинчи киши курак билан гуваладай-гуваладай лойни узуб узатиб турари.

Бўлуб ҳар **дойгар** гардунга пайваст,

Қолиб бел урғучи балчиқ аро паст (“Фарҳод ва Ширин”)

Дойир – доира бўйлаб айланувчи, чарх урувчи.

Ароба демаким, гардуни **дойир**,

Бўлуб хоро юки остида сойир (“Фарҳод ва Ширин”)

Дол – 1. Эски ёзувдаги “д” ҳарфининг номи. 2. Исбот, далил, гувоҳ, хужжат.

Кўнглумга дард келгали хам бўлди қоматим,

Қаддим магарки дард аёқидаги **долдур** (Бобур)

Заъфлиқ жисмим била бу нотавон кўнглум аро

Дард ёр эрканга ушбу этма қаддим **долдур** (Бобур)

Дом – тузоқ, тўр (балиқ ва қуш тутиш учун), умуман асирилик.

Ёяр доми тазвир эл сайдига,
Қилиб субҳадин дона омода шайх (Навоий)

Бўлмоқ ўлмас ҳалос **домингдин**,
Бўлмогум эмин интиқомингдин (“Сабъаи сайёр”)

Доман, домон – этак.

Хоҳ назму хоҳ наср ўлсун фазилат аҳлидек
Хорлиғ **домонига** чекмиш оёқ якбора сўз (Мунис)

Домод – куёв.

Бу не навмидликлар, мактаб очсак, оқибат бизни
Аруси ком ила мақсадга **домод** этгуси мактаб (Аваз Ўтар)

Дона – 1.Дон, уруғ. 2.Бирор овни тутиш учун тузоқ олдига
сепиб қўйиладиган дон-дун.

Ёяр доми тазвир эл сайдига,
Қилиб субҳадин **дона** омода шайх (Навоий)

Дона-дона – томчи-томчи.

Келса гар мажлисга, бошиға нисор этмак учун,
Оқизур ҳар тун дури ашқини **дона-дона** шамъ (Комил Хоразмий)

Донарез – дон тўкишлиқ, бирор қушни тутиб олиш учун дон сепиш.

Басе эл бўлуб том уза **донарез**,
Учуруб кабутар берур эрди хез (“Садди Искандарий”)

Дониш – билим, илм, маълумот.

Улугнинг боргоҳида аҳли **дониш**... ҳар қанча кўп бўлса ҳам
оз бўлур... (“Зарбулмасал”)

Донишвар – билимдон, мутафаккир.

Анда шоҳи сахию **донишвар**,
Қабзай хукми ичра ул кишвар (“Сабъаи сайёр”)

Донишомӯз – айнан: билим ўргатувчи; муаллим, ўқитувчи, устоз.

Кўпуб оллинда чун ер ўпти Фарҳод,
Ҳакими **донишомӯз** этти бунёд (“Фарҳод ва Ширин”)

Доновар – доносимон. **Ҳашвлиғ** доновар – ясама доно,

лүттибоз.

Туттилар ҳиндуйи нофаржомни,
Ҳашвлиғ доновари айёмни (“Лисону-т-тайр”)

Дорайн – икки дунё, яъни мавжуд ва келгуси дунё.

Эй, хуш ул одамки, бордур жуду эҳсон қилғучи,
Деса бўлгуси они **дорайн** аро масрури ганж (Аваз Ўтар)

Доримоқ – ташланмоқ, кириб бормоқ, ҳужум қилмоқ.

Ҳосил ўшул уйга бало **дорибон**,
Қайси бало, балки вабо **дорибон** (“Ҳайрату-л-аброр”)

Доро – 1.Эга, хўжа, соҳиб. 2.Шоҳ, подшоҳ, хоқон. 3.**Доро** – қадимги Эрон шоҳи.

Буюрмоқта ўтуб **дорога** навбат,
Етишти ишта Мулкорога навбат (“Фарҳод ва Ширин”)

Қачон **Дорою** Искандар мунингдек,
Яна Фагфур ила Қайсар мунингдек (Фурқат)

Дорул-амон – осойишта жой, хатарсиз макон, ташвишсиз туар жой.

Шукрким, **дорул-амон** манзилиму маъвойим,
Давлату хожасаролардур манинг симойим... (Турди)

Дорулқазо – қозихона, суд маҳкамаси.

Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтургани учун қонлиқларига топшуруб, **дорулқазоға** йиборди (“Бобурнома”)

Дос – ўрок.

Бўлуб ҳар панжанинг тирноғи беш **дос**,
Ки шиддат ичра ҳар **дос** ўлгай олмос (“Фарҳод ва Ширин”)

Достон – 1.Макр, фириб. 2.Афсона, бехуда гап. 3.Бадий асаннинг бир жанри.

Боштин-аёф минбарининг пояси **достон**,
Ҳам ўзию ҳам маърифати жоҳили мажхул (Навоий)

Достон навоз – достон айтмоқ, достон куйламоқ, қўшиқ айтмоқ.

Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз,
Аҳли фино ҳар сори достон навоз (“Фарҳод ва Ширин”)

Дофеъ – 1. Даф құлувчи, йўқотувчи, қайтарувчи. 2. Тузатувчи (дору).
Гиёҳ анда туман минг борча нофеъ,
Ададсиз ранжфа ҳар қайси дофеъ (“Фарҳод ва Ширин”)

Дохил – киравчы, тегишли, мансуб, қарашли, ичидаги.
Гаҳи пешвойи сияҳномалар,
Гаҳи дохили базму ҳангомалар (Махмур)

Дош – тош.
Кима дод айлайин ёр ўлди ёрим неча авбоша,
Не суд эмди фифону нола қилсан бош уруб доша (Муқимий)

Доя – энага.
Узлар қўлди Савсандин фаровон:
“Ким, эй доя, менинг дардимга дармон” (“Гул ва Наврӯз”)

Доги – 1.Ҳам. 2.Яна, тағин. 3.Тоф. 4.Доф, жароҳат ўрни.
Етгач-ўқ бўлди разму кин пардоз,
Килдилар киналар доги оғоз (“Сабъаи сайёр”)

Зор ўлмасун онлар доги тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин анинг бағри тўла қондур (Аваз Ўтар)

Қуйидаги Лутфий рубоийсидаги доги тажнисларининг
маънолари: жароҳат, яна, тоғ.
Қўнглима ҳар ёнки боқсам, доги бор,
Ҳар неча дардимни десам, доги бор.
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,
Биз сори бўлди фироқинг доги бор (Лутфий)

Догули – алдамчи, фирибгар, айёр, маккор.
Чўқиб қочар зори ало
Бир докули айёр экан (“Саёҳатнома”)

Доҳ – каниз, чўри, қул.
Гаҳи масолихи дунё учун қилиб муҳтож,
Аларғаким эди номардликда ўйлаки доҳ (Мунис)

Ду — икки. **Ду аспа** — икки от билан.

Кўйиб ҳар қофила ўз мулкина юз,
Ду аспа илгари тушти қоловуз (“Гул ва Наврўз”)

Дубора — икки марталаб, қайтадан, яна, такроран.

Дубора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб (“Саёҳатнома”)

Дувож — тўн, кийим.

Чун фано гарди ёпар не суд тахту жоҳингга
Кўкнинг анжумдин мукаллал атласин қилсанғ **дувож**
(Навоий)

Дувулғодин тоги бўлди гузора — дубулғадан ҳам (кесиб) ўтди:

Саросар бўлди қалқон икки пора,
Дувулғодин тоги бўлди гузора (“Гул ва Наврўз”)

Дуд — тутун.

Зоҳир ўлғай ҳар нафас бир тун сочингнинг ҳажрида,
Ўтлуғ оҳим дуд янглиғ чиқса печу хам била (Бобур)

Дудам — икки тигли, қўш тигли. **Тиги дудам** — дами икки ёқлама пичоқ, ханжар, қилич.

Шеър ул **тиги дудамдурким** жаҳонни фатҳ этар,
Чекмайин лашкар гар олса илгига ҳар подшоҳ (Мунис)

Дузд — ўғри.

Бордим шаҳардин Яккатут,
Баққоли дузди бадбурут (“Саёҳатнома”)

Дукфуруш — дук (ип йигирадиган чарх урчуғи) билан савдо қиласидиган киши, дуксотар. **Сандуқчаи дукфуруш** — дуксотар сандиқчаси.

Этиб кибру манлик шаробини нўш,
Қаламдони сандуқчаи дукфуруш (Махмур)

Дукчи — 1.Дук (ип йигирадиган чарх урчуғи) ясаб сотадиган киши. 2.Дукчи — касбга нисбатан лақаб. **Дукчи эшон** — Андижоннинг Мингтепа қишлоғидан чиққан одил исёнкор Муҳаммад Али Халифанинг лақаби. Дукчи эшон 1898 йилда

ўз муридларини йигиб, Андижондаги рус горнizonига ҳужум қиласы. Туркестон генерал-губернаторлығы бу халқ ҳаракатини қонга ботириб, Мингтепани тұпға туттиради.

Озодадин тұпори күп,
Дукчисидан аттори күп (“Саёхатнома”)

Дума – ер ўлчаш идорасининг бошлиғи, танобчилар бошлиғи.
Жам бұлиб айблаюбон маслағат,
– **Думага**, – дер, – бир нима бериб жұнат (“Танобчилар”)

Дун – 1. Тубан, паст, ярамас, разил. 2. Тун, кечаси. 3. Ожиз, кичик, митти. **Гардун дун, дахри дун** – пасткаш дунё, ярамас фалак.
Фарёдким, гардун дун,
Айлар юрак-бағримни хун (“Саёхатнома”)

Бұлуб горида ҳар дун анкабути,
Бир устурлоби гардун анкабути (“Фарход ва Шириң”)

Дунё – мол-мулк, бойлик. **Дунёлиғ** – бойлик, бойлик әгаси.
Күрмадим манфаате беҳуда савдолиғдин,
Йүқ сүққа бошимдин ўзга манга **дунёлиғдин** (Турди)

Дуний – дунё, олам.
Ул вафосиз ёрдин чекмак не, яъни мунча фам,
Хусн аҳли чунки, Бобур, **дунийда** бисёр эмиш (Бобур)

Ду ним – икки нимта, икки бұлак; икки ярим.
Неча минг зариfy неча минг ҳаким
Ситам тийғин остида бұлди **ду ним** (Сидқий Хондайлиқий)

Дунпарвар – пасткашларни ёқловчи, тубанларни құллаб-қувватлайдыган.
Мени хор эттию қылди муддаийға парвариш,
Даҳри **дунпарварни** ўзга муддаоси қолдиму? (Бобур)

Дуогү – дуо қылувчи.
“Ошнойи бағараз” деб икки кунлик кунлик чоғламанғ,
Мен дуогү, бүлғонимча букчайиб чол, айланай (Муқимий)

Дур – 1. Жавоҳир, инжу. 2. Узок, йирок. **Дур аҳд** – аҳдига вафосиз, тутуриқсиз.

Кечирсинглар форси тилда дур терганлар,
Дарий тилда назм инжусин келтирганлар (Абдураҳмон Жомий)

Бўрини доги галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил (“Ҳайрату-л-аброр”)

Дур аҳду танг чашму бесару яъжуҷвазъ,
Мухталиф мазҳаб гуруҳлиг ўзбакистондур бу мулк (Турди)

Дурахшон — порлок, ярқирайдиган.
Кетургил, соқий, ул шамъи *дурахшон*,
Демон шамъи дурахшон, меҳри рахшон (“Фарҳод ва Ширин”)

Дурбор — дур ёғиладиган, инжу ёғиладиган. Матнда: кўз ёши тўқадиган:

Жилва қилғоч Муштарий қўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон *дурбор* этар (Навоий)

Дурд, *дурда* — май қуйқаси, май қўзаси остида қоладиган дон-дун парчалари.

Хумор этар агар Мунисни бехуд,
Қуонг оғзига онинг *дурдаи* хум (Мунис)

Дурдиӯши — қуйқа ичадиган, май қуйқасини симирадиган.
Чу ул май дурдидин бўлмиш хурӯши,
Сафо аҳлидур онинг *дурдиӯши* (“Фарҳод ва Ширин”)

Дурдана ёки *дурри яқдана* — ўхшаши йўқдур, энг тоза ва йириқдур.
Соҳирадурсен магар зулфингни сунбул айлаюб,
Лабларинг лаълу, тишинг *дурдана* қўлмай қўймадинг (Муқимий)

Дурдошом — май қуйқасини ичувчи.
Муҳаббат жоми *дурдошоми* улдур,
Ҳамоно Зинда пили Жомий улдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Дурж — 1. Қимматли тошлар, безаклар (ҳалқа, узук...) солинадиган кутича. 2. Мажозан: оғиз; кўнгил.
Дуриким чун қулоқни қилди маскан,
Кириб қилғай кўнгул *дуржини* махзан (“Фарҳод ва Ширин”)

Дурнош — дур сочувчи, инжусочар.

Тили дурнош, ўзи — покиза гавҳар,

Хирожи мулк, йўқум, реза гавҳар (“Фарҳод ва Ширин”)

Дурроҷ — қирғовул, тустовуқ.

Панд эшигтмас эди **дурроҷи** маст,

Кизбдин этмас эди афғонни паст (“Ҳайрату-л-аброр”)

Дуру дароз — узундан узоқ.

Айитти барча кўнглиндаги рози,

Кечурған қиссанинг **дуру дарози** (“Гул ва Наврӯз”)

Дурур — “бўлса” сўзи ва —дир қўшимчасини ифодалайди.

Ағёр дурур — ағёр бўлса-да.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,

Ҳар нечаки **ағёр дурур**, ёр айлар (Навоий)

Дуруғ — ёлғон, **забони дуруғ** — ёлғончи тил.

Кишигаки бўлса **забони дуруғ**,

Чироғи дили они бўлмас ёруғ

Дуруғ одамини қилур шармисор,

Дуруғ одамини қилур бевиқор (Саъди Шерозий)

Дут — тут, ушла.

Шарҳи ҳолим сўр, муродим вер, алим дут, фикрим эт,

Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидур (Фузулий)

Дуто — икки қат, эйилган, букик, икки букилган. **Қил дуто**

— буккин.

Истаган чоғда топай деб, бўлса кўнгулда хаёл,

Қоматидур бори меҳнатдин **дуто** деб ахтаринг (Муқимий)

Қил дуто пуштунг рукуға жабҳайи жондин сужуд,

То ажалнинг боридин қаддинг букилмасдин бурун (Турди)

Дутора — икки торлик, дутор (мусиқий асбоб).

Дутора уни айшу фарогатни берур ёд,

Мутрибга қулоқ тутки, не дер нағмада сози (Бобур)

Дутох – букик, эгик, икки букилган.

Фалак фазосиға сурсам хаёл якронин,

Қилур тавозиима моҳи нав қадини дутоҳ (Мунис)

Дутди – тутди, олди, эгаллади, ушлади.

Жойи шаҳбозлари қарғаву қузғун дутди,

Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим япалоқ (Турди)

Дутсоғ – асирик, тутқунлик, банди.

Зор күнглим танда зиндони бало дутсоғидур,

Раҳм қил, давлатлу султоним, муруват чоғидир (Фузулий)

Дучандон – икки баровар, икки шунча.

Хоҳ танобингни дучандон қиласай,

Хоҳ карам бирла бошингни силай (“Танобчилар”)

Душвор – қийин, мушкул.

Факр аро бирранглик душвор эрур беҳад, валек,

Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил (Навоий)

Келса гадой ногоҳ агар,

Бир нон чиқиши душвор экан (“Саёҳатнома”)

Душоб – шинни, узум мураббоси.

Фуқаро сирка ва душоби андин, ағниё нуқлу майи ноби андин (“Маҳбубу-л-кулуб”)

Духул – ногора.

Хуруш этти кавурга кўкради кўс,

Уруб чавгон дұхулнинг юзина бўс (“Гул ва Наврўз”)

Дұла – тұла, лим-лим.

Күр парвоначидур, күри саги қанжиқрү,

Доддохи дұла мағзобай бир машку сабу (Турди)

Дўлди – тўлди.

Мулқдин адлу карам кетти, келиб кину нифоқ,

Яхшилиқ қилма тамаъ, зулм ила дўлди оғоқ. (Турди)

Дўлоб – чархпалак, сув тортадиган чиғирик.

Ором топарму чарх даври,
Доим ҳаракат этар бу дүлөб (Нодира)

E

Его, егу — емиш, овқат, таммадди, егулик.
Хамиша сут эди онинг физоси,
Тиламаз эрди андин ўнг **егоси** (“Хисрав ва Ширин”)

Елгун — айнан: елдай, шамолдай; чопқир от, учкур от, илдам от.
Ки ногаҳ бу ясолни кўрди Баҳром,
Қила билмади **елгунни** саранжом (“Гул ва Наврӯз”)

Ер ўлмоқ — таъзим қилмоқ, топинмоқ, сажда қилмоқ.
Ул сарвға қарам қилибон еткур, эй сабо,
Бобур ниёзини **ер ўпуб** хўб адо била (Бобур)

Етгач-ӯқ — етган зоҳотиёқ.
Етгач-ӯқ бўлди разму кин пардоз,
Қилдилар кин алар доғи оғоз (“Сабъаи сайёр”)

Етти паргор — айнан: етти циркуль. Етти қават осмон.
Бўлиб гардон анингдек тўрт саркор,
Ки саргардон қолиб бу етти паргор (“Фарҳод ва Ширин”)

Етти хиргоҳ — мажозан: етти қават осмон (қадимги
астрономик тушунчага кўра осмон етти қават эмиш).
Таҳаммулсизлигиндин қиласа бир оҳ,
Куяр ул шуъладин бу **етти хиргоҳ** (“Гул ва Наврӯз”)

Ё

Ё — 1.Ёки. 2.Ёй (камон). 3.Эски ёзувдаги ҳарф бўлиб, “ё” билан
“и”, “е”, “о” товушлари ифодаланган. **Ё қилди** — эгди, буқди.
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим
Ё Хурросон, ё Хито, ё Ройдурур (Бобур)

Қаддимни фироқ меҳнати **ё қилди**,
Кўнглум famу андуҳ ўтиға ёқилди (Бобур)

Қаддинг алифу қошинг эрур ё,
Десам не ажаб агар сени ой (Бобур)

Ёбиз — куз.

Яман мулки қачонким бўлса ёбиз,
Бўлур аърофtek дунийида тенгсиз (Лутфий)

Ёбис — кўриқ, экилмаган ер:

Ул ҳазрат ҳукми жиҳатидин ва таклифи сабабидин маош
мазрааси ёбис қолмасун деб, бирор нима зироатқа иштиғол
кўргуздум” (“Вақфия”)

Ёбу — 1.Отнинг бир нави, миниладиган отнинг бир хили.
2.Туркий уруглардан бирининг номи.

Яна от анвойдаки, тубучоқ ва аргумоқ ва яка ва ёбу ва тоту
йўсуналуқ — борин туркча — ўқайтурлар (“Муҳокамату-л-луғатайн”)

Ёва — 1.Бўз, кўриқ. 2.Бехуда, маъносиз сўз.

Қаён эрдим, қаён чекти жунунум,
Жунундин ёва сўз бўлди фунунум (“Фарҳод ва Ширин”)

Ёвумоқ — яқинлашмоқ. **Ёвумас** — яқинлашмас. **Ёвуткоди** —
яқинлаштирди.

Агарчи раҳм гирдингда ёвумас,
Мени мундоқ кўруб кўнглунг совумас (“Гул ва Наврӯз”)

Ёвуқ — яқин.

Дарё ёвуқдур (“Зарбулмасал”)

Ёдоб — мадорсиз, заиф, кучсиз.

Дардимдин ўзи ёдоб экинму?
Ҳажримдин иши хароб экинму? (Навоий)

Ёзамен — 1.Дод дейман. 2.Ёзга мен (чиқмадим). 3.Ёзаман.

Чархи кажрафтор элидин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишидин ёза мен.
Бир мени ёрлик била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен (Лутфий)

Ёзи — дашт, чўл.

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат каби ёзи,
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай қишу ёзи (Бобур)

Ёзса – хато қилса, хато кетса.
Вале отқон замон баҳт ўлмай огоҳ,
Киши ёзса ўшул кўзгуни ногоҳ... (“Фарҳод ва Ширин”)

Ёзуқ – гуноҳ, айб, ёмон қилғилик.
Агар андеша қилмассен ўзингдан,
Ёзуқсиз бизни ўлтуртурмусен сан?! (“Гул ва Наврӯз”)

Ёзуқлуқ – гуноҳкор, жиноятчи.
Булар ўтру юқунуб хастав зор,
Ёзуқлуқлар киби гирифтор (“Гул ва Наврӯз”)

Ёзғон – 1. Гуноҳ қилган, ёмон иш қилиб қўйган. 2. Ёзган.
Аргумоқ от бўлмас озғон сўнг, хўжаси қулиға боқмас ёзғон
сўнг (“Зарбулмасал”)

Ёй – баҳор.
Яна ёй мавсумида мулки Фарҳор,
Эрур филжумла жаннатдин намудор (“Гул ва Наврӯз”)

Ёлин – ёлқин, аланга, олов.
...Шафақидин ёлин ва ахтаридин ахгар ёрутмоғифа мўжиб
не эркан (“Фарҳод ва Ширин”)

Ён – 1. Қайт, ортингга қайт. 2. Томон, тараф.
Чинори тебратиб илгини ҳар ён,
Ки эй кирган киши, тенгри учун ён! (“Фарҳод ва Ширин”)

Ё насиб! – эй насиб! Қисматдан кўрдим! Тақдиримдан
кўраман!

Жон фидо айлаб дедим, васлинг насиб ўлғай манго,
Бўлса жоним қасди қилғонлар насиби, ё насиб (Навоий)

Ёнгилмоқ – янглишмоқ, хато қилмоқ, адашмоқ.
Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлагай (Навоий)

Ёнгилмади — адашмади, янгишмади, хато кетмади.
Навоий фунча тилаб, күнглум оғзин этти ҳавас,
Агарчи топмади, лекин ёнгилмади күнглум (Навоий)

Ёндурди — 1.Қайтарди. 2.Ёқди, ёқиб юборди, куйдирди.
Бу иш бирла олиб, ёндурди ўғлин,
Ёнар ўтқа солиб, ёндурди ўғлин (“Гул ва Наврӯз”)

Ёнмоқ — 1.Қайтмоқ. **Ёндилар** — қайтдилар. 2.Үтда ёнмоқ.
Топмайин гайри қайтмоқ чора,
Бузулуб ёндилар баякбора (“Сабъай сайёр”)

Ёп — ариқ, катта ариқ.
Қайсингизни күрди эл капча билан ёп қозғонин,
Борингиз савдо-сотиқ бозорида жавлоналар. (Аваз Ўтар)

Ёр — севгили, дўст. **Ёр айламоқ** — дўстга айлантиromoқ.
Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур, ёр айлар (Навоий)

Ёра — яра, жароҳат.
Кўксумни чунки ёрдинг, киргил кўнгулгаким бор,
Ул ёра эшигингдек, кўз анда равзанингдек (Бобур)

Ёри фор — фор дўсти, форда бирга яшаб дўстлашган (дарвиш)лар.
Мажозан: энг қадрдан дўст.

Кетур, соқий маю бўл фамгусорим,
Демайким фамгусорим, ёри форим (“Фарҳод ва Ширин”)

Ёрлик — 1.Ёрлик, нишон қоғози. 2.Ёрлик, дўстлик.
Бир мени ёрлик била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен (Лутфий)

Ёрмонмоқ — чирмашмоқ.
Нечук бўлса чиқиб ул икки дилхоҳ,
Ёпушуб ёрманур барроҳ бероҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Ёрмоқ — 1.Пул, танга, маблаг. 2.(Ер) ҳайдаш.
Тутуб жўлду олур ёрмоққа қалқон,
Дегилким, айламишлар тоғни талқон (“Фарҳод ва Ширин”)

Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар...
("Маҳбубу-л-қулуб")

Ёро – 1.Эй ёр, эй дўстим! 2.Кудрат, мадор, қобилият, илож, чора.
Ичимда бўлса юз ўт ошкоро,
Нафас дудин урага қайда **ёро**? ("Фарҳод ва Ширин")

Ёсоқ – жазо, қатл жазоси.
Тушти сипоҳи бирисин чопқали,
Шоҳ ёсоқидин амон топқали ("Ҳайрату-л-аброр")

Ёсуман – жасмин, оқ сарғиш гул.
Чаман саҳнида, дерлар, сарв бирла **ёсуман** нозик,
Фалатдур, қоматинг олдида гулдан пираҳан нозик (Фурқат)

Бўю юзу лаъл эрну хату ҳадина туш йўқ,
Сарву гулу мул настарину **ёсуман** ичра (Саккокий)

Ёттилар аёқдин бош билмай – бош-оёқни фарқ этолмайдиган
даражада маст бўлиб ётдилар.
Кечага текру андоқ ичтилар май,
Ки ёттилар аёқдин бош билмай ("Гул ва Наврӯз")

Ёф – ариқ, катта ариқ.
Бўлма гунаҳ дашти аро навмидлик лаб ташнаси,
Ким афв ёфи ичра сув мавжи етар рош устина (Огаҳий)

Ёш – 1.Киши умрининг бир пайти (ёшлиги). 2.Умрдаги йиллар
саноги.

Ўтти эл бўлмоқдин ул **ёш**, мен қарифум ишқида,
Ўлганим яхши бу навъ ар ўтса элликдин **ёшим** (Бобур)

Ёшоб – яшнаб, чақнаб.

Ёқа келди – 1.Куйдириб келди. 2.Ёқди.

Гар ҳажринг ўти жону жигарга **ёқа келди**,
Жонимга не хуш шарбати васлинг **ёқа келди**

3.Ёқтириди:

Ҳажр ўти неча мажруҳ этиб бузди жигарни,
Васлинг бу шифо марҳамини хуш **ёқа келди**

- 4.(Кийим) ёқаси келди, яъни (құлымга) ёқам келди:
Девона бикин тишлаб эмас югра-югурда
Жон пора қилур ҳолда элимга **ёқа келди**
- 5.Кирғоқ бұлди:
Дарё бұлуб оллимда күзум ёши ҳамиша,
Сайёд менгизлик менинг үрнүм **ёқа келди**
- 6.Олов ёқди:
Зулфингни қачон солдинг ўшул ол янгоқ узра,
Жонимға менинг илса ул үтни **ёқа келди**
- 7.Хуш келди, яхши келди:
Девона дединг менинг зулфунг санға занжир,
Ошиқлара маъшуқи мунунгтек **ёқа келди** (Саккокий)

Ёғи – душман, ёв, ғаним.
Айитти Гул: “Қүонг бу ҳарза сұзни,
Забун этмак недур **ёғига үзни**” (“Гул ва Наврұз”)

Ёлиғінгікім – рүмөл, дурра.
Ёлиғінгікім жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндер манга ҳар тор анга (Бобур)

Ёғоч – 1.Дарахт, түсин. 2.Масофа ўлчови, 1 ёғоч – 10 км.
Анда иморатға яроғлик **ёғоч**
Етти қулоч бўйи, эн – икки қулоч (“Зарбулмасал”)
...бир **ёғочлик** ерда Япалоққуш маскани... бор эди.
(“Зарбулмасал”)

Ж

Жаал – 1.Мажбур қилмоқ. 2.Сотиб олмоқ, сотилмоқ, тұлов.
Хукмидур жумла либосиу ишидур амали,
Сұзидур бетагу фармони ниппони **жаали** (Турди)

Жабал – тог.
Күргузуб юз жаҳд айёми баҳор ўтмай жадал,
Сайр қилсақ, ҳар баҳор айёми сахрою **жабал** (Фурқат)

Жабин – манглай, юз, пешана.

Жабинлари гул-гулу киприклари хор,
Қабоғлар кенг-кенг, оғизлари тор (“Фарҳод ва Ширин”)

Жав – арпа.

Эй кўнгул, алданма зоҳид донаи ашқифаким,
Муштариға **жав** сотар, зоҳирда гандум кўргузуб (Мунис)

Жав-бажав – заррама-зарра, майда-майды, ипидан-игнасиғача.
Суруб ҳайъат сори чун фикрати раҳиш,
Сипеҳр ажзосин айлаб **жав-бажав** пахш (“Фарҳод ва Ширин”)

Жаввола – жавлон қилувчи, сакрайдиган, оловнинг
гуркираши, аланганинг кучайиши.

Жудолиг кунжида ҳар дам тушиб бир турфа аҳвола,
Эмас анжумлар, оҳим шуъласидин кўқда **жаввола** (Муқими)

Жавонбахт, жувонбахт – баҳтиёр, келажаги порлоқ, баҳтли.
Ки, эй шоҳи **жавонбахти** жаҳонгир,
Ҳаросон бўлди сендин Баҳмани пир (“Гул ва Наврӯз”)

Жавониб – (бирлиги – **жониб**) томонлар, ҳар ёқлар, турли томонлар.
Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким,
атроф ва **жавонибқа** элтарлар (“Бобурнома”)

Жаврфан – ҳунари жабр, иши зулм бўлган киши.
Бор экандур Аданда **жаврфане**,
Жавр қилмоқ фанида сафшикане (Навоий)

Жаевф – бирор нарсанинг ичидаги бўш жой; қат, бағр, ичи.
Таниға заъф ғолиб, кўрмайин ранж,
Вале **жавфи** аро юз маънавий ганж (“Фарҳод ва Ширин”)

Жавча – арпача, арпа каби, тариқча.
Уёту ному нангин кўзга илмай,
Отоси тожу таҳтин **жавча** билмай (“Гул ва Наврӯз”)

Жавшан – совут, қалқон.
Алар **жавшани** барча қолқондуруқ,
Синон қўлларида нечукки суруқ (“Садди Искандарий”)

Жавҳар – гавҳар. Матнда фикр эрлик фазилати устида бораётир.

Мардлар майдон чекиб, рангин кўтариб захмлар,
Сизга йўқ ул **жавҳару** юзга упа-энглик қилинг (Турди)

Жадал – 1. Тезлик, тиришиш. 2. Тортишиш, мунозара, жанжал, баҳс. Жидду жадал айлаб – файрат билан тиришиб...

Кўркуш... жидду **жадал** айлаб, Бойўғли сарманзилига равона бўлуб... (“Зарбулмасал”)

Жадий – 1. Ўғлоқ, улоқ, эчки боласи. 2. Фалакнинг ўн икки буржининг ўнинчиси. Қуёш бу буржга 23 декабрда киради. Бурж ўғлоқ тарзида тасвирланади.

Кўрунуб такасидин **жадий** поя,
Асад қоплонининг остида соя (“Фарҳод ва Ширин”)

Жазаъ – бетоқатлик, доду фарёд, ғавғо.

Не ҳожат айтмоқум чун тушар иш,

Жазаъдин беҳдур ўлмоқ чораандиши (“Фарҳод ва Ширин”)

Жазира – орол. Тўрт томонидан сув билан ўралган қуруқлик.

Ҳам тануманду ҳам шужоу далер,

Ул сифатким **жазира** ичраки шер (“Сабъаи сайёр”)

Жазм – қатъий, муқаррар, аник.

Чунки фараҳ базмиға азм айладинг,

Айшу тараб азмиға жазм айладинг (“Ҳайрату-л-аброр”)

Жазойир – (бирлиги – **жазира**) ороллар.

Айлабон разму кийна изҳори,

Келса **Жобир жазойири** сори (“Сабъаи сайёр”)

Жайб – 1. Ёқа, чўнтақ, қўйин; 2. Кийимнинг олди (тутма қадаладиган қисми); 3. Бўйин, томоқ. 4. Кўкс.

Ваҳ, неча ишқ ўти жисмимда сўнгакни ўртагай,

Кўнглаким **жайбиға** ўт солғай, этакни ўртагай (Навоий)

Ул маҳлиқо сипеҳр каби сабзапўшдур,

Жайбид тугмаларни дурахшон ситора де (Муқимиј)

Зинҳор учраганда ўшал шўх ногаҳон,

“Сансиз фамингда **жайби** они пора-пора” де (Муқимиј)

Жайш – 1.Аскар, лашкар, құшин. 2.Базм, түй-сур.
Уч ой бу қаср аро ҳам туздилар **жайш**,
Суруду бирла қылдилар айш (“Фарҳод ва Шириң”)

Жайхун – Аму дарёси.
Англамон **Жайхунда** ул ой кема бирла сайдер этар,
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрар **Жайхун** аро (Навоий)

Жалоблиғ – жалб этувчилик, мақтаб манзур этишилик.
Сўзин тут гавҳари кони маоний,
Шакар **жалоблиғдин** асра они (“Фарҳод ва Шириң”)

Жало – юртни ташлаб кетиш, кетиб қолиш, кечиб кетиш,
ватандан жудо бўлиш.
Эй Навоий, чун ватанда бир дами хуш урмоғим
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай **жалони** найлайин? (Навоий)

Жаложил – шилдироқ, доиранинг темир ҳалқачалари.
То бир кун ул ойдин навозиш топқай,
Кўк доира бўлдию **жаложил** ою кун (Бобур)

Жалолат – (бирлиги – **жалол**) улуғликлар, буюкликлар,
шукуҳлар, шон-шавқат.
Бошда гар йўқтур **жалолат** гавҳаридин афсане,
Ёнима басдур мазаллат туфроғидин бистаре (Бобур)

Жало марҳаласи – ватандан ташқаридаги жой, ғариблик манзили.
Фуқаро ўткара олмай баҳузур авқотини,
Кўйса ҳар сори **жало марҳаласи** сори қадам (Мунис)

Жам – Жамшид (қадимги подшоҳ) исмининг қисқарған шакли.
Жамжоҳ – Жамшиддай шавқатли.
Бўлса ул хисрави **Жамжоҳ** карамдин не ажаб,
Фуқаро ҳолидин оғоҳ, карамдин не ажаб (Муқимиј)

Жамъ – йифин, тўда, йигилмоқ, йигилиш.
Қизнинг отаси бу **жамъда** йўқдур (“Зарбулмасал”)

Жамол – 1.Хусн, юз гўзаллиги. 2. Юз, чехра, бет.
Жамолу жоҳ элидин юз фарофатим бордур,
Ўрамунг ити манга ошно керак бўлса (Лутфий)

Жамшед, Жамшид – Қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бири.

Эрур **Жамшид** уруғидин нажоди,
Фаридундин ҳам ортуқ адлу доди (“Гул ва Наврӯз”)

Жанб – 1. Ён томон, ён, қаршиси. 2. Нисбатан.

Кўнглума асҳоб зулми **жапбид**, во ҳасрато,
Чарх нешин марҳами роҳат келурни билмадим (Навоий)

Жангу жадал – урушмоқ ва жанжаллашмоқ; жанжаллашмоқ ва шошмоқ.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,
Эрур **жангу жадал**, ранжу риёзат барча беҳуда (Бобур)

Жанибат – 1.Ҳамроҳ, йўлдош. 2.Эҳтиёт учун олиб юриладиган иккинчи от. **Жанибат сургулик** – от сурмоқ, от қўймоқ.

Деди: “Ул ён **жанибат сургулукдур**,
Бу иш гар воқеъ ўлса кўргулукдур” (“Фарҳод ва Ширин”)

Жаноб – 1.Хузури, қабули. 2.Бўсага, даргоҳ, остона. 3.Ҳурматли зот, зодагон. 4.Томон, тараф.

...Шўрангўл Малик Шоҳин **жанобига** севинчига чоптурди...
 (“Зарбулмасал”)

5.Ҳурмат, мартаба, шукуҳ. 6.Ҳиммат.

Чу бас олий эди меҳмон **жаноби**,
Бўлуб гавҳар қошида тош ҳисоби (“Фарҳод ва Ширин”)

Жарас – қўнгириқ, карвон қўнгириғи.

Йўқ асар ноламда, манзиллар йироқдур чун **жарас**,
Ишқ йўлида Муқимий ким, дема, эй булҳавас (Муқимий)

Жарда – 1.Тус, ранг. 2.Тўриқ ранг. 3.Сариқ от.

Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,
Не адҳам, **жардаи Шабдез** рафтор (“Фарҳод ва Ширин”)

Жарима – 1.Тўлов. 2.Гуноҳ, жиноят, ёмон хатти-ҳаракат.

Бечора отни қамчиласурлар **жаримасиз**,
Қилмас хаёли явми жазо денг, улоқчилар (Муқимий)

Жаррор – 1.Урушиқоқ, жангари, құрқас. 2.Катта тұда, жуда күп. 3.Үз томонига тортувчи.

...гоҳ үзини Таҳамтан олувчи баҳодири **жаррор**... (“Зарбулмасал”)

Жарф – 1.Чуқур, теран (дарё); 2.Узун, узоқ (масофа).

Сүздур бу жаҳон ахли аро қулзуми **жарф**,

Покиза маони ангадур дурри шигарф (Оғаҳий)

Жашн – базм, түй. **Жашни ом** – оммавий базм, әлга ош тортиш.

Дедики: “Бир кун қилибон **жашни ом**,

Унданб әдим бодия ахлин тамом (“Ҳайрату-л-аброр”)

Жиба – металдан ясалған зирхли ҳарбий кийим. У қүйлак ва калта шим тарзида бұлиб, жангчини ёй үқи, найза ва қилич зарбидан сақлашға мұлжалланған.

Ушбу юртда Хисравшоҳнинг жибахонасидаги жебаларни улашды (“Бобурнома”)

Жигаргоҳ – бағри, қүйни.

Бу савдо күруб тожири нотавон,

Жигаргоҳидин ешти нақдин равон (“Садди Искандарий”)

Жиҳот /бирлиги жиҳат/ – 1. Нарсалар, асбоб-ускуналар. 2. молдунё, юклар.

Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ **жиҳотини** забт қылди (“Бобурнома”)

Жо – жой, ўрин, маскан.

Қоши ёлар күйида умри шариф этгунча сарф,

Қылғай эрдим масжиду меҳроб аро **жо** кошки (Бобур)

Жобир – 1.Исм, “Сабъаи сайёр” достонидаги персонажлардан бири. 2.Жабр құлувчи, зулмкор.

Кирди завраққа **Жобири** хунрез,

Ел каби қүйди юз алар сори тез (“Сабъаи сайёр”)

Жовид – абадий, мангулик, доимий.

Бошингтта түпса меҳнат шоми **жовид**,

Юз очиб зоҳир этсам эрди хуршид (“Фарҳод ва Ширин”)

Жовидон – абадий, мангулик, ҳамишалик, доимий.

Күрмай охир тарк эттим, ваҳки, мунглуг жонима,
Васл етмай **жовидон** фурқат келурни билмадим (Навоий)

Жовидона – абадий, мангалик, ҳамишалик, доимиий.
Қилиб яғмо халойиқдин карона,
Тутуб айш анда манзил **жовидона** (“Фарҳод ва Ширин”)

Жовидони – абадий, мангалик, ҳамишалик, доимиийлик.
Номантки, тириклигим нишони эрди,
Ҳар сатри ҳаёти **жовидони** эрди (Бобур)

Жола – жала, дўл.
Кеча-кундуз оқар ёшим қўзумдин **жолалар** янглиф,
Яқомни кўксум узра бир замон бенам тополмасман (Хувайдо)

Жолинус – Гален – машхур қадимги юонон табиби. У милодий 129-200 йилларда яшаб ижод этган. У тибиёт отаси Буқрот (Гиппократ) асарларининг шарҳловчисидир. **Сонийи Жолинус** – иккинчи Жолинус.

Жаҳон ичра бул абллаҳи пурфусус,
Қилур ўзини сонийи **Жолинус** (Махмур)

Жом – қадаҳ. **Жоми Жам** – Жамшиднинг афсонавий қадаҳи. Гўё у қадаҳдан ҳар қанча май ичилса ҳам камаймас эмиш.
Улки давроннинг аёғидин дамодам қон ютар,
Нашъя топмас гар ичар ҳар давр **жоми Жам** била (Бобур)

Жома – тўн. Сафид жома - оқ тўн.
Амома бошида, сафид **жомалар**,
Хаёл айлагайсизки алломалар (“Максовчи бой таърифида”)

Жомадаррон – айнан: тўнйиртар; текинхўр, ишбилмас, қўлидан иш келмайдиган.
Ҳоло бу турган ошхўри **жомадарронлар** таом емоққа ҳозир (“Зарбулмасал”)

Жомафуруш – тўн сотувчи, чопон сотувчи; касбга кўра лақаб.
...тумшупги Зокирбой **жомафуруппининг** тумшупги ўхшар экан
(“Зарбулмасал”)

Жоми жаҳонбин – айнан: олам кўринадиган жом, Жамшид жоми, афсонавий қадаҳ.

Борин хоқонга чекти турфа ойин,

Анга тегруки ул жоми жаҳонбин (“Фарҳод ва Ширин”)

Жоми жаҳоннамо – қ. **Жоми жаҳонбин**. Жаҳонни кўрсатувчи.

Фарҳод жоми жаҳоннамода ақолими сабъя мамоликин тақсим қилиб, Суқрот ғорин топқонидин йўл кўргумак...

(“Фарҳод ва Ширин”)

Жондин илик юмоқ – жондан кўл ювмоқ, яъни жондан умид узмоқ, ўлимга бўйин қўймоқ, ўлимни тан олмоқ.

Ким иноят йўқ эрса Яздондин

Эл керактур юмоқ илик жондин (“Сабъаи сайёр”)

Жониб – томон, тараф.

Етти пора қасабаси бор... икки(си) шимол жонибидা (“Бобурнома”)

Бизнинг жонибдин Султон Кулонкир дангалнишинимга тўйнинг асбобини муҳайё қилиб бер (“Зарбулмасал”)

Жони жаҳон – айнан: жаҳоннинг жони; ёр, севгили.

Не вафо умрумда ул жони жаҳондин кўргамен,

Ким вафо жондин кўрубдурким, мен ондин кўргамен? (Бобур)

Жонкоҳ – жонни ўртайдиган, қалбни қийнайдиган, жонни азоблайдиган.

Анингдекким чекиб ошиқ совуқ оҳ,

Қилур коҳи юзин ул оҳи жонкоҳ (“Фарҳод ва Ширин”)

Жонситонлиғ – жон олишлик, ўлдиришлик.

Бирида аждар айлаб жонситонлиғ,

Дамидин қилғуси оташ фишонлиғ (“Фарҳод ва Ширин”)

Жонсўз – жонни куйдирадиган, жонни ўртайдиган, юракка ўт соладиган.

Агар қақнус чекиб юз нола жонсўз,

Анга минг нола ўқи борча дилдўз (“Фарҳод ва Ширин”)

Жонфизо – роҳатбахш, яйратадиган, кўнгилни очадиган, оромижон.

Ажаб бөфики, рүх афзо ҳавоси,
Эрам рашки насими **жонғизоси** (Фурқат)

Жонға етмоқ – жонидан безор бўлмоқ, ўлимига рози бўлмоқ.
Фурбату ҳижронға қолдим, оҳ, ул жон илгидин,
Жонға етдим эмди фурбат бирла ҳижрон илгидин (Бобур)

Жор – жар солмоқ, хабар бермоқ, бирор хабарни баланд
овозда қўпчиликка етказмоқ.
Черикка айлабон миоду булжор,
Тавочи ҳар тараф еткурди ул **жор** (“Фарҳод ва Ширин”)

Жоҳ – амал, мартаба, мансаб, юқори даражали ўрин.
Жамолу **жоҳ** элидин юз фароғатим бордур,
Ўрамунг ити манга ошно керак бўлса (Лутфий)

Жоҳ аҳли – амалдорлар, мартабали кишилар, шоҳлар.
Дедиким: Куймагингни айла маълум!
Деди: Андин эрур **жоҳ аҳли** маҳрум (“Фарҳод ва Ширин”)

Жубба - мўйна ва теридан ҳам қилиниши мумкин. Жубба –
ҳашаматли енгли кенг тўн.
Музaffer мирзо бир камар шамшир, бир қўзи **жубба**,
бир бўз тупчоқ манга берди (“Бобурнома”)

Жувонмардлик – жўмардлик, ўта саховатлилик, мардлик.
Боракаллоҳ, сизнинг **жувонмардлигингизга!** (“Зарбулмасал”)

Жуз – бошқа, ўзга.
Сенда бор эрса агар расми вафо,
Кўрмагунг **жуз** жавру кулфат, эй Аваз (Аваз Ўтар)

Жуллоб – гулоб. Гул суви билан асал (ёки шакар) ҳамда сув
қўшиб тайёрланадиган хушбўй ичимлик.
Ало, токим, гуҳар сероб бўлгай,
Шакарнинг шираси **жуллоб** бўлгай (“Фарҳод ва Ширин”)

Жумла – 1.Бари, ҳаммаси, барчаси . 2.Гап. 3.Бутунлай, мутлақо.
Қиссалар бирла топган амволи
Жумла торожи рўзгор ўлгай (Махмур)

Ҳар бири занбур киби урди неш,
Бўлди анинг гул бадани жумла реш (“Юсуф ва Зулайхо”)

Жунг – 1. Катта кема. 2. Шеърлар тўплами, умуман матн ёзилган китоб ёки дафтар. 3. Маҳофали туя.

...тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб дарюзада ажносқа рад илгин урмоқ... (“Фарҳод ва Ширин”)

Жунун – жиннилик, телбалик, ақлдан озганлик, савдойилик.
Манзилимни сўрма, эй мағрури мулку дастгоҳ,
Даҳр саҳрои жунун, уй бўлмағай девонада (Муқимий)

Журм – гуноҳ, хато, нуқсон, ёмон қилмиш.
Ҳолати лутғ этки, ё Раб, кўз ёшим бирлан ювай,
Қолмагунча номада журму хатолардин бири (Муқимий)

Журмона – жарима пули, қилинган гуноҳ учун жарима тўлаш.
Агар ошиқлигим журм эрди ўлтур, солма ҳижронға,
Кўп ўлса журм худ эрмас раво журмона андин кўп (Навоий)

Журуҳ – (бирлиги – жароҳат) яралар, жароҳатлар.
Сарбасар бўлмиш бу юлғон парлар ўрнидек тўшук,
Баски пайконинг тани беморима солмиш журуҳ (Мунис)

Журға – бир қулт, қатра, томчи, бир ютум.
Жонимга наво солдию кўнглима хурӯш,
Бир журға била мугбачаи бодафурӯш (Навоий)

Жустжўй, жустужўй – излаш, қидириш, ахтариш, талаб қилиш, истак.

Ўзи кўр, равшан юрурди ажаб,
Кечакундузи жустжўйи талаб... (“Зарбулмасал”)

Жуал – тезакқўнгиз, қора қўнгиз, гўнг қўнгиз.
Гул рангу бўйи хўб эканин не билур жуал,
Булбул таронасини демангким заған билур (Роқим)

Жуҳҳол – (бирлиги – жоҳил) жоҳиллар, нодонлар.
Жуҳҳолдин – жаҳолатдан, нодонлиги учун.
Тўқ чиқиб хилватдин ўзни рўза деб жуҳҳолдин,
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх (Навоий)

Жўбламоқ – ортмоқ, юкламоқ.

Бир куни ул тевасини қўмлади,
Ортадиган юкларини **жўблади** (“Зарбулмасал”)

Жўё – изловчи, излайдиган, истаб юрувчи.

Кеча-кундуз толиби **жўёйи** пири роҳбар,
Қўйма бейўлдош қадам, манзил узоқ, йўл пурхатар (Турди)

Жўён – изловчи, изланувчи, излаб юрувчи, қидиравчи.

Муҳаббат аҳлининг **жўёни** бўлғил,
Ўшалким учради: курбони бўлғил (Сўфи Оллоёр)

Жўжин – меҳмон, қўноқ.

“Ки сен кимсан? Бор ўлтур, ўз ишинг қил,
Агар **жўжин** эсанг, **жўжинлигинг** бил” (“Гул ва Наврӯз”)

Жўй – 1. Ариқ. 2. Изламоқ. Парижўй-парини излаб.

Магар Ширинга бўлди орзуй,
Чиқармоқ хора ичра турфа **жўйи** (“Фарҳод ва Ширин”)

Керакмагайки, Наврӯзи паририй,

Азимат соз этиб кетгай парижўй (“Гул ва Наврӯз”)

Жўйбор – ариқ, наҳр, дарё, сой.

Яшил сафҳа чаманинг марғзори,
Кумуш жадвалдек онинг **жўйбори** (“Фарҳод ва Ширин”)

Жўнг – туя.

Борғил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас,
Жўнгким Лайли аморийсин чекар ҳомун аро (Навоий)

Жўрумoқ – чамалаб юрмоқ, бирор нарсани кўзлаб йўл юрмоқ.

На юлдуз борки, бир-бирин **жўруса**.

На ой бордурки, ойдинда юруса (“Гул ва Наврӯз”)

Жўш – шавқ, эҳтирос қайнаши, қайнамоқ. Мажозан: фулгула, фавғо, тўполон.

Йиллар тутубон шайх мақолотига гўш,
Не кўнглума завқ етти, не жонима **жўш** (Навоий)

Жўлду, жулду – ҳарбий жасоратлар учун бериладиган пул-мол соврини.

Тутуб **жўлду** олур ёрмоққа қалқон,
Дегилким айламишлар тогни талқон (“Фарҳод ва Ширин”)

3

Забардаст – айнан: қўли юқори; қудратли, кучли, паҳлавон.

Душманники, бу даҳр **забардаст** қилур,
Нахват майдидин бир неча кун маст қилур (Бобур)

Забаржад – оч пистаранг қийматбаҳо тош.

Бўлуб ҳар ҳавзанинг тоши **забаржад**,
Ушоқ тош ўрнита сончиб зумуррад (“Фарҳод ва Ширин”)

Забон – тил.

Ҳунарким васф бўлса ҳар **забонда**,
Қилур кўп қадрлар пайдо жаҳонда (Фурқат)

Забона – 1.Аланга, ёлқин тили. 2.Тарози тилчаси. 3.Тил.

Хамуш этарман ани бир шарори оҳ ила,
Агарчи тез эрур ўт каби **забонаи** шайх (Нодира)

Забун – муштипар, хор-зор, ожиз, нотавон, бечора, кучсиз.

Битибдур: “Эй улус(нинг) подшоси,
Забунлар ҳомийси ҳам муттакоси (Фурқат)

Забур – 1.Китоб, битик. 2.Довуд пайғамбарга нозил бўлган муқад-
лас диний китоб. **Забур алҳонлиқ** – таъсирчан ва ёқимли куй, ашула.

Забур алҳонлиқ йирлар билурмен,
Надимлиқ ичра тадбирлар билурмен (“Гул ва Наврӯз”)

Завол – 1.Ҳалокат. 2.Ботмоқ (куёшга нисбатан). 3.Куйилашмоқ
(куёшга нисбатан). 4.Кичраймоқ (ойга нисбатан).

Жамолингдек кишининг йўқ жамоли,
Дариғо, бўлмаса эрди **заволи** (Хоразмий)

Хуршидки ҳуснинг-ла қилур баҳси камол,
Тарки адабин **заволдин** айла қиёс (Фузулий)

Заврақ – қайиқ, кема.

Кирди **заврақقا** Жобири хунрез,
Ел киби қўйди юз алар сори тез (“Сабъаи сайёр”)

Зажр – пўписа, жазо.

Меҳр ила **зажрики** таваққуь дурур,
Тифлга сендин бу тавозуь дурур (“Ҳайрату-л-аброр”)

Зайл – этак, кийимнинг этаги, ҳошия.

Ул ҳарир узраки тарҳ эткунгдуур тимсолини,
Сифмаса, **зайлиға** жоним пардасин пайванд қил (Навоий)

Зайн – безак.

Гарчи гулзорга бордур сабаби зийнати **зайн**,
Сен киби бўлмади бир шамы шабистон нарғис (Комил Хоразмий)

Заколат – сотиб олиш ваъдаси билан мол эгасига олдиндан
бериб қўйиладиган бир қисм маблаг.

Олай, деса, конторда йўқ бир бақар,
Деса олмайин, ул **заколат** куяр (“Московчи бой таърифида”)

Закот – мусулмонлардан эҳтиёжидан ортиқча бойлигининг
қирқдан бири миқдорида олинадиган диний солиқ. Мажозан:
озгина чирой (юз) қўрсатиш.

Бобур, учунчи фарз бўлди **закот**,
Анда дер сўзни айтайин санга бот (Бобур)

Залал – тойилиш, хато қилиш, нуқсон.

Залил – хор, тубан. Ўлса залил – тубанлашса.

Олим агар жоҳ учун ўлса **залил**,
Илми анинг жаҳлиға бўлгай далил (“Ҳайрату-л-аброр”)

Залолат – хорлик, адашмоқлик, тубанлашмоқлик. Залолат
тариқи – адашиш йўли, мазҳабдан йўл озиш.

Ёргулук эмас мумкин андинки, бор
Залолат тариқида афтода шайх (Навоий)

Зам – 1. Ортиқ, қўшилган. 2. Ёмонлаш.

Жоҳилки, ҳасад бўлгай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса, ўз кўзида нам (Навоий)

Замима – ёмон, хунук. **Одати замима** – ёмон одат.

Хар кимки, **одати замима** бўлур,
Беиродат зухур этар андин (“Зарбулмасал”)

Заминкан – ертўла, ер қазилиб, уй ҳолига келтирилгани.

Дема уй, балки **заминкан**dir агар кирса киши,
Хар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак (Махмур)

Замир – (кўплиги – **замойир**) 1.Ич, ички, юрак, кўнгил, дил.
2.Яширин фикр, ички фикр, юракдаги. **Мофиззамир** –
кўнглидаги гап, дилдаги муддао. **Замир ойнаси** – кўнгул кўзгуси.

...**замиринг** ойнаси тийра бўлмаса эрди, аввал ўз айбингга
боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди (“Зарбулмасал”)

Замойир – (бирлиги – **замир**) 1.Ичлар, диллар, кўнгиллар.
2.Яширин фикрлар, ўйлар.

Кўйди табойиъ сори юз тараби тозарў,
Бўлди замойир аро рафъ фами кўхна сар (Мунис)

Замон – 1.Давр. 2.Вақт. 3.Бир пас, бир зум, бир лаҳза.

Замондин сўнг Бойўғли Кўркуш келганидин огоҳ бўлуб...
 (“Зарбулмасал”)

Замоне – бир лаҳза, бироз вақт.

...**замоне** тафаккурга бориб айди... (“Зарбулмасал”)

Замони шабоб – йигитлик даври, йигитлик ёши.

Кўхан дайр бедоду зулми била,
Дариғоки, ўтди **замони шабоб** (Навоий)

Замҳарир – қаҳратон, қаттиқ совуқ.

Ул чоғда ҳаво эътидоли ўтиб, қиши **замҳарири** ёвуқ эди
 (“Зарбулмасал”)

Зан – 1.Хотин, аёл. 2.Гумон, шубҳа. 3.Сўз бирикмасида чалувчи,
урувчи, ташловчи маъноларида келади. 4. Ур!-буйруқ феъли.

Чопишур янтоғ ўтун марду **зан** иссиқда қуюб,
Ер загора нонини, топса отин қанд қўюб (Муқимий)

Андоқ кичикдур ул даҳанким йўқ аён вақти сухан,
Топмай бўлуб мағлуби **зан** ожиз қолурлар зокиё (Мунис)

Шуълазан – шуълаланувчи:

Жоним ичра оташи меҳринг бўлубдур шуълазан,
Кўргузуб бир меҳр, эй номеҳрибон, келмасмусен? (Мунис)

Занаҳ – 1.Ияқ, чакак. 2.Вайсамоқ, валақламоқ.

Қўрқутма мени томуғдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат манга бўлгуси дебон урма **занаҳ** (Навоий)

Занбур – 1.Асалари. 2.Сұна. 3.Ари.

Хар бири **занбур** киби урди неш,
Бўлди анинг гул бадани жумла реш (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Занг – қўнғироқ.

Ажаб буким яна бир **занг** кўрдик,
Бир одамдин анинг вазнини сурдик (“Виставка хусусида”)

Зангор – 1.Занг босган, ғамли. 2.Зангори (ранғ).

Жумлаи шоҳлар улуғи номдорим келсано,
Дилни **зангорини** очқон ойинарӯ келмади (Муқимиј)

Занчалиш – хотинчалиш, эзма.

Оғизлари мақтаниб ўн беш қариш,
Майда сухан, эзма чурук, **занчалиш** (Муқимиј)

Зар андар зар – зар устига зар, олтин узра олтин.

Бу шуғли ичра айлаб саҳв таркин,
Зар андар зар қилиб барг узра баргин (“Фарҳод ва Ширин”)

Зарб – 1.Калтак. 2.Уриш. 3.Кўпайтириш. 4.Сўқиши (пул зарб қўлиш).

Оқил аҳлиға ишорат ушбу сўз, нодонға – **зарб**,
Бўлса ақлинг, эй Ҳувайдо, ушбу сўзлар сенга бас (Ҳувайдо)

Зарбулмасал – 1.Мақол. 2.Гап-сўз, ёмонотлиқ. 3.Оғизга тушмоқ.

4. Машҳурлик, шуҳрат.

Мани бадбаҳт то **зарбулмасал** бўлдим табиблиқда,
Жаҳон борича акнун кўп ҳақоратларга лойиқман (Махмур)

Зард – сариқ, заҳил.

Гўр Фузулийнинг руҳи **зардинда** ашқи олини,
Пардаи идбора дутмиш сурати иқболини (Фузулий)

Зардолу – ўрик.

Ширинки зардолулари,
Қанду асал бекор экан (“Саёҳатнома”)

Заркор тарҳ – олтин суви югуртирилган лавҳа, зарҳалланган лойиҳа.

Ясодинг равзай **заркор тарҳин**,
Чиқординг “Ҳайрат ул-аброр” тарҳин (“Фарҳод ва Ширин”)

Заркор тоқ – зарҳалланган (уй) шифти, зарҳал осмон.

Муғанийлар чекиб дилкаш наволар,
Солиб **заркор тоқ** ичра садолар (“Фарҳод ва Ширин”)

Зарнигор – олтин билан зарҳалланган, олтин суви югуртирилган расм.

Шамсаси эл моли била **зарнигор**,
Эл дуру лаъли била гавҳарнигор (“Ҳайрат ул-аброр”)

Зарофат – ҳазил, қаттиқ ҳазил. Зарифлик, хуштаъблиқ.

Ўш авбошининг **зарофати** будурким, ҳар ким анда уйқуласа,
ул шаҳжӯйдин сув қўярлар (“Бобурнома”)

Заррае қолмон – заррача қолмайман, заррадай қолмайман.

Қуёшим ҳар сориға азм қиласа, **заррае қолмон**,
Не учунким, агар айрилсам андин кун кўра олмон (Бобур)

Зарф – идиш.

Булуро яшм юз минг бул ажаб **зарф**,
Ки ҳар бирга хирожи мулк ўлуб сарф (“Фарҳод ва Ширин”)

Зарфишон – зарафшон, тилла сочишган, зар сочишган, зар сочар.

Эмас ғамимни ёзар хатқа **зарфишон** коғаз,
Ки шуъла чекти ғамимдин битир замон коғаз (Навоий)

Зарқ – алдов, ҳийла, макр, мунофиқлик.

Ер ўпти Булбули шўрида дарҳол,
Қилиб **зарқу** кўшиштин пару бол (“Гул ва Наврӯз”)

Захм – яра, жароҳат.

Мардлар майдон чекиб, рангин кўтариб **захмлар**,
Сизга йўқ ул жавҳару юзга упа-энглик қилинг (Турди)

Заххор – пишқириб тұлқынланувчи, шарқираң тұлқин отувчи.

Замири лужжай **заххори маъни**,

Каломи гавҳари шаҳвори маъни (“Фарҳод ва Ширин”)

Заъф – хасталик, беморлик, касаллик, мадорсизлик, ҳолсизлик.

Заъф уйдин чиқоримға қўймас,

Ҳар қадамни неча фарсанг этмиш (Мунис)

Заганлар – қарға-қузғунлар.

Ҳавои гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур,

Заганлар бирла гулшанда бўлмоқ бенаво асрү (Навоий)

Захир, зоҳир – ташқи, кўриниб турган.

Мундин ўзга **захир...** айби йўқдур (“Зарбулмасал”)

Захра – 1.Қориндаги ўт, сафро халтачаси. 2.Қудрат, ботинмок.

Ёрдингиз **захрасини** ичидан олиб ўтини,

Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёқ (Турди)

Захр аро нўш ошкор – заҳар ичидан асал битган эди.

Чашмаи эрди хушгувор анда,

Захр аро нўш ошкор анда (Навоий)

Захри балокаш – бало захрини симирувчи

Машаққат фори ичра аждаҳоваш,

Маломат жомидин **захри балокаш** (“Фарҳод ва Ширин”)

Захро – порлоқ, ярқироқ, оқ.

Бу сўз ангезман афсона пардоз,

Навода Зухрай **захроға** дамсоз (“Гул ва Наврӯз”)

Зебо – гўзал, сулув, чиройли, кўркли.

Рафеъ айтурким: “Мен Наврӯзнингмен,

Бу зебо моҳи меҳр афрӯзнингмен” (“Гул ва Наврӯз”)

Зевар – безак, зийнат, тақинчоқ.

Чу боғлаб сурати бежонға **зевар**,

Бўлуб ул навъким руҳи мусаввар (“Фарҳод ва Ширин”)

Зер – 1.Ост, остки, пастки. 2.Эски ёзувлаги ҳарфлар остига қўйи-

ладиган белги (зер). 3.Мусиқадаги энг нозик, паст оқаңг. 4.Остин-устун бирикмаси маъносидаги “зера забар”нинг биринчи қисми.

Менда агар зарра каби ихтиёр —

Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор (“Зарбулмасал”)

Тортиб аффон, ох уриб ҳижронда, Бобур, йиғласанг,
Навҳа тузгай базми фам аҳли бу зера бам била (Бобур)

Тиргуз қилиб мўжиз баён Исосифат базм аҳлини,
Бир фамзада қилди басе зера забар қошу кўзинг (Аваз Ўтар)

Зердаст — айнан: қўл остидаги; мағлуб, бўйинсунган, асир.

Ки қилғай ул қадаҳдин руҳи мастим,

Замоне нафс девин зердастим (“Фарҳод ва Ширин”)

Зеро — чунки, негаки, зотан.

Зероки, Бойўели халқи сувдин иҳтиroz этарлар (“Зарбулмасал”)

Зера бам — мусиқадаги паст ва баланд оқаңг, тембр.

Тортиб аффон, ох уриб ҳижронда, Бобур, йиғласанг,
Навҳа тузгай базми фам аҳли бу зера бам била (Бобур)

Зера забар — 1.Остин-устун. 2.Эски ёзуvdаги ҳарфларнинг ости ва устига қўйиладиган белгилар.

Савдои сари зулфинг учун неча маҳалдур,

Жон кишварини буздиму зера забар эттим (Машраб)

Зех, зих — 1.Офарин, таҳсин, ажаб. 2.Камоннинг ипи, кериши.
3.Қирғоқ, соҳил, чет. 4.Жияқ, баҳя. 5.Хошия.

Эрур одамга монанду мушобиҳ,

Илигида темурдин ё қилиб зих (“Фарҳод ав Ширин”)

Зи баски, азбаски — чунки, шунинг учун, зеро, зотан.

Хусул комига дасти тасарруфим етмас,

Зи баски қилди ани номуродлиғ кўтоҳ (Мунис)

Зиж - тақвим, астрономик жадвал.

“Зижи Кўрагоний”ни битибдурким, оламда ҳолю бу зиж мустаъмалдур (“Бобурнома”)

Зикр – 1. Тилга олиш, айтиш, эслаш. 2. Қаландар ёки дарвишлар гурухининг доира бўлиб, Худо номини баланд овозда айтиб ўйин(жазава)га тушишлари.

Демаким, фориф дуосидин Муқимий, эрта-кеч,
Мидҳату зикру саносидин Муқимий, эрта-кеч (Муқимий)

Зилл – соя. **Зилли Субҳон** – Оллоҳнинг сояси, подшоҳ, хон.
Оlam ичра гар бўлай десанг азизу аржманд,
Айлама Комил киби жуз зилли Субҳондин тاما
(Комил Хоразмий)

Зиллуллоҳ – Оллоҳнинг сояси, Худонинг кўланкаси, подшоҳ.
Бирорким олам ичра шоҳ келмиш,
Улус бошига зиллуллоҳ келмиш (“Фарҳод ва Ширин”)

Зилол – 1. Тип-тиниқ ва тотли сув. 2. Соя. 3. Мажозан: бўса.
Ҳануз аҳли хунар боши узра солғон эмас,
Зилоли роҳати жовид бу яшил хиргоҳ (Мунис)

Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бечора ул кўздин,
Лаб очқил сўрғаликим, ташна бўлмишмен зилолинга (Бобур)

Зилоли зиндагоний – тириклиқ суви, оби ҳаёт.
Қўлидин тушмасун жоми каёний,
Ичинда май зилоли зиндагоний (“Фарҳод ва Ширин”)

Зимистон – 1. Қиши. 2. Қоронги, зулмат.
Зимистон эрди. Қор ва ёмтур ёғуб, кўчалар лой эрди (“Зарбулмасал”)

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар (Фурқат)

Зимн – ич, ора, ичида, ўргасида, таркибида.
Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас,
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас (Завқий)

Зимон – айнан: зомин; кафил; кафил бўлиш.
Бу фалон ернинг қаболаси турур, дағи фалон тожир юз
минг олтунга зимон турур (Сайфи Саройи)

Зиндоний – зиндон маҳбуси, зиндондаги киши.

Ҳажр зиндонидин озод эт мениким, йўқ буқун,
Ҳеч зиндонийки маҳлас бирла хуррам бўлмади (Навоий)

Зиръ – экин

То асир ўлдим ўшалким сан киби жанона ман,
Зиръи ҳуснинг хирмонидин бир теролмай дона ман
(Муқимиј)

Зиж – юлдузлар туркуми (зодиак) ва ҳар бирининг вазъияти
акс этган жадвал.

Пуштаи Кўчак доманасида расаддурким **зич** битмакнинг
олатидур (“Бобурнома”)

Зижи Кўрагоний – Кўрагоний жадвали, яъни Улуғбекнинг
астрономик жадвали. **Кўрагон** – Амир Темурнинг лақабидир.
Кўрагон – мўғулча сўз бўлиб, “хон куёви” демак.

Билиб бу нав илми осмоний,
Ки андин ёзди “**Зижи Кўрагоний**” (“Фарҳод ва Ширин”)

Зишт – хунук, ёмон.

На хорлик сенга **зиштликдиндур** ва зиштлик бадсиришт-
ликдиндур (“Зарбулмасал”)

Зихи, зехи – ажаб, яхши, соз, гўзал, қандай яхши!

Зихи висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,
Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳбуб (Навоий)

Зих – 1.Камоннинг или, кериши. 2.Офарин!

Дебон Турки фалак отқонда **зихлар**,
Таваҳҳум торидин очиб гириҳлар (“Фарҳод ва Ширин”)

Зод – 1.Тугилган, авлод, бола. 2.Йўл озиги, овқат. 3.Эски
ёзувдаги 18-ҳарфнинг номи – з.

Киши мундоқ бўла олмай гуҳаррез,
Магар ул ҳиндўйи **зоди** шакаррез (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳеч **зоди** роҳила менда йўқ (“Зарбулмасал”)

Зод эди таърих тақи ҳеч дол,
Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Зоду буд – 1.Туғилиб ўсган жой. 2.Авлод, келиб чиқиши ва бойлиги. 3.Қаердан ва кимлиги.

Сўрарда ҳар кишининг зоду будин,
Кената қўрди бир соҳиб вужудин (“Гул ва Наврӯз”)

Зойил – йўқ бўлувчи, ўчувчи, нобуд бўлувчи, зоеъ бўладиган.
Йиқилиб зойил ўлди андин хуш,
Бир дам эрди ўлук киби хомуш (Навоий)

Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат – қонеъ ўл,
Олмас ул чиркингни мундин ўзга собун, эй кўнгул
(Комил Хоразмий)

Зокиё – закийлар, донолар, зийраклар.
Андоқ кичиқдур ул даҳанким, йўқ аён вақти сухан,
Топмай бўлуб мағлуби зан ожиз қолурлар зокиё (Мунис)

Зокир – тилга олувчи, эсловчи, гапирувчи. Бўл шукрига зокир
– шукр қилдим, дегин.
Сонма ошиқ жабрига қилмас тафохур, эй рафиқ,
Ҳар жафоким етса бўл шукрига зокир, эй рафиқ (Муқимиий)

Зол – 1.Эски ўзбек ёзувидаги “з” ҳарфининг номи. 2.Кампир,
қартайган хотин, чол, маккор кампир. **Даҳр золи** – эски дунё.
Даҳр золи урди роҳатлиф кўзим ичра намак,
Дастидин тушди жудолиг ўртага, золим фалак (Муқимиий)

Зону базону – айнан: тиззама-тизза, ёнма-ён, жуда яқин.
Толеим эрмиш забун баҳти сиёҳим билмадим,
...Бу сабабдин дилбарим зону базону келмади (Машраб)

Зориб – урувчи, санчувчи, зарб қилувчи.
Анинг хосияти буким муҳориб
Агар бу тиф бирла бўлса зориб... (“Фарҳод ва Ширин”)

Зоти кироми – улуғ зот, муҳтарам киши, ҳурмати улуғ.
Қилиб таклиф бир зоти кироми,
Кириб гимназия қўрдук тамоми (Фурқат)

Зор – қарға. **Зори ало** – ола қарға.

Хайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин **зөғлар** (Муқимий)

Чўкуб қочар **зоги ало**,
Бир домули айёр экан (“Саёҳатнома”)

Зоҳид – дин-шариат талабларини сўзсиз бажарувчи; муттасил тоат-ибодат билан шуғулланувчи, дунёвий ишлардан юз ўтирган шахс.

Ошиқ эрмасман юзингга якка бу Фарғонада,
Зоҳид истар Каъбаларда, барҳаман – бутхонада (Муқимий)

Зоҳир – 1. Ташқи кўриниш (ботиннинг тескариси). 2. Кўриниш, юз бериш, содир бўлиш.

Ботини чўян қозон, қайнар ичидаги реву ранг,
Зоҳири бир сўғи сурат, қўлда асо баччағар (Муқимий)

Бал ҳақиқат аро анингдур Мехр –
Ки, бу мансуба **зоҳир** этти сипеҳр (“Сабъай сайёр”)

Зубоб – чивин.

Ҳар кеча базмингдан айру ташқарида чун **зубоб**,
Қилмишам тонг откуча афтону фарёд, айланай (Фурқат)

Зуд – тез, дарҳол, тезда, дарров.

Ҳамул дам қилди балиқчини хушнуд,
“Бориб Юсуфни келтур!” – деди ул зуд (“Гул ва Наврӯз”)

Юсуф ўшал лаҳза яна ёнди зуд,
Бўлди ниҳон гардга чархи қабуд (Юсуф ва Зулайҳо)

Зулф – гажак, соч гажаги, соч.

Соҳирадурсен магар **зулфингни** сунбул айлаюб,
Лабларинг лаълу тишинг дурдона қилмай қўймадинг
(Муқимий)

Зулфин – ёпиқ илмоқ.

Тутуб қулфи оғзи **зулфинини** маҳкам,
Этиб имо они очмосқа ул ҳам (“Фарҳод ва Ширин”)

Зулфиқор – Али ибн Абутолибнинг қиличи.

Булар устига тифи обдори,
Келиб бурронлиғ ичра зулғиқори (“Фарҳод ва Ширин”)

Зуннор – мусулмон мамлакатларида бошқа диндагилар белгага боғлайдиган маҳсус чилвир.

Зуфунун – фанлар эгаси, ҳунарлар эгаси, моҳир, оқил, олим.
Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,
Умархон зуфунунеким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди (Увайсий)

Нечаким ақл пири зуфунундур,
Ҳавас атфоли илгида забундур (“Фарҳод ва Ширин”)

Зуҳал – Сатурн сайёраси. Қадимий мунахжимликда наҳс хосиятли, баҳтсизликлар келтирувчи сайёра хисобланган.

Чун Зуҳал толиъ бўлур холинг хаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар (Навоий)

Зуҳалваш – Сатурнсимон. Мажозан: баҳтсизлик келтирувчи.
Ул Зуҳалваш жазоға хос ўлғай,
Мехр ҳам уқдадин халос ўлғай (“Сабъай сайёр”)

Зуҳд – диний тоат-ибодатлар мажмуи; дунёдан воз кечиб, нуқул тоат-ибодат билан шуғулланиш.

Санамлар ишқина тоқат қылолмайин ночор,
Ёлпунди савмаага зуҳд ўлуб баҳонаи шайх (Нодира)

Зуҳр – тущ пайти, қёёш тик келган вақт, кун ўртаси.
Зуҳр вақтин уюмоқ, то ул замон ичинда ҳалқни озор қилмагайсан (Сайфи Саройи)

Зуҳра – Чўлпон юлдузи (Венера). Қадимий адабий ва мифологик тасаввурга кўра, у чолғучи ва ашулачиидир.
Бу сўз ангезман афсона пардоzi,
Навода Зуҳрай заҳрого дамсоз. (“Гул ва Наврӯз”)

Зуҳур этмоқ – содир бўлмоқ, юз бермоқ, кўринмоқ.
Ҳар кимки одати замима бўлур,
Беиродат зуҳур этар андин (“Зарбулмасал”)

Зўргар – паҳлавон, полвон.

Зўргар ҳам айлади ҳамроҳлиқ,
Йўқ анга йўл ранжидин огоҳлиқ (“Лисону-т-тайр”)

Зўрзан – зўравон.

Йифилди ҳар тарафдан зўрзан хунрез ўғрилар,
Алардин нечаси бадбаҳтларни пирсиён бўлди (Муқимий)

Зўри даст – кўл кучи, қўл қудрати.

Ўзин абжад ўкур элдин тутиб кам,
Дема донишки, зўри даст ила ҳам (“Фарҳод ва Ширин”)

И

Иблөғ – хабар бериш, воқиғ этиш, бирор кишига бир хабар етказиш.

Қилиб ҳар ён назарлар хайлин **иблөғ**,
Анга еткурдиким бор эрди ул тоғ (“Фарҳод ва Ширин”)

Иби – ўғил, фарзанд.

Нединким ҳақ ризосин истар ул **иби**,
Кечиб билқулли жамъи мосуводин (Роқим)

Ибо – шарм-ҳаё, уят, тортиниш.

Чиқар **ибо** билмай қизи-келини.
Оқ юзига ёпар қора телини (Махтумқули)

Ибтидо – бошланиш, бошланмоқ, аввали.

Қачонким бўлди ҳоким амри бирлан **ибтидо** сайлов,
Амалдор аҳли бошига бўлуб келди бало сайлов. (Муқимий)

Ибтило – 1.Балолар. 2.Мубталолик, балога мубталолик. 3.Асорат.

Мен худ бу сифат бало асири,
Юз меҳнату **ибтило** асири (Навоий)

Жаҳон улусқа беҳишли нишот ўлуб, менга вайл,
Бу **ибтилога** сабаб билмадим эрур не гуноҳ (Мунис)

Ичим фурқат балосинда, тошим ҳажр **ибтилосинда**,
Таним ишқ изтиробинда, ўзум шавқ изтириоринда (Навоий)

Иғормоқ – 1.Әргаштирмоқ. 2.Айлантитирмоқ.
Күрки дажжолу аниңг альвонидин тамсилдур,
Шайхи жоҳилким **иғормиши** неча нодон кейнида (Мунис)

Ид – 1.Ҳид, ис. 2.Ҳайит, байрам. Мажозан: мазмун, ишора, белги.
Гаҳе Наврӯз Гул **иди** била маст,
Даме Гул бўлди Наврӯз оллида паст (“Гул ва Наврӯз”)

Бу сўзда ошнолиқнинг **иди** бор,
Анга иршод қилған муршиди бор (“Гул ва Наврӯз”)

Идбор – баҳтсизлик, иши юришмаслик, баҳтахтлик,
омадсизлик.
Эл қочса бирордин эл ёмони бил они,
Аҳволида **идбор** нишони бил они (Навоий)

Иёдат – касални бориб кўриш, касалнинг аҳволини сўрагани
бориш.
...мулло Абдулғафурнинг **иёдатига** бориб эдим... (“Бобурнома”)

Иёл – бола-чақа, оила аъзолари.
Аҳлу **иёли** аниңг бас эрди чўқ,
Озуқадин қулбасида нарса йўқ (“Зарбулмасал”)

Иёр – 1.Олтин, кумуш каби буюмлар саралигини аниқловчи.
2.Мажозан: инсон қадр-қиммати. 3.Олтин ўлчайдиган тарози.
4.Заргар. 5.Касбга нисбатан лақаб.
...ичи пўк, кўзи кўқ нодонларга Умар **иёр**, донишмандлар
сафида бир нақши девор... (“Зарбулмасал”)

Иё – эга. **Иёсиз** – эгасиз.
Бир **иёсиз** ит бўлур эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо (Навоий)

Ижобат – қабул, розилик.
Тилар васлингни Лутфий, қил **ижобат**,
Ки айтурлар: “Тилоганин тилоту” (Лутфий)

Ижтимоъ – тўпланмоқ, йигилмоқ.
Ҳамдаму аҳбоблар машгули базму **ижтимоъ**,
Гаҳ ўқуб ашъори рангин, гаҳ қилиб рақсу самоъ (Муқимий)

Ижтиноб — узоқлашиш, сақланиш, чекиниш, берилиш.
Навоий, десантким замоне тинай,
Замон аҳлидин айлагил **ижтиноб** (Навоий)

Издамоқ — изламоқ.
Сүротиб ер юзинда Қоф то Қоф,
Машаққат бирла **издаб** дунйини соф (“Гул ва Наврӯз”)

Издиҳом — йифин, маърака.
Боз **издиҳоми** воизи
Бадкайфу, очилмас кӯзи (“Саёҳатнома”)

Иzz — иззат, ҳурмат. **Иззу жоҳ** — иззат ва мартаба.
Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ эрса, тонг эмас,
Ким, балокашлик менинг ҳўйимдур, онинг — **иззу жоҳ**
(Навоий)

Изо — 1.Изза, хижолат, уят. 2.Азоб-укубат, қийноқ.
...изо ва иҳонатдин сафар ихтиёр қилурлар (“Зарбулмасал”)

Дараҳт бўстон ичра таҳаммул қилмаса эрди, жафойи аппа
ва болта **изосини** кўрмас эрди (“Зарбулмасал”)

Изора — 1.Уй деворининг ер билан токча орасидаги қисми.
2.Қасрнинг шу жойига қопланадиган мармар қоплама.
Бири ҳардам йўнуб юз навъ хора,
Ки қилғай ҳавз ё фаршу **изора** (“Фарҳод ва Ширин”)

Изтиорор — паришонлик, ихтиёрсизлик, ноиложлик, қўли
қисқалик.
Ичим фурқат балосинда, тошим ҳажр ибтиносинда,
Таним ишқ изтиробинда, ўзум шавқ **изтиорориnda** (Навоий)

Ийд — Ҳайит, байрам.
Сендин айру найлагаймен **ийд** ила наврӯзни,
Ою йил хуштур сенинг бирла агар бўлсан била (Бобур)

Иккинч — сўнг, кейин.
Эшитти, қиссадин огоҳ бўлди,
Иккинч ол чечак янглиғ очилди (“Хисрав ва Ширин”)

Иксун – нафис ипак кийим, мато.

Ясалсун борча ойин бирла зебо,
Тутулсун бориға **иксуну** дебо (“Фарҳод ва Ширин”)

Иктисоб – касб қилиш, ўрганиш, озиқланиш, нур олиш.

Ато бу навъ кўргач иш ҳисобин,
Муносиб англади илм **иктисобин** (“Фарҳод ва Ширин”)

Ил – 1. Йил. 2. Кўл.

Ким ул гавҳардин олса халқ ҳар дам,
Юз илда бўлмагай мингдин бири кам (“Фарҳод ва Ширин”)

Бу минвол ила ўткарибон бир **ил**,
Faраз балки қонимга бўлдим биҳил (Хиромий)

Кўл қовуштурғуча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эгни, синса **или** (Навоий)

Илайи – олди, ёни, яқини

Бир фақири мужаррад саҳрода ўлтуруб, хирқасин тикар эди.
Илайиндан бир султон кечди (Сайфи Саройи)

Ила-ӯқ – биланоқ.

Чу мундоқ барқи тифин зоҳир айлаб,
Ишин бир тиф **ила-ӯқ** охир айлаб (“Фарҳод ва Ширин”)

Илдирим – яшин, чақмоқ.

Ки то бўлғай ҳаводис кўхи Қофи,
Чақилғай **илдирим** хоро шикофи (“Фарҳод ва Ширин”)

Илиг – қўл

Олиб **илгига** сафҳаю хома,
Кисса шарҳини ёзди бир нома (“Сабъаи сайёр”)

Тоза **илкини** ювиб, ейдур ҳалол англааб гумон,
Учраса ҳар ердаким макруху мурдор авлиё (Муқимији)

Илик жондан юмоқ – жондан умид узмоқ.

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен **илик жондин юдум**, чекмас илик қонимдин эл (Навоий)

Илик чекмоқ – құл тортмоқ.

Мен жағондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, **чекмас илик** қонимдин эл (Навоий)

Илиги әгри – құли әгри, үгри.

Ростдур ул ким, назари тұғридуру,
Ким илиги әгридүр – ул үгридуру (Навоий)

Илки – құли.

Қачонким тешасин **илкига олғай**,
Тош узра мендин ортуқ нақш қылғай (Күтб Хоразмий)

Иликлаб қайтмоқ – құлга киритиб қайтмоқ.

...ул гавҳари адам конига кириб бу сайрафийлар мақсудин
гавҳарин **иликлаб қайтмоқлари**... (“Фарход ва Ширин”)

Илло – агар, аммо, бирок.

...**илло** мундин бир чордевор кам бұлса, унамасман
("Зарбулмасал")

Илм толиби – илм талаб құлувчи киши, талаба, үқувчи.

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Үрганғали илм **толиби илм** керак (Бобур)

Илтифот – яхшилик, муруват, күнглини олмоқ, күнглини
күттармоқ.

Хар неча қылсам тавалло, зарра қылмас **илтифот**,
Рүйгардон, тескари, тобора баттар толеим (Муқимий)

Илтиқо – юзма-юз келиш, сүзлашиш, суҳбатлашиш.

Телбараб, күюнг аро ҳар ён югурсам тонг эмас.
Ким эрур комимни топсам итларингга **илтиқо** (Мунис)

Илтиҳоб – яллиғланиш, ловилаш.

Эсіб халқ сори насими висол,
Менга ҳажр үтидин етиб **илтиҳоб** (Навоий)

Илҳон – қ. **Алҳон** – 1.Хуш овоз. 2.Күш сайраши.

Имдод – мадад, ёрдам, күмак, құлламоқ.

Оз ошға **имдод** йүқ ("Зарбулмасал")

Иморатгар — тузатувчи, обод этувчи, қиругчи.
...эй... мажнуңлик харобободининг имораттари! (“Зарбулмасал”)

Имтиёз — 1.Бир нарса ёки одамни иккинчидан фарқ этиш, айриш.
2.Афзаллик, бир нарса ёки одамни иккинчисидан устун қўйиш.
Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадога **имтиёз**,
Ўт аро тенгдур қуруқ ё ўл ёғочнинг ҳирқати (Навоий)

Индамоқ — унданмоқ, чорламоқ, чақирмоқ, таклиф қилмоқ.
Жаҳонгашта мусофиirlарни **индар**,
Сўрар бу тушнинг аҳволин саросар (“Гул ва Наврӯз”)

Индурмоқ — эгмоқ. **Бош индурмоқ** — бош эгмоқ.
Кириб чун тарид этти ҳар сори фош,
Яқинроқ суруб шаҳфа **индуруди** бош (Навоий)

Инзиво — жамиятдан чекиниш, танҳолик, ҳеч кимга аралашмай
бир бурчакка ўзини тортиш, гўшанишинлик, узлатни танлаш.
Тариқи **инзиводур** вирди онинг,
Хунарда борчамиз шогирди онинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Инкисор — 1.Синиш, синиқлик, камтарлик. 2.Ожизлик,
бемадорлик, дармонсизлик.
Ҳамиша улус **инкисорига** жоҳид,
Ҳамиша халойик шикастига шоҳид (Мунис)

Агар зальфею ранже бўлса тори,
Ва гар етса қорилиқ **инкисори** (“Фарҳод ва Ширин”)

Инод — ўжарлик, қайсарлик.
Мен банда жуз инқиёд билмон,
Сен шоҳда жуз **инод** топмон (Бобур)

Инон — 1.Тизгин, жилов. 2.Олд, хузур. 3.Мажозан: ихтиёр.
Аммо чаёнга **инон** ихтиёрини бериб, бодиялар қатъ этуб
ва мароҳил тай қилиб юрур эрди (“Зарбулмасал”)

Илонман — ишонмайман.
Илонман толеъимдин бу назарни,
Ки бермади мунахжим бу хабарни (“Гул ва Наврӯз”)

Иноят — меҳрибончилик, яхшилик, марҳамат, ёрдам, илтифот қилимоқ.

Ким иноят йўқ эрса Яздондин,
Эл керактур юмоқ илик жондин (Навоий)

Иноқ — 1.Дўст, қалин ўртоқ. 2.Саройнинг йирик амаларидан бири. Бухоро амирлигидаги ўн беш олий мартабанинг ўн биринчи даражаси. Иноқ хон ёки амир бўйруқларини қуий мансабдорларига етказиб турган.

Иис — инсон, киши, одам.

Ўтган китобдори замон,
Хаттига ҳайрон инсу жон (“Саёҳатнома”)

Интибоҳ — 1.Танбех. 2.Огоҳлик, фафлатдан уйғониш, кўзи очилиш, хушёр, огоҳлантириш, воқифлик.

Абраҳимнинг ҳарзаси интибоҳида ва эшакнинг фарёди икроҳида (Навоий)

Аваз,сен киби ранжу меҳнат чекар,
Кишиким эса шоири интибоҳ (Аваз Ўтар)

Интихоб — сайлаш, сайлов.

Сояидурменки боқмас, офтобим ким десун?
Бора-бора кетди қадрим, интихобим ким десун? (Муқимиј)

Интиқом — қасос. **Интиқом чекмоқ** — қасос олмоқ.

Ки чекилгай бу интиқом охир,
Рўзи ўлғай бу навъ ком охир (“Сабъаи сайёр”)

Интиҳосиз — чексиз, ҳисобсиз, ниҳоясиз.

Интиҳосиз жаврлар ўдлора ёндириди мани,
Ожи сўзлар тотлу жонимдан ўсондириди мани (Фузулий)

Инчка — ингичка, нозик.

(Хусайн Бойқаро) Белидан қуий инчка эди (“Бобурнома”)

Инқиёд — бўйсунмоқ, итоат этмоқ.

Мен банда жуз инқиёд билмон,
Сен шоҳда жуз инод топмон (Бобур)

Инқилоб – ўзгариш, тескари бўлиш.

Вале зулми даврон солиб **инқилоб**,

Қилиб эрди ул бўлғон уйни хароб (“Садди Искандарий”)

Инқироз – охир бўлиш, тугалиш, тамом бўлиш, битиш.

Қаю миллатга биздек гар насими **инқироз** етса,

Анга албатта мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб (Аваз Ўтар)

Ионат – ёрдам, кўмак.

Хони васлига рақибидин **ионат** истамак,

Айлаган янглиғ гадо илтидағи нондин тамаъ (Комил Хоразмий)

Ирз – поклик, номус, иффат, маъсумлик.

Шабистоним аро ором қилғай,

Замона субҳи **ирзим** шом қилғай (“Фарҳод ва Ширин”)

Ири – лаб, дудоғ.

Энги менги ою, доги, юзу сўзи тулу мул,

Қади равону тани жону **ирни** маржондур (Бобур)

Ирода – қарор, азм, истак, тиламоқ.

Етарга улча айлабтур **ирода**,

Замони киргуси мумтад арода (“Фарҳод ва Ширин”)

Иродат – 1.Қасд, ният, хоҳиш, истак. 2.Муридлик учун пирга қўл бермоқ, яъни ўз иродасини устозга топширмоқ.

Навоийким муриду бандасидур,

Иродат ўлида афкандасидур (“Фарҳод ва Ширин”)

Иродатдин ўлғай эдим бандаси,

Агар топсам эрди бир озода шайх (Навоий)

Ирсол – жўнатмоқ, юбормоқ.

Нодира боди сабодин сенга **ирсол** этгали

Қилди иншо бир ғазални табъи ношодим, эшит (Нодира)

Иртифов – юксаклик, баландлик.

...ул тоғнинг **иртифоъда** фалақдин бош ўткарганидин саргузашти айтмак... (“Фарҳод ва Ширин”)

Иршод – тўғри йўл кўрсатиши.

Бу сұзда ошнолиқнинг иди бор,
Анга иршод қылған муршиди бор (“Гул ва Наврӯз”)

Исён – шариат буйруқларини бажармаслик (намоз ўқимаслик, рўза тутмаслик ва ҳоказолар).

Иззатга ул фарбек бўлуб, **исён** сари бўлгай далер,
Айлаб оёғ остида хор, чўғ найзасини сой анга (Ҳувайдо)

Ислоҳ – тузатиш, соғаймоқ.

Келмас ўхшар заҳматинг **ислоҳға**, Бобур, магар,
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг доғи беморроқ (Бобур)

Исмат – поклик, маъсумлик, бегуноҳлик.

Муқимийни паноҳи **исматингда** асррагил, ё Раб,
Хатарлик дашт аро гумгаштай бераҳнамо ёлғуз.

Иснайн – икки

Муҳаммад Бурундуқнинг сонийи **иснайнни** эди (“Бобурнома”)

Испод – 1.Нисбат бериш, тааллуқли қилмоқ. 2.Уят.

Ёмон **испод** сендин қолур (“Зарбулмасал”)

Истеза – аччиқ, аччиқ-тизиқ.

Кичигу катта, хурд ила реза
Қилдилар бир-бирига **истеза** (“Тўй”)

Истидол – далил келтириш, исбот қилиш, хужжат келтириш.

Ҳаким ул ишда қолиб лол ҳардам,
Қилиб андин юз **истиддол** ҳардам (“Фарҳод ва Ширин”)

Истидъо – тилак, истак, сўров, ялиниб-ёлвормоқ, мақсад, ният.

...муддао **истидъосининг** соҳилига ўзини олди (“Зарбулмасал”)

Истилоҳ – атама, илмий тушунчалар ифодаси бўлган сўз.

Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасадур қўёш (Навоий)

Истикора – 1.Худодан яхшилик ва хайр тилаш. 2.Дуодан сўнг
Куръон ёки тасбих билан фол кўриш. 3.Туш кўриш орқали
фол кўриш.

Хайр ишига ҳеч **истихора** ҳожат эмас (“Зарбулмасал”)

Истишмом қилмоқ — ҳид олмоқ, ҳид туймоқ, ҳид сезмоқ.

Мажнун ... қиши кунининг узун қоронғу туни Лайлі зулфининг мушки исин ел корвонидин **истишмом қилиб**, том урап эрди... (“Садди Искандарий”)

Истиғно — 1. Үзига бино қўймоқ, фуурланмоқ. 2. Ноз, жирканиш. 3. Эҳтиёжсизлик, муҳтоҳ эмаслик, давлатмандлик. 4. Қўзга илмаслик, эътиборга олмаслик.

Ошиқа айлаб итобу нозу **истигно** мудом,

Сўрмаган бир йўл қўнгил хоролигингдин доғмен (Муқимий)

Эй **истигно** фирдавсининг насими,
Ёд этмадинг қадрдан деб қадими (Муқимий)

Истиғфор — гуноҳни кечиришни, авф этишни сўраш, тавба қилиш.

Деди: бу ишқдин инкор қилғил!

Деди: бу сўздин **истигфор** қилғил (“Фарҳод ва Ширин”)

Истиҳола — торгиниш, андиша, ҳаё, ийманиш, хижолат тортиш.

Монии шавқим бўлур, минг **истиҳола** халқдин,

Гул юзинг кўрганда булбулдек фифон айлай десам

(Муқимий)

Истиҳқоқ — арзанда, лойик, муносиб, ҳақлилик, лаёқатлилик, қобилиятлилик.

Бор мундин шарафи мурдашюю исқоти,

Тўра ўғли ичида йўқ мунидек **истиҳқоқ** (Турди)

Исқот — пул-мол эвазига мархумнинг гуноҳини ўз бўйнига олиш.

Неча йил хўжаларни давлатида

Қилди исқота хў ёмон, амаким (Махмур)

Исқоти — пул-мол эвазига мархумнинг гуноҳини ўз бўйнига оловчи киши.

Олди бу расми барот ила тасдиқоти,

Бор мундин шарафи мурдашюю **исқоти** (Турди)

Итиқ — 1. Тез, кескир, ўткир. 2. Қаттиқ, кучли (шамол).

Итиқрак эсди чун гулшан шамоли,
Чаманни борча гулдин қилди холи (“Фарҳод ва Ширин”)

Итикламоқ – тезлаштироқ, жадаллаштироқ, илдамлатмоқ.
Итиклаб эрди Наврӯз ўз юрушин,
Эшилти ногиҳон отлар товушин (“Гул ва Наврӯз”)

Итланур – ботиб кетади, кириб кетади.
Ўқи ногаҳ агар сандонфа текса,
Башоғи итланур сандон ичинда (“Муҳаббатнома”)

Итлоқ – 1.Бўшатиш, қўйиб юбориш, талоқ қилиш, воз
кечиш, эътибордан соқит қилиш. 2.Аташ, нисбат бериш.
Итлоқ қилмоқ – нисбат бермоқ, юргизмоқ, қўлламоқ.

Ва лекин даҳр аро аҳли талаввун,
Адамфа айлаб итлоқи таайюн (“Фарҳод ва Ширин”)

Итмоқ – йўқолмоқ, бедарак кетмоқ, ўтиб кетмоқ.
Ваҳм этиб ул гуруҳ бу сўздин,
Баҳр аро **иттилар** равон кўздин (“Сабъаи сайёр”)

Иторчи – итбоқар, югурдак, хизматкор.
Ит қилғонни **иторчи** қилмас (“Зарбулмасал”)

Ифлос – қашшоқлик, пулсизлик, маблағсизлик, муҳтоҷлик.
Бўлуб **ифлосдин** зарурат ила
Хиссат аҳлиға мадҳон шуаро (Мунис)

Ифрит – дев, шайтон.
Тутуб ҳолига тун **ифрити** мотам,
Сулаймони фалак кўргузди хотам (“Фарҳод ва Ширин”)

Ифрот – 1.Ҳаддан ортиқ, бирор ишни foят ошириб юбориш.
2.Тасвирий воситалардан муболаганинг бир хили.
Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Еткуур **ифроти** ва лекин газанд (“Ҳайрату-л-аброр”)

Ифшо – фош қилмоқ, изҳор қилмоқ, айтмоқ.
Дўстлар, маҳрам деб элга роз **ифшо** қилмангиз,
Бошинғизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз (Навоий)

Субҳдек бир дамда гардун күймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ күнгли меҳрин ифшо айласа (Навоий)

Ихбор – хабар бериш, маълум қилиш, хабар етказиш, билдириш.
Анинг сув бермагида ҳолати бор,
Ки андин айламасбиз элга **ихбор** (“Фарҳод ва Ширин”)

Ихват – (бирлиги – **ах** – биродар) биродарлар.
Жаҳон аҳли, манга сизсиз севикили жон азизимдин,
Эрурмиз бир-биrimizга яқин гүёки бир **ихват** (Аваз Ўтар)

Ихрож – сургун, чиқармоқ.
Билмон, не жарима била Султон Абусайд мирзо (Алишер Навоийни) Ҳиридин **ихрож** қилди (“Бобурнома”)

Ихтилот – аралашмоқ, муносабат қилмоқ, алоқа, апоқ-чапоқлик.
Эй күнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Ихтилот этмак манга ёқмас бани одам била (Бобур)

Ихтисор – қисқа, ихчам, тежамли.
Сўзким демасун улки ихтиёрида дуур,
Сўз яхшилиги чу **ихтисорида** дуур (Навоий)

Ихтисос – мансублик, тегишлилиқ, хослик, мугахассис бўлиш.
Кўргузуб ихлос ишига **ихтисос**,
Сени адув домидин айлай халос (“Ҳайрату-л-аброр”)

Ихтитом – хотима бериш, тугаллаш, ниҳоясига етказиш.
Учинчи Русия қонун илми,
Ўкурлар **ихтитому** эътисоми (Фурқат)

Ишкам (тўғриси – **шикам**) – қорин.
Ҳам юҳо, ҳам макарнажи дарё
Аждаҳо **ишкаму**, чаён, амаким (Махмур)

Ишинор – ялтирайдиган.
Ул чибинким, кўзга олтун янглиғ **ишнор** хильяти,
Кўпраки билким, нажосат узрадур ором анга (Навоий)

Иштаҳи – иштаҳали, иштаҳаси очилган.

Бир кун анинг базмida шилон чофи,
Шаҳфа ҳам **иштаҳи** ўлғон чофи (“Ҳайрату-л-аброр”)

Иштимол — қамраб олмоқ.

Иштиғол — шуғулланиш, машғуллик.

Бу эрди ҳар кун онинг **иштиғоли**,
Ки то ул пешада бўлди камоли (“Фарҳод ва Ширин”)

Иштиғолланмоқ — кучайиб, ловуллаб, аланталаниб.

Кордон хазиначининг ғазаб ўти **иштиғолланиб**, вужуди найистонига ўт тушиб, тутуни гардунга хиром боғлади (“Зарбулмасал”)

Ишқечон — чирмовиқ гул, карнай гул, печак гул.

Үётдин **ишқечон** барги печон,

Чиқиб ҳар шоҳ уза юз **ишқечон** (“Фарҳод ва Ширин”)

Иқлим — минтақа, ҳудуд. Қадимий астрономик тушунчага кўра:
қитъа.

...Фарғона **иқлимида** Кайқубод отлиғ подшоҳлиғдин қолган
бир эски шаҳристон бор эди.

Иқомат — яшаш, бирор жойда туриб қолмоқ, яшаб қолмоқ.

Кобулда **иқомат** қилди Бобур, дерсиз,

Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен (Бобур)

Иқон — Кўқон шаҳридаги бир маҳалла.

Эшитинг бир ҳикоя **Иқондин**,

Тўй ночор қилди ёлғондин (“Тўй”)

Иқтибос — олмоқ, вақтинча олмоқ, кўчириб олмоқ.

Сен ўртада қўёшсану маҳбублар — нужум,

Нур айлар **иқтибос**, туруб сўлу соғда (Мунис)

Иҳзор — ҳозир қилмоқ, тайёрламоқ, ҳозирлаш, ҳузурига
чарлаш.

Суҳайло чун эшигти ул иборат,

Алар **иҳзорига** қилди ишорат (“Фарҳод ва Ширин”)

Иҳонат — камситиш, ҳўрлаш, таҳқирлаш, ерга урмоқ.

...изо ва **иҳонатдин** сафар ихтиёр қилурлар (“Зарбулмасал”)

Иҳтиroz – сақтаниш, жирканиш, эхтиёт бўлиш, ўзини четга тортиш.
Зероки, Бойўели халқи сувдин иҳтиroz этарлар (“Зарбулмасал”)

Иҳтисоб, эҳтисоб – сўроқ қилмоқ, текшириб тинтув қилмоқ,
назорат қилмоқ.

Сизга ким айди: муҳаббат аҳлини қил иҳтисоб,
Кўркугуб ўз айбига иқрор қилмоқ шунчалар (Муқимий)

Й

Йизиглиқ – даволи, даволайдиган, шифоли.

Чиқордим хуш йизиглиқ сув бу қўлдин,
Кўнгуллар қонсу теб бу соф сувдин (“Хисрав ва Ширин”)

Йипор – ипор, атири, хушбўй, пардоз буюмлар:

Йипор бирла йипак анбор-анбор,
Неким турлук гуҳар ҳарвор-ҳарвор (“Гул ва Наврӯз”)

Йир – кўшиқ, ашула.

Ҳамул булбул, ҳамул кундаги йирдур,
Бугунгиси, тунав кунгиси бирдур (“Гул ва Наврӯз”)

Йиров – ашулачи, баҳши, достон айтувчи.

Йировлар соғу соқийлар гуландом,
Тобуқчилар сабук руҳу дилором (“Гул ва Наврӯз”)

Йитти, итти – йўқолиб кетди, дом-дараксиз йўқолди, нест-
нобуд бўлди.

Қарору сабри итти, ҳуши кетти,
Анга етти иши охирки йитти (“Фарҳод ва Ширин”)

Йитук – кўмилмоқ, йўқолмоқ, ботмоқ.

Билик билти бўлти эран белгулук,
Биликсиз тириклия йитук кўргулук (“Ҳиббату-л-ҳақойик”)

Йигоч – қ. Ёғоч. 1.Дарахт. 2.Масофа ўлчови, 1 ёғоч – 10 км.
3.Калтак, дарра. 4.Туп.

Борди ўшал тоқғаки мавқуф эди,
Эзгу йигочлар анга маъруф эди (“Зарбулмасал”)

Ишқ аҳлин тиларсен ағёринг,
Сур йиғоч уруб, бир-икки йиғоч (Мунис)

Гулнинг йиғочи остида ўлтурки, қўпар ел
Гул бошига гул сочилур, яхши кўрунур (Лутфий)

Йул — марта, карра.

Ул замонеким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман (Муқимий)

Йўл оҳангি қилмоқ — айнан: йўл қўшиғиии айтмоқ, йўл
куйини чалмоқ; маъноси: йўлга тушмоқ.

...жом партавида **йўл оҳангি қилмоғидин** тарона тузмак...
("Фарҳод ва Ширин")

Йўлсуз — 1.Боши берк, номаълум йўл, сафар қилинмаган
йўл, билинмаган масофа. 2.Ўринсиз, беҳуда.

Ёнинг бу маънисиз телба юрушни,
Келинг, лоҳавл этинг бу **йўлсуз** ишни ("Гул ва Наврӯз")

Йўримоқ — яқинлашмоқ.

K

Кабк — каклик.

Товуқ, **кабку** ҳулар ҳам ғоз, ҳам ўрдак,
Тазарву турна, лайлак бирла чуррак ("Виставка хусусида")

Кавқаб — юлдуз. Мажозан: кўзлар. Мажозан: юз тақинчоқлари:

зирак, тиллақош, бурунчак ва бошқалар.

Уйла баҳри фалакмисол ичра,
Кавқабе ер тутуб ҳилол ичра ("Сабъай сайёр")

Лаъли раҳшондур лабинг, қурси сабоҳи — ғавғабинг,
Ой юзунгга хўб ярашур дона-дона **кавқабинг** (Машраб)

Кавқаба — 1.Шоҳ отланганда гуруҳ олдида кўтариб
бориладиган йирик ялтироқ металл шар. 2.Юлдуз. 3.Мажозан:
порлоклик, шукуҳ, дабдаба.

**Эй жаҳондори зафар қавкабай даври фалак,
Гүш қил қиссаи қишлоғи хароби Хапалак (Махмур)**

Кавкаби саъд – баҳтли юлдуз, баҳт ато қилувчи юлдуз. Қадимий мунахжимликка биноан, юлдузлар баҳтли (саъд) ва баҳтсизлик келтирувчи (наҳс) хилларга бўлинган.

Чу кўрди Аҳраман ул **кавкаби саъд**,
Уруб бир қаҳҳаҳа ул навъким раъд (“Фарҳод ва Ширин”)

Кавнайн – икки дунё. **Кави** – дунё.

Юзидин равшан айлаб юзни **кавнайн**,
Анга кўздин учуб бир қурратул-айн (“Фарҳод ва Ширин”)

Кавокиб – (бирлиги – **кавкаб**) юлдузлар.

Кавокиб дема, тун шабистони ичра,
Жафо шуъласидин ёқубдур машоил (Мунис)

Кавсар – жаннатдаги ҳовуз.

Ҳаво Исо дамидек руҳпарвар,
Ёғочлар тўбию оқар су – **кавсар** (“Гул ва Наврӯз”)

Кадбону – эрли аёл, оиласи аёл.

Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа **кадбону** (Навоий)

Каду – ошқовоқ, кади.

Ер загора нонини, топса отин қанд қуюб,
Жази йўқ шўрва **каду** ейдуган ошидур суюб (Муқимий)

Кадхудо – оила бошлиғи, оиласи эркак. Мажозан: подшоҳ.

Гадо андин тўқ, **кадхудо** тўқлуғи андин-ўқ (“Маҳбубу-л-қулюб”)

Каж – 1.Эгри, қингир. 2.Лақаб, исм.

Ул икки **Фаж** ва **Каж** кимдур? (“Зарбулмасал”)

Булар бирла ҳар маслаҳат **каж** эди,

Бу иккиси шаҳр ичра қўб фаж эди (“Зарбулмасал”)

Каждум – қ, **Гаждум** – чаён.

Кажрав – эгри юрувчи, тескари юрувчи, ҳийлагар, маккор.

Хар кишиким, тузлук эрүр пешаси,
Кажрав эса чарх, не андешаси (“Хайрату-л-абор”)

Кажрафтор — тескари юрувчи, эгри юрадиган, ҳийлакор.
Күрдики, бир аҳли фунун,
Чарх анга **кажрафтор** экан (“Саёҳатнома”)

Кайбур — энлик камон ўқи.
Совурди **кайбурун**, қормоди ёсин,
Кейин боқти эса, кўрди отосин (“Гул ва Наврӯз”)

Кайвон — Зуҳал (Сатурн) юлдузи. Қадимги астрология бу юлдузни баҳтсизлик келтирувчи сифатида билган.
Анингдек бўлди ўз кўркина ҳайрон,
Ки чок этти яқосин сарву **Кайвон** (“Гул ва Наврӯз”)

Кайд — мақр, ҳийла, айёрлик.
Эмин ўлма **кайдидин**, ёру биродарман дебон,
Не жафолар қилмади Юсуфга Шамъун, эй кўнгул
(Комил Хоразмий)

Тўлдуруб ашрафи-ла деворини дарзини,
Топмадим буқаламун **кайдилари** тарзини (Турди)

Калоба — калава
Калом — 1.Сўз, гап. 2.Мажозан: тил. **Каломи мажид** — Қуръон.
Аввал таом, сўнгра **калом** (“Зарбулмасал”)

Каломи мажид таржимаси туур (“Зарбулмасал”)

Калос — эчкиэмар, варан.

Камалак — камон.

Янги ой кўзига хасмингни отурга **камалак**,
Эй жаҳондори зафар кавкабай даври фалак (Муқимий)

Каманд — 1.Арқон; жангда ёвни ўраб боғлаб олиш учун қўлланиладиган сиртмоқ; асирикда маҳбуснинг қўл-оёғига ишлатиладиган кишин. Мажозан: соч.

Ўлмоқ авло санга **каманд** ичра,
Тирик ўлмоқ, валек банд ичра (“Сабъаи сайёр”)

Тутиб чин-бачин құлда печон **каманд**,
Осиб хұдидин шуққа чиний паранд (Навоий)

Камар — белбог, белга бояланадиган тасма.
...Кордон **камари** ҳимматни ғаравдек неча ердан боғлади
(“Зарбулмасал”)

Камина — кичик, арзимайдиган, тубан даражадаги кимса.
Күпинча камтарлық юзасидан “мен” маъносида ишлатилади.
Биз **камина** Малик Шоҳиннинг ҳалқабагүшларидин
бўлурмиз (“Зарбулмасал”)

Каминалар боғлади — пистирмалар қўйди.
Ўзини яхши чирчимлаб юруб тез,
Каминалар боғлади бар азми хунрез (“Гул ва Наврӯз”)

Камон абру — қоши камондай, қоши камон, қоши ёй.
Тийри мужгонлар отиб ҳар дам **камон абру** билан,
Дилларимни то бузуб вайронга қўймадинг (Муқимиј)

Камони чочий — Чоч камони, Тошкент камони, Чоч ёйи.
... “камони чочий” андин ибораттур (“Бобурнома”)

Камонкаш — ёйдан ўқ узувчи, камондан ўқ отувчи.
Йиқылғоч бу ҳамул юз рўйинтанваш,
Ки бору узра эрдилар **камонкаш** (“Фарҳод ва Ширин”)

Камоҳаққұху, камохуваҳаққұху — ҳаққига мувофиқ, ҳаққига
яраша, ҳаққи борлигича, ҳаққи юзасидан.
...ду жонибга **камоҳаққұху** тушуб сұзлагил... (“Зарбулмасал”)

Камоҳи, камоҳий — худди үшандай, айнан, тўлик, мукаммал.
Юзи миръоти анвори Илоҳи,
Илоҳи сиррини англаб **камоҳи** (“Фарҳод ва Ширин”)

Канз — хазина.
Кан-нақши фил ҳажар — тошга ўйилган нақшдай.
...ул иш майли мумдек кўнглига “**Кан-нақши фил ҳажар**”
бўлғони (“Фарҳод ва Ширин”)

Канор – 1. Қучок, қучиш. 2. Чет, чека. **Канор этмоқ** – четлашмоқ, Жафодур жонга бўлмоғлиғ муқайяд олам аҳлига, Хуш уд озодаким элнинг аросидин **канор** этса (Бобур)

Канора – чет, чекка.

Дийдоринг офтобу мен заррамен қошингда,
Эй шўх, сухбатимдин тутмоқ недур **канора** (Мунис)

Кантрак – антракт. Снектакль пайтида пардалар орасида томошибинларга бериладиган маҳсус танаффус.

Суворов чун ўзин ичкари олди,
Арода “**кантрак!**” – деб парда солди (Фурқат)

Капча – курак, бел, куракча.

Қайсингизни кўрди эл **капча** билан ёп қозғонин,
Борингиз савдо-сотик бозорида жавлоналар (Аваз Ўтар)

Карам – яхшилик, олийжаноблик, эҳсон, марҳамат, саховат, муруват.

Карам на эрди баҳиллик сўзин дединг, эй шоҳ...
Оз ош бергунча мундин зиёд ўту олов (“Зарбулмасал”)

Хоҳ танобингни дучандон қиласай,
Хоҳ **карам** бирла бошингни силай (“Танобчилар”)

Кароматгўй – каромат қилувчи, фол кўрувчи.

Эй **кароматгўй**, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимға, айт (Навоий)

Карона – “канора” сўзининг бузилган шакли. Чет, чекка, четлашмоқ,

Қилиб яғмо халойиқдин **карона**,
Тутиб айш анда манзил жовидона (“Фарҳод ва Ширин”)

Кас – киши, одам, инсон,

Эй қарамдин даргаҳингда айлаган ҳар хасни **кас**,
Фаҳр этар анқоя лутфингдин назар топган магас (Муқимиј)

Касби ҳаво – ҳаво олиш, сайдир этиш, нафасни ростлаш...

Базм ичидин дашт сори бир нафас,
Касби ҳаво айламак эттим ҳавас (“Ҳайрату-л-аброр”)

Касрат – 1.Күплик, мүллик, мүл-күллик. 2.Кучлилик.
Сабза, раёхин, анвои гуллар, чечаклар **касратидин**... мунаққаш
қўринур эрди (“Зарбулмасал”)

Совуқ **касратидин** ҳар чанд “пуф-пуф” қилди, ёнмади
 (“Зарбулмасал”)

Катора – ўткир қилич ёки ханжар.
Йўли бир сўқмоқ икки сори хора,
Итиқ ҳар хора андоқким **катора** (“Фарҳод ва Ширин”)

Каф – 1.Кўпик. Мажозан: жаврамоқ. 2.Кўл кафти.
Не ачиф сувки масти ваҳшат ойин,
Лабида **каф**, юзида мавждин чин (“Фарҳод ва Ширин”)

Кашкашон – судрашиб, тортқилашиб.
Фараз иккиси айлабон **кашкашон**.
Мени ҳоким олдига қилди равон (Хиромий)

Кашола қисанг – айнан: судрасанг, чўзсанг.
Мухтасар қилмайин **кашола қисанг**,
Амакингдек жаҳонда хор ўлгай (Махмур)

Каҳрабо – сап-сариқ тош, янтарь.
Якка бир оқшом келиб васлини гар кўрсатмаса,
Рангу рўйимни бу янглиғ **каҳрабо** ҳам қилмасун (Муқимиј)

Каҳрабоваш – каҳрабосимон, сап-сариқ тошсимон.
Санамлар жилвагар меҳри самоваш,
Аёғдин-бош либоси **каҳрабоваш** (“Фарҳод ва Ширин”)

Кедин – кейин, ортга.
Кедин боқти эса Баҳроми хунрез,
Хижил қолдию қилди ўзга ангез (“Гул ва Наврӯз”)

Кез – 1.Пайт; 2.Марта, гал.
Йиқар бўлсанг доги бир **кез** кўнгулни,
Кўнгул оҳи сени қавтек ёқар бил (Сайфи Саройи)

Кемур – кўмир.

Келиб хокистари аъзоси ранги,
Кемурдек нуқталар бирла паланги (“Фарҳод ва Ширин”)

Кената – 1.Бирдан, тасодифан, тўсатдан. 2.Қайтадан, яна.
Кената сесканиб уйғонди Наврӯз,
Анингдек урди бир оҳи жигарсўз (“Гул ва Наврӯз”)

Кената қилди бир бозича ангез,
Янги бошдин яна бошлади хунрез (“Гул ва Наврӯз”)

Кериш, кириш – камоннинг ипи, чилвири.
Бурудат шиддати остида қаддим хам қилиб ёдек,
Заифу ногавону нозик этти ҳам **керишдин** қиш (Огаҳий)

Кечмоқ – 1.Баҳридан ўтмоқ, воз кечмоқ. 2.Ўтмоқ, юриб ўтмоқ.
Бир фақири мужаррад сахрода ўлтуруб, хирқасин тикар
эди. Илайиндан бир султон **кечти** (Сайфи Саройи)

Кеш – Шахрисабз.
Мовароуннухрда Самарқанд ва **Кеш** қўргонидан сўнгра
мундин улугроқ қўргон йўқтур (“Бобурнома”)

Кешти – кечти, ўтиб кетди.
Кечиб ҳижрон кечаси, ўтти зулмат,
Ёруди субҳи васлу **кешти** фурбат (“Гул ва Наврӯз”)

Кибар – кексалик, қариллик, улуғлиқ.
Ки чун қилмиш куҳулатдин тажовуз,
Кибар меҳробиға қўймиш ёши юз (“Фарҳод ва Ширин”)

Киби – каби, сингари.
Не чаманда сарв бор ул қомати раъно **киби**,
Не гулистон ичра тул бор ул руҳи зебо **киби** (Бобур)

Кизб – ёлғон, ўтрук.
Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб, дер эл, чин деса қолғон сўзин (“Ҳайрату-л-аброр”)

Кизламоқ – яширмоқ, бекитмоқ.
Биликлик кераклик сўзин сўзлаюр,
Кераксиз сўзини кўмуб **кизлаюр** (Аҳмад Юнакий)

Килк — қамиш қалам, қамиш ручка.

Жонсиз таним ҳаётиға бир нома ёзмадинг,
Килкинг учини мұжиза пардоз құлмадинг (Муқимий)

Кин — хусумат, кес, бирөвга ёмөнлик соғиниш.

Мулқдин адлу қарам кетти, келиб **кину** нифоқ,
Яхшилиқ құлма тамаъ, зулм ила дүлди оғоқ (Турди)

Кинавар — кек сақловчи, ўч олувчи, қасоскор.

Кинаварлар зулмидин бечоралар ҳар ён қочиб,
Үйлаким, бүлғай гурезон боздин дуррожлар (Мунис)

Кинакаш — кек сақловчи, балога құювчи, қасосчи.

Деди: жонингға ҳижрон **кинакашдур**,
Деди: чун бор васл уммиди хушұр (“Фарҳод ва Шириң”)

Кирдигор, кирдикор — 1.Манзил, жой, уй-жой. 2.Худо, Тангри.

Келиб обод қылғын **кирдикорингни**,
Йиғлатмагин эна, ғамхұрларингни (“Алпомиш”)

Менинг ҳеч анда йүқтүр ихтиёрим,

Ки оллимға ёзибтур **Кирдигорим** (“Фарҳод ва Шириң”)

Кирдор — қилиқ, құлмиш, равищ, тарз, күриниш.

Сен илгари ўтган одамларнинг **кирдорні** құлмассан...
 (“Зарбулмасал”)

Кирмии қонға — қон тұқишиға киришмоқ, бирөвнинг ўлимига
сабаб бүлмоқ.

Бу келмақдин сенинг недур хаёлинг,
Ки кирмии қонинг фикри маҳолинг (“Фарҳод ва Шириң”)

Кироми, Киромий — 1.Хурматли, муҳтаралы. 2.Қимматли. 3.Шу
сұзни тахаллус қилиб олган XVIII аср Хоразм шоири.

Кетургил, соқый, ул жоми **киромий**,
Ки тутсун риндлар сархайли Жомий (“Фарҳод ва Шириң”)

Тонг әмас, Мунис, агар бұлсам **киромий** қадрким,

Устоди зоҳиру ботин **Киромийдур** манга (Мунис)

Киса — чұнтак, ҳамең. **Кисай нурзар** — олтин тұла чұнтак.

Кисай пурзар эмиш элга ҳунар,
Беҳунар элни дедилар: реши хар (“Зарбулмасал”)

Кисват — кийим, уст-бош.
Қилиб **кисват** ҳарири заъфароний,
Ики гардун қүёш ичра ниҳоний (“Фарҳод ва Ширин”)

Китмон — яшириш, яширин сақлаш.
Даврдин ҳар дам етар осеб, ўлур расвои даҳр,
Улки рози чехрасининг пардаи **китмони** йўқ (Мунис)

Киш — 1. Қундузсимон қора рангли майин жунли ҳайвон ва
унинг терисидан тикилган пўстин.

Манга мушкилдуур топмоқ иложинким, ғино аҳли,
Илож айлар совукқа қокуму синжобу **кишдин** қиши (Оғаҳий)

Кишвар — 1. Мамлакат. 2. Ўлка.
Эй аларким, бу Ҳинд **кишваридин**,
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам... (Бобур)

Кишвардиҳ — айнан: мамлакат бер. Мамлакатни топширмоқ. Мағлуб.
Мўгул қуллар киби оллинда хонлар,
Бўлуб **кишвардиҳи** кишварситонлар (“Фарҳод ва Ширин”)

Кишварситон — мамлакатни тортиб оловчи, ғолиб. К. **кишвардиҳ**.

Кишвархудолиқ — мамлакатга эгалик, мамлакат шоҳлиги.
Санга тутсам мусаллам подшолиқ,
Халойиқ устида **кишвархудолиқ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Кишоварз — дәҳқон.
Вафо тухмин экиб топдим жафо бар,
Эруман, Мунисо, турфа **кишоварз** (Мунис)

Кишт — 1. Экин. 2. Шахматдаги ҳужум усули.
Эй шоҳ, инонма отингга давлат эвурса, рух,
Мот айлагай сени етуруб бир пиёда **кишт** (Мунис)

Кишли ҳилоли — айнан: ҳилолсимон кема. Матнда гап
қаландар качкули устида бормоқда.
...Ёлибон эгнига қоплон териси,
Тутубтур илгига **кишли ҳилоли** (“Фавойиду-л-кибар”)

Кож — шапати.

Гар санубар тузмамиш сарвинг хилофин кўнглида,
Ел чинор илги била невчун юзига урди **кож**? (Навоий)

Коза — чайла, капа, қамишдан ясалган чайла.

Йўлингизда **козалар** қилмай нетай,
Юсуфим қилди Зулайхо меҳрингиз (Муқимий)

Ком — 1.Жағ, оғиз. 2.Мақсад, тилак, орзу. 3.Луқма, ризқ,
овқат. 4.Мақсад, режа, фикр, мулоҳаза.

Лаълингда малоҳатдин жон **комидадур** лаззат,
Бу таъм қачон бергай туз бирла шакар ҳаргиз (Навоий)

Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади,
Ком ила бир фунчаси балким табассум қилмади (Навоий)

Ахзи моли ҳаром коми ўлуб,
Бўйла **ком** истабон ҳароми ўлуб (“Сабъаи сайёр”)

Гар бу янглиф эмас дуурр санга **ком**,
Они ҳам ботроқ айлагил эълом (“Сабъаи сайёр”)

Комёб — баҳраманд, улуш олган.

Соқиё, даврингда даврон масти жому **комёб**,
Навбатимни бир куруқ паймона қилмай қўймадинг (Муқимий)

Комил — етук, тўлиқ, мукаммал, баркамол.

Келиб анда ҳунар **комил** қилурлар,
Кўриб кўп илм ҳосил қилурлар (“Виставка хусусида”)

Комгор, комкор — баҳтиёр, саодатли.

Фикр этиб **комгору** давлатманд,
Деди: “Ҳар кимки Жобир этмиш банд”... (“Сабъаи сайёр”)

Комрон — 1.Саодатли, баҳтиёр. **Ком** — мақсад; **рон** — сур, ет.
2.Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғлиниң исми.

Ким, агар банддин ҳалос ўлфунг,
Бир шаҳи **комронга** хос ўлфунг (“Сабъаи сайёр”)

...Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта **Комроннинг**
кишиси бўлсун (“Бобурнома”)

Конибодом – шаҳар номи. Ҳозирги Тожикистон Суд вилоятига қарашли Конибодом шаҳри. Ушбу сўзнинг лугавий маъноси “бодом кони” бўлиб, бунга Бобур ва Муқимий ҳам аҳамият беришган:

Айлай саёҳат энди бас,
Конибодом қилмай ҳавас (“Саёҳатнома”)

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб... (“Саёҳатнома”)

Kor – 1.Иш, машғулот. 2.охири кор-хуллас
Куймоқ ўлди, оҳ, **корим** айрилиб,
Тушган эркан дилга бежо меҳрингиз (Муқимий)

Хабар келди эса Мушкини Фарҳор,
Билиб кайфиятини охири **кор**... (“Гул ва Наврӯз”)

Корбанд – амал қилувчи, бўйсунувчи, амалга оширувчи, ижрочи.
Не таълимики қилмиш эрди доно,
Борига **корбанд** ўлди ҳамоно (“Фарҳод ва Ширин”)

Корвонийлар – карвон аҳли, савдогарлар.
Йигилиб **корвонийлар** саросар,
Қилиб шаҳзодаға турлук дуолар (“Гул ва Наврӯз”)

Коргар – 1.Ишчи. 2.Ўта таъсир қилувчи, ҳалокатли.
Бўлуб ҳам **коргар**, ҳам корфармой,
Меҳинбону қошига даштпаймой (“Фарҳод ва Ширин”)

Коргоҳ – 1.Тўқув дастгоҳи. 2.Мажозан: олам, дунё.
Хунарвардин бори омода бўлғон.
Мукаммал **коргоҳ** ичра тўқулғон (“Фарҳод ва Ширин”)

Кордон – 1.Ишибилармон, пухта, оқил. 2.Гулханийнинг “Зарбул-
масал” асаридаги бир қушнинг номи.
Кўюб юз **кордон** ҳар иш бошида,
Яна минг коргар ҳар юз қошида (“Фарҳод ва Ширин”)

Сенинг исмингни **Кордон** қўюбтурлар – ишни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экансан. **Кордон** исмингнинг аксини қўйсалар керак эди! (“Зарбулмасал”)

Кордонлик — ишбилармонлик, омиллик, пухта-пишиқлик, тажрибалилик.

Сенинг **кордонлиғинг** кулол мүндида сув ичгандек... бўлди
("Зарбулмасал")

Корез, кориз — қудук чукурлигидаги ер ости сувларини бир нечасини туташтириб, ер юзига сув олиб чиқиш усули.

Илм ўқуб амал қилмоғон **кориз** қозиб, тухум солмоғонга ўхшар, ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра олмоғонга ("Маҳбубул-кулуб")

Эски дарахту гули навхез анга,
Икки тегирмон суйи **корез** анга ("Хайрат ул-аброр")

Корозмо — синалган, ишда синалган, тажрибали, ишончли.
Пешқадам **корозмо** қариндошларим бор ("Зарбулмасал")

Кору бор — иш-куч, доимий машгулот.

Телбадур ажраб Муқиминг, сўрма **кору бордин**,
Сафҳаи ҳар фуссага марқумдурмен, айрилиб (Муқимиј)

Корфармо, корфармой — ишбоши, иш буюрувчи, назоратчи, иш кўрсатувчи.

Паёпай **корфармодин** ҳаёҳай,
Ҳаёҳайдин қилиб эл иш паёпай ("Фарҳод ва Ширин")

Анга чун пардалар кейнидин ул ой,
Такаллум бирла бўлди **корфармой** ("Фарҳод ва Ширин")

Корхона — мажозан: дунё, жаҳон, олам.

Ўшул муддатгача бу **корхона**,
Ки кўргузгай туганмақдин нишона ("Фарҳод ва Ширин")

Косадор — 1.Коса тутувчи, май тутувчи, ичкилик узатувчи, соқий. 2.Косалик, коса эгаси. 3.Хўжайнинг ёки бировга ичкилик тутувчи хизматкор, малай.

Кириб охир дамида хуззона
Бўзахўрларга **косадор** ўлгай (Махмур)

Косид — касод, бозорда ўтмайдиган, харидор олмайдиган.

Даҳр бозорида **косиддир** матои ҳимматим,
Бу матои сотмаға бир ўзга бозор истарам (Фузулий)

Кост – камайиш, озайиш, етишмаслик, күст.
Не билур мажнун деган, субҳ ила шому чоштин,
Найлайн ўйлаб тирикликтинг камию **костин** (Муқимиј)

Кофи, кофий – кифоя қилувчи, етарлича, қониқтирувчи, мукаммал.
Жавоб ўлғоч саволотига вофи,
Анга бўлмай муважжаҳ нукта **кофи** (“Фарҳод ва Ширин”)

Фуқаро ризқи андин вофий, фурабо қути андин **кофий**...
("Маҳбубу-л-кулуб")

Кофур – 1.Фоят оқ ва хушбўй модда (камфара). 2.Яхши ҳидлар тарқатувчи. 3.Мажозан: оппоқ қор ёғдирувчи.
Васлинг кунида шоми фироқнинг баёнида,
Кофур била мушкни ҳамроз қилмадинг (Муқимиј)

Кофурбор – кофур ёғдирувчи, хушбўйлик тарқатувчи.
Мажозан: қор ёғдирмоқ.
...дай тожири... тогу саҳроға **кофурбор** бўлғонда... хоқон Фарҳоднинг мизожи иложин қила олмоғони (“Фарҳод ва Ширин”)

Кофургун – кофурдай, оқ ва хушбўй моддадай. Мажозан: қордай.
Яна бир қасрни айлаб шитойи,
Тўшаб **кофургун** жинси хитойи (“Фарҳод ва Ширин”)

Кофурмонанд – кофурга ўхшаб, оқ ва хушбўй модда сингари.
Мажозан: қордай.
Бериб нисбатда қору музға пайванд,
Этиб рангин онинг **кофурмонанд** (“Фарҳод ва Ширин”)

Коҳ – қаср, муҳташам сарой. Мажозан: олам, осмон.
Йигочи соясида чархи **коҳи**,
Куйироқ шоҳасидин Сидра шоҳи (“Фарҳод ва Ширин”)

Кош – кошки.
Гулда чун ранги вафодин рангу бўйи йўқ эмиш,
Ўтмагай эрдинг бу гулшан сори **кош**, эй андалиб (Навоий)

Коши – иморат ғиштларининг ҳар хил ранг ва бўёқда пишириш.

Анингдекким яшил **кошию** хора,
Яшил чини била фаршу изора (“Фарҳод ва Ширин”)

Кошона – 1.Уй, кичик уй, фақирона кулба. 2.Мажозан: уя, ин.

Кўзу кўнглум тийра эрдилар узоринг ҳажрида,
Шукрким, топти бир оқшом бу ики **кошона** шамъ
(Комил Хоразмий)

...иккови кечакундуз бир ошёнда дамсоз ва бир **кошонада**
ҳамроҳ эрдилар (“Зарбулмасал”)

Коҳ – 1.Сомон. 2.Суз бирикмаси таркибида “келиб”, “ўртай-
диган”, “қийнайдиган” каби маъноларини ифодалайди. **Жонкоҳ**
– жонни ўртайдиган, **умркоҳ** – умр эгови, умрни ўртайдиган.
Бошима бир кўхи фам бир от(ни) **коҳу** емидин,
Бир кўнгул юз пора йўқлуқ заъфи ваҳму бимидин (Турди)

Бандини англаб эрди чоҳ ичра,
Фаму андуҳи **умркоҳ** ичра (“Сабъаи сайёр”)

Коҳдон – сомонхона. **Даруни коҳдон** – сомонхона ичи.
Яқин бир ойғача пулдорлар аҳволи ҳар оқшом
Киши билмас ётар жойи **даруни коҳдон** бўлди (Муқимий)

Коҳи, коҳий – сомон рангли, сариф, заҳил.
Қилиб ҳар тун насими субҳгоҳи,
Шажар баргин нечукким субҳ **коҳи** (“Фарҳод ва Ширин”)

Коҳил – 1.Суст, бўш-баёв. 2.Танбал, анқов. **Коҳили намоз** –
намозга кечиккан ялқов.

Бир-иков нақора орқасиға, дарра бирла **коҳили намозни**
урган раисдек ура бердилар (“Зарбулмасал”)

Кубро – энг улуғ; **олами кубро** – улуғ олам, бутун борлик, коинот
Жаҳон йўқ, **олами кубро** де они.
Жаҳонда мақсади ақсо де они (“Фарҳод ва Ширин”)

Кудурат – (бирлиги – **қадар**) 1.Фам-фуссалар, фам-ташвишлар,
дилғашликлар. 2.Гина, кек.

Юз тарафдин еткууруб гарди **кудурат**, занги зам.
Айлагай оинаи табъим мукаддар толеим (Муқимиј)

Кудурат ўртада қолмади боқи,
Бу кез соқий юрутти давр аёки (“Гул ва Наврӯз”)

Кужой – қаерда! (рад, таъна маъносида).
Тобуғчиларга андин сут кетурмак,
Кужой эрди ҳар кун юк кетурмак (Қутб Хоразмий)

Куланг – турна.

Сенинг бу сўзинг қарчифайлик дағдагаси **куланг** бошига тушуб дурроj шикорин ихтиёр қилиб, ўзи балчиқقا ботиб қолганга ўшар (“Зарбулмасал”)

Куллихўм – тўла, батамом,
Чунон топтим ул мулк аро эътибор,
Дегайсен менга **куллихўм** ихтиёр (Хиромий)

Кулола – соч чамбараги; жингалак соч.
Сунбул гул уза соя солибдурму ёхуд,
Ҳарён очилибдурму юзунг узра **кулола** (Мунис)

Кулонкир – “Зарбулмасал”даги қушлардан бирининг номи. Бу сўз “куланг” – турна ва “гир” – ол, тут сўzlари бирикивудан тузилган “кулангир” сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, турна овловчи маъносига молиқдир.

Ўелиминг номуборак оти **Кулонкир** султондур (“Зарбулмасал”)

Кулонкирлик – турна овловчилик, турна тутишлик.
Бари боламнинг асбоби **кулонкирлиги** минқори билан чангалидан маълум ва равшан эмасдурму? (“Зарбулмасал”)

Кулух – кесак.
Гоҳи Ҳўқандда миришаб, гоҳи ҳарамда ҳақталаб,
Гоҳи кулухи мустаҳаб, булажаби гиёҳ ўзим (Махмур)

Кумайт – қизил от. Сўз **кумайти** – фикр.
... Сўз **кумайтини** Юнон водисига солиб... муддао тилисмин... очқони (“Фарҳод ва Ширин”)

Күпгүр – қалъа, баланд девор, қалъа девори устидаги данда-налар.

Водийи файратға қадам урмажон,
Кунгур ҳимматға алам урмажон (“Хайрату-л-аброр”)

Кунд – ўтмас, ўткирнинг зидди.

Гули Фархор ачиқланди бўлуб тунд:
“Ки нечун бўлди мундоқ тифингиз кунд?” (“Гул ва Наврўз”)

Кундапих – тўнка сумбат, тўнка гавда.

Бирлари мўлтонинамо ҳийлагар,
Бирларидур **кундапиху** гавдахар (“Танобчилар”)

Кунж – гўша, бурчак, **кунжи лаб** – айнан: лаб бурчаги, мийик.

Тобакай мундоф маломат **кунжида** доим Муқим.
Бу замон кўз тутгин эмди сенга бўлсин тоғлар.

Кунжи лаб бирла табассум айладинг бир йўл боқиб,
Мастлиқдин Фурқатийга шармисор ўлгон кеча

Кунжойиш – сифмоқ, ўрнашмоқ.

Бу баҳр топар кўнгул аро **кунжойиш**,
Лекин анга ҳар кўнгул бўла олмас зарф (Огаҳий)

Купес – “купец” – савдогар.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,
Купес қолди бу сирга ҳайрону зор (Муқимиј)

Курмак – мошранг, аммо майдароқ уруглайдиган ўтнинг бир нави

Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаги кўп, гурунчидин тоши (“Тўй”)

Кутуб – (бирлиги – **китоб**) китоблар.

Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, **кутубларда** Ўтроркент битирлар (“Бобурнома”)

Кушод, кушода – очиқ, аниқ.

Айитти Жавҳар: “Эй фагфурзода,
Адан дерлар муни, билгил **кушода** (“Гул ва Наврўз”)

Күшта – ўлік, мурда, ұлдирилган.

Ёпон ақлидин андоғ бўлди **кушта**,

Қўпуб ул кушталардин пушта-пушта (Фурқат)

Куҳангард – мозий даврлардан бўён айланувчи, қадимул айёмдан бери кезувчи.

Анингдек фард этиб чархи **куҳангард**,

Ки бир фарзанддин ҳам айлабон фард (“Фарҳод ва Ширин”)

Куҳулат – кишининг ўрта яшарлик пайти.

Ки чун қилмиш **куҳулатдин** тажовуз,

Кибар меҳробига қўймиш ёши юз (“Фарҳод ва Ширин”)

К-эй – “ки эй” бирикмасининг вазн тақозосига қўра қисқарган шакли.

Келди чаҳ боши узра фампарвард,

Чекти ун: “**К-эй** асири меҳнату дард” (“Сабъаи сайёр”)

Кўзларига илик қўймоқ – “бош устига” демоқ, миннатдорчилик билан таклифни қабул қилмоқ.

Алар ҳам корбанд айлаб биликни,

Қўпуб **кўзларга қўйдилар** иликни (“Фарҳод ва Ширин”)

Кўзолдуруқ – чиммат, юзга тутиладиган парда.

Кўзолдуруқ била бир эски чодир,

Тилогач қилдилар филҳол ҳозир (“Гул ва Наврӯз”)

Кўй – жой, манзил, туаржой, макон, қишлоқ, маҳалла.

Ҳосилим барқи ҳаводисдин маломат доғидир,

Маснадим **кўйи** маломатда фано тупроғидир (Фузулий)

Кўйи хаммор – ичкилик ясовчининг уйи, ичувчилар макони.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёргуғлуқ топмадим,

Дайр пири хизматига **кўйи хаммор** истадим (Навоий)

Кўж – 1.Оҳанг, куй, мусиқа. 2.Осмон. 3.Бўёқнинг бир хили, ҳаворанг.

4.Таъзия оҳангиги.

Чангда ҳар **кўж** чолур ёринг чу йўқтур, Бобуро,

Ерга бош чолмоқ била ўзунгни мутьод айлагил (Бобур)

Кўка – кўкрак, сийна, аёл кўкраги.

Кўкалдош – бир она эмизган кишилар бир-бирига кўкалдош бўлади.

Кўк лаган – айнан: товоқ, мажозан: осмон.

Юзунг била лоф ургали кўп лофда уялгай,
Шамъе эрур ул гояти ер **кўк лаган** ичра (Саккокий)

Кўкрамоқ – гулдирамоқ, бақирмоқ ҳайвонларнинг қаттиқ товуш билан бўкириши.

Булат **кўкраб**, ёшин ёшоб, эсиб ел,
Буротиб қор ёғиб, ёмғир этиб сел (“Гул ва Наврӯз”)

Кўлага – кўланка, соя.

Кўлок – қаттиқ тўлқин, довул, қаттиқ шамол, денгиз бўрони.

Агарчи елдин эрмас баҳрга бок,
Вале минг чок ўлур чун бўлди **кўлок** (“Фарҳод ва Ширин”)

Кўнанмоқ – яхши яшамоқ.

Қовушиб ул Гули Фарҳор бирла,
Кўнангил ул вафолиқ ёр бирла (“Гул ва Наврӯз”)

Кўнглак – кўйлак.

Гар сийм барги гулни қиласа либос ўзига,
Бўлғайму, эй гуландом, **кўнглак** била танингдек? (Бобур)

Кўнгли бор – мойил; ёқтиради.

Бу болиганинг **кўнгли борға** ўхшар (“Зарбулмасал”)

Кўнглокча – кўйлакчан, бир кўйлаккина кийган (нимча ёки тўнсиз)

Ул париваш чиқти усрук секретиб **кўнглокча**,вой,
Носиҳо, девона бўлдум, эмди тарки панд қил (Навоий)

Кўнгул солмоқ – дил узмоқ, воз кечмоқ.

Агарчи ёр ишқи нотавон **кўнгулумга** ўт солди,
Вале мен нотавон ул ёр ишқида **кўнгул солмон** (Бобур)

Кўнгул фароги – хотиржамлик, осойишталиқ.

Яроқ айлаб **кўнгул фароги** била,
Улча мумкин черик яроғи била (“Сабъаи сайёр”)

Кўни – яхши.

Кўрга, кўрага – 1.Кигиз, намат. 2.Хонтахта. 3.Сурнай. 4.Май идиши. 5.Кашта, палак. 6.Катта ногора.

Гилеми солиниб гулгуну зебо,

Ясолиб **кўргаси** гулранг дебо (“Фарҳод ва Ширин”)

Кўркабой – кўркка бой, сулув, гўзал, чиройли.

Пари рухсораларнинг **кўркабойи**,

Юзунг наврўзу қошинг байрам ойи (“Муҳаббатнома”)

Кўрмадим – кўрмадимми, яъни “кўрдим” маъносида.

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин **кўрмадим**?!?

Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин **кўрмадим**?! (Навоий)

Кўрмон – кўрмайман.

Кўрмон фараҳни бир дам агар андин айрумен,

Билмон аламни бормен анинг бирла то била (Бобур)

Кўс – катта ногора. **Кўси риҳлат** – айнан: жўнаш ногораси овози, яъни ўлим дараги.

Тоатим йўқтур, матоимдур гуноҳ, юк битти, ҳайф,

Айладим зое йигитлик, **кўси риҳлат** етти, ҳайф (Муқимиј)

Кўтаҳ, кўтоҳ – қисқа.

Савдоси дарозу баҳри **кўтоҳ**,

Мазмуни фифону нолау оҳ (Фузулий)

Кўтаҳлик – қисқалик. **Кўтаҳлик қилинг** – чекланинг, ўз ҳаддингизни билинг.

Ким қўюбдур уҳдайи ўз мулкунгиздин чиқмайин,

Икки, уч, тўрт даъвосин этмоқни, **кўтаҳлик қилинг** (Турди)

Кўтарди парда аз роз – роз пардасини қўтарди, яъни сирини айта бошлиди.

Кўтарди шоҳзода парда аз роз,

Саросар саргузаштин қилди оғоз (“Гул ва Наврўз”)

Кўтаҳфаҳм – фаҳми калта, фаҳми қисқа, бефаҳм, нодон.

Жароҳат бўлди бағрим тифи бедоди рақиблардин,

Бу **кўтаҳфаҳм** мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди (Увайсий)

Күчик, күчак — кичик, ёш. **Бузургу күчик** — катта-кичик.
Күчакдил — күркөк.

Гули парданишинни зор этма,
Бузургу **күчик** ичра хор этма (“Гул ва Наврұз”)

Күшиш — файрат, тиришқоқлик.

Деди Жобирки: “Әй құлумда асир,
Разму **күшишда** қылмадинг тақсир” (“Сабъаи сайёр”)

Күшк — күркам иморат, айвонли ихчам қаср.
(Боги) Дилкүшода ҳам улуғ **күшк** солдирубтур (“Бобурнома”)

Күх — тоғ. **Күхи маоний** — маънолар тоғи; **күхи ғам** — ғам тоғи.
Не гавҳар, балки илму фазл кони,
Дема конким, дегил **күхи маоний** (“Фарҳод ва Шириң”)

Күҳан — эски, қадимги, күхна.

Күҳан аштжор ҳар ён боқса юз минг,
Үтуб боши фалакдин ҳар бирининг (“Фарҳод ва Шириң”)

Күҳкан — айнан: тоғ узувчи, яьни тошйұнар, тоғда тош қазувчи.
Бу сүз асосан Фарҳод исмининг истиораси сифатида құлланилади.
Бу күхи ғам аро дарду миҳандин,
Гузирим қайды бўлғай **Күҳкандин** (“Фарҳод ва Шириң”)

Күҳканвор — тоғ йўнувчидай. Мажозан: Фарҳодсимон.
Ки меҳр этғач аён тоғ узра анвор,
Чиқай тоғ узра мен ҳам **Күҳканвор** (“Фарҳод ва Шириң”)

Күҳон — тия ўркачи.

Уруб тифи фалак жисмиға суҳон,
Үтуб ул жисмидин андоқки **күҳон** (“Фарҳод ва Шириң”)

Күҳонлиқ — ўркач вазифасини бажариш.

Буким кўқтин ўтуб суҳонлиқ айлаб,
Фалак бухтисига **күҳонлиқ** айлаб (“Фарҳод ва Шириң”)

Күх парканد — тоғ парчаси, харсанг тош.

Малакваш одамидур күх монанд,
Кесақдур тешасига **күх парканд** (“Фарҳод ва Шириң”)

- Күх пора** — тоғ парчаси, харсанг тош, катта тош.
 Учида беркитиб бир **күх пора**,
 Бұлубон дастаси онинг минора (“Фарҳод ва Шириң”)
- Күхсөр** — тоғлик жойлар, тоғлар.
 Чу бұлды тун қаро тоғи нигунсөр,
 Нечукким зилзила бұлғонда **күхсөр** (“Фарҳод ва Шириң”)
- Л**
- Лабан** — сут.
 Баски йилонлар қилиб эрди ватан,
 Суйи эди пок бамисли **лабан** (“Юсуф ва Зулайхо”)
- Лаббалаб, лаболаб** — лиммо-лим, тұла.
 Күнгүл дуржин демай бұлғай **лаболаб**,
 Ким ул дарёға солгай дурни то лаб (“Фарҳод ва Шириң”)
- Лабташна** — айнан: лаби чанқоқ, яъни чанқоқ, сувга зор.
 Менинг жоним чу ул сув бирла қонди,
 Скандар жон чекиб, **лабташна** ёнди (“Фарҳод ва Шириң”)
- Лаванд** — 1. Ялқов, дангаса, бұш-баёв. 2. Бебош киши.
 Үрганурдин қочған **лаванд**,
 Эмгак тортиб илм үрганған хирадманд (“Маҳбубу-л-қулуб”)
- Лавн** — ранг, бүек, тус.
 Музаххаб ширада олтун суроҳи,
 Бұлуб олтун суйи **лавн** ичра роҳи (“Фарҳод ва Шириң”)
- Лавозимот** — керакли асбоб-ускуналар, зарур жиҳозлар.
 Андоғ бўлса, тўй **лавозимотини** тайёр қилғил (“Зарбулмасал”)
- Лавҳ** — ҳар нарсанинг юзаси, хат ёзиладиган таҳтакач.
 Ул шўх күнгүл **лавҳин** этиб тийра нафасдин,
 Бир тифлдур алқиссаки, кўзгу била ўйнар. (Навоий)
- Лагадкӯб** — айнан: “лагад” — тепки, “кӯб” — туймоқ, янчмоқ.
 Тепкилаш.

Ходиса афвожининг асру лагадқұбидан,
Жамиятим кишвари бор эди зеру забар (Мунис)

Лаган – 1.Мис товоқ. 2.Матнда осмон маңносида.

Юзунг била лофт үргали күп лофда уялғай,
Шамъе әрүр үл ғояти ер күк **лаган** ичра (Саккокий)

Лаим – очқұз, паст, нокас, хасис.

Бекайдмену хароби сийм әрмасмен,
Хам мол йиғишириур **лаим** әрмасмен (Бобур)

Лайл – тун, кечаси. “Алф лайла ва лайла” – минг бир кеча.

Лайлу наҳор – айнан: кечасиу әрталаб, яъни кеча-кундуз.

Борчаси ҳасрат била **лайлу наҳор**,
Дер әдилар: “Олуу обиу нор!” (“Юсуф ва Зулайх”)

Лак – юз минг.

Зор Махмур талаб қылды кечишни шоҳдин,
Ҳапалак юртига тушган пул агарчи **лак-лак** (Махмур)

Ламаот – (бирлиги – **ламъа**) 1.Әлқинлар, шуылалар, порлоқ-ликлар, ярқироқликлар. 2.Жомий асарининг номи.

Кунга боққан киби хуснинг **ламаотига** мудом маҳв үлуб тийра қолур,

Чун жамолинffa топар ахли муҳаббат назари, шарафу иззу вуруд (Мунис)

Ламъа – ёлқин, порлоқлик, равшанлик, ярқироқлик.

Тийрборони ғаминг күнглумга ким ёғди әрүр,
Ҳар тарафдин барқи оғат **ламъаи** пайкон анто (Навоий)

Лант – оқсоқ, чүлөк.

Вақти намозга келсалар,
Масжид сорига **ланг** экан (“Саёҳатнома”)

Лаппак табақ – юза товоқ, ичи чуқур бўлмаган товоқ.

Бир оғиз эмди олдилар янғи,
Чиқди лашпак **табақ** уза чангиги (“Тўй”)

Ларз – ларза, титроқ.

Танимға солди дарду ғам табу ларз,
Карам қыл ёхуд ўлтур, қўйма бу тарз (Мунис)

Латифа — 1.Мутойиба, ҳазил, шўхлик. 2.Теран маъноли фикр.
3.Мехрибончилик, яхшилик. 4.Халқ оғзаки ижодидаги бир жанр.

Илоҳи тенгри қилғай бир латифа,
Ки топқай бу шарафни ул шарифа (Ҳайдар Хоразмий)

Латофат — 1.Нозиклик, ингичкалик, майнинлик, зийраклик, ҳазилкашлик. 2.Поклик, покизалик, беғуборлик. 3.Гўзаллик, сувулвлик, назокат, тан гўзалиги. 4.Мулойимлик, хушмуомалик, илиқ муносабат.

Фасоҳат ичра алфози гуҳаррез,

Латофат ичра алқоби диловез (Ҳайдар Хоразмий)

Рұксорида ламъаи **латофат**,

Гуфтторида нашъаи фасоҳат (“Лайли ва Мажнун”)

Лафз — сўз.

Лафз-балафз — сўзма-сўз.

...дард муаллими мактабида ишқ кутубин **лафз-балафз...**
ўқумоқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Лаъб — ўйин, наиранг, кўнгил очиш.

...етимшиор эди, **лаъби** даги бисёр эди... (“Бобурнома”)

Лаъл — қизил ярқироқ қимматбаҳо тош. Мумтоз адабиётда лаъл кўпинча лаб маъносида (мажозан) ишлатилади. **Лаъли аҳмар** — қизил лаъл. Мажозан: қизил май. **Лаъли равон** — мажозан: оқсан қон. **Лаъли гавҳарбор** — гавҳар сочувчи лаб, яъни маъноли сўзловчи лаб. **Лаъли ноб** — тоза лаъл. **Лаъли раҳшон** — порлоқ лаъл. **Лаъли сайёл** — суюқ (эритилган) лаъл. **Лаъли хушоб** — порлоқ лаъл.

Мошу буғдою гуруч берким, шулар менга керак,

Ҳеч айтмасман ақиқу **лаълу** маржон бер менга (Гулханий)

Таманно қилғали **лаълингни** кўнглум,

Киши билмас ониким, қолди қандо (Атоий)

Гар есанг форам ҳар бир дона чун **лаъли хушоб**,
Богида сунъи илоҳи меваи фатмо анор (Муқимий)

Лаългун — лаълдай, лаълсимон.

Шоҳлиғнинг даҳли йўқ ишқу муҳаббат бобида,
Ким керак анда сариф юз, **лаългун ашқ**, ўтлуғ оҳ (Навоий)

Лағзин — тойилини, сурилиши.

Навбати жомим тўла куйғил карамдин, соқиё,
Хар қадамда то қиласай юз **лағзини** мастана ман (Муқимиј)

Лаҳжас — нутқ, ифода, шева, овоз, товуш.

Ул бир неча дилсизлара туҳматдур бу,
Даъвоя керак **лаҳжасу** гуфтор ила баҳс (Фузулий)

Лаҳзае — бир лаҳза, бир дам, бир зум.

Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун? (Муқимиј)

Лаҳн — (кўплиги — алҳон) 1.Овоз, куй, ашула. 2.Қуш сайраши.

Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб **лаҳнидин** онинг қақнус озор (“Фарҳод ва Ширин”)

Либоси — юзаки, асоссиз, бетайнин, тутуриқсиз.

Ҳукмидур жумла **либосию** ишидур амали,
Сўзидур бетагу фармони нишони жаали (Турди)

Ливо — байроқ, туғ. **Соҳиби ливо** — байроқдор. Матнда тож маъносида.

Бошида бўлмаса заррин **ливойи**,
Шабистонга нетиб солғай зиёйи (“Фарҳод ва Ширин”)

Лашкари итга пешво мен-мен:

Сарвару соҳиби **livо** мен-мен (Махмур)

Ликав — товоқча, кичик товоқча, ликонча.

Сузди ош бир **ликавда** уч кишидин,
Кетти ошни кўруб ҳама ҳушидин (“Тўй”)

Лисон — тил. “**Лисон ут-тайр**” — қуш тили.

Эмас рухсат **лисони** нукта пардоз,
Очорға мундин ортуқ пардаи роз (“Фарҳод ва Ширин”)

Лода — аҳмоқ, абллаҳ, ақлсиз.

Мени ишқдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким **лода** шайх (Навоий)

Ложарам — зотан, шубҳасиз,
Ложарам бўлғай паришону ҳавои мен киби,
Зарра янглиф кимки бир хуршед саргардонидур (Бобур)

Ложуварди — ложувардранг; кўк тусли. **Ложувард** — тўқ кўк тусли тош.

Ки тийра айлабон оламни гарди,
Бўлуб қуҳли сипехри **ложуварди** (“Фарҳод ва Ширин”)

Ложуръа — қултумламай, қултумсиз; бирор томчи қолдирмай.

Майи таҳқиқ этар ҳолатда ошом,
Чекиб **ложуръа** гар гардун эрур жом (“Фарҳод ва Ширин”)

Лойиҳ — (кўплиги — **лавоиҳ**) очиқ, равшан, ойдин, аник, қўриниб турган.

Сизларга возиҳ ва **лойиҳ** эрур (“Зарбулмасал”)

Лоюҳиб-уз золимин — золимларни севмайман.

Нега бунча зулм этиб миллатни айларсан хароб,
“**Лоюҳиб-уз золимин**” деб Тангри қўлганда хитоб (Аваз Ўтар)

Логар — ориқ, озғин, қоқсуяқ.

Ҳар киши бўлса керакдур ўз мақому ҳаддида,
Хар била тенг бўлмагой ҳарчанд **логардур** фарас (Хувайдо)

Отлари **логару**, қоқио, харобио хариш,
Раҳм қилмай минадур, икки қадам жавр миниш (Муқимијй)

Лоҳавл — қўрқан пайтда ўқиладиган диний дуонинг бошланиши.
Айнан: қўрқув йўқ. **Лоҳавл этмоқ** — тавба қилмоқ, воз кечмок.
Чу пайдо бўлди минг турлук аломат,
Этиб **лоҳавл** ўзин қилди маломат (“Гул ва Наврўз”)

Лужжа — сувнинг энг чуқур жойи, теранлик, дентиз ёки дарёнинг
энг чуқур жойи, қаъри.

Замири **лужжай** заҳхори маъни,
Каломи гавҳари шаҳвори маъни (“Фарҳод ва Ширин”)

Луоб — тупук, тупурик, сұлак.

Арифким обгириң ҳанжар айлаб,
Совуқ оғзи **луобин** ҳанжар айлаб (“Фарҳод ва Ширин”)

Лутф — мулойимлик, яхши муомала, раҳмдиллик, яхшилик.

Базмларда қылган элдин ниҳони
Лутфу әхсонларинг ёдимда тушти (Муқимиј)

Луччак — яланғоч, кийимсиз.

Луччак аробакашлар күкка боқиб ғұдайған,
Босқай юролмаганды хүшёр, ароба қурсин (Муқимиј)

Луқмагоҳ — оғиз, ком. Ўз луқмагоҳида ором бермоқ — оғизга солмоқ.

Чу пишти айлагай бир луқмаи хом,
Беріб ўз луқмагоҳи ичра ором (“Фарҳод ва Ширин”)

Лұғбат — құғирчоқ.

Эй лұғбати Ширин, сени Фарҳод менгизлик,
Оlamга ёйилди севарим, нетти не бұлды? (Атойи)

M

Маалқисса — алқисса, хулласи калом, хуллас:

Маалқисса чу Наврӯзи жаҳонгир,
Жаҳонни азм бирла қилди тасхир (Хайдар Хоразмий)

Мабҳут — ҳайрон қолған, донғ қотған, ҳайратланған, лол қолған:

Бўйида хуллалардин руҳ олиб кут,
Вале алвонидин юз ақл **мабҳут** (“Фарҳод ва Ширин”)

Мавжвар — түлқинланадиган, түлқин урадиган:

Ёш тұкуб баҳри **мавжвар** янглиғ,
Күк лиbos ичра нилуғар янглиғ (Навоий)

Мавзун — 1.Келишгап, ўринли, чиройли. 2.Хушбичим. 3.Вазнга солинган:

Улки бу янглиғ сұзи **мавзун** эди,
Мендин анинг ҳиммати афзун эди (“Ҳайрат ул-аброр”)

Кече бўлса танаъум бирла машгул,
Мусоҳиблар бари **мавзуну** мақбул (“Гул ва Наврӯз”)

Мавзуз – 1. Уйдирма, ёлғон, тўқима. 2. Тартибга солинган.
Ҳар неки ҳадис оти қўюб, барчаси **мавзуз**,
Нақлики машойихдин этиб, бориси мажхул (Навоий)

Мавқаб, мавқиб – зодагон(амалдор, шоҳ)нинг ёнида дабдаба билан бирга юрувчи отли ёки пиёдалар гуруҳи:
Хўмоюн **мавқибида** минг диловар,
Анинг бирла суруб ул ён таковар (“Фарҳод ва Ширин”)

Мавлоно – эга, соҳиб. Олимлар, донишмандлар, шоирлар номига қўшиб айтиладиган унвон.
Ҳазрати шайхул-исломий **Мавлоно** Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зиллаҳу мадҳида... (“Фарҳод ва Ширин”)

Мавлуд – туғилган, пайдо бўлган, содир бўлган; туғилиш пайти:
Чунки ўт бошига бўлур ҳомил,
Қорнидин қаҳқаҳа бўлур **мавлуд** (Мунис)

Маволим – дўстлар, эгалик қилувчилар:
Суруд айтиб қотинда чанг бирла,
Маволим дилпазир оҳанг бирла (Ҳайдар Хоразмий)

Мавқуф – тўхтатилган, асраб қўйилган; кечикирилган:
Борди ўшал тоққаки **мавқуф** эди,
Эзгу яғочлар анга маъруф эди (Гулханий)

Бу кун ишратни **мавқуф** этти ул моҳ,
Ки ногаҳ етти Булбул ул саҳаргоҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Магас – пашша, чивин, қора пашша:
Юурсан соҳиби хуни жигардин бехабар токай?
Магас аҳволига раҳм айламай, эй шери нар токай? (Увайсий)

Эй карамдин даргоҳингда айлаган ҳар хасни кас,
Фаҳр этар анқоя лутфингдин назар топкан **магас** (Муқимиий)

Магасрон – пашша қўрийдиган (киши):

**Чу кўрдим ётур кал ўзи хон каби,
Каниз боши узра магасрон каби (Хиромий)**

Мадда зиллаху – соясини узайтирсин (умрини узайтирсин):

Ҳазрати шайхул-исломий Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон
Жомий мадда зиллаху мадҳида... (“Фарҳод ва Ширин”)

Мадид – узок, йироқ.

Мадрус этмоқ – беркитмоқ, ёпмоқ.

Элтибон қаср аро қилинг маҳбус,
Эшигин устидан этинг мадрус (“Сабъаи сайёр”)

Мажид – шарафли, шонли, қадрли. **Каломи мажид** – “Қуръон”.

Каломи мажид таржимаси турур... (“Зарбулмаслал”)

Мажмуз – жами, ҳаммаси, тўпи, йигиндиси, тўдаси:

Мажмуи туорлар жам бўлдилар (Гулханий)

Мазаллат – ҳўрлик, тубанлик, пастлик:

Аёғига синиб хори мазаллат,
Бошини синдуруб санги машаққат (“Фарҳод ва Ширин”)

Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат – қонеъ үл,
Олмас ул чиркингни мундин ўзга собун, эй қўнгул
(Комил Хоразмий)

Мазоқ – 1.Тотиш аъзоси, оғиз, тил. 2.Маза таъм.

Ҳад йўқ демакда шаҳди мазоқинг баёнида,
Ё жуду кўзу қошу қабоқинг баёнида (Муқимий)

Мазраъ – зироат майдони, экиладиган ер, экинзор:

Эмас анжум, қазо қўқ мазраъида сочти фам тухмин,
Вале тўкти кўзум фам шоми мундоқ дона андин кўп (Навоий)

Майгун – майранг, қизил, алвон.

Хусн иқлимининг тахтида султон дегил они,
Майгун лабини лаъли Бадаҳшон дегил они (Муқимий)

Майдон – 1.Жанггоҳ. 2.Кураш ва уруш усули:

Харосон бўлуб ҳалқ майдонидин,
Кечаолмайин бежихат жонидин (“Сабъаи сайёр”)

Маймун — баҳтиёр, саодатли.

Келиб ҳар бири кечә андоқки бүм,
Мувофиққа **маймун**, мухолифқа шум (Навоий)

Макин — турғун, яшовчи, жойлашган; манзил.

Абан ан жадди Андижон шаҳридин,
Эрур Янгиқўргон макону **макин** (Махмур)

Макс — тўхтаб қолмоқ, тўхталиш.

Малаҳ — чигиртка.

Гаждуму оғилю бий, ўтласа чаррадалари,
Бир гала мўру **малаҳ**, бўрию даррандалари (Муқимий)

Маллоҳ — кемачи, эшқакчи, қайиқ ҳайдовчи, кема эгаси:

Жаҳонда бутратиб сайёхларни,
Тенгизларга солиб **маллоҳларни** (“Гул ва Наврӯз”)

Малоҳат — 1. Гўзаллик, сулувлик. 2. Ёқимлилик, ширинлик.

Йўқ сан каби **малоҳатли**, ягона,
Кўрганмукан мисолингни замона (Муқимий)

Малсо — силлиқ, текис.

Йўли ўр, юқоридир тоши **малсо**,
Куйироқдир киши бир гомин олсо (“Фарҳод ва Ширин”)

Малул — хафа, ранжиган.

Хайр ишига жарчи бўлсанг, **малул** бўлма (“Зарбулмасал”)

Манжаниқ — тош отадиган маҳсус ускуна, манжанақ,

...ҳазрат Иброҳимни Намруд алайҳилаъна **манжаниққа** солиб
ўтға отарда бир поясини тутишқон мен эрдим (Гулханий)

Манозил — (бирлиги — **манзил**) манзиллар:

Бошлибон ул черикни соҳил ила,
Сув ёқосидаги **манозил** ила (“Сабъаи сайёр”)

Манноун лил хайр — яхши ишларга қарши, яхшиликларга
монелик қилувчи.

Сен **манноун лил хайр** ўхшарсан... (“Зарбулмасал”)

Мансуба — қисмат, насиба, тақдир; ҳодиса.

Бал ҳақиқат аро аниңгудур Мехр
Ки, бу мансуба зоҳир этди сипеҳр (“Сабъаи сайёр”)

Маншаз — манба, келиб чиқиши жойи.

Манхус — иши юришмаган, наҳсда қолган, бадбахт:

Зоти **манхус** кулфат олуда
Луқмайи мўру, нўши мўр ўлгай (Махмур)

Маодин — (бирлиги — **маъдан**) маъданлар, конлар.

Маоний — (бирлиги — **маъно**) маънолар.

Не гавҳар, билки илму фазл кони,
Дема конким, дегил кўхи **маоний** (“Фарҳод ва Ширин”)

Маош — 1.Муносабат, муомала. 2.Тирикчилик, турмуш, яшаш.

3.Овқат, ёмак:

Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида (Навоий)

Ҳасан Яъқубнинг мизожи мунҳариф бўлуб, менинг ёвуғим-
дағи киши-қаро била ямон **маош** қила киришти (“Бобурнома”)

Ҳажрингда тийра рўз ўлуб, заҳри фам — **маош**,
Мундоқ ниҳонсен, эй маҳи тобон, қачонгача? (Муқимиј)

Мараз — (қўплиги — **амроз**) касаллик, хасталик, bemорлик.

Мараз — сиҳнат ила бўлғай мубаддал,
Ано — қувват ила бўлғай мубаддал (“Фарҳод ва Ширин”)

Марғ — ўлим, мамот.

Амакимнинг ҳануз ўлмагани, охтариб **марғ** топмаганидандир
(Махмур)

Мардуғ — рад этилган, қувилган, ҳайдалган, номақбул.

Тенгри қопшида осий ва халқ олдидা **мардуғ** бўлубдур.
 (“Бобурнома”)

Мардум — 1.Одамлар, кишилар. 2.Кўз қораҷиги. 3.Аҳоли.

Шому Ҳинду Марвдин келсан топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимиј, **мардуми** Фарғонаман (Муқимиј)

Қаро күзим, келу мардумлиф әмди фан қилғил,
Күзим қаросида мардум киби ватан қилғил (Навоий)

Бизга бобо ҳазрати Шоҳлиф мазор,
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр (“Танобчилар”)

Маржум – 1.Ҳайдалган, қувилган, тошбўрон қилинган.
2.Лаънатланган, малъун.

Эй абушқа, қуёш жамолидин маҳрум ва эй туюрлар
синфидин маржум (“Зарбулмасал”)

Мароҳил – (бирлиги – марҳала) 1.Йўллар. 2.Манзиллар.
...манозил ва мароҳил тай қилиб юрур эрди (“Зарбулмасал”)

Марқад – 1.Дам оладиган жой, ётоқ. 2.Қабр, мақбара.
3.Қадамжой.

Йигирма беш ёшимда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг марқадларини
қилурда лой ташиб, хишт берган мен эрдим.
("Забулмасал")

Марқум – рақам қилинган, ёзилган:
Телбадур ажраб Муқиминг, сўрма кору бордин,
Сафҳаи ҳар фуссага марқумдурмен, айрилиб (Муқими)

Марғуб – рағбатли, севимли, суюкли:
...мумсиклар афъоли анга мақбул ва марғуб тушубдур
("Зарбулмасал")

Марҳун – гаровга қўйилган нарса.
Хирқа жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун бўлмаса (Навоий)

Масал – 1.Сўз, гап.
Ёлғон масал турмас (“Зарбулмасал”)

2.Мақол.
Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким: “Чироф туби қоронғу” (Лутфий)

3.Овоза, гап-сўз бўлмоқ, эл оғзига тушмоқ;
Ишқ ила бўлдум масал, савдо била афсона ҳам,
Шукрилиллаҳқим, яна ошиқмену девона ҳам (Навоий)

4. Сўз бирикмаси таркибидага келганда каби, симон маъноларига молиқдир:

Гар бод масал чарх уруб Машраби мискин,
Мастона қаро кўзга нигоҳ чекмаганинг хўб (Машраб)

Masix, Masixo – Исо пайғамбарнинг лақаблари бўлиб, “тирилтирувчи, жон бағишловчи” маъноларини ифодалайди:
Тушмагай Хизру **Масиҳога** ишм бори дигар,
Бир табассум қиласа ул ўйхи сухандоним мани. (Муқимий)

Масковчи – Москвага қатнаб савдо қиладиган савдогар – бой.
Чиқиб янги **масковчидан** бойлар,
Синар ўтмайин баъзиси ойлар (“Масковчи бой таърифида”)

Маскун – масканлар, маконлар. **Рубъи маскун** – ернинг (одамлар яшайдиган) тўртдан бир қисми.
Фитнаю шўр ҳама рубъ ила **маскун** дутди,
Хўблар маснадини сифла била дун дутди (Турди)

Масмуъ – эшитган, эшитилган:
Бу сўз **масмуи ўлғоч** подшонинг,
Ҳақиқат айлади бу можаронинг (Фурқат)

Маснад – 1. Суянчиқ, такягоҳ.
Ҳосилим барқи ҳаводисдин маломат доғидур,
Маснадим кўйи маломатда фано тупроғидур (Фузулий)

2. Тахт.
Сен андоқ **маснад** устинда қадаҳнўш,
Мен уш мундоқ асиру зору мадхуш (“Гул ва Наврӯз”)

3. Яшаш жойи, манзил, уй.
Олиб келди ани ўз **маснадина**,
Исирғондорди лутғи беҳадина (“Гул ва Наврӯз”)

Масоба – ўхшаш, симон:
Бўлак одам миниб олтун ароба,
Бўлуб афти Суворовга **масоба** (Фурқат)

Масолик – (бирлиги – маслак) маслаклар, йўллар.

Фалак мулкида чун топмай **масолик**,
Күнуб сув узра ўрдакдек малойик (“Фарҳод ва Ширин”)

Масолих — керакли нарсалар, масаллиқ.
Гаҳи **масолихи** дунё учун қилиб муҳтож,
Аларғаким эди номардликда ўйлаки доҳ (Мунис)

Масоф — жанг, уруш, саф тортиб урушмоқ.
Тўрт **масоф** урушти. (“Бобурнома”)

Масруъ — тутқаноқ дардига чалинган киши.
Замоне сустайиб **масруълартек**,
Даме йиглар гадои дарбадартек (“Гул ва Наврӯз”)

Мастур – 1.Ёзилган, битилган, нақш этилган. 2.Яширин, маҳфий.
Топиб андоқ кишиким бўлди **мастур**,
Қилиб бу муддаоким бўлди мазкур (“Фарҳод ва Ширин”)

Мастур қолмағайким, сўзнинг йўғони чиқди,
Олтиариқлари ҳам вексилни кони чиқди! (Завқий)

Мастура – пардаланган; кўчани кўрмаган, уйда улғайган
қиз.
...сизнинг толеи гардунингиз буржида саодат партавлик
мастуралиқ садафидан пайдо бўлган... Гунашбону исмлик...
қизингиз бор эмиш (“Зарбулмасал”)

Матбах – ошхона, овқат тайёрланадиган жой:
Матбах аро юз тева қурбон эди,
Кўю қўзи беҳаду поён эди (“Ҳайрату-л-аброр”)

Матбуъ – киши таъбига ёқадиган, маъқул:
Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса **матбуъ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Матлаб – тилак, истак, талаб қилингани:
Эди ул шаҳр аро беклар каби ул,
Ҳама бекларни балким **матлаби** ул (Фурқат)

Матлаъ – чиқиши жойи, бошланиши ўрни; шеърнинг дастлабки байти.

Бу гарыб маъни адосида туркчада бир **матлаъ** бор...
("Мұҳомату-л-луготайн")

Матлуб — талаб этилган исталған, орзу қилинганды, севикли:
Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюргай ишқ әмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғидир гувоҳ (Навоий)

Мафлук — фалокатта йўлиққан: бечора, шўрлик.
Борчаси **мафлуку** тиҳи даст эди,
Барча узум ҳасратидан маст эди ("Юсуф ва Зулайхо")

Мафосил — Мафосил заҳмати- бўғимлар оғриғи.
Мафосил заҳмати жиҳатидан намоз қила олмас эди ("Бобурнома")

Мафраш — кўрпа-тўшак, гилам қаби тўшаладиган нарсалар.
Кўтарсанг хоки пойингдин бошимиз
Жаҳонинг фарши бўлсин мафрашимиз ("Гул ва Наврӯз")

Махдум — хўжайин, хўжа. Мулозимлари бор киши; **Махдуми аъзамлик** — Хожаги Аҳмад ибни Жалолиддин Косоний (1461-1542) издоши.

Дерки: "Кўзингга ҳали кал жўжаман,
Махдуми аъзамлик ўзим хўжаман..." ("Танобчилар")

Махзан — (кўплиги — махозин) хазина; қимматли мол-ашё сақланадиган жой.

Бор эди бир жазира маъман анга,
Халқ молин йигорға **махзан** анга ("Сабъаи сайёр")

Махлас — 1.Халослик, қутилмоқ. 2.Тахаллус:
Бирида сенча кўрмадим журъат,
Журъатинг бўлди **махласингта** жиҳат ("Сабъаи сайёр")

Замона аҳли **махлас** бу сабабдин Фурқатий дерлар,
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман (Фурқат)

Махлук — яратилган, яъни мавжудотлар (нарса, ҳайвон, қуш, одам).
...ҳеч **махлук** ани кундузи кўрмоқقا чораси йўқ эрди
("Зарбулмасал")

Махмур – кайфи тароқ, масть майга иштиёқманд, май хумори.
Турфа бир **махмурмен** лаъли лаби ёкутига,
Ўхшатур одам, гапурса хуштакалтум тұтиға (Муқимий)

Махтум – муҳрланган, ҳужжатли.
Маччойи – мастьчоҳлик, яъни тоғли тожиклар.
Қочиб кетди **маччойилар** аксари,
Бориб шулки юргига таъкидлари... (Муқимий)

Машварат – мажлис, кенгаш, маслаҳат.
Машварат айлашиб ҳоришидилар,
Неча ерга ўчоқ қозишидилар (“Тўй”)

Машойих – (бирлиги – шайх) шайхлар, кекса донишманлар,
пирлар, билимдон улуглар. Бузурғ **машойих** – улуғ донишманлар:
Қадимги бузург **машойихлардин** бизга бир масал қолибдур...
 (“Зарбулмасал”)

Машом – димоф, кишининг ҳид билиш узви.
Машомимга сунбул бўйи хуш келиб,
Зулфи райҳонларинг ёдимга тушти. (Муқимий)

Машраб – 1.Ичувчи, майпараст. 2.Маслак, мазҳаб. 3.Характер,
фөйл-хўй. 4.Ўзбек мумтоз шоири Раҳимбобо Муллавали ўелининг
адабий таҳаллуси. Ақли машраб - сўфийлар.

Дабистони фанода шурб дарсин
Равон қилмай, эмассен аҳли **машраб** (Навоий)

Машрубот – ичимликлар.
Машшота – қиз-жувон ва келинларни безатувчи пардозчи аёл.
Тонг эмас қиласа юзи **машшотани** бедасту по,
Айлади ойинани сув, чехра пардоз айлагач (Нодира)

Маъбуд – Тангри, Худо, Оллоҳ.
Сужуд этти тиляб мақсадига йўл,
Тазарруй айлабон **Маъбудига** ул (“Фарҳод ва Ширин”)

Маъво – макон, тураржой, қўналға.
Шукрким, дорул-амон манзилиму **маъвойим**,
Давлату хожасаролардур манинг симойим (Турди)

Маъдан – (кўплиги – маодин) кон, ер ости бойликлари, металл, тоғ-кон жинси.

Бадахшонда лаъл **маъданедур**... (“Зарбулмасал”)

Маъдум – йўқ, йўқолган, мавжуд эмас, йўқ бўлган.

Бўлуб андоқ фано даштида **маъдум**,
Ки сайри шоҳроҳи хатти мавҳум (“Фарҳод ва Ширин”)

Маъжун – асал билан гиёҳдан тайёрланадиган кайф берувчи нарса.

Сўнграталар **маъжун** кўпроқ ихтиёр қилур эди (“Бобурнома”)

Маъжунийлик – муттасил маъжун истеъмол қилишлик, маъжунга ўчлик.

Маъжунийликда калла хушк бўлур эрди... (“Бобурнома”)

Маъзул – 1.Нобуд. 2.Кетмоқ. 3.Вазифасидан туширмоқ. 4.Нобуд қил-моқ. Уйқу чу маъзул ўлуб – уйқу кетди дегунча, уйқу кетгани заҳоти.

Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлуб,
Ҳар бири бир зулмга машғул ўлуб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Маъман – маскан жой, осойишта макон, омонлик ўрни.

Бор эди бир жазира **маъман** анга,
Халқ молин йиғарға махзан анга (“Сабъаи сайёр”)

Маъмур – 1.Таъминланган, тўқ.

Бор эди кўп неъмати алвонлари,
Хурраму **маъмур** эди ҳайвонлари (“Зарбулмасал”)

2.Обод.

Қамуқ оламда адлу доди машҳур,
Черики бениҳоят, мулки **маъмур** (“Гул ва Наврӯз”)

3.Бирор ишга буюрилган, амр этилган киши; ижро этувчи:

Эрур Ҳақ амриға **маъмур** бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ (“Фарҳод ва Ширин”)

4.Амр этувчи, буюрувчи, хукм қилувчи, амалдор, ҳоким:

Бериб арза **маъмурға**: “Эй ҳокимим,
–Деди, – бор тўққиз юз олтмиш сўмим” (Муқимий)

Маъмур – 1.Обод макон. 2.Бирор ишга буюрилган аёл. 3.Ҳокима. ...эй ...дин **маъмураси** биносининг раҳнагари... (“Зарбулмасал”)

Маънус – ёр-дўстлар макони, ўзи униб ўсган манзил; ёқимли, суюкли.

Ки **маънус** эрур гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур (“Садди Искандарий”)

Маъруф – 1.Машхур, таниқли, атоқли. 2.Мақбул, яхши хатти-ҳаракат.

Борди ўшал тоқғаки мавқуф эди,
Эзгу яғочлар анга **маъруф** эди. (“Зарбулмасал”)

Маъфу – авф этилган, мазур, кечирилган.

Хато афв эт қаламға бу рақамдин,
Ки мажнунлар бўлур **маъфу** қаламдин (“Фарҳод ва Ширин”)

Маъхаз – манбаъ. **Хуруфи маъхаз** – манбаъ бўлган ҳарфлар, асос бўлган ҳарфлар.

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Хуруфи **маъхазин** беш қисм қўйди (“Фарҳод ва Ширин”)

Маъхуд – 1.Маълум, машҳур. 2.Одат, расм, одатдаги, таомулдаги. 3.Кадимги. 4.Аҳду паймон қўлинган, келишилган. 5.Ишлатилган, раво.

...замондин сўнг яна одат **маъхудини** бошлиди (“Зарбулмасал”)

Паҳлавон илтифот юзидин **маъхуд** дастури била эгнимни тутар эрди... (“Холоти Паҳлавон Мухаммад”)

Маъхудий – расмий, одатдаги, таомулдаги. **Маъхудий албиса** – расмий либослар, одатдаги кийимлар.

Маъхудий албисадин мисли: дастор, қалпоқ...
 (“Муҳокамату-л-луғотайн”)

Мақар – макон, манзил, қўналға, яшаш жойи.

Эй пари, мен сари гузар айла,
Кир бузуқ қўнглума, **мақар** айла (Мунис)

Мақбуз – 1.Сиқилган, зик. 2.Аруз вазни баҳрларидан бири.

Даврон ғамидин шаҳрда мақбуз эса кўнглум,
Бор, айла гулистан била саҳрони тамошо (Роқим)

Мақдам – қадам.

Мақдаминг ташрифидин кулбам мунаvvар бўлмади,
Кеча-кундуз доду афғон дастидин бедорман (Фурқат)

Хайра мақдам! – қадамларига ҳасанот! (“Зарбулмасал”)

Мақдур – 1.Кудрат ва имкон борича; бақадри ҳол, кучи
еттанича. 2.Тақдир қилган, қисматидаги.

Жонима бедоду зулмин, ё Раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиклиги ҳар кимга мақдур ўлмасун (Навоий)

Мақол – (кўплиги – мақолот) сўз, нутқ.

Эсларимга тушиб ширин мақолинг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур (Муқимиј)

Мақолот – (бирлиги – мақол) сўзлар, гаплар.

Иллар тутубон шайх мақолотига гўш,
Не кўнглума завқ етти, не жонима жўш (Навоий)

Мақом – 1.Жой, ўрин, макон. 2.Даража. 3.”Шашмақом”
бўлаклари(шўъбалари); куй давраси.

Иқомат чунки қилдинг, Бобуро, ул хур кўйида,
Мақоминг равзадин аъло, ўзунг ризвондин ортуқсен (Бобур)

Хунарварга етар кўп нафъ андин,
Бўлур сўнгра мақоми рафъ андин (Фурқат)

Мақрун – 1.Яқинлашмоқ, ёndoшмоқ. 2.Уланмоқ, етишмоқ.
Сангушт... мурод ҳадафиға мақрун бўлуб... муддао... соҳилига
ўзини олди (“Зарбулмасал”)

Мақтул – қурбон, қатл этилган, қатл этиладиган.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай (Навоий)

Мағз – 1.Мия. 2.Ақл. Тийра мағз – ақлсиз, бефаросат.

Сўзин Хисрав қилиб бошдин-аёқ гўш,
Яқин эрдики, боргай мағзидин хуш (“Фарҳод ва Ширин”)

Тийра мағз киши эди (“Бобурнома”)

Маглул — занжирбанд қилинган, асир.

Иблис сифат эл сари майл этма, Навоий,
То бўлмафасен заркү риё қайдида **маглул** (Навоий)

Магмум — қайгули, аламли, ғамли.

Чарх жавридин ажаб **магмумдурмен** айрилиб,
Зъфарон бир риштai мавхумдурмен айрилиб (Муқимиy)

Магора — фор.

Кўрунди дашт аро бир қулла пора,
Ҳаким онда ниҳон бўлғон **магора** (“Фарҳод ва Ширин”)

Маҳ, моҳ — ой. Мажозан: гўзал, матьшуқа. **Маҳ то ба моҳи** —
ойдан балиққача, яъни юксак кўқдан ернинг остигача.

Дема ўқ, балки ҳар бир барқи оҳи,
Ки, секриб ўртабон **маҳ то ба моҳи** (“Фарҳод ва Ширин”)

Юзунгни кўрголи келдим, кўтаргил пардани, эй **моҳ**,
Фироқинг даштида қолдум, тополмай ман сани, барно
(Машраб)

Маҳбуб — 1. Севимли, азиз, ёқимтой. 2. Севгили.

Ширин сўз ила ҳалққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингниу **маҳбуб** ўлғил (Навоий)

Туруб **маҳбуб** оллида муҳибқа,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди (Атойи)

Маҳбуб ул-қулюб — кўнгиллар севгани. Алишер Навоий
асарининг номи.

Келса бетаклиф **маҳбуб ул-қулюблар** субҳу шом,
Бўлса бу янглиғ, ҳамиша чун гулистон бўлди печ.
(Фақирий)

Маҳв — 1. Ҳайратда қолиб, ўзидан кетиш, тонг қотиш.
2. Йўқолмоқ, битмоқ, майдондан кўтарилиш.

Ҳикоят қилай турфа даврон экан,
Халойиқ ҳама **маҳву** ҳайрон экан. (“Масковчи бой таърифилада”)

Маҳд — 1.Бешик. 2.Тобут. 3.Кажава, тuya ёки фил устига ўрнатилган махсус ўриндиқ. 4.Маҳофа.

Қадам урдию тарки **маҳд** қилди.

Кўйуб эмгак юуруга жаҳд қилди (“Фарҳод ва Ширин”)

...ўлукни **маҳдга** солғондек, ул қуёш они туфроғдин кўтариб, беҳишт осо манзилиға олиб боргони (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳариру ҳулла ичра боғлабон чуст,

Мурассаъ **маҳд** ичинда тонгдилар руст (“Фарҳод ва Ширин”)

Маҳжур — жудо бўлган, айрилган, айрилиққа мубтало киши.

Ёридин ҳеч ким менингдек зору **маҳжур** ўлмасун,

Жумлаи оламда расвонликқа машҳур ўлмасун (Навоий)

Маҳз жоҳил — фирт жоҳил, мутлақо бетамиз, тамоман илмсиз.

Керак одамға қилғай илм ҳосил,

Жаҳондин ўтмагай то **маҳз жоҳил** (“Илм хосияти”)

Маҳзун — ҳазин, ғамли, қайгули, хафа.

Чун шаҳрдин чиқдим Қудаш,

Кўнгул бўлуб **маҳзуну** ғаш (“Саёҳатнома”)

Маҳин — майин, нозик, чиройли

Эмасдур шамъ ранги шуъласи оқ,

Латофатда яна андин **маҳинроқ** (“Виставка хусусида”)

Маҳи тобон — порлоқ ой, ёрқин ой.

Ҳажрингда тийра рўз ўлуб, захри ғам маош,

Мундоқ ниҳонсен, эй **маҳи тобон**, қачонғача? (Муқимиий)

Маҳлиқо — ой юзли.

...Гунашбону исмлик нозпарвар **маҳлиқо** қизингиз бор эмиш (“Зарбулмасал”)

Маҳобат — 1.Ҳайбатли, шукуҳ, савлат. 2.Қўрқинчли қуриниш.

Маҳобат бирла чиқти фор ичидин,

Балодек гунбази даввор ичидин (“Фарҳод ва Ширин”)

Маҳофил — (бирлиги — **маҳфил**) йифинлар, сухбатлар, мажлислар, базмлар, давралар.

Шеъри янглиғ кезар маҳфиғ аро,
Қилғали дарди дил аён шуаро (Мунис)

Маҳр – күёв томонидан келин томонга тұланадиган молу мулк, маблағ.

Авлороқ улким, үзим бориб бойғлиға учрасам, ҳарна тилаган **маҳрининг** тараалдудида бўлсам... (“Зарбулмасал”)

Маҳрам – 1.Шоҳ ёки зодагоннинг содиқ хизматчиси, иш юритувчиси. 2.Сирдош, улфат, ҳамдам. 3.Тожикистоннинг Конибодом туманига қарашли қишлоқнинг номи.

Жонда қўйғоч нақди ишқинг қилди қўнглумни ҳалок,
Ўлтурур **маҳрамни** султон таңж пинҳон айлагач (Навоий)

Дўстлар **маҳрам** деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз (Навоий)

Бориб шаҳр ичра бир **маҳрамни** кўзла,
Анга бир-бир менинг ҳолимни сўзла (“Гул ва Наврӯз”)

Жағларим Шайдонни даشتидек гиёҳ йўқ, яп-яланг,
Энгакимдин барало **Маҳрам** намоён кўсамен (Муқимий)

Маҳтоб – ойдин, ой чиққан кеча.

Келтур шароби нобни, омода қил асбобни,
Хун тут шаби **маҳтобни**, чун бордур ул ой била (Бобур)

Маҳфил – йифин, мажлис, базм.

Хуш бу **маҳфилда** тириклиқ улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар (Муқимий)

Мегажин – ургочи тўнғиз.

...тўнғузнинг тишисин **мегажин...** дерлар
(“Муҳокамату-л-луғотайн”)

Менг – хол.

Қаро **менг** ол япроқингқа ярошур,
Бошим дойим адоқингқа ярошур (Хоразмий)

Менгзатмоқ – ўхшатмоқ, нисбат бермоқ:

Гаҳе сарвини ўхшатур қадина,
Саманни менгзатур гоҳе хадина (“Гул ва Наврӯз”)

Менгиз – 1.Ўхшащ, сингари, симон, каби. 2.Юз, бет, чехра.
Эй лўъбати ширин, сени Фарҳод **менгизлик**
Оlamга ёйилди севарим, нетти, не бўлди? (Атойи)

Аё, эй кун **менгизлик**, Муштарий хол,
Кўз учи бирла боқцинким, недур ҳол (“Гул ва Наврӯз”)

Мену, мину – 1.Юксак олам, осмон. 2.Зумрад.
Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбази **мену** била ўйнар (Навоий)

Меш – 1.Халта, қоп. Молнинг терисидан суюқлик солиш учун тикилган қоп. 2.Қорамол, сигир.

Тўмарис жанг тугаганидан кейин бир **мешни** одамзод қони билан тўлдиришни... буюрибди (“Тўмарис афсонаси”)

Хоби фароғатда эди хуш шабон,
Гург ила **меш** эди иков ҳамъинон (“Юсуф ва Зулайхо”)

Меъроҷ – 1.Шоти, нарвон. 2.Юксалиш, юқоригача (кўккача) кўтарилиш.3.Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг Қуддусдан осмонга чиқишилари.

Аёғинг тупроқи... тожим не? – етмас!
Ўроминг гашти... **меъроҷим**. Не етмас? (“Гул ва Наврӯз”)

Меъроҷ кечаси таърифида... (“Хамса”)

Меҳнат – азоб-уқубат, мاشаққат, алам, заҳмат.
Сен доғи чеккил бу тикан **меҳнатин**,
Тортмагил Ҳотами Той миннатин (“Ҳайрату-л-аброр”)

Меҳнаткада – азоб макони, алам хонаси; мاشаққат манзили.
Доми **меҳнаткададин** кўнглими озод этсам,
Ким бузулғон дили вайронани обод этсам (Турди)

Меҳнатнома – ғамнома, аламнома, заҳматнома; алам достони, машаққат қиссаси.

Заруратким, солиб бир үзгача тарх,
Бу **мехнатномани** қылғумдуур шарқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Мехр – 1.Алқов, лутф-марҳамат, меҳрибончилик. 2.Мажозан: севгили, маъшшуқа. 3.Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги қаҳрамонлардан бирининг исми. 4.Куёш. 5.Севги; севиш ҳисси.

Оч үтина куйди, анодин жудо,
Модарининг **мехрида** эрди адо (“Зарбулмасал”)

Хижлат арақлари била таргашта заррани,
Бир **мехр** номаси ила саргашта заррани (Муқимий)

Үл Зуҳалваш жазоға хос ўлғай,
Мехр ҳам уқдадин ҳалос ўлғай (“Сабъаи сайёр”)

Аммо Бойүелининг бир қизи бор эрдики, **мехри** ховарий юзига банда эрди (“Зарбулмасал”)

Мехри иқболи шоми тийра аро – иқбол қуёши қора зулматда.
Моҳваш қолди ул жазира аро,
Мехри иқболи шоми тийра аро (“Сабъаи сайёр”)

Мехри ховарий – шарқ қуёши.

Мидҳат – мақтов, мадҳ этмоқ, мақташ.

Демаким, фориф дуосидин Муқимий эрта-кеч,
Мидҳату зикру саносидин Муқимий эрта-кеч (Муқимий)

Мил – 1.Масофа ўлчови. Географик мил 1609 метр; денгиз мили – 1852 метр. 2.Ноғора қоқыладиган ёғочлар. 3.Улкан устун. 4.Минора. 5.Ништар, наштар. Бу сўз “мел” ва “мийл” тарзида ҳам хато ёзилади.

Тўрт мингдур қадам била бир **мил**,
Бир куруҳ они Ҳинд эли дер, бил (Бобур)

Анингдек пўяда қўргузди таъжил,
Ки гарди сурма бўлди **мил** дар **мил** (“Фарҳод ва Ширин”)

Маломат буми учмас мен гадо вайронга томидин,
Музахҳаб қуш киби шаҳрининг **мили** мақомидин (Навоий)

Минбаъд – бундан буён, бундан сўнг, ортиқ.
Меҳнату фам чекмага **минбаъд** тоқат қолмади,
Раҳм қил давлатлу султоним, мурувват чоғидир (Фузулий)

Минвол – қоида, усул, тартиб, тарз, ҳолат;
Масалким, Тошкандин олсалар мол,
Билиш лозимки, Масковда на **минвол** (Фурқат)

Минг – ўзбек уруғларидан бирининг номи.
Бирни қипчоку хитою бирни юз, найман, деманг,
Қирқу юз, **минг** сон бўлуб бир хон ойинлик қилинг (Турди)

Мингбоши – оқсоқол, қишлоқ маҳкамасининг бошлиғи.
Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши... (“Саёҳатнома”)

Миннат – 1. Мақтоб. 2. Яхшилик. 3. Ташаккур изҳор этиш.
4. Қилган хизматни юзга солиш, ўринисиз таъна.
Ҳасби-ҳол айлаб қилибдур хат сўраб ҳолин, Муқим,
То қиёмат Фурқатийдин эмди **миннатдорман** (Муқимиј)

Бу тоифанинг оз хизмати, куб **миннати** бўлур (“Зарбулмасал”)

Минқор – қуш тумшуғи.
Бари боламнинг асбоби кулонкирлиги **минқори** билан
чангалидин маълум ва равшан эмасдирму?. (“Зарбулмасал”)

Мирваҳа – елпуғич.
Уруб **мирваҳа** илгига бемалол,
Ҳам ул еткоруб ит юзиға шамол (Хиромий)

Миод – ваъдалашиб. Бирор иш юзасидан учрашувнинг жой
ва пайтини келишиб олиш.
Черикка айлабон **миоду** булжор,
Тавочи ҳар тараф еткурди ул жор (“Фарҳод ва Ширин”)

Мири – 1 мири – 5 тийин (XX аср бошларидаги пул қийматига кўра).
Ғудайиб турмай беринглар бир бақар ё бир **мири**,
Аср қичқирғон хуруслек бемаҳал девонаман (Муқимиј)

Миръот – кўзгу, ойна.

Хусн ми्रъотисену нозу латофат шамъи,
Содладил дейму сени, чарб забон дейму сени? (Навоий)

Мисвок — тиш тозалагич.

Мұмбинени гийбатидин мунда оғзинг пок қил,
Анда дұзахни ўти **мисвок** бұлмасдин бурун. (Хувайдо)

Мискин — фақир, бечора, йүқсил, ожиз, нотавон.

Күча дарвоза түй куни занжир,
Тұкти **мискин** гадо йұлига қир. (“Түй”)

Мисмор — мих, қозық, пона.

Кет фараҳким, ғамни меҳнат тошин олиб құнглума,
Юз туман мисмор бирла устувор этти фироқ
(“Фаройибу-с-сигар”)

Мір — булут.

Чу чобук жамолидин олди ниқоб,
Дегил чиқди **мір** остидин офтоб (“Садди Искандарий”)

Миҳан — (бирлиги — **меҳнат**) меҳнатлар, мاشаққатлар,
заҳматлар, азоблар, аламлар.

Сайрда күрдүм бир асири **миҳан**,
Бир қучоқ орқасиға юклаб тикан (“Хайрату-л-аброр”)

Мода — ургочи, аёл, хотин; хотинчалиш.

Эранлардин үзни тутар, гарчи бор
Үкуш зебу зийнат била **мода** шайх (Навоий)

Модар — она.

Оч ўтина күйди, анодин жудо,
Модарининг меҳрида эрди адo (“Зарбулмасал”)

Мол — сийпалаш, уқалаш.

Ики қул қилибон ани парвариши,
Ул ит хору **моли** икисиға иш (Хиромий)

Момуқ — пахта.

Хеч иш бирла тасалли топқуси йүқ,
Момуқ бирла ёлинни ёпқуси йүқ (“Гул ва Наврұз”)

Мон – хона, уй.

Монанд – ўхшаш, симон, каби.

Шамдек жонлар куюб, жисм ўртанур **монанди** хас,
Еткудек додимға кўрмай борамен фарёдрас (Муқимиј)

Мосиволлоҳ – Худодан бошқа, нарсалар, яратилган нарсалар,
мол-мулк.

Эй Навоий, қилмағунча **мосиволлоҳ** таркини,
Комим ичра журъаи ваҳдат келурни билмадим (Навоий)

Моғиз замир – кўнгилдаги гап, дилдаги муддао, мақсад.

Моғиз замиринг менга баён қил (“Зарбулмасал”)

Мор – илон. **Мори гүё** – гапирувчи илон.

Махзани холи – даҳан, тил – **мори гүё** баччағар,
Захри қотил суҳбати монанди дунё баччағар. (Муқимиј)

Моя – 1.Моҳият, асл. 2.Ўфит, ачитқи. 3.Дастмоя. 4.Асос. 5.Маблағ.

Мояи савдо – телбалик манбай.

Дирамдур **мояи** ишрат улусга,
Вале мен бўлмишам бемоя наврӯз (Огаҳий)

Донаи холи Масиҳосо лабининг устида

Нотавон жонимға бўлди **мояи савдо** киби (Бобур)

Моҳ – 1.Ой. 2.Мажозан: гўзал, маъшуқа. 3.Календарь ойи.

Кўз ёрутдим то жамолинг шамъидин, эй рашки **моҳ**,
Хар кеча парвонадек ўртармен ўзни тортиб оҳ (Мунис)

Моҳазар – 1.Тайёр овқат, емиш, емак. 2.Тайёр ва мавжуд ҳар
қандай нарса.

Бойўғли Кўрқушни уясига қўндуурди ва олдига **моҳазар** қўйди
 (“Зарбулмасал”)

Моҳваш – айнан: ойсимон, ойдай; гўзал.

Моҳваш қолди ул жазира аро,
Мехри иқболи шоми тийра аро (“Сабъаи сайёр”)

Моҳи – балиқ.

Дема ўқ, балки ҳар бир барқи оҳи,
Ки секриб ўртабон моҳ то ба **моҳи** (“Фарҳод ва Ширин”)

Моҳи Ҳұтан – айнан: Ҳұтанинг ойи. Мажозан: Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” достонидаги Гул.

Ёвукроқ еттилар эрса Аданға,

Айтти Жавҳар ул **моҳи Ҳұтана**... (“Гул ва Наврӯз”)

Моҳпора – ойпарча.

Қаддина сарви нози хиромон дегил они,

Рұксорай мунаvvарини **моҳпора**, де (Муқимий)

Муаддағ – одобли, тарбия күрган.

Бисёр **муаддағ** бор эди (Бобур)

Муаккал – вакил қилинган, бирор иш топширилған киши.

Муалло – юксак, баланд, аъло. **Фирдавси муалло** – юксак жаңнат.

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,

Зийнати фирдавси **муалло** бўлуб. (“Ҳайрату-л-аброр”)

Муаммо – 1.Жумбок. 2.Мұмтоз назмдаги бир байтлик жанр бўлиб, одатда муаммода бирор исм ёки сўз яширинган бўлади. Муаммо шартлари: сўзни тескари ўқиши, бошқа тилдаги (тожик ёки араб) вариантини топиш, қисмларга бўлиб, бошқа сўзга қўшиш ва ҳоказо йўллари билан муаммо ҳал этилади. Чунончи Оғаҳийнинг қуйидаги муаммосида “калом” сўзи тескари ўқилиб, жой номи “Молак” чиқарилади:

Жойим аслин сўрасангиз озурдамен,

Бергуси акси калом ондин нишон (Мунис)

Эй Кўр, мен **муаммодин** бехабарман (“Зарбулмасал”)

Муанинас – женский род.

...Йўқ ажаб, чунки араб алфозида

Истилоҳ ичра **муанинаслур** қуёш (Навоий)

Муарриф – таъриф қилувчи, мақтовчи, танитувчи, тарғиб этувчи, маддоҳ.

...ҳар турлук **муарриф** таърифи анинг шаънида начиз

(“Зарбулмасал”)

Мубаддал – алмашинган, ўзгартирилған, айирбошланған, айланған.

Мараз – сиҳат била бўлгай **мубаддал**,
Ано – қувват била бўлгай **мубаддал** (“Фарҳод ва Ширин”)

Мубориз – кураш тушадиган паҳлавон; айнан: курашчи; жангчи.
Анга ҳар кишиким **мубориз** эди,
Етишган дам илгода ожиз эди (“Садди Искандарий”)

Мувассал – васл қилинган, уланган, пайвандланган.
Муддай – даъвогар, яъни ошиқлик даъво қилувчи, аслида
ҳавасни ишқ деб ўйлайдиган ҳавои киши, булҳавас.
Мени хор эттию, қилди **муддайга** парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму? (Бобур)

Муддати мадид – узоқ муддат.
Хўжанд ҳам **муддати мадид** эдиким, Умаршайх Мирзо
девонифа тааллуқли эди (“Бобурнома”)

Мужалло – ялтироқ, товланадиган, жилоланган.
Оスマсайдинг жон олур вақтингда зулфинг дор этиб,
Бўлмагайди мунча Вайсийга **мужалло** кокулинг (Увайсий)

Мужгон – (бирлиги – **мижа**) мижалар, киприклар.
Хома **мужгон**, кўз қаросидин ёзиб рози дилим,
Арзаे қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман (Муқимиий)

Мужда – хушхабар, қувончли дарак, суюкли хабар.
Яна ҳам икки **мужда** еткуурбиз,
Кўлунгга икки жавҳар топшуурбиз (“Фарҳод ва Ширин”)

Мужиб – боис; сабаб, баҳона.
Ўқунгга кўнгул мойил, **мужиб** недур, эй қотил,
Ким ўтганидин бўлмас кўнглумга хабар ҳаргиз (Навоий)

Музайян – зийнатланган, безалган.
Анингдек ғавҳариким жилва чори,
Музайян бўлгай андин эл қулоги (“Фарҳод ва Ширин”)

Музахҳиб – 1.Зарҳал берувчи. 2.Лақаб, таҳаллус: Маҳмуд Музахҳиб.
Музҳик ҳаракот – кулгили ҳаракатлар, мазхарабозлик хатти-
ҳаракатлари.

Нече ёлғон ила музхик ҳаракот, эй воиз,
Мажлис аҳли юзидин йүқму уёт, эй воиз (Навоий)

Муқаддар — ғамли, кадарли, ғашлик тортган, күнгли ғаш, хафа ранжиган, қайгули.

Юз тарафдин еткуриб гарди кудурат, занги ғам
Айлагай оинаи табъим **муқаддар** толеим (Муқимиј)

Мукаллал — 1.Тожли, тож кийган. 2.Безалган, порлаган, ялтиратилган, ўрнатилган.

Чун фано гарди ёпар не суд тахту жоҳингфа,
Кўкнинг анжумдин **мукаллал** атласин қилсанг дувож (Навоий)

Мукаррар — 1.Такрор, қайта-қайта. 2.Шеър санъатларидан бири. Мукаррар санъати ишлатилган мисра ёки байтда, ёки шеър бўйлаб ҳар бир мисра ва байтда жуфт сўз ишлатилади.

Ким, эй кўп шевалик мурғи сухансоз,
Мукаррар неча қилгайсан сен овоз? (“Гул ва Наврӯз”)

Навоийнинг қуйидаги байтида мукаррар санъати ишлатилган:
Ўтарсен ўйнай-ўйнай мен гадои хаста йўл узра,
Қолурмен бир қиё боқмоқ учун ёлбора-ёлбора (Навоий)

Мукнат — 1.Қувват, қудрат. 2.Давлат, бойлик.
Жаҳон ичра жаҳонким топти **мукнат**,
Солиб икки жаҳон аҳлига ҳайрат. (“Фарҳод ва Ширин”)

Мул — май, кайф берадиган ичимлик.
Бўю юзу лаъл эрну хату хадина туш йўқ,
Сарву гулу **мул** настарину ёсуман ичра (Саккокий)

Мулк — мамлакат, ўлка, юрт.
Кўйуб ҳар қофила ўз **мулкина** юз,
Ду аспа илгари тушти қуловуз (“Гул ва Наврӯз”)

Мулқирлик — юрт олишлик, бошқа мамлакатларни босиб олишлик.

Мулқирлик дағдаси жиҳатидин хили ярашлар урушқа ва дўстлуқлар душманлиққа мубаддал бўлур эди (“Бобурнома”)

Мулозим – 1.Хизматкор. 2.Бирор амалдорнинг иш юритувчиси, ёрдамчи.

Неча раҳсан анга **мулозим** этиб,
Хифзини борчасига лозим этиб (“Сабъай сайёр”)

Деди: “Мен шоҳдин келган **мулозим**,
Мулозимлиғни этган ўзга лозим (Фурқат)

Мулоиб – ўйнашувчи, ўйнашадиган, ҳазилкаш, масхарабоз.

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла **мулоиб**,
Мажнунга ажаб йўқ, агар оху била ўйнар (Навоий)

Мулоқи – сўзлашмоқ, мулоқотда бўлмоқ, гаплашмоқ, сухбаглашмоқ.

Юрубон ул Суворовга етушди,
Мулоқи ўлди, маъвосига тушди (Фурқат)

Мултамас – илтимос, сўров.

Деди: кишивар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу **мултамасдин!** (“Фарҳод ва Ширин”)

Мулҳам – илҳомланган, кўнглида яхши фикр туғилган.

Бўлуб ул чорага Фарҳод **мулҳам**,
Бериб шаҳ бирла хайлига кўнгул ҳам (“Фарҳод ва Ширин”)

Мумсик – ўта хасис, зиқна, баҳил.

Кўрқуш кўрдиким, (Бойўғли) Абдураҳим судхўр баққол
мумсикдек кўб хасисдур (“Зарбулмасал”)

Мумтад – чўзилиш, узоқча чўзилмоқ.

Муҳосара мумтад бўлди. (“Бобурнома”)

Мунаввар – нурли, ёруғ, чароғон.

Мақдаминг ташрифидин кулбам **мунаввар** бўлмади,
Кеча-кундуз доду афғон дастидан бедорман (Фурқат)

Мунажжим – юлдузлар ҳаракати ва ҳолатига қараб киши
қисматидан фол кўрадиган киши, фолбин.

Инонман толеимдин бу назарни,
Ки бермади **мунажжим** бу хабарни (“Гул ва Наврӯз”)

Мунаққас, мунагғас — ғамгин, қайгули.

Ҳамул дам фитнаи охир замонтек,

Мунаққас қилди Гул вақтін хазонтек. (“Гул ва Наврұз”)

Мунаққаш — нақшланған, безатилған.

Сабза, раёхин, анвои гуллар, чечаклар касратидин ...мунаққаш күринур эрди (“Зарбулмасал”)

Мунаққаҳ — тозаланған, сараланған, соғ; ишончли, аниқ.

Мусиқий ва адвор рисоласин битибдиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йүқтүр (“Хамсату-л-мутаҳайириң”)

Мунагғас — мунгли, ғамгин. қ. Мунаққас.

Мунбасит — шод, құвноқ, кулиб турадиган, хурсанд.

Баъзида мунақаша қилур әриш ва ул ҳазратға хуш келиб, мунбасит бўлур әришлар. (“Хамсату-л-мутаҳайириң”)

Мунглұғ — мунгли, қайгули, ҳазин, йиғлоқи, бояқиши, шүрлик.

Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглұғ суруд,

Эй муганий, чун ниҳон розим билурсен — соз туз (Навоий)

Мунгуз — шоҳ, мұғуз.

Дахи түқол әчки мунгуз тиляб — қулоғидан айрилғондек бўлма! (“Зарбулмасал”)

Мунис — 1.Дүст, ўртоқ, улфат, меҳрибон киши. 2.Шермуҳаммад Авашибий ўелининг тахаллуси (1778-1829).

Ҳеч ким мендек илоҳи ёридин айрилмасун,

Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридин айрилмасун (Муқимиј)

Сұз ичра Навоийки жақонгир дуур,

Мунисға маоний йўлида пир дуур (Мунис)

Мунтазир — интизор, интиқ, кутиб қолған. 2.Шоир тахаллуси.

Гул эрди мунтазир манзар бошинда,

Тобуқчи бир неча маҳрам қошинда (“Гул ва Наврұз”)

Мунфаил — 1.Хижолат, уялған, таъсирланған. 2.Әгик, букик.

Оразидин шамсу қамардур хижил,

Сұзларидин шаҳду шакар мунфаил (“Зарбулмасал”)

Ё битибдур ийд айни ҳалқасини мунфаил,
Сабт этар чоғда Аторид ийднинг таҳниятин (“Мунис”)

Мунис – котиб, ёзувчи, кўчирувчи.

Учинчи, муншийи ростнавис, қаламзани нигаҳдор ва шамширзан (“Зарбулмасал”)

Мунъакис – акс этувчи (кўзгудек).

“Санги ойина” дерлар ...ойинадек ҳар нима мунъакис бўлур (“Бобурнома”)

Мунъим – бадавлат, бой, неъматлар эгаси.

Ганж топса **мунъим** ўлмас кимни сен қилсанг фақир ,
Ганж берса муфлис ўлмас кимга сен берсанг гино
(Хусайн Бойқаро)

Мунқод – бўйин эгувчи, бўйсунувчи, итоаткор.

Боф аро, жоно, ўшалким жилва бунёд айладинг,
Кабк ила товусни рафторингта **мунқод** айладинг (Муқимиј)

Мураббаънишин – чордона куриб ўтирган (киши).

Асо илгода пири неку жабин,
Ўзи чорсуда **мураббаънишин** (Хиромий)

Муолижса – даволов ишлари, касалга дори-дармон қилиш.

Дардим кўруб **муолижада** зоеъ этма умр
Ким жонда дарди ишқлурур бедаво манга. (Бобур)

Мураввақ – соф, тиник, тоза.

Муассаъ – зийнатланган, безалган, безаклар ёки матолар билан безатилган.

Муассаъ қилган атлас улуқ эвлар,
Пари янглиқ силиқ бўйлук бедовлар (“Гул ва Наврӯз”)

Мураттаб – тартиб берилган, ёйилган.

Манга чун толеи фархунда кавкаб,
Бу авж узра бисот этти **мураттаб** (“Фарҳод ва Ширин”)

Мурда – ўлик.

Шўранул... ҳар **мурда** устида тайёр (“Зарбулмасал”)

Мурдавор – ўлиқдай, ўликсимон, мурдадек.

Тушти бу туфроқ ичра **мурдавор**,

Йиғлар эди күзлари қон зор-зор (“Юсуф ва Зулайх”)

Мурдашү – ўлик юувучи, фассол.

Олди бу расми барот ила тасдиқоти,

Бор мундин шарафи **мурдашүю** исқоти (Турди)

Мурдор – ҳаром, күнгил тортмас нарса, нокас.

Такжай олур моховдан ҳам,

Хожи ўзи **мурдор** экан (“Саёхатнома”)

Мурид – диний издош, маслакдошлик юзасидан издошлик, шогирд.

Навоийким **муриду** бандасидур,

Иродат йўлида афкандасидур (“Фарҳод ва Ширин”)

Муросила – мактуб ёзишмок.

Муруд – олмуруг, ношвати.

Борчанинг илҳони ба бонги суруд,

Дер эди: “Шафтолию себу **муруд**” (“Юсуф ва Зулайх”)

Мурур – ўтмоқ, юрмоқ, кечиб ўтмоқ (вақт ва йўлга нисбатан).

Ки муҳдлик йўл **муруридин** нечуксиз,

Балиёти заруридин нечуксиз? (“Фарҳод ва Ширин”)

Муршид – 1.Диний раҳбар, пир. 2.Тўғри йўлга солувчи, тўғри йўл кўрсатувчи.

Бу сўзда ошнолиқнинг иди бор,

Анга иршод қилган **муршиди** бор (“Гул ва Наврӯз”)

Мурғ – 1.Товуқ. 2.Күш.

Ким, эй кўп шевалик **мурғи** сухансоз,

Мукаррар неча қилғайсен бу овоз? (“Гул ва Наврӯз”)

Мурғи руҳ – жон қуши, жон.

Чун Намангандин Хўтан павоз айлаб **мурғи руҳ**,

Донаи холин кўрубон қўнмағайди кошки (Машраб)

Мусаввир – рассом, расм чизувчи киши.

Эй мусаввир, дилбаримға суврате монанд қил,
Күрмакидин хотиримни гаҳ-гаҳи хурсанд қил (Навоий)

Мусаллам — тан бермоқ, маъқулламоқ, қойил қолмоқ.
Жоду кўзини Кашмир эли ҳалқи кўрубон,
- Туттуқ, дедилар, сени **мусаллам** бу фан ичра (Саккокий)

Мусалло — 1.Жойнамоз. 2.Катта масжид, намозгоҳ. 3.Жой номи.
Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиху **мусалло** қилди шайх (Навоий)

Мусалсал — силсилали, занжирсимон, ҳалқа-ҳалқа.
Маликзода бўлуб хушвақту хуррам,
Лаби хандон, **мусалсал** зулфи дарҳам (“Гул ва Наврӯз”)

Мусаннафот — (бирлиги — сафина) асарлар, китоблар.
Ани учунким Мир Алишер Навоийнинг **мусаннафоти** бовужуд-
ким, Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур (“Бобурнома”)

Мусанииф — ижодкор, ёзувчи, муаллиф. 2.Уста, ясаган киши.
3.Бастакор.
Чунки доно **мусаниифи** онинг,
Назм қилғон муаллифи онинг (Огохий)

Бири дегайки: “Тахт рўкашдур”,
Бири дегай: “**Мусаниифи** ғашдур” (Сабъаи сайёр”)

Мусаххар — эгалланган, қўлга киритилган, изми қўлга олинган.
... Самарқанд шаҳри ва вилояти муюссар ва **мусаххар** бўлди
(“Бобурнома”)

Мусмир — самарали, мевали. Шажари мусмир — мевали дараҳт.
Бўлди раият галаву, сен — ўшбон,
Ул шажари **мусмиру**, сен — боғбон (“Ҳайрату-л-аброр”)

Мусоҳиб — сухбатдош, дўст, улфат, ҳамсуҳбат.
Кеча бўлса танаъум бирла машғул,
Мусоҳиблар бари мавзуну мақбул (“Гул ва Наврӯз”)

Мустазод — 1.Узайтирилган, кўпайган. 2.Ҳар мисрасига

ортиқча руқнлар илова қилинадиган ғазалсимон мұмтоз шеърий жанр.

Кундуз ўлуб **мұстазод** мисраи тадриж ила,

Түн ғазали вазнидин кам-кам ўлуб мұхтасар (Мунис)

Мұстаманд — 1.Ожиз, мұхтож, бечора, шүрлик, йүқсил.
2.Фамли, қайғули. 3.Мажозан: ошиқ.

...мұхтож, **мұстамандму** ё оч ва яланғочлиқдин келдиму?
(“Зарбулмасал”)

Мұстаманд этти мени мұхтожлик,
Этти ҳожатмандинг, эй ёр әхтиёж (Нодира)

Мұстахраж — истихрож қилинадиган, келтириб чиқарыладиган, ҳосил қилинадиган.

Олтинчи доиреки, андин икки баҳр **мұстахраж** бўлур, бу ҳам ажам шуароси арузларида кўрилмайдур (“Мезону-л-авzon”)

Мұстаъмал — истеъмолдаги, амал қилаётган, муомаладаги, юритилаётган.

Зижи Кўрагонийни битибдурким, оламда ҳоло бу зиж **мұстаъмалдур** (Бобурнома)

Мұстахиқ — 1.Муносиб, ҳақли, лойиқ. 2.Мұхтож, фақир, қашшоқ, зор.

Шўранўл... йигирманинг бешини **мұстахиққа** бериб, ўн бешини кўйнига урган... (“Зарбулмасал”)

Улуста **мұстахиқларии** қилиб шод,

Ҳамул дам бандиларни қилди озод (“Гул ва Наврўз”)

Мұстахсан — мақталган, ажойиб, маъкул.

Нечунким мунда **мұстахсан** ҳунар кўп,

Ҳунар ойинида дикқат асар кўп (Фурқат)

Мутавассит — 1.Ўртача. 2.Ўрта ёшли киши.

Кимники қилсанг **мутавассит** хаёл,

Аспа анинг ҳурматида эътидол (Навоий)

Мутакаллим — 1.Сўзловчи, гапиравчي. 2.Сўзамол, нотик.
3.Калом илми мутахассиси. Калом илми — Куръон илми.

Хайр ишга мутакаллим бўлғоннинг хитоби бўйла бўлурму?
("Зарбулмасал")

Мутарро – тоза, янги, безалган, тараган, ялтироқ.
Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин **мутарро** айласа (Навоий)

Мутасарриф – тасарруф этувчи, эгалик қилувчи, фойдаланувчи.
Шоҳрухияни фириб била олиб неча маҳал **мутасарриф**
бўлуб эди. ("Бобурнома")

Мутагаййир – авзойи ўзгариб.
Султон ул ерданким салтанат маҳалли турур, **мутагаййир**
бўлуб айтти ("Сабъаи сайёр")

Мутриб – созанда, чолғучи, ашулачи, ҳофиз. Мутриби хуш
лаҳжа – хушовоз ашулачи.

Мутриби хуш лаҳжалар танбурини соз айласа,
Руҳпарвар байт ўқуб, хиргоҳи овоз айласа (Фурқат)

Мутриба – чолғучи аёл

Мутрибо – эй чолғучи!

Муттако – суюнчик, ҳомий, мададкор, таяниладиган нарса.
Битибдур: "Эй улуснинг подшоси,
Забунлар ҳомиси ҳам **муттакоси**" (Фурқат)

Муфлис – қашшоқ, йўқсил, пулсиз.

Ганж топса мунъим ўлмас кимни сен қилисанг фақир,
Ганж берса **муфлис** ўлмас кимга сен берсанг фино
(Ҳусайн Бойқаро)

Муфрит – 1.Ҳаддан ошган, беҳад кўп.

Не **муфрит** саъб ҳолим бори ҳижрон ичра ким кўрган,
Топар андин малолат ошно, бегона андин кўп (Навоий)

Муфсид – фисқ-фасодчи, ифвогар, фитначи.

...макр ва ҳийлада шайтондин **муфсидроқ**... ("Зарбулмасал")

Муфт – текин, мўмай, ишламай топилган даромад, маблағ.
...муфт топилганда ошар... ("Зарбулмасал")

Муфти – фатво берувчи, шариат хукмини (санкция) айтувчи киши.
Эди исми Мұхаммад Хұјжа **муфти** анинг,
Хати хуш, баён айлайин жуфти анинг (“Зарбулмасал”)

Мухаммар – айнан: хамир құлмоқ; ясамоқ.
Кавсар майини шаҳд уза сунъ илги томизиб,
Лаълинг **мұхаммар** айлади ул обу гил била (Навоий)

Мұхолифлик – келишмовчилик, ғанимчилик, душманлик,
зиддият.
Мұхолифлик агар құпса ародин,
Күтулурсиз туганмас можародин (“Гул ва Наврұз”)

Мұхотара – хатарли.
Мағриб тенгизи **мұхотара** дурур (Сайфи Саройи)

Мұхтасар – 1.Қисқа. 2.Илмий рисола, трактат. 4.Хуллас.
5.Китоб.

Килиб **мұхтасар**, сұзни қылдым тамом,
Малоловар ўлғай чүзилған калом (Мұқимий)

Таваққуь улдур асҳоби ҳунардин,
Ки чун файз олсалар бу **мұхтасардин** (“Гул ва Наврұз”)

Мүш – сичқон; каламушдан кичикроқ зааркунанда.
Дард ила ҳажр қылғач арслонлик,
Мүш ўлубмен, vale яримжонлик (“Сабъай сайёр”)

Мушавваш – паришон, ташвишли, бесаранжом.
Хұзурим йүқ, эрүр вақтим **мушавваш**,
Бу әмсиз дард этар вақтимни нохуш (“Гул ва Наврұз”)

Мушаъбид – найрангбоз, лұттибоз.
Мушаъбид қарх аро ҳар сәхрсози,
Ки бир туғроға нақш этгай тирози (“Фарҳод ва Шириң”)

Мүшк – 1.Қора тусли хүшбүй нарса. 2.Мажозан: сочнинг
қоралиги ва хүшбүйлиги. 3.Мажозан: тим қора. Кофур била
мүшкни ҳамроз құлмоқ – түнни кундузға айлантиromoқ,
хижронни висолға айлантиromoқ.

Васлинг кунида шоми фироқинг баёнида,
Кофур била **мушкни** ҳамроз қилмадинг (Муқимий)

Чаманлар бўлди жаннатдин намудор,
Очилди гул, сочили **мушки** тотор (“Гул ва Наврӯз”)

Мушкин – 1.Ислом, ном: Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” достонидаги Фархор мамлакатининг шоҳи, Гулнинг отаси. 2.Мушкли, мушк ҳидли, хушбуй. 3.Ўзбек шоири Ҳасанхон Абулхайрхоннинг (1903-1976. Тошкент) тахаллуси.

Айтти шоҳи **Мушкин**: “Эй салотин,
Кечинг бу ҳосили йўқ можародин (“Гул ва Наврӯз”)

Мушкин қошингни ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун этибон сод устина (Огаҳий)

Энди ёшим ўтди деб, ҳеч бўлмагин ишдан йироқ,
Бахтиёрсан, кун кечир **Мушкин** ҳамон меҳнат билан
(“Оқсоқоллар каломи”)

Мушобиҳ – ўхшаш, ўхшайдиган.
Эрур одамга монанду **мушобиҳ**,
Эшигига темурдин ё қилиб зих (“Фарҳод ва Ширин”)

Муштари, муштарий – 1.Юпитер планетаси, юлдуз.
2.Харидор, сотиб олувчи, талабгор. Баъзан сўзни бузиб
“Муштар” шаклида ҳам қўлладилар. 3.Обуначи.

Аё, эй кун менгизлик, **Муштари** хол,
Кўз уни бирла боққилким, недур ҳол (“Гул ва Наврӯз”)

Эй кўнгил, алданма зоҳид донаи ашқифаким,
Муштарийға жав сотар, зоҳирда гандум қўргузуб (Мунис)

Жилва қилғоч **Муштарий** қўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар (Навоий)

Муштагил – машғул.
Дуосига ҳамиша **муштагилбиз**,
Не қилмиш ҳар не қилмиш ҳам биҳилбиз (“Юсуф ва Зулайхо”)

Муштаҳи – 1.Иштаҳани очувчи. 2.Иштаҳали, орзули, хоҳишли.

Анда тузуб маснади шоҳаншахи,
Айшу тараб жоми учун **муштаҳи** (“Ҳайрату-л-аброр”)

Муштоқ — зор, интиқ, роса зориқан.
Кўз Исфара **муштоқ** ўлуб,
Аввал чиқиш Яйған экан (“Саёҳатнома”)

Мушфиқ — шафқатли, меҳрибон.
Эшиқдан қалтираб келсанг иситтай,
Ки **мушфиқ** волидандин меҳрибон печ (Муқимий)

Муълам — ранг-баранг, товланадиган, ярқироқ.
Қилойин икки бобин порси ҳам, —
Ким атлас тӯн ярошур бўлса **муълам** (“Муҳаббатнома”)

Муътадил — ўртача, ёқимли.
Ҳаво ҳам **муътадил**, ҳавзи мусаффо, суффаи дилқаш,
Оқар сув фалт уриб, себарга узра мавжизан бўлса (Фурқат)

Муътамад — ишончли киши.
Хазойинга қўюбон **муътамадлар**,
Бериб ҳар бирға мингдин кўп мададлар (“Фарҳод ва Ширин”)

Муътариф — эътироф этувчи, иқрор бўлувчи.
Ҳажни сотди йўлда деб, ўлмайин ўлда-чўлда деб,
Минг-минг гуноҳлар қўлда деб, **муътарифи** гуноҳ ўзим
(Махмур)

Муътод — 1.Ўрганган, одатланган, кўниккан. 2.Одат.
Бобури бедил, эй бути қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга **муътод** (Бобур)

Муқайяд — 1.Боғланган, банд этилган, асир қилинган.
2.Маъжозан: мафтунлик, маҳлиёлик.
Жафодур жонга бўлмоғлиғ **муқайяд** олам аҳлиға,
Хуш ул озодаким элнинг аросидин канор этса (Бобур)

Муқаллид — тақлид қилувчи, масхаравоз.
Гар **муқаллид** бўлса, пўстин бирла тоқат қилмасанг,
Муз қилиқликлар ёгар тақлидидин қор авлиё (Муқимий)

Муқорин – 1.Яқынлашган, ёндошган. 2.Уланган, етишган.

...Сангпушт ...мурод ҳадафиға **муқорин** ўлуб, муддао
...соҳилига ўзини олди (Гулханий)

Мүр – 1.Мажусий, оташпарат, бутта чўқинувчи. Маъжозан:
майфуруш.

Офият жонимга етти, эй хуш ул **мүким**, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа (Навоий)

Муганий – мусиқачи, ашулачи, созандা, чолғучи.

Муганийлар созларининг қулоғига гўшмол учун қўл
солиб, тоб бердилар (“Зарбулмасал”)

Мугбача – майхонанинг югурдак ходими; май ташувчи бола.

Жонимга наво солдию қўнглима хуруш,
Бир журъа била **мугбачаи** бодафуруш (Навоий)

Муҳандис – инженер, ихтирочи.

Ҳикоят бошласа шоҳ ҳазратинда,
Муҳандислар дам урмаслар қатинда (“Гул ва Наврӯз”)

Муҳаррар – ёзилган, таҳрир этилган.

Вале қандил аро бу сўз **муҳаррар**,
Ки “Хотам кимгаким бўлса муюссар” (“Фарҳод ва Ширин”)

Муҳиб – 1.Севувчи, ошиқ. 2.Кўрқинчли, ваҳимали.

Туруб маҳбуб оллида **муҳибқа**,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди (Атойи)

Вале шакллар жилва айлаб **муҳиб**,

Ки, эл қўнгли топиб алардин наҳиб (“Садди Искандарий”)

Муҳими хайр – яхши иш, хайрли хизмат, холис хизмат.

Сенга гапирсам, бу **муҳими хайр** кечга қолур (“Зарбулмасал”)

Муҳмал – маъносиз, бехуда, фикрсиз сўз.

Айитти Савсан: “Эй Гул, қўй бу сўзни,
Бу **муҳмал** сўзга мажхул этма ўзни”... (“Гул ва Наврӯз”)

Мухолиф – 1.Фаним, ёв. 2.Ҳар хил (келишмайдиган) овқат.
3.Мухолиф ел – тескари шамол.

Эй Навоий, улдек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўиё сен тифли раҳ, чархи мухолифдор адиб (Навоий)

Муҳра – 1.Юмалоқ жисм, соққа. 2.Мунчоқ, тасбих донаси.
3.Шахмат донаси. 4.Бирор нарсага солинган нақш, қўйилган тамға.
Яна бир мұхраедур нағълиқ, бил,
Ки чун қолгунг жаҳон мулкіда кўп йил (“Фарҳод ва Ширин”)

Муҳриқ – ўртайдиган, куйдирадиган.

Муҳтарам – хурматли, қадрли, азиз.

Зуҳд кетти эса, карам қилди.

Ишқ келдию **муҳгарам** қилди (Бобур)

Муҳтасиб – шариат ва бозор назоратчиси. Намоз ва рўза тутмайдиганлар, май ичувчи, жуда юқори баҳода сотувчиларни таъқиб этиб жазолайдиган шахс.

Манъ этиб, эй **муҳтасиб**, ҳар дам бошимга келмагил,
Бўлса найлай, маст бўлмай, масканим майхонада (Муқимий)

Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар. (Навоий)

Мўжсиб – сабаб, боис, баҳона. Баъзан “мавжиб” тарзида хато ҳам ёзилади.

Эй буродар, **мўжиб** недурким, буён ўтмайсиз? (Гулханий)

Мўйин қалоба – жундан тўқилган мато, юнг калава.

Гилему чекману **мўйин қалоба**,

Таги от аслаҳа бирла ароба (“Виставка хусусида”)

Мўнди, мунди – дастасиз кўзача.

Ташналаб, гарди кудурат зери боринда ҳароб,

Баҳри давлатдин йироқ гарданшикаста **мўндиман** (Турди)

Мўр – чумоли, қумурсқа.

Чун бўлур эрди болалаб завқнок,

Мўр боласин қилур эрди ҳалок (“Ҳайрату-л-аброр”)

Мўғул ва ўзбек жиҳатидин – мўғул ва ўзбекларнинг босқинлари туфайли.

Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубларда Ўгроркент
битирлар, **мӯғул ва ўзбек жиҳатидин** бу тарихда бузулубтур...
("Бобурнома")

H

Набард – жанг, кураш, уруш.

Ишқ дардинму дейин, ҳажри **набардинму** дейин,
Бу қагиқ дардлар аро васли давосинму дейин? (Навоий)

Наби – (кўплиги – **аибиё**) пайғамбар, Худонинг элчиси.

Етиб хоқон яна Чин кишвариға,
Наби ул навъким дин кишвариға ("Фарҳод ва Ширин")

Набуд – йўқ эди, йўқ, номавжуд.

Фано ул навъ этиб нафий вужуди,
Ки ер топиб **набуд** ўрнида буди ("Фарҳод ва Ширин")

Нав – янги. **Нав закон** – янги қонун; **моҳи нав** – янги ой.

Суворовни ўзиға олиб бир кун,
Дедиким: "Нав законлар бирла қонун –
Сенга маъқул эмас бўлса, ўзинг бил..." (Фурқат)

Навбат – 1. Ноғора. 2. Қоровуллик. 3. Гал, сира.

Салтанат тахтига ҳарким минадур,
Пойи **навбат** нақорасини чоладур (Машраб)

Навид – севинчли хабар, хушхабар.

Алқисса, Кўрқуш бу **навиди** фараҳ афзони эшишиб, хурсанд
бўлиб, Япалоқ биби манзилиға етди ("Зарбулмасал")

Навис – айнан: ёзгин; ёзадиган. **Муншийи рост навис** – тўғри
ёзадиган котиб.

Учинчи, **муншийи рост навис**... ("Зарбулмасал")

Навкар – сарбоз, ҳарбий киши.

Навкаринг очликдан ўлсин, нега ҳайфинг келмагай?
Эй табиби ҳозиқум, дорую дармон бер менга (Гулханий)

Навкиса – 1.Янги асбоб-ускуна. 2.Пул-молга янги эга бўлган киши, чўнтағи пул кўрган одам.

Элина навкисаларин қистари,
Расм эди Нажжор ягоч истари (“Зарбулмасал”)

Навмид – ноумид, умидсиз.

Ҳар киши васлин таманно айласам **навмид** ўлай,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа (Навоий)

Наво – 1.Баҳра, насиб. 2.Куй. 3.Күш сайраши. 4. “Шашмақом” бўлимларидан бирининг номи. 5.Овоз, садо, товуш. 6.Жиҳоз, нарса. 7.Бойлик.

Куй:
Тобуқчиси бор эрди Зухра отлиқ,
Навода Зухра Заҳро сифатлиқ (“Гул ва Наврӯз”)

Навозанда – 1.Чолғувчи, мусиқачи. 2. “Зарбулмасал” ва “Калила ва Димна” асарларидаги бир персонаж, кабутарнинг номи.

Бойўғли...навозанда, созанда жам айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутди... (“Зарбулмасал”)

...Бозанда ва Навозанда қиссаларини сенга баён айлай
 (“Зарбулмасал”)

Навозиш – алқамоқ, кўнглини кўтармоқ, олқишилаш. Навозиш аҳли-а) шафқат қилувчилар, кўнгил сўровчилар; б) чолғучилар, созандалар.

Тут Навоий ҳолидин гоҳе хабарким, айб эмас,
Гар **навозиш** аҳли тутса бенаволардин хабар (Навоий)

Навосоз – куйловчи, ащулачи, куйлаш.

Қилур Наврӯз ўз авжида парвоз,
Анинг ёдинда сен мундоқ **навосоз** (“Гул ва Наврӯз”)

Навоҳи –/Бирлиги – ноҳия/. мамлакатлар, туманлар.

Бор эди Кашмир **навоҳида тоғ**,
Боги Эрам рашикидин кўксида тоғ (“Зарбулмасал”)

Наврас - ёш, етилиб келаётган:

Мен бор эдим ул ниҳоли **наврас**,
Йўқ шохима хору теграма хас (Навоий)

Навхез — янги, гули навхез-янги очилган гул.

Эски дарахту, гули **навхез** анга,
Икки тегирмон суйи корез анга (“Ҳайрату-л-аброр”)

Навҳа — йифи, унсиз дод, нола.

Навҳа оҳанги тузуб, оғоз қил маҳзун суруд,
Ул суруд ичра ҳазин кўнглумга махфий роз туз (Навоий)

Надам — пушаймон, афсус, қилмишдан хижолат:

Ҳамул ердин ўн икки минг қадамдур,
Вале ҳар бир қадамда юз **надамдур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Наддоф — юнг ва пахта титувчи.

Беклар ўлди ҳаромзодалари носози,
Бемаҳосил, гала номард, қалин **наддофи** (Турди Фарогий)

Надим — шоҳ ёки ҳукмдорнинг суҳбатдоши. Надимлар ҳукмдорлар ҳамтовоқлари бўлиб, унинг кўнглини кўтаришга, шодмон қилишга хизмат қилишган.

Султонисан, барча ҳўблар-**надиминг**,
Доим эрдим дуогўйинг, қадиминг (Муқимий)

Надомат — пушаймон, афсус:

Орзулар тухмидин яъсу **надомат** қилди гул,
Бўлмади, афсус, ҳосил муддаолардин бири (Муқимий)

Нажсанд — хор, ғамли, тубанлашган, эътибордан қолган, ожиз.

Чу парҳоидин хасм бўлди **нажсанд**,
Анга ташлади ўйла печон каманд (Навоий)

Нажжор — уста, дурадгор.

Кенг кўчаларни қилгай ўлгунча бесаранжом,
Қилмай ўша ҳунар деб **нажжор**, ароба қурсин (Муқимий)

Нажжорлик — дурадгорлик.

...**нажжорлик** қилғон Маймунга ўхшаш расво бўлма
("Зарбулмасал")

Нажсол — зот, уруғ, аждод; насаб, келиб чиқини.

Эрур Жамшид уруғидин **нажсоли**,
Фаридундин ҳам ортуқ адлу доди (“Гул ва Наврӯз”)

Назиф – нозик, зукко.

“Унвони таржимаи бўстон” деб исм бергон ва гоятда эҳтимом, кўргузуб, нозик иборатлар, рангин ва **назиф** ишоратлар дарж қилтон (Сидқий Хондайликий)

Назм – шеърият.

Агар ул ҳам **назмин** ёэса дарий тилда,

Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда (Абдураҳмон Жомий)

Назр – 1.Диний садақа, инъом. 2.Аҳд, бирор ишни бажаришни ўзига шарт деб билиш.

Ақча қўлида икки – уч мўйсафид,

Дерки: - Бу **назрингизу** бизлар – мурид (“Танобчилар”)

Найман – ўзбек уруғларидан бири.

Бирни қипчоқу хитою бирни юз, **найман**, деманг,

Қирқу юз, минг сон бўлуб бир хон ойинлик қилинг

(Турди Фарогий)

Найистон – қамишзор.

...вужуди **найистонига** ўт тушиб, тутуни гардунға хиром боғлади. (“Зарбулмасал”)

Найнавозандалиф – най чалишлик.

Бирор айласа **найнавозандалиф**,

Камар боғладим қилғали бандалиф (Мунис)

Найсоний булут – ёғинли булут, баҳорги серёмфир булут.

Саросар ул булут гавҳар ародур,

Ки **найсоний** булут янглиф қародур (“Фарҳод ва Ширин”)

Найшакар – шакарқамиш. Най – қамиш.

Саросар гўёё ул най гуҳардур,

Фалат қилдим, лаболаб **найшакардур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Накбат – баҳтсизлик, аччиқ кўргилик, толеъсизлик, бадбаҳтилик, фалокат, хорлик, маشاққат.

Не меҳнат бор анингким, роҳати йўқ,

Не **накбатким**, сўнгинда давлати йўқ? (“Гул ва Наврӯз”)

Намак — туз, ош тузи.

Даҳр золи урди роҳатлиғ қўзим ичра **намак**,
Дастидин тушди жудолиғ ўртага, золим фалак (Муқимий)

Намудор — айнан: кўриниб турган, нишона, кўринишили.

Яна ёй мавсумида мулки **Фархор**,
Эрур филжумла жаннатдин **намудор** (“Гул ва Наврӯз”)

Нанг — оп, уят, номус.

Ул пари ҳажрида **нангу** номким тарк айладим,
Кўнгтул отлиғ ҳажр водийсида бадномимга айт (Навоий)

Нар — эр, эркак. Нару мода — эркак-аёл.

Кўрпача тагда қамиш, бошларида болиш увот,
Нару мода аралаш, билмас алар айбу уёт (Муқимий)

Наргис — 1.Гулнинг бир нави. 2.Мажозан: ёр кўзи. Наргиси маст — хумор кўз, шаҳло кўз.

Оғизлари шакар бирла шакарфош,
Севингандун сочар **наргислари** ёш (“Гул ва Наврӯз”)

Наргиси мастингдан узмак мумкин эрмас дийдани,
Ёки мужтон даврида меҳригиёдур кўзларинг (Муқимий)

Нас — ҳукм, ҳукм ҳужжати.

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун **нас** келтуур, нун элтибон сод устина (Огаҳий)

Насаб — отага тегишли ҳурмат-иззат, улуғлик бола учун насаб ҳисобланади.

Элга шараф бўлмади жоҳу **насаб**,
Лек шараф келди ҳаёву адаб (Навоий)

Насақ — тартиб, интизом, тарз, равиш, нишона, асар.

Вале жисмида жонидин рамақ йўқ,
Танида руҳ ҳарфидин **насақ** йўқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Насб — тиклаш, бирор мансабга тайинлаш; бирор нарсага эришмоқ.

Айди: “Улус ичра бу бир касбдур,
Касбни бошина кийсанг **насбдур**” (“Зарбулмасал”)

Насим - 1.Ел, шабада, шамол, эпкин. 2.Мажозан: нафас, дам. Насими аждаҳо-аждаҳо дами.

Кўнглим истар ёелигингни , балки андин бир **насим**
Етса Бобирға, эрур жон бирла миннатдор анга (Бобур)

Етишгач эл **насими** аждаҳоға,
Ажал гўёи синон урди балоға (“Фарҳод ва Ширин”)

Насойиҳ – насиҳатлар, ўтитлар.

...насойиҳнинг абири жон комига туркоз этди. (“Зарбулмасал”)

Насринғом – оппоқ гулдай.

Кумушдек ранги **насринғоми** онинг,
Кумушдин фунчадек андоми онинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Настарин – хуш исли оқ гуллайдиган гул, ёсамин, жасмин.

Бўю юзу лаъл эрну хату хадина туш йўқ,
Сарву фулу мул **настарину** ёсуман ичра. (Саккокий)

Нафий/Нафӣ – рад этиш, кеткизиш, бадарға, танқид. Нафий вужуд – ўзликни йўқ қилиш, ўзликдан кечиш.

Фано ул навъ этиб **нафий** вужуди,
Ки ер топиб набуд ўрнида буди (“Фарҳод ва Ширин”)

Нафт – нефт.

Бўлуб икки қўзи наззора чоғи
Нечукким **нафтнинг** ўтлуг булоғи (“Фарҳод ва Ширин”)

Нахл – ниҳол, дараҳт.

Қадиким **нахли** сарфароз келиб,
Хусн боғида сарви ноз келиб (Навоий)

Наҳуд – нўхат, нахуд фол-нўхат билан фол кўриш.

Бўлма ғофилким, фалак маккораси деб сайду наҳс,
Ҳийла изҳор айлар анжумдин **наҳуд** фолин кўруб (Мунис)

Нашот – қувонч, севиниш, хурсандлик.

...Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб,
Нашот андин хаёл айлаб емак банг (Навоий)

Нашъа – кайф, хузур-ҳаловат.

...бодаи сабуҳий **нашъасидек** таъсир этди (“Зарбулмасал”)

Нашъу намо – ўсиб улгайиш, гуллаб яшнаш, гуркираш.

Топиб **нашъу намо** давлат ичинда... (“Гул ва Наврӯз”)

Наъл – 1.Этик пошнасига қадаладиган ярим ойсимон метал парча, нағал. 2.Отнинг тақаси. 3.Байроқ дастаси учидаги янги ой шаклидаги ялтироқ зарҳалланган металл парчаси.

Ё тушуб қолди алам устидаги рахшанды **наъл**,

Чун нигунсор айлади хуршиди рахшон раъятин (Навоий)

Нақл - 1.Сўзлаш, гапириш, айтиб бермоқ. 2.Кетмоқ, жўнамоқ.

3.Ўтмоқ, ўлмоқ.

...балки қалам-бақалам **нақл** қилди (“Фарҳод ва Ширин”)

...ушбу балия била-ўқ оламдин **нақл** қилди (“Бобурнома”)

Нақб – тешик, лахм /ер остидан қазилган йўлак/, рахна.

Бало тогифа зўр изҳори бирла,

Кетурмак **нақб** қоқум хори бирла (“Фарҳод ва Ширин”)

Нагма – 1.Куй, оҳанг. 2.Қўшиқ.

Нагма тортмоқ – 1.Куйламоқ. 2.Соз чалмоқ. 3.Қичқирмоқ, хўрз қичқириши.

Неча тожвардур, кесарлар бошин,

Чу ҳангомсиз **нагма тортар** хурус (Навоий)

Наҳиб – 1.Босқин, талон-тарож. 2.Қўркув, ваҳима.

Вале шакллар жилва айлаб муҳиб,

Ки, эл кўнгли топиб алардин **наҳиб** (Садди Искандарий)

Нек – яхши. Номи нек- яхши ном.

...сендин номи **нек** қолур эди (“Зарбулмасал”)

Некбахт – баҳтиёр, баҳтли.

Некбахт кимдур ва бадбахт кимдур? (Садди искандарий)

Не тонг – не ажаб, ажаб эмас.

Комил **не тонг** огоҳ эса сўз камолидин,

Доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур (Комил)

Неш – ниш, тикан ёки игна учи.

Ҳар бири занбур киби урди **неш**,

Бўлди онинг гул бадани жумла реш (Юсуф ва Зулайхо)

Ниам – (бирлиги неъмат) неъматлар. Нозу ниам – ноз-неъматлар.

Душманларини нозу **ниамда**

Парвариш айлаб, солди гиноға (Хувайдо)

Нигин – 1.Узук. 2.Узукдаги муҳр.

Нигинни ўптию, юз ерга қўйди,

Кўнгулни Ҳақ саносин дерга қўйди (“Фарҳод ва Ширин”)

Нигор – 1.Расм, сурат, тасвир. 2.Мажозан: гўзал маҳбуба.

...Нақшу **нигор** қилинган ва ҳеч бойўели сояси тушмаган бўлса унарман... (“Зарбулмасал”)

Нигоро, хасталик қўп эрди манда,

Нетайким, йўқ эрур бир раҳм санда (Фурқат)

Нигун – эгилган, букилган, тескари. Чархи нигун – тўнтарилган осмон.

Жисми уйин айлабон ул юк **нигун**,

Тирқабон ул уйга асадин сутун (“Ҳайрату-л-аброр”)

Ниёз – 1.Илтижо, ўтингч, ёлвориш. 2.Таъзим. Ниёзнома-илтижоли мактуб; ниёз ашки – ялиниш кўз ёши.

Ўқу бу Лутфийи мунглуюк **ниёзномасини**,

Савобу алқишу юзминг дуо керак бўлса (Лутфий)

Чу шаҳ олдида килди арзи **ниёз**,

Ёниб қилди ваҳший сори турктоz («Садди Искандарий»)

Нилий – кўк, ҳаворанг. Чархи нилий – зангори фалак.

Ало, то абри найсон зинда пили,

Кияр баргуствон чархи **нилий** («Фарҳод ва Ширин»)

Нилуфарлар очиб гулистонидин – мажозан: юзини кўкартириб юборган:

Юзига бас тапонча ургонидин,

Нилуфарлар очиб гулистонидин («Сабъай сайёр»)

Ним – ярим, чала. Ним бисмил – чала сўйилган. Ним шом – ярим кеча.

Шафақ демаким меҳр қони тўкилмиш,
Кўмар чоғда ерга қилиб ним бисмил (Мунис)

Нисор – сочқи.

Келса гар мажлисга, бошига нисор этмак учун,
Оқузур ҳар тун дури ашкини дона-дона шамъ (Комил)

Таб ганжидин маоний хурдасин, юз қатла ҳайф –
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим (Навоий)

Нисф – ярим. Нисфи – ярми.

Ё нишот аҳли тутарда равзай шаҳри сиём,
Насфи синмай қолди синдуруғонда жоми ишратин (Мунис)

Нифоқ – низо, адсоват, ноиттифоқлик, келишмовчилик.

Мулкдин адлу карам кетти, қолиб кину нифоқ,
Яхшилиқ қилма тамаъ, зулм ила тўлди оғоқ (Турди Фародий)

Ниш – қ. Неш.

Нишаст – 1. Ўтирган. 2.Ботган, санчилган:

Эй талаб уйида нишаст айлаган,
Қаддини хизмат юки паст айлаган («Ҳайрату-л-аброр»)

К-эй қадин эмгак юки паст айлаган,

Жисмида фам хори нишаст айлаган («Ҳайрату-л-аброр»)

Нишот – севинч, шодлик. К. Нашот.

Гулу булбул бикин гулбунлар ичра,

Нишоту айши пинҳон вақти бўлди (Атойи)

Ниҳон – 1. Яширин, бекитилган. 2.Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тахаллуси.

Неча замондур, кўзга ниҳондур,

Ҳар ким ёмондур, солдим Худоға (Муқимиј)

Ноб – 1. Тоза, тиник, соф. Дурри ноб – соф, тоза жавоҳир. Мажозан: қийматли сўз.

Саводи демаким, мушкин саҳоби,

Бўлуб ҳар қатра анда дурри ноби («Фарҳод ва Ширин»)

Нобалад – ярамас, тегсиз, теги паст, шубҳали киши.

Ки ҳар **нобалад** шаҳр аро кирмоги,

Қўриб панд ила они қайтармоги (Хиромий)

Нобино – кўзи кўр, ожиз, сўқир.

...**нобино** бино сўзини қулоққа олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақтириб ҳалок бўлди («Зарбулмасал»)

Нова – нов. Тегирмонга дон қуйиладиган катта кавак, тешик.

Осиё **новасидек** рост этиб бўзини,

Тўлдуриб ашраф ила деворини дарзини (Турди Фарогий)

Новак – 1.Камон ўқи, ўқ. 2.Мажозан: киприк.

Жонима пайваста **новак** отқали,

Фамза ўқин қошиға ёлаб дурур (Навоий)

Новак афган – ўқ отувчи, камондан ўқ узувчи.

Ниҳони игна санчар ёрлардин,

Адуваш **новак афганлар** кўп ортуқ (Навоий)

Новард – набард, олишув

Ногоҳ – тўсатдан, қўйқисдан, кутилмаганда.

Ногоҳ, орқасига боқти... («Зарбулмасал»)

Ногузир – ноилож, иложсиз, қутилиб бўлмайдиган, муқаррап, нотавон.

Ул зору заифи **ногузирим**,

Ким бордур ул менинг асирим (Навоий)

Нодир – 1.Ягона. 2.Ноёб. 3.Қийин, энг оғир. 4.Уччига чиққан.

1. Оти Навдар ва лек ўзи **нодир**,

3. Табъи ҳар **нодир** иш аро қодир («Сабъаи сайёр»)

4. Бобожон Аштур чўлоқу Али бири,

Хўқанд мулкида аҳмақи **нодири** («Зарбулмасал»)

Нозир – назар қилувчи, кузатувчи:

Ки кишиким қўюб эди Жобир,

Дидбонлиққа ҳар сори **нозир** («Сабъаи сайёр»)

Нозу наим – ноз-неъмат, мева-чева.

Ташқари эрди бори **нозу наим**,
Шаҳр ичиди эрди азоби алим («Юсуф ва Зулайхо»)

Ноком – баҳтсиз, саодатсиз, орзу амалга ошмайдиган:
Ҳеч бир сўрмасмуди, **ноком** давронлар ўтар,
Куллари ичра башарти эътиборим бор эди (Муқимиј)

Нома – 1.Хат, мактуб. 2.Достон. 3.Номаи аъмол – умрий
қилғилиқлар дафтари. 4.Асар, рисола.

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб **номалар** («Танобчилар»)

Номабар – хат ташувчи, хат элтувчи.
Эшиитимки бир тойири **номабар**,
Битик зимнида шарҳи ҳангомабар («Садди Искандарий»)

Номатлуб – исталмаган, кўнгилсиз, ёқимсиз.
Фаминг шарҳи била маҳбуб эрур жон,
Ва гар бўлмаса **номатлуб** эрур жон («Гул ва Наврӯз»)

Номуборак – 1.Шум, хосиятсиз; кутлугнинг акси. 2.Бадбаҳт,
баҳтсизлик. 3.Хунук, наҳс.
Ўғлиминг номуборак оти Кулонкир султондур
(«Зарбулмасал»)

...Ашур йириқ қассоб... йўлдин бир ойна топиб, ўзининг
номуборак юзини кўруб, ойнани ерга уруб, ...дер эрдиким...
(«Зарбулмасал»)

Киргумса суҳбатингга ҳаргиз рақибниким,
Ул шумнинг қудуми бор асрү **номуборак** (Оғаҳий)

Номумкин бўлди – мумкин бўлмади.
...Куйкунакни жеркиб, кўзидан андоғ нари солдиким,
қайта кўрмаклик **номумкин бўлди** («Зарбулмасал»)

Ноошно – ёт, бегона.
Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,
Ошноларга фараз **ноошнодур** кўзларинг (Муқимиј)

Нопадид – күринмайдиган, дом-дараксиз.

Қылгучу бу чоҳ ичида **нопадид**,

Тиф билан мени қилинглар шаҳид («Юсуф ва Зулайх»)

Нопок – ювиқсиз, ифлос.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,

Эрур ҳаммомдин **нопок** чиқмоқ (Навоий)

Нор – 1.Анор, териси қипқизил бўлиб етиладиган мева.2.Дўзах. 3.Туя. 4.Ўт, олов ёндирадиган ҳароратли ёлқин:

Барчаси ҳасрат била лайлу наҳор,

Дер эдилар: «Олую обию **нор**»... («Юсуф ва Зулайх»)

Юклари оғир эдию йўл йироқ,

Ўртади тайлоқни **нори** фироқ («Зарбулмасал»)

Нораво – номақбул, раво эмас, мумкин эмас, ёмон.

Танимоқ Тангрини – тонмоқ ҳаводин,

Кейин турмоқ фиъоли **нораводин** (Сўфи Оллоёр)

Нософ – ифлос, ноинсоф.

Беклар ўлди ҳаромзодалари **нософи**,

Бемаҳосил, гала номард қалин наддофи (Турди Фароий)

Нотамом – битмаган, етилмаган, камолга етмаган, чала.

Жаҳондин **нотамом** ўтмак биайниҳ

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ (Навоий)

Нофа – мушк, мушкдон. Чин нофаси – Чин мушки.

Кўзим ёши на танҳо сўйи тупроғига оғушта,

Ўшал чин **нофаси** ҳам бўйи тупроғига оғушта (Муқимиј)

Нофаржом – оқибатсиз, меҳр-вафосиз, натижасиз, чўлтоқ, бефойда. Фаржом – оқибат, сўнг.

...илгариги айёми **nofarjomda**... бир эски шаҳристон бор эди
(«Зарбулмасал»)

Ноҳун – 1.Тирноқ. 2.Чолғу асбобларини чалишда ишлатиладиган метал тирноқ.

Кўйингдин айру **ноҳуни** ғам тирнатур юзин,

Гулга агарчи бўлди ватан саҳни боғда (Мунис)

Ночиз – 1.Арзимас, ҳеч нарса, ҳеч. 2.Ярамайдиган.

...ҳар турлук муарриф таърифи аниң шаънида **ночиз**
(«Зарбулмасал»)

Тафаккур яғочи кўпприк бўлурга ожиз ва тадбир қамиши
сол бўлурга **ночиздур** («Зарбулмасал»)

Ношойиста – ўринсиз, беҳуда, ярашмайдиган, хунук,
ўҳшовсиз, номуносиб, номаъкул.

Сенинг бу **ношойиста** сўзингта бормасман («Зарбулмасал»)

Ноқил – нақл қилувчи, сўзловчи, нотик, гапираётган киши.

Чун гараз сўздин эрур маъни анга,

Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр (Навоий)

Ноқис – 1.Нуқсонли, камчилиги бор. 2.Шоир тахаллуси.

...бовужуди бу ҳама **ноқислиги** бирла ўзини ҳамадин мулло
ва донишманди рӯзгор кўрар эрди («Зарбулмасал»)

Ноқобил – 1.Қобилиятсиз. 2.Қабул қилинмайдиган.

Увайсий гарчи **ноқобил**, келибдур остонингга,

Фигону оҳи сўзонини, сultonим, қабул эткил

Ноқус – ката қўнғироқ, улкан қўнғироқ.

Савти ноқусу навои арганун,

Шайх дини мотамига тортиб ун (Лисону-т-тайр)

Нузур – (бирлиги - назр) назр-ниёзлар, садақалар, эҳсонлар.

Самарқанд, Ҳурсоңдағи машойихқа **нузур** борди

(«Бобурнома»)

Нұкта – нозик фикр, фикрий кашфиёт, поэтик деталь,
хикматли фикр, янги фикр, умуман гап.

Тутқил аниңг ҳурмати ичра зарур,

Қоидай **нұктаи** «хайрул-умур»... (Навоий)

Нурафзо – нурли.

Очма **нурафзо** жамолинг тийрадил ағёр аро,

Офтоб олмас юзидин кечалар ичра ниқоб (Мунис)

Нурнош — нур сочмоқ.

Тун-кунингга айлагали **нурнош**,
Биричин ой англа, биричин-куёш («Ҳайрат ул-аброр»)

Нуқат — нүкта, чизик, белги.

Сени мадҳингдин ўзга қофозга,
Чекмайин бир **нуқат** нишон амаким (Махмур)

Нуқт — газак. Май ичганда ейиладиган мева ва бошқа хил
емишлар. Лаб нуқли-бўса.

Лабим **нуқли** шакартек оташантез,
Солур юз минг кўнгулда оташин тез («Гул ва Наврӯз»)

Нуқра — кумуш. Матндаги чанг-чанқовуздир.

Бори нозик папёжалар олтун узукдин зебнок,
Қўл билакузукдин музайян, **нуқрадан** оғизда чанг (Фурқат)

Нуқта — 1.Нуқта. 2.Хол, доғ. 3.Араб алифбосида ҳарфларга
қўйиладиган остин ва устун нуқта. 4.Географик ва геометрик
нуқта. 5.Мажозан: оғиз. Мажозан: хол. Нуқтаги мавхум —
хаёлдаги нуқта , фаразий нуқта.

Жаҳонни ким қила олгай таваҳхум,
Ки бўлғай **нуқтаи** мавхум аро гум («Фарҳод ва Ширин»)

Нуҳуфта — яширин, махфий, сир, беркитилган.

Эшитиб Гул бу сўзларни **нуҳуфта**,
Ҳамул дам фунчаси бўлди шукуфта («Гул ва Наврӯз»)

Нўла — нетар, нима қиласи:

Нўла гар қиссан шаби ҳижрон таманнои ажал,
Найлайин чўқдур ғамим, дафъина гамхор истарам
(Фузулий)

Нўг — уч, бирор нарсанинг учи.

Бўлуб ҳар кирпики бир **нўги** хома,
Қорортиб қатл учун ёзмоққа нома («Фарҳод ва Ширин»)

Нўш — айнан: ичгин. 1.Чучук, хуш таъм. 2.Бол, шириналлик.
Нўш қисса - ичса .

Чашмае эрди хушгувор анда,
Захр аро **нўш** ошкор анда (Навоий)

Киар одами сонига қылса нўши,
Фано дайрида бир қадаҳ бода шайх (Навоий)

О

Об – 1.сув. 2.Кўз ёши, ёш

Жилвагоҳинг гардин айлаб тўтиё қилғил илож,
Жилванг истаб йиғлай эркан кўзларимга етмиш **об** (Мунис)

Обак – 1.Сув, кичик сув. 2.Авак (узумнинг бир нави)

Оббанд – айнан: сув боғлоғич, тўғон, сув йўлида қурилган сунъий тўсиқ.

Обгардон – сув човлиси.

Обгин – тиник, шаффоф.

Обгина – биллур, шиша.

Обгоҳ – сув сақланадиган жой, кўлмак.

Обгун – сувдай, сув рангида.

Обдастахона – ҳожатхона, халожой.

Обдор – 1.Сувли. 2.Малоҳатли.

Обёр – сувчи, сув қўювчи.

Оби – 1.Беҳи. 2.Суғориб экиладиган экинлар. 3.Сув рангидаги, сувга оид.

Барчаси ҳасрат била лайлу наҳор,

Дер эдилар: «Олую **обио** нор»... («Юсуф ва Зулайхо»)

Оби ангур – 1.Айнан: узум суви. 2.Мажозан: шароб, май.

Оби бақо – тириклик суви, абадийлик суви, обиҳаёт.

Оби азоб – айнан: азоб суви. Бу ерда дин тарихидаги бир воқеа назарда тутилади: Нуҳ Пайғамбар даврида кишилар динга кирмаганлари учун, Нуҳ Худога илтижо қилиб халқлар бошига оғат ёғдиришни сўраган. Худо сув балосини юборган: тинимсиз ёмғир ёғиб ер сатҳи бутқул сув остида қолган. Ер аҳолиси мутлақо ҳалок бўлган...

Рўза келгунча шу иссиқ кунда ҳалқ

«Келса – дерлар, - розимиз **оби азоб**» (Муқимий)

Оби анор – айнан: анорнинг суви, анор шарбати.

Оби замзам – 1.Саудия Арабистонида Каъбанинг ёнидаги суви табаррук ҳисобланган қудуқнинг суви. 2.Мажозан: май, ароқ, шароб.

Обид – 1.Ибодат қилувчи, ибодат билан машғул одам. 2.XVIII асрда яшаган ўзбек адабиётининг вакили Мужримнинг тахаллуси.

Обидона – обид сингари, ибодат қилувчиларга хос.

Обдасст – айнан: қўл суви, қўл-юзни ювмоқ.

Обдаста – офтоба.

Оби дида – кўз ёши.

Оби зиндагоний – тирикчилик суви, оби ҳаёт.

Чу бўлди Хизрдин ул йўл нишони,

Топилди ногаҳ **оби зиндагоний** («Фарҳод ва Ширин»)

Оби Кавсар – 1.Биҳиштдаги бир ҳовузнинг суви. 2.Мажозан: май, шароб.

Оби найсон – айнан: Найсон суви; Найсон (апрель) ойи ёмфири.

Оби марварид – кўз ёши.

Обила – қабарчиқ, қабариқ (яра, жароҳат).

Обиларез – 1.Чечак (хасталик); 2.Кўл ва оёқ қабарчиқлари. 3.Терламоқ.

Обир – ўтувчи, ўтиб кетувчи, юрувчи, кезувчи, юзувчи.

Сув юзинда сабо киби **обир**,

Отини халқ айтибон Жобир («Сабъаи сайёр»)

Оби равон – оқар сув.

Учор эди кўзларидин нақши нон,

Кўз ёши эрди, магар оби равон («Юсуф ва Зулайҳо»)

Оби Фирот – Фирот дарёси, Фирот дарёсининг суви.

Оби ҳайвон – 1.Оби ҳаёт, афсонавий тириклик суви. 2.Сув ҳайвони, сувда яшовчи ҳайвон.

Хату холинг эмастур Хизрдин кам,

Даҳонинг **оби ҳайвондин** қолишимас (Муқимий)

Анинг дардидаги йиғлай-йиғлаю, кўз ёш бўлур қўл-қўл,

Чўмуб ул кўллара, мен **оби ҳайвондек** сузай бот-бот (Самар Бону)

Оби оташранг - оловранг сув, май.

Даҳр иссиф-совуғидин гар фароғат истасанг,

Оби оташрангни қўйма илиқдин ёзу қиши (Навоий)

Оби Хизр – Хизр суви; оби ҳаёт. Оби ҳаётни Хизр топгани учун уни Оби Хизр ҳам дейишади.

Обнош — сув сочувчи.

Оби чоҳ — қудуқ суви.

Тошта эди неъмат ила кинитгоҳ,

Шаҳр ичиди шарбат эди **оби чоҳ** (“Юсуф ва Зулайхон”)

Обнус — қора рангли ёғоч.

Чарх чун тун либосин этти нигун,

Бўлди тун **обнуси** сандалгун (“Саббаи сайёр”)

Обрез — сув тўкиладиган жой.

Обруй — айнан: юз суви, шараф, ҳурмат — эътибор, номус.

Обу алаф — 1. Сув ва кўкат. 2. Емиш, ейиладиган, ичиладиган нарсалар.

Обу дона — сув ва дон; емак-ичмак.

Обу гил — айнан: сув ва лой. Мажозан: олам, Дунё.

Кул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,

Аслинг билсанг **обу гил**, яна гилга кетаро (Аҳмад Яссавий)

Обшор — 1. Шалола, шаршарак. 2. Серсув, сувга бой, суви мўл.

Анҳорида оби Сафо

Себарга, **обшор** экан (Саёҳатнома)

Овар — келтир, келтирган.

Овез — осгин, осилган.

Овеза — осиғлиқ, осилиб турган.

Овон — «он» нинг қўплиги; вақтлар, замонлар

Овоз — 1. Садо, товуш. 2. Наъра, қичқириқ. 3. Мажозан: Шуҳрат.

Овоза — донг, шуҳрат.

Овуч — кафт, қўл, ҳовуч.

Фард киши даврда топмас наво,

Ёлғуз **овучдин** ким эшитмиш садо? («Ҳайрату-л-аброр»)

Огоҳ — воқиф, хабардор, биладиган.

Ки Навшод элида бор эрди бир шоҳ,

Келурдин воқифу кечгандин **огоҳ** («Гул ва Наврӯз»)

Од — ном, исм. 2. Мифик бир шахс.

Надими, ҳамдами Наврӯз **оди**,

Кеча-кундуз фами Наврӯз ёди («Гул ва Наврӯз»)

Бор эди бир чоҳки Шаддоду **Од** –
Қозиб эдию бериб эрди ба бод («Юсуф ва Зулайҳо»)

Одам-1. Инсон. 2.Оллоҳ томондан яратилган илк одамнинг номи.
Жаҳони қўҳнада турмай кетубдирлар **одам**,
Сафарнинг машғули бўл, боғла раҳтингни, эй бегам
(Машраб)

Одами – 1.Инсон, башар. 2.Одамийлик.

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ ҳалқ ғамидин ғами (Навоий)

Одамизод – одамзод – одам ўғли, одам боласи.

Одамият – одамгарчилик, инсонлик.

Одамфиреб – одам фиреб – одамни алдайдиган, одамга
фириб берадиган.

Одил – 1.Адолатли, инсофли. 2.Ануширвон исмли подшоҳнинг
лақаби. Хисрави одил-одил шоҳ, адолатли ҳукмдор.

Қани бир хисрави **одилки**, анга дод этсам,
Сўрса аҳволими ғам хирманини бод этсам (Турди Фарогий)

Одилона – одилларча, инсоф бўйича, бегараз.

Одот – (бирлиги - одат) одатлар, расм-руsumлар

Ож – 1.Фил суяги. Тахти ожи – фил суягидан қилинган
тахт. Мажозан: оппоқ.

Етиб эрди экин бошимга тожи,
Аёғим остида ҳам тахти **ожи** («Фарҳод ва Ширин»)

Ожи – аччик, газабли, дарғазаб.

Интиҳосиз жаврлар ўдлора ёндириди мани,
Ожи сўзлар тотлу жонимдин ўсондурди мани (Фузулий)

Оз – 1.Очкўзлик, ҳарислик, суктойлик. 2.Кам.

Ҳайф, юз минг ҳайф ўзингни айладинг расвои ҳалқ,
Тиймайин нафсингни ҳирсу **оздин** оғоқ аро (Роқим)

К-эй солибон ҳирс оёғингга банд,

Озу тамаъ бўйнуга боғлаб каманд («Ҳайрату-л-аброр»)

Озар – 1.Ўт, олов. 2.Оташкада. зардунгийларнинг муқаллас

масжиди. 3.Эронда қүёш (Шамсия) ойининг 9-ойи (22-ноябрь 21 декабрь).

Озаргун – ўтдай, оловсимон.

Озари – 1.Ўтга сифинадиган, оташпараст. 2.Оловга оид, ўтга тегишли. 3.Озарбайжонли. 4.Озар ойига тегишли, озар ойида бўлган.

Озаркада – Оташкада, Зардуштийларнинг ўтга сифинадиган махсус муқаддас ибодатхонаси.

Озаркеш – оташпараст, оловпараст, ўтга сифинувчи.

Озарм – ҳаё, уят.

Озарпараст – ўтпараст, оловга сифинувчи.

Озарперо – Зардуштийлар ибодатхонасининг руҳонийси.

Озим – тараддуд, отланмоқ, жўнамоқ, йўлга тушмоқ.

Озмойиш – синов, синамоқ, синааб кўрмоқ.

Бу кун пўлод найзамни якжирма қалқонингта **озмойиш** қиласай дерман («Зарбулмасал»)

Озод – 1.Эркин. 2.Тик, адл, тўғри. 2.Мажозан: ёр қадди. 3.Қутқармоқ, озод айлади – қутқарди.

Тилар эл мансаби олий валекин

Атойи сарви **озодингта** banda.

Озодингта кул бўлайки, хатинг кетуруб,
Ҳажринг фамидин айлади озод мени (Бобур)

Озода – 1.Зодагон, асилзода. 2.Тўғри, айбсиз, нуқсонсиз. 3.Фамсиз, ташвишсиз, шод. 4.Озод, эркин, хур.

...хомуш таом емак **озода** мардум шевасидан эрмас («Зарбулмасал»)

Озодихоҳ – озодлик истаган, эрксевар.

Озодаваш – озода сифат, эркин, соф қўнгил, холис.

Хотами Тойига бир **озодаваш**,

Дедики: «Эй ҳимматинг озодакаш»... («Ҳайрат ул-аброр»)

Озодаги – озодлик, хурлик, тозалик, озодалик.

Озода дил – кўнгли хур, бирорвга боғланмаган одам.

Озурда – озор топган, озор еган, ранжиган, азият чекан.

...зинҳор ёмон сўзлаб **озурда** қилманг («Зарбулмасал»)

Озоркаш – азият кўрган, қийналган.

Озоркеш – бирорвга озор беришга ўрганган.

Озорхона — касалхона.

Ойин — 1.Расм, қоида, одат, тартиб... 2.Дин, маслак, мазҳаб.

Жаҳонда қўйди яхши расму **ойин**,

Тузатти дунйини сар то ба пойин... («Гул ва Наврӯз»)

Хуршиди оламтоб заррапарварлиқ **ойинини** қўлдан бермас
(«Зарбулмасал»)

Ойинарӯ — ойна юзли, юзи оппоқ, чехраси тиниқ.

Жумлаи шоҳлар улуғи номдорим келсано,

Дилни зангорини очқон **ойинарӯ** келмади (Муқумий)

Ол — 1.Қизил, алвон. 2.Ҳийла, мақр, алдов. 3.Пешана, манглай.

Мажозан: тақдир. 4.Олд, ҳузури, рӯпара. Ол янгоқ-қизил ёноқ.

Қаро менг **ол** янгоқингқа ярошур,

Бошим доим адоқингқа ярошур (Хоразмий)

Килки қудрат сабз хатлар ишқидин

Ўзга иш **олимға** гўё ёзмади (Навоий)

Оламгард — олам кезувчи, жаҳонгашта.

Гаҳи Шабдези **оламгардидин** деб,

Замоне ганжи бодовардидин деб («Фарҳод ва Ширин»)

Оламтоб — оламни ўртайдиган, жаҳонни ёндирадиган:

Ва ул офтоби **оламтобдек** ҳар ҳомни пишируб, ҳеч маҳлук
ани кундузи кўрмоққа чораси йўқ эрди («Зарбулмасал»)

Олат (қўнлиги - олот) — восита, қурол.

Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида
расаддурким, зиж битмакнинг **олатидур** («Бобурнома»)

Олачуқ — капа, чайла, қамишдан қурилган капа.

Олачукнинг эгаси эрди бир пир,

Ки дарёдин чиқарур эрди тавфир («Гул ва Наврӯз»)

Олми — 1.Олди, ҳузури, қаршиси. 2.Юз яноғи.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх **оллида**,

Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

Оллида гўйин кўрунг, илгода чавгонин кўрунг,

Юзида зулфи била гўйи занахдонин кўрунг (Бобур)

Олом (бирлиги олат — асбоб) — асбоблар, воситалар, ускуналар. Олати ҳарб — ҳарбий асбоб-ускуналар.

Оғир юклар борур ҳангоми ҳам бор,
Яна **олоти** ҳарб анжоми ҳам бор (Фурқат)

Олуда — 1.Беланган, юқсан. 2.Булғанган.

Күлогин чу гүхар фарсада қилмай,
Оғузни ул шакар **олуда** қилмай («Фарҳод ва Ширин»)

Оми — саводсиз, ўқиш ёзишни билмайдиган, жоҳил.

Омилари ҳам мулларанг,
Кўйлак кийиб, дастор экан («Саёҳатнома»)

Омода — тайёрлаш, ҳозирлаш.

Ёяр доми тазвир эл сайдифа,
Килиб субҳадин дона **омода** шайх (Навоий)

Омӯз — ўрган, ўрганган; бад омӯз — ёмон ўрганган;

Барчаси пораву ришватға ўлуб бад **омӯз**,
Халқ қўлига тамаъ бирла тикиб доим кўз (Турди Фарогий)

Онча — шунча, борган сари:

Маломат бирла ортар ишқи пуршўр,
Неча тийған сою **онча** қилур зўр («Гул ва Наврӯз»)

Ораз — юз, бет, чехра, афт.

Орази машъали жаҳонафрўз,
Партави шуъласи келиб жонсўз (Навоий)

Оре — ҳа-ҳа, зотан, албатта. Оре-оре — ҳа-ҳа.

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,
«Кишининг кўзидур, **оре** тарозу» (Лутфий)

Кимки кирди бу чаманға, то гул узмай қолмади,
Оре-оре, гул узарсан, хордин андиша қил (Хувайдо)

Ориқ — тўғри, мусаффо, пок, тоза.

Гули бечора ғофил бу хазондин,
Ориқ кўнглинда кечмас бу гумондин («Гул ва Наврӯз»)

Ориғлиқ су — ариқда оқадиган сув;

Солиб туфроғ устида бир гул ғами,
Ориглиқ судек жисмима печу тоб (Навоий)

Ором – тинчимоқ, тинмоқ.
Топқуча ел суубати **ором**,
Кемага онча бўлмиш эрди хиром («Сабъаи сайёр»)

Осеb/Oсиb – зиён, заар, мусибат, кўргилик, оғат, кулфат.
Ҳажр **осеби** хазонида бўлуб шўридаҳол,
Андалибе мен каби гулзоридин айрилмасун (Муқимиј)

Осieё – тегирмон, сув тегирмони.
Зарра таъсир айламас, ул тош кунгулга гарчиким,
Кўз ёшимдин айланур ул **осиёға** йиғласам (Муқимиј)

На қилдим санга ман, ёrim жамолингдин жудо қилдинг,
Бошимда гарди ғамни чун ҷароғи **осиё қилдинг** (Хувайдо)

Осиф – наф, фойда, даво.
Оташин гул чунки булбул куйдурур юз важҳ ила,
Не **осиф** фарёду аффон бирла минг дастон анго (Навоий)

Остин – енг (кийим енги).
Қайда бўлғай телба расвода яқою **остин**,
Не билур Мажнун деган субҳ ила шому чоштин (Муқимиј)

Осор – 1.Нишона, белги. 2.Асар, адабий мерос.
Субҳдек бир дамда гардун қўймагай **осорини**,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа (Навоий)

Осуда – тинч, хотиржам.
Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдим **осуда**,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда (Бобур)

От – 1.Исм, ном. 2.От /ҳайвон/. 3.Отмоқ. 4.Шахмат фигураси.
5.Улоқтири.
1.Чун парию ҳурдур **отинг**, бегим,
2.Суръат ичра дев эрур **отинг**, бегим,
Ҳар ҳадангеким улус ондин қочар,
3.Нотавон жоним сари **отинг**, бегим (Навоий)

Қүёшға тарқ учун ташлаб руху **от**,
Вале юз қатла ҳар соат қилиб мот («Фарҳод ва Ширин»)

Оташин — 1.Айнан: дарғазаб. 2.Оловли. 3.Мажозан: қизил.
Бу оқшом ҳолима шамъ ўртанур, парвона андин кўп,
Чаманда **оташин** гул, булбули девона андин кўп (Навоий)

Оташғион — ўт сочар, ўтпуркар.
Ул аждарлар ҳама **оташғиондур**,
Фалак баҳри шароридин нишондур (Фурқат)

Офият — соғлик, тинчлик, омонлик, соғайиш.
Офият жонимға етти, эй хуш ул мукким, мени,
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа (Навоий)

Солим ўлмоқнинг сипеҳр осебидин имкони йўқ,
Қилма ҳаргиз **офият** қунжин бу вайрондин тамаъ
(Комил Хоразмий)

Офоқ — Уфқлар, жаҳон, дунё, олам.
Мулқдин адлу карам кетти, келиб кину нифоқ;
Яхшилиқ қилма тамаъ, зулм ила дўлди **офиқ** (Турди Фарогий)

Офтоба — чойдишсимон юз-қўл ювиладиган идиш.
Кичик **офтобани** давот деб олиб,
Ажаб яхши деб киссасига солиб (“Зарбулмасал”)

Офтобачи — хон ёки ҳукмдор қўлига сув куядиган мулозим,
лақаб.
...Абдураҳмон **офтобачидек** ҳалқнинг лаънат сўзидан
чиқмай юрма (“Зарбулмасал”)

Охирулъамр — охири, иш ниҳоясида, иш сўнгида.
Охирулъамр, сангпушт...муддао истидъосининг соҳилига
ўзини олди (“Зарбулмасал”)

Очиғ — аччиқ.
Лаъли шириндинки қилдинг айшни жонимға талх,
Неча **очиғ** сўз демак? Бир қатла шаккарханд қил (Навоий)

Қүёш магриб сори ёшурса дийдор,
Туман минг заррадин бир йўқ падидор (“Фарҳод ва Ширин”)

Падруд — хайрлашмоқ, видолашмоқ, хайр-маъзур.
Нечук Булбулни падруд этти Наврӯз,
Бу кез ҳаддин ошурди оҳи дилсўз (“Гул ва Наврӯз”)

Пажмурда — сўлғин, қовжираган, беҳол.
Бу ҳолатда Гули пажмурда аҳвол,
Кўпуб Савсан эвина кирди дарҳол (“Гул ва Наврӯз”)

Пай — 1.Оёқ. 2.Оёқ изи. 3.Орқадан, издан. 4.Авлод, насаб.
Киши ҳар неча йўл қилғон эса тай,
Ҳамул йўлдин чиқорса ногиҳон пай (“Фарҳод ва Ширин”)

Ул **пай** чу етиб жавории ҳай,
Хайдин чиқибон яна ики пай (“Лайли ва Мажнун”)

Пайваст — тулаш, узлуксиз, бириккан, бутунлай, яккаш.
Анингтек чоғда етти Булбули масти,
Ки Гул ишратда машғул эди пайваст (“Гул ва Наврӯз”)

Пайваста — 1.Туташ. 2.Тинимсиз, кетма-кет, узлуксиз.
Йўқ қутимоқлиғ менга ул офати жон дастидан,
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар хаданг
(Фурқат)

Жонима пайваста новак отқали,
Фамза ўқин қошифа ёлаб дурур (Навоий)

Пайи — учун, туфайли, йўлига.
Олиб неча пулни **пайи** нафси рев,
Зиҳи макру майрангу афсуни дев (Махмур)

Пайк — элчи, хабарчи, даракчи.
Эй **пайк**, банда арзларин ул шаҳриёра де,
Мажруҳ кўнгли, борму анга ҳеч чора, де (Муқимиий)

Пайкар — 1.Вужуд, тан, бадан.2.Киши, гўзал.
Топмадим васлига йўл, айлаб хаёлу ўйлар,
Пайкарим ғамдин заиф ўлди, чунончи мўйлар (Муқимиий)

Пайкароро – айнан: тан безатувчи, жисм ижодкори, құзгу ихтироочиси.

Неким кейнида ёзмиш **пайкароро**,

Санга юзинда бұлғай ошкоро (“Фарҳод ва Ширин”)

Пайкон – камон ўқининг металл учи. Мажозан: киприк.

Құнглум ичра сарв үқдур, фунча-**пайкон**, тул-тикон,

Даҳр бори ичра мундоқ гулситоне топмадим (Навоий)

Паймо – сүз бирикмасида келиб, тузмоқ, кезмоқ, ўлчамоқ, юрмоқ, юзмоқ маъноларига молиқдир. Қоғияпаймалиғ – шоирлик.

Етмадим ҳеч ера бу қоғияпаймалиғдин,

Дод, юз дод, фариблиғ, фами танҳолиғдин (Турди Фарогий)

Замона аҳли ичра, эй күнгүл, оё топулғайму,

Сенингдек даршаймоу, менингдек даршаймуда? (Бобур)

Паймон – аҳд, ваъда.

Синди қани **паймоним**,

Бир меҳру вафо айланг (Муқимиј)

Паймона – қадаҳ, коса, пиёла.

Соқиё, даврингда даврон мости жому комёб,

Навбатимни бир қуруқ **паймона** қилмай қўймадинг

(Муқимиј)

Пайғом – хабар, дарак.

Эй шўхи дилоромим,

Етса санга **пайғомим** (Муқимиј)

Пайғора – таъна, маломат, масхара.

Аён атрофида **пайғора** бисёр,

Ки идрокида бўлмай ақлу ҳис ёр (“Фарҳод ва Ширин”)

Паланг – йўлбарс.

Баҳр аро офате нечукки наҳанг,

Беша ичра нечукки шеру **паланг** (Муқимиј)

Палиска – полиция.

Сой, ариеларга сават бирлан **палиска** оғдариб,

Пишганидин бўғилиб безор экан тар мевалар (Муқимиј)

Панд – 1.Насиҳат, ўтит. 2.Алдов, алданиш.

Бўлмишам девона сол бўйнимга зулфинг бандини,
Ўтти иш андинки қилсам гўш носиҳ **пандини** (Навоий)

Отадин дам урма, **панд** ерсан (“Зарбулмасал”)

Панж – беш. Панж ганж-беш хазина /Низомий Ганжавий
“Хамса”си шу номда шуҳрат қозонган/.

... “**Панж ганж**” авроқига гавҳарпош рақами тортилиб эрди
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Пар – пат, қуш пати.

Ер ўпти Булбули шўрида дарҳол,
 Қилибон зарқу кўшишдин **пару** бол (“Гул ва Наврӯз”)

Паранд – 1.Ханжар, қилич. 2.Шоҳи, ҳарир мато.

Туғиб чин-бачин қўлда печонд каманд,
 Осиб хўдидан шуққа чиний **паранд** (Навоий)

Паранда, парранда – учадиган, учувчи, қуш.

Осуда чарандаву **паранда**,
 Уйқуда газандаву даранда (“Лайли ва Мажнун”)

Парво – 1.Эътибор, илтифот. 2.Андиша, фикр, хаёл.
 3.Куюниш, ғамхўрлик. 4.Рағбат, майл. 5.Қўрқув. 6. Қоқиок, қарамоқ.

Қилиб оҳим сари **парво**, буён майл этмадинг қатъо,
 Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам (Навоий)

Парданишин – 1.Қизнинг уй доирасидан ташқарига чиқмаслиги,
 поклиги. 2.Узлатта чекинган, ёлғизлик ихтиёр этган, чиллага ўтирган.

Гули **парданишини** зор этма,
 Бузургу кўчик ичра хор этма (“Гул ва Наврӯз”)

Пардоз – Сўз биримаси тартибида келиб, қилувчи,
 бажарувчи, айтувчи. Афсонапардоз – ҳикоя айтувчи, эртакчи
 сингари маъноларни ифодалайди. қинпардоз – хусумат қилувчи:

Етгач-ўқ бўлди разму **кинпардоз**,
 Қилдилар кин алар доги оғоз (Навоий)

Афсонапардоз — ҳикоя айтувчи, эртакчи.

Бу сўз ангезман **афсонапардоз**,

Навода Зухраи заҳроға дамсоз (“Гул ва Наврӯз”)

Париваш — пари симон, паридай.

Анга рокиб ҳамиша ул **париваш**,

Бўлуб ул дев пайкар ҳам парикаш (“Фарҳод ва Ширин”)

Паривор — пари сингари, пари каби, паридай.

Ўгул-қиздин Гул отлуқ бир қизи бор,

Ким асрар халқдин пинҳон **паривор** (“Гул ва Наврӯз”)

Паргор — Циркул. Доира чизишда қўлланиладиган асбоб.

Пари — 1.Афсонавий Кўхи Қофдаги ҳур қизлар. 2.Мажозан: севишган ёшлар.

Гулоб афшон чу бўлди юзларина,

Парилар келди ногаҳ ўзларина (“Гул ва Наврӯз”)

Парихон — ўтмишда телбаларни даволаш учун парихонга ўқитишарди. Гёё кишини пари чалгани учун у девона бўлармиш. Шунинг учун унга қарши дуо ўқилади.

Келтурунг дағъи жунунимға **парихон**, йўқ табиб,

Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа (Навоий)

Паришон — 1.Дайди, тутуруқсиз. 2.Тарқоқ, сочилган, тартибсиз. 3.Беҳуда.

Ки, эй пургўйи бемағзи **паришон**,

яна қайдин кетурдинг ушбу достон (“Гул ва Наврӯз”)

Магар бўлғайму бу ўғлон паришон,

Қўюб ёнғай бу савдои **паришон** (“Гул ва Наврӯз”)

Парканд — парча, бўлак.

Бўлмасин бу тумаъдин маҳрум ул қўй итлари,

Эй ажал, тақсим учун бағримни юз **парканд** қил (Навоий)

Партав — ёлқин, шуъланинг тушиши.

Орази машъали жаҳонафрӯз,

Партави шуъласи келиб жонсўз (Навоий)

Пархон — жанг, уруш, кураш.

Чу пархонидин хасм бўлди нажанд,
Анга ташлади ўйла печонд каманд (“Садди Искандарий”)

Пас — 1.Энди, кейин. 2.Муддат /уч соат/. 3.Демак. 4.Орқа, кет,
кетин. 5.Бегона

Ётур ери, тўшаги ер эди **пас**,
Кунинча балиф эти ер эди бас (“Гул ва Наврўз”)

“Тўй муборак” дейишиди пешу **пас**,
Деди: - Мундоғ деманг, бу тўй эрмас! (“Тўй”)

Пашиз — чақа, сариқ чақа.

Тожир олиб ул сифат нақди азиз,
Ахз этиб гаввос бир-икки **пашиз** (“Лисону-т-тайр”)

Пақир — тўғриси — “бақар”. **Бақар** — сариқ чақа.

Олай деса, конторда йўқ бир **пақир**,
Деса: олмайин, ул заколат **куйир** (Муқимий)

Пероя — зеб-зийнат, безак.

Кийиб аҳли фино юз ранг хилъат,
Тўло бошдин-оёқ **пероя** наврўз (Огоҳий)

Печ — 1.Тўлғаниш, букланиш, буралиш, ўралиш.
2.Чалкашлик, тугун. 3.Печка. 4.Мажозан: асбоб, восита. 5.Соч
ҳалқаси, бурами, жингалаги.

Зулфидин сунбул айлабон юз **печ**,
Оғзидин фунча айтмай ҳеч сўз (Навоий)

Яна ҳар неча боқсанг кўрмагунт ҳеч,
Ишинг сарриштасифа тушгуси **печ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Совуқ қайда экан ороми жон **печ**,
Дегайким баъзи нодонлар: “Ёмон **печ**” (Муқимий)

Печать бойламоқ — айнан: муҳрламоқ. Савдо дўкони эшигини
таъқиб этиб қулфлаш, яъни савдони ман этиш. Бу жарима
заводга нисбатан ҳам қўлланилади.

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,
Муқаррар дегайким, **печат бойласин** (Муқимий)

Печон – чирмаш, чирмашиқ, чирмашган.

Тутиб чин-бачин құлда **печон** каманд,

Осиб хұдидин шуққа чиний паранд (“Садди Искандарий”)

Печу тоб – 1. Тұлғаниш, изтироб. 2. Ипнинг ўралиши ва товланиши.

Буюрди солмоқ очиб **печу тобин**

Фалак буржига ўргамчи танобин (“Фарҳод ва Ширин”)

Солиб туфроғ устида бир гул ғами,

Ориглик судек жисмима **печу тоб** (Навоий)

Пеш – 1. Олд. 2. Қариндош. Пешу пас – ўз ва бегоналар.

“Түй муборак” дейишиді **пешу** пас,

Деди – Мундоғ деманг, бу түй эрмас! (“Түй”)

Пеша – одат, хунар, қасб.

Ким жазоирдаким тутуб беша,

Ул кишига бу иш бўлуб **пеша** (“Сабъаи сайёр”)

Пешаварлик – хунармандчилик, косиблик.

Ҳамул хайл ичра айлаб **пешаварлик**,

Демайким пешаварлик, тешаварлик (“Фарҳод ва Ширин”)

Пешкаш – тортиқ, совға, инъом, ҳадя.

Улар суюнчи ва неча турлук моҳазар **пешкаш** қилдилар

(“Зарбулмасал”)

Пешомад – меҳмонни кутиб олишдаги мулозамат; “Хуш келибсиз” деб эъзозлаш. Айнан: олдин келди.

Мен меҳмон бўлсан, қўлган **пешомадинг** шулми? (“Зарбулмасал”)

Пил – фил.

Пил ўлса сенинг ҳасминг, десангки зарар топмай,

Бир пашшага оламда еткурма зарар ҳаргиз (Навоий)

Пинҳоний – яширин, яширинча.

Пир – 1. Қари, мўйсафид, чол. 2. Диний раҳбар.

Ки, эй шоҳи жавонбахти жаҳонгир,

Ҳаросон бўлди сендан Баҳмани **пир** (“Гул ва Наврӯз”)

Пирисак, пирсак — қари ит.

Дедим пирға күб сиёсат қилиб,
“Ки эй пирисак” деб ҳақорат қилиб (Хиромий)

Писандида — Яхши, мақбул, ёқимли, сараланган, манзур, хоҳланган, исталган.

Ҳар кимки сафар қылса, писандида бўлур,
Хуршид каби зиёи ҳар дига бўлур (“Зарбулмасал”)

Оре, бу йигит покликдин араб ичра машхур ва ҳамида атвори писандида (“Зарбулмасал”)

По, пой — оёқ. Зери по — оёқ ости; ургил пой-теп.

Ҳамиша куйдуруб шамъи фироқинг бирла жонимни,
Мени парвонани хокистарини зери по қилдинг (Хувайдо)

Нафсинг сени қаттиғ бало, албатта ургил пой анга,
Ҳар дам сени ўтқа солур, зинҳор берма рой анга (Хувайдо)

Побўс — оёғини ўпиш, ўта эъзозлаш.

Боқийи умрингни сарфи мардуми фаҳмида қил,
Макдаминда бош кўйуб, побўси мардумдида қил (Турди Фародий)

Подош — эваз, мукофот, бадал, жавоб, қайтим.

Кимгаким қилдим вафо, ваҳқим, жафо подош эди,
Оlam аҳлида вафо мавжуд эмас беиштибоҳ (Навоий)

Подшоҳ — 1.Шоҳ. 2.Мажозан: ёр, севгили, маъшуқа.

Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ, гадо деб ахтаринг,
Тутманг ҳаргиз номими, баҳти қаро, деб ахтаринг (Муқимий)

Поён — ниҳоя, чек, охири, сўнги.

Матбах аро юз тева қурбон эди,
Кўю қўзи беҳаду поён эди (“Ҳайрату-л-аброр”)

Позмон — мулзам, хижолат.

Шўхим на сўрарсен, не ишинг бор бу замони?
Позмон бўла қолдим (Хувайдо)

Поӣ — оёқ. Пой дар гил — оёғи лойга ботган, чорасиз.

Узатти ўғлини бир неча манзил,
Қолибон кўз ёшидин пой дар пил (“Гул ва Наврӯз”)

Поймол - оёқ ости, топталган.
Ер... поймоли ҳар аҳли дундур (“Зарбулмасал”)

Пок – 1.Бутунлай, тамоман, буткул. 2.Тоза,соф, покиза. 3.Бўш, холи. 4.Маҳрум. 5.Тузук. 6.Ҳалол, мусаффо. 7.Иффатли аёл.

Покбоз – тўғри қаровчи, фаразсиз нифоҳ ташлайдиган, оққўнгил.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур **покбоз**,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун (Навоий)

Пора – 1.Парча, бўлак. 2.Даъвогарнинг ишни ўз фойдасига ҳал қилиш учун қози ё амлдорга берадиган маблағи.

Эй қўнгул, юз пора қиласа ёр тифи замон ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёслигини ёр анга (Бобур)

Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос,
Порасиз ўтмас сенга юз илтимос (Муқимиј)

Барчаси пораву ришватга ўлуб бадомўз,
Халқ қўлиға тамаъ бирла тикиб доим кўз (Турди Фароғий)

Порсо – художўй, ўзини ёмон ишлардан сақловчи.
Улки маству бехабар дер ишқи жомидин мени,
Гўйёқим, англамайдур **порсолардин** хабар (Навоий)

Пос – вақт бирлиги: кеча-кундузнинг саккиздан бир қисми:
уч соат.

Урмагайсен посбонлиғ лофи кўк қўрғонида,
Воқиф ўлсанг, эй ажал, ҳажрим туни бир посидин (Навоий)

Посбон – “пос”дан дарак берувчи киши. Илгари соат ихтиро қилинмаган даврларда ҳар бир шаҳарда посбон бўларди. У кеча ва кундузнинг ҳар посидан /бир пос-уч соат/ шаҳар халқини хабардор қилиб турарди. / “Пос” мисолига қаранг./

Посух – жавоб.

Миҳинбону бу янглиғ сўрди **посух**,
Ки, эй алфози хуш, дийдори фарруҳ... (“Фарҳод ва Ширин”)

Поя – 1.Мартаба, қадр-қиммат, даража. 2.Зина, пиллапоя.
...ұзлари маъно **поясидин** бебаҳра эканлар (Гулханий)

...Қалъаи Балх үлди чу дарвозабанд,
Пояи зулм үлди бағоят баланд (“Юсуф ва Зулайхо”)

Пуд – арқоф. Мато түқишида энидан тизиладиган тола. Тору
пуд – ўриш ва арқоф.

Пул – 1.Күпприк. 2.Маблағ.

Кесиб бир шитолангни ҳам икки йүл,
Равон айла Жайхуну Сайхунга шул (Махмур)

Пур – тұла. Пурхатар – хатари күп, хатарли, құрқинчли.
Айладим зоең үйгитлик, күси риҳлат ети, ҳайф,
Пурхатар водийда саргардон абас умр үтти, ҳайф (Муқимий)

Пургүй – күп гапирадиган, вайсақи, эзма, серган.
Пургүй ва паришонгүй эди (“Бобурнома”)

Пурдард – дардли, дардга тұлған, үта қайғули.
Аннингдек нолалар бошлади **пурдард**,
Ки субҳ ул ноладин урди дами сард (“Гул ва Наврұз”)

Пурзар – тиллага тұла, олтинг тұла; кисай пурзар – тилла тұла
хамён.
Кисай **пурзар** әмиш әлга хунар,
Бехунар әлни дедилар: реши хар (“Зарбулмасал”)

Пурзүр – фоят кучли, бақувват, қаттиқ.
Чарчаши билмас юрсалар,
Пурзүр кетмон урсалар... (“Саёхатнома”)

Пуркор – 1.Сер иш, сертараддул, фаол. 2.Иш күрган, күп билади-
ган; 3.Жуда таъсирчан. 4.Күп иш сарфланған нарса. 5.Зийрак. 6.Айёр
Сен киби **пуркор**, шеваси биссёр,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд (Бобур)

Минди яғоч устиға нажжордек,
Косиби пуркардаи **пуркордек** (“Зарбулмасал”)

Пурмай — май тұла; шишайи пурмай - май тұла шиша.

Шишайи **пурмай** уза, овоз бермас, тегса тош,
Мағзи йүқ бемағз учун берди садоҳойи жарас (Ҳувайдо)

Пур об — суви мұл, сувга тұла, серсув:

Құпуб Булбул паришону мушавваш,
Күзи **пур об** ўлуб, жони пур оташ (“Гул ва Наврӯз”)

Пур оташ — айнан: оловга тұлиқ. Үртантан, куйган. / “Пур об” мисолига қаранг./

Пурсұз — ўта күйдирувчи, жуда изтиробли.

Тек ўлтурғач ҳавое қилди Наврӯз,
Эярлатти отин бо дарди **пурсұз** (“Гул ва Наврӯз”)

Пурхатар — хатарлы, хатари күп.

Кечакундуз толиби жүёйи пири роҳбар,
Күйма бейілдош қадам, манзил узоқ, йўл **пурхатар**
(Турди Фарогий)

Пурхок — тупроққа тұла. “Оғзини пурхок қилмоқ” — “Оғзингга тупроқ!” яъни ўлгин, деб қарғамоқ.

Әшитгач Гул аъзосин чок қилди,
Айтған оғзини **пурхок** қилди (Ҳайдар Хоразмий)

Пурхун — қонга тұлған.

Кемадин ҳар дам чиқиб рангин сув кўзим қонидек,
Анда ёр андоқки мардум дийдаи **пурхун** аро (Навоий)

Пуршўр — серғовға, шовқин-суронли, тұполонда.

Кўзум жодусидин Кашмир **пуршўр**,
Сочимдин Чин ичинда форати Fўr (“Гул ва Наврӯз”)

Пўзиши — узр сўрамоқ. Пўзиши гарм-қизғин узр сўраш.

Ва гар кўрса иш бутмас озарм ила,
Темур юмшамас **пўзиши** гарм ила (“Садди Искандарий”)

Пўлодчанг — қаттиқ қўл, шафқатсиз.

Тунд бўлиб қотили **пўлодчанг**,
Деди, икингизни чопай бедаранг (“Ҳайрату-л-аброр”)

P

Раб — 1.Худо, Тангри. 2.Эга, хұжайин, хұжа.

Хар лаҳза қил анга юз иноят, ё Раб,
Оллиға ёрут шамъи ҳидоят, ё Раб (Навоий)

Раббил оламин — олам әгаси, Худо.

Омин, ё раббил оламин (“Маҳбубу-л-қулуб”)

Работ — 1.Интизом. 2.Боғланиш, алоқа. 3.Тузатиш, яхши ҳолатта келтириш.

...агарчи ёшда кичик эрди, тузуку ва забту **рабти** бисёр яхши эди (“Бобурнома”)

...қўрғоннинг бурж ва борусининг забт ва **рабтига** машғул бўлдилар (“Бобурнома”)

...иккинчи девонимдаким “Наводирун ниҳоя”га машҳурдур, **рабт** ва тартиб бериб, дебочасида... арз қилиб эрдим (Навоий)

Равза — 1.Боғ, сабзазор, гулшан. 2.Мақбара, мозор, улуғлар қадам жойи. 3.Макон.

Шаҳр ичи дўзах киби зиндан эди,
Ташқари чун **равзай** ризвон эди (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Ё нишот аҳли турарда **равзай** шаҳри сиём,
Нисфи синмай қолди синдургонда жоми ишратин (Мунис)

Раво — 1.Мумкин, муносиб, ўринли. 2.Равон — юрувчи сўзининг қисқарган шакли. 3.Чиқариш, чиқиш, чиқарувчи. 4.Рай, истак, ихтиёр, майл. 5.Ўтадиган, таъсир қиласиган: ҳукмраво, фармонраво сингари. 6.Майл.

Жамолу ҳуснингга сўз йўқ, вафо керак бўлса,
Мени ҳуд ўлтурадурсен, **раво** керак бўлса (Лутфий)

Мен ҳам бу ишда ҳаммоликка **равом** йўқ... (“Зарбулмасал”)

Равон — 1.Тез, дарҳол; 2.Қон. 3.Ҳаракатдаги, юрувчи. 4.Жўнатмоқ, юбормоқ. 5.Жон. 6.Оқизмоқ.

Тез:

Үз мулкингизга азм этингиз,
Жон кераклик эса **равон** кетингиз (“Сабъаи сайёр”)

Жұнатмоқ:

Хар не иш бұлғонин баён этти,
Шоҳ Нұймон сори **равон** этти (“Сабъаи сайёр”)

Орувчи:

Эй сарви **равон**, надур хаёлинг,
Жон үртади ваъдаи висолинг (Навоий)

Оқувчи:

Ишқ шартидин эмас сирри муҳаббат бұлса фош,
Күрқаман күздан сиришкимни **равон** айлай десам
(Муқимий)

Жон:

Равон баҳш айлар үлган элга захри фурқатинг бирла,
Лаби лаълинг суйиким оби ҳайвондек зулол эрмиш (Мунис)

Равона бұлмоқ — жұнамоқ, жұнаб кетмоқ, юрмоқ.
Күркүш...Кулонкир султон хизматига **равона бұлди**
("Зарбулмасал")

Равоқ — 1.Йирик бинолар олдида қурилған юксак пешайвон.
2.Мажозан: дунё, жақон.

Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу күхна **равоқ**,
Ёғдурур бошимиза санги жафо, гарди фироқ
(Турди Фарогий)

Раг — томир.

Бода нашъаси Кордон била Бойұғли **раглариға** токка сув
юргандек югурди ("Зарбулмасал")

Рагларимда қоним үрниға равондур фикратинг,
Пайкаримда оташи ишқинг эрур иссиф ҳаёт (Алмай)

Раёхин - /Бирлиги — райхон/. Райхонлар, чечаклар.

Сабза, **раёхин**, анвои гуллар, чечаклар касратидин...
мунаққаш күринур әрди ("Зарбулмасал")

Разм – Уруш, жанг, олишув, қураш.

Етгач-ұқ бүлди **разму** кин пардоз,
Құлдилар кин алар дөғи оғоз (“Сабъаи сайёр”)

Раис – муҳтасиб. Шариат ақомлари ижроси ва жамоат тартибини назорат қылувчи киши.

“Бир-иков нақора орқасига дарра бирла коҳили намозни урган **раисдек** ура бердилар” (“Зарбулмасал”)

Раяят – халқ, әл, аҳоли, фуқаро.

Бүлди **раият** галаву сен – шубон,
Ул шажари мусмиру, сен – боғбон (“Ҳайрату-л-аброр”)

Рам - 1.Хүркмоқ. 2.Тортинмоқ.

Мандин чу оху **рам** құлди бадхұй,
Булким ғаразгү түшти арова (Муқимий)

Рамақ – жон чиқар пайти, сүнги нафас.

Етди **рамаққа** жониму, келмас хәёлиға,
Наззора қиласай демагай зори ҳолиға (Муқимий)

Рамуз – /Бирлиги – рамз/.1.Имолар, ишоралар, белгилар.
2.Үзаро келишилган яшириң белги, шифр. 3.Зийраклиқ.

Истаманг девонадин, эй ҳүш аҳли, фаҳму **рамуз**,
Ҳажрида тунларни үткардим тириқдурман ҳануз (Муқимий)

Ранж – азоб-уқубат, қийналиш, азоб.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жанг жадал, **ранжу** риёзат барча беҳуда (Бобур)

Рас – 1.Айнан: етгин. Бу сўз сўз бирикмасида келиб “етувчи”
маъносини билдиради. 2.Марта (“раз” сўзи)

Шамдек жонлар қуюб, жисм ўртанур монанди хас,
Еткудек додимға қўрмай бораман **фарёдрас** (Муқимий)

Мулло Эргаш деган первой **рас**

Бүлди мухториятда Мири алас (Завқий)

Расад – 1.Обсерватория, осмондаги юлдузларни кузатиш учун
максус қурилган бино. 2.Фисса, қисм. 3.Қарамоқ, кузатмоқ.
4.Юлдуз ва осмон жисмларини кузатиш.

Пуштаи Күҳак доманасида **расаддурким**, зиж битмакнинг олатидур (“Бобурнома”)

Расан – ип, чилвир, арқон.

Сочи айлаб каманд бўлмоқ фан,
Мехр бўйнина тортар эрди **расан** (Навоий)

Раста – бозорда нарсалар тизилиб сотиладиган жой.

Чойхўридин кўнкори кўп,
Бир **раста** носу банг экан (“Саёҳатнома”)

Рафев – 1.Юксак, баланд. 2. Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” достонидаги бир персонажнинг исми.

Рафев айтурким: “Мен Наврӯзнингмен,
Бу зебо моҳи меҳр афрӯзнингмен.” (“Гул ва Наврӯз”)

Рафиқ – ўртоқ, жўра, дўст, улфат, биродар, сирдош. 2.Йўлдош.

Сен вафо хусн аҳлидин қилма таваққуь, эй **рафик**,
Ким мен ушбу хайлнинг хусни вафосин кўрмадим (Навоий)

Сафарда рафиқ керак (“Зарбулмасал”)

Рафтор - 1.Хатти-ҳаракат. 2.Ахлоқ-одоб. 3.Юриш.

Магар ваҳм адҳамидур тез **рафтор**,
Не адҳам, жардаи Шабдез рафтор (“Фарҳод ва Ширин”)

Боғ аро, жоно, ўшалким жилва бунёд айладинг,
Кабк ила товусни **рафторингта** мунқод айладинг (Навоий)

Раффо – мата ё гилам йиртигини тўқиб тузатадиган киши. қ. руфу.

Рафъ – кетказмоқ, орадан кўттармоқ, ечмоқ.

Ки, эй Мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки хуш эттинг,
Такаллум қил бу соғарни ичиб, **рафъи** ҳижоб айлаб (Навоий)

...ул дағдагаларни буларнинг хотиридин **рафъ** қилиб ...мени олиб ёнди (“Бобурнома”)

Рахнагар – рахна солувчи, бузувчи, вайрон қилувчи.

...эй...дин маъмураси биносининг **рахнагари**... (“Зарбулмасал”)

Рахт – 1.Күч-күрон. 2.Уй асбоб-анжоми. 3.Кийим-кечақ.
4.Қаллиғ сепи, келин юки.

Күрарким сүзлашур бир неча бадбаҳт:
Ки: “Гул боғлади Фархор элидин **рахт**” (“Гул ва Навruz”)

Раъс – бош.

Бирраъси вальайн! –бош ва құз устига /марҳамат/ (“Зарбулмасал”)

Раъят – байроқ.

Чу зулмат **раъяти** бұлди нигұнсор,
Күёш Искандарі күргузди рұхсор (“Фарҳод ва Шириң”)

Рақам – 1.Хат, белги. 2.Сон, саноқ. 3.Ёзилған нарса.

...ул рақамкаш таърифин **рақамға** кетурмак
 (“Фарҳод ва Шириң”)

Рақамкаш – муаллиф, ёзувчи, хат ёзувчи.

...рақамкаш таърифин рақамға кетурмак (“Фарҳод ва Шириң”)

Раҳбон – роҳиб, руҳоний, бутхона хизматчиси.

Күруб **раҳбон** ўшул иккى санамни,
Неким бутхонаға урди қадамни (“Гул ва Навruz”)

Раҳзан – йўлтўсар, қароқчи, ўғри.

Тоғ ичра **раҳзан** баччагар.
Кўп элни қақшатгон экан (“Саёҳатнома”)

Раҳн – гаровга қўйилған нарса.

Хирқа жинсин **раҳн** учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун бўлмаса (Навоий)

Раҳнавард – йўл юрадиган, йўл босадиган, йўловчи.

Қаламким **раҳнаварди** тезтақдур,
Азалдин манзили фавқул-фалакдур (“Фарҳод ва Шириң”)

Раҳнамо – йўл кўрсатувчи, йўл бошчи, йўлловчи.

Пурхатар водийда саргардон абас умр ўтти, ҳайф,
Йиғламайму, йўлга солмас **раҳнамолардин** бири (Муқимий)

Реза – 1.Майды, ушоқ. 2.Бебаҳо. 3.Ёш бола.

Реза-реза ун каби чарх осиёсидин сүнгак,
Тангу торик ўлди олам күзга монанди катак (Муқимий)

Тили дурпош, ўзи покиза гавҳар,
Хирожи мулк, йўқум, **реза** гавҳар (“Фарҳод ва Ширин”)

Кичигу катта, хурд ила **реза**
Қилдилар бир-бирига истеза (“Туй”)

Реп – 1.Жароҳат, яра. 2.Яғир.
Ҳар бири занбур киби урди неш,
Бўлди онинг гул бадани жумла **реп** (“Юсуф ва Зулайхо”)

Реша – илдиз.
Бориб анга кесди яғоч **решасин**,
Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин (“Зарбулмасал”)

Ривоят қўлмоқ – қисса сўзламоқ, ҳикоя нақл қўлмоқ.
Ровийлар андоқ **ривоят қилурлар**... (“Зарбулмасал”)

Ридо – шайхлар ва дарвишлар елкасига ташлаб юрадиган
шарфсимон оқ мато.
Мингбошиси сўфинамо,
Тасбеҳу бўйнида **ридо** (“Саёҳатнома”)

Риё – иккиюзламачилик.
Риё баҳри ичра тамаъ завриқин
Солибтур асадин тутуб хода шайх (Навоий)

Риёзат – кўнгил тилаган нарсалардан ўзини тийиш,
қийналиш, машаққат чекиши, азоб тортиш.
Неким тақдир бўлса, ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу **риёзат** барча беҳуда (Бобур)

Рижол – /Бирлиги – ражул/ эрлар, эркаклар.
Лутф қилиб қилди алардин савол,
Дедики: “Қайдин келасиз, эй **рижол**?” (“Юсуф ва Зулайхо”)

Ризвон – 1.Шодлик, хурсандлик. 2.Мажозан: жаннат. 3.Жаннат
боги.

Киши тубию қавсар, жаннату **ризгонни не қылсун?**
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиф анжуман бўлса (Фурқат)

Рикоб — Узанги. Аҳди рикоб — шоҳ ёки зодагон етовида юрганлар.
Баногаҳ учради от ўйнатиб бир дилрабо ёлғуз,
Рикобига суреб кўз, қўл очиб қылдим дуо ёлғуз (Муқимиј)

Ринд — айш-ишратдан ўзини тимайдиган, ичадиган, бепарво, доно киши.

Фано майхонасиға сол мени, эй **ринди** орифким,
Фамимни ўксутур дайри фано, майхона андин кўп (Навоий)

Рисолат — 1.Мактуб. 2.Элчилик. 3.Пайғамбарлик.

Анга ҳам тавқи ўлсун, ҳам асолат,
Миҳинбонуға еткурсун **рисолат** (“Фарҳод ва Ширин”)

Рифъат — юксаклик.

Даҳр қилғондин яланг бошини тенг туфроғ ила,
Не хабар улким, етар гардунға тожи **рифъати** (Навоий)

Риш — соқол.

Бузда **риш**, эшакда жон, тўти гапургони била,
Эй афандим, сизга ул албатта инсон бўлдиму? (Муқимиј)

Ришват — пора. қ. пора.

Барчаси пораву **ришватга** ўлуб бад омўз,
Халқ қўлиға тамаъ бирла тикиб доим кўз (Турди Фародий)

Ришта — ип, чилвир.

Ёслингким жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидинdur магар ҳар анга (Бобур)

Риҳлат — 1.Сафарга жўнаш. Мажозан: у дунёга ўтиш, ўлим.
Тоатим йўқтур, матоимдур гуноҳ, юқ битти ҳайф,
Айладим зоеъ йигитлик, қўси **риҳлат** етти, ҳайф (Бобур)

Ровий — ривоят қилувчи, афсона айтuvчи, эртакчи.
Аммо **ровийлар** андоқ ривоят қилурлар... (“Зарбулмасал”)

Рожеъ — қайтиш, олиб ташлаш, қайтиб кетиш, яшириш.

**Фалақдин меҳри анвар бўлди толеъ,
Қоронгулуқни қўздин қилди рожеъ** (“Гул ва Наврӯз”)

Роз – сир, яширин, маҳфий сўз.

Сўрар Гул ҳар замон Наврӯздин **роз**,
Қилур ҳар лаҳза Булбул бир наво соз (“Гул ва Наврӯз”)

Рой – фикр, мулоҳаза, қарааш.

Рой кўп урдилар тузуб маҳфил,
Шаҳсиз ўлса сипоҳ, йўқ ҳосил (“Сабъаи сайёр”)

Ройгон – бекор, беҳуда, текин, йўлдан топилган, мўмай.
...нағма **ройгон** кетти (“Зарбулмасал”)

Ройиха – ёқимли ҳид, хушбўй ис.

Кўруб қизлар бу ишдин бўлдилар мот,
Гулобу **ройиха** келтурдилар бот (“Гул ва Наврӯз”)

Рокиб – сувори, умуман улов мингандиши.

Минса абраш ул қуёш куймай нетайким, Бобуро,
Мени кайдурмакка елдур маркаб, ўтдур **рокиби**.

Рост – 1.Тўғри, чин, ҳақиқат. 2.Тик, тўпла-тўғри, адл. 3.Мос, мувофиқ. Рост навис – тўғри ёзадиган. 3. “Шашмақом”нинг бир бўлими.

Учинчи муншийи **рост навис**... (“Зарбулмасал”)

Келур бир карвон ул йўл била **рост**,

Йўлуқушти шаҳаншоҳ бирла бехост (“Гул ва Наврӯз”)

Элининг тили қалам била **росттур** (“Бобурнома”)

Рофизи – 1.Ўз бошлиқларини ташлаб кетган гуруҳ ёки ҳарбий кишилар. 2.Шиа мазҳабидаги бир гуруҳ кишилар низо туфайли ўз бошлиқлари Зайд бинни Алини ташлаб кеттанлар. 3.Шиалар Мұхаммаддан кейинги уч халифа /Абубакр, Умар, Усмон/ни рад этганлари учун сунний мазҳабдагилар шиаларни рофизи деб атаганлар.

Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,

Буларинг олдида бор **рофизининг** инсофи (Турди Фарогий)

Рош – ариқ четидаги тупроқ.

Бұлма гунаң даشتі аро навмишлик лаб ташнаси,
Кім авғ ёғи ичра сув мавжи етар **рош** устина (Оғажий.)

Роқим – 1.Хат ёзувчи, котиб, ёзувчи, муаллиф. 2.Шу сүзни
үзига тахаллус қилиб олган шоир.

...ул **роқим** бобида ҳамки мунинг хатти маънисини рақам-
барақам билди... (“Фарҳод ва Ширин”)

Рогиб – рагбатли, мойил, истайдиган, тилайдиган.

Қатлингта гарчи табъ **рогиб** эмас,
Лек қўймоқ даги муносиб эмас (“Сабъаи сайёр”)

Роҳ – 1.Йўл. 2.Май. 3.Шодлик. 4.Одат, расм. Хоки роҳ – йўл тупроғи.

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тентдур гадойи хоки **роҳ** (Навоий)

Вале чекканлар ушбу жомдин **роҳ**,
Саросар бўлдиларХисравга маддоҳ (“Фарҳод ва Ширин”)

Жомиъда ҳарам тақобилида **роҳи** омма бор эрди (“Зарбулмасал”)

Роҳила – 1.От-улов, юқ ташувчи ҳайвон. 2.Сафар.

Ҳеч зоди **роҳила** менда йўқ (Гулҳаний)

Рубъ – 1.Тўртдан бир. Рубъи маскун – ернинг аҳоли
яшайдиган тўртдан бир қисми /уч қисми сув/.

Фитнаю шўр ҳама **рубъ** ила маскун дутди,
Хўблар маснадини сифла била дун дутди (Турди Фарогий)

Руд – 1.Чолғу асбоби. 2.Наҳр, дарё, сой.

...руд, уд, даф, най...созанда жам айлаб, меҳмондорлик
расмини барпо тутди (“Зарбулмасал”)

Гаҳ айтур бенавоёна суруде,

Гаҳ оқизур сиришки бирла **руде** (Ҳайдар Хоразмий)

Руммон – анор.

Жувонмардана ҳиммат шулки, ёлғиз-
Емаслик учраса **руммон** афандим (Муқимиј)

Руст – 1.Берк. 2.Яшириш. 3.Маҳкам, чамбарчас.

Ки бўйни била бир қўлин қилди **руст**,

Ани судраю шаҳ сори сурди чуст (“Садди Искандарий”)

Кемаларни қироқфа боғлаб **руст**,

Халқу амволини чиқорди дуруст (“Сабъай сайёр”)

Рустахез – фавғо, тўполон, қиёмат-қойим.

Чун жамолинг жилваси оламфа солди **рустахез**,

Қилмағай эрди кўзим они тамошо кошки (Навоий)

Рух – 1.Юз, чехра, бет. 2.Шахмат донаси.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайин,

Айрилиб ҳушу ақлдин телба бўлмай соғлар (Муқимиј)

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,

Ростравлар арсадин гар тутсалар **рухдек** қироқ (Навоий)

Рухкор – юз, бет, чехра.

Шамъи **рухкоринг** ёнар маҳфилда гулгун кечалар,

Бормуди қасдинг магар куйдиргали парвонада? (Муқимиј)

Рухкора - юз, бет, чехра.

Пари **рухкораларнинг** кўркабойи,

Юзунг наврўзу қошинг байрам ойи (Хоразмий)

Руқум – 1.Ёзувлар, рақамлар, хатлар. 2.Ҳисоб илми.

Қўшти Жалолхон деган ўғлини манга,

Деди: “Руқум ўргатасиз сиз анга” (“Танобчилар”)

Руқъа – хат, мактуб.

Шўранўл... Япалоқнинг **руқъасини** узатди (“Зарбулмасал”)

Руҳпарвар – руҳлантирувчи, тирилтирувчи, яйратувчи.

Ҳаво Исо дамидек **руҳпарвар**,

Ёғочлар тўбию оқар сув кавсар (“Гул ва Наврӯз”)

Рӯ/Рӯй - юз, бет, чехра, афт.

Якка бир оқшом келиб васлини гар кўрсатмаса,

Ранги **рӯйимни** бу янглиғ қаҳрабо ҳам қилмасун (Муқимиј)

Рұбару — юзма-юз, рўпара.

Тоқат қилиб бўлурми ўлтирса рўбаруда,

Тишлаб қўлин учини, гаҳ сескониб дириллаб?

(Зокиржон Фурқат)

Рўбароҳ — айнан: юзи йўлга қаратилган; рўпара, юзма-юз.

Топмоғидин ноумид ўлғонда ақли хурдабин

Истабон худбин мени кўзгуга қилди рўбароҳ (Навоий)

Рўз — кун.

Ўшал рўзе: “Билурмисен мени?” деб айдинг, эйёrim,

“Бале”, - дедим, сени суйдум, балога мубтало қилдинг

(Хувайдо)

Рўзгор — 1.Ҳаёт, турмуш, тирикчилик. 2.Давр, замон.

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,

Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна (Бобур)

...Муҳаммад Амин Хўжа муфти котиб...узини ҳамадин мулло ва донишманди рўзгор кўтар эрди (“Зарбулмасал”)

Рўзи/Рўзий — насиб, улуш, кундалик овқат, насиба.

Манга рўзий бўлуб бу тахта пора,

Бўлуб сиз тахтай умримга чора (“Фарҳод ва Ширин”)

Рўзи жазо — айнан: жазо куни. Мажозан: қиёмат куни.

Албатта келсун, ҳолимни сўрсун,

Андиша қилсун, рўзи жазога (Муқимиј)

Рўйгардон — юз бурган, илтифотсиз, эътиборсиз.

Ҳар неча қилсан тавалло, зарра қилмас илтифот,

Рўйгардон тескари тобора бадтар толеим (Муқимиј)

Рўйинтан — Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Исфандиёрнинг лақабидир. Темир танли демак.

Рўйинтанваши — “Шоҳнома” асарнинг қаҳрамони Исфандиёр каби.

Йиқилғоч бу ҳамул юз Рўйинтанваши,

Ки бору узра эрдилар камонкаш (“Фарҳод Ширин”)

Рұкаш – қоплама, қалбаки, сиртигина зархалланган (масалан, нарсанинг ичи кумушу сирти зархалланган бўлиши):

Бири дегайки: “Тахт **рұкашдур**”,

Бири дегай: “Мусаннифи ғашдур” (“Сабъаи сайёр”)

C

Сабз - яшил.

Сабза – 1.Кўкат. 2.Майса. 3. Яшиллик.

Тоғда очилиб лола, ер **сабза** баҳор ўлса,

Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса... (Зкиржон Фурқат)

Сабзи ширип – навқирон ёш (йигит ёки қиз)

Лёқчилик этиб ҳар сори ойин,

Ачиф май тутқали бир **сабзи ширип** (“Фарҳод ва Ширин”)

Сабзпӯш – яшил кийинган.

Қўгаргач бошни кўрди **сабзпӯш**,

Юзи нуроний андоқким суруше (“Фарҳод ва Ширин”)

Сабо – ел, шабада, тонғти шабада.

Ул сарвга қарам қилибон еткур, эй **сабо**,

Бобур ниёзини ер ўпиди хўб адо била

Сабу - май, кўвача.

Қўр парвоначибур, кўр сагию қанжиқрў,

Додҳоҳи дўла мағзобаи бир машку **сабу** (Турди Фарогий)

Сабук – енгил.

Иировлар соғу соқийлар гуландом,

Тобуқчилар **сабук** руҳу дилором (“Гул ва Наврӯз”)

Сабукбор – юки енгил, эпчил, енгил, чаққон.

/Пивасидин/ йўқ бўлак оғирлиги дунёда ҳеч,

Охират сори сафар қиласа **сабукбор** авлиё (Муқимиј)

Сабук сайр – енгил кўчадиган, енгил юрадиган, тезюарар.

Ул миниб заврақи **сабук сайре**,

Шилаким сувда сайр этар тайре (“Сабъаи сайёр”)

Сабур – сабрли, тоқатли. Сабур ўл – сабрли бўл.
Ҳажрдин дод истадим, дединг, **сабур** ўл, войким,
Тоза доғимга ёнар ўт бирла айларсен илож (Навоий)

Сабуъ – йиртқич.
Фазабда-**сабуъ**, шаҳват ичра-баҳим,
Агарчи эрур одамизода шайх (Навоий)

Сабуҳий – 1.Тонгги, эрталабки. 2.Тонгти май ичиш. 3.Мирзо
Фатали Охундов ва Алишер Навоийнинг жияни Мирза
Ҳайдарнинг тахаллуслари. Бодаи сабуҳий – тонгти май.

Кўрқушнинг сўзи Кулонкир сultonға бодаи **сабуҳий**
нашъасидек таъсир этди (“Зарбулмасал”)

Сабъаи сайёра – айнан: етти сайёра; етти планета, ҳулкар.
Сабъаи сайёрани айлаб тамошо, кўргузуб,
Ҳам савобит жилвагоҳига ружуи рағбатин (Мунис)

Савдо – 1.Фавғоли хаёл, кучли эҳтирос тугёни, шайдолик.
2.Савдо-сотиқ. 3.Қора ўт – қадимги медицинада инсон
танасидаги тўрт хил суюқликнинг бири. 4.Тожик классик
адабиёти вакилларидан бирининг тахаллуси. 5.Истак, тизгинсиз
ҳавас. 6.Тентаклик, жиннилик.

Сочининг **савдоси** тушди бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна (Бобур)

Ишқ бозорининг расвоси ва **савдо** чаманининг булбули
шайдосидур (“Зарбулмасал”)

Савобит - /Бирлиги – событ, событа-турғун, ҳаракатсиз/.
Турғун юлдузлар.

Осмонки, ҳамиша сафарда – шамс ва қамар ва **савобит** ва
сайёраси сафардадур... (“Зарбулмасал”)

Савод – 1.Қора, қора ранг, қора тус. 2.Қоронғи, қоронғилик,
зулмат. 3.Шаҳар, ўлка, теварак-атроф: саводи аъзам – катта
шаҳар. 4.Узоқдан кўринган нарса, нишон. 5.Билим даражаси.
6.Сатҳ, территория, ҳудуд.

Саводи назм анга абри баҳори,
Бўлуб эл бошига гавҳар нисори (“Фарҳод ва Ширин”)

Назм кишвари саводин яққалама қилиб эрди (“Фарҳод ва Ширин”)

Гам аҳлиниң **саводи** мотами ул,
Ғалат қилдим, саводи аъзами ул (“Фарҳод ва Ширин”)

То рўзгорим айламадинг дуддек қаро
Бир номанинг **саводини оғоз** қилмадинг (Муқимиј)

Савоҳил – /Бирлиги-соҳил/ Соҳиллар, қирғоқлар, қуруқликлар.
Бори манзил бўлиб **савоҳил** анга,
Соҳили баҳр ўлуб манозил анга (“Сабъаи сайёр”)

Савсан – 1. Гул, гулсавсар, қўғагул. 2. Ҳайдар Хоразмийнинг
“Гул ва Наврӯз” достонидаги персонаж, Гулнинг энагаси.
„**савсан** кўп тил бирлан анинг васлидин ожиз... (“Зарбулмасал”)

Гул **Савсан** насиҳатидин кўнгли қолғани (“Гул ва Наврӯз”)

Савт – товуш, овоз, шовқин; оҳанг, куй, мақом. Савти жарас-
кўнғироқ овози.
Нарфмау овоз иков бир пардада,
Яъни **савту** соз иков бир пардада (Фурқат)

Кўнгил кунжин қилиб ганжи маоний,
Оғиз абвоби **савтидин** ниҳони (“Фарҳод ва Ширин”)

Саг – ит, кучук.
Саг падар икки қурратул айни
Икки бозандай қимар ўлғай (Махмур)

Сагбон – ит боқар.
Шаҳриёро, камина **сагбонман**,
Пешвои сипоҳи хонадонман (Махмур)

Сагмагас – итпаща, итчивин.
Зоеъ этма яхни сўзни фаҳми йўқ бефаҳмға,
На билур ширу шакарни лаззатини **сагмагас** (Хувайдо)

Саг падар – отаси ит.

Сар падар икки құрратул айни
Икки бозандаи қимор ўлгай (Махмур)

Сад – 1. Тұсиқ, девор,ғов. 2.100 (сон). 3. Баррикада.
Эшиклар болабон ҳар сори беҳад,
Темур қуфл анда маҳкам, ўйлаким **сад**
(“Фарҳод ва Ширин”)

Садоҳо – садолар, товушлар.
Шишаи пурмай уза овоз бермас тегса тош,
Мағзи йўқ бемағз учун берди **садоҳои** жарас (Хувайдо)

Сажжода – жойнамоз, ерга түшаб намоз ўқиладиган мато.
Май устида хасча қилмон ҳисоб,
Агар сув уза солса **сажжода** шайх (Навоий)

Сазо – 1. Жазо. 2. Мукофот.
Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш **сазо**,
Ул кишигаким, бирөвга ўзни мұтод айлагай (Навоий)

Сайд – ов; овланган ёки овланадиган жонворлар /қүш,
ҳайвон/ Сайд ўлди - илинди, тузоққа илинди; мубтало бўлди.
Итга тааллумда чу бўлди камол,
Сайд анинг оғзидин ўлди ҳалол (Навоий)

Сайдгар – сайёд, овчи, балиқ, қүш ёки ҳайвон овчиси.
Бир кун анинг қасдиға бир **сайдгар**,
Ҳодиса домин ёйиб эрди магар (“Ҳайрат ул-аббор”)

Сайёд – овчи, балиқчи.
Дарё бўлуб оллимда кўзим ёши ҳамиша,
Сайёд менгизлик менинг ўрнум ёқа келди (Саккокий)

Сайл – тўғриси: сел, тоғдан тушган сув оқими.
Мажозий ишқдин ўртанса жонинг,
Бориб **сайли** фаноға хонумонинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Сайрафий – 1. Сарроф, пул алмаштирувчи, пул майдаловчи
ёки майда пулни йириклиштириб берувчи киши. 2. Заршунос,
қимматбаҳо тошларни баҳолайдиган киши.

...ул гавҳари адам кониға кириб бу **сайрафийлар** мақсудини
тавҳарин иликлаб қайтмоқлари... (“Фарҳод ва Ширин”)

Сайру сұқун – кезмоқ ва тинмоқ; сайр құлмоқ ва тұхтаб дам олмоқ.
Не қоттиқ ҳажр әрүр жонимғаким, **сайру сұқун** вақти,
Чаман гашти ҳалок айлар, бузуғ кошона андин күп
(Навоий)

Салоти хамса - беш вақт намоз.

Салом – Ибодат ва намоз.

Элни чун зарқ намози сұзига жамъ эттинг,
Тортқыл тафриқага әмди **салот**, эй воиз (Навоий)

Салотин - /Бирлиги-султон/. Султонлар, шоқлар; бошлиқ,
сардор маңындарыда ҳам келади.

...Хұмо, Уқоб, Қарчиғай, Баҳрий, Лочин, Итолгу
қүшларнинг **салотинидурлар** (“Зарбулмасал”)

Айитти шоҳи Мушкин: “**Эй салотин,**
Кечинг бу ҳосили йүқ мажародин” (“Гул ва Наврұз”)

Салоҳ – яхшилик, келишув, илож, чора, тузатиш.

Подшоҳ Фаррұх **салоҳ** андиша қилиб сұзлагани
(“Гул ва Наврұз”)

Ки чу иш түшса бошима ёлгуз,
Үзга янглиғ топай **салоҳига** юз (“Сабъаи сайёр”)

Самак – 1.Балиқ.

Туби беки била санчиб **самакни**,
Тешіб нүғи била даври фалакни (“Фарҳод ва Ширин”)

2. “Айёр Самак” номли халқ романининг бош қаҳрамони,
изқувар.

Гаҳ-гаҳ назора айласин ул
Ибрат күзи бирла бу **Самакка** (Завқий)

Саман – ёсмин /Ёсамин, жасмин/. Оқ сариқ рангли хуш
исли гул.

Гаҳе сарвини ўхшатур қадини,
Самани менгзатур тоғи хадина (“Гул ва Наврұз”)

Самандар — оловда пайдо бүладиган ва оловда яшайдиган афсонавий жонивор. Мумтоз адабиётда ошиқ ўртанишлари самандарнинг олов ичидаги ҳаётига ўхшатилади.

Эй Навоий, кўнглима амр этма тарки ишқким,
Ул **самандардур**, эмас ўт фурқати имкон анга (Навоий)

Самар — мева, ҳосил.

Бу жисми низор ичра қўнглумни гумон қилманг,
Шохеки куур анда ким қўрди **самар** ҳаргиз (Навоий)

Самин — 1.Қимматбаҳо. 2.Семиз пўрсилдоқ (нонга нисбатан).

Бағоят қўнглум ичра нозанинтур,
Латофат ичра чун дурри **саминдор** (“Гул ва Наврӯз”)

Самоъ — 1.Эшитиш, тинглаш. 2.Ашула, музика, рақс.
3.Дарвешларнинг рақс билан зикр тушишлари.

Ҳамдаму ахбоблар машғули базму ижтимоъ,
Гаҳ ўқуб ашъори рангин, гаҳ қилиб рақсу **самоъ** (Муқимиий)

Самум — кучли гармсел, ўт уфурувчи шамол.

Гулшан эттим ишқ саҳросин **самуми оҳдин**,
Ким эсад ул дашит аро ҳар ён қизил, сориг, яшил (Навоий)

Сана — 1.Санагин. 2.Юз берган воқеа тарихи, воқеанинг йил
ҳисобига кўра содир бўлган вақти. 3.Сенга. 4.Йил.

Чу мундин йўлга киргунгидур саранжом,
Сана ҳар неча ким урғунгидур гом (“Фарҳод ва Ширин”)

Санам — (Кўплити — асном) 1.Бут, крест, хоч. 2.Мажозан:
севгили, маҳбуба. 3.Мажозан: ёшлар, йигит, қиз.

Кўргузуб ҳар **санамга** бир ихлос,
Ки самад саждасида бандай хос (“Сабъаи сайёр”)

Сабр этай, шоят Муқимиий, ул **санамга** хуш келур,
Ишқ шартидин эмас, жавру жафофа йигласам (Муқимиий)

Икки санам — Гул ва Наврӯз:

Кўруб раҳбон ўщул икки **санамни**,
Неким бутхонаға урди қадамни (“Гул ва Наврӯз”)

Сангандоз – 1.Тош отувчи. 2.Құрғон деворида ўқ отиш ёки тош учун құйилған түйнук, тешик. 3.Шинак. 4.Тошотар, тошотар курол (манжаниқ)

Ангаким ўғрилиқ расмин қилиб фош,
Этиб афлок **сангандозидин** тош (“Фарҳод ва Ширин”)

Вале меъмори ҳикматсози онинг,
Бурундин қилди **сангандози** онинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Санг – тош. Санги жафо – жафо тоши.

Юмрук букулуб **санг** бўлмас (“Зарбулмасал”)

Сангборон – тош ёғдирмоқ, тошбўрон. Сабук санг - тоши енгил, енгилтак.

Юз урди ўйлаким абри баҳорон,
Ки Фарҳод узра қилғай **сангборон** (“Фарҳод ва Ширин”)

Сангдил – тошбағир, тош юрак, қўнгли қаттиқ, шафқатсиз, бераҳм.

Кимга дод айлай бу бедодингни ман, эй **сангдил**,
Ошно бўлдим десам, қўнглинг сени бегонада (Муқимиј)

Сангин – 1.Тошдан ясалган. 2.Оғир, ғоят оғир. 3.Қимматбоҳо.

Кетур соқий, манга бир жоми рангин,
Ки тушмиш ғам тоши қўнглумға **сангин**
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Сангпушт – тошбақа. Ушбу сўзнинг луғавий маъноси: орқаси тош.

Сангпушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди (“Зарбулмасал”)

Сангсор – 1.Тошбўрон қилиш – жиноятчини белигача ерга кўмиб, тошбўрон қилиш, тош билан уриб ўлдириш. 2.Тошлоқ жой.

Доимо бепарда сўз ҳалқ ичра айтур беибо,
Бўлмагай деб, қўрқаман ногоҳ **сангсор** авлиё (Муқимиј)

Сангтарош – тошйўнар, тош кесувчи киши.

Фарҳоднинг... аҳли ҳунар санъатин тамошо қилиб, Қорани сангтарош ишига етишгач, гаробатидин фаҳми тешаси ул иш идроки хорасидин кунд бўлуб... (“Фарҳод ва Ширин”)

Сандон – темирчининг темирга ишлов берадиган усқунаси. Қиздирилган металл сандон устида ишланиб, турли шаклларга киритилади.

Кўкартиб шуълалиқ ўтдин сипандон,
Осиб ўргамчи тори бирла **сандон** (“Фарҳод ва Ширин”)

Санжида – синалган, тажриба қилиб кўрилган.

Поктийнат, софдил, хулқи ҳасан бигзида қил,
Мунда хўб илму амални чирмаву **санжида** қил (Турди)

Сано – мақтов, мадҳ, мадҳия.

Демаким, фориф дуосидин Муқими, эрта-кеч,
Мидҳату зикру **саносидин** Муқими, эрта-кеч... (Муқими)

Санъат – 1.Бадиий тасвир ва ифодалилик воситаси. 2.Хунар.

Мунингтек аймиш ул сўз айғон устод,
Санъатлар бирла қилмиш сўзга бунёд (“Хусрав ва Ширин”)

Санубар(санавбар, санубар, санобар) – арчасимон хушқомат дараҳт.

Гар **санубар** тузмамиш сарвинг хилофин кўнглида,
Ел чинор илги била невчун урар юзига кож (Навоий)

Санчиши – синов, кураш, жанг, тортишув, жанжал.

Уруш, **санчиши** кўтарилиди ародин,
Хусумат кетти икки подшоҳдин (“Гул ва Наврӯз”)

Сапидор, сафидор – терак.

Борида Аҳраман хавфи падидор,
Таабдин титраб андоқки **сапидор** (“Фарҳод ва Ширин”)

Сапо – (тўғриси – **сафо**) ёруғлик, равшанлик, порлоқлик.

Кўзи қаҳринму дейин, кирпики заҳринму дейин,
Бу кудурат аро рухсори **сапосинму** дейин (Навоий)

Сар – бош. **Дар сар** – бошда. **Дарди сар** – бош оғриғи.

Димоги хусн авсоғи била тар,
Йигитлик жўши бирла бода **дар сар** (“Гул ва Наврӯз”)

Тааллуқ бодасин тожи азиз бошингга йўл топди,
Хирад тарёкин ол комингга, ваҳқим, **дарди сар** токай? (Увайсий)

Сарандоз – 1.Боши қуи, энкайган, эгилган. 2.Кайфлик. 3.Чақон, эпчил, ботир. 4.Бошга солинадиган рўмол. 5.Рақсда бошни қимирлатиш

То ўтмадинг, тағофил ила ноз қилмадинг,
Қўйдингму халқ ичра, **сарандоз** қилмадинг (Муқими)

Хуш алҳонлиқ муганийлар навосоз,
Такаллуф бирла усруклар **сарандоз** (“Гул ва Наврӯз”)

Саранжом қила билмади – эплаёлмади. Бу ўринда – “жиловлай олмади”.

Ки ногаҳ, бу ясолни кўрди Баҳром,
Қила билмади елгунни **саранжом** (“Гул ва Наврӯз”)

Сарафроз – 1.Юксак, юксалган; устун; улуғвор. 2.Хурсанд, қувноқ, баҳтиёр.

Қоғоз узра қаламни фусунсоз қилмадинг,
Бир руқъя бирла бизни **сарафроз** қилмадинг (Муқими)

Сарбаланд – айнан: боши баланд; юксак, юксалган, донгдор.

Найза бўлуб тузлугидин **сарбаланд**,
Чирмош учун бандға қолиб каманд (Навоий)

Сарбасар – айнан: бошма-бош. Бошдан-оёқ, бутунлай.

Бир чамандур саҳниким, бўлгай бинафша **сарбасар**,
Теграси гулзордурким, бўлмагай бир хор анга (Бобур)

Сарв – 1.Тўрттала фаслда ҳам ям-яшил гуркираб турадиган хушбичим дарахт. 2.Мажозан: севгили, ёр, маъшуқа.

3.Мажозан: маъшуқа қадду басти.

Ул **сарвға** қарам қилибон етқур, эй сабо,
Бобур ниёзини ер ўпуб хўб адo била (Бобур)

Сарви равон, сарви хиромон – юрадиган сарв, чиройли қадам ташлайдиган сарв. Кўпинча бу бирикма мажозан қиз ёки йигит қоматига нисбатан ишлатиласи.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боянинг **сарви равонидур** (Бобур)

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати **сарви хиромондур** (Бобур)

Саргаронлиқ — гангиш, довдираш, қалтираш, мастилик.

Ҳавас бұлса қариға навжавонлиқ,

Хижолат зоҳир айлар **саргаронлиқ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Саргашта — сарсон, саргардон.

Сипеҳр даври бу **саргашта оҳидин бұлмиш**,

Магар бу оҳ тутун бұлмиш, осмон кофаз (Навоий)

Сард — совуқ. **Дами сард** — совуқ оҳ.

Анингдек нолалар бошлади пурдард,

Ки субҳ ул ноладин урди **дами сард** (“Гул ва Наврӯз”)

Сардор — айнан: бошлиқ; хукмрон, амалдор, ишбоши.

Шоҳ ҳамбазми үлуб хожасаролар била ёр,

Хукми баръакс суруб, бұлды ёмоналар **сардор** (Турди)

Сарзаниш — айнан: бошга урмоқ; таъна қилмоқ, калака қилмоқ; койиш, танбек бериш, ҳақорат қилиш.

Фузул теб **сарзаниш** қылма бу қулни,

Яратқон Тенгри йўқ қилсан фузулни (“Гул ва Наврӯз”)

Сарир — 1.Тахт. 2.Фижирлаш (эшик, қамиш қалам).

Чаманлар ичра қушларнинг сафири,

Ёғочлар учи гулларнинг **сарири** (“Гул ва Наврӯз”)

Саркаш — айнан: бош тортувчи; қайсар, ўжар, итоатсиз. Мажозан: адл дараҳт, юксак дараҳт.

Сен, эй гул, қўймадинг **саркашлигининг** сарвдек ҳаргиз,

Аёфингға тушуб барги хазондек мунча ёлбордим (Бобур)

Саркор — айнан: ишбоши, иш буюрувчи, назоратчи.

Бўлуб гардон анингдек тўрт **саркор**,

Ки саргардон қолиб бу етти паргор (“Фарҳод ва Ширин”)

Сарих — аниқ, очиқ, равшан, ойдин, маълум.

Келиб қолди ўзига ногаҳ қасам,

Сарих бўлди ёлғонлиғи муттаҳам (Муқимий)

Сармад — абадий, давомли, ниҳоясиз, сўнгсиз, тугамас.

Гар ул маҳбуб васли бўлди уммид,

Будур иқболи **сармад**, баҳти жовид (“Фарҳод ва Ширин”)

Сарманзил – 1.Жой, турар жой. 2.Дарвоза. 3.Мусофирининг биринчи кўнар макони.

...Кўркүш Кулонкир сulton даргоҳига равона бўлуб, сарманзилга етди (“Зарбулмасал”)

Сарнавишт – айнан: бошга ёзилгани; қисмат, пешанага ёзилгани; тақдир.

Ажаб бу ҳакими шақоват сиришт,
Мақомига дўзах эрур **сарнавишт** (Махмур)

Сарнигунилик – 1.Боши эгилганлик. 2.Тўнтарилганлик.
3.Бахтсизлик, толесизлик, шармандалик.

Оғзинга кирган такаллум риштасин чекма узун,
Ким бу иштин **сарнигунилук** юzlаниб, нуқсон келур (Навоий)

Саромад – олдинги, илфор, юксак, баланд.

...замон кинаварларидин хўддек **саромад** ва найзадек сарафроз бўлмоқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Саронарда – чодир, шоҳона чодир.

Кунгураси кўкка тегиб ўрдалар,
Хаймау хиргоҳу **саронардалар**... (“Зарбулмасал”)

Саропо – бошдан-оёқ, бутунлай.

Бир қаро баҳтимга арзийдур **саропо** кўз ўюб,
Даҳрда ҳар ерда бир баҳти қароға йифласам (Муқимий)

Саросар – бошдан-оёқ. Айнан: бош-бошлаб.

Қилурсен талх айшим комини беҳуда сўзлардин,
Саросар сўзларнинг заҳредур, эй носиҳки, панд эрмас (Бобур)

Сарпанжса – бармоқлар, қўл панжалари.

Ишқи **сарпанжасидин** жомай ақл,
Чок то гўшаи домон бўлсун (Мунис)

Сарришта – 1.Калаванинг учи. 2.Мажозан: баҳона, сабабчи.

Либоси фақри кенграк юз жаҳондин,
Жаҳон силки келиб **сарришта** ондин (“Фарҳод ва Ширин”)

Сарроф – 1.Пул майдаловчи; пул алмаштирувчи. 2.Заршунос.

3.Шу касб билан шуғулланувчи киши лақаби.

Қобиз Мулло Ҳасан сарроф ва Тұқа Ҳинду таъйин бўлди
("Бобурнома")

Сарсабз – 1.Гуркираган, чаппор урган, қўклаган, яшинаган.
2.Мажозан: шод, хурсанд.

Айтти Савсан: "Эй хури паризод,
Қадинг **сарсабз** бўлсун, хотириңг шод" ("Гул ва Наврӯз")

Сарсар – кучли ва қаттиқ шамол, қуюн, довул.

Абрашини елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар,
Оҳқим, умрим дараҳтини йиқитти **сарсаре** (Бобур)

Cap то ба пой – бошдан оёққача, бир бошдан ҳаммасини.

Жаҳонда қўйди яхши расму ойин,
Тузатти дунёни **сар то ба пойин** ("Гул ва Наврӯз")

Сарфароз – айнан: **сар** – бош; **фароз** – юксак, баланд.

Қадиким нахли **сарфароз** келиб,
Хусн боғида сарви ноз келиб (Навоий)

Сархайл – гуруҳ бошлиғи, тўда сардори, маслак раҳбари.

Кетургил, соқий, ул жоми киромий,
Ки тутсун риндлар **сархайли Жомий** ("Фарҳод ва Ширин")

Сарчашма – булоқ боши, чашма бўйи; манбаъ, асос, негиз.

Хирад **сарчашмасидин** кўр, эл изоси анга машхур ("Зарбулмасал")

Саршор – айнан: бошдан тўклилаётган; лиммо-лим, тўлиқ.

Муддате эрдики таъбим айшдин **саршор** эди,
Ҳасрату андуҳ асрү кўнгулга ор эди (Муқимиий)

Сафид жома – оқ тўн.

Амома бошида, **сафид жомалар**,
Хаёл айлагайсизким, алломалар (Муқимиий)

Сафир – 1.Куш сайраши. 2.Ёқимли майин овоз. 3.Най товуши.

Чаманлар ичра қушларнинг **сафири**,
Ёғочлар учи гулларнинг сарири ("Гул ва Наврӯз")

Сафих – аклсиз, тентак, нодон.

...вирди анинг ҳарза **сафиҳ** (“Зарбулмасал”)

Сафо – ёруелик, равшанлик, порлоқлик.

Әй күнгүл, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг **сафоси** қолдиму? (Бобур)

Сафшикан – саф ёрувчи, лашкарни тирқиратадиган.

Бор экандур Аданда жавр фане,
Жавр қилмоқ фанида **сафшикане** (“Сабъай сайёр”)

Сафоҳ – ақлсиз, бетамиз, нодон, абллаҳ.

Бале, замона тақозосидин ҳамиша эрур,
Фазилат аҳли асири жафои аҳли **сафоҳ** (Мунис)

Сафҳа – варок, саҳифа.

Олиб илгига **сафҳаю** хома,
Қисса шарҳини ёзди бир нома (“Сабъай сайёр”)

Сахо – сахийлик, очиқ құллик, хайр-эхсон қилмоқлик.

Токи **сахо** бұлды кафинг варзиши,
Күрдунг экинму бир үзүндек киши? (“Хайрат ул-аброр”)

Саховатпеша – хунари хайр-саховат қилиш, олийхиммат,
қаралы, құли очиқликни одатта айлантирган киши.

Шерсиз әмасдур бешалар,
Бордур **саховатпешалар** (“Саёхатнома”)

Сахт – қаттиқ, роса, беҳад, жуда, оғир.

Сахт күнгуллар, Муқимий, ғам билан вайрон әди,
Бир боқиб, ёлғон әмас лекин, чин обод айладинг (Муқимий)

Сакрамоқ – сакрамоқ, сакраб түшмоқ.

Есин ташладиу үзини солди,
Огиндин **сакрагач**, бўркини олди (“Гул ва Наврӯз”)

Саъб – оғир, мاشаққатли, қийин, мушкул.

Фурқатим **саъб** эрканин ишқ аҳли ичра билмагай,
Ериға улким, қўшулмоқдин бурун айрилмади (Навоий)

Саъд – 1.Саодат, баҳтиёрик. 2.Хосиятли, баҳт келтирувчи.

Саъй – ҳаракат, ғайрат, тиришқоқлик.

Мен даги табъи кийнахояхимни,

Саъй айлаб йифиб сипоҳимни... (“Сабъаи сайёр”)

Сақар – дўзах, жаҳаннам. Араб ёзувидаги “ф” ҳарфида бир нуқта, “қ” ҳарфида эса икки нуқтаси бор. Шаклан эса, “ф” ва “қ” бир хилдир. Муаллиф: сафарда бироз эҳтиётсизлик қилинса, киши дўзах азобини тортади, демоқчи.

Сафарга кўп ҳарис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда бўлса, **сақар** бўлур (“Зарбулмасал”)

Сақат – 1.Бузук, беҳуда, бефойда. 2.Паст, нокас. 3.Мажозан: ҳақорат, сўкиш.

Эрур асли насли қизилбош, **сақат**,

Битарди китоб барчасини ғалат (“Зарбулмасал”)

Сақо (**саққо**) – мешкобчи, сув ташувчи, сув сепувчи, сугорувчи.

Буки оламни тенгиз қилмиш иҳота гўиё,

Ким анга гирён кўзум сарчашмасидинdur **сақо** (Мунис)

Сақф – шифт, шип, уй тепаси, гумбаз. Мажозан: осмон.

Онингдек чекти оҳи оташолуд,

Ки етти оҳидин кўк **сақфига** дуд (“Фарҳод ва Ширин”)

Саҳал – 1.Осон, жўн. 2.Арзимас, ҳақир. 3.Бир оз, оз. 4.Мумкин, иложли, раво.

Лекин **саҳал** кундирки, ишқ бозорининг расвоси ва савдо чаманининг булбули шайдосидир (“Зарбулмасал”)

Саҳв – 1.Хато, янгилиш, нуқсон. 2.Унутиш, камчилик.

...ҳар китобки битса, **саҳв** ва хато ва ғалатдин холи эмас эрди... (“Зарбулмасал”)

Саҳван – янгилишиб, хато қилиб.

Боқмағай ошиққа **саҳван** ҳам қиё, фарёдким,

Расму ойини мағар жавру жафодур кўзларинг (Муқимий)

Саҳл – осон, қулай, жўн, енгил.

Агарчи саъб эди боштин-аёғи,

Қазо **саҳл** этгон эрмиш они доги (“Фарҳод ва Ширин”)

Саҳмгин — құрқинчли, хавфли.

Тутуб бир гурз ондин **саҳмгинроқ**,

Келиб аввалғидин пур қаҳру кинроқ (“Фарҳод ва Шириң”)

Саҳоб — булат.

Саводи демаким, мушкин **саҳоби**,

Бўлуб ҳар қатра анда дурри ноби (“Фарҳод ва Шириң”)

Саҳоба — шогирд, издош, мурид, мафкурадош, мазҳабдош.

Саҳроий — саҳролик, даладагилар. **Мардуми саҳроий** — дехқонлар.

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,

Мардуми саҳроий бўлур бекарор (“Танобчилик”)

Себ — олма (мева).

Борчанинг алҳони ба бонги суруд,

Дер эди: “Шафтолиу **себу** муруд” (“Юсуф ва Зулайхо”)

Сели, сили — шапалоқ тортиц, шапати.

Чарх **селисиз** Муқимийға қачон нон ютдирур,

Алмайға баски бахти дам-бадам қон ютдирур (Муқимий)

Селоб — сел, сел суви. **Селоби бало** — бало сели.

Гўнглиминг мулкин жафо **селоби** вайрон айлади,

Бахтиминг ҳолин ҳужуми фам паришон айлади (Фузулий)

Сер — тўқ. **Умридин сер** — жонидан тўйган, умрдан безор бўлган.

Емак-ичмакдин очу умридин сер,

Бағирдин қон ичар, кўнглида фам ер (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳама ишга ёлғон сўзи дастгир,

Сўзин сарф этиб, қорнин айларди **сер** (“Зарбулмасал”)

Сидра — еттинчи осмондаги афсонавий дарахт.

Чинор ар боғдин кам қиласа соя,

Не фам чун чиқди сарви **сидра** поя (“Фарҳод ва шириң”)

Сиёсат — 1.Дўқ, пўписа. 2.Қатл ҳукми.

Дедим пирға кўб **сиёсат** қилиб,

“Ки эй пири сак” деб ҳақорат қилиб (Хиромий)

Сийм – кумуш (пул).

Йұқ зару **сийми**, лекин самимий,
Ошиқ Муқимий келса дуога (Муқимий)

Сиймбар – кумушбадан, оқбадан.

Ишқ үтида Лутфий юзи олтунни яшурди,
Эй **сиймбарим**, хоҳ инон, хоҳ инонма (Лутфий)

Сийна – күкс, күкрак, бағир. Сийналар маъмураси – бутун бағир.

Сийналар маъмурасини селдек қылдинг хароб,
Аҳли дил бағрини ҳасрат үтида этдинг кабоб (Муқимий)

Силаи раҳм – қариндош-уруғлар билан алоқа ва уларга нисбатан дұстона муносабат; дұстлар ва қариндошлар билан бўлиш.

Қатъи **силаи раҳм** ёмондур (“Зарбулмасал”)

Мазмуни: Ёр-дұстлар билан алоқа ва муносабатни узиш ёмондир.

Силк – тизимча; марварид каби қимматбаҳо маржонлар тизиладиган ип. Қатор, тизим. Давра, бир маслак аҳли.

Либоси факри кенграк юз жаҳондин,

Жаҳон **силки** келиб сарришта ондин (“Фарҳод ва Ширин”)

Силсилат уз-захаб – олтин занжир. Абдураҳмон Жомий асарининг номи.

Бу сўзнинг тағсилини “**Силсилат уз-захаб**” дин топ (“Зарбулмасал”)

Сим қоқмоқ – 1. Телеграмма бермоқ. 2. Телефон қилмоқ.

Ушбу мазмунда **қоқди сим** хўжайин,

Шод ўлуб эр, хотин деди: “Ўлайин!” (“Тўй”)

Сингак – чивин, ари.

Нетайким, зўридиндур пил ожиз,

Ки синдурмас **сингак** нишини ҳаргиз (“Фарҳод ва Ширин”)

Синжоб – силовсин, мўйнали ҳайвон ва шу ҳайвон терисидан тикилганд пўстин.

Ҳаво доти булутдин кийди **синжоб**,

Булут доти ҳавоға сочти сиймоб (“Фарҳод ва Ширин”)

Синон – найза, ўткир найза.

Етишгач эл насими аждаҳоға,
Ажал гүё **синон** урди балоға (“Фарҳод ва Ширин”)

Сипандон — исириқдон, тутатқи тутатиладиган идиш.
Кўкартиб шуълалиқ ўтдин **сипандон**,
Осиб ўргамчи тори бирла сандон (“Фарҳод ва Ширин”)

Сипар — қалқон.
Кўзингни фамзаси тири балое,
Сипар қилсан анга жон, тутмагай тоб (Ҳувайдо)

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар эттим,
Сийнамни маломат ўқига ман **сипар** эттим (Машраб)

Сипаргашта — қалқон бўлган.
Бу офтоби толеи баргашта заррани,
Дарду бало ўқига **сипаргашта** заррани (Муқимиј)

Сипаҳлар — 1.Аскарлар, лашкар. 2.Лашкар тортади, дағдага
солади, кутқу солади.
Жамолинг етти оламға **сипаҳлар**,
Қатингда ер ўпарлар жумла шаҳлар (Хоразмий)

Сипехр — фалак, осмон, дунё.
Солим ўлмоқнинг **сипехр** осебидин имкони йўқ,
Қилма ҳаргиз оғият кунжин, бу вайрондин тамаъ
(Комил Хоразмий)

Бал ҳақиқат аро анингдур Мехр —
Ки, бу мансуба зоҳир этти **сипехр** (“Сабъаи сайёр”)

Сипехри бевафосон — вафосиз фалак сингари, аҳди ёлғон
пуйё каби.
Мушаъбидлар **сипехри бевафосон**,
Ўғурлаб муҳра қўк тосидин осон (“Фарҳод ва Ширин”)

Сипоҳ — лашкар, армия; аскар. **Хуснинг сипоҳи** — гўзаллигинг
қудрати.
Мен дағи табъи кинаҳоҳимни,
Сайъ айлаб йиғиб **сипоҳимни** (“Сабъаи сайёр”)

**Аё кўрк ичра олам подшоҳи,
Жаҳон тутти сенинг ҳуснинг сипоҳи** (Хоразмий)

Сиришк – кўз ёши. **Сиришки гарм** – қайноқ кўз ёши.
Эшитган сою Гулнинг дарди ортар,
Сиришки гарму оҳи сарди ортар (“Гул ва Наврӯз”)

Сироят – таъсир қилмоқ, ўтмоқ, юқмоқ.
Сироят қилди барча элга бу фам,
Тешилмаган бағир қолмади ул дам (“Гул ва Наврӯз”)

Ситетза, истеза – аччиқлашмоқ.
Ситора – юлдуз.

Ул маҳлиқо сипеҳр каби сабзпӯшдуру,
Жайбидаги тугмаларни дурахшон **ситора** де (Муқимиј)

Сифла – тубан, нокас, паст, ярамас. **Сифлахӯ** – феъли тубан,
атвори хунук.

Фитнаю шўр ҳама рубъ ила маскун дутди,
Хўблар маснадини **сифла** била дун дутди (Турди)

Сияҳчол – маҳбуслар сақланадиган сувсиз қудуқ, чуқур зиндан.
Ишқ ранжидин ўлар ҳолдамен, ҳажрга солма,
Ўлгали етган асирингга **сияҳчол** не ҳожат (Мунис)

Буюрдики қосидни банд эттилар,
Сияҳчол сари олиб кеттилар (“Садди Искандарий”)

Сиҳи қад – қадди тик, хушқомат.
Сиҳи қадларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни (Бобур)

Собитқадам – қатъиятли, бир сўзли.
Баски ишқ ичра эрур **собитқадамким**, бошини –
Кессалар ҳар неча тебранмай турар мардона шамъ
(Комил Хоразмий)

Собиқ – илфор, илгари, олдиндаги, биринчи, аввалги, эътиборли.
Факр майдонида **собиқдур** риёзат тортгон,
Айла нафси белажоминг тавсанин ройиш анга (Мунис)

Совурди — суфурди, тортиб олди, чиқарып олди
Совурди кайбурун, қормоди ёсин,
Кейин боқти эса, күрди отосин (“Гул ва Навruz”)

Сода — 1.Гүл, нодон, аҳмоқ. 2.Бежирим, чиройли (юзга нисбатан).
Мени ишқдин манъ этар **сода** шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх (Навоий)

Рухсоринга шамъ ўхшамоқи мумкин эмастур,
Үт шуъласи андоқки, руҳи **сода** бўлурму? (Мунис)

Сож — 1.Тожли бир қуш (сассиқпопишак). 2.Ҳиндистонда
Ўсиғиган қизил рангли ёғоч берадиган ҳинд булути дараҳти. 3.Шу
дараҳтнинг таҳтасидан кема ясалади. Таҳтаси ҳам **сож** дейилади.
Нола булбуллар чекиб қўрмай хунардин нафълар,
Бехунарликдин топиб тожи зумуррад **сожлар** (Мунис)

Созанда — чолғучи, мусиқачи.
...навозанда, **созанда** жам айлаб, меҳмондорлик расмини
барни тутди (“Зарбулмасал”)

Соид — 1.Билак, қўл учидан тирсақкача қисми. 2.Кўтарилувчи,
юксалувчи.

Кумуш чун лутф ўғурлар **соидингдин**,
Тутуб анбур била ўтқа солурлар (Лутфий)

Нетонг, бўлса дамимдин дудлар ҳар лаҳза **соидким**,
Ниҳони доғлар кўнглумда ўртарсен азоб айлаб (Мунис)

Сой — сурт. Матнда “Ур! Сук!” маъносида.
Иzzатга ул фарбеҳ бўлуб, исён сори бўлгай далер,
Айлаб оёғ остида хор, чўғ найзасини **сой** анга (Хувайдо)

Сойи — сайин, сари.
Эй Навоий, қилмағайлар айб агар девонамен,
Ул пари васфин ўқуғон **сойи** девонимдин эл (Навоий)

Сойил — 1.Гадо, тиланчи. 2.Савол қилувчи, сўровчи, истовчи.
Солди алқисса эски дастурхон,
Қўйди **сойил** каби неча хил нон (“Тўй”)

Сойир – 1. Сайр құлувчи, кезувчи. 2. Сайёх. 3. Бошқалар, авом эл, бегоналар.

Бирорким бир чаманда **сойир** эрди,
Нечаким гул очилғон күрди, терди (“Фарҳод ва Шириң”)

Дедиким: “Биз гурухи тожир әрдук,
Яман сори Хўтандин **сойир** әрдук” (“Фарҳод ва Шириң”)

Сокин – 1. Паст, сўник. **Сокин қилмоқ** – пасайтиromoқ, сўндиromoқ. 2. Бир жойда яшаб қолган.

Не маҳзун хотиримга васли мумкин,
Не ҳажрида ўтум бир лаҳза **сокин** (Навоий)

Борурсен кеча-кундуз ою кундек ҳар тараф ёлғиз,
Топиб бўлмас сени бу ерда **сокин** ўз маконингдин (Машраб)

Солиб бормоқ – ташлаб кетмоқ, қўйиб кетмоқ, кетиб қолмоқ.
Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,
Букун Яъқубтек байтул-ҳазанд (Атойи)

Солим – соғ, соғлом, саломат.

Солим ўлмоқнинг сипеҳр осебидин имкони йўқ,
Қилма ҳаргиз оғият кунжин бу вайрондин тамаъ
(Комил Хоразмий)

Солиҳ – 1. Яхши, яхши ишлар құлувчи. 2. Ўз исмини тахаллус қилиб олган XVI аср шоири Мұхаммад Солиҳ ибн Нур Сайдбек.

Ато қылса манга фарзанди **солиҳ**,
Муяссар айлабон кўнглум муродин (Роқим)

Солиҳа – яхши ишлар құлувчи қиз (аёл).

Солор – аскар бошлиғи, бошлиқ, йўл бошлиғи.

Шуранўл... ўғри мишиқ, ҳариф айёр **солор**... (“Зарбулмасал”)

Сомон – бажарилиш, амалга оширилиш, ниҳоясига етказиш, тартибга келтириш.

Яна Фарҳод истаб ишга **сомон**,
Миниб тавсан уза бўлди хиромон (“Фарҳод ва Шириң”)

Сони – иккинчи.

Билгинки, Худони бечигуна,
Бешибху **сонию** бенамуна (“Тоҳир ва Зухра”)

Сонма – ўйлама, йўйма.

Сонма ошиқ жабриға қилмас тафохур, эй рафиқ,
Ҳар жафоким этса бўл шукриға зокир, эй рафиқ (Муқимиий)

Сонмоқ – санамоқ, ҳисобламоқ, йўймоқ, ўйламоқ.

Сонур эди ўзини тоғ хисрави,
Тоғин ўқуб Дехлавийи маънави (“Зарбулмасал”)

Сорбон – 1. Туякаш, туя етакловчи, туя сувориси. 2. Мажозан: ўйлбошчи, раҳбар.

Бор эди Фарғонада бир **сорбон**,
Теваси бор эрди – туғди ногаҳон (“Зарбулмасал”)

Соро – тоза, асл. Мушки соро – тоза, ҳиди анқиб турадиган мушк.

Кокулингдан бўй олган боғнинг тупроғидур,
Боғбон сотмоққа доим мушки **соро** тортадур (Фурқат)

Соф – ҳаммаси, бори, барчаси.

Суротиб ер юзинда Қоғ то Қоғ,
Машаққат бирла издаб дунйини **соғ** (“Гул ва Наврӯз”)

Сою – сайин, тобора.

Юраги ўртанур, кўздин тўкар ёш,
Аёғ ичған **сою** ҳардам қўяр бош (“Гул ва Наврӯз”)

Соқи – 1. Май қуювчи, косагул. 2. Билаги.

Соқи, эрур ишрат чоғи, афсурда бўлма дай била,
Ўттек чоғир келтур, доги суҳбат тунотур май била (Бобур)

Соқийи тумтароқлар – ширақайф май қуючилар, маст-иласт соқилар.

Соқийи тумтароқлар пиёла суна бошладилар (“Зарбулмасал”)

Соқиш – ўй, хаёл, фикр, мулоҳаза.

Бўлур қилмоққа соқиш бирла тартиб,
Вале туз келмас ул **соқишқа**, таркиб (Қутб Хоразмий)

Соғар – 1. Май. 2. Қадаҳ.

Ранжу меңнат **соғарин** камдурки даврон ютдиур,
Толиим ҳам, нечаким ортуқча пинҳон ютдиур (Муқимиий)

Чиқорди шишаи май дөғи бир **соғар** тұла қүйди,
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб (Навоий)

Соғин – 1. Соғиладиган (күй, сигир). 2. Эсла, эсингга ол.

Соғиниши – гумон, ўй, хаёл, тасаввур.

Сенга йўлдош беш-олти бандазода,
Тобуқчилар **соғинишидан** зиёда (“Гул ва Наврӯз”)

Соғинмоқ – ўйламоқ, хаёл қилмоқ. **Соғин** – эсла, ўйла;
соғиндим – ўйладим.

Гаҳи **соғин** не бўлди зорларни,
Унутмагил бурунқи ёрларни (Бобур)

Олди кўнглумни, **соғиндимким** манга дилдор эмиш,
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш (Бобур)

Соҳиб асрор – айнан: сирдош, сир ишонилган киши.

Сирри ишқингни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардомани чун мен **соҳиб асрор** истадим (Навоий)

Соҳиб ихлос – ихлосманд, садоқатли.

Чу Баҳман чиқти бўлди хилвати хос,
Айитти ичкидин бир **соҳиб ихлос**... (“Гул ва Наврӯз”)

Соҳиб раъй – ихтиёрли, иродали, қудратли, мустақил фикр
эгаси, доно, фаҳм-фаросатли.

Иккинчи вазири **соҳиб раъйки**, подшонинг дунёлиқ
яроғини тараддуидида бўлса... (“Зарбулмасал”)

Соҳиб тож – тож эгаси, шоҳ.

Мунис, ўз шоҳинг дуосин қилки, даргоҳидадур,
Фақр эли уммидвору банда **соҳиб тожлар** (Мунис)

Соҳибқирион – 1. Бахтли, жаҳонгир. 2. Улуғ подшоҳларга
бериладиган лақаб. 3. Ўзгалардан устун, бошқаларга соя
соладиган.

Совуқ душман бўлиб урса шабохун,
Қилурга дафъи ул **соҳибқирон** печ (Муқимий)

Мен ул сарфитнаи охир замонмен,
Ки хусн иқлимида **соҳибқиронмен** (Лутфий)

Соҳир – сеҳргар, сеҳрлайдиган.

Ва лекин **соҳири** Ҳиндустоний,
Ёзарда бу маломат достони... (“Фарҳод ва Ширин”)

Субҳ – тонг, эрталаб. **Субҳу шом** – эрта-кеч.

Ушбу қабил ҳалқ уч ойи тамом,
Ер эдилар фуссау фам **субҳу шом** (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Субҳи козиб – айнан: ёлғончи тонг. Саҳарги ёришувдан олдинроқ бир марта осмон жуда ёришиб кетади. Тажрибасизлар буни саҳарга йўядилар. Ҳолбуки, яна осмон қоронғилашади. Шу ҳолатни **субҳи козиб** дейишган. Анчадан сўнг ҳақиқий тонготар - субҳи содиқ бўлади.

Ҳикмат аҳли олдида совуқ сифат йўқ кимсада,
Субҳи козибдек маҳалсиз айлаган кулгу киби (Навоий)

Субҳа – тасбех.

Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,
Кўлларида **субҳаю** бўйнида зуннор авлиё (Муқимий)

Субҳгоҳи – тонгти, саҳарги. **Оҳи субҳгоҳи** – саҳарда тортилган оҳлар, тонгти чекилган оҳлар. **Насими субҳгоҳи** – тонгти шабада.

Сен андоқ тахту баҳти подшоҳи,
Мену фарёду **оҳи субҳгоҳи** (Навоий)

Килиб ҳар тонг **насими субҳгоҳи**,

Шажар баргин нечукким субҳ коҳи (“Фарҳод ва Ширин”)

Субҳ ўлди толеъ – тонг отди.

Ангаким қолди фам шомиға жовид,
Бурун **субҳ ўлди толеъ** сўнгра хуршид (“Фарҳод ва Ширин”)

Субҳон – мақтов, таҳсин, ҳамду сано.

Сувар – (бирлиги сурат) сувратлар, тасвиirlар, шакллар, расмлар.

**Лақаб ҳофиз “Авж” оти онинг,
Хаюло сувар шакли зоти онинг (Махмур)**

Суд — 1.Фойда, наф, ортиқча даромад, баҳра. 2.Суд сўз бирикмасида “суркаш, ишқалаш” маъноларида келади:
хоксуд — тупроққа буланган.

Бандае, ё Раб, Муқимийдай бўлиб хору касод,
Суду савдодин қолиб, бозоридин айримасун (Муқимиий)

Суда — ишқаланган, ейилган, (ишдан) чиққан.

Синардин тешавар осуда бўлгай,
Тугангай баски ишдин суда бўлғай (“Фарҳод ва Ширин”)

Судманд — фойдали, нафли, шифобахш.

Гарчи анга шафқат эрур **судманд**,
Еткуур ифроти ва лекин ғазанд (“Ҳайрат ул-аброр”)

Судоъ — бош оғриғи.

Кетурди хабар доя маъзур эмиш,
Бу оқшом **судоъ** ила ранжур эмиш (Хиромий)

Судхўр — айнан: фойда еювчи; пул қарз бериб, ортиқча фоиз билан қайтариб оловчичиши; касбга кўра лақаб.

...Абдураҳим **судхўр** баққол мумсиқдек кўб хасисдур
 (“Зарбулмасал”)

Сужуд — сажда қилмоқ, топинмоқ.

Бу икки тухфани чун топти **Фарҳод**,
Яротқонга **сужуд** этти бўлуб шод (“Фарҳод ва Ширин”)

Сукун — тинчимоқ, тинмок, ҳаракатсизлик, тўхтаб туришлик.

Ерки, ҳамиша соҳиби сабр ва **сукундур**, поймоли ҳар аҳли дундур (“Зарбулмасал”)

Сулаймон — пайғамбар. Унинг ҳукмронлиги даврида ер юзи одамларигина эмас, дев ва парилар ҳам унга тобеъ бўлишган. Энг қудратли шоҳ рамзи сифатида Сулаймон ва Билқис (унинг парилар юртидан олиб келтирган хотини) ҳақида талай қисса ва ривоятлар тўқилган.

...менинг боболарим ҳазрати **Сулаймон** бирла мунозара қилғон кишидур (“Зарбулмасал”)

Сулс – 1.Учдан бир. 2.Эски ўзбек ёзувидағи энг тифиз ва майдада силиладиган ҳарф хили.

Олиб **сулсини** ақчасин хўжайин,
Берib мол конторга қилди тайин (Муқимиy)

То охир таълиқ ва руқъя ва ёқути, яъни **сулс** ва убайдий ва лоҳурий хатларин мазкур муддати мадида ичра машаққати касира ва меҳнати тавилаға сабри жамил бирла таҳти тасарруғифа олди (Сидқий Хондайлиқий)

Сум – 1.Ертӯла, заминкан. 2.Ҳайвонлар оёғи учидаги шохли модда, туёқ. **Хоро сум** – тош туёқ, от (ҳайвон). 3.Кар (энитмайдиган).

Кўпуб ул хорадин шаҳзода ноком,
Тутуб **хоро суми** устида ором (“Фарҳод ва Ширин”)

Килмас эди куфр элига итоб,
Сум ила буқм умийни вақти хитоб (“Ҳусн ва Дил”)

Суман – оппоқ гуллайдиган самин(ёсамин, жасмин) гули.

Хати мушкинмудурур гул юзида,
Ё **суман** устида райҳон кўринур (Бобур)

Суманбар – суман юзли, сулув, юзи чиройли; оқбадан.

Суманбарлар бори зебоу нозук,
Ҳунарварлар бағоят чусту чобук (“Фарҳод ва Ширин”)

Сун – узат, чўз. **Сун иликни** – қўлни узат, қўл чўз.

Қўюб вайроналарда телбаликни,
Яна бир ганж сори **сун иликни** (“Фарҳод ва Ширин”)

Сунбул – қорамтири хушбўй чирмовиқ гул. Мажозан: маъшуқанинг сочи.

Зулф каби **сунбули** хушбўлари,
Роҳатижон эрди оқар сувлари (“Зарбулмасал”)

Сунбулбў – сунбул ҳидли.

Қайси қабиланинг моҳрўйи ва **сунбулбўсига** гирифтор бўлдинг? (“Зарбулмасал”)

Сунъ – 1.Кудрат, яратиш. 2.Иш, хунар, санъат. **Ҳакими сунъ** – яратувчи донишманд, Худо.

Не қушким, қушда йўқ бу навъ жисми,
Ҳакими сунъ они айлаб тилисми (“Фарҳод ва Ширин”)

Супра – дастурхон.

Ёяр анга **супраки** ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас (“Ҳайрат ул-аброр”)

Сур – 1.Тўй, шодмонлик, тантана. 2.Карнай. **Исрофил сурн** – Исрофил чаладиган карнай ёки ўша карнайнинг товуши.
Навҳаи сур – қиёматда чалинадиган карнай товуши.

Дегайсан чолди **Исрофил сурин**,
Ва ёхуд очтилар тўфон танурин (“Гул ва Наврӯз”)

Чекиб нола ул навким **навҳаи сур**,
Фалак жавфиға солсам эрди футур (“Садди Искандарий”)

Суроҳи – май ёки сув идиши, шиша, кўзача, офтоба шаклидаги май идиши.

Музахҳаб ширада олтун **суроҳи**,
Бўлуб олтун суйи лавн ичра роҳи (“Фарҳод ва Ширин”)

Суруд – қўшиқ.

Булбул Гул ҳужраси гирдинда Наврӯз ёди била **суруд** айғани
 (“Гул ва Наврӯз”)

Сурук – сурув, пода, тўда, гурух.

Ул шайхки минбар уза афсунға берур тул,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли **сурук** фул (Навоий)

Сурур – шодлик, хурсандчилик, завқ-шавқ.

Келмади кўнглумга ишқининг **суруру** давлати,
То кўнгулни меҳнату фамға сазовор этмадим (Бобур)

Суруш – фаришта, малак, Худодан дараклар келтирувчи малак.

Кўтаргач бошни кўрди сабзпӯше,
Юзи нуроний андоқки **суруше** (“Фарҳод ва Ширин”)

Сутуҳ – (бирлиги – **сатҳ**) 1.Сатҳлар, юзалар. 2.Чарчаш, қийналиш, машакқат.

**Ким, эрур пил зўру шер шукух,
Панжасидин келиб бу икки сутуҳ** (Навоий)

Суубат – (бирлиги – саъб) қийинчиликлар, қаттиқчиликлар, маниаққатлар.

Топқучада ел **суубати** ором,
Кемага онча бўлмиш эрди хиром (Навоий)

Суфра – 1. Супра. 2. Дастурхон.

Намангон – шаҳри вайрон, оти улуғ, **суфраси** қуруғ (“Зарбулмасал”)

Бу ҳолатда аларни уйқу бости,
Фалак сепоя топти, **суфра** ости. (“Гул ва Наврӯз”)

Сухан – сўз, нутқ. **Ширина сухан** – ширин сўз.

Каломингдин ҳаловат топмоғи жонларни ондинким,
Даҳон нозик, забон нозик ки лаб нозик, **сухан** нозик (Фурқат)

Тўтийи ширина **сухан** ағёrlарнинг базмида,
Бизга келганда гапирмай зор қилмоқ шунчалар (Муқими)

Сухандон – сўз устаси, гўзал сўзлилик.

Тушмагай Хизру Масиҳога ишим бори дигар,
Бир табассум қилса ул шўхи **сухандоним** мани (Муқими)

Сухансоз – айнан: сўз ясовчи; сўзамол, сўзловчи.

Масиҳо янглиғ ул Хизри **сухансоз**,
Анингдек кўргузур (ул парда)да роз (“Гул ва Наврӯз”)

Сучук – чучук, ширин, тотли.

Бир зарра **сучук** сўзни Атойидин аярсен,
Эй лаблари шаҳду шакарим, нетти не бўлди?

Суқ – очофат, баднафс.

Мен **суқ** ҳасад қариндоши эмасман... (“Зарбулмасал”)

Суғро – кичик, энг кичик. **Олами суғро** – ер, жаҳон.

Ки ҳарне **олами суғрова** мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд (“Фарҳод ва Ширина”)

Сұхо – Ҳулкар тұпидаги юлдузларнинг күз зұрға илғайдиган даражадаги әңг кичиги ва хираси.

Қаро тун гар нишон айлаб **Сұхони**,
Фалакча новакиға ул нишони (“Фарҳод ва Шириң”)

Сұхон – 1.Әгов. 2.Арра.

Харошида фифон чексам ғамангез,
Бу **сұхон** бирла қылсаң тәшасин тез (“Фарҳод ва Шириң”)

Сү, **сүй** – томон, макон.

Құзим ёши на танҳо **сүйи** тупроғига оғушта,
Үшал чин нофаси ҳам бүйі тупроғига оғушта (Муқимий)

Сүг – мотам, аза, мусибат, қайғы.

Күши андуху дард алқони тортиб,
Мусофир әлга **сүт** ағфони тортиб (“Фарҳод ва Шириң”)

Сүз – 1.Далил, исбот. 2.Куймоқ, ёнмоқ.

Әчкунинг оти Абдулкарим бүлурға **сүз** керак (“Зарбулмасал”)

Бүлурдин даҳр бүстонида мавжуд,

Эмасдур гайри **сүзу** дард мақсад (‘‘Фарҳод ва Шириң’’)

Сүзон – ёнаётган, күяётган, ёниб турған. Шамъи **сүзон** – ёник шам.

Ки булбул нола, ағфон айламакни мендин ўрганди,
Вужудин шамъи **сүzon** айламакни мендин ўрганди (Увайсий)

Сұзап – нина, игна.

Әнагаси бор эрди оти Савсан,
Тили гаҳ ханжар эрди, гаҳ **сұзап** (“Гул ва Наврӯз”)

Сүзник – күйдирувчи, ўртайдиган.

...жағон дашти Мажнунларини минг бир балоға дастон
қилиб, **сүзник** фифонга учратти (“Фарҳод ва Шириң”)

Сұна – 1.Үрдак (нари). 2.Арисимон чақадиган ҳашарот.

Дахи түрк үрдакнинг эркагин “**сұна**” ва тишисин “бўрчин”
дер (“Муҳокамат ул-луғатайн”)

T

Тааб — машақат, қийинчилик, азоб-уқубат.

Сен ичиб файр ила май гул-гул очиб рухсоринги,
Мен ютуб қон, сончилур бағримга юз хори **тааб** (Роқим)

Таадди — ҳаддан ошмоқ; тажовуз қилмоқ, зулм қилмоқ, қуюшқондан чиқмоқ.

Чу күрдилар жамоли жонфизойин,
У нуттилар **таадди** расму ройин (“Гул ва Наврӯз”)

Таайюн — белгили бўлиш, тайин бўлиш, аниқланиш, ошкор бўлиш, шуҳрат топиш.

Ва лекин даҳр аро аҳли талаввун,
Адамға айлаб итлоқи **таайюн**... (“Фарҳод ва Ширин”)

Таалум — таълим олмоқ, ўрганмоқ, билим олмоқ.

Итга **таалумда** чу бўлди камол,
Сайд анинг оғзидин ӯлди ҳалол (“Ҳайрат ул-аброр”)

Тааммул — чуқур ўйлаш, диққат билан мулоҳаза қилиш, ўзқ фикрлаш.

Туринг, муҳими хайрға **тааммул** қилманг (“Зарбулмасал”)

Тааммұлсиз — 1. Мулоҳазасиз, чуқур ўйламай, калтабинларча.
2. Ҳисобсиз, беҳисоб.

Чу сўз топти ниҳоят, тўқти ярмоғ,
Тааммұлсиз нечукким тошу туфроғ (“Фарҳод ва Ширин”)

Таани — 1. Шошмай, бамайлихотир, пайсалга солмоқ. 2. Сабр, бирдош, чидам.

Таваҳҳум айламай ул ранжпаймой,
Таани бирла олиб ўқ ила ёй (“Фарҳод ва Ширин”)

Таани Раҳмондин ва таъжил шайтондин (“Зарбулмасал”)

Таассуб — 1. Ҳимоя, ҳомийлик. 2. Тарафкашлик. 4. Хурофот.

Деди Фаррухки: “Бир тадбир этоли,
Таассуб тўнини тағиyr этоли” (“Гул ва Наврӯз”)

Таассуф — афсусланиш, афсус емоқ, аттанг.

Бир буки, ёлғонға **таассуф** била,

Түғри дегай сұзни такаллуф била. (“Хайрат ул-аброр”)

Тааққул — ақл ишлатиш, мұлоҳаза қилиш, үйлаб күриш.

Мунга дөғи зарур әрди **тааққул**

Чиқормоқ бир тикандин юз туман гул (“Фарҳод ва Ширин”)

Тааххуд — аҳд қилмоқ, сұз бермоқ, келишмоқ, шартлашмоқ, зиммага олмоқ.

Чу қылди олам аҳлиға **тааххуд**,

Ямон әлға бүлур вожиб ташаддуд (“Фарҳод ва Ширин”)

Таб — 1.Үртаниш, күйиш. 2.Иситма, безгак.

Тошта әди жумлаи айшу тараб,

Шаҳр ичида әрди баси сұзу **таб** (“Юсуф ва Зулайхо”)

Табдил — алмаштириш, үзгартериш, бошқача қилиш.

Чу топти хомаси таҳрири таъжил,

Бу ишга берди кўп тағйиру **табдил** (“Фарҳод ва Ширин”)

Табойиъ — (бирлиги — табиат) характерлар, хулқлар, феъл-авторлар.

Кўйди **табойиъ** сори юз тараби тозарӯй,

Бўлди замойир аро рафъи фами кўҳна сар (Мунис)

Табон — товон, оёқ товони.

Эй қўнгул, қонингни истарсен **табонига** ҳино,

Қўзларим хуноби ранги ҳам сенинг қонингча бор (Навоий)

Табор — авлод, қариндош, насл. **Хешу табор** — қариндош-уруг.

Яхшилар — тўй қылди — деманг зинҳор,

Хўб бўлмас эшитса хешу **табор** (“Тўй”)

Табоҳ — хароб, бузук, вайрон, шикаста, синик.

Дилбаро, ҳоли **табоҳимни** қиёс эт шамдин,

Ўт аро оромгоҳимни қиёс эт шамдин (Муқимий)

Таб — 1.Характер, хулиқ, шахс. 2.Истеъдод, талант. 3.Табиат, мизож.

Табъига хиссат ғолиб әди (“Бобурнома”)

Аҳли талаввун – 1.Бетайинлар. 2.Бүёқчилар.

Ва лекин даҳраро аҳли талаввун,

Адамға айлаб итлоқи таайюн (“Фарҳод ва Ширин”)

Талх – аччик, тахир.

Ҳажр ўлумдин **талх** эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени,
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо (Навоий)

Эй, хаёли жоним ичра танда жон янглиғ ҳаёт,
Келки,сансиз талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт (Алмайй)

Тамаввуж – мавжланиш, тўлқинланиш, тўлқин урилиш.

Бир кун истаб тенгиз тафарружини,

Ел хиромиу сув **тамаввужини** (“Сабъаи сайёр”)

Таманно – 1.Истак, орзу, тилак, умид. 2.Ноз, карашма.

Таманно қилғали лаълингни кўнглум,

Киши билмас ониким, қолди қанда (Атойи)

То айладим оллиға бориб арзи ниёзим,

Чин солди жабинига **таманно** қилайин деб (Машраб)

Тимасхур – мазхаралаш, мазах қилиш.

Тамаъ – 1.Истамоқ, тилаш, кўз тутиш, умид қилмоқ. 2.Тамаъгирник, очкўзлик.

Мулқдин адлу карам кетти, келиб кину нифоқ,

Яҳшилиқ қилма **тамаъ**, зулм ила дўлди оғоқ (Турди)

Таміан – оғирлик, чидам, оғиртабиатлилик. Дурри **тамкин** – виқор.

Нигореким гапурмас дурри **тамкиним** ушолгай деб,

Боқолмасман юзига боҳаёлиқдин ўёлгай деб... (Муқимий)

Таммат – охир, ниҳоя, хотима.

Бу сўздин шод бўлунг, эй жумла уммат,

Кел энди, Машрабо, қил сўзни **таммат**.

Тамма бил хайр – охири хайрли бўлсин, ниҳояси яхши бўлсин.

Қаламға чун туганди сафҳада сайр,

Сўз итмоли эдиким: “**Тамма бил хайр**” (“Фарҳод ва Ширин”)

Тавотур – бирор даракнинг оғизма-оғиз ўтиб, тарқалиши; кетма-кет ёйилиш; муттасил, кетма-кет.

Хабарға чун аён бўлди **тавотур**,

Инонди лек они элтиб таҳайюр (“Фарҳод ва Ширин”)

Тавочи – шоҳнинг буйруқ ва мактубларини жойларга етказиб бажартирувчи киши, дарак берувчи.

Черикка айлабон миоду булжор,

Тавочи ҳар тараф еткурди ул жор (“Фарҳод ва Ширин”)

Тавр – 1.Хил, нав. 2.Тарз, равиш. 3.Қизиқ, фалати. 4.Соҳа, йўсун, одат.

Ҳар кишиким, истаса тузлукка фавр,

Англағил ониким, эрур икки **тавр** (“Ҳайрат ул-аброр”)

Саманди олиб барқдин тезлик,

Ўзи чархдин **таври** хунрезлик (Навоий)

Не жафо **таврида** бор дунёда ул бемеҳрдек,

Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби (Бобур)

Тавсан – 1.Шўхлик, қайсаарлик, чарслиқ, асовлик, ўйноқилик. 2.Оғизлилар: панд ила **тавсанлигин** элнинг ўксут,

Ким деди: тепкилу минбарни ушот, эй воиз? (Навоий)

Чиқса қүёш фалакка, сен отқа чиққанингдек,

Бўлғайму ул сенингдек, ул бири **тавсанингдек** (Бобур)

Тавсеъ – кенгайтириш, кенгчилик, кенглик.

Топиб юз минг қамар сайр ичра **тавсеъ**,

Зуҳал бирла vale бориға тарбеъ (“Фарҳод ва Ширин”)

Тавф – тавоф, зиёрат, топинмоқ.

Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла **тавф**,

Каъбаи кўйин хабар топқунча борғонимдин эл (Навоий)

Тавъамон – эгизак, шерик.

Гўйё рўзгор аносидин,

Туғди кулфатга **тавъамон** шуаро (Мунис)

Тавқир — виқор, фуурланиш.

Хизмат ила айлама **тавқир** ҳам,

Шанъат ила айлама таҳқир ҳам (“Ҳайрат ул-аброр”)

Тадриж — бир бошдан, тартибли, мунтазам, пояма-поя.

Арз қил **тадриж** илаким шодлиғидин ўлмайин,

Эй Навоий, келса ногаҳ дилситонимдин хабар (Навоий)

Тажаммул — 1.Дабдаба, шоҳона шукуҳ, ҳашамат. 2.Безак, зийнат, пардоз.

Тажаммул онда Афридунча юз минг,

Хизона маҳзани Қорунча юз минг (“Фарҳод ва Ширин”)

Тазаллум — 1.Зорланиш, зулмдан шикоят. 2.Зулм қилиш.

Ҳар ким ул золимлар оллида **тазаллум** кўргузуб,

Еб алардин бош уза мушту юз узра кожлар (Мунис)

Кўпидин **тазаллумингта** на илождур чидошим,

Ситаму аламларингни бир эмас ҳазор қилдинг (Машраб)

Тазарруъ — ялиниш, ёлбориш, илтижо.

Тараҳхум қилмасанг ё боқмай истиғно била ўтсанг,

Тазарруъ қилғамен ё йиглагаймен, ўзга нетгаймен? (Бобур)

Тазвир — макр, ҳийла, алдов.

Ёяр доми **тазвир** эл сайдифа,

Қилиб субҳадин дона омода шайх (Навоий)

Тазийин — зийнат, безак.

Гуногун фавокиҳ билаким боғда **тазийин**... (“Маҳбуб ул-қулуб”)

Тазҳиб — зарҳал бериш, олтин қоплаш, олтин билан нақшлаш.

Қилиб зарҳал ҳазон наққоши тартиб,

Қилурға боғ авроқини **тазҳиб** (“Фарҳод ва Ширин”)

Тайлөқ — бўталоқ, туянинг боласи.

Юки оғир эрдию ҳам йўл йироқ,

Ўртади тайлөқни нори фироқ (“Зарбулмасал”)

Тайр — күш.

Қилиб саъй ила тайри фархундапай,
Неча кунчалик йўлни бир дамда тай (“Садди Искандарий”)

Тай қилмоқ – босиб ўтмоқ, йўл босмоқ, юрмоқ.
...манозил ва мароҳил тай қилиб юрур эрди (“Зарбулмасал”)

Так – қадам, одим. **Тез так** – тез одим, илдам одимловчи, тезюар.
Қаламким раҳнаварди **тезтакдур**,
Азалдин манзили фавқул-фалакдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Такаллум – сўзлаш, гапириш.
Кўруб Булбулни Гул қилди табассум,
Чиройин очти, бошлади **такаллум** (“Гул ва Наврўз”)

Такаллуф – 1.Бирор ишни зўрма-зўраки бажариш, сунъий
хатти-ҳаракат. 2.Ҳашамат, безак. 3.Намойишкорона, атайлаб.
4.Меҳмондорчилик, маросим, ташриф. 5.Сидқидилдан.
Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Тўғри дегай сўзни **такаллуф** била (“Ҳайрат ул-аброр”)

Бориб кўргил ғариби бенавони,
Такаллуф бирла мендин сўргил они (“Гул ва Наврўз”)

Жойи олий ўрнига бир кулбаи торику танг,
Ҳайфким, ҳам йўқ **такаллуф**, меҳмон айлай десам (Муқимиј)

Таклифот (бирлиги – **таклиф**) – 1.Даъватлар, буйруқлар.
2.Азоблар, азиятлар, жафолар.
Бидъату зулм анинг хилқату асли зоти,
Юртни бузди ҳавола била **таклифоти** (Турди)

Таковар – 1.От. 2.Отнинг туёғи.
Таковар узра елдин оташ антез,
Ҳамул эл сори сурди ел киби тез (“Фарҳод ва Ширин”)

Таку дав – югуриб елмоқ.
Неча кун васл учун айлаб **таку дав**,
Ани ҳам ўлтурууб тош ичра Хисрав (“Фарҳод ва Ширин”)

Талаввун – 1.Ранг-баранг бўлиш, тусланиш. 2.Тутуруқсизлик.

Аҳли талааввун – 1.Бетайинлар. 2.Бүёқчилар.

Ва лекин даҳраро аҳли **талааввун**,

Адамға айлаб итлоқи таайюн (“Фарҳод ва Ширин”)

Талх – аччиқ, тахир.

Ҳажр ўлумдин **талх** эмиш, мундин сүнг, эй гардун, мени,

Лайлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо (Навоий)

Эй, хаёли жоним ичра танда жон янглиф ҳаёт,

Келки,сансиз **талх** бўлди жонима тотлиф ҳаёт (Алмайй)

Тамаввуж – мавжланиш, тўлқинланиш, тўлқин урилиш.

Бир кун истаб тенгиз тафарружини,

Ел хиромию сув **тамаввужини** (“Сабъай сайёр”)

Таманно – 1.Истак, орзу, тилак, умид. 2.Ноз, карашма.

Таманно қилғали лаълингни кўнглум,

Киши билмас ониким, қолди қанда (Атойи)

То айладим оллифа бориб арзи ниёзим,

Чин солди жабинифа **таманно** қилайин деб (Машраб)

Тамасхур – мазхаралаш, мазах қилиш.

Тамаъ – 1.Истамоқ, тилаш, кўз тутиш, умид қилмоқ. 2.Тамаъгирлик, очкўзлик.

Мулқдин адлу қарам кетти, келиб кину нифоқ,

Яхшилиқ қилма **тамаъ**, зулм ила дўлди офоқ (Турди)

Тамкин – оғирлик, чидам, оғиртабиатлилик. **Дурри тамкин** – викор.

Нигореким гапурмас **дурри тамкин** ушолгай деб,

Боқолмасман юзига боҳаёлиқдин уёлгай деб... (Муқимий)

Таммат – охир, ниҳоя, хотима.

Бу сўздин шод бўлунг, эй жумла уммат,

Кел энди, Машрабо, қил сўзни **таммат**.

Тамма бил хайр – охири хайрли бўлсин, ниҳояси яхши бўлсин.

Қаламға чун туганди сафҳада сайр,

Сўз итмоли эдиким: “**Тамма бил хайр**” (“Фарҳод ва Ширин”)

Тамматул китоб — китоб охири, китоб хотимаси.

Таммоъ — тамаъгир, тамаъ қилувчи.

Тамуз — саратон, ёз.

Фасли тамуз эрди, ҳаво кўп исик,

Йўлда темурдек эди қумлар қизиқ (“Зарбулмасал”)

Тамуғ — дўзах.

Тамуғ, учмоғ яратмиш Ҳайий Жаббор,

Агар Ваҳҳоб эрур, Қаҳҳор ҳам бор (“Фарҳод ва Ширин”)

Тан — тегишли, мансуб.

Эрур Андижон асли ватан,

Вале ҳолиё Янгиқўргонда тан (Махмур)

Танаффур — нафратланиш, жирканиш.

Хазондек қон ёшим, сориф юзимдин эл **танаффурда**,

Баҳар ранги, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни кутқардим (Бобур)

Танаъум — ноз-неъматлар билан фаровон яшаш, дориламон яшаш, роҳатда тирикчилик қилиш: овқатланиш, тановул.

Кеча бўлса **танаъум** бирла машғул,

Мусоҳиблар бори мавзуну мақбул (“Гул ва Наврӯз”)

Танбал — 1.Ялқов, дангаса. 2.Мажозан: семиз, миқти.

...паст бўйлуқ, тегирма соқоллиқ, қўба юзлук, **танбал** киши эди (“Бобурнома”)

Танг — 1.Тор, зич, сиқиқ. 2.Тенг баробар. 3.Халта, қопчиқ. Танг-танг — қоп-қоп. 4.Айил тортқи.

Шайхнинг хунари бўлмаса, хонақоҳ **танг** (“Зарбулмасал”)

Олий ҳимматлар қошинда ҳиммати бас паст эрур,

Тўбини ҳар ким кўрап танг ул қади боло била

(Хофиз Хоразмий)

Қўқанд **танг** тор учун,

Саҳро чиқиши даркор экан (“Саёҳатнома”)

Шафақ Гулгунига хуршид этиб ранг,

Яна жул-чархи атлас, Каҳкашон-танг (“Фарҳод ва Ширин”)

Холиу икки лабидек бўлмағай,
Ҳинду ар келтирсашакар танг-танг (Бобур)

Тангла, тонгла — эртаги кун. Мажозан: қиёмат куни.
Гар кўнгул қатл истабон сен ваъда қилдинг **тангла** деб,
Ушбу дам ўлтур, бу эҳсон бирла мамнун бўлмаса (Навоий)

Танглағон — танлаган, сайлаган.
Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил,
Ким пари рухсорлардин **танглағоним** сен манинг (Навоий)

Таноб — 1.Айнан: чивир, ип, арқон. 2.Юза (сатҳ) ўлчови бўлиб, турли жойларда турлича миқдорни ифодалаган. Чунончи, бир таноб Бухоро ва Самарқандда 4097 квадрат метр; Фарғонада 1820-2845 квадрат метр ва ҳоказо. 3.Мажозан: газиз, жазо: танобини тортмоқ... 4.Ер ўлчаш маъракаси.

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдига ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин **таноб** айлаб (Навоий)

Хоҳ **танобингни** дучандон қилай,
Хоҳ карам бирла бошингни силай (“Танобчилар”)

Бир бурайин мўйлабимни чиқиб,
Торт **танобини**, жазоси сиқиб (“Танобчилар”)

Ўн икки ойда келадур бир **таноб**,
Ўзгалара роҳату менга азоб (“Танобчилар”)

Таносуб — уйғун. Икки нарсанинг бир-бирига мутаносиблиги, қелишиганлик, нисбат пайдо қилиш. Мувофиқлик.

Таносуб қилиб ул икки ягона,
Цедилар борча Хисравдин нишона (“Фарҳод ва Ширин”)

Таносух — руҳ(жон)нинг кўчиб юриши ҳақидаги файри илмий таълимот. Таносух таълимотига кўра, гўё инсон жони бу дунёдаги феты-атворга кўра, бошқа тана(одам, ҳайвон, қушлар)га ўтармиш.

Ўлған отинг танига руҳимни солғай эрдим,
Ҳақ бўлса эрди, жоно, гар мазҳаби **таносух** (Мунис)

Тапуманд — норғил, гавдаси йирик.

Ҳам тануманду ҳам шужоу далер,
Ул сифатким, жазира ичраки шер (“Сабъаи сайёр”)

Тануқ, тоңуқ – гувоҳ, шоҳид.
Ижозат бермаса, Тангри **тануқдур**,
Хақ оллинда бу асрорим очуқдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Тапонча – шапалоқ, шапати, тарсаки.
Юзига бас **тапонча** ургонидин,
Нилуфарлар очиб гулистонидин (“Сабъаи сайёр”)

Танқир – ўйиш, қазиш.
Ҳамул хомангки айлар хора **танқир**,
Анинг кайфиятин ҳам айла тақрир (“Фарҳод ва Ширин”)

Тар – 1.Хўл, нам. 2.Янги, тоза. 3.Хуш, шод. 4.Хижолат.
Дерларки, эдар фунча лаби ёр ила баҳс,
Гул барги **тар** ул лаъли гуҳарбор ила баҳс (Фузулий)

Димоги ҳусн авсофи била **тар**,
Йигитлик жўши бирла бода дар сар. (“Гул ва Наврӯз”)

Тараф – шодлик, хурсандчилик.
Тошта эди жумлаи айшу **тараф**,
Шаҳр ичиди эрди баси сўзу таб (“Юсуф ва Зулайхо”)

Тараккуб – бир неча нарсанинг бирикиши, бир неча
модданинг бирлашиши.

Борин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккубдин бу исм ўлди мураттаб (“Фарҳод ва Ширин”)

Тараҳҳум – раҳм қилиш, шафқат қилиш, раҳми келмоқ.
Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу **тараҳҳум** била қилдим хитоб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Тарбеъ – 1.Тўртлик қилиш. 2.Бир сайёрининг иккинчи бир
сайёра билан тўқнашуви.

Топиб юз минг сайр ичра тавсевъ,
Зуҳал бирла вале борига **тарбеъ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Тар гашта — уятда қолган, хижолат бұлған.

Хижлат арақлари била **тар гашта** заррани,
Бир меҳр номаси ила саргашта заррани (Муқимий)

Тардомани юзи қаро — айнан: этаги хүл, юзи қаро; күз.
Тардоман — бузуқи.

Күзга чун дерменки, эй **тардомани юзи қаро**,
Сендин ўлмиш телба күнглумнинг балоу ваҳшати (Навоий)

Тарёк, тарёқ — заҳар таъсирини йүқотадиган дори.

Таалтуқ бодасин тожи азиз бошингта йўл тоити,
Хирад **тарёқин** ол комингта, ваҳқим, дарди сар токай? (Увайсий)

Дарди ҳижронига хўй алаб етушдим жонима,
Оқибат қилғай зарар **тарёқга** мутьодлиғ (Мунис)

Тарид этмоқ — наъра тортмоқ, ҳайқирмоқ.

Кириб чун **тарид этти** ҳар сори фош,
Яқинроқ суруб шаҳфа индурди бош (“Садди Искандарий”)

Тарик, тарийқ — 1.Йўл, усул. 2.Мазҳаб, маслак. 3.Восита, сабаб.
Фосиқ бари **тарикда** ёмондур... (“Маҳбуб ул-кулуб”)

Тарик — 1.Тез, жадал. 2.Жездан ишланған ҳарбий кийим.
Гашлаш, воз кечиши. 4.Қарамай қўйиш, ташлаб қўйиш.

Ривон, эй Қутб, **таркин** кеч бўлур бил,
Не билгайлар сени, сўзлатмасанг тил (“Хисрав ва Ширин”)

Бошиким **тарқ** тожидин баруманд,
Бўлуб тожига гардун тутма монанд (“Фарҳод ва Ширин”)

Тарки жоҳ айламоқ — амал-мартабадан кечмоқ.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то **тарки жоҳ айлаб** гадо бўлдум санго (Навоий)

Тароват — янгилик, тозалик, оҳорлилик.

Шимли ва ақиқ нақшдин ва ранг **тароватидин** қолибдур,
шарлар (“Зарбулмасал”)

Тифорруж — сайр, гашт, тамоша, кўнгил очиш.

Тилар бўлсанг **тафаруж**, эй дилором,
Тафаружнинг еридур гўши бом (“Гул ва Наврӯз”)

Тарона – 1.Кўшиқ, ашула, оҳанг. 2.Рубоийнинг бир хили бўлиб, тўрттала мисраси ҳам ўзаро қофияланган бўлади.

Истасангким, нағманг ичра кўп халойиқ ўлмагай,
Ул икавдин кўп, vale мендин **тарона** оз туз (Навоий)

Таррор – ўғри, талончи, қароқчи, кисавур.

Бир танга соткай бир қурут,
Инсофи йўқ, **таррор** экан (“Саёҳатнома”)

Тарҳ – 1.Ёзилган. 2.Чизилган. 3.Курилиш ва иморат лойиҳаси.
4.Тартиб, усул. 5.Нусха. 6.Ташлаш, олиб ташлаш.

Они назм этки, **тарҳинг** тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай (“Фарҳод ва Ширин”)

Ул ҳарир узраки **тарҳ** эткунгдуур тимсолини,
Сигмаса, зайлита жоним пардасин пайванд қил (Навоий)

Боғлар саҳнида жавлонлар қилиб юз ноз ила,
Ҳар қадам кўйдинг чаман **тарҳини** ижод айладинг (Муқимиј)

Тасдиқот(бирлиги – **тасдиқ**) – тасдиқлар, ҳақ деб билиш,
тўғри топиш, икрор қилмоқ, тасдиқламоқ.

...Юртни бузди ҳавола била таклифоти,
Олди бу расми барот ила **тасдиқоти** (Турди)

Таскин – турган, сақланган, тўхтаган, қарор топган.

Қайдаким заврақе топиб **таскин**,
Анда бир дидбон қилиб таъйин (“Сабъаи сайёр”)

Таслим – 1.Эътироф; икрор. 2.Топширмоқ; бермоқ. 3.Қойил қолмоқ.
Қизингни бериб анга таъзим қил

Яна тожу тахтимни **таслим** қил (Хиромий)

Хироми қадди шамшодингга таслим,
Яна ҳусни худододингга **таслим** (Аваз Ўтар)

Тасмия – 1.Ном қўймоқ, исм бермоқ, атамоқ. 2.Тасмия демоқ
–Худони тилга олмоқ, “бисмилло” демоқ.

Ҳазордастон таъвиз ва тасмиядан сўнг... (“Зарбулмасал”)

Тасхир — эгаллаш, ўз амрига тобеъ этиш, ўзига бўйин сундириш.

Маалқисса шу Наврўзи жаҳонгир,

Жаҳонни азм бирла қилди **тасхир** (“Гул ва Наврўз”)

Татаббуғ(кўплиги – татаббуот) – бирор нарсанинг изидан тушмоқ, назира, ўхшатма.

Журъате айлаб Навоийга **татаббуъ** айладим,

Сафҳа узра хома сурдим истаб онинг ҳимматин (Мунис)

Тафаввүқ – афзаллик, аълолик.

Тафарруж – сайр, томоша, қўнгил очиш, гашт.

Бир кун истаб тенгиз **тафарружини**,

Ел хиромиу сув тамаввужини (“Сабъай сайёр”)

Тафаррұс – нарсани у ёки бу белгига кўра фаросат билан билиш.

Тафаррұс қылдиким меҳри дилоро,

Анинг ҳолиға қылғондур мадоро (“Фарҳод ва Ширин”)

Тифаъул – 1. Тахмин қилиш, фол кўриш. 2. Йўймоқ.

Не хоқонким, сизинг бир камтарин қул,

Қилиб иқболингиз бирла **тафаъул** (“Гул ва Наврўз”)

Тафзиҳ – бадном қилиш, ёмонотлиқ қилиш, шарманда қилиш, бирорнинг айбини ошкор этиш.

Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзни кўрсатмоқ,

Кўз тут ўз ҳолинга **тафзиҳини** бот, эй воиз (Навоий)

Тафоҳур – фахрланмоқ.

Такаллум риштасига назмидин дур,

Фалак баҳрига ул дурдин **тафоҳур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Тафрид – фард бўлмоқ, ёлғизланмоқ, яккаланмоқ.

Тафриқа – favго, тўполон, бетартиблиқ.

Элни чу зарқ намози сўзига жамъ эттинг,

Тортқил **тафриқага** эмди салот, эй воиз (Навоий)

Тахайюл – хаёл қилмоқ, хаёлга келтирмоқ, ўйлаб тасаввур қилмоқ.

Ки гар аввал анга этмас тааммул,
Замир авроқида қилмас **таксайол** (“Фарҳод ва Ширин”)

Тахта санг — тахта тош, ясси йирик тош, текис харсанг.
Чу түққиз юз қадам урса юруб туз,
Йўл узра **таксасонгे** кўргузур юз (“Фарҳод ва Ширин”)

Тахтигар — тахт олувчи, тахт эгалловчи, бошқалар тахтининг дарьвогари, кучли шоҳ.

Неча шаҳ бўлса олам **тактигири**,
Сен-ӯқ бўлғайсен олинда вазири (“Фарҳод ва Ширин”)

Тахтуссарин — дўзах.

Сенинг бирла тамуғ хулди бариндур,
Биҳиштим сенсизин **тактиуссариндур** (“Гул ва Наврӯз”)

Ташаддууд — шиддатланмоқ, қаттиқлашиш, оғирлашмоқ.

Чу кўнгли бор аниг дикқатфа мойил,
Эрур андин **ташаддууд** нақши зойил (“Фарҳод ва Ширин”)

Ташайюх — қаримоқ, шайх бўлмоқ.

Ташбиҳ — 1.Ўхшатиш, қиёслаш, таққослаш. 2.Шеърий санъат, бадиий-тасвирий восита: бирор предмет ёки тушунчани бошқа предмет ёки тушунчага ўхшатиб образлилик яратиш усули.

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға **ташбиҳ** эттилар,
Ким ҳам андин кўп зиёнлар анга, ҳам кўп суд эрур (Навоий)

Ташвири — 1.Тўлқинланиш. 2.Фалокат. 3.Жазава.

Ишқдур ул нашъаи комилким, андандур мудом,
Майда **ташвири** ҳарорат, найда таъсири садо (Фузулий)

Таъбия — тузмоқ, тартибга солмоқ, жой-жойига қўймоқ, безамоқ.

Тўлин ой **таъбия** сарв узра қилди,
Мени ул сурата ҳайрон яратти. (“Муҳаббатнома”)

Чаман мулкида боғланибдур **таъбия** ва оин...

(“Маҳбуб ул-қулуб”)

Таъвиз — 1.Тумор-кўз тегиши ва балони даф этиши учун ёзилган дуо. 2.Эваз бермоқ, мукофотламоқ, ҳақини тўламоқ.

Ҳазордастан таъвиз ва тасмиядан сүнг... (“Зарбулмасал”)

Таъвил – изоҳ, баён, ҳукм, буйруқ.

Малик айтти: “Шаръ таъвили қайси туур” (Сайфи Саройи)

Таъжил – 1.Тез, шошилинч, ошиқиш. 2.Муддат белгилаш, муддат бермоқ.

Гилатти нўшлаб **таъжил** ила от,

Равон бўлди Михинбону доги бот (“Фарҳод ва Ширин”)

Таанни Раҳмондин ва **таъжил** шайтондин (“Зарбулмасал”)

Таъийид – мадад, кўмак, ҳомийлик.

Кўрарсен чу тилисм очмоққа **таъийид**,

Тилисм ичра топарсен жоми Жамшид (“Фарҳод ва Ширин”)

Тақлиб – қайтармоқ, ўғирмоқ, остин-устун қилмоқ.

Таън – таъна, юзга солиши, хижолат қилиш.

Улуснинг **таъну** таърифи менга, Бобур, баробардур,

Бу оламда ўзимни чун ямон, яхшидин ўткардим (Бобур)

Таътил – бўш кўймоқ (дарсга нисбатан ўқимаслик, дўстга нисбатан эсламаслик).

Тақвият – қувватлаш, мадад.

Сипоҳинг **тақвиятлар** динга берур,

Фаридун ганжини мискинга берур (“Мұхаббатнома”)

Тақи – 1.Яна, тағин, такроран. 2.Тақводор, ҳалол иш тутувчи, ширхезкор. 3.Ҳамда, ва, ҳам.

Сўрар ҳар бир ҳикоятни мукаррапар,

Эрикмай ул **тақи** айтур саросар (“Гул ва Наврўз”)

Ўзин гоҳ мулло олур, гоҳ **тақи**,

Ниёзча оғалиқ хуш аҳмақи (“Зарбулмасал”)

Шовур Фарҳодни Ширин қатинга келтурғони, **тақи** Фарҳод Ширинға ошиқ бўлғони (“Хисрав ва Ширин”)

Тақобил – 1.Юзма-юз бўлмоқ, ўзаро дуч келмоқ. 2.Яқинида, ёнида.

Жомиъда ҳарам **тақобилида** роҳи омма бор эрди (“Зарбулмасал”)

Тақозо — талаб.

“Борма, дерлар, эшики сори дамо-дам”, нетайин,
Кўп **тақозо** қиласурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул (Лутфий)

Тақриб — яқинлаштирмоқ, яқинлик, гумонсираш, тахмин.

Топилди ишга чун бу навъ **тақриб**,

Равон шоҳона жашне қилди тартиб (“Фарҳод ва Ширин”)

Тақрир — қарор бермоқ, мақсадни изҳор этмоқ, айтмоқ.

Дедиким: “Қил бу таҳрирингни тақрор,

Айит ўртукли **тақрирингни** изҳор” (“Гул ва Наврӯз”)

Тақсир — 1.Қусурга йўл қўймоқ, хато қилмоқ, нуқсон, сусткашлик. 2.Ҳурматли, муҳтарам.

Деди Жобирки: “Эй қўлумда асир,

Разму кўшишда қилмадинг **тақсир**” (“Сабъаи сайёр”)

Анда Турумтой аиди: “Тақсир афандим, хато қилдим”
 (“Зарбулмасал”)

Тағиیر — ўзгартирмоқ, бошқача қилмоқ.

Деди Фаррухки: “Бир тадбир этоли,

Таассуб тўнини **тағиир** этоли” (“Гул ва Наврӯз”)

Тағофул — билиб билмасликка солиш, билмай қолиш, фафлатда қолмоқ.

Замона аҳли жафосин **тағофул** айларсен,

Алар **тағофул** этиб, кош сен жафо қилсанг (Навоий)

Таҳайор — 1.Ҳайратланиш, ҳайрон қолиш. 2.Ҳайронлик, шошиб қолмоқ.

Не эл бордур, не улус, не хазина,

Таҳайор қилди дунёning ишина (“Гул ва Наврӯз”)

Таҳаммул — сабр, тоқат, чидам.

Яна эл тилидин андеша қилди,

Зарураттин **таҳаммул** пеша қилди (“Гул ва Наврӯз”)

Таҳамтан — Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги машҳур қаҳрамон Рустамнинг лақаби.

...гоҳ ўзини **Таҳамтан** олувчи баҳодири жаррор (“Зарбулмасал”)

Таҳассур – ҳасрат қилиш, афсусланиш, аттанг дейиш.

Сенинг васлингдин айру тушгали борғон сари ортар,
Таҳассур орқадин, меҳнат ёнимдин, ҳажр ўтрудин (Бобур)

Таҳ-батаҳ – қатма-қат, қаватма-қават, бутунлай.

Таҳ-батаҳ кўнглими бу фикр билан хун дутди,
Жойи шаҳбозлари қарғаву қузғун дутди (Турди)

Таҳоши – қўрқищ, тортиниш, ибо қилиш, ваҳима.

Юмуб борча **таҳошидин** кўзумни,
Ул оғатларға ургумдур ўзумни (“Фарҳод ва Ширин”)

Таҳрик – титроқ, қимиirlамоқ, силкинмоқ, ҳаракатга келмоқ,
қўлтирамоқ.

Таҳрик топар тонг ели бирла доғи лола,
Лўли дурур ўйнар боши устида пиёла (Мунис)

Таҳрир – айтилган, ёзилган сўз, асар, мактуб.

Дедиким: “Қил бу **таҳрирингни** такрор,
Айит ўртукни тақрирингни изҳор” (“Гул ва Наврӯз”)

Таҳқиқ – ҳақиқат қилмоқ, анигини текшириб билмоқ.

Гулга Наврӯз келгани **таҳқиқ** бўлиб, Савсанға зори қилғани
 (“Гул ва Наврӯз”)

Теб – деб.

Умоқ бирла Гули Фархор чун бод:
“Мубориз юборинг!” **теб** қилди фарёд (“Гул ва Наврӯз”)

Чиқордим хуш йизиғлиқ сув бу кўлдин,

Кўнгуллар қонсу **теб** бу соғ сувдин (“Хисрав ва Ширин”)

Тебрамоқ – жўнамоқ, йўлга тушмоқ.

Юсуф оғолари бўлиб борча шод,
Тебрадилар Юсуф олиб мисли бод (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Тева – тuya.

Сен тевавининг бўтаси бирла мунозара қилғонидин бехабар
ўхшарсен (“Зарбулмасал”)

Тегирма — чүккى. **Тегирма соқол** — чүккى соқол.

Шакл ва шамойили: паст бўйлук, **тегирма соқоллик**, қуба юзлук, танбал киши эди (“Бобурнома”)

Теграси — тевараги, атрофи, рўмол ҳошияси.

Бир чамандур саҳниким, бўлгай бинафша сарбасар,
Теграси гулзордурким, бўлмагай бир хор анга (Бобур)

Тек — 1.Жим, тинч, сокин. 2.Фақат, яккаш.

Арода **тек** бир-икки достон ҳам,

Дебу Фарҳоддин айтиб нишон ҳам (“Фарҳод ва Ширин”)

Текин — қадар, - гача.

Буқун тонгқа **текин** май нўш қилғин,

Бадиҳа бу фазални гўш қилғин (“Муҳаббатнома”)

Текру — қадар, - гача. **Кечага текру** — оқшомгача, кеч тушгунча.

Кечага текру андоқ ичтилар май,

Ки ёттилар аёқдин бош билмай (“Гул ва Наврўз”)

Темак — демак, демоқ.

“Чинг”нинг маъноси улуғ ва катта **темак** бўлур (Абулғози)

Тенгиз — денгиз.

Бир кун истаб **тенгиз** тафарружини,

Ел хиромию сув тамаввужини (“Сабъаи сайёр”)

Тенгри — Худо, Оллоҳ, Тангри.

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,

Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму? (Бобур)

Тесанг — десанг.

Қилиб кўргузгай ул юз турлу санъат,

Қаю ёндин **тесанг**, бор анда қувват (“Хисрав ва Ширин”)

Тешавар — 1.Дурадгор, ёғоч нарсалар тайёрловчи киши, уста.

2.Мажозан: тош кесувчи.

Кезар эрди боқиб ҳар пешаварни,

Ки кўрди неча чобук **тешаварни** (“Фарҳод ва Ширин”)

Теъдор — саноқ, ҳисоб, санаш, ҳисоблаш.

**Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин юз уза хайдин гулоб айлаб (Навоий)**

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Қўймади бир зарра бағримни бутун.
**Тунга бориб бизни беҳол айладинг,
Не балолиғ тун эмиш, ё Раб бу тун? (Навоий)**

Тунг – халта (қанд, новвот солинадиган тўрва), кичик қоп.
Париларнинг илики, бўйнидур банд,
Нечукким, ул тунг ичра боғланур қанд (“Гул ва Наврӯз”)

Тунд – 1.Айнан: аччиқ. 2.Фазаб, дарғазаб. 3.Асов. 4.Шиддатли,
қаттиқ. 5.Жиззаки. 6.Юксак.

Шеър ул маҳкам имораттурки, сели ҳодисот,
Айламас ҳар неча бўлса тунд, бунёдин табоҳ (Мунис)

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк асадидек далер (“Ҳайрат ул-аброр”)

Токи тунд ўлди баҳр аро кўлок,
Деди малюҳ айлабон яқо чок (“Сабъаи сайёр”)

Мизожинг нозику сен тунд, мен бир беадаб телба,
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкилдур (Бобур)

Шимолий ҳаддида тоғи дурур тунд,
Ки тифи кўк мисосидин эрур кунд (“Фарҳод ва Ширин”)

Тундбод – кучли шамол, бўрон, тўполнон шамол, қуюн.
Бу дамки қўпти фитна **тундбоди**,
Недур билсак шаҳаншоҳнинг муроди (“Гул ва Наврӯз”)

Туркона – 1.Турклардай, ўзбекларсимон. 2.Гўзалларча.
3.Чавондозларча.
Аданлиқларга ўхшамас юрушинг,
Эрур туркона отқа ўлтурушунг (“Гул ва Наврӯз”)

Турктоz – 1.От қўйиб, шиддат билан бостириб бормоқ.
2.Галамоқ, хужум қилмоқ, таъсир ва пайхон қилмоқ.

**Бұлдум фасона субху шабона,
Кұксим нишона тири жазоға (Муқимий)**

Тирборон – ўқ ёмғири, ёмғирдай ёғилған ўқ.
Тирборои ғаминг күнглумгаким ёғди әрур,
Хар тарафдин барқи оғат ламъаи пайкон анго (Навоий)

Тирнамақ – тирнамақ, жароҳатламақ.
Малҳам истаб кимсадин, захм изҳор айласанг,
Чорае қилмоқдин үзга, устиға **тирнеглар** (Муқимий)

Тироз – 1.Ипак жияк. 2.Зийнат, безак, нақш. 3.Услуб, равиш, тарз.
Деди: “К-эй боти умрум сарв нози,
Харими хилқатим шамъи **тирози**” (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳакимиким ниғор айлаб **тирозин**,
Ёзіб кейнида маҳфий борча розин (“Фарҳод ва Ширин”)

Тифл – бола, ёш, гүдак.
Мехр ила зажрики таваққуь дурур,
Тифлға сендин бу тавозуь дурур (“Ҳайрат ул-аброр”)

Тифли раҳ – айнан: йўл боласи, кўча боласи, яъни дайди бола.
Эй Навоий, удек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен **тифли раҳ**, чархи мухолифдур адиб (Навоий)

Тиш – 1.Оғиздаги тиш, киши узви. 2.Ташқари.
Қариликдин қолмади оғзимда нон чайнарга **тиш**,
Ҳарна тобсоқ эмди бизга ёлмабон ютмоқдур иш (Роқим)

Тиши – мода, ургочи. **Тиши уй** – сигир.
Ғазанфар худ нетар чанголу ёлин,
Чекар бўлса тиши **уйнинг** маҳолин (“Фарҳод ва Ширин”)
...тўнғуз ...нинг **тишисин** мегажин... дерлар
 (“Муҳокамат ул-луғатайн”)

Тиф – пичоқ, ханжар, қилич.
Эй кўнгул, юз пора қилса ёр **тифи** ғам ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлигини ёр анга (Бобур)

Тифи дудам – ханжар.

Устига яна жавру ситам бўлмоғи хўбму?

Қатлимға қошинг **тифи дудам** бўлмоғи хўбму? (Муқимий)

Тиҳи – бўш, холи. **Тиҳи даст** – кўли бўш, қўлида ҳеч нарсаси йўқ, яъни қашшоқ. **Тиҳи жайб** – қорни оч.

Борчаси мафлуку **тиҳи даст** эди,

Борча узум ҳасратидин маст эди (“Юсуф ва Зулайхо”)

То баҳаддеки – ...- гача, - қадар, ...-га қадар, шу чегарагача, шу даражагача.

То баҳаддеки, аломати булуғ зоҳир бўлуб... (“Зарбулмасал”)

То лаб – лабгача, соҳилгача.

Кўнгул дуржин демай бўлғай лаболаб,

Ким ул дарёға солғай дурни **то лаб** (“Фарҳод ва Ширин”)

То чанд – айнан: нечтагача? Қачонгача?

Эрур Гул суҳбатингға орзуманд,

Бу хори ҳажр ичинда сабр **то чанд**? (“Гул ва Наврӯз”)

Тоб – 1.Тўлғаниш. 2.Буров. 3.Иситмоқ, қизитмоқ. 4.Буралмоқ, товланмоқ (ип, чилвирға нисбатан).

Солди ул эмгак ўти кўнглумга **тоб**,

Лутфу тараҳҳум била қилдим хитоб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Риштаи жоним узолур зулфи сори майл этиб,

Гарчи кўпрак қисқарур ҳар неча топса ришта **тоб**

(Ҳусайн Бойқаро)

Тобакай – қачонгача?

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим,

Бу замон кўз тутгин эмди сенга бўлсун тоғлар (Муқимий)

Тобадон – тоғдон; уйга ёруғ тушириш учун эшик устида қўйи-лағидан туйнук (унга қоғоз ёпиширилади ёки ойна қўйилади).

Шишадек кўнглумдадур гулзори хуснинг ёдидин,

Тобадоннинг аксилик алвон қизил, сориф, яшил (Навоий)

Тобеъот – тобеълар, қарамлар, тегишлилар.

Агар Мовароуннахр тобеъотидин хоҳласанг... (“Зарбулмасал”)

Тобиши – товланиш, қиздириш.

Күнлар **тобища** бу сафар,
Йўллар сақардин ҳам батар (“Саёҳатнома”)

Тобон – 1.Порлоқ. 2.Оёқ товони.

Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,
Ул қўзлари Чўлпон, маҳи **тобонима** айтинг (Лутфий)

Бўлса **тобони** даги ҳар сори чок,

Ер юзига ибрат учун ханданок (“Ҳайрат ул-аброр”)

Тобуқ – 1.Хизмат. 2.Олд, ҳузур. 3.Топинмоқ, ибодат қилимоқ, сифинмоқ. 4.Таъзим, мулозамат. 5.Даргоҳ, остона, бўсаға.

Наврӯз Булбулни Гул **тобуғинда** юборғани (“Гул ва Наврӯз”)

Неча муддат қилур бутлар **тобуғин**,

Тоинурлар эди хонлар **тобуғин** (“Гул ва Наврӯз”)

Гуҳар афшон қилиб дастури ҳушёр,

Тобуқлар ерга еткурди сазовор (“Гул ва Наврӯз”)

Тобуқчи – хизматчи, хизматкор.

Йировлар соғу соқийлар гуландом,

Тобуқчилар сабук руҳу дилором (“Гул ва Наврӯз”)

Товушқон – қүён, ёввойи қүён.

Қуйруги узун **товушқон**, ёмон бўлур сўзни бир-бирига қўшғон (“Зарбулмасал”)

Тожвар – тожли, тож эгаси, шоҳ, тождор.

Ҳадисида нишони пурхунарлик,

Жабинида шукуҳи **тожварлиқ** (“Фарҳод ва Ширин”)

Тоза – янги.

Ани назм этки тарҳинг **тоза** бўлғай,

Улусқа майли беандоза бўлғай (“Фарҳод ва Ширин”)

Тоир, тойир – қуш, учадиган нарса.

Тоири ҳажкинг бузуғ күнглумниким қылмаш ваттан,
Чуғздекдурким нишиман келди бир вайрон анга (Навойй)

Токча, деди, мүри, дедик – мурасага келишмаслик, мурасасизлик.
Ул “токча” деди, биз “мүри” дедик (“Зарбулмасал”)

Толеъ – балқиган, чиқкан (қүёшга нисбатан).

Фалакдин меҳри анвар бўлди **толеъ**,
Қоронгулиқни қўздин қилди рожеъ (“Гул ва Наврӯз”)

Толиб – талаб қилувчи. **Илм толиби** – ўқувчи. **Толиби содиқ** –
ҳақиқий талабгор, ошиқ.

Ким ёр анга **ilm толиби** илм керак,
Ўргангали илм **толиби илм** керак (Бобур)

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлғаким, аввл қадам маъшуқа ўтру келмади (Навойй)

Толиҳ – ёмон.

Лақаби Солиҳу ўзи – **толиҳ**,
Нур Сайд ўғли Муҳаммад Солиҳ. (“Шайбонийнома”)

Томий – мукаммал, етук, муфассал.

Нусхай таъиид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номаи иқбол **томийдур** манга (Мунис)

Томот – беҳуда, лоф-қоф, вайсақилик, асоссиз гап-сўзлар.
Қиёс устинда бошлади каромот,
Қиёси йўқ этти зуҳду **томот** (“Гул ва Наврӯз”)

Тонгирғамоқ – ажабланмоқ, тонг қолмоқ, ҳайратда қолмоқ.
Илиқдин ичқиниб балиқни солди,
Тонгирғаб бормогин тишлади қолди (“Гул ва Наврӯз”)

Тонгла – 1.Эртага. 2.Мажозан: қиёмат куни.

Мастман бу кеча, соқий, лутф ила ўлтур мани,
Вар на қўйсанг **тонглага** ранжи хумор ўлтургуси (Муқимий)

Тонгмоқ – тугмоқ, боғламоқ, танғимоқ.

Ҳариру ҳулла ичра боғлабон чуст,
Мурассаъ маҳд ичинда **тонгдилар** руст (“Фарҳод ва Ширин”)

Тонгсух — тансиқ, ноёб, нодир, қимматбаҳо.

Ўзи Наврӯз, отоси оти Фаррух,

Анинг гуфторидур бу шеъри **тонгсух** (“Гул ва Наврӯз”)

Тонуқ — 1.Далил, исбот, ҳужжат. 2.Гувоҳ, шоҳид, белги, нишона.

...сидқи даъвосида неча **тонуқ** ҳам ўткарди (“Маҳбуб ул-кулуб”)

Топмон — тополмайман.

Сендин нафасе мурод **топмон**,

Ишқингда кўнгулни шод **топмон** (Бобур)

Тому — от(ҳайвон)нинг бир нави.

Яна от анвоидаки, тўбучоқ ва арғумоқ ва яка ва ёбу ва **тоту** йўсуналуқ — борин туркча-ўқ айтурлар (“Муҳокамат ул-лугатайн”)

Тонуғ — хизмат. Қаранг: **Тобуқ**.

Шамшод қоматингга бўлуб банда боғда,

Айлар **тонуғ** ҳамиша туруб бир аёғда (Мунис)

Top — 1.Ип, тола. 2.Қоронғи. 3. “Кенг”нинг акси. 4.Ўриш. **Topу** пуд — ўриш ва арқоғ.

Ёғлиғингким жон била мен хастадурмен зор анга,

Хаста жонлар тиштасидиндур магар ҳар **top** анга (Бобур)

Хўқанд тангу **top** учун,

Саҳро чиқиши даркор экан (“Саёҳатнома”)

Мехрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни **top** этар (Навоий)

Тори — юқдан, содир бўлган, илашган.

Шоҳ Навдар сипоҳи ҳам бори,

Билдиларким, не иш эрур **тори** (Сабъаи сайёр”)

Торик — қоронғи. **Гўри торик** — қоронғи қабр.

Гўри **торикни** дуо айлай,

Ўғрилар қабрига қатор ўлгай (Махмур)

Top кўнгуллук — қайсар, манмансираган.

Топ **кўнгуллук** беклар, манман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг (Турди)

Тортанак – ўргимчак.

Мубтало бўлғил, илоҳо, **тортанакнинг** торига,
Учраса анга яна ҳаргиз қутулмас пашшалар (Муқимиий)

Тору пуд – ўриш ва арқоғ.

Кўрунуб кўзга ойдиндек намуди,
Күёш зар риштасидин **тору пуди** (“Фарҳод ва Ширин”)

Тос – тогора, жом, ичи чуқур катта идиш. Мажозан: осмон гумбази.

Мушаъбидлар сипеҳри бевафосон,
Ўғурлаб муҳра кўк **tosидин** осон (“Фарҳод ва Ширин”)

Тот, мени туттило – дод, мени тутдилар!

Қичқирибон дом аро ул мубтало,
Неча деди: “**Тот, мени туттило!**” (“Ҳайрат ул-аброр”)

Тош – 1.Тоф жинси. 2.Ташқари, ташқи. 3.Масофа ўлчови – 8
км. 4.Қулоғи оғирлик (карга нисбатан).

Тош урар атфол мени, уйида фориг ул пари,
Телбалардек қичқиурмэн, ҳар замон **тошидин** яна (Бобур)

Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидин,
Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг **тошидин** (“Зарбулмасал”)

Тоқ – 1.Том. 2.Ягона. 3.Жуфтнинг зидди. 4.Эшик ва
биноларнинг устида ярим доира шаклида ишланаган жой,
гумбаз. 5.Тақмоқ. 6.Мажозан: дунё.

..илгари ўтган сўзнинг бирини минг қилиб сўзларга **тоқ**...
 (“Зарбулмасал”)

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар ондин эрканким,
Бу эски **тоқ** аларға ёѓдуур гарди бало асрү (Навоий)

Фалак янглиғ яшил қасрида тоши,
Яшил тоши киби **тоқида** коши (“Фарҳод ва Ширин”)

Тоқатгудоз – тоқатни емирадиган, тоқатни куйдирадиган,
сабрни емирадиган.

Тортаман юз ранг кулфат ҳар бири **тоқатгудоз**,
Оташи ҳасрат ичида мўмдурман, айрилиб (Муқимиий)

Тоқя — дүппи.

...тоқясини чеккасига осган... (“Зарбулмасал”)

Туб — илдиз, туп.

Туби михи била санчиб самакни,

Тешиб нүги била даври фалакни (“Фарҳод ва Ширин”)

Туби, тубо, тӯби, тӯбо — 1. Жаннатда ўсадиган гўзал дарахт.

2. Чинор. 3. Мажозан: келишган қомат.

Не кўрай тубини қади хуш хироминг борида,

Не қилай сунбулни хатти мушкфоминг борида (Бобур)

Туган — жароҳат доғи, белги.

Менги бинафшаси ёдида, оҳқим, тутмиш,

Бинафшафом туганлар дили фигор ичра (Мунис)

Тужжор — (бирлиги — тожир) савдогарлар.

Бориб мол учун, мол ололмай келиш

Ёмон, аҳли тужжорга мушкул иш (“Масковчи бой таърифида”)

Туз — 1. Ош тузи. 2. Тўғри, тик. 3. Ростгўй, ҳақ, чин. 4. Текис ер, дала. 5. Чўл, дашт. 6. Қил, бошла (буйруқ феъли).

Чучук сўзингдуур андоғ малиҳким, ҳаргиз

Анинг малоҳатидан нашъя тузда топилмас (Навоий)

Чу тўққуз юз қадам урса юруб туз,

Йўл узра тахтасанге кўргузур юз (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳирмон тузидин нори юз дашт сурар баҳтим,

Кўйида ватан қилмоқ мен телбага ком ўлғоч (Мунис)

Менингча бўлмади Мажнуну Кўҳкан ишқи,

Агарчи ул икидек тоғу тузда топилмас (Мунис)

Туз адам оҳангин, эй хаста кўнгул, эмдиким,

Айлади қонуни қаҳр ушбу кеча соз ноз (Огаҳий)

Туза олмоқ — чидай олиш. **Туза олмон** — чидай олмайман.

Гар ҳар ғам аро ўзумни солмон,

Бу ғамға нетайки туза олмон (“Лайли ва Мажнун”)

Тузлук – тұғрилик.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бұлдум нишон,
Бир камон абрұда **тузлукдин** нишоне топмадим (Навоий)

Хар кишиким, **тузлук** эрур пешаси,
Кажрав эса чарх, не андешаси (“Хайрат ул-аброр”)

Тул – 1.Узун, бүй, узунлик. 2.Узоқ муддат.

Чекилди бир йиғоч **тул** ичра ҳар хат,
Йиғоч ўрни ҳам үлди хат бар хат (“Фарҳод ва Ширин”)

Ул шайхки, минбар уза афсунға берур **тул**,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли суруқ **тул** (Навоий)

Тулак айёми – куз, хазонрезгилик пайти. Күшларнинг туллаш ески парларни тұқиши пайти.

Чаманнинг ҳар йиғочи бир сариф қуш,
Бүлуб бори **тулак айёмиға** түш (“Фарҳод ва Ширин”)

Тулуъ, толеъ – балқимоқ, чиқмоқ.

Үюмга құнди бир давлат ҳұмойи,
Тулуъ этти саодат тұлун ойи (“Гул ва Наврӯз”)

Туман – 1.Юрт, шаҳар. 2.Үн минг.

Хұблар чу ясад құз ясалар зулфи черигин,
Билгулук эрур юзунг, эй шоҳим, **туман** ичра (Саккокий)

Бухоронинг ҳар туманидан минг чордеворни топиб, бирдин
муҳими хайр ишин биткаар эрдим (“Зарбулмасал”)

Туман минг – ўн миллион.

Паришон сочлари гул япрогинда,
Туман минг шевалар ҳар боқмоғинда (“Зарбулмасал”)

Тұмтароқ – ширакайф. **Соқийи тұмтароқлар** – ширакайф соқийлар.

Соқийи тұмтароқлар пиёла сұна бошладилар (“Зарбулмасал”)

Түн – 1.Үтган күн, яъни кеча. 2.Кечаси, кундузнинг акси. Шаҳарнинг номи.

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин юз уза хайдин гулоб айлаб (Навоий)

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Кўймади бир зарра бағримни бутун.
Тунга бориб бизни беҳол айладинг,
Не балолиғ тун эмиш, ё Раб бу тун? (Навоий)

Тунг — халта (қанд, новвот солинадиган тўрва), кичик қоп.
Париларнинг илики, бўйнидур банд,
Нечукким, ул тунг ичра боғланур қанд (“Гул ва Наврўз”)

Тунд — 1.Айнан: аччиқ. 2.Фазаб, дарғазаб. 3.Асов. 4.Шиддатли,
қаттиқ. 5.Жиззаки. 6.Юксак.

Шеър ул маҳкам имораттурки, сели ҳодисот,
Айламас ҳар неча бўлса тунд, бунёдин табоҳ (Мунис)

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк асадидек далер (“Ҳайрат ул-аброр”)

Токи тунд ўлди баҳр аро кўлок,
Деди маллоҳ айлабон яқо чок (“Сабъаи сайёр”)

Мизожинг нозику сен тунд, мен бир беадаб телба,
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкилдур (Бобур)

Шимолий ҳаддida тоғи дурур тунд,
Ки тифи кўк мисосидин эрур кунд (“Фарҳод ва Ширин”)

Тундбод — кучли шамол, бўрон, тўполон шамол, қуюн.
Бу дамки қўпти фитна **тундбоди**,
Недур билсак шаҳаншоҳнинг муроди (“Гул ва Наврўз”)

Туркона — 1.Турклардай, ўзбекларсимон. 2.Гўзалларча.
3.Чавондозларча.
Аданликларга ўхшамас юрушинг,
Эрур **туркона** отқа ўлтурушунг (“Гул ва Наврўз”)

Турктоз — 1.От қўйиб, шиддат билан бостириб бормоқ.
2.Таламоқ, хужум қилмоқ, таъсир ва пайхон қилмоқ.

**Чу шаҳ оллида қилди арзи ниёз,
Ёниб қилди ваҳшӣ сори турктоz (“Садди Искандарий”)**

...насойиҳнинг abiри жон комига турктоz этди (“Зарбулмасал”)

Турмазам – турмайман, қолмайман, яшамайман.

Чун баҳо базминдадур дилдор, мен ҳам **турмазам**,
Бу фано оламда, базми васли дилдор истарам (Фузулий)

Туроган – ўсган, улғайған.

Анинг туққан, **туроган** ери Кашмир,
Ул элда касб қилған макру тазвир (“Гул ва Наврӯз”)

Турушлик – аччиқлик, келишовчилик. **Туруш** – айнан: нордон.

Қизини олиб гўркави шўрлик,
Турушлик тушиб, бўлмади жўрлик (“Масковчи бой таърифида”)

Турфа – янги, қизиқ, ажойиб, ғалати.

Турфа бир маҳмурмен лаъли лаби ёқутига,
Ўхшатур одам, гапурса хуштакаллум тўтига (Муқимий)

Тұтмоқ – ҳисобламоқ, йўймоқ, фараз қилмоқ.

Тутайким қилди ўз чангини ранжа,
Неким урди анинг чангига панжа (“Фарҳод ва Ширин”)

Тұтошмоқ – туташмоқ, ўрламоқ.

Бузланиб аиди: “Хало бераҳм онам,
Күйдию ёндию тутошди танам...” (“Зарбулмасал”)

Тұфайл – 1. Садақа, садқа. 2. Сабаб, баҳона, восита. 3. Ўзи чақирил-
мийн бўлсада, бошқаларга эргашиб бирор маъракага бормоқ.

Кишининг жонига душман, балодур бошиға бу эл,
Лгар бошин **туфайл** айлаб ва гар жонин нисор этса (Бобур)

Лірнинг озорини ҳар ҳол била
Чеккаймен агар бори **туфайли** бўлса (Бобур)

Тұхм – уруғ, қариндош.

Тўйга ўз **тухмидин** хотун демади,
Аччиғидин отаси ош емади (“Тўй”)

Түш – 1.Үйкүда туш күриш. 2.Тенг, мисл. 3.Буйруқ феъли: тушгин. 4.Туш пайти.

Бүю юзу лаыл эрну хату хадина **түш** йүк,
Сарву гулу настарину ёсуман ичра (Саккокий)

Тұмма – емак, овқат, ризқ-рүзи, луқма.

Қүйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бүрилар **тұмасидур** бори бил (“Хайрат ул-аброр”)

Туюр – (бирлиги – тайр) қүшлар.

Мажмуи **туюрлар** жам бўлдилар (“Зарбулмасал”)

Туғро – 1.Герб, давлат нишонаси. 2.Китоблар муқовасига туширилган қизиқарли расм.

Мушаъбид чарх аро ҳар сеҳрсози,
Ки бир **туғроға** нақш этгай тирози (“Фарҳод ва Ширин”)

Тұхаф – (бирлиги – тұхфа) тұхфалар, совғалар, ҳадялар тортиқлар.

Хаёл баҳрида маоний **тұхафи** савдоси учун масоҳат құлмоқ...
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Тұби, тұбий, тұбо – 1.Жаннатдаги гүзал дараҳт. 2.Чинор.
3.Мажозан: хүшбичим қомат.

Ҳаво Исо дамидек руҳпарвар,
Ёғочлар **тұбио** оқар су – Кавсар (“Гул ва Наврӯз”)

Тұз – чанг-губор, тупроқ, түзон.

Эшикинг **тұзи** жонлар түтиёси,
Бүсоганг гарди хонлар хун баҳоси (“Гул ва Наврӯз”)

Тұкмали – түкмайлик.

Юсуф оғолари құпуб ул замон,
Борча деди: – **Тұкмали** бехуда қон (“Юсуф ва Зулайх”)

Тұлғамоқ – товламоқ, бүйсунмаслик.

Не ишга ул ризо, биз ҳам ризомиз,
Бүйонни **тұлғамасмиз** иқтизодин (Роқим)

Тұңгұлмоқ – ожизланмоқ, ҳолдан тоймоқ.

Не бу топти хабар, не Шоҳи Мушкин,
Тұңгұлди оқибат ул икки мискин (“Гул ва Наврӯз”)

Тұңқол, танқол, түнқол – бирор жойға йиғилиш ёки учрапшиш үчүн келишув, хабарлашмоқ.

Тажамуллар била борин тузатти,
Ясолин, тұнқолин ерин тузатти (“Гул ва Наврұз”)

Тұна – тепа, юксаклик.

Ки күзни бас рафөй айвонға солдинг,
Бийикрак тұпанинг тупрогин олдинг (“Фарҳод ва Шириң”)

Тұпори – саҳройи, авом, содда.

Озодадин тұпори күп,
Дукчисидин аттори күп (“Саёхатнома”)

Тұра – 1.Мұхтарам улуғ зот; устоз. 2.Хон, амир ёки зодагон ўели.

Бор мундин шарафи мурдашшюй исқоти,
Тұра ўғли ичидә йүқ мунидек истихқоқ (Турди)

Лида Шоҳимардан тұра ўрнида турғувчи Никитенко тұра
биrlан филжумла маърифат пайдо қылдым (Фурқат)

Жону дил ила айлай, келганда иззатингни
Сен бўлмағил тўрамға ул ерда хор, фонус (Завқий)

Тұрқа – ипакли, ҳашаматли.

Түйга борсанг түйиб бор, тұрқа тұнинг кийиб бор
(“Зарбулмасал”)

Тұфон – довул.

...хижолат тери **тұфон**, балки ажуз айёмининг қор ва
мири анинг чорасига ҳайрон эрди.

Түш-түш, туш-туш, тушлуқ-тушиндан – ҳар тарафдан,
тамма томондан.

Түш-түшимдин баски расволиғ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқорлар ўтсалар ёнимдин эл (Навоий)

Чопиштилар келиб **түшлиқ-түшиндин**,
Улус фориф бўлуб санчиш ишиндин (“Гул ва Наврұз”)

Тұқол әчки – шохсиз әчки, мұғузсиз әчки, қал әчки.

Тұқол әчки мунгуз тилаб – қулогидин... айрилғондек бұлма!
(“Зарбулмасал”)

Тұғро – к. **Тұғро**. Герб, давлат белгиси.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,
Муттаҳамлик дафтарин бошида **тұғро** бачағар (Муқимий)

У

Уббод – (бирлиги – **обид**) ибодат құлувчилар.

Тузар үзини гоҳи зухходдек
Қилас шаклини мисли **уббоддек** (Махмур)

Уброг – қийқим, парча, астар.

Тутуб ул дам тиши, тирноғи бирла,
Титаёзди тұни **уброги** бирла (“Гул ва Наврұз”)

Убур – ўтмоқ, кечиб ўтмоқ, юриб ўтмоқ, босиб ўтмоқ.

Дашту дарёда лек аҳли **убур**,
Жобири роҳзан қилиб машхур (“Сабъаи сайёр”)

Увулжамоқ – 1. Таъзим қилмоқ. 2. Қучоқлашиб күришмоқ.

Күруб Савсанни сачраб құпти Наврұз,
Увулжагоч аёғин ўпти Наврұз (“Гул ва Наврұз”)

Уд – 1. Чолғу асбоби. 2. Оловга ёқилғанда хуш ҳид таратадиган ёғоч.

...руд, уд, даф... созанда жам айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутди... (“Зарбулмасал”)

Уди қуморий – Қумор шаҳрининг уди (тутатқиси).

Солиб мижмарға тун **уди қуморий**,
Үти хуршед ўлуб, анжум шарори (“Фарҳод ва Ширин”)

Үеймок – уйғонмоқ, айланмоқ.

Буюрди Гулки, соқийлар **үёңсүн**,
Қадағардан бұлуб, ишрат улонсун (“Гул ва Наврұз”)

Узлатнишин – узлатга чекинган, чиллага ўтирган.

Ваҳ, на хуш давлат эрур узлатнишин ҳомушлик,
Бўлмадиму сўзлагандин тўти дар банди қафас (Ҳувайдо)

Узмоқ – юзмоқ, сузмоқ.

Аё соҳибқиронеким, **узарлар**,

Қиличиндин адувлар қон ичинда (“Муҳаббатнома”)

Узор – юз, чехра, бет. **Гул узор** – гул юзли.

Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,

Бўғун – белбогиу тирноқ – узори (“Фарҳод ва Ширин”)

Узоринг боғи ризвондин қолишимас,

Хироминг ҳуру филмондин қолишимас (Муқимий)

Узр қўлди – узр сўради.

Ижозат бериб элга **узр қўлди**,

Тўшак солдилар, уйқу вакти бўлди (“Гул ва Наврӯз”)

Уйрулмоқ – айланиб ўргилмоқ.

Юзига меҳр bandaу оти Мехр,

Уйрулуб Мехридек бошифа сипеҳр (“Сабъай сайёр”)

Укмоқ, ўкмоқ – мақтамоқ, таърифлаш.

Гаҳ **укдилар** Хўтан зеболарини,

Замоне Румнинг раъноларини (“Гул ва Наврӯз”)

Ул – ўғил.

Бу бизни оғамизни эрди қули,

Қули демаким, балки туққон ули (Хиромий)

Уламо – (бирлиги – олим) олимлар, билимдонлар.

Хор ўлди **уламову** фузало, аҳли виқор,

Кўрингизки, юрт иши топти на ерларга қарор (Турди)

Ул олам – у дунё, иккинчи дунё, боқий дунё.

Эй кўнгил, гар Бобур **ул оламни** истар, қилма айб,

Тангри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму? (Бобур)

Улоқ – 1.Тоғ эчкиси, ёввойи эчки. 2.Спортнинг бир хили.

3.Улоқча қўйилган – талаашпиладиган соврин. 4.Эчкининг боласи.

Тұқол әчки мунгуз тилаб – қулогидин... айрилғондек бүлма!
("Зарбулмасал")

Тұпро – *к.* **Тұпро**. Герб, давлат белгиси.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,
Муттахамлик дафтарин бошида **тұпро** баччагар (Муқимий)

У

Уббод – (бирлиги – **обид**) ибодат қылувчиilar.

Тузар үзини тоғи зуҳходдек
Қилас шаклинин мисли **уббоддек** (Махмур)

Уброр – қийқим, парча, астар.

Тутуб ул дам тиши, тирноғи бирла,
Титаёзди түни **уброри** бирла ("Гул ва Наврұз")

Убур – үтмоқ, кечиб үтмоқ, юриб үтмоқ, босиб үтмоқ.

Дашту дарёда лек ахли **убур**,
Жобири роҳзан қилиб машхур ("Сабъай сайёр")

Увулжамоқ – 1. Таъзим қымоқ. 2. Қучоқлашиб күришмоқ.

Күруб Савсанни сараб қўпти Наврӯз,
Увулжағоч аёгин ўпти Наврӯз ("Гул ва Наврӯз")

Уд – 1. Чолғу асбоби. 2. Оловга ёқилганда хуш ҳид таратадиган ёғоч.

...руд, уд, даф... созанда жам айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутди... ("Зарбулмасал")

Уди қуморий – Қумор шаҳрининг уди (тутатқиси).

Солиб мижмарға тун **уди қуморий**,
Үти хуршед ўлуб, анжум шарори ("Фарҳод ва Ширин")

Үёймоқ – уйғонмоқ, айланмоқ.

Буюрди Гулки, соқийлар **үёйсун**,
Қадаҳгардон бўлуб, ишрат улонсун ("Гул ва Наврӯз")

Узлатнишин – узлатга чекинган, чиллаға ўтирган.

Ваҳ, на хуш давлат эрур **узлатнишин** хомушлик,
Бўлмадиму сўзлагандин тўти дар банди қафас (Ҳувайдо)

Ўзмоқ — юзмоқ, сузмоқ.
Лё соҳибқиронеким, **узарлар**,
Қиличиндин адувлар қон ичинда (“Муҳаббатнома”)

Узор — юз, чехра, бет. **Гул узор** — гул юзли.
Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,
Бўғун — белбоғиу тирноқ — **узори** (“Фарҳод ва Ширин”)

Узоринг боғи ризвондин қолишмас,
Хироминг ҳуру филмондин қолишмас (Муқимий)

Узр қўлди — узр сўради.
Ижозат бериб элга **узр қўлди**,
Тўшак солдилар, уйқу вақти бўлди (“Гул ва Наврӯз”)

Үйрулмоқ — айланиб ўргилмоқ.
Юзига меҳр бандау оти Меҳр,
Үйрулуб Меҳридек бошига сипеҳр (“Сабъаи сайёр”)

Үкмоқ, ўкмоқ — мақтамоқ, таърифлаш.
Гаҳ **укдилар** Хўтан зеболарини,
Замоне Румнинг раъноларини (“Гул ва Наврӯз”)

Ул — ўғил.
Бу бизни оғамизни эрди қули,
Қули демаким, балки туққон **ули** (Хиромий)

Уламо — (бирлиги — **олим**) олимлар, билимдонлар.
Хор ўлди **уламову** фузало, аҳли виқор,
Кўрингизки, юрт иши топти на ерларга қарор (Турди)

Ул олам — у дунё, иккинчи дунё, боқий дунё.
Эй кўнгил, гар Бобур **ул оламни** истар, қилма айб,
Тангри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму? (Бобур)

Улоқ — 1.Тоғ эчкиси, ёввойи эчки. 2.Спортнинг бир хили.
3.Улоққа қўйилган — талашиладиган соврин. 4.Эчкининг боласи.

Ҳар кимнинг ишими улоқ овламоқ (“Зарбулмасал”)

Аз рўйи жаҳл ўлса тортибон **улоқ**,
Маҳшар кунида юзи қаро денг, улоқчилар (Муқимиј)

Улов – олий, юқори, баланд, буюк.

Бу дуржу икки садафдин тўла дур эттанга,
Зиҳи **улувви** гуҳар, балки гавҳари олий (Навоий)

Улум – (бирлиги – **илем**) илмлар, билимлар.

Улумунг баҳридин инсон ҳисоби,
Аторуд шаклидур андин ҳубоби (“Фарҳод ва Ширин”)

Улус – 1.Халқ, эл. 2.Юрт, мамлакат. 3.Уруғ. 4.Қавм.

Сабот истасанг мулк бунёдига,
Адолат била ет **улус** додига (Мунис)

Топмасун ул Миср Азизи хабар,

Бизни қилур ушбу **улусдин** бадар (“Юсуф ва Зулайхо”)

Улча мумкин – иложи борича.

Яроқ айлаб кўнгул фароғи била,

Улча мумкин черик яроғи била (“Сабъаи сайёр”)

Ум – она.

Отанг ою онанг хуршид эди эркинки, сан туғдунг,

Вале ҳусну латофатда не аб ўхшар санга, не **ум** (Навоий)

Уммул-китоб – китобларнинг онаси.

Ўқуғач мазмунини жонсиз танимга берди руҳ,

Ўйлаким, Исо дамидин ояти **уммул китоб** (Ҳусайн Бойқаро)

Умоқ – 1.Уруғ, қабила. 2.Куч, жасорат.

Умоқ бирла Гули Фарҳор чун бод:

“Мубориз юборинг!” теб қилби фарёд (“Гул ва Наврӯз”)

Умре – бир умр, умрбод.

Қон ютуб **умре** жаҳон аҳлида бир ёр истадим,

Лекин ул камроқ топилди, гарчи бисёр истадим (Навоий)

Умридин сер – жонидан түйган, яшашдан безган.

Емак, ичмақдин очу **умридин сер**,

Бағирдин қон ичар, күнглинда ғам ер (“Гул ва Наврӯз”)

Умри кавкаби ғуруб қылғони – айнан: умри юлдузи ботгани, яйни ҳалок бұлғани.

...Сұхайло ...**умри кавкаби** ул тоғда **ғуруб қылғони...**

(“Фарҳод ва Шириң”)

Умур – (бирлиги – **амр-иши**) ишлар.

Бори махфий **умур** изҳори анда,

Жаҳон ҳолоти равшан бори анда (“Фарҳод ва Шириң”)

Ун – товуш, овоз.

Толеимдин не осиф, Бобур, Фигону нолаким,

Үйқулуқ баҳтимни бу **ун** бирла бедор этмадим (Бобур)

Унс – дүст, ўртоқ, меҳрибон, яқин, улфат, дүстлик.

Мардуми пулдор бирлан **унсу** улфат субху шом,

Фақр аҳлидин ҳазар, донолиғингдин доғмен (Муқимиј)

Ур – яланғоч, кийимсиз.

Қилиб юз пора ҳасрат нохунидин,

Либоси офиятдин **ур** қилди (Мунис)

Урар – ҳуар.

Асрү машхурдур бу сүзда бали:

“Ит **урар**, карвон – кечар” масали (“Сабъаи сайёр”)

Урён – яланғоч. **Тиги урён** – яланғочланған ханжар.

Истойин не навъ жоним роҳатин мужгонидин,

Қилғому мажруҳ марҳам **тиги урёндин** тамаъ?

(Комил Хоразмий)

Уркудмоқ – мизғимоқ, мудрамоқ.

Булут айлаб рутубат ул сифат фош,

Ки наргис **уркудар** солиб қуи бош (“Фарҳод ва Шириң”)

Уруқ – лашкар; лашкар аслақа-жабдуқлари.

Жавҳар Аданға бурунлаб, **уруқни** Гулга бошлатғани

(Гул ва Наврӯз)

Үсруу, асруу – жуда, күп, ортиқ, бенихоя, талай, фоят.

Муддате эрдики таъбим айшдин саршор эди,

Ҳасрату андуху ғам **асруу** күнгүлға ор эди (Мұқимий)

Үсрук – масть. Мажозан: хумор, сузук (күз).

Үсрук күзига токи күнгүл бүлди мубтало,

Ҳаргиз бу телбани яна ҳүшёр топмадим (Бобур)

Устод – 1.Уста, моҳир киши. 2.Үқитувчи, ўргатувчи.

Бўлур **устодсиз** иш барча душвор,

Бурун **устод**, андин сунг иш, эй ёр (“Хусрав ва Ширин”)

Устурлоб – қуёш ва юлдузлар юксаклиги ва ўрнини ўлчайдиган астрономик асбоб. Астролябия. Шакли қабариқ ликопсимон. Үнда ўлчов кўрсаткич мили бўлади.

Сипеҳр авроқидин асбоби онинг,

Куёш жирмидин **устурлоби** онинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Учмоқ – жаннат, биҳишт.

Эй тоза юзинг зийнати гулзори назорат,

Кўюнгдадур **учмоқ** помоли ҳақорат (Мунис)

Уш – бу.

Қазонтек қайнар **уш** савдо пишурдим,

Низомий болидин ҳалво пишурдим (“Хусрав ва Ширин”)

Ушишоқ – (бирлиги – **ошик**) 1.Ошиқлар, севган кишилар, мафтунлар. 2.“Шашмақом”даги бир куйнинг номи.

Ушишоқ оҳи елидин осеб тегмасун,

Қаддингки, ҳусн боғида нозик ниҳоллур (Бобур)

Фанимат баҳту фурсат, эй муғанний, чал дигаргун,

Керак “**Ушишоқ**”қа “Гулёр” айласанг ўтлуқ чекибон ун (Мұқимий)

Үюмоқ – ухламоқ. **Үюди** – ухлади.

Мунингдекда чоғир зўр этти ногоҳ,

Үюди, не кўярар уйкусида шоҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Үютмоқ – ухлатмоқ.

Ғафлатдин агар ваъз ила уйғотсалар элни,

Ул айлар **үютмоқ** учун афсонаға машғул (Навоий)

Үқбо — у дунё, нариги дунё, бокий дунё.

Гофило, фикр айлагил **үқбони** роҳат истасанг,
Шодлик кўз тутмаким, бўлмайди меҳнатхонада (Муқимиј)

Үқда — 1.Банд, асирилик. 2.Алоқа, боғланиш. 3.Мажозан:
қийинчилик, машаққат. 4.Тугун, чигал.

Ул Зуҳалваш жазоға хос ўлғай,
Меҳр **үқдадин** халос ўлғай (“Сабъаи сайёр”)

Үқматин — уқмасдан, тушунмасдан, англамай.

Биликсиз не айса аюр **үқматин**,
Анинг ўз тили ўз бошини еюр (“Ҳибатул ҳақойиқ”)

Үқоб — бургут.

Бу от — Хумо, **Үқоб**, Қарчигай... күшларнинг салотинидурлар,
шарга муносиб от турур (“Зарбулмасал”)

Үтиш — 1.Тангри, Худо, Оллоҳ. 2.Кудратли, кучли, яратувчи.
Не тил бирла мунинг шукрин қилойин?

Үғондин мундин ўзга не тилойин? (“Гул ва Наврӯз”)

Үзда — зимма, удда.

Ким қўюбдур **үҳдайи** ўз мулкингиздин чиқмайин,
Икки, уч, тўрт даъвосин этмоқни, кўтаҳлик қилинг (Турди)

Ф

Фавж — (кўплиги — **афвож**) тўда, гурух.

Гаҳи ҳожийи **фавжи** фарзоналар,
Гаҳи жиннийи жамъи девоналар (Махмур)

Фавокиҳ — (бирлиги — **фокиҳа**) мевалар.

...уш шажар раёҳин **фавокиҳи** нужуму ахтар (“Маҳбуб ул-кулуб”)

Фавт — зоеъ, нобуд, йўқотмоқ.

Фурсатинг **фавт** этма, Турди, иш қил ўтмасдин бурун (Турди)

Фавқул-фалак — осмоннинг энг юқори қисми.

Қаламким раҳнаварди тез тақдур,
Азалдин манзили **фавқул-фалакдур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Фазиҳ – расво, хунук, шарманда.

Фаж – 1.Хом, нодон. 2.Лақаб, исм.

Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди,

Бу иккиси шаҳр ичра кўп **фаж** эди (“Зарбулмасал”)

Хўб, лекин Ҳўқанддаги икки **Фаж** ва Каж бетамиздек қариндошинг бирла маслаҳат қилиб, бизни аро йўлда қўймагил.
 (“Зарбулмасал”)

Фазл – 1.Ортиқлик, устунлик. 2.Илм, фан, ҳунар, истеъод. Фазл аҳли –олимлар, илм аҳли.

Чу илму **фазл** элини тутмадилар,

Килибон тарбиятда эҳтироми (Фурқат)

Фазлахўр – 1.Ортиқ, кераксиз нарсаларни еювчи, ташландик. 2.Нажосат, ахлатхўр.

Баски пиёда йўл юриб, яхши-ёмонни кўп кўриб,

Маккада неча йил юриб, **фазлахўри** Илоҳ ўзим (Махмур)

Фалакваш – фалаксимон, осмон гумбазидай.

Ариққа қўйдилар “Наҳрул-ҳаёт” исм,

Фалакваш ҳавзга “Баҳрун-нажот” исм (“Фарҳод ва Ширин”)

Фалаксой – осмонўпар; осмондағи.

Саводи шаҳр сари хорапаймой,

Нечукким тоғ аро меҳри **фалаксой** (“Фарҳод ва Ширин”)

Фалактоз – кўкка парвоз қилувчи, учқур.

Фалони – фалончи.

Бу минвол ила ўткариб олти йил,

Деди: “Эй **фалони**, сўзим рост бил” (Хиромий)

Фан – 1.Соҳа,тармоқ, қасб-ҳунар. 2.Макр, алдов, ҳийла. 3.Илм.

Жоду қўзини Кашмир эли ҳалқи қўрубон,

Туттуқ, дедилар, сени мусаллам бу **фан** ичра (Саккокий)

Деди: Фарҳод бир хорокан эрди,

Ва лекин ўз **фанида** якфан эрди (“Фарҳод ва Ширин”)

Фанг – 1.Ҳийла, найранг,алдов, макр. 2.Билим, илм.

Чидоғонча қилиб афсуну найранг,
Бориб афзун этайин минг туман **фанг** (“Гул ва Наврӯз”)

Фапо – 1.Ўткинчилик, йўқ бўлиш, бақосизлик. 2.Тасаввуф фалсафаси таълимотидаги инсоний камолотнинг олий босқичи – руҳнинг Худо билан кўшилиши.

Чун бақо базминдадур дилдор, мен ҳам турмазам,
Бу фано оламда, базми васли дилдор истарам (Фузулий)

Фаранг – Европа. **Фаранги** – француз.

Фаранги эрди аммо они зоти,
Баҳодир эрди кўп, Наполеон оти (Фурқат)

Кишилар юбордики, ҳар марзу бум –
Фаранг ўлсуну Рус ё Шому Рум (“Садди Искандарий”)

Фарас – от, тулпор.

Ҳар киши бўлса керакдур ўз мақому ҳаддида,
Ҳар била тенг бўлмағай ҳарчанд лоғардур **фарас** (Хувайдо)

Сайр учун шоҳе сурар чоғда **фарас**,
Ошиқ ўлди бир гадои булҳавас (“Лисон ут-тайр”)

Фараҳ – шодлик, яираш. **Фараҳ афзо** – қувонтирувчи, яиратувчи.
Чунки **фараҳ** базмиға азм айладинг,
Айшу тараб базмиға жазм айладинг (“Ҳайрат ул-аброр”)

Фарбек – семиз.

Иzzатга ул **фарбек** бўлуб, исён сари бўлғай далер,
Айлаб оёғ остида хор, чўғ найзасини сой анга (Хувайдо)

Фард – 1.Ёлғиз, танҳо. 2.Нодир, ягона. 3.Ажралган. 4.Лирик жанр (ҳажман бир байтдан иборат мустақил шеър).

Фард киши даврда топмас даво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо? (“Ҳайрат ул-аброр”)

Бир куни нажжори хирадманди **фард**,
Қўнгли яғоч йўқлиғидин қилди дард (“Зарбулмасал”)

Ёр кўйин истаб, ўзлуқдин Навоий бўлди **фард**,
Каъба эхромига истиъдоду асбобин кўрунг (“Фавойид ул-кибар”)

Фард жанри намунаси:

Чаённинг чақиши бехосдан эмас,
Бу унинг хулқидир: чақмай туролмас (Жомий)

Фардо – эртаги қун. Мажозан: қиёмат қуни.

Борса зоҳид тақвию тоат билан,
Менга басдур тухфа **фардо** меҳрингиз (Муқимий)

Фарёдрас – фарёдга етувчи, додига етувчи, мададкор, ғамхўр.

Шамдек жонлар куюб, жисм ўртанур монанди ҳас,
Еткудек додимга кўрмай бораман **фарёдрас** (Муқимий)

Фарз – 1.Ислом динида Худо буюрган ишлар. 2.Лозим, зарур, шарт. 3.Тахмин, мўлжал, ҳисоб.

Камол қасб этким, олам уйидин
Сенга **фарз** ўлмағай ғамнок чиқмоқ (Навоий)

Гар валиким, ҳалқдин акмалдур ул,
В-ар наби қил **фарзким**, мурсалдур ул (Навоий)

Фарзи айн – Худо томонидан топширилган, бажарилиши шарт бўлган топшириқлар; чунончи: намоз, рўза, ҳаж...

Фарзин – 1.Шахмат ўйинидаги фарз. 2.Завқийнинг “Аҳли раста” ҳажвиясидаги персонаж исми.

Шаҳ ёнинг **фарзин** киби кажлар мақом этмиш, не тонг, Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ (Навоий)

Фарзин бисоти лола руҳлар
Оlamни мусаххар этди якка (Завқий)

Фарзона – ақлли, доно, оқил, зийрак.

Айтти, мунда бор бир яхши устод,
Анинг оти эрур **фарзона** Фарҳод (“Хусрав ва Ширин”)

Фариза – (кўплиги – **фаройиз**) фарз, бажарилиши шарт бўлган диний талаблар.

Фариса – пари чиройли кўкқарға.

Тийиннинг ўз туки-ўқ бўлди жонига офат,
Фарисанинг паридин келди ўз бошига бало (Навоий)

Фаромӯш – унугтмоқ, эсдан чиқармоқ.

Яна анга ўхшаш анча кўп дарсхона,
Фаромӯш ўлди кўнглумдан асоми (“Гимназия”)

Фарог, фарогат – 1.Тинчлик, хотиржамлик, дориламонлик.
2.Роҳат, истироҳат. 3.Бўш, озод.

Яроқ айлаб кўнгул **фароги** била,
Улча мумкин черик яроги била (“Сабъаи сайёр”)

Бало ичра **фароги** бирла келмиш,
Тузоқقا ўз оёғи бирла келмиш (“Фарҳод ва Ширин”)

Жамолу жоҳ элидин юз **фарогатим** бордур,
Ўрамунг ити манга ошно керак бўлса (Лутфий)

Фар, фарр – 1.Шукуҳ, улуғлик, шавкат. 2.Юз нури. 3.Йирик
қўши учганда чиқадиган қанот товуши.

Юзинда кўрди **фарри** Кайкубоди,
Дедиким: “Чин эрур хонлар најоди” (“Гул ва Наврӯз”)

Етгач анинг боши уза ногаҳон
Фарр эта учса агар ул нотавон... (“Ҳайрат ул-аброр”)

Фарсанг, фарсаҳ – узунлик ўлчови бўлиб, 7-8 км.га тўғри келади.
Заъф уйдин чиқоримга кўймас,
Ҳар қадамни неча **фарсанг** этмиш (Мунис)

Ярим **фарсаҳ** йўл борганда... Ҳудҳуд йўлукти. (“Зарбулмасал”)

Фарсуда – 1.Чирик, чириган, эски, тўзиган, эскирган.
Хорғин, эзилган, адойи тамом бўлган.

Кулоғни бу гуҳар **фарсуда** қилмай,
Оғизни ул шакар олуда қилмай (“Фарҳод ва Ширин”)

Ўзунгни шод тутқил, фам ема дунё учун зинҳор,
Ки бир дам фам емакка арзимас дунёни **фарсуда** (Бобур)

Фарт – ҳаддан ташқари бўлиш, ортиқлик, чексизлик,
ниҳоясизлик.

Маҳобат **фартидии** рудида ҳар тош,
Дегайсенким ётибдур бир кесук бош (“Фарҳод ва Ширин”)

Фархунда – қутлуг, саодатли. **Фархунда ахтар** – саодат юлдози, баҳт юлдози.

Оти Фаррух, ўзи **фархунда ахтар**,
Анинг ҳукминда ул иқтиму кишвар (“Гул ва Наврӯз”)

Фархунда кавкаб – баҳт юлдози.

Манга чун толеи **фархунда кавкаб**,
Бу авж узра бисот этти мураттаб (“Фарҳод ва Ширин”)

Фарш – 1.Тўшаш, ётқизиш. 2.Тўшак, тўшалган нарса, ётқизилган жиҳоз.

Кўтарсанг хоки пойингдин бошимиз,
Жаҳоннинг **фарши** бўлсин мафрашимиз (“Гул ва Наврӯз”)

Фасеҳ, фасиҳ – (кўплиги – **фусаҳо**) очик, равshan, ёқимли. Чиройли сўзловчи.

Хулқи доғи саховатича бор эрди, хушхулқ ва ҳарроф ва **фасиҳ** ва ширин забон киши эрди (“Бобурнома”)

Никоҳ хутбасин ҳазордастон равshan **фасиҳ** тил бирла ўқимоқ бўлди. (“Зарбулмасал”)

Фасл – 1.Пайт, вақт. 2 Боб, қисм. **Фасли аср** – кечки сайр.

Фасли аср айлаб чиқиб ағёрларга боқмадинг,
Яхши қилдинг, шул тагофилдин дилим шод айладинг
(Муқимий)

Фасли тамуз – саратон фасли.

Фасли тамуз эрди, ҳаво кўп исиф,
Йўлда темурдек эди қумлар қизиқ (“Зарбулмасал”)

Фасод – 1.Бузилишлик, бузуклик. 2.Бузуқчилик, тартибсизлик.
3.Таназзул.

Яқин билсам ривожин ҳам касодин,
Танисам ҳам салоҳин, ҳам **фасодин** (“Фарҳод ва Ширин”)

Фасона – 1.Афсона, эртак. 2.Ҳажв, сатира.

Ёзмоқда бу ишқи жовидона,
Максадим эмас эди **фасона** (“Лайли ва Мажнун”)

Қирқ олти кишини **фасона** қылдим,
Ким чиқса ўқийди Мўймарақка (“Аҳли раста”)

Фасоҳат — очик, равшан, ёқимли, чиройли. Услубда аниқ ифода, нутқ қўрки, гўзал нутқ.

Фасоҳат ичра алфози гуҳаррез,
Латофат ичра алқоби диловез (“Гул ва Наврӯз”)

Фатонат — ўткир зеҳн, зийраклик, кучли ақлий қобилият.
Бўлуб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,
Фатонат аҳли донишманд ададсиз (Фурқат)

Фатҳ — ғалаба, ютуқ, зафар; очмоқ; эгаллаш.
Шаҳфа хайл ўлса **фатҳ** анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур (“Сабъаи сайёр”)

Фаши дастор — салланинг печи, салланинг юзга осилиб турдиган учи.

Берур ғуур ила оройиши **фаши дастор**,
Бу худнамолиг эрур зеби корхонаи шайх (Нодира)

Фақр — 1.Камбағаллик, қашшоқлик, йўқсиллик. 2.Дунё ва унинг неъматларидан воз кечиш.

Либоси **фақри** кенграк юз жаҳондин,
Жаҳон силки келиб сарришта ондин (“Фарҳод ва Ширин”)

Фақру фано — дунё ноз-неъматларидан воз кечиб, ўзлиқдан кечмоқ. Фақру фано тасаввуф камолоти босқичининг ўнти юксак даражасидир.

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,
Ким Навоийга эрур **фақру фано** туфроғи хўб (Навоий)

Фаҳмида — тушунган, идрокли. **Мардуми фаҳмида** — тушунган имлар, идрокли кишилар.

Боқийи умрингни сарфи **мардуми фаҳмида** қил,
Миқдаминда бош қўюб, побўси мардумдида қил. (Турди)

Феруз — баҳтиёр, саодатли, баҳти кулган.
Илоҳи, ҳар кунинг наврӯз бўлсун,
Ҳимиша толеинг **феруз** бўлсун (Огаҳий)

Феъли бад – ёмон феъл, хунук атвортар, ёмон хулқ.

Феъли бадларға пушаймоналар қилиб, юзни юлай,
Холати лутф этки, ё Раб, күз ёшым бирла ювай (Муқимий)

Фигор – жароҳат, яра.

Кўксинки уруб **фигор** қилди,
Тирноғи била шиёр қилди (“Лайли ва Мажнун”)

Фикрат – 1.Ўйлаш, хаёл, фикр қилиш, фикрлаш. 2.Тушуниш, идрок, тушунча.

Фалак мушкиллари ҳал **фикратидин**,
Фалакка мушкил онинг диққатидин (“Фарҳод ва Ширин”)

Рагларимда қоним ўрнига равондур **фикратинг**,
Пайкаримда оташи ишқинг эрур иссиф ҳаёт (Алмайи)

Филжумла – шу жумладан, бир ҳисобда, худди.

Яна ёй мавсумида мулки **Фархор**,
Эрур **филжумла** жаннатдин намудор (“Гул ва Наврӯз”)

Филҳақиқат – ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат.

Филҳақиқат бўлма фафлатдин бадандеша, Муқим,
Баски шуҳрат топти расволикда бисёр авлиё (Муқимий)

Филҳол – дарҳол, зумда, тезда, шу заҳотиёқ, бир лаҳзада, шу лаҳзали

Кўзига кема учраса ногаҳ,
Ани **филҳол** этар эди огаҳ (“Сабъаи сайёр”)

Фирдавс – (кўпилиги – **фародис**) 1.Боғ. 2.Жаннат.

Ерсиз кишини **фирдавси** йўқтур,
Сўйдим санамни, қолдим балоға (Ҳувайдо)

Эй истиғно **фирдавсининг** насими,
Ёд этмадинг қадрдан деб қадими (Муқимий)

Фирош – кўрпа-тўшак.

Аёқ қўйғай **фирошу** бистаримға,
Илик сунгай сипоҳу кишваримға (“Фарҳод ва Ширин”)

Фироқ – айрилиқ, жудолик.

Юклари оғир эдию йўл йироқ,
Ўртади тайлоқни нори **фироқ** (“Зарбулмасал”)

Фир – “пирр” (жажжи қуш учганда чиқадиган товуш).
Етгач анинг боши уза ноғаҳон,
Фир эта учса эди ул нотавон (“Ҳайрат ул-аброр”)

Фирӯз – саодатли, толеи баланд.
Барининг ўрнига Наврӯз бўлди,
Муроди баҳтина **фирӯз** бўлди (“Гул ва Наврӯз”)

Фирқа – гуруҳ, тўда.
Гарчики мен олиму шайхи замон,
Фирқангиза эмди берай бир қозон (“Танобчилар”)

Фисқ – бузуқчилик, ахлоқсизлик, ярамаслик, гуноҳ ишлар.
Зулм ўзунгга **фисқдур**, эй ҳүшёр,
Гум қил ани бўлса сенга ҳуш ёр (“Ҳайрат ул-аброр”)

Фитна – 1.Бузғунчилик. 2.Исён, жанг. 3.Мажозан: шўх матьшуқа. 4.Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонидаги шоҳ Баҳром маъшуқасининг исми.

Фитнаю шўр ҳама рубъ ила маскун дутди,
Хўблар маснадини сифла била дун дутди (Турди)

Фиъол – феъл-атвор, хатти-ҳаракат.
Танимоқ Тангрини – тоғмоқ ҳаводин,
Кейин турмоқ **фиъоли** нораводин (Сўфи Оллоёр)

Фом – 1.Ранг, тус. 2.Каби, сингари, -дек, -дай. **Барқ фоми** – иншинранг, чақмоқ.

Биллури соғдин бир чарх кўрдук,
Чиқар айланса мисдин **барқ фоми** (Фурқат)

Фоний – 1.Ўткинчи, йўқ бўлувчи, битувчи, бақосиз. 2.Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги барча асарлари ва “Лисонут-тайр” достонида қўлланилган тахаллуси. 3.Тасаввуф фалсафасида инсон маънавий камолотининг олий босқичи руҳнинг Илоҳийга қовушган даври.

Фоний ўлмоқ истарам, яъни балойи даҳрдин,
Роҳати жисми заифу жони афгор истарам (Фузулий)

Фониё, солдинг яна тарҳи ажаб (Навоий)

Форис — сувори, чавандоз.

Фориг — 1. Осуда, хотиржам. 2. Бўш, озод. 3. Бепарво, бехабар. 4. Бемалол, дориламон.

Бўлмади ғамдин йўлингда бир нафас **фориг** ҳаёт,
Эй хаёли жоним ичра, танда жон янглиғ ҳаёт (Муқимий)

Чопиштилар келиб тушлуқ-тушиндин,

Улус **фориг** бўлуб санчиш ишиндин (“Гул ва Наврӯз”)

Форигу озода билмас мубталолардин хабар,

Шоҳ кўнглида қачон бўлгай гадолардин хабар (Навоий)

Форигулбол — хотиржам, кўнгли тинчиган.

Алар ул аждаҳодин **форигулбол**,

Бўлуб кунжи фароғат бирла хушҳол (“Фарҳод ва Ширин”)

Форам — ёқимли, тотли, мазали.

Гар есанг **форам** ҳар бир дона чун лаъли хушоб,

Боғида сунъи Илоҳи меваи ғатмо анор (Муқимий)

Фосид — бузуқ, хато, нотўғри. **Фосид хаёл** — бузуқ ниятли, бузуқликни ўйловчи.

Навозанда айдиким: “Хайҳот.. бу хаёли фосиддур”. (“Зарбулмасал”)

Айлама **фосид хаёла** сарф солу моҳни,

Кир шариат йўлиға, айнингда кўр Оллоҳни (Турди)

Фосила — 1. Икки шахс ёки нарса ўртасидаги бўш масофа, оралиқ. 2. Текис ер.

Бу маҳалла бирла қалъага **фосила** ушбу хандактур... (“Бобурнома”)

Фосиқ — ёмон ишлар қилувчи, ёмон йўлга юрадиган.

Фосиқ бари миллатда нодондур ва покравлар орасида нодонроқ (“Маҳбуб ул-кулуб”)

Фузало — (бирлиги — **фозил**) фозиллар, билимдонлар, олимлар.

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлиб,

Уламою **фузало** бўлса сазовори алам (Мунис)

Фузул – 1.Тубан, тентак, ўзбошимча. 2.Ортиқча ва кераксиз (сўз ёки иш). 3.Ҳар нарсага аралашувчи, ўз ҳаддидан ошувчи, ёзма.

Фузул теб сарзаниш қилма бу қулни,
Яратқон тенгри йўқ қилсин фузулни (“Гул ва Наврӯз”)

Фузун – ортиқ, мўл, зиёда, кўп.

Чунки тавозуъфа хам ўлди ҳилол,
Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол (“Ҳайрат ул-аброр”)

Фунун – (бирлиги – фан) фанлар, билимлар, илмлар. Аҳли фунун – олимлар, шоирлар, билимдонлар.

Эй келди фунуну илм таслим сенга,
Қилмоқ менга лозим бўлди таъзим сенга (Оғаҳий)
Кўрдики, бир аҳли фунун
Чарх анга кажрафтор экан (“Саёҳатнома”)

Фурузон – порлоқ, нур сочувчи, ёниқ.

Ҳар кеча гулшан эрур ўйлаки фонуси хаёл,
Лек анда ёқадур шамъи фурузон наргис (Комил Хоразмий)

Фуруг – шуъла, равшанлик, ёруғлик, ёлқин, ялтираш.
Эй Навоий, бот учур оҳинг елидин шамъни,
Топти чун ул юз фуругидин бизинг вайронна шамъ (Навоий)

Фурқат – 1.Айрилиқ, жудолик, ҳижрон. 2.Ўзбек мумтоз шоири Зокиржоннинг тахаллуси.

Сачрагон саҳни фалакка ҳар тараф эрмас шафак,
Фурқатингда қон сочиб, шоми гарибон йиғлади (Фурқат)

Дариго, **Фурқатий**, беилм қолдим,
Ўзимни жаҳл зиндонига солдим (Фурқат)

Фусунсоз – афсунчи, аврайдиган, найрангбоз, ҳийлакор, сехргар.

Қоғоз уза қаламни **фусунсоз** қилмадинг,
Бир руқъа бирла бизни сарафroz қилмадинг (Муқимий)

Фуқаро – (бирлиги – фақир) аҳоли, фақирлар, камбағаллар.

Фуқаро ризқи андин вофий, гурабо қути андин кофий
(“Маҳбуб ул-кулуб”)

Фұта — белбоғ, камар, ипак белбоғ.

Гулханийни эр йигитлар тұпидин камситмагил,

Фұта бер, от бер, қилич бер, тұну чакмон бер менга (Гулханий)

X

Хад — ёноқ.

Гаҳе сарвини үхшатур қадина,

Суманни менгзатур гоҳи **хадина** (“Гул ва Наврұз”)

Хадаң — ўқ, камон ўқы.

Хар **хадаңекім**, улус андин қочар,

Нотавон жоним сари отинг, бегим (Навоий)

Хадаңгафкан — ўқ отувчи, камонкаш ўқчи.

Чу тегди ул хадаңги барқ осор,

Йиқилди бу **хадаңгафкан** нигунсор (“Фарҳод ва Ширин”)

Хазон — куз, хазон фасли, аёз пайти.

Чун бу гулшанда нишиман құлғали қўймас **хазон**,

Гул фироқи савтин, эй булбұл, қилиб парвоз туз (Навоий)

Хаз — ипак мато.

Тикилди ўрдуйиким күрмамиш күз,

Хазу иксуну атлас, ончаким бўз (“Фарҳод ва Ширин”)

Хай — тер, юз ва бадандаги тер.

Хайнинг қатраси томғонда бир-бир

Сочиб анжум киби оламға таъсир (“Фарҳод ва Ширин”)

Хайл — 1. Тұда, гурух. 2. Мажозан: лашкар.

Тутуб гавҳарлари яксар жаҳонни,

Нечукким **хайли** ахтар осмонни (“Фарҳод ва Ширин”)

Шаҳфа **хайл** ўлса фатҳ аниңг ишидур,

Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур (“Сабъаи сайёр”)

Хайлхона — отхона, отлар турадиган жой.

Хайлхоналарингизни ва ҳарамларингизни Иброҳимнинг
бандихонасидин халос қилдим (“Бобурнома”)

Хайма – (күплиги – **хайм, хайём**) чодир.

Кунгираси күкка етиб ўрдалар,

Хаймау хиргоҳу саропардалар (“Зарбулмасал”)

Хайр – 1. Яхши, савобли. 2. Эҳсон, садақа. 3. Ислам.

...сен ҳам муҳими **хайр** ишини биткаролмай... халқнинг сузидан чиқмай юрма (“Зарбулмасал”)

Сазовори **хайр** бўлса, мунда олиб кел (“Зарбулмасал”)

Хайра мақдам – айнан: қадамингиз қутлуғ бўлсин: хуш келибсиз, маъносида.

Кирдилар тўйга қўл ювиб, дегани:

“**Хайра мақдам!**” деб ўткизиб ҳамани (“Тўй”)

Хайрбод – хайрлашмоқ, видолашмоқ, хайр-маъзур қилмоқ.

Чу мен ҳам қилдим охир **хайрбодинг**,

Муродим буки еткач ул муродинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Хайрул умур – яхши ишлар, эзгу хизматлар, яхши қилғилиқлар.

Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур,

Қоидай нуктаи “**хайрул умур**” (“Ҳайрат ул-аброр”)

Халаф – (күплиги – ахлоф) 1. Ўринбосар, кейин келадиган, ўринига ўтадиган. 2. Авлод, зурриёд.

Валаддур ул дуру волид садафдур,

Садаф, яъни отоу дур халафдур (“Фарҳод ва Ширин”)

Халқ – 1. Яратилган. 2. Эл, аҳоли. 3. Тұда, гуруҳи, тури, жинси.

Бойёғли халқи сувдин әхтиroz этарлар (“Зарбулмасал”)

Хам – эгик, эгри, букик.

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,

Хамлиғидин тушса йироқ йўқ ажиб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хаммоп – май ясовчи, майфуруш, май сотувчи.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,

Дайр пири хизматига кўйи **хаммоп** истадим (Навоий)

Хамсатайн – айнан: икки хамса. Низомий Ганжавий ва Амир Ҳусрав Деклавий “Хамса”лари назарда тутилади.

“Хамсатайн” ва маснавий китобларини ва тарихларни ўқуб
эди (“Бобурнома”)

Хар – эшак.

Хар киши бўлса керакдур ўз мақоми ҳаддида,
Хар била тенг бўлмағай ҳарчанд логардур фарас (Ҳувайдо)

Бир подажойи гову **хар**,
Чун огули тайёр экан (“Саёҳатнома”)

Харвор, хирвор – уюм-уюм, тӯда-тӯда. Харвор – бир эшак юки.
Йипор бирла йипак анбор-анбор,
Неким турлук гуҳар **харвор-харвор** (“Гул ва Наврӯз”)

Хариш, хориш – қичима, қўтирип (касаллик).

Отлари логару қоқиу харобию **хариш**,
Раҳм қилмай минадур, икки қадам жавр миниш (Муқимий)

Хароб обод – вайрона маконлар, бузуқ жойлар.

Эй ансор фарзанди, эй ... дин маъмураси биносининг
рахнагари ва мажнунлик **хароб ободининг** иморатгари!
 (“Зарбулмасал”)

Харобот – айнан: вайрона жой. Маъжозан: майхона.

Офият жонимга етти, эй хуш ул муғким мени
Бир қадаҳ бирла **харобот** ичра расво айласа (Навоий)

Харроz – 1.Маҳсидўз, мунчиқчи. 2.Лақаб.

Дўст кўйида гадолар билгил,
Бўлса харрозу ва худ **харроz** (навоий)

Харрос – 1.Хуриллаш, хуррак тортиш, хириллаш. 2.Кулол,
кўза ясовчи, кўзашуруш.

Умрин аблаҳ кечуруб гафлат ила,
Нукта ўрнифаки тортар **харрос**... (Навоий)

Дўстлар куйида гадолар билгил,
Бўлса харрозу гар худ **харрос** (“Фавойид ул-кибар”)

Харта, харита – халта-тўрва.

Хартаси бирлан юборинг гоҳ-гоҳи лутф этиб,
Бўйла келганда Наманган шаҳридин савғо анор (Муқимий)

Ҳасм – 1.Ёв, душман, ғаним. 2.Бирорга тааллукли нарса ё киши.
Ёғиб чун тоши ҳар ён ошкоро,
Топиб аҳбоб – гавҳар, **ҳасм** – хоро (“Фарҳод ва Ширин”)

Киз бола бирорвнинг ҳасми...

Ҳат – 1.Чизиқ. 2.Ёзув. 3.Устки лабдаги майин туклар; сабза мӯйлов.
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Ҳатларидин кўйма қадам ташқари (“Ҳайрат ул-аброр”)

Ҳар сўзки кўнгилдин ўлди мавжуд,
Ҳат бўлмаса бўлғай эрди нобуд (Мунис)

Бўю юзу лаъл эрну **ҳату** хадина туш йўқ,
Сарву гулу мул настарину ёсуман ичра (Саккокий)

Ҳатиб – 1.Хутба ўқувчи киши. 2.Нотиқ, ташвиқотчи.
Ҳатиблар чиқиб ҳалқ ўргасидан,
Ажаб нутқлар бошлади шуълазан (Сидқий Хондайлиқий)

Ҳатми қуръон – “Қуръон”ни бошидан охиригача ўқиб чиқиш маъракаси.

Ҳатми қуръон кўюлди тўйнинг оти,
Бўлса шундоқ бўлурмиди ўёти?! (“Тўй”)

Ҳафо – маҳфийлик, яширин.
Керак бўйла сўзни **ҳафо** айламак,
Бу маъни била иктиро айламак (“Вақфия”)

Ҳашҳош – кўкнор уруғи.
Тошифа минг қари ерда нишона,
Уруб гар худ эрур **ҳашҳош** дона (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳез – сакрамоқ, сакраб минмоқ.
Тилаб ҳиммат, дуо бирла қўпиди тез,
Жаҳонпаймоси узра айлади **ҳез** (“Фарҳод ва Ширин”)

Хешу табор — қариндош-уруулар.

Яхшилар! “Қилди түй”, деманг зинҳор,
Хұб бұлмас әшитса хешу табор (“Түй”)

Хизона — хазина, разна.

Тажаммул онда Афридунча юз минг,
Хизона махзани Қорунча юз минг (“Фарҳод ва Шириң”)

Хизр — мангу тирик пайғамбар. У зулмат мамлакатидан оби ҳаёт топиб ичиб, умрбод тирикликка эришган. Мұмтоз адабиётда бу тимсол мангу тириклик рамзи сифатида ишлатылади. Хизр йүлдан озғанларни етаклағ, түғри йүл күрсатувчидир.

Тушмагай **Хизру** Масиҳога ишим бори дигар,
Бир табассум қылса ул шұхи сухандоним мани (Муқимий)

Хизр сүйи — айнан: Хизрнинг суви. Маъжозан: оби ҳаёт, тириклик суви. Оби ҳаётни зулмат мамлакатидан Хизр топған. Шунинг учун оби ҳаётни **Хизр сүйи** ҳам дейишилади.

Жоми Жам бирла Хизр сүйи насибимдир мудом,
Соқиё, то тарки жоғ айлаб гадо бўлдим санго (Навоий)

Хизрча ёш — мангу тириклиқ, бир умр ўлмаслик.

Комим үлмоқдур ҳабибимдин йироқ,
Гар худ ўлсун **Хизрча ёшим** менинг (Навоий)

Хилъат — халат, устки енгил кийим.

Кийиб аҳли фино юз ранг **хилъат**,
Тұло бошқан-аёқ пероя наврұз (Оғажий)

Хилқат — яратилиш, манба.

Әрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга-тийра хок (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хинг — бұз от, умуман от. Хинги бодпаймой — елдай учқур от. Хинги елтан — елдай тез юрувчи от.

Бор эди бодпойи ранги гулгун,
Қолиб андин юрурда **хинги** гардун (“Фарҳод ва Шириң”)

Хирад — ақл. Хирад сарманзили — ақл манзили, ақл күчаси.

Мундоғ фаҳм ва **хирад** сарманзилидин ўтмаган кишиларни күрган әмасман (“Зарбулмасал”)

Хирадманد – ақдли, оқил, донишманд, доно, катта ақл эгаси.

Бир куни Нажжори **хирадманди** фард,

Күнели яғоч йүқлиғидин қилди дард (“Зарбулмасал”)

Хиргаҳ, хиргоҳ – чодир.

Кунгираси күкка тегиб ўрдалар,

Хаймау **хиргоҳу** саропардалар (“Зарбулмасал”)

Хиргаҳнишин – чодирда яшовчи, шоҳона чодирда ўлтирувчи.

Қўймади парвонани фонус аро мен зордин,

Ул маҳи **хиргаҳнишин** бўлғон киби бегона шамъ (Навоий)

Хиром – 1.Юрмоқ, ҳаракат қилмоқ. 2.Юзмоқ, сузмоқ. 3.Эсмоқ.

Берибон кемалар аро ором,

Ел каби айласак сув узра **хиром**.

Бир кун истаб тенгиз тафарружини,

Ел **хиромио** сув тамаввужжини (“Сабъаи сайёр”)

Хиром боғламоқ – кўтарилмоқ, юксалмоқ, ўрламоқ.

...тутуни гардунға **хиром боғлади** (“Зарбулмасал”)

Хиромон – яёв ёки уловда юриш; чиройли юриш.

Яна Фарҳод истаб ишга сомон,

Миниб тавсан уза бўлди **хиромон** (“Фарҳод ва Ширин”)

Хирсанг – айиқтабиат, айиқсимон.

Адоват қилур хирсу хуку паланг,

Адоват қилур одами **хирсанг** (Сидқий Хондайлиқий)

Хирқа – 1.Чурук тўн, йиртиқ чопон. 2.Шайх ва дарвешларнинг устки кийими.

Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи фақир,

Камбағалнинг **хирқасидин** оп қилмоқ шунчалар (Муқимий)

Хирқа уза баҳяки ҳар ён чекиб,

Зуҳду риё вуслаларидан тикиб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хирқапўш – хирқа кийган киши. қ. *Хирқа*.

Эй бўлубон санъат ила **хирқапўш**,

Шому саҳар зикр ила солиб хурӯш (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хисрав – 1. Шоҳ, подшоҳ, султон; Тоза хисрав – янги подшоҳ; янги таҳтга чиққан шоҳ. 2. Эрон шоҳи Хисрав Парвезнинг исми. 3. Ҳиндистонлик машҳур ҳамсанавис Яминуддин Аҳмад Дехлавий адабий таҳаллусининг бир қисми.

Не ерким бузди беандоза **Хисрав**,
Ани айлаб иморат, тоза **хисрав** (“Фарҳод ва Ширин”)

Бир ўз асрида ганжи маънавий Мир **Хисрав** Дехлавийни дерлар (Навоий)

Хиссат аҳли – ҳасис кишилар, қизғанчиқ одамлар, зиқналар.
Бўлуб ифлосдин зарурат ила
Хиссат аҳлиға мадҳон шуаро (Мунис)

Хитой – 1. Ўзбек уруғларидан бирининг номи. 2. Чин, Хитой мамлакати.
Бирни қипчоқу **хитою** бирни юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлиб бир хон ойинлик қилинг (Турди)

Хиффат – енгиллик, енгилтаклик, андишасизлик.
Тўнни зарбафт айлабон **хиффатдин** учқон ҳар тараф,
Йўқ ажаб гар бор эса дунё матои ком анга (Навоий)

Хишт – ғишт.
... ҳар қанча чордевор десанг берай, балки **хишт** девор солайин (“Зарбулмасал”)

Хоб – 1. Ўйқу. 2. Туш.
Куңдузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда **хобим** ким десун? (Муқимиј)

Хоби ҳарғӯш – айнан: қуён уйқуси. Билиб билмасликка солмоқ, чалгитмоқ, ҳийла қилиб ўзини уйқуга солмоқ.
Ул Тева сорбонға **хоби ҳарғӯш** бериб, бир шўразор жазираға қочиб борур эрди (“Зарбулмасал”)

Хоболуд – уйқусираган, фафлат босган.
Не осиф нолау фарёд **хоболуд** баҳтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор мушкилдур (Бобур)

Ховар – Шарқ. Мехри ховари – шарқ қуёши.

Бойўелининг бир қизи бор эрдики, меҳри **ховари юзига
банди эрди (“Зарбулмасал”)**

Ходимий – ҳаммом хизматчиси.

Агар борсалар қайси ҳаммомга,
Чиқар ҳодимийлар қочиб томга (“Масковчи бой таърифида”)

Хожасаро – 1.Ҳарамда хизмат қиласидиган хизматкор ва навкар.

2.Умуман қул, хизматкор. 3.Кулликдан озод қилинган ҳарбий.

Шоҳ ҳамбазми ўлуб **хожасаролар** била ёр,
Ҳукми баръакс суруб, бўлди ёмонлар сардор (Турди)

Хозин – Хазиначи, хазина бошлиғи.

Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат **хозини**,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач (Навоий)

Хок – Тупроқ. Хоки роҳ – йўл тупроғи.

Сочин бир-бир титиб, тўнин қилиб чок,
Бошина сочди бу андишадин **хок** (“Гул ва Наврӯз”)

Хокистар – кул (оловнинг кули).

Фурқат ичра кечалар йўқ лаҳза оромим, на рӯз,
Айлади афсус **хокистар** танимни дарду сўз (Муқимий)

Холиқ – Яратувчи, Худо, Оллоҳ, Тангри.

Юз вафо айлаб ҳалойиққа, кўрубмен минг жафо,
Айламай **Холиққа** эмди илтижони найлайин (Навоий)

Хома – қалам, қамиш қалам.

Заъфдин гўё менинг бу зор жисмим нолдур,
Ким анинг шарҳин демакта **хома** тили лолдур (Бобур)

Хон – 1.Дастурхон. 2.Шоҳ, ҳукмрон.

Хони васлингдин, нигоро бенаво қилдинг мени,
Кўй – бакўю, дарбадарлардек гадо қилдинг мени (Атойи)

Хонагўр – айнан: қабрхона, уй зиндани. Мажозан: қафас асири.

Фалак гардиши айлабон зулму зўр,
Неча йил ани айлабон **хонагўр** (“Садди Искандарий”)

Хонақоҳ – Фақир ва дарвишлар йиғилиб диний маъракалар, сұхбатлар уюштириладиган жой.

Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва **хонақоҳдур**
("Бобурнома")

Шайх бирла **хонақоҳдин** чун ёруғлиқ топмадим,
Дайр пири хизматига күйи хаммор истадим (Навоий)

Хонумон – уй-жой ва уй жиҳозлари.

Мен худ ул тифли паривашға күнгүл бердим, vale
Хонумоним ногаҳон бузулмагай бошдин яна (Бобур)

Хор – 1. Тикан. 2. Хор-зорлик, хўрланмоқ.

Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар,
Теграси гулзордурким, бўлмағай бир **хор** анга (Бобур)

Мени **хор** эттию, қилди муддаийға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму? (Бобур)

3. Сўз бирикмасида “ичувчи”, “еювчи” маъноларида келади.

Қайси ҳасрат бирла армоннинг вафосиз васлнинг,
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати **хунхорнинг** (Бобур)

4. Мажозан: тук, майин юнг.

Бало тоғифа зўр изҳори бирла,
Кетурмак нақб қоқум **хори** бирла ("Фарҳод ва Ширинар")

5. Мажозан: қийноқ, ғам, алам, ички санчиқ.

Ўзи хилватда ёлғуз ўлтурур зор,
Ўнгинда гулу лек, кўнглида **хор** ("Гул ва Наврӯз")

6. Қашимоқ:

Икки қул қилибон уни парвариш,
Ул ит **хору** моли икисига иш. (Хиромий)

Хора, хоро – Метин тош, қоя тош, харсанг.

Ёғиб чун тоши ҳар ён ошкоро,
Топиб аҳбоб – гавҳар, хасм – **хоро**.
Отай деб **хора**, ганж оғзини очмай,
Ва гар очиб, не гавҳарларки сочмай ("Фарҳод ва Ширинар")

Хорабур — тошкесар, тош йұнұвчи.

Үл әвларга тугангүнча ичу тош,

Ҳам үлди **хорабур**, ҳам бұлди наққош (“Фарҳод ва Шириң”)

Хораафкан — айнан; тош қазувчи; тош йұнап.

Бу янглиғ сурди хорокұб тавсан,

Анга тегруки эрди **хораафкан** (“Фарҳод ва Шириң”)

Хораков — Тош қазувчи, тош йұнап.

Не күрди? Хора ичра **хоракове**,

Қозиб хорада метин бирла нове (“Фарҳод ва Шириң”)

Хорапаймой — тоғ-тошларни кезувчи.

Саводи шаҳр сори **хорапаймой**,

Нечукким тоғ аро мөхри фалаксой (“Фарҳод ва Шириң”)

Хорапардоз — Тошни таращлаб пардозловчи.

Бири юмшоқ йиғочдек **хорапардоз**,

Сутунға пилпоя айлабон соз (“Фарҳод ва Шириң”)

Хорарез — Тош майдаловчи.

Бу кон ишқида тешанғ **хорарез** эт,

Ани Фарҳод тоши бирла тез эт (“Фарҳод ва Шириң”)

Хоро — қоя тош, харсанғ тош, умуман қаттиқ тош.

Үкүб ҳар сори қулла-қулла **хоро**,

Қилибон пора-пора бемадоро (“Фарҳод ва Шириң”)

Хорокұб — тош янчар, тош түядиган, тош майдалайдиган.

Бу янглиғ сурди **хорокұб** тавсан,

Анга тегруки эрди хораафкан (“Фарҳод ва Шириң”)

Хоротарош — тош таращлайдиган, тошга пардоз берувчи, тош кесувчи.

Хұнарварларки қылғайлар хұнар фош,

Агар хоротарошу хоҳ наққош (“Фарҳод ва Шириң”)

Хорошикоф — Тош тешувчи, тош қазувчи.

Қилиб хоро сафи бирла масоғ үл,

Лақабда Қорани **хорошикоф** үл (“Фарҳод ва Шириң”)

Хорсифат — тикансифат, тикансимон, тикандай.

Сенинг бу **хорсифат** найзаи бемажолинг менинг бу якжирма қалқонимга нима кор қилсин? (“Зарбулмасал”)

Хорхор — 1. Иштиёқ. 2. Күнгил ҳаяжони. 3. Фам-қайғу.

Фигоним ошди булбулдин, фами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда **хорхорим** бор (Бобур)

Хос — 1. Махсус, зодагон.

Чу ҳадсиз гарм бўлди суҳбати **хос**,
Адо қилди вазири соҳиб ихлос (“Гул ва Наврӯз”)

Хосса — Хусусан, айниқса.

Ишқ жомин, эй Навоий, тарк қилмоқ саъб эрур,
Хоссаким, йўқ зуҳду тақво бирла кўнглум рағбати.

Хосткор — совчи, йигит томонидан қизни күёвга сўраб борувчи махсус киши. Гоҳо совчи қиз томонидан йигит ҳовлисига ҳам сўраб бориши мумкин. Хосткорлик — совчилик.

Мен Япалоқбиби совчисидурман, Бойўғлининг қизига **хосткорликка** борурман.

Хосул хос — хосларнинг хоси, зодагонларнинг зодагони, шоҳнинг энг яқин кишиси.

Ани чун шоҳ надими хос қилди,
Иноят бирла **хосул хос** қилди (“Гул ва Наврӯз”)

Хотам — 1. Узук муҳр. Узукка ўрнатилган муҳр. 2. Узук.

Олиб **хотам**, яна урди санаб гом,
Ҳамул тош устига тутқунча ором (“Фарҳод ва Ширин”)

Хотиб — 1.Хутба ўқийдиган киши. 2.Хитоб, мурожаат қилувчи.

Ҳазордастон... Гунашбону ойимга **хотиб** бўлуб ва роғиб бўлуб: “Қабул қилдингизму?” — деди (“Зарбулмасал”)

Хоя — тухум.

Ҳама ўйнаб олиб қўлга юмурта,
Менинг илгимда йўқтур **хоя** наврӯз (Огаҳий)

Хоҳарзода — сингилнинг боласи, эгачининг қизи, жиян.

Жаҳондин хотири озодаси бор,
Ки бир гулчехра хоҳарзодаси бор (“Фарҳод ва Ширин”)

Хуб – 1. Яхши. 2. Яхши одам. 3. Гӯзал.

Ул сарвға карам қилибон еткур, эй сабо,
Бобур ниёзини ер ўпуб **хуб** адо била. (Бобур)

Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил (“Ҳайрат ул-аброр”)

Гаҳи Чин **хубларидин** сўзладилар,
Гаҳ ўзбекдин парилар кўзладилар (“Гул ва Наврӯз”)

Хубу зишт – яхши ва ёмон, гӯзал ва хунук.

Танаъум бирла меҳнат **хубу зишти**,
Неким бўлмиш азалдин сарнавишти (“Фарҳод ва Ширин”)

Худ – ҳам.

Яхшидур аввалгиси **худ** бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон (“Ҳайрат ул-аброр”)

Худбўй – табиий ҳидли (Мисолини “Худрой”дан ўқинг).

Худодод – Худо берган, Оллоҳ каромат қилган:

Хироми қадди шамшодингфа таслим,
Яна ҳусни **худододингфа** таслим (Аваз Ўтар)

Худрой – ўзбилармон, қайсар, чўрткесар.

Бу сўз бирла Гули **худбўйи худрой**,
Буюрди, солдилар том устида жой (“Гул ва Наврӯз”)

Худписанд – ўзбилармон, қайсар, мутакаббир, манман.

Неча девона **кўнглумни қилурсан** нафй, эй оқил,
Агарчи телбадур, бори сенингдек **худписанд** эрмас (Бобир)

Хуззо – бўзахона, қовоқхона.

Кириб охир дамида **хуззога**,
Бўзахўрларга косадор ўлғай (Муқимий)

Хук – чўчқа.

Адоват қилур хирсу **хуку** паланг,
Адоват қилур одами хирсранг (Сидқий Хондайлиқий)

Хулди барин – Аъло жаннат, юксак биҳишт.

Ки Чин мулкики рашки нақши Чиндур,
Саводи файрати **хулди бариндурур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Хумул – 1. Тарки дунё қилган киши. 2. Ном-нишонсиз.

Ки эй кунжи малолатнинг **хумули**,
Тушуб дарду бало күнглунг қабули (“Фарҳод ва Ширин”)

Хун – қон.

Фарёдким, гардуни дун,
Айлар юрак-бағримни **хун** (“Саёҳатнома”)

Хунбахо – ўлдирилган киши учун тўланадиган товон.

Эшикинг тўзи жонлар тўтиёси,
Бўсоганг гарди хонлар **хунбахоси** (“Гул ва Наврӯз”)

Хуноб – қонли кўз ёши.

Рангин ёшидинки тўкти **хуноб**,
Юз сафҳаси узра чекти абвоб (Навоий)

Хун олуд – қон юқи. Ашки хун олуд – қонли кўз ёш.

Мену фам кунжию оҳу фифону ашки **хун олуд**,
Не хушдур гўшаи холи, майи софию ҳамдамлар (Бобур)

Хунрез – 1. Қон тўкувчи. 2. Қон йиглайдиган кўз.

Бўлиб кўп зикр мактуб ичра Парвез,
Ани деб гоҳи золим, гоҳи **хунрез** (“Фарҳод ва Ширин”)

Хунхор – қонхўр, қон ичувчи, йиртқич, ваҳший, золим.

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз валининг,
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати **хунхорнинг?** (Бобур)

Хур – қуёш.

Чу гардун Рустами **хур** тифин олди,
Замон оқ девининг бўйнига солди (“Фарҳод ва Ширин”)

Хурд – кичик, ушоқ, ёш.

Кичигу катта, **хурд** ила реза,
Қилдилар бир-бирига истеза (“Тўй”)

Хурда – нозик, яширин, сир.

Табъ ганжидин маони **хурдасин**, юз қатла ҳайф –
Ким нисор этмакка шохи хурдадоне топмадим (Навоий)

Хурдадон – нозикфаҳм, идроки кучли, зийрак.

Хурррам – 1.Шод, қувноқ, хурсанд. 2.Гуллаган, гуркираган, ишнаган.

Бор эди кўп неъмати алвонлари,

Хурраму маъмур эди ҳайвонлари (“Зарбулмасал”)

Хурус – хўроз.

Ғўдайиб турмай беринглар бир бақар, хоҳ бир мири,

Аср қичқирғон **хурусдек** бемаҳал девонамен (Муқимий)

Хуруш, хурӯш – 1.Фарёд, фифон, шовқин, ғовға. 2.Овқат, емак.

Ки ногаҳ телбалардек етди Булбул,

Элин тутғач **хуруш** эттию ғулғул (“Гул ва Наврӯз”)

Чу ул май дурдидин бўлмиш **хурӯши**,

Сафо аҳлидур онинг дурднӯши (“Фарҳод ва Ширин”)

Хуршид, хуршед – қуёш, офтоб, кун.

Хуршидки ҳуснинг-ла қилур баҳси жамол,

Тарки адабин заволдин айла қиёс (Фузулий)

Бу не овозау Наврӯз кимдур,

Бу **хуршеди** жаҳонафрӯз кимдур? (“Гул ва Наврӯз”)

Хутур – 1.Хотирлаш, эслаш. 2.Ҳавотирлик, паришонлик.

Қўнгул саҳифасин асра **хутур** баҳридин,

Ки сувға зойиъ ўлур тушса ногаҳон коғаз (Навоий)

Хутум - /Бирлиги – хат/ Хатлар.

Суйининг мавжи савдонинг **хутути**,

Чекиб хат узра хат онинг хутути (“Фарҳод ва Ширин”)

Хуфта – уйқуда, ухлоқ.

Муродингиз гули ошуфта бўлсун,

Ҳасуднинг баҳти доим **хуфта** бўлсун (Гул ва Наврӯз)

Хуффош – кўршапалак.

Май кетур, эй мүфки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,
Бул ажабларким, бу эски дайр **хуффошиндадур** (Навоий)

Хушбў – ҳиди ёқимли, хушбўй.

Зулф киби сунбули **хушбўлари**,
Роҳатижон эрди оқар сувлари (“Зарбулмасал”)

Хушгувор – хуш маза, тотли, ширин, таъми яхши.

Чашмае эрди **хушгувор** анда,
Заҳр аро нӯш ошкор анда (Навоий)

Хуб – 1. Яхши, чиройли, гўзал, дуруст, маъқул. 2. Гўзал. 3. Роса, жуда.

Иzzати ҳаддин кам эса **хуб** эмас,
Ҳаддидин ортуқ доги марғуб эмас (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хўблардин чекмиш эрканман жафою жаврлар,
Қайда билсам, ошнолиқ ихтиёrim бор эди? (Муқими)

Мен, суқ ҳасад қариндоши эмас, сени **хуб** билурман
 (“Зарбулмасал”)

Хўбрў – гўзал юзли, сулув чехрали.

Хўбрўлар кўпдур, аммо важҳида бадгиналиғ,
Мисли кам Фарғонада танҳолифингдин доғмен (Муқими)

Худ – узун учли жез қалпоқ (уруш аслаҳаси)

Тутиб чин – бачин кўлда печон каманд,
Осиб **хўдидин** шуққа чиний паранд (“Фарҳод ва Ширина”)

Хўдук – хўтиқ, эшакнинг боласи.

Ким кучук бирла **хўдукка** неча қилса тарбият,
Ит бўлур, доги эшак, бўлмаслар асло одами (Навоий)

Хўжа Ҳофиз Шерозий - классик ғазал жанрини камолот чўққиларига етказган машҳур форс-тожик шоири. У 1223 йилда Шерозда туғилиб, шу шаҳарда 1292 йил вафот этган. Шоирнинг исми Шамсиддин Муҳаммад бўлиб, тахаллуси Ҳофиз Шерозийдир.

Нечукким **Хўжа Ҳофиз Шерозий** айтибдурлар (“Зарбулмасал”)

Хўжа, хожа – 1.Бошлиқ, соҳиб, эга, уй эгаси, қулдор, хўжайин. 2.Катта савдогар. 3.Хурматли ва улуғ кишига нисбатан ишлатиладиган сўз: Хўжа Ҳофиз, Хожа Камол сингари. 4.Диндор оқсуяк. 5.**Ислам**, атоқли от.

Аргумоқ от бўлмас озған сўнг, **хўжаси** қулиға боқмас ёзғон сўнг (“Зарбулмасал”)

Чиқиб **Хўжахон** муфти қошифа,
Етургил ўзни пешинлик ошифа (Фурқат)

Хўй – 1.Ўрганиш, одат қилиш. 2.Феъл-атвор.
Ночор фурқати била **хўй** этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим (Бобур)

Хўрду хоб – емак ва уйқу; хўрд – овқат, емак; хоб – уйқу.
Кетиб фунчадек доди нарғис киби,
Оғиз бирла кўздин манга **хўрду хоб** (Навоий)

Хўтан тинди Ҳабашинг булғоғидин – айнан: Хўтан Ҳабашлар говасидан тинчили. Шоир кўзда тутган мазмун: Кеча зулмати кўтарилиб тонг ёришди.

Чу Юнус чиқти болиқ қурсоғиндин,
Хўтан тинди Ҳабашнинг булғоғиндин (“Гул ва Наврӯз”)

Ч

Чакас – ов қушлари қўниб турадиган ёғоч қўноқ. Чакас осиғелиқ ёғоч тарзида бўлади.

Яна тўтию қумрилар қафасда,
Турубдур овчи қушлар ҳам **чакасда** (Фурқат)

Чаковак – тўрғай.

Қушод ўлғай анга ул барча новак,
Чиқорбой пар, онингдекким **чаковак** (“Фарҳод ва Ширин”)

Чакса – оғирлик ўлчови, 100 г.

Уйда **чакса** уни йўқ, том бошида қўш танур

Чалипо – хрест, хоч, санам.

**Телбаланмиш зулфини савдосидин девоналар,
Қайға борса ўлтуруб ёрға чалипо тортадур (Фурқат)**

Чанг — 1. Кафт, панжа, құл сиқими; беш бармоқнинг кафутга ийғилгани. 2. Мусиқий асбоб. 3. Гард, губор, түзон. Мажозан: букик.

Тутайким қилди ўз чангини ранжа,
Неким урди аниңг чангига панжа (“Фарҳод ва Ширин”)

Фусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоидек асиру мубтало бўлдим сенга (Навоий)

Янги ой шавқи таним зор айлаб,
Қоматим ийд фами чанг этмиш (Мунис)

Чангал — 1. Бутазор. 2. Қўл панжалари.
Чангал ўз жойида кун кўрап (“Зарбулмасал”)

Чанги чиқди — ибора: тугади, ҳеч нарса қолмади маъносида.
Бир оғиз энди олдилар янги,
Чиқди лаппак табақ уза чайги (“Тўй”)

Чарб забон — 1. Ширин тил, ширин сўз. 2. Тилёёлама. 3. Сўз устаси.
Хусн миръотисену нозу латофат шамъи,
Содадил дейму сени, чарб забон дейму сени?! (Навоий)

Чаро — 1. Нега? нима учун? 2. Ўтлоқ, яйлов, чорва боқиладиган жой:
Ҳам рифъатингфа арши баринда имкон,
Ҳам буроқингфа хулди баринда чаро (Навоий)

Чарранда — айнан: ўтловчи; ўтлайдиган ҳайвон.
Гаждуму афъиу бий, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мўру малах, бўрию даррандалари (Муқимий)

Чарх — 1. Филдирак. 1. Айланыш. 3. Ип йигирадиган дастгоҳ ускуна. 4. Мажозан: Фалак. 5. Мажозан: тақдир, толеъ.

Чархи кажрафтор элидин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишидин ёза мен (Лутфий)

Чархи барин — юксак олам; чархи даввор — айланувчи фалак;
чархи дун — пасткаш фалак; чархи мухолиф — душман фалак;

Чархи кажрав — тескари айланувчи фалак; чархи хазро — яшил осмон;

Чатри шоҳи — шоҳона чодир.

Чатри шоҳийдурму боши узра бўлғон соябон,
Ё магар очмиш ҳумо боли ҳумоюн устида (Мунис)

Чашм — кўз. Чашми ашкбор — ёш тўкувчи кўз. Чорчашм — кўзи тўрт бўлмоқ, кучли интизорлик.

Қайси жонибдин келур деб, термулиб ҳар соате,
Йўлларида чор **чашми** интизорим бор эди (Муқими)

Чашмаи ҳайвон — обиҳаёт булоғи.

Анда даҳлезу гунбазу айвон,
Суйи андоқки **чашмаи ҳайвон**. (Навоий)

Чашми заҳм — кўз тегиши.

Сайри боғ айларда даврон **захми чашми** дафъиға,
Ҳар тарафдин чобукунг даврида қалқон бўлди гул. (Навоий)

Чашми хунфишон — қон сочувчи кўз, яъни қонли ёш тўкувчи кўз.
Мумтоз адабиёт анъаналарига кўра: ошиқнинг кўз ёши қонлидир.

Кўз кўтар, лекин солур мени балоға бу кўнгул,
Бу балони неча **чашми хунфишондин** кўргамен! (Бобур)

Чеврулмоқ — гир айланмоқ, айланиб-ўргулмоқ, парвона бўлмоқ.
Гулобу сув сочиб ҳар дам бошиндин,
Ки йиглаб чеврулур эрди ёшиндин. (“Гул ва Наврӯз”)

Чақирим — узунлик, масофа ўлчови: 1 км.га яқин.
Садоси неча **чақирим** ерга кетгай,
Йироқ андин кишилар ҳам эшитгай. (Фурқат

Чевурмоқ — 1.Айлантирмоқ, ўгирмоқ. 2.Таржима қилмоқ,
яъни бошқа тилга ўгирмоқ.

Хоним отингга ушбу порси тилни
Чевурдим, туздум уш назм узра қилни. (“Хисрав ва Ширин”)

Тўпинганга минг отлиқ ўтру турмас,
Ачиғланса тумандин юз чевурмас. (“Гул ва Наврӯз”)

Чекмоқ – 1. Чиқармоқ, тортиб олмоқ. 2. Ичмоқ. 3. Үзига жалб этмоқ. 4. Урмоқ. 5. Үтказмоқ, ипга тизмоқ, сараламоқ. 6. Узайтирмоқ, үзмоқ. 7. Ботмоқ, үтирмоқ. 8. Етмоқ, уланмоқ. 9. Үрнатмоқ. 10. Ёзмоқ.

Хайъати айлабон ул элни хуррам,
Ани киштига чектилар ҳамул дам. (“Фарҳод ва Ширин”)

Чекиб гулранг май шаҳзода Фарҳод,
Гули рухсоридин хоқон бўлуб шод. (“Фарҳод ва Ширин”)

Мен хастаки бу рақамни **чектим**,
Тахрири учун қаламни **чектим**. (“Лайли ва Мажнун”)

Чекти ун – овоз берди, чақирди, товуш берди, овоз чиқарди.
Келди чаҳ боши узра ғампарвард,
Чекти ун: “К-эй асири меҳнату дард...” (“Сабъаи сайёр”)

Ченамоқ – 1. Ҳисобламоқ, санамоқ. 2. Үлчамоқ.
Гул қоровулға бориб Яман черигин ченагани. (“Гул ва Наврӯз”)

Черик – лашкар. Бирор шоҳга тегишли ҳарбий қисм.
Мундин үзга бу ишга йўқ тадбир,
Ки иккимиз **черик** йифиб бир-бир... (“Сабъаи сайёр”)

Чибок – айнан: қўркуви нимаси, нима бўлти, ҳечқиси йўқ, нетади.
“Тавба” денг, охир замона чиқса бу янглиғ **чибок**,
Ҳар(хотин)га ошиқу ҳар(қиз)га хуштор авлиё (Муқимий)

Чикора – нечук, нимага керак, нима ишга ярайди. Керак эмас, деган маънода.
Етим қизға елпуғич **чикора**?! (“Зарбулмасал”)

Чимгон – ўтлоқ, ям-яшил дала ёки тоғ этаклари.
Кел, эй учмоқ гули, **чимгонга** чиққил,
Буқун ўлтурмагил айвон ичинда (“Муҳаббатнома”)

Чин – 1. Хитой. 2. Ажин/юздаги бурамлар, чизиклар/. 3. Рост, ҳақиқат, тўғри, воқеъликка мувофиқ. 4. Ҳарбий даража. 5. Соң жингалаги, ҳалқаси. 5. Қош чимириш. 6. Чинни. 7. Сўбирикмасида “терувчи” маъносида ишлатилади: хўшачин –

бошоқчи, бошоқ терувчи; резачин — увоқ терувчи, нон ушоқларини терувчи сингари.

Савсан хоқони **Чин** элчиларининг хабарин Гулға айтқани
(“Гул ва Наврӯз”)

Чин десам: **Чин** мушки чин эрмас сочингдек, десалар,
Рост айтсам, қоматинг оллида сарв озод эмас (Мунис)

Чайқалиб гүё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса **чин** ногаҳ ғазаб (Навоий)

Улки ҳар кўзи ғазоли **Чин** дуур,
Қошиға пайваста онинг **чиндурур**. (Навоий)

Сабр заҳрин ич деманг эмдики ул,
Косай **чин** ичра қондин чойму? (Огаҳий)

Чин-бачин – ҳалқа-ҳалқа /Бу сўз соч жингалаклиги ва ҳарбийда
шиплатиладиган сиртмоқ ҳалқаларига нисбатан қўлланилади/
Тутиб **чин-бачин** қўлда печон каманд,
Осиб хўдидин шуққа чиний паранд (“Фарҳод ва Ширин”)

Чинг – катта, улуғ.

“**Чинг**”нинг маъноси улуғ ва катта темак бўлур (Абулфози)

Чингиз – катталар, улуғлар.

“**Чингиз**” анинг (“чинг”нинг) жамъи турур (Абулфози)

Чиний – Хитойга хос, хитойлик. Чиний ниқоб – хитой ниқоби.
Бу ҳолатда бир чобук айлаб шитоб,
Ёпиб орази узра **чиний** ниқоб (“Садди Искандарий”)

Чинийнажод – хитой уруғидан, келиб чиқиши хитойлик.
Ҳамул шўхи **чинийнажод** эрди ул,
Ҳамул чобуки ҳурзод эрди ул (“Садди Искандарий”)

Чин-Чин – ҳалқа-ҳалқа/соҷ/

Турфа зулфинг ҳам эгилди **чин-чин** устига чин
Чинийлар келди бу чин савдосига Чин мулкидин (Машраб)

Чирк – кир, ифлос; чиркин – кир бўлиб кетган.
Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат – қонеъ ўл,
Олмас ул **чиркингни** мундин ўзга собун, эй кўнгул
(Комил Хоразмий)

Чир суйи – Чирчиқ дарёси.

...**Чир суйиниким**, Тошкандтин икки шаръий йўл бўлғай
(“Бобурнома”)

Чирчимламоқ – 1. Саришта қилмоқ. 2. Тайёрламоқ /сафарга/.
Ўзини яхши **чирчимлаб** юруб тез,
Каминалар боғлади бар азми хунрез (“Гул ва Наврӯз”)

Чирғаланг – базм, айш-ишрат.

Етти иқлимда санчишу уруш йўқ,
Кунингча **чирғалангдин** ўзга иш йўқ. (“Гул ва Наврӯз”)

Чистон – айнан: у нима? Топишмоқ, адабий топишмоқнинг номи
Бўлма овора билолмайсан суриштирган билан,
Бир чигилменким, ешилмас асли **чистон** кўсамен. (Муқимиј)

Чобук – 1. Тез, чаққон, илдам. 2. Чавандоз.

Неким бўлса меъмори **чобук** хаёл,
Яна доғи устоди нозук хаёл. (“Садди Искандарий”)

Чобуксувор – уста сувори, моҳир отлиқ, чавандоз.

Бори **чобуксувору** моҳ пайкар,
Жавоҳирдин бериб пайкарга зевар (“Фарҳод ва Ширин”)

Чок – йиртиқ. Яқо чок айламоқ – ёқани йиртмоқ.

Токи тунд ўлди баҳр аро **кулок**,
Деди маллоҳ айлабон яқо **чок**. (“Сабъаи сайёр”)

Чокар – хизматкор, дастёр. Чокарлиғ – хизматкорлик.

Борур бўлсанг, сенга ҳамраҳлиғ айлай,
Демай ҳамраҳлиғ, **чокарлиғ** айлай (“Фарҳод ва Ширин”)

Чок-чок – тилим-тилим, сўқилган, йиртилган, парча-парча.
Доғи ишқинг лоладек сийнамни қилмиш **чок-чок**,
Ханжари мужгон ўқи қилди юракни дарднок (Машраб)

Чолмоқ — 1.Кесмоқ, ўлдирмоқ. Бўйнини чолмосқ — бошини кесмоқ. 2.Боғламоқ, тақмоқ. 3.Ўрмоқ. 4.Музика асбобини ишлатмоқ.

Қотингда келтуруб кўнглини олғин,
Ва ёхуд ҳоли-ўқ бўйнина **чолғин** (“Гул ва Наврўз”)

Чолок — чечан, чаққон, эпчил.

Муни ҳар ким кўруб раъноу **чолок**,
Ани қўргач кетиб бу ёдидин пок (“Фарҳод ва Ширин”)

Чопқун — 1. Бўрон, зўр шамол. 2. Талон-тарож. Аҳолининг ҳарбий даста томонидан қўққисдан талон-тарож қилиниши.

Ушбу кун ғариб чопқун била қор ёғар эди (“Бобурнома”)

Икки навбат ўзум **чопқун** чопибтурман (“Бобурнома”)

Чор — тўрт. Чорчашм — кўзнинг тўрт бўлиши, яъни интизорлик ва зориқишиликни билдирадиган ибора.

Қайси жонибдин келур деб, термулиб ҳар соате,
Йўлларида **чорчашми** интизорим бор эди (Муқимий)

Чора — даво, илож. Чорае — бирор чора, бирор илож.

Марҳам истаб кимсадин, захм изҳор айласанг,

Чорае қилмоқдин ўзга, устиға тирноғлар (Муқимий)

Чораандиш — иложини топувчи, даволовчи, ёрдам берувчи, тузатувчи.

Не ҳожат айтмоқким чун тушар иш,

Жазаъдин беҳдур ўлмоқ **чораандиш** (“Фарҳод ва Ширин”)

Чора хушдур — бошқа иложини қилиш яхшидир, кечмоқ яхшидир.

Кўнгул ишқ аҳлиға минг пора хушдур,

Чу маъшук аҳл эмастур, **чора хушдур** (“Фарҳод ва Ширин”)

Чорпеч — айнан: тўрт ўралган. Саллани бошда тўрт айлантириб ўраш усулидир. Бу мусулмонларнинг сунний мазҳабига хос бўлиб, у чаҳорёrlар — Муҳаммад (с.а.в)дан кейинги тўрт халифани тан олиш рамзидир. Халифалар: Абубакр, Умар, Усмон, Али. Шиалар эса, ўн икки имом рамзи сифатида саллани ўн икки ўрамли ўрайдилар.

Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди... (“Бобурнома”)

Чошни — маза, таъм. Мажозан: завқ, илҳом.

Пири Аисорий сўзидин **чошни** нутқум топиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳйил-изомидур манга (Мунис)

Чошт — 1. Тушга яқин вақт, чоштгоҳ. 2. Нонушта.

Қайда бўлғай телба, расвода яқою остин,
Не билур мажнун деган, субҳ ила шому **чоштин** (Муқимий)

Чогир— май, мусаллас.

Соқи, эрур ишрат чофи, афсурда бўлма дай била,
Ўттек **чогир** келтур, доғи суҳбат тунотур май била (Бобур)

Чоҳ— 1. Кудук. 2. Зиндан. Ер оти қамоғи.

Ҳар кишиким бирорвга қозғай **чоҳ**,
Тушгай ул **чоҳ** аро ўзи ногоҳ (“Сабъаи сайёр”)

Бандини англаб эрди **чоҳ** ичра,
Фаму андуҳи умркоҳ ичра (“Сабъаи сайёр”)

Чоҳи зақан — ияқ чуқурчаси, кулгич. Оналар “Фарзандим кулганда чиройли бўлсин” деган ниятда, чақалоқ ияги ёки юзига бармоқ босиб, бироз чуқурча қилиб қўядилар.

Ул пари ишқида, Бобур, кунглум андоқ телбадур,
Ким сочи занжиридур, **чоҳи зақан** зинданидур (Бобур)

Чу -дай,-дек,-каби, янглиғ, сингари, биланоқ, заҳоти.

Туруб маҳбуб оллида муҳибқа,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди (Атойи)

Қалъаи Балх ўлди **чу** дарвоза банд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд (“Юсуф ва Зулайхо”)

Чун — 1. Экан, шундай экан, бор экан; чунки.

Чун бошим оёғингға қўярға ярамас,
Бошимни олиб оёқ етганча кетай (Бобур)

Келтур шароби нобни, омода қил асбобни,
Хуш тут шаби маҳтобни, **чун** бордур ул ой била (Бобур)

Чунин — шундай, шунақа:

Ҳуррият олинмади курбонсизин,
Ки тарихларнинг сўзидур чунин. (Сидқий Хондалиқий)

Чуну чора — Чун — модомики, қачонки, вақтики; чаро — нега?

Сўзларидан тузилган бўлиб, важ излаш маъносига моликдир.

Менга мунда муқим ўлмоқ Худо тақдири ўлмишдур,
Эмасдур бандалик дам урматим “чуну чаро”лардин. (Фурқат)

Чуркамоқ — 1. Ўрамоқ. 2. Куйдирмоқ.

Тилаб топмадилар ўн кунча ўркаб,
Халоҳил оғуни коғазга чуркаб (“Гул ва Наврӯз”)

Чуст — тез, чаққон, эпчиллик билан.

Келтириб ул чоҳ уза Юсуфни чуст,
Боғладилар икки илкини руст (“Юсуф ва Зулайхо”)

Чуғз — боййўғли, бойқуш. Чуғзи вайронা — вайронা бойқуши.

Ўз диёридин адашган, Фурқатий девонаман,

Чуғзи ҳар вайронадурмен, байтул эҳzonдин гапур (Фурқат)

Чуғзи вайронана тешик, уйлари сўрохи камар,
Фижи-биж тулкию кирпитикону эчкиэмар (Муқимий)

Чўбин от — ёғоч от; тобут.

Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,

Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро (Аҳмад Яссавий)

Чўлғоч — чов, эшкак. Сувга уриб, қайиқни ҳаракатга келтирувчи кураксимон асбоб.

...Сангпушт чўлғочини қўлига олиб, юз ҳаракат бирла ўзини шажот соҳилифа олди (“Зарбулмасал”)

Чўкирди — чўктирди.

Оғир юки йўлда ўшал сорбон,

Йўлда чўкирди тузатай деб равон (“Зарбулмасал”)

Чўлуган — чўллаган, чанқаган, чанқоқ, ташна; Сувга зориқдан.

Чўлуган сувни кўрмойин инонмас,

Неча сув десалар, сусоги қонмас (“Гул ва Наврӯз”)

Чўх – 1.Кўп, мўл. 2.Роса, жуда.

Бир ўтдур ишқим, сўзини нуқсон айламак ўлмаз,
Ул ўтдин мушқулим **чўхдурки**, осон айламак ўлмаз (Мунис)

Чўк – Кўп.

Аҳли иёли анинг бас эрди **чўк**,
Озуқадин кулбасида нарса йўқ (“Зарбулмасал”)

Ш

Шаба, шабаҳ – 1.Тунги, қечасиги, тунга оид. 2.Қора, юмшоқ тош. 3.Мажозан: қора ранг, қоралик, қоронфилик.

Шаба минқоридин ҳар сори зоҳир,
Ва лекин ул шаба сочиб жавоҳир (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабафрӯз – кечани ёритувчи, тунни порлатувчи.

Янги йилнинг бошинда рӯзи наврӯз,
Садафдин чиқти бир дурри **шабафрӯз** (“Гул ва Наврӯз”)

Шабаҳгун – шабаҳ қора тоши сингари, юмшоқ қора тош каби.

Кўмуклук ерга тошедур **шабаҳгун**,
Ки бор вазн ичра минг ботмондин ағзун (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабгард – кечаси юрувчи, тунда кезувчи. Мажозан: дайди, ўғри, нопок, енгилтак.

Бир ой бўлғай ул солиб манга дард,
Жаҳонпаймо ҳар жоию **шабгард** (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабгир – тунда йўл босмоқ.

Қилиб ул жомдин нур ўйла таъсир,
Ки машъал партави қилғонда **шабгир** (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабдез – 1.Хисрав Парвезнинг қора отининг номи. 2.Мажозан: кеча, тун. Мажозан: от. 3.Хусрав Парвез саройида яшаган машҳур ашулачи Борбаднинг куйларидан бирининг номи.

Магар ваҳм адҳамидур тез рафттор,
Не адҳам, жардаи **Шабдез** рафттор (“Фарҳод ва Ширин”)

Гаҳи **Шабдези** оламгардидин деб,
Замоне ганжи бодовардидин деб (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабеҳун — тунги қирғин, тунги ҳужум. Айнан: тунги қон.
Мажозан: қаттиқ ҳужум, аёвсиз ҳужум.

Совуқ душман бўлиб урса **шабиҳун**,
Қилурга дафъи улсоҳибқирон печ (Муқимий)

Шаби маҳтоб — ойдин кеча. Ой порлаб турган тун.

Келтур шароби нобни, омода қил асбобни,
Хуш тут **шаби маҳтобни**, чун бордур ул ой била (Бобур)

Шабистон — тунги ётоқ, ётоқхона, тунаш уйи. Гардун
шабистони — тунги осмон.

Очиб ҳиммат қанотин насли тойир,
Эрур гардун **шабистонига** сойир (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабиҳ — ўхшаш, ўхшайдиган. Икки нарсадаги ўзаро умумийлик.

Қилубон ихтирои шайлар аммо,
Шабиҳи йўқ эди бир-бирга асло (Фурқат)

Шабоб — ёшлиқ, йигит.

Бурунги ўтгану кетган кўнгулда ёд кўргайсиз,
Қариган чоёда Завқий бир **шабоб** ўлса ажаб эрмас (Завқий)

Шабона — тун, кеча. Тунги, кечага оид.

Бўлдим фасона субҳу **шабона**,
Қўксим нишона тийри жазога (Муқимий)

Шабравлар — тунги саёқлар, ўғрилар, қароқчилар. Айнан: тунда юр.

Қилиб мужгонни **шабравлар** киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб (Навоий)

Шабу рӯз — кеча-кундуз. Мажозан: тинимсиз, доимо, ҳамиша.

Балодур сарбасар ишқи жаҳонсўз,
Ким ўртар мубталоларни **шабу рӯз** (“Гул ва Наврӯз”)

Шабхез — айнан: тунда тур. Тунни уйғоқ кечиувчи, тунда
уйғонувчи. Мажозан: уйқусиз ошиқ.

Бу андоқ тун аро **шабхез** булбул,
Шабистон ичра шўрангез булбул (“Фарҳод ва Ширин”)

Шабчароғ — айнан: тунги чироқ.

Ясаб ҳар қасрнинг давринда боғе,
Ки бўлғай ҳар гул андин **шабчароғе** (“Фарҳод ва Ширин”)

Шавқ – қувонч, севинч.

Кетди хунар **шавқи** била фуссаси,
Тунди яғоч айрисиға думчаси (“Зарбулмасал”)

Шадид – шиддатли, қаҳри қаттиқ, бадфеъл, беҳад қаттиққўл.
...шароратешаликда Ҳомондин **шадидроқ**... (“Зарбулмасал”)

Шаётин - /бирлиги - Шайтон/. Шайтонлар.

Вале еткач ики бўлгай ямонни,
Шаётини лайну Аҳраманни (“Фарҳод ва Ширин”)

Шажар /кўплиги ашжор/ - дараҳт.

Ким чиқиб бир бийик **шажар** узра,
Кўз солиб баҳри мавжвар узра (“Сабъаи сайёр”)

Шайб – қарилик, кексалик.

Эй Навоий, сендек этган зоеъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашқи надомат шоми **шайб** (Навоий)

Шайдон даشتӣ – Тожикистон Республикасининг Ашт туманига қарашли ерлар. Тоғ бағридаги ушбу даштга сув чиқариб боғ ва мевазорларга айлантирилган.

Жағларим **Шайдонни даштидек** гиёҳ йўқ, яп-яланг,
Энгакимдин барало Маҳрам намоён кўсамен (Муқимий)

Шайн – камчилик, нуқсон, доғ, бебошлиқ, ножӯя, хатти-ҳаракатлар.

Мажлисда шайх кўп **шайн** бошлади,
Шамни синдиридиу нуқлни ҳавз ичра тошлади (Навоий)

Шайх - /кўплиги шуйюҳ/ 1.Қари, кекса. Шайху шоб – кекса-ёш, ёшу-қари. 2.Сўфийлар бошлиғи, эшон. 3.Йирик шоир ва олимлар номига қўшиб айтиладиган, уларнинг улкан донишмандлигига ишора қиласиган сўз: Шайх Саъдий, Шайх Камол сингари.

Ўзина бўлуб муборак бу китоб,
Доим олсун нафъ муандин **шайху** шоб (Сайфи Саройи)

Навоий тилар сода юзлук йигит,
Не фам гар ани мань этар сода шайх (Навоий)

Шайхул-ислом – давлат ёки шаҳар ҳудудидаги бош диний нозир.
Абдураҳмон Жомий Ҳиротда ва Подшоҳжоҳа ибн
Абдулаҳҳобжоҳа/1470-1545/ Балҳда шайхулисломлик қилишган.

Ҳазрати **шайхул-исломий** Мавлоно Абдураҳмон Жомий...
мадҳидаким, бу лабташна водийи ҳайратқа... аниңг дуоси паймо-
насининг соқийларидин лаболаб бўлди (“Фарҳод ва Ширин”)

Шайхухат – 1.Қарилек, кексалик. 2.Шайхлик, эшонлик.
Букун андинки бор Ҳақнинг қазоси,
Куҳулат бирла **шайхухат** ароси (“Фарҳод ва Ширин”)

Шакаргуфтор – шириңсўз.
Ҳар пари бўлғон била андоғ **шакаргуфтор** эмас,
Ханда айлаб гул масаллик сарви хушрафтор эмас (Машраб)

Шаккарханд – табассум, шириң табассум, чиройли жилмайиш.
Лаъли шириндикни қилдинг айшни жонимга талх,
Неча очиғ сўз демак бир қатла **шаккарханд** қил. (Навоий)

Шамс – қуёш, офтоб.
Эй орази **шамсу** қамарим, нетти не бўлди?
В-эй тишлари дурру гуҳарим, нетти не бўлди? (Атойи)

Шамса- иморатлар ичи ва ташқарисида қуёш шаклида
солинган ранг-баранг нақш.
Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳарнигор (“Ҳайрат ул-аброр”)

Шамшод – чиройли, хушбичим, ҳамиша яшилланиб
турадиган бир хил дарахт.
Шамшод қоматингга бўлуб банда боғда,
Айлар топуг ҳамиша туруб бир аёғда (Мунис)

Шанг – шўх, ўйноқи, шўхлик, ўйинқароқлик.
Бути гулчехрадек **шанг** айлагайлар,
Юзидек они гулранг айлагайлар (“Фарҳод ва Ширин”)

Шанъат – 1. Ёмонлик, хунук иш, ярамас қилик
2.Хурматсизлик, менсимаслик, масхаралаш.

Ҳар куни бу **шанъат** ила тунгача,

Ҳар кеча бу ғафлат ила кунгача (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хизмат ила айлама тавқир ҳам,

Шанъат ила айлама таҳқир ҳам (“Ҳайрат ул-аброр”)

Шарар – учқун, алнга.

Шараф – қадр-қиммат, улуғлик, фахр.

Олди бу расми барот ила тасдиқоти,

Бор мундин **шарафи** мурдашўю исқоти (Турди)

Шарза шер – дарғазаб шер, йиртқич шер.

Тийиб тоши нечукким, раъд тоши,

Учуб гар тегса **шери шарза** боши (“Фарҳод ва Ширин”)

Шариф – 1.Шарофатли, шарафли, қадрли. 2.Сара, мақбул.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким гуҳари **шарифроқ** йўқ ондин (Навоий)

Шарифа – “шариф” сўзининг муаннаси; шарафли аёл(қиз);
қадрли.

Илоҳи тенгри қилғай бир латифа,

Ки топқай бу шарафни бу **шарифа**. (“Гул ва Наврӯз”)

Шароби ноб – тоза май, тиник май.

Келтур **шароби нобни**, омода қил асбобни,

Хуш тут шаби маҳтобни, чун бордур ул ой била (Бобур)

Шарор – алнга, ёлқин, учқун.

Ул аждарлар ҳама оташфишондур,

Фалак барқи **шароридин** нишондур (Фурқат)

Шароратпеша – феъли ёмон, ярамас, одати ёмонлик.

...шароратпешаликда Ҳомондин шадидроқ... (“Зарбулмасал”)

Шарҳ – изоҳ; гап, хабар, кенгроқ тушунтириш, баён.

Чу Гул бу **шарҳи** Булбулдин эшитти,

Таҳаммулсиз бўлуб, фарёд этти (“Гул ва Наврӯз”)

Шаст – 1.Камон ипини тортыш учун бармоққа кийгизиладиган ингишвонасимон ҳалқа. 2.Қармоқ. 3.Олтминн /сон/. 4.Тез, чаққон, үйірек, шай. 5.Бош бармоқ. 6.Мембрана, соз чалишда инглатиладиган махсус тирноқ. 7.Наштар. 8.Куч-құдрат, зарб.

Хаводис **шастидин** гар келса юз ўқ,
Раво күргай ұзига, ұзгага йўқ (“Фарҳод ва Шириң”)

Вужудин **шаст** этиб дарё ҳавоси,
Юрогин қон этиб ҳижрон балоси (“Гул ва Наврӯз”)

Күруб арслонлар ул арслон йиқар **шаст**,
Бари бүлди қора тупроқ била паст (“Гул ва Наврӯз”)

Аданда йўқ эди бу шеркуши **шаст**,
На бу мардоналиқ, бу **шасту** бу даст (“Гул ва Наврӯз”)

Шафөз, шафиғ – воситачи, ҳимоячи; бирорнинг гунохини тилаб олиш, кечирим сўраш.

Иноят қилди ногоҳ бокти Савсан,
Ки Булбулни **шафөзи** қилди Савсан (“Гул ва Наврӯз”)

Шафиқ – шафқатли, муруватли, мушфиқ, марҳаматли.
Ғурбатда фарид шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга **шифику** меҳрибон бўлмас эмиш (Навоий)

Шафоат – воситачилик, ўртада туриб воситачи бўлиш/азият чеккан кишидан гуноҳкор гуноҳини кечиришни тилаш/.
Булбул Савсанни Гулдин **шафоат** қилғани (“Гул ва Наврӯз”)

Шах – қаттиқ, қотган.

Риёзат мевасидир мисли янғоқ,
Агарчи зоҳири **шах**, ботини – ёғ (Сўғи Оллоҳёр)

Шашвар – олти қирралы гурзи, шашвар. Бу уруш аслаҳаси металдан ясалган, уч томони йўғонлашиб кетган бўлади.

Етиб гарунгга оғат **шашваридин**,
Бўлуб сув ҳут бағри ханжаридин (“Фарҳод ва Шириң”)

Шаковат – 1.Бахтсизлик, омадсизлик, кўргилик. 2.Ярамаслик, ёмонлик.

Яхши рафиқ бирла юрсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шақоват (“Зарбулмасал”)

Шагол – чиябўри.

...шагол жонибин тутмоқ товуқ тухмин қурутмоқдур
("Маҳбуб ул-қулуб")

Шаҳбоз – айнан: шоҳ қийғири. Лочин.

Жойи шаҳбозлари қарғаву қузғун дутди,
Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим япалоқ (Турди)

Шаҳд – асал, бол. Асалари тайёрлайдиган ширали ширии модда.

Бир зарра сучук сўзни Атойидин аярсен,
Эй лаблари шаҳду шакарим, нетти, не бўлди?

Шаҳд бо шир қовушмаи – бол билан сут аралашмай.

Анингдек эттилар барчаси тадбир,
Ки бир-бирина қовушмай шаҳд бо шир ("Гул ва Наврӯз")

Шаҳжўй – айнан: шоҳ ариқ, катта ариқ.

Ўш авбошнинг зарофати будурким, ҳар ким анда уйқуласа,
шу шаҳжўйдин сув қўярлар ("Бобурнома")

Шаҳна – қўриқчи, қоровул, посбон, терговчи, соқчи.

Дам урарга топмади ҳад кимса то ушшоқ учун,
Шаҳна айлаб фамзасин, кирпикни жаллод айлади (Навоий)

Шаҳристон – шаҳар қўргони, қўргон.

...Кайқубод отлиғ подшоҳлиқдин қолған бир эски шаҳристон бор эрди. (“Зарбулмасал”)

Шаҳроҳ – катта йўл, кенг йўл.

Ишқ **шаҳроҳига** кирмакни хаёл этмак била,
Оллима юз водийи ҳайрат келурни билмадим (Навоий)

Шаҳсувор, шаҳсавор, шоҳсувор – 1. Чавандоз, ҳашаматли сувори. Мажозан: маҳбуба, севгили, ёр.

Фифонким, гардиши даврон айирди **шаҳсуворимдин**,
Фамим чўх, эй кўнгул, сен бехабарсан оху зоримдин (Нодира)

Шева – 1.Одат, расм, таомул. 2.Диалект, лаҗжа. Бирор жойда яшайдиган ахоли тилининг адабий тилдан фарқ этадиган фонетик ва морфологик ҳамда лексик хусусиятлари. 3.Ноз, ишва. 4.Хунар, камол, фазилат. 5.Тартиб ва қоида. 6.Маърака, иш. 7.Услуб. ...хомуш таом емак озода мардум шевасидан эрмас (“Зарбулмасал”)

Паришон соchlари гул япрғинда,
Туман минг шевалар ҳар боқмоғинда (“Гул ва Наврӯз”)

Ким, эй кўп шевалик мурғи сухансоз,
Мукаррар неча қилғайсен сен овоз? (“Гул ва Наврӯз”)

Курилди мажлису эврулди бода,
Танаъум шеваси келди ародা (“Гул ва Наврӯз”)

Муайян айлагил равшан замире,
Рисолат шевасида беназире (“Фарҳод ва Ширин”)

Шеван – нолаю зор, мусибат вақтидаги нола, фифон.
Куёш Суқроти чун ер қилди маскан,
Кеча Луқмони бунёд этти шеван (“Фарҳод ва Ширин”)

Шеркуш – шер ўлдирувчи, баҳодир.
Аданда йўқ эди бу шеркуши шаст,
На бу мардоналик, бу шасту бу даст (“Гул ва Наврӯз”)

Шери гаррон – пишқирадиган шер, маст шер, ўрмон шери.
Тарид этган била кўргузди жавлон,
Тебинди “хув” этиб чун шери гаррон (“Гул ва Наврӯз”)

Шигарф – 1.Ажойиб, гўзал, ноёб. 2.Улуғ, катта, кучли.
Сўздур бу жаҳон аҳли аро қулзуми жарф,
Покиза маони ангадур дурри шигарф (Оғаҳий)

Шигоф, шикоф – ёриқ, дарз, чок, йиртиқ.
Кўнгул шигофига коғаз аро эрур марҳам,
Ғамим сўрарга ракам қилса дилситон коғаз (Навоий)

Шиёр – шудгор. Ерни омоч билан ҳайдаб юмшатиш. Мажозан:
жароҳатламоқ.

Күксинки уруб фигор қилди,
Тирноғи била шиёр қилди (“Лайли ва Мажнун”)

Шикамсер — қорни түқ, бадавлат, бой.
Сүзни меодини билмас **шикамсер**, дил бутун мардум,
Тегар ўқ ҳар қаёндин ушбу мискин дил яро сўзлар (Самар Бону)

Шиканж — азоб, мاشаққат.
Чарх ранжинму дейин, даҳр **шиканжинму** дейин,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин? (Навоий)

Шиканжа — қийноқ, азоб-машаққат.
Ажал сарпанжасидек тўрт панжа,
Берурдек етти гардунга **шиканжа** (“Фарҳод ва Ширин”)

Шикасталик — синиқлик, қийналғанлик, бечораҳоллик.
Дебким “Недур, эй сипеҳри золим,
Солмоқ бу **шикасталикка** ҳолим?” (“Лайли ва Мажнун”)

Шиква — шикоят, зорланиш, ёмонлаш, арз-дод қилиш.
Шиквалар айлаб туз ичкон ерларингизни мудом,
Ё магар поси намак тутмоғлиқ осон бўлдиму? (Муқимиий)

Айния тун узоқлиғидин ва кеча қоронгилиғидин хонақоҳ ичида овози ҳазин бирла **шиква** қилур эрди (“Зарбулмасал”)

Шикеб — сабр, чидам, таҳаммул, тўзим.
Кўзум ёшики емрулди **шикебу** сабр уйи андин,
Зиёнлар санга, эй Бобур, бу янглиғ билмадим сувдин.

Шикоф — Қаранг “Шигоф”. Ёриқ, дарз, чок, йиртиқ.
Шикор — ов, ўқ-ёй, тузоқ ёки ўт очар қуроллар билан ҳайвон овлаш, қуш тутиш.

Айламак ҳар сори оҳулар **шикор** истар кўнгул,
Кабк рафторин кўрарга кўҳсор истар кўнгул (Фурқат)

Шингарф — 1. Қизил бўёқ, қизил ранг. 2. Қизил рангли декоратив тош.

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию **шингарфи** улус қонидин (“Ҳайрат ул-аброр”)

Шиноварлик - /сувда/ сузишлик.

Зангпушт... **шиноварлик** бирла муддао истидъосининг соҳилиға ўзини олди (“Зарбулмасал”)

Шио – ёлқин, нур.

...юзинг **шиои** тийра кўринур (“Зарбулмасал”)

Шир – сут.

Тилар эрди Ширин қилса тадбир,
Ки эмгаксиз бу ерга келса теб **шир** (“Хисрав ва Ширин”)

Ширдоғ – ёзги енгил устки кийим, яктақ; аёлларнинг ёзги кўйлаги.

Мехриға кўкта шафақ хўб эрмас, андоқким манга,
Мовий терлик узра ул ойнинг қизил **ширдоғи** хўб (Навоий)

Ширин – 1.Ислам, атоқли от. 2.Суюкли. 3.Бу сут, сутли. 4.Тотли.

Ким ул қарши бўлуб **Ширинга** зиндан,
Туарар эрди бўлуб кўнгли паришон (“Хусрав ва Ширин”)

Шитобон – шошувчи, шошилувчи, илдам юрувчи, тезкор.

Бу янглиф йўл кесар эрди **шитобон**,
Дам урмай қатъ этар эрди биёбон (“Фарҳод ва Ширин”)

Шитойи – қишки, қишига хос, қишлиқ.

Яна бир қасрни айлаб **шитойи**,
Тўшаб кофургун жинси хитойи (“Фарҳод ва Ширин”)

Шиговуллар – дастурхон безатувчилар, дастурхонга хизмат қилувчилар.

Шиговуллар кўйиб эъзоз бирла,
Оғирси қилди иззу ноз бирла (“Гул ва Наврўз”)

Шиҳоб – 1.Ўт, олов, ёлқин. 2.Ҳавода кўринадиган шуъла.
3.Учар юлдуз.

Шуъла узра шуъла оҳимдин борур гардун сари,
Ўйлаким, кўқдин нузул айлар **шиҳоб** узра **шиҳоб** (Мунис)

Бўлуб ҳар поядин заркаш таноби,

Фалак қутрини қатъ этган **шиҳоби** (“Фарҳод ва Ширин”)

Шоб – ёш, навқирон; Шайху шоб – кексаю ёш, ёш – қари,
Ўзина бўлуб муборак бу китоб,
Доим олсун нафъ мундин шайху **шоб** (Сайфи Саройи)

Шобош – асли: шоҳ бўл, мазмуни: яша, қойил, қандингни ур!
Чекиб гардунга тўрт андоқ бино бош,
Ки гардун деб анга ҳар лаҳза: **шобош!** (“Фарҳод ва Ширин”)

Шоист, шойист – муносиб, мувофиқ, лойик, арзирли.
Неким шаҳлиг аро **шойист** бўлгай,
Ким ул шаҳларға дарбойист бўлгай (“Фарҳод ва Ширин”)

Шоиста – муносиб, мувофиқ, лойик, арзирли.
Кеча- кундуз тинмайин жон қийнадим дунё учун,
Хизмати **шоиста** ҳаргиз қилмадим Мавло учун (Фурқат)

Шом – 1.Оқшом, тун, кечаси, кеч. 2.Мамлакатнинг номи.
Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳу **шом**,
Чиқса бир ердин бир ис, ҳозир хабардор авлиё (Муқимиј)

Шона – Тароқ. Соч тараладиган асбоб. Щоналар айлаб – тараф.
Кокилларингни **шоналар** айлаб Муқимијни,
Қилмак бу шева бирла паришон қачонғача?

Шояд – зора, эҳтимол, кошки.
Арзимни айтай боди сабоға,
Шояд гапургай ул гулқабоға (Муқимиј)

Шоҳид – 1. Гувоҳ. Бирор воқеа юз берган пайтда ҳозир бўлган
киши. 2. Ёр, севикли киши. 3. Келин, қаллиф.
Ушбу сўзлар, Муқим, эмас ёлғон,
Қўни қўшниси **шоҳиду** бурҳон (“Тўй”)

Шоҳин – ов қуши, қарчиғай.
Сайд этар бир дамда олам аҳлини мурғи дилин,
Қошлирин **шоҳин** этиб, кўзларни шаҳбоз айлагач (Навоий)

Шоҳроҳ – катта кенг йўл, қаранг: “**Шаҳроҳ**”.
Ушбу маҳалла бирла қалъага фосила ушбу хандақтур ва
ёқаси доғи **шоҳроҳтүр** (“Бобурнома”)

Шуаро – /Бирлиги - шоир/ шоирлар, шеър ва достонлар ижодкорлари.

Ютубон бу замонда қон **шуаро**,

Назм этар гавҳари фифон **шуаро** (Мунис)

Шубон – Чўпон. Қўй-қўзи, эчки ва қорамол сингари чорваларни боқиб қарайдиган киши.

Бўлди раият галаву, сен – **шубон**,

Ул шажари мусмиру, сен – боғбон (“Ҳайрат ул-аброр”)

Шужоъ – шижоатли, баҳодир, ботир, довюрак.

...муборизони **шужоъ** ва олоти амал этиб... (“Зарбулмасал”)

Шукуфу – гул, чечак, гунча.

...дард боги фунчаси ва бало чамани **шукуфаси**...адам шабистонидин вужуд гулшанига келгонини...сайрамоқ
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Шукуфта – очилган, гуллаган. Фунчаси бўлди **шукуфта** – фунчаси очилди, дейишдан мақсад: Гулнинг шодликдан сўзлай бошлаганига ишорадир.

Эшитиб Гул бу сўзларни нуҳуфта,

Ҳамул дам фунчаси бўлди **шукуфта** (“Гул ва Наврӯз”)

Шумора – 1. Саноқ, ҳисоб. 2. Мажозан: қасос олмоқ.

Жаврингни торта-торта дарду ғамимдур андоқ,

Ким йўқ бу бирга фоят, ул бирга йўқ **шумора** (Мунис)

Иш ҳисобин **шумора** қилғунгдур,

Қатлу кинимфа чора қилғунгдур (“Сабъаи сайёр”)

Шунқор – 1. Ов қушининг бир хили. 2. Ҳалокат, ўлим.

Жойи шаҳбозлари қарғаву қузғун дутди,

Ҳамнишин ўлғали **шунқор** ила доим япалоқ (Турди)

Ушбу тарихда душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх Мирзо жардин кабутар ва кабутархона бирла учуб **шунқор** бўлди (“Бобурнома”)

Шуо – нур, ёруғлик, чироқ, қуёш, ойдан чиқадиган ёруғлик.

Йүқ аммо лампа янглиғ анда соя,
Шуойи бօғ аро айлар кифоя (Фурқат)

Шуруъ – Киришмоқ, бошламоқ.
Шуруъ этмаклиги имкон эмастур,
Хирад оллинда бу пинҳон эмастур (“Фарҳод ва Ширин”)

Шуур – Онг, идрок.
Шуур анворидин ҳолимға партав,
Менга ул кун йўлиқса эрди Хисрав... (“Фарҳод ва Ширин”)

Шуълазан – Шуълаланувчи, алангалаанувчи.
Жоним ичра оташи меҳринг бўлубдур **шуълазан**,
Кўргузуб бир меҳр, эй номеҳрибон, келмасмусан? (Мунис)

Шукқа – Байроқ ёғочининг учига боғланадиган парча латта
ёки янги ой шакли.

Тугиб чин-бачин қўлда печон каманд,
Осиб хўдидин **шукқа** чиний паранд (“Фарҳод ва Ширин”)

Шуг – машғуллик, шугулланиш; иш, машғулот.
Хазин Фарҳод **шуглини** айла ширина,
Ки тобқайсен нигоре ўйла Ширин (“Фарҳод ва Ширин”)

Деди: “Олимда бўл **шуглинига** машғул,
Ки бу санъат эрур кўнглумга мақбул” (“Фарҳод ва Ширин”)

Шухра – шуҳрат. Оғизга тушмоқ, кўпчилик орасидаги овоза.
Шуҳрай офоқ – оламда машҳур бўлиш, оламга танилиш.
Ҳуснунгки сенинг, **шухрай** офоқ ўлди,
Жон бирла кўнгул васлингта муштоқ ўлди (Бобур)

Шур – 1.Фавғо, тўполон, фитна. 2.Маънавий шавқ, ақлий
эҳтирос, илҳом, фикрий қўзғалиш. 3.Тузли, сертуз. 4.Бахтсиз.
5.Тошқин.

Фитнаю **шур** ҳама рубъ ила маскун дутди,
Хўблар маснадини сифла била дун дутди (Турди)

Хотиримға Хисравийдин ҳар замон **шуре** етиб,
Банда давроннинг бори ширина каломидур менга (Мунис)

Жудолиғ дардидин ҳижрон тунида,
Сиришким шүри түфөндөн қолишмас (Машраб)

Шүра замин – Шүр ер, шүрли ер. Ер юзига тузлар ёйилиб кетган жойлар.

Сабр билан хор гулистон бўлур,

Шўра замин боғ ила бўстон бўлур (“Зарбулмасал”)

Шўрангез – 1.Паришон бўлувчи. 2.Паришон қилувчи, фитна уйғотувчи.

Бу андоқ тун аро шабхез булбул,

Шабистон узра **шўрангез** булбул (“Фарҳод ва Ширин”)

Шўридаsarлик – Паришонҳоллик, боши қотиб қолганлик, гангираш.

Э

Эв – Уй, хона. Кишилар яшайдиган макон: тураржой ва ёткоҳона. **Эвдим** – тушдим, юрдим.

Отоси йигла – йиглай эвга ёнди,

Ўгул ўйнай – кула йўлғо узонди (“Гул ва Наврӯз”)

Эвурмоқ – ўгирмоқ, бурмоқ, қайтмоқ.

Таҳаммул қилди, солмади ўзини,

Ҳамул йўлдин эвурмади юзини (“Гул ва Наврӯз”)

Эд – 1.Этмоқ, қилмоқ. 2.Ҳид, ис.

Истадим бир чора йўқ, елдим – югурдим ҳар янго,

Раҳм эдуб бир кимса имдод этмади мутлақ манго (Фузулий)

Қилди тулоб эди асар бурнина,

Келди равон сесканиб ул ўзина (“Юсуф ва Зулайхо”)

Эёрмоқ – юбормоқ, жўнатмоқ.

Неким яхши тобуқчи тушса, ногоҳ,

Эёр эрди бурун бутхонаға шоҳ (“Гул ва Наврӯз”)

Эзгу – Яхши, гўзал, хушбичим.

Билишур эрдим онинг бирла ошну,
Билур ул ҳандаса илмини эзгу (“Хисрав ва Ширин”)

Эзид – Оллоҳ, Тангри, Худо.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси Эзид таоло сунъ наққошиндадур (Навоий)

Эйла – Шундай, бундай, ана шундай.

Элдан элга келди бизга мамлакат,
Эйла ҳам кеткай келиб, элдан равон (Сайфи Саройи)

Эл – 1.Халқ, аҳоли, улус. 2.Қўл, инсоннинг аъзо узви.
3.Ўрганган, қўнилган. 4.Ёт, бегона, ўзга.

Девона бикин тишлаб эмас югра югурда,
Жон пора қилур ҳолда элимга ёқа келди. (Саккокий)

Ўз диёринда фариб элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёринда фариб ўлмоғлигим эрмас фариб (Навоий)

Ўтти эл бўлмоқтин ул ёш, мен қарифум ишқида,
Ўлганим яхши бу нав гар ўтса элликтин ёшим (Бобур)

Эм – Даво, дори.

Эмгак – 1.Машаққат, меҳнат, заҳмат. 2.Эмаклаш, оёққа турмаган гўдакнинг ердаги ҳаракат усули.

Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу тараҳхум била қилдим хитоб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Қадам урдию тарки маҳд қилди,

Қўюб эмгак, юуруга жаҳд қилди (“Фарҳод ва Ширин”)

Эмгандмоқ – Машаққат тортмоқ, азоб чекмоқ, қийналмоқ.
Менинг учун не эмгандинг, не кўрдунг,
Не битмай қолған ишимни бутирудунг? (“Гул ва Наврӯз”)

Эмин – Тинч, хавфсиз, омонда, муҳофазада.

Кўрди сандек шаҳи одилни на инсу на малак,
Арранинг зулмидин эмин ҳама бофу чакалак (Муқимиј)

Эмон – Эмасман.

Ул ёр ҳазратинда бисёр яхшидур файр,
Мен ҳам ёмон эмон, лек яхши эмон анингдек (Бобур)

Эмсиз – иложсиз, давосиз, чорасиз, тузалмайдиган.
Хузурим йўқ, эрур вақтим мушавваш,
Бу **эмсиз** дард этар вақтимни нохуш (“Гул ва Наврўз”)

Энг – Ёнок, бет.
Энгу менгу ою доғи, юзу сўзи гулу мул,
Қади равону тани жону ирни маржондур (Бобур)

Энглик – пардоз учун юзга суриладиган қизил элик. Яъни бетга тегишли.

Мардлар майдон чекиб, рангин кўтариб захмлар,
Сизга йўқ ул жавҳару юзга упа **энглик** қилинг (Турди)

Эрам – Афсонавий гўзал боғ. Эмиш уни ер юзида жаннат бино қиласман деб қасд қилган Намруд шоҳ ясатган экан.

Адан худ қиши куни ишрат еридур,
Эрам янглиғ парилар кишваридур (“Гул ва Наврўз”)

Эран – мард, эр, эркак. **Эранлик** – мардлик.
Эранлардин ўзни тутар, гарчи бор,
Ўкуш зебу зийнат била мода шайх (Навоий)

Эрдам – Ҳунар, қасб.
Не турди бир нафас, не урди бир дам,
Тамом ўрганди, билди барча **эрдам** (“Гул ва Наврўз”)

Эрикмоқ – зерикмоқ, сиқилмоқ, безмоқ.
Эрикса ову қуш бирла овунур,
Туганмас ғамда куч бирла севунур (“Гул ва Наврўз”)

Эркин – экан.
Васл гулзори аро эл маству ҳижрон даштида,
Қолмади **эркин** тиканким, бағрима санчилмади (Навоий)

Эрман – эман дарахти.
Эрман ёғочининг эгилгани – сингани (“Зарбулмасал”)

Эри — лаб, дудоғ.

Элни сероб айлади ишрат зулоли шоми айш,
Файри күз селобидин **эрним** мени нам бўлмади (Навоий)

Эртоги — 1.Аввалги, эски, қадимий. 2.Жиззаки.

Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,
Эртоги нозук мизожи бадгумоним сен менинг

Эсурмоқ — яйрамоқ, кайф қилмоқ, вақтини чоғ этмоқ, масти бўлмоқ.

Неча фироқ хумори аро азоб чекай,
Қачон висол майдидин даме **эсургаймен?** (Бобур)

Эълом — эълон, хабардор қилиш, билдириш, маълум қилиш.

Гар бу янглиғ эмас дурур санга ком,
Они ҳам ботроқ айлағил **эълом** (“Сабъаи сайёр”)

Эътидол — 1.Мўътадиллик, ўрта даража, нормал /на иссиқ на совуқ, на ҳўл на қуруқ, на кўп ва на оз/. 2.Тенглиқ, баробарлик, мувозанат, мутаносиблиқ. 3.Тўғрилик, адолат.

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,
Асра анинг ҳурматида **эътидол** (“Ҳайрат ул-аброр”)

Ул чоғда ҳаво **эътидоли ўтиб**, қиши замҳарири ёвуқ эди
("Зарбулмасал")

Эътимод — ишонч, ишончли.

Фарёдки, деярга ишқ розин,
Бир кишини **эътимод** топмон (Бобур)

Эътисоб — ўзлаштиromoқ, билиб олмоқ, ўрганмоқ.

Учинчи Русия қонун илми,
Ўқурлар ихтиому **эътисоми** (Фурқат)

Эчку — эчки.

Эчкунинг оти Абдукарим бўлурга сўз керак ("Зарбулмасал")

Эюрмоқ — ўтиromoқ, айлантиromoқ, тескари қилмоқ.

Юз **эюргач** қамуқ бутлардин ул пир,
Хамул дам қибласини қилди тафйир ("Гул ва Наврӯз")

Эя, ия — эга, соҳиб, хўжайин. Мажозан: Худо, Тангри.

Они бир тахт эяси хон атарлар,
Бир иқлим устида султон атарлар (“Гул ва Наврӯз”)

Әярлатмоқ — эгарлатмоқ, отни жабдуқлмоқ. Миниш учун от аbzалларини ўрин-ўрнига қўйиб чиқмоқ.

Тек ўлтурғач ҳавое қилди Наврӯз,
Әярлатти отин бо дарди пурсўз (“Гул ва Наврӯз”)

Әхмол — сустлик, сусткашлик.

Будурким ёздим аҳволин аларнинг,
Нечук кўргузган **әхмолин** аларнинг (Фурқат)

Әҳсон — хайр-саҳоват, ҳадя, инъом, садақа.

Бўлгай хиромон боқмай шитобон,
Қилмасму **әҳсон** султон гадоға (Муқимиј)

Әҳтимом — қизиқиш, берилиш, қаттиқ мойиллик, ғайрат, ҳомийлик.

Ки таҳсили улуму фан қилурға
Кўп ўлса: шод саъю **әҳтимоми** (Фурқат)

Әҳтироz — сақланиш, эҳтиёт бўлмоқ, парҳез қилмоқ, ёмон кўрмоқ; ёқтираслиқ, хуш кўрмаслиқ.

Бойёғли халқи сувдин **әҳтироz** этарлар (“Зарбулмасал”)

Әҳтисоб — таҳқиқлаш, назорат қилмоқ, текширмоқ, текстур қилмоқ.

Сизга кимайди: Муҳаббат аҳлини қил **әҳтисоб**?
Қўрқутиб, ўз айбига иқор қилмоқ шунчалар (Муқимиј)

Әҳтишом — ҳашаматли нарсалар, ҳашамат асбоб-ускуналари.

...бу гулистон саҳнида хоқони Чин маснади **әҳтишомин** ёймоқ... (“Фарҳод ва Ширин”)

Ю

Юб — ювиб.

Алар **юб** ашқ суйидин танини,
Ҳамул масканда айлаб мадғанини (“Фарҳод ва Ширин”)

Юдамоқ – 1. Толмоқ, ҳолсизланмоқ. 2. Ночорлиқда қолмоқ, ноиложлик.

Агарчи ранжу меҳнатдин **юодинг**,
Яратқон оқибат бергай муродинг (“Гул ва Наврӯз”)

Юз – 1. Чора, илож, тадбир. 2. Ўзбек уруғларидан бирининг номи. 3. Саноқ сон: 100. 4. Чехра, бет, афт. 5. Баҳодир, паҳлавон. 6. Томон. 7. Важ, сабаб, боис. 8. Сиртлон – ҳайвон.

Ки чу иш тушса бошима ёлғуз,
Ўзга янглиф топай салоҳифа **юз** (“Сабъаи сайёр”)

Бирни қипчоку хитою бирни **юз**, найман деманг,
Қирқу юз минғ сон бўлуб бир хон ойинлик қилинг (Турди)

Жамолу жоҳ элидин **юз** фароғатим бордур,
Ўрамунг ити манга ошно керак бўлса (Лутфий)

Бошингта тушса меҳнат шоми жовид,
Юз очиб зоҳир этсам эрди хуршид (“Фарҳод ва Ширин”)

Йўқ ҳунари ёлғуз эса **юз** киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши?! (“Ҳайрат ул-аброр”)

Фаразким бу сўз фаҳмини қилмадим,
Не **юздин** они ўлғонин билмадим (Хиромий)

Адув ваҳшиларини сайд этарға,
Ўқу тифинг уқобу **юз** бўлсун (Огаҳий)

Юзар – юзлаб, юзларча.

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, **юзар** Каъба бузулмазму? (Машраб)

Юмрук – мушт. Бармоқларнинг кафтга туғилгани.

Юмрук букулуб санг бўлмас... (“Зарбулмасал”)

Юмурта – тухум.

Ҳама ўйнаб олиб қўлга **юмурта**,
Менинг илғмда йўқтур хоя наврӯз (Огаҳий)

Ютмоқ — ишонмоқ, учмоқ.

Арбоби ҳасад сүзига юттунг ўшар,
Бегоналик атворини туттунг ўшар (Бобур)

Я

Явмұл жазо — айнан: жазо куни, қиёмат куни: ер юзида ҳаёт тугаб, ҳамма қайтадан тириладиган кун.

Холимни айтсам, ёрим инонмас,
Эмди құюбмен **явмұл жазога** (Х.)

...то **явмұл жазогача** сендин номи нек қолуп эрди (“Зарбулмасал”)

Яёқ — яёв, пиёда. Кишининг уловда эмас, ўз оёғи билан йўл босиши.

Тушуб маркабларидин барча ноком,
Яёқ ул фор сори урдилар гом (“Фарҳод ва Ширин”)

Яздоний — Худога тегишли, Тангрига хос, Оллоҳона.

Ёзіб ул нома ичра пинҳоний:
“Ки бу бўлмиш қазойи **Яздоний**”... (“Сабъаи сайёр”)

Яка — отнинг бир нави.

“Яна от анвойидаки, тубучоқ ва аргумоқ ва яка ва ёбу ва тоту йўсунлуқ — борин туркча-ўқ айтурлар” (“М Л”)

Якбора — бирданига, бирваракайига.

Отани ганжи баски **якбора**
Кетди қўлдин бир олгон, амаким (Махмур)

Якжирма — айнан: бир бутун идиш, бир бутун жисм. Яъни мустаҳкам, пишиқ, қаттиқ.

Бугун пўлод найзамни **якжирма** қалқонингта озмойиш қиласай дерман (“Зарбулмасал”)

Яко-яқ — бирма-бир, бир бошдан, битталаб.

Неким кўрганни келганлар **яко-яқ**,
Туруб арз эттилар бешубҳау шак (“Фарҳод ва Ширин”)

Якранг – айнан: бир рангли, бир хил, бирдай. Мажозан: бир тиллилик, бир сұзли, сұзи устидан чиқа оладиган.

Хар ерда ёттан хору хас

Күзга тикан якранг экан (“Саёхатнома”)

Якруй – бир юз, яни бирдай, бир хил; нифоқсиз, беғараз, риесиз; соғ күнгил, бир күз билан күрадиган.

Қатың этиб Бобир боридин чун санға келтурди юз,
Бок эмас якруй бұлса жумлаи олам била.

Яксар – бир бощдан, бирақай, бутунлай.

Тутуб гавҳарлари яксар жағонни,
Нечукки хайли ахтар осмонни (“Фарҳод ва Ширин”)

Якто – якка, тенгсиз, ягона, нодир. Дурри якто – ұхшашы йүқ жавоқыр, әңг тоза гавҳар.

Киши үзлүкни құймай они топмас,

Тенгиз кесмай дури яктоны топмас (“Фарҳод ва Ширин”)

Якфан – үз фанида ягона, моқыр, үз ихтисоси устаси.

Бу фанларда булар бир-бирдан ақсан,

Юз ул фанлық аро ҳар қайси якфан (“Фарҳод ва Ширин”)

Якқалам, якқалама – бир ҳукмрон құл остидаги, бир шоҳға қараашли. Ялписига үз ҳукми остига олмоқ.

...назм кишвари саводин якқалама қилиб әрди...

(“Фарҳод ва Ширин”)

Ялдо – 1. Қишининг әңг қоронғи ва әңг узун кечаси. 2. “Гул ва Наврұз” достонидаги салбий перонажнинг номи.

Ялдо кечаси бұлғали ёрим била ҳамғап,

Бир ғамзага торож этибон дин ила мазҳаб (Машраб).

Аларни банд этиб бераҳым Ялдо,

Юборди банда деб, хоқон қотиндо (“Гул ва Наврұз”)

Янги – ҳозиргина, шу заҳоти, шу лаҳзада.

Бир оғиз әмдій олдилар янги,

Чиқди лаппак табақ уза чантги (“Түй”)

Янглиғ – каби, сингари. Бу янглиғ – бундай.

Улки бу янглиғ сүзи мавзун эди,
Мендан анинг ҳиммати афзун эди (“Ҳайрат ул-аброр”)

Янго – ёнга, томонга, тарафга.

Истадим бир чора йўқ, елдим-югурдим ҳар **янго**,
Раҳм эдуб бир кимса имдод этмади мутлақ манго (**Фузулий**)

Янгок – ёноқ, юзнинг лўппи қисми.

Қаро менг ол **янгокингта** ярошур,
Бошим дойим адоқингқа ярошур (“Муҳаббатнома”)

Яшалоқ – укки. Бойўғилилар оиласига мансуб қуш.

Жойи шаҳбозлари қарғаву кузғун дутди,
Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим **яшалоқ** (Турди)

Яримжонлик – нимжон, заиф, хаста, бемадор.

Дард ила ҳажр қилғач арслонлик,
Муш ўлибмен, vale **яримжонлик** (“Сабъаи сайёр”)

Ярмоғ, ёрмоқ – маблағ, пул.

Чу сўз топти ниҳоят, тўқти **ярмоғ**,
Тааммулсиз нечукким тошу туфроф (“Фарҳод ва Ширина”)

Яроли – яраймиз.

Ярамасоқ сенга, кимга **яроли**?
Сени мундоқ солиб, қайдা бороли? (“Гул ва Наврӯз”)

Ясол – ҳарбий саф, ҳарбий қатор, саф тортган лашкар.

Ато ул навъ кўргач ўғли ҳолин,
Юруди кейнича тортиб **ясолин** (“Фарҳод ва Ширина”)

Ясоқ – 1. Улим жазоси, қатл. 2. Безаниш, безак.

Бу фурсатта Дарвеш Гов отлиқ Андижоннинг арбобидин номуносиб сўз айтқон учун **ясоқка** етди (“Бобурнома”)

Тажаммуллар била борин тузатти,

Ясоқин тўнқолин ерин тузатти (“Гул ва Наврӯз”)

Яъс – маъюслик, умидсизлик, қайфу.

Орзулар тухмидин **яъсу** надомат қилди гул,
Бўлмади, афсус, ҳосил муддаолардин бири (Муқимий)

Яшм – яшил тусли қимматбаҳо тош.

Булурү **яшм** юз минг булажаб зарф,

Ки ҳар бирга хирожи мулк ўлуб сарф (“Фарҳод ва Ширин”)

Яқин – 1.Аниқ. 2.Масофа яқынлиги /зидди: узок/. 3. Жазм, муқаррар.

Дину дунёғадур зиёни **яқин**,

Иштиғолида йўқ камоли суд (Мунис)

Яқо – бир чекка, овлоқ.

Ағолар **яқога** қилиб маслаҳат,

Дедилар: “На ишдур кунун хайрият” (Хиромий)

Яғмо – 1.Талон-торож, забт, бузғунлик. 2.Олиб кетмоқ. 3.Туркистондаги бир жойнинг номи бўлуб, у ернинг қизлари гўзалликда шуҳрат топгандир.

Бўтаси бориб эди орқосидин,

Ёнди ҳароратлар **яғмосидин** (“Зарбулмасал”)

Яғоч – 1.Яғоч, қуриган ёки кесилган дараҳт. 2.Дараҳт. 3.Калтак, дарра.

Бир куни Нажжори хирадманди фард,

Кўнгли **яғоч** йўқлиғидин қилди дард (“Зарбулмасал”)

Ў

Ўбчинлиқ – зирҳли, совут кийинган. Қилич, найза ва камон ўқи яралай олмайдиган зирҳли.

Эшик очилғоч-ўқ бўлди садо йўқ,

Ул **ўбчинлиқ** чиқиб келди чекиб ўқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Ўғди – мақтади, таъриф қилди.

Биликлиқ сўзи панд-насиҳат, адаб,

Биликлиқни **ўғди** Ажам ҳам Араб (“Ҳибат ул-ҳақойиқ”)

Ўд – ўт, олов. **Ўдлора** – ўтларга.

Интиҳосиз жаврлар **ўдлора** ёндириди мани,

Ожи сўзлар тотлу жонимдан ўсондурди мани (Фузулий)

Ўйла – ундей.

Бор эмиш гүиё анга бир қиз,
Одами ўйла күрмаган ҳаргиз (“Сабъай сайёр”)

Үкмоқ – 1.Мақтамоқ, улуғламоқ, васф этмоқ. 2.Түпламоқ, уймоқ, уюм ясамоқ.

Ўка бошлади шаҳаншаҳи Савсан,
Гули Мушкин борур эрди ўзиндан (“Гул ва Наврӯз”)

Ўкуб ҳар сори қулла-қулла хоро,
Қилибон пора-пора bemадоро (“Фарҳод ва Ширин”)

Ўксуқ – 1.Оз, кам. “Ортиқ” сўзининг зидди. 2.Ўкинган, мунгли, муштипар. Ўксут - камайтири.

Дедилар: панд ила тавсанлигин элнинг ўксут,
Ким деди тепкилу минбарни ушот, эй воиз? (Навоий)

Ўкуш – роса кўп, беҳад. Беҳад.

Эранлардин ўзни тутар гарчи бор -
Ўкуш зебу зийнат била мода шайх (Навоий)

Ўл – 1.Бўл. 2.Ҳўл, нам.

Жаҳонда истар эрсанг сарбаландлиғ – паст ўл,
Топар боши ошоқ ўлғон сойи зулол камол (Комил Хоразмий)

Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадоға имтиёз,
Ўт аро тенгдур қуруқ ё ўл ёғочнинг ҳирқати (Навоий)

Ўлан – 1.Майса, кўкат. 2.Бўлган, бор, ҳозир киши.
3.Лапарсимон икки киши бир-бирига савол-жавоб тарзида айтадиган қўшиқ.

Эй ҳозир ўланлар, англагучи бўлинглар, мен маҳр солай...

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландин сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландин сўр (Фузулий)

Ўлди – бўлди.

Қалъаи Балҳ ўлди чу дарвозабанд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд (“Юсуф ва Зулайҳо”)

Ўнг – 1.Кулоқ. 2.Ўзга, бошқа, бегона, ёт.

**Гули мискин яна ўт устунинда,
Кўзи элда, ўнги Булбул унинда (“Гул ва Наврӯз”)**

**Ҳамиша сут эди онинг физоси,
Тиламаз эрди андин ўнг егоси (“Хисрав ва Ширин”)**

Ўнгуруп – устки кийимнинг этакларининг уч қисмлари.
Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнга кириб,
Бир ўнгурлик, бир тиризлик, бир яқо, енглик қилинг (Турди)

Ўпчин – Совут, зирҳ. Ўрта аср ҳарбий қуролларидан тани
сақладиган ялпи метал ёки тўр шаклида металдан тўқилган
кийим. Қаранг: “Ўбчинлиқ”

Ва лекин ушбу пайкар пой то фарқ,
Бўлуб ўтдек темур ўпчин аро гарқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Ўрам – Даргоҳ, хонадон.

Жамолу жоҳ элидин юз фарогатим бордур,
Ўрамунг ити манга ошно керак бўлса (Лутфий)

Ўсонмоқ – 1. Безмоқ, ҳолдан тоймоқ, зерикмоқ. 2. Пушаймон
бўлмоқ.

Интиҳосиз жаврлар ўдлора ёндириди мани,
Ожи сўзлар тотлу жонимдан ўсондурди мани (Фузулий)

...алар бу келмақдин ўсондилар. (“Бобурнома”)

Ўт – 1. Кеч! Воз кеч! 2. Кечиб ўтгин. 3. Олов. 4. Ўтгин.

Ўт вужудингдин, тиларсен гар висол,
Топмас ул давлат киши бўлмай адам (Мунис)

Ўтмакчи – Нонвой. Нон пишириб сотадиган киши.

Ўтмакчи танури андин қизик, аллоф бозори андин иссиқ
(“Маҳбуб ул-қулуб”)

Ўтонмоқ – 1. Безмоқ, безор бўлмоқ, кўнглига урмоқ.
2. Уялмоқ, хижолат тортмоқ.

Халқдан беҳуда афғоним ўтондирди мани,
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир (Фузулий)

Баҳром үтониб, майдонға кириб мубориз тилагани
("Гул ва Наврӯз")

Үтпрў – Юзма – юз, бетма – бет, қаршиисига.

Сенинг васлингдин айру тушгали борғон сори ортар,
Таҳассур орқадин, меҳнат ёнимдин, ҳажр – үтрудин (Бобур)

Үқ – -ёқ, -гина қўшимчалари, “айнан” ва “зоҳоти”
маъноларини ифодалайди.

Зоҳоти:

Етгач - үқ бўлди разму кин пардоз,
Қилдилар кин алар доги оғоз (“Сабъаи сайёр”)

Айнан:

Барча фазлу ҳунарда йўқ мисли,
Кўзгуга боқса ўзи үқ мисли (Навоий)

Ўғон – Худо, Тангри, Оллоҳ. Маънодошлари: Изи, Яздон...
Кўруб Наврӯзу Гул бу дарди дилни,
Юруттилар **Ўғон** шукрина тилни (“Гул ва Наврӯз”)

Ўғрамоқ – 1. Қайтмоқ, орқасига қайтмоқ, қайтиб келмоқ.
2. Ташлиланмоқ.

Эй биродар, сени дарёдан ўткаргали **Ўғрадим** (“Зарбулмасал”)

Ўз ройига қўйсанг они, бир дамда аждарҳо бўлуб,
Бошинг ютарға **Ўғрагай**, эркингни берма бой анго (Хувайдо)

K

Қабали – 1. Зўравонлик. 2. Келишувчилик. 3. Қабилавий.

Сўзидур бетагу фармони нишони жаали,
Мумсиқу сифлаву дундурки баоят **қабали** (Турди)

Қабақ – нишонга уриш машқида ишлатиладиган асбоб
/ёғоч ёки матодан/. Ёғочи – қабақ дастасидир. Яъни нишон
дастаси. Қабақ - ошқовоқ шаклида бўлади.

Гар эгридур ёғибон ўку боғланиб бўйни,
Бўлур **қабақ** йиғочидай беш – ўнча кунда нигун (Навоий)

Қабил – Йўсин; тарз, усул. Ушбу қабил – шу йўсинда.

Ушбу қабил халқ уч ойи тамом,
Ер эдилар фуссау ғам субҳу шом (“Юсуф ва Зулайхо”)

Қабо – Устки юпқа кийим. Гул қабо – гулдан кийинган гўзал.

Арзимни айтай боди сабоға,
Шояд гапургай ул гул қабоға (Муқимиий)

Қабола – Васиқа, пул – буюм ҳужжати.

“Бу фалон ернинг қаболаси туур, даги фалон тожир юз минг олтунға замон туур” (Сабъаи сайёр)

Қав – куюк пахта, қуруқлиқда ўсадиган қамиш. Ҳар қандай дарҳол ёнадиган нарса.

Ёқар бўлсанг даги бир кез кўнгулни,
Кўнгул оҳи сени қавтек ёқар бил (“Сабъаи сайёр”)

Қавий – кучли, бақувват, қудратли.

Эйки, қавий айлади давлат қўлинг,
Зулм сори тушди ва лекин йўлинг (“Ҳайрат ул-аброр”)

Қавл – 1.Аҳд, вазда, онт. 2.Гап, сўз.

Мухолиф сўз била, эй қавли норост,
Мени солдинг бу савдо ичра бехост (“Гул ва Наврӯз”)

Қавси қузаҳ – Ўқ-ёй, найкамалак.

Чекиб қавси қузаҳни бедарангি,
Анга боғлаб синон янглиғ ҳаданги (“Фарҳод ва Ширин”)

Қад – бўй, қомат. Киши жуссасининг тик узунлиги.

Ишқ йўлида Муқимийким, дема, эй булҳавас,
Шавқида бир сарв қад қумри наволардин бири.

Қадаҳгардон – Қадаҳ айлантириш, қадаҳ юритиш, қадаҳ узатиш.

Буюрди Гулки, соқийлар ўёнсун,
Қадаҳгардон бўлуб, ишрат улонсун (“Гул ва Наврӯз”)

Қадоқ – 1.Оғирлик ўлчови: 400 грам. 2.Кеманинг тахталари бириктирилган жойлари.

Қадоклар сачради ерлик-ериңдин,
Үзүлди тахталар бири-бириңдин (“Гул ва Наврӯз”)

Қайд – Банд, асирик, махбуслик, гирифторлик.
Булбули зорам, дагил бехуда аффон этдигим,
Қолмишам нолон қафас қайдында гулзор истарам (Фузулий)

Қазо – 1.Қисмат, тақдир. 2.Мажозан: Худо. 3.Қозилик.
Ёзиб ул нома ичра панхоний:
“Ки бу бүлмиш қазои Яздоний” (“Сабъаи сайёр”)

Қалам – 1.Тилинган. 2.Майдаланган. 3.Ёзув қуроли. 4.Сұз /
қалам сурмоқ – сұз юритмоқ/. 5.Қамиш.
Чопарда қуйругин айлаб алам ул,
Кулогидек аёғдин-бош қалам ул (“Фарҳод ва Шириң”)

Қалам васфида бир неча қалам сурмак... (“Фарҳод ва Шириң”)

Қалам бақалам – Сұзма – сұз, ҳарфма – ҳарф:
...балки қалам – бақалам нақл қылди... (“Фарҳод ва Шириң”)

Қаламзан – Айнан: қалам урувчи. Яъни ёзувчи, шоир, олим,
котиб.

Қаламзанга бұлуб сурмак қалам фан,
Ёнида корфармо ҳам қаламзан (“Фарҳод ва Шириң”)

Қалб – 1.Тескари, терс, ёлғон, сийқа. 2.Бадиий тасвирий
воситалардан бириңинг номи. Қалбда бирор сұз айтилиб,
шуны тескари ўқиши талаб қилинади ва күпинча зид маъно
юзага чиқаради. 3.Юрак. 4.Ёлғончи, алдамчи, қаллоб.

Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қюлмас (Гулханий)

Сирри ишқингни күнгүл күз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим (Навоий)

Қалил – оз, кам. Қалилу касир – озу күп.

Қалин – 1.Жуда. 2.Иноқ. 3.Күп, роса. 4.Қиз қалини.

Беклар ўлди ҳаромзадалари нософи,
Бемаҳосил, гала номард қалин наддофи (Турди)

Қалов – 1.Үчоқ ёки тандирда үт ёқишида қаланган ўтинин аланга олдириш учун остидан күйиладиган хас – хашак
2.Чора, илож, йўриқ.

Қаловин топса, қор ёнар, қаловин топмаса, қақшол ўтун ҳам ёнмас (“Зарбулмасал”)

Қамар – ой, тўлин ой.

Оразидин шамсуз қамардур хижил,

Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил (“Зарбулмасал”)

Қамуқ – ҳамма, барча, бутунлай, сидирға.

Латофат мулкида султонсен, эй жон,

Қамуқ бошдин-оёққа жонсен, эй жон (“Мұхаббатнома”)

Қанда – қаерда? Қайдада?

Таманно қылғали лаълингни күнглум,

Киши билмас ониким, қолди қанда? (Лутфий)

Қанжикрў – ургочи ит юзли, юзи мода итга ўхшайдиган:

Кўр парвоначидур, кўри саги қанжикрў,

Доддоҳи дўла мағзобаи бир машку сабў (Турди)

Қари – 1.Кекса. 2.Узунлик ва масофа ўлчови: 75см.

Дедилар: “Бир ярим қари бир қадам,

Ҳар қари билки, бордур олти тутам (Бобур)

Қариб – яқин. Узоқнинг зидди.

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,

Хамлиғидин тушса қироқ йўқ ажиб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Қарин - /кўплиги акрон, қурано/ яқин, яқинлашган; қалин дўст.

Деди шаҳзодани: “Келгил яқинроқ”,

Ўзига қилди ҳамрозу қаринроқ (“Фарҳод ва Ширин”)

Қариқиб – кўз олди қоронғи босиб, кўзи тиниб.

Ит олдимда жони рамоққа етиб,

Кўзим қариқиб ҳам мадорим кетиб (Хиромий)

Қарн - /кўплиги қурун/ 1.Ҳайвон шохи. 2.Аср, узоқ муддат. 3.

Қарн-бир авлод умри: 30 йил.

Агар юз қари узр ойин бүололи,

Нетиб бир кунчилик узринг әйноли (“Фарҳод ва Ширин”)

Қарор – тұхтам, тұхталмоқ; қарор топди – бориб тұхтади, тұхтаб қолди, етди.

Хор ўлди уламову фузало, аҳли виқор,

Күргенгизким, юрт иши топти на ерларга қарор (Турді)

Қароқ – күз қорачиғи.

Аннингтек сустайиб тушти аёқдин,

Ки ёш үринда қон сочди қароқдин (“Гул ва Наврӯз”)

Қарри таллон – беҳад қариган, ғоят кекса.

Ки гумон этма күриб афтим, сақолим йүқ учун,

Маллахондин қолған эски, қарри таллон күсамен (Мұқимий)

Қарша – 1.Сарой, қаср. 2.Қабр, гүр. 3.Шаҳар номи. 4.Рұпара. 5.Зид.

Ким ул қарши бұлуб Шириңга зиндон,

Туарар эрди бұлуб күнгли паришон (“Хисрав ва Шириң”)

Қат – 1.Олд, ҳузури, яқини, қоши. 2.Қават.

Жамолинг етти оламға сипаҳлар,

Қатингда ер үпарлар жумла шаҳлар (“Мұхаббатнома”)

Қатарот – қатралар, томчилар.

Ёштурун дардимадур ашқу әмас, нутқингнинг,

Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз (Навоий)

Қатла – марта, карра, бор, гал.

Нече қатла чу бұлди мундоқ ҳол,

Билдиким йүқ анга боқарға мажол (‘Фарҳод ва Шириң’)

Қатъ – 1.Кесмоқ. 2.Босиб ўтмоқ/йўл ёки масофани/. 3.Узмоқ.

Қатъ этиб Бобир боридин чун санга келтурди юз,

Бок әмас якруй бұлса жумлаи олам била (Бобур)

Лек бу йўл қатъида шарти талаб,

Билки тавозуъ била келмиш адаб (“Ҳайрат ул-аброр”)

Қатъи силаи раҳм ёмондур (“Зарбулмасал”)

Қатъо — қатъий, бутунлай, мутлақо.

Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг **қатъо**,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур сарв гаҳ-гаҳ хам (Навоий)

Қаю — қайси.

Қаю ишга қадам қўйсам, манга андин зиён бўлди,
Мани бетолеим, эй дўстлар, кўп имтиҳон бўлди. (Ҳувайдо)

Қақнус — афсонавий хушвоноз қуш. Гўё унинг тумшуғида уч юз олтмиш тешик бўлиб, уларнинг ҳар биридан бир навъ оҳангдаги мусиқий товуш чиқармиш. Мусиқа шундан пайдо бўлган эмиш.

Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳнидин онинг қақнус озор (“Фарҳод ва Ширин”)

Қаҳрабо — сап-сариқ тош, янтар. Қаранг:

Эй табиб, айланма, дардим бедаволардин бири,
Ранги зардим кўру кўрма, қаҳраболардин бири (Муқимий)

Қаҳҳор — 1.Қаҳрланувчи, аччиқланувчи. Мажозан: Худо, Оллоҳ, Тангри.

Тамуғ, учмоғ яратмиш ҳайи Жаббор,
Агар Ваҳҳоб эрур, **Қаҳҳор** ҳам бор (“Фарҳод ва Ширин”)

Қизил роҳ — қизил май.

Қизил роҳу яшил чини пиёла,
Нечукким сабза саҳни ичра лола (“Фарҳод ва Ширин”)

Қийр — мўм, қора мой.

Келиб оллиға дашти ўйлаким **қийр**,
Дегилким, қилди йўл азмиға шабғир (“Фарҳод ва Ширин”)

Қилмон — қилмайман. Қилмон ҳисоб — ҳисобламайман, инобатга олмайман.

Май устидаги хасча **қилмон** ҳисоб,
Агар сув уза солса сажжода шайх (Навоий)

Қилғому — қиласдими? Тамаъ қилғому — умид қиласдими?

Истойин не навъ жоним роҳатин мужгонидин,
Қилғому мажруҳ марҳам тийғи урёндин тамаъ?

(Комил Хоразмий)

Қипчоқ – ўзбек уругларидан бири.

Бирни қипчоқу хитою бирни юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлиб бир хон ойинлик қилинг (Турди)

Қирп, қайр – мўм, қорамой. Мажозан: қоронғилик, зулмат тун.

Кўча дарвоза тўй куни занжир,
Тўкти мискин, гадо йўлига қир (“Тўй”)

Қироқ – 1.Қирғоқ. 2.Нари, узокроқ.

Чиқиб сувдин қироқ югурди ул шоҳ,
Йироқдин бир олачуқ кўрди ногоҳ (“Юсуф ва Зулайхо”)

Қирқ – 1.Ўзбек уругларидан бири. 2.Саноқ сон: 40.

Бирни қипчоқу хитою бирни юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлиб бир хон ойинлик қилинг (Турди)

Қисм – улуш, қисмат, тақдир, ризқ.

Муҳаббат аҳли қисмин невчун, эй чарх,
Қилиб меҳнат, танаъум қилмадинг ҳеч (Навоий)

Қисса – 1.Вақеа, ҳодиса. 2.Саргузашт.

Олиб илгига сафҳаю хома,
Қисса шарҳини ёзди бир нома (“Сабъаи сайёр”)

Қитъа – 1.Парча, бўлак. 2.Лирик жанрлардан бири бўлиб, дастлабки байти ўзаро қофияланмайди.

Қайси қитъамники ёзди борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвонфаким, эрур бир қитъа хат (Навоий)

Қобсамоқ – қамал қилмоқ, ўраб олмоқ.

Неча кундин сўнг ўлғай имкони,
Қобсамоқ бу икки черик они (“Сабъаи сайёр”)

Қовшурди – қовуштирди (қўлини).

Равон бошлаб ҳарамфа олди кирди,
Салом қилди қўлин қовшурди турди (“Юсуф ва Зулайхо”)

Қодир – 1.Уддасидан чиқадиган; қўлидан келадиган, эплай оладиган, кучи етадиган, қудратли.

Оти Навдар ва лек ўзи нодир,

Табъи ҳар нодир иш аро қодир (“Сабъаи сайёр”)

Қозийи Ақбар – айнан: улуғ қози, катта қози.

Қоратепанинг қозийи акбари,

Бўлиб қавму қишлоғининг раҳбари (Махмур)

Қозонмоқ – йифинмоқ, тўпламоқ, қўлга киритмоқ, ҳосил қилмоқ.

Севингандин отоси ганжин очти,

Неким қозғонганин оламға сочти (“Юсуф ва Зулайхо”)

Қой – 1.Анорнинг алвон товланувчи бир нави. 2. Қайси?

Неъмат ичра хуш латофатликда мустасно анор,

Қой агар ҳикматда дерлар қотии сафро анор (Муқимиј)

Гарчи шаклу ҳусн аро монанди ўғлон кўсасан,

Лек қой шоҳ давридин, ойғилки қолғон кўсасан? (Аваз Ўтар)

Қойил – 1.Эга. 2.Муаллиф, ижодкор. 3.Айтувчи, сўзловчи, гапирувчи. 4.Иқрор, эътироф.

Калид айлаб забона шаклидин тил,

Бўлуб они очар манъига қойил (“Фарҳод ва Ширин”)

Фавжи тароват келиб қилди сафоройлик,

Хайли бурудат бўлуб қойили “айнал-мафар” (Мунис)

Қил сифмас оғзинг ичра кўп ҳукта тонг эмаским,

Нозикрак ўлди қилдин ҳар сўзга бўлса қойил (“Фаройиб ус-сифар”)

Қойим мақом – айнан: ўрнига ўлтирувчи, ўринбосар, ноиб.

Қарилик ранжи дафъ ўлғай тамоми,

Шабоб ўлғай анинг қойим мақоми (“Фарҳод ва Ширин”)

Қолон – қолган.

Анга ўхшарки қолон бурунғиларнинг масали:

“Ёғ ишқордин олуру қора сувдин қаймоқ” (Турди)

Қондин – қаердан?

Күз йўлида ул пари ҳуснин назар айлар эдим,
Қон ёшим ул йўлни тутти, эмди **қондин** кўргмен? (Бобур)

Қонеъ – қаноатли, қаноат қилувчи.

Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат – **қонеъ** ўл,
Олмас ул чиркингни мундин ўзга собун, эй кўнгул
(Комил Хоразмий)

Қонимға бўлдим биҳил – ўлимга рози бўлдим, яшашдан бездим:

Бу минвол ила ўткарибон бир ил,
Фараз балки **қонимға бўлдим биҳил** (Хисрав ва Ширин)

Қонсу – қонсин, қонса.

Чиқордим хуш йизиглиқ сув бу кўлдин,
Кўнгуллар **қонсу** теб бу соф сувдин (“Хисрав ва Ширин”)

Қонун – 1. Соқий асбоби, чолғу асбоби. 2. Низом, тартиб, қоида.
3. Абу Али ибн Синонинг беш жилдлик китоби “Ал Қонун”.

Нағмаи **қонунлигини** соз этиб,
Даъвийи Фиръавнлиғ оғоз этиб (“Зарбулмасал”)

Андин сўнг Бойўғди базм асбобини тузуб, руд, уд, даф, най, барбат, **қонун**, навозанда, созанда жамъ айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутти. (“Зарбулмасал”)

Қормомоқ – ушламоқ, тутмоқ, қўлга олмоқ.

Совурди кайбурун, **қормоди** ёсин,
Кейин боқти эса, кўрди отосин (“Гул ва Наврӯз”)

Қорун – афсонавий бадавлат киши, хасис. Гўё у кўплаб хазиналар йигиб ерга кўмган ва ўзини ҳам ер ютган эмиш.

Нону тўн бер, бенаволик дардидин кутқар мени,
Мен қачон айтдимки, **Қорун** ганжидек кон бер мента (Гулханий)

Қосид – элчи, хабар келтирувчи, даракчи, муҳбир, хат ташувчи, чопар. Қосидо – эй қосид.

Қосидо, кўнгдум қуши банд эрди, айғил зинҳор,
Ишқилибким зулфи анбарборидин айрилмасун (Муқимиј)

Қосир — қисқа, оз, ожиз, камчиликли, нуқсонли.

...жомадарронлар таом емоққа ҳозир, маслаҳатта ақли қосир
("Гул ва Наврӯз")

Қот — томон, олд, ҳузури, ёни.

Қилиб густохлик Гул ҳазратинда,

Қатиқ сүз сүзладим билмай қотинда ("Гул ва Наврӯз")

Қоти — кесмоқ, рад этмоқ.

Қотии сафро — сафрони қайтарувчи, организмдаги үт фаолиятини тартибга солувчи, тузатувчи.

Неъмат ичра хуб латофатликда мустасно анор,

Қой агар ҳикматда дерлар қотии сафро анор (Муқимий)

Қотилмоқ — кириб қолмоқ.

Ғажорчи бошлар эркан саҳв этмиш,

Юруб арслони бор йўлға қотилмиш ("Гул ва Наврӯз")

Қотмоқ — қўшмоқ.

Ҳар ўқиқим алар сори отти,

Қонларин баҳр сувига қотти ("Сабъай сайёр")

Қотқоқ — сув кўрмаган қаттиқ ер, қуруқ ер; музлаб қотган ер.

Эшак йўли қотқоқда эмас, ботқоқда маълум бўлур

("Зарбулмасал")

Қоғ — 1.Ҳабашистондаги тоғнинг номи. Уни айрим олимлар Албурз /Эльбрус деб тахмин қиласидилар/. 2.Эски ёзувлари “қ” ҳарфининг номи. 3.Қоп (матодан ишланган идиш).

Сўротиб ер юзинда Қоғ то Қоғ,

Машаққат бирла издаб дунйини соғ ("Гул ва Наврӯз")

Иchar эрди бир пулға ун қоғ қасам,

Лақабда: “Мохов”, ном аро “Муттаҳам”. (С.Х.)

Қофила — карвон, йоловчилар тўдаси.

Қўйиб ҳар қофила ўз мулкина юз,

Ду аспа илгари тушти қуловуз ("Гул ва Наврӯз")

Қофияпаймолиғ — қофия тузищ, яъни шоирлик қилмоқ.

Етмадим ҳеч ера бу қоғияпаймолигдин,
Дод, юз дод, гарифлик, ғами танхолидин (Турди)

Қоши ё – қоши камон. Мажозан: гүзал.

Қоши ёлар жафосидин бу чарх,
Менинг отимга ўқ рақам қилди. (Бобур)

Қоқум, қоқым – 1.Майин оқ жунли ов ҳайвони. 2.Қоқум терисидан тикилган пүстин.

Эй ғаний, боқғил ялонглар ҳолиға, шукр учун,
Ким киёрсан таҳ-батаҳ қоқым била синжоб қишиш (Оғаҳий)

Қоқшол – қуриб кетган эски ўтин.

Қаловин топса, қор ёнар, қаловин топмаса қоқшол ўтун ҳам ёнмас (“Зарбулмасал”)

Қубба – қалқоннинг ташқи томони, қалқон “қубба”си.

Ки қалқон қуббасида мисли хотам,
Сулаймон ёздуруубтур “исми аъзам” (“Фарҳод ва Ширин”)

Қуди – қуийи, паст, тубан.

Биликлик бирла олим юқор йўқлади,
Биликсизлик эрни чўкарди қуди (“Ҳибат ул-ҳақойик”)

Қудс – поклик, тозалик, муқаддас. Мажозан: у дунё.

Ҳавои гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур,
Заганлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асрну (Навоий)

Қудум - /бирлиги қадам/. Қадамлар, одимлар.

Гоҳ беморини йўқлаб келса, айлаб жон фидо,
Гавҳари ашки қудумига нисорим бор эди (Муқимиј)

Қуёш қурси – Қуёш айланаси, қуёш тўгараги, офтоб жисми.

Фалакдек хон фузунроқ анда ҳаддин,
Қуёш қурси киби нон худ ададдин (“Фарҳод ва Ширин”)

Қуйин – Куюн, гирдоб, кучли айланувчи шамол.

Қуйин қўпти, ўчурди кун чироғин,
Туман тутти жаҳон бошдин оёғин (“Гул ва Наврӯз”)

Кулла-қулла — чүкки-чүкки, тұда-тұда, тоғдай-тоғдай.

Үкүб ҳар сори **қулла-қулла** хоро,

Қилибон пора-пора bemadoro (“Фарҳод ва Ширин”)

Куллоб — 1. Қармоқ, чангак, илмоқ. 2. Эгма.

Олиб қавси қузақ чекмакка **қуллоб**,

Туруб машриқ этиб мағрибға партоб (“Фарҳод ва Ширин”)

Куллуқ — юкунмоқ, таъзим, хизматта шай турмоқ.

Шоҳким, матлубиға **қуллуқ** буюрғай ишқ әмас,

Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғидир гувоҳ (Навоий)

Кулмоқ — Айтмоқ, сұрамоқ.

Узлар **қулди** Савсандин фаровон,

Ким, эй доя, менинг дардимға дармон (“Гул ва Наврӯз”)

Куловуз — етакчи, йўл бошловчи, йўл кўрсатувчи.

Кўйиб ҳар қофила ўз мулкина юз,

Ду аспа илгари тушти **куловуз** (“Гул ва Наврӯз”)

Кумри наво — Кумридай куйладиган, қумридай фифон чекадиган.

Ишқ йўлида Муқимий ким, дема, эй булҳавас,

Шавқида бир сарв қад **кумри наволардин** бири.

Кур — 1. Вақт. 2. Марта. 3. Белбоғ.

Узотиб қалб сўзларини бир **кур**,

Ешиб Гулдин қабо, Наврӯздин **кур** (Ҳайдар Хоразмий)

Курб — яқинлик.

Танимни **курб** физосида хоки роҳ эттинг,

Бошимни васл эшигига ошно қилсанг (Навоий)

Курбон — 1. Садақа. 2. Бағищланган. 3. Сўйилган.

Матбах аро юз тева **курбон** эди,

Кўю қўзи беҳаду поён эди (“Ҳайрат ул-аброр”)

Курратул айн — кўз қорачиги, мажозан: фарзанд.

Саг падар икки **курратул айни**,

Икки бозандай қимор ўлгай (Махмур)

Бизнинг қурратул айнимиз эр етибдур (“Зарбулмасал”)

Курси қашниз – қашничли кулча, қашничли нон.

Бўлуб май ширасидин оташангез,

Бериб ул ўтқа таскин **курси қашниз** (“Фарҳод ва Ширин”)

Курсоғ – қорин, ошқозон.

Чу Юнус чиқти болиқ **курсогиндин**,

Хўтан тинди Ҳабашнинг булғогиндин (Ҳайдар Хоразмий)

Қусур – 1. Камчилик, нуқсон, етишмовчилик. 2./Бирлиги - қаср/ қасрлар.

Ишқ нуқсонидин эрмас етса оҳимга **қусур**,

Дам ололмасмен камоли заъфдин бағрим толиб (Мунис)

Чу бўлди тўрт йил гардун мурури,

Ясалди тўрт фирмавсу **қусури** (“Фарҳод ва Ширин”)

Қут – овқат, озиқ, емак.

Қуюб бўғзига шарбат, оғзига **қут**,

Бўлуб ул туъмау шарбат анга **қут** (“Фарҳод ва Ширин”)

Қутр - /Кўплиги – актор/ Диаметр.

Бўлуб ҳар поядин заркаш таноби,

Фалак **кутрини** қатъ эткан шиҳоби (“Фарҳод ва Ширин”)

Қуфл – қулф.

Ҳамул ганжики бўлмишдур умидинг,

Етишқай **куфлига** мендин калидинг (“Фарҳод ва Ширин”)

Қушламоқ – қуш ови, қуш билан овламоқ, ов қуши билан овламоқ.

Гаҳе қуш **қушламоқ**, гаҳ авламоқда,

Кийик немламоқ, арслон қувламоқда (Ҳайдар Хоразмий)

Қўба – узунчоқ.

Шакл ва шамоили: паст бўйлик, тегирма соқоллиқ, **қўба** юзлук танбал киши эди (“Бобурнома”)

Қўлмоқ – Айтмоқ, сўрамоқ.

Чу булбул гул билан ҳамроз бўлди,
Равон Савсан тилиндин узр қўлди (“Гул ва Наврўз”)

Қўмламоқ — Туя ёпинчиини ёпиб, сафарга тайёрламоқ
Худди от ва эшак абзалланган ва эгарланганидек, туи
қўмланади.

Бир куни ул тевасини **қўмлади**,
Ортадиган юкларини жўблади (“Зарбулмасал”)

Қўноқ — 1.Меҳмон. 2.Товуқ ва бошқа қушлар қўниб ўтирадиган
ёғоч қўналга.

Етиб келгач, **қўноқ** кўрди уйинда,
Кўмулуб кун юзи нури бўйинда (Ҳайдар Хоразмий)

Қўнқормоқ — Қўпормоқ, ағдармоқ, қўзғатмоқ, кўчирмоқ.
Қилич нўғи била даврини ёргил,
Солиб сарпанжа ўрнидин **қўнқорғил** (“Фарҳод ва Ширин”)

Қўн — Тур, ўрнингдан тур.

Ташла тикан, гулшани иззатга ет,
Чекма машаққат, **қўну** даъватқа ет (“Ҳайрат ул аброр”)

Қўнти — Ҳапқирди, ҳовриқди.

Юраки **қўнти**, кўнгли бўлди хуррам,
Они индаб, деди: “Эй ёри ҳамдам”... (“Гул ва Наврўз”)

F

Ғаддор — 1.Хиёнаткор, хоин, алдамчи. 2.Бераҳм, золим.

Йиғиб Баҳман наким сардорларни,
Ўзига ёр этиб **ғаддорларни** (Гул ва Наврўз”)

Ғайрат — Рашқ, қизғаниш.

Йўқ эткил ўзлигингни келмагай то **ғайрати** маъшуқ,
Киши маҳрам бўлолмас ёрига то бўлмас агар танҳо (Машраб)

Ғаввос — Сув остига чўмиб жавоҳир излайдиган киши, яхши
сузувчи, водолаз.

Сангпушт...**ғаввослардек** бир фўта урди... (“Зарбулмасал”)

Ғавр – 1. Ҳар қандай чукурликнинг ости, туби. Ғавр топмоқ – тубига етмоқ. 2. Ҳақиқатини билиш, моҳиятини аниқлаш. 3. Дод, адолат талаби.

Бир йиғочқа яқин жазираға давр,
Даврида сувға топмайин киши **ғавр** (“Сабъаи сайёр”)

Дода келдим, адл девонига, фарёдим эшит,
Санки одилсан, гүр афғоним, надандир, **ғавра** эт (Фузулий)

Лутф айла **ғаврима** ет, ё Илоҳ,
Раҳматинг эрур бориға узроҳ (“Юсуф ва Зулайхо”)

Ғадр – 1. Хоинлик, хиёнат, вафосизлик. 2. Раҳмсизлик, золимлик.

Ямонлиқ ханжарини тез қилди,
Ямон кўнглимда **ғадр** ангез қилди (“Гул ва Наврӯз”)

Баҳман Наврӯзға йўлда **ғадр** қилғани (“Гул ва Наврӯз”)

Ғайр - /Кўплиги – ағёр/ 1. Ўзга, бошқа. 2. Бегона, ёт. 3. Рақиб. 4. Душман.

Топмайин **ғайри** қайтмоқ чора,
Бузулуб ёндилар баякбора (“Сабъаи сайёр”)

Даввийи ишқ этиб, **ғайр**, Бобурни айб қилма,
Ким мен эдим сенингдек, сен бўлғасен менингдек.
Ғайрга ул ой неча вафо қилур,
Жонима неча менинг жафо қилур? (Бобур)

Ғалтон – 1. Юмалоқ, юмаловчи. Дурри **ғалтон** – йирик юмалоқ жавоҳир. 2. Йиқилмоқ. галтону хезон – йиқила-қўпаш...

Латофат мавж урар ҳар бир сўзингда,
Тишинг ҳам дурри **ғалтондин** қолишимас (Муқимијий)

Ғамгусор – меҳрибон, ғамни ёзувчи, юлантирувчи.
Ғам била жонимга еттим **ғамгусоре** кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум дилситоне топмадим (Навоий)

Ғамза – ишва, ноз. Кўз ҳаракати билан нозланмоқ, таманно қилмоқ.

**Жонима пайваста новак отқали,
Фамза ўқин қошиға ёлаб дурур (Навоий)**

Фаммозлик – 1.Фамза қилишлик, күз сузишлиқ. 2.Сир очувчилик, чақимчилик.

Ароды фамзалар **фаммозлиқда**,
Карашма шева даст андозлиқда (Хайдар Хоразмий)

Фамнок – фамли, ранжиган, хафа.

Камол эт касбким, олам уйидан
Сенга фарз ўлмағай **фамнок** чиқмоқ (Навоий)

Fани, Fаний – бой, бадавлат, давлатманд киши.

Жоху қудрат бирла хок ўлди **фанийлар**, во дариф,
Хайру эхсонни қўролмай бенаволардин бири (Муқимий)

Fаним – душман, ёв.

Яна қичқиур эрди истаб **фаним**,
Вале андин эл қўнглида эрди бийм (“Садди Искандарий”)

Fарав – қалам учун ишлатиладиган қамиш, савағич қамиш.

Кордон камари ҳимматни **фаравдек** неча ердин боғлади
 (“Зарбулмасал”)

Fараз – 1.Сабаб, боис, негаки. 2.Мақсад, ният, режа. 3.Ёмон ният. 4.Хуллас, ниҳоят (“алғараз”нинг қисқаргани).

Фаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур,
ҳар ким ақлдан баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатта иқдом қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар (“Бобурнома”)

...агарчи бу таважжуҳда ўзга **фаразлар** ҳам бор эди
 (“Бобурнома”)

“Ошнои **богараз**” деб икки кунлик чоғламанг,
Ман дуогӯ, бўлғонима букчайиб чол, айланай (Муқимий)

Бу минвол ила ўткарибон бир ил,
Фараз булки қошиға бўлсам биҳил (Хиромий)

Фарзан – хотини бузук /сўкиниш/.

Йүқ сүкқа бошимдин ўзга манга дунёлиедин,
Кош ул **тарзанлар** солса куруқ сұзға кулоқ (Турди)

Fариб – 1.Қизиқ, ажайибот. 2.Ватандан айрилган, бошқа
юргдаги киши.

Үз диёринда **фариб** элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёринда **фариб** ўлмоғлиғим әрмас **фариб** (Навоий)

Fасб – зулм ва зұрлик билан тортиб олинган нарса; әгаси
розилигисиз тасарруф қылинган ер, бойлик ва ҳоказо.

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Фасб ила молин олиб, құймадингиз битини (Турди)

Fаш – 1.Шубха. 2.Холис, тоза әмас, аралашма, руда. 3.Душман.
Бири дегайки: “Тахт рұкашдур”,
Бири дегай: “Мусаннифи **ғашдур**” (“Сабъаи сайёр”)

Fизо – овқат, емак, егулик-ичгулик.

Ҳамиша сут эди **онинг ғизоси**,
Тиламаз әрди андин ўнг егоси (“Хисрав ва Ширин”)

Fино – 1.Бойлик, мол-дунё сероблиги.

Душманларини нозу ниамда,
Парвариш айлаб, солди **финоға** (Ҳувайдо)

Жаҳонда фақр касб эт, майл күп құлма **фино** сори,
Ки мундин оз этибдур орзу, фарзона андин күп (Навоий)

2.Мусиқа, соз, оқанғ. Аҳли **фино** – мусиқачилар.

Базмда соқийлар үлуб жилvasoz,
Аҳли **фино** ҳар сори достон навоз (“Ҳайрат ул-аброр”)

Fирив, гирев – ўкирик, қичқирик, шовқин-сурон.

Мұр оёғ остида ўлғондин қачон топғай вуқуф,
Арслонким, күкка чирмашқай **ғириви** шавкати? (Навоий)

Голибан – Дарвоқеъ, айтгунча, әхтимол.

Сангпушт айди: “**Голибан** улдурки...” (Гулханий)

Фоят – чек, чегара, ниҳоя.

Жаврини торта-торта дарду ғамимдур андоқ,
Ким йўқ бу бирга **ғоят**, ул бирга йўқ шумора (Мунис)

Горати ғўр — фўрийлар сулоласидан бўлган Султон Маҳмуд
Фазнавийнинг Ҳиндистонга қилинган даҳшатли ҳужуми,
Фўрийлар талони.

Кўзум жодусидин Кашмир пуршўр,
Сочимдин Чин ичинда **горати ғўр** (Ҳайдар Хоразмий)

Гул - 1.Дев. 2.Армиянинг жанговар ҳолатига кўра,
лашкарнинг энг кўп йигилган жойи, маркази.

Ул шайхки, минбар уза афсунға берур тул,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук **гул** (Навоий)

3.Кишан, маҳбус оёқ-қўллари боғланадиган занжир.
Нафси шайтон бўйнима тошлар солиб ҳар ерга **гул**,
Охиратдин йўқ ғамим, фикрим ҳамиша молу пул (Муқимиј)

Гулғул — 1.Куш сайраши. 2.Гулғула, ғавғо, шовқин-сурон.
3.Нофора товуши. 4.Сув шарқираши. 5.Довруқ.

Табассум қилдию, ер ўпти Булбул:
“Ки мен беҳуда қилмасмен бу **гулғул**” (“Гул ва Наврӯз”)

Ишқинг ўтиға куйди, не қилсунки бу жисмим,
Йўқ сабру қарорим,
Овозай ҳуснунгки солиб олама **гулғул**
Эл барчаси ҳайрон. (Машраб)

Чун нигоҳинг куфри динимни бузуб,
Қўнглум оҳи **гулғули** ноқус ўлуб (Мунис)

Гуломгардии — айнан: қуд айланадиган, дарвоза олдидаги
хизматкорлар турадиган жой, йўлак, дарвозадан кириладиган
усти ёпиқ жой.

Бориб **гуломгардидда** ўлтурган одамдин хабар ол... (“Зарбулмасал”)

Гурбат — 1.Фариблиқ, ватангдолик, ватандин узокда юриш,
кимсасизлик. 2.Шу сўзни ўзига тахаллус қилиб олган шоир.

Гурбатда фариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш (Навоий)

Оқибатда боғлагай ишқин күнгүлга жо қилиб,
Тонди **Фурбат** билмам ул ой дийдаи гирёнидин.

Гусл — чүмилиш, бошдан оёқ ювиниш.
Ниёз ашкын тұкуб **Фарҳоди ғамнок**,
Бурун ул сув била **гусл** айлабон пок (“Фарҳод ва Шириң”)

Гуфрон — кечириш, шафқат. Гуфрон пааст — шафқатли;
мажозан: **Худопааст**.

Бу икки пилни **гуфрон** пааст эт.

Майи раҳматдин икки пилни мааст эт (“Фарҳод ва Шириң”)

Ғұрғорати — ғүрийлар талон — тарожи, Ғүрийлар босқини.
Султон Маҳмуд Ғүрий султонларидан бўлиб, унинг
Ҳиндистонга ҳужуми назарда тутилади.

Қўзум жодусидин Қашмир пуршур,

Сочимдин Чин ичинда **ғорати Ғұр** (“Гул ва Наврӯз”)

Ғұта урмоқ — чўммоқ, сувга шўнғимоқ.

Сангушт...ғаввослардек бир **ғұта** урдиким, ул жавоҳир
термоқда ва чаён жон бермоқда қолди (“Зарбулмасал”)

X

Ҳабаши — 1.Ҳабашистон мамлакати. 2.Ҳабашлик, қора танли
киши. Мұмтоз адабиётда “Ҳабаш” сўзи кўпинча мажозан
коронгулик маъносида ишлатилади.

Чу Юнус чиқти болиқ курсоғиндин,

Ҳұтан тинди **Ҳабашнинг** булғоғиндин (Ҳайдар Хоразмий)

Ҳабиб - /Кўплиги — аҳиббо/ Дўст, ўртоқ, севгили. Мажозан:
Мұхаммад пайғамбар.

Анга сўрди: “Нечуқдур ул гарибим?

Мұҳибдин ёд этарму ул **ҳабибим?**” (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳабо — 1.Чанг, тўзон. 2.Бехуда, бекорга кетказиш, йўқ қилиш.
Ки юз мендек, туман андоқки **Хисрав**,
Ҳабо бўлса қазо оллинда бир жав (“Фарҳод ва Шириң”)

Ҳаво – 1.Ҳавас, майл, истак, орзу. 2.Учиш, парвоз. 3.Ишқ – муҳаббат. 4.Кибр/Ҳаво, гуур.

Бу кунлар Гул қилиб гулшан ҳавосин,
Тилади хотири Булбул навосин (“Гул ва Наврӯз”)

Танимоқ тангрини – тоғмоқ ҳаводин,
Кейин турмоқ фиъоли нораводин (Сүфи Оллоҳёр)

Наврӯз ҳаво қилиб кетганда, Фаррух бориб ёнтургани
 (“Гул ва Наврӯз”)

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг
 (“Фавойид ул-кибар”)

Ҳаводис - /Бирлиги – ҳодиса/ ҳодисалар, воқеалар,
ўзгаришлар, янгиликлар.

Ҳосилим барқи ҳаводисдин маломат доғидир,
Маснадим кўйи маломатда фано тупроғидир (Фузулий)

Ҳавоҳоҳ – толиб, талабгор, тарафдор, харидор.

Эй болам, Япалоқ бибининг боласи Кулонкир султон
ҳавоҳоҳ бўлуб, совчи юбормиш... (“Зарбулмасал”)

Ҳаврожабинлар, ҳурожабинлар – ҳур юзлилар, ҳурдай гўзал
чехралилар.

Хитоу чинда танлаб нозанинлар,
Бори филмонвашу ҳаврожабинлар (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳад – 1.Чегара, чек, ниҳоя. 2.Ҳуқуқ, имкон доираси.

Дам урарға топмади ҳад кимса то ушшоқ учун,
Шаҳна айлаб ғамзасин, кирпикни жаллод айлади (Навоий)

Саодат бирла юкланди вужуди,
Етилгач ҳадди ҳамлининг ҳудуди (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳадаф – нишон, нишон жойи.

...муддао девориға боши ва истидъо ҳадафига мурод ўқи
тегди (“Зарбулмасал”)

Ҳаддод – темирчи.

Буюрдиким, келиб устоди ҳаддод,
Ясафай тешау метини пўлод (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳадис – 1.Сўз. 2.Пайғамбар сўзи.

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушкил,
Фархунда ҳадисингни эшитмак мушкил (Бобур)

Ҳадиқа - /Кўплиги – ҳадойик/ Бог, чаман, гулзор. Ҳадиқаи Эрам – Эрам боғи.

...анинг эҳтишоми ҳалиқаси насаб гули ва фарзанд мевасидин ўзга жамиъ азҳор...била музайян... (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳадоё - /Бирлиги – ҳадя/ Ҳадялар, тортиқлар, совғалар.

Келибон ўтру ашрофу раоё,
Чекиб мақдурicha ҳарким ҳадоё (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳажла – чимилдиқ.

...маоний ақмишаси нафойисин бу латофат ҳажласи аройиси учун гайб тужжоридин ҳаёг нақдин бериб савдо қилмоқ
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳажр – айрилиқ, жудолик.

Гар ҳажринг ўти жону жигарга ёқа келди,
Жонимга не хуш шарбати васлинг ёқа келди (Саккокий)

Ҳазор дастон – 1.Булбул. 2.Минглаб достон, хилма – хил куйлар, минг хил наво. 3.Минг хил мақр, ҳийла.

Никоҳ хутбасин ҳазор дастон равшан фасиҳ тил бирла ўқумоқ бўлди (“Зарбулмасал”)

...даҳр гулистони булбулларини ҳазор дастон била ўтлук фарёдга солди (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳазорон – 1.Минглаб. 2.Булбуллар.

Муганийларга булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъ алҳон вақти бўлди (Атойи)

Ҳазрат – 1.Хузур, олд, ёни. 2.Жаноб, ҳурматли зот.

Қилиб густохлик Гул ҳазратинда,
Қатиқ сүз сүзладим билмай қотинда (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳайвон зилоли – оби ҳаёт, ҳайвон – тириклик.
Чайқалиб гүё тушар ҳайвон зилоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунтга солса чин ногаҳ фазаб (Навоий)

Ҳаким – 1.Олим, донишманд. 2.Табиб. Ҳакимо – Эй табиб!
Ишқ дардини иложига, ҳакимо, чекма ранж,
Йўқ бисотингда сени дорую дармоним мани (Муқимий)

Навкаринг очлиқдан ўлсин, нега ҳайфинг келмагай?
Эй ҳакими ҳозиқум дорую дармон бер менга (Гулханий)

Ҳаккоки қазо – қисмат заргари, яъни Худо.
Эшилган риштаси тоби вафодин,
Тешилган бағри ҳаккоки қазодин (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳало – эй, ҳой!
Бўзланиб айди: “Ҳало бераҳм онам”... (“Зарбулмасал”)

Ҳалоҳил – ўлдирувчи, энг ўткир. Ҳалоҳил оғу – ўлдирувчи заҳар.
Кишики илгини устун тилар, сахо керак,
Қўлида заҳри ҳалоҳилу гар Хизр суйидур (Навоий)

Ҳалқабагўш – айнан: қулоғи ҳалқали, қул. 2.Содиқ, самимий.
Биз камина Малик Шоҳиннинг ҳалқабагўшларидин
бўлурмиз (“Зарбулмасал”)

Ҳамдаст – қўлдош, кўмакчи, ҳомий.
Лутф қўлини ҳолинга ҳамдаст этай,
Хасмни бир панжа била паст этай (“Ҳайрат ул-аброр”)

Ҳамзабон – ҳамгағ, суҳбатдош, фикрдош.
Фуссадин ўлғай эрди, топмас эса
Шеъридек ёри ҳамзабон шуаро (Мунис)

Ҳамзону – айнан: тиззадош, ёстиқдош, хотин.
Уйда равнақдурур, агар кишига
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону (Навоий)

Ҳамъинон — шерик, йўлдош, ҳамкор.

Хоби фароғатда эди хуш шабон,

Гург ила меш эрди иков **ҳамъинон** (“Юсуф ва Зулайхо”)

Ҳамнишин — улфат, суҳбатдош.

Ўзгаларга хулқи хуш, аммо менга бадхўйлар,

Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар (Муқимий)

Ҳамроҳ — сирдош, яқин, самимий дўст.

Чу Булбул Гул билан **ҳамроҳ** бўлди,

Равон Савсан тилиндин узр қўлди (“Гул ва Наврӯз”)

Сен менинг қизимнинг ўзга **ҳамроҳи** бор дегандек қилдинг
 (“Зарбулмасал”)

Ҳамсанг — бир хил, оғирлиги тент.

Таъбима ҳар дам оғирлик етуруб,

Қоғ тоги била **ҳамсанг** этмиш (Мунис)

Ҳамул — ўша. Ҳамул дам — ўша лаҳза, ўша заҳотиёқ.

Улуста мустаҳиқларни қилиб шод,

Ҳамул дам бандиларни қилди озод (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳамхона — айнан: уйдош, оиласдош, хотин.

Йиелару ўртар ўзин то субҳ гўё ҳар кеча,

Ҳажр аро бўлди мени маҳзун била **ҳамхона** шамъ (Навоий)

Ҳамқад — бўйдош, тенгдош, бўйи тент.

Қошиға қўйди бир-икки гулхад,

Сарви гулрухга ҳамдаму **ҳамқад** (“Сабъай сайёр”)

Ҳангом — пайт, вақт, чоғ, замон.

Жаҳон ғанжиға шоҳ эрур аждаҳо,

Ки ўтлар сочар қаҳри **ҳангомида** (Навоий)

Ҳангомсиз — бевақт, ўринсиз.

Неча тожвардур, кесарлар бошин,

Чу ҳангомсиз нафма тортар хурс (Навоий)

Ҳандаса — геометрия.

Билишур эрдим онинг бирла ошну,
Билур ул ҳандаса илмини эзг (“Хисрав ва Ширин”)

Ҳанжар – ҳалқум, бўғиз. Бўйиннинг овқат ўтадиган энг тор
қисми. Катта ариқ ёки каналлардан тармоқ ариқ очилган жой.

Арифким обгирип **ҳанжар** айлаб,
Совуқ оғзи луобин ханжар айлаб (“Фрҳод ва Ширин”)

Ҳарб – уруш, жанг, кураш.

Подшоҳи арабнинг не муддаоси борки, анжоми **ҳарб** ва
анжоми тўй бордур... (“Зарбулмасал”)

Ҳарбгаро – жангари, урушқоқ, тортишувга ўч.

Ўлгон бузовни тортишадур бир бақар деб,
Ҳайвон сифат **ҳарбгаро** дент, улоқчилар (Муқимий)

Ҳарза – беҳуда, вайсақилик, бемаъни сўз, алжираш.

...вирди анинг **ҳарза** сафиҳ... (“Зарбулмасал”)

Ҳарим - 1.Махсус жой, ўз яқинларигина кира оладиган жой.
2.Хотин. 3.Каъба – мусулмонларнинг сифинадиган муқаддас
жойи.

Дедим: “Жоно, чекардим дарди ҳижронингни муддатлар,
Ҳарими васлингга маҳрамлиғ эрди муддао ёлғуз” (Муқимий)

Ҳарис – очкӯз, бирор нарсага беҳад берилган, тамаъгир, ўчлик.
Сафарга кўп **ҳарис** бўлма... (“Зарбулмасал”)

Ҳариф – 1.Қарши, муқобил, душман, ганим. 2.Шерик, бирга
ишлайдиган, ўртоқ, улфат.

Карвони агар ўну гар юз,
Борчасига **ҳариф** эди ёлғуз (“Сабъаи сайёр”)

...ўғри мишиқ, **ҳариф** айёр солор, давлатмандлар аснофида
мумсики беор... (“Зарбулмасал”)

Аҳли давлатлар била ёру **ҳариф**, ҳамдӯши эдим (Турди)

Ҳароми – ўғри, қароқчи.

Ахзи моли ҳаром коми ўлуб,
Бўйла ком истабон **ҳароми** ўлуб (“Сабъаи сайёр”)

Ҳаросон – қүркүв.

Ки, эй шоҳи жавонбахти жаҳонгир,

Ҳаросон бўлди сендин Баҳмани пир (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳарроф – сўзамол, улфат.

...хушхулқ ва **ҳарроф** ва фасеҳ ва ширин забон киши эрди
("Бобурнома")

Ҳарф – 1.Сўз. 2.Гап.

Деди: “Шаҳ менга аввал айлаб хитоб;

Икисини **ҳарфига** бергил жавоб”.

Ҳарчанд –ҳар қанча.

Ҳар киши бўлса керақдур ўз мақому ҳаддида,

Ҳар била тенг бўлмағой **ҳарчанд** логардур фарас (Ҳувайдо)

Ҳасаб – шахсан билим ва ахлоқ орқали қозонилган хурмат –
эътибор.

Келиб дарё насаб, гавҳар **ҳасаблик**,

Ишида неча боқсанг бул ажаблиқ (“Фарҳод ва Ширина”)

Ҳасуд – ҳасадчи, ўта баҳил.

Муродингиз гули ошуфта бўлсун,

Ҳасудинг баҳти доим хуфта бўлсун (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳаттил имкон – имкон борича, имконият борича.

Қилиб саъю тараддуд **ҳаттил имкон**,

Равона бўлди андин шаҳри Милон (Фурқат)

Ҳафтоду ду – етмиш икки.

Агар ҳар кимни кўрсанг, Хизр бўлғай деб тавоғ айлаб,

Ки, **ҳафтоду ду** миллат ҳалқи бирла ошно бўлғил (Ҳувайдо)

Ҳашам – 1.Дабдаба, мартаба, даража. 2.Манзил, даргоҳ,
хонадон. 3.Қабила, эл. 4.Энг яқин киши.

Дил жоми муҳаббат майдин журъа ичибдур,

Шоҳона **ҳашам**, иззату ҳурмат чидаёлмас (Машраб)

Ҳақ – 1.Худо, Тангри, Оллоҳ. 2.Чин, рост, тўғри.

Лек **Ҳаққим** ғам бало бермиш,

Дард бермиш, вале даво бермиш (“Ҳайрат ул-аброр”)

Хаққо – 1.Хақиқатан. 2.Худо ҳақи.

Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин,
Хаққоки, менинг йўқ гузарим, нетти не бўлди? (Атойи)

Ҳижоб – 1.Чиммат, ниқоб, парда. 2.Уят, ҳаё.

Кўринса суврату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юздин **ҳижоб** ўлса ажаб эрмас (Завқий)

Ҳижрон – айрилиқ, жудолик. Шаби ҳижрон – айрилиқ кечаси.

Нўла гар қилсан шаби **ҳижрон** таманнои ажал,
Найлайим чўқдур ғамим, дафъина ғамхор истарам (Фузулий)

Ҳилм – юмшоқ табиатлилик, ювошлиқ, сабр ва тоқат, сабрлилик.

Сипехри **ҳилм** зотидин ҳувайдо,
Шукуҳи илм рухсорида пайдо (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳилол – янги ойнинг ўроғи, янги ой.

Чунки тавозуъга хам ўлди **ҳилол**,
Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол (“Ҳайрат ул-аброр”)

Ҳиммат – /Кўплиги - ҳимам/ бирор ишга сидқидилдан уриниш, бағрикенглик, қўлочиқлик.

Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,
Банда бўлур Ҳотами Тойи санга (“Ҳайрат ул - аброр”)

Ҳирфагар – хунарманд, косиб.

Ҳар **ҳирфагариинг** бир бошқа бозори бор (“Бобурнома”)

Ҳисор – қалъа. Қалъа девори. Қўргон.

Кўрунгай чун тилисми чарх монанд,
Ҳисори бўлгуси гардунга пайванд (“Фарҳод ва Ширин”)

Ҳифз – 1.Сақламоқ, қўриқламоқ. 2. Ёд олмоқ.

Неча раҳзан анга мулозим этиб,
Ҳифзини борчасига лозим этиб (“Сабъаи сайёр”)

Ироқу Форс гар етса, сенинг бу шеъринг эй Бобир,
Ани **ҳифз** этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон (Бобур)

Ҳиял - /Бирлиги – ҳийла/ ҳийлалар, макрлар, алдовлар.

Ҳиял ичра кичик шогирди ибليس,
Аёқдин бош вужуди макру талбис (“Гул ва Наврӯз”)

Ходи, ҳодий – Йўл бошловчи, йўл етакловчи, йўл кўрсатувчи.

Тилисмединки банд ўлмиш бу водий,

Келибтурмен санга бўлмоққа ҳодий (“Фарҳод ва Ширин”)

Ходис – Юз берган, рўй берган, юзага чиққан, содир бўлган.

Яна бир буки ҳеч иш ҳодис ўлмас,

Бирағаким анга бир боис ўлмас (“Фарҳод ва Ширин”)

Ходиса – кўргилик, фалокат.

Бир кун анинг қасдига бир сайдгар,

Ҳодиса домин ёйиб эрди магар (“Ҳайрат ул-аброр”)

2. Нуқсон, хато, кўргилик. 3. Қийинчилик.

Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсан (“Зарбулмасал”)

Ҳозиқ – моҳир, ўткир. Ҳозиқ табиб – энг моҳир табиб.

Навкаринг очлиқдан ўлсин, нега ҳайфинг келмагай,

Эй табиби ҳозиким, дорио дармон бер менга (Гулханий)

Ҳомун – Даشت, чўл, биёбон.

Сарсари оҳим эсад ғам шоми ҳижрон тоғифа,

Яхшидур, тонг откучча бу тоғ ҳомун бўлмаса (Навоий)

Ҳосид – ҳасадчи. Бировнинг бойлиги ва муваффақиятларини кўролмайдиган киши.

То жаҳонда бордур ҳосид, айлама,

Орзуйи иззу мукнат, эй Аваз.

Ҳосилий ўқ – бефойда, нафсиз, самарасиз.

Айитти шоҳи Мушкин “Эй салотин”,

Кечинг бу ҳосилий ўқ можародин (“Гул ва Наврӯз”)

Ҳофиз – 1. Кўшиқчи, ифодали ўқийдиган киши. 2. Шерозлик машҳур лирик шоир Шамсиддин Муҳаммаднинг тахаллуси. 3. Куръонни ёд биладиган киши.

Ироғу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси **Хофиз**, мусаллам тутқуси Салмон.

Хуббул-ватан – севимли ватан, азиз маскан, ватан муҳаббати.
Жон сотиб ўзин уйин этарди тан,
Ўқур эди қиссаи **хуббул-ватан** (“Зарбулмасал”)

Хубоб – кўпик, сув юзида пайдо бўладиган ҳаво пуфакчалари.
Бу давлат сув юзинда бир **хубоб** ўлса ажаб эрмас,
Кўринса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас (Завқий)

Худуд – чек, чегара, охири.
Ки Искандарки олиб етти кишвар,
Худуди бохтардин то ба ховар (“Фарҳод ва Ширин”)

Худҳуд – попишак, сассиқпопишак.
Худҳуд аиди: “Ҳикоят қил” (“Зарбулмасал”)

Хужра – уй, хона, бўлма.
Қилиб Гул **хужраси** гирдинда жавлон,
Навое бошлади гирёну нолон (“Гул ва Наврӯз”)

Хузн – қайғу, фам, ҳасрат, хафақонлик.
...сабрнинг жойи билан **хузн** ва андуҳдан бўлак кимарсаси
йўқ (“Зарбулмасал”)

Хукамо - /Бирлиги – ҳаким/ Олимлар, донишмандлар,
табиблар.

...ул кишвар **хукамоси** анинг гарди сипоҳидин қўз ёритуб...
 (“Фарҳод ва Ширин”)

Хулла – безакли нафис ипаклик кийим.
Бўйига назм солғон **хулла** ахзар,
Дема тўти, дегил Хизри паямбар (“Фарҳод ва Ширин”)

Хумо – афсонавий қуш бўлиб, гўё у нуқул қоқ суюк билан
озиқланар эмиш /ҳайвонот ва ўсимликларга озор бермас
эмиш/. Халқдаги тасаввурга қараганда, хумонинг сояси кимга
тушса, гўё ўша киши подио бўлармиши.

Уюмга құнди бир давлат ҳұмойи,
Тулұу этти саодат тұлун ойи (“Гул ва Наврұз”)

Хұмоюн – 1.Қутлуғ, табаррук. 2.Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг түнгіч ўғелининг исми.

Ёзилғон сафҳай анда бу мазмун,
Ки улким ёр үлуб баҳти **хұмоюн**... (“Фарҳод ва Шириң”)

Хұмро – қызыл, алвон.

Меъданы покиза айлаб, иштиҳони келтуруб,
Күп ғизо қылғанни қылғай рангини **хұмро** анор (Муқимиң)

Хунардушман – Хунарнинг душмани, касб ҳунар ёви,

Баски даврон әрур **хунардушман**,
Күрадур фазлидин зиён шуаро (Мунис)

Хүр – 1.Озод, әркин. 2.Покиза. 3.Жаннатдаги гүзал қыздар.

4.Шаҳло күз, гүзал, ҳусндор қыз.

Бүте не бут, магар **хури** паризод,
Лаби нозик, бүйи чун сарви озод (“Гул ва Наврұз”)

Хүрлиқо – хүр юзли, гүзал чөхрәли, чөхраси хүрдай.

...бір неча **хүрлиқо** товусдек хиром айлаб... (“Зарбулмасал”)

Хүрүф - /Бирлиги – ҳарф/ Ҳарфлар.

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,

Хүрүфи маъхазин беш қисм қўйди (“Фарҳод ва Шириң”)

Хүрүфи маъхаз – ҳарфлар манбаи.

Хүсул – Ҳосил қилиш.

Бұлуб әрдук **хүсули** бирла ожиз,

Ҳунар әрмас, қўлинг кўргузди мўъжиз (“Фарҳод ва Шириң”)

Хұт – 1.Балиқ, наҳанг. 2.Эски астрономията кўра ўн икки бурж /зодиак/ нинг сўнгти – ўн иккинчиси. 3.Шамсия /куёш/ йили ҳисобига кўра ой номи / Февралнинг иккинчи ярми ва мартнинг биринчи ярми/.

Муждаки, охуйи меҳр **хутдин** айлаб гузар,

Қылди ҳамал даشتининг гулшани сабзин мақар (Мунис)

Хүкқа – Кимматбаҳо тошлар солинадиган қутича. Мажозан: лаб.

Фалак дарди иложи чиқмай ондин кимса топмайдур,
Магар ноёб эрур ул **хүкқа** ичра бу даво асру (Навоий)

Хүй – Товуш, фигон, дод.

Етиб түқкүз фалак тоқыға **хүйонг**,

Етиб кишварни тутқай гуфту-гүйонг (“Фарҳод ва Ширин”)

Адабий-илмий нашр

*Мумтоз адабиёт
манбалари лугати*

*Муҳаррир: Маҳкам Маҳмудов
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев
Мусаҳҳиҳа: Камола Болтабоева*

«MUMTOZ SO’Z»
масъулияти чекланган жамияги
нашриёти
Тошкент, Навоий кӯчаси, 69.
Тел: 241-60-33

Босишга рухсат этилди 07.12.2009. Қоғоз ўлчами 60x84 1/32.
Шартли босма тобоги 27,0. Нашриёт-ҳисоб тобоги 28,0.
Адади 400. Буюртма 15.
Баҳоси келишилган нарҳда

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонасиning босмахонасида муқоваланди.
Манзил: Тошкент, Истиқлол кӯчаси, 33.



ISBN 978-9943-363-63-2

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-363-63-2.

9 789943 363632